

*Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 20 йиллигига
бағишланади*

*Посвящается
20-й годовщине Независимости
Республики Узбекистан*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН:
ЖАҲОН МОЛЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИНҚИРОЗИ, ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ
ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

FD 40809
292

2013/4 A1659	Alisher Navoiy Тошкент — KONSАUDITINFORM-NASHR — 2011 O'zbekiston MK
-----------------	--

**АКАДЕМИЯ НАУК
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ**

**УЗБЕКИСТАН:
МИРОВОЙ ФИНАНСОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
КРИЗИС, ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ И
ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ
НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ**

УДК: 338(575.1)

ББК 65.9(5Ў)

У17

жаҳон иқтисоди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси томонидан тайёрланган ушбу монография жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ва инқироздан кейинги даврда миллий иқтисодиёт ривожланишининг инновацион моделини шакллантиришнинг назарий-методологик муаммоларини ўрганишга бағишланган.

Монографияда Ўзбекистон инновация салоҳиятининг сифатли ўсишини институционал ва инвестиция билан таъминлаш, республика инновация тизимининг жаҳон инновациялар бозорига интеграцияси масалаларига алоҳида урғу берилган.

Монография миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш муаммосига қизиқувчи китобхонларнинг кенг оммасига бағишланади.

И.ф.д., проф. **А.Ф. Расулев**

таҳрири остида

Тақризчилар: и.ф.д., проф. **Н.Х. Жумаев;**

и.ф.д., проф. **А.В. Ваҳобов**

Коллективная монография Института экономики АН РУз посвящена исследованию теоретико-методологических проблем формирования инновационной модели развития национальной экономики в условиях мирового финансово-экономического кризиса и посткризисный период.

Особое внимание уделяется вопросам институционального и инвестиционного обеспечения качественного роста инновационного потенциала Узбекистана, интеграции инновационной системы республики в мировой рынок инноваций.

Книга рассчитана на широкий круг читателей, проявляющих интерес к проблеме инновационного развития и повышения конкурентоспособности национальной экономики.

Под редакцией

д.э.н., проф. **А.Ф. Расулева**

Рецензенты: д.э.н., проф. **Н.Х. Жумаев;**

д.э.н., проф. **А.В. Вахобов**

ISBN 978-9943-311-20-6

© Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Иқтисодиёт институти, 2011.

© KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.

«Биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаш учун туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор».

И.А. Каримов

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётига таъсир кўрсатган глобал молиявий инқироз хом ашё етказиб берувчи иқтисодиётли мамлакатларнинг бош муаммосини — бундай иқтисодиётнинг жаҳон инқирозига нисбатан турғун эмаслиги ва бу турдаги иқтисодий ўсишнинг беқарорлигини намоён этди.

Ушбу вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли хом ашё экспорти моделидан чекинган ҳолда иқтисодиётни жадал, кучли тузилмавий диверсификация қилиш билан иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтишдан иборат бўлиши зарур. Ўзбекистон инновацион тараққиёт йўлига кирмас экан, жаҳон иқтисодиётининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айлана олмайди.

Айнан мана шу нуқтаи назардан инновацион тараққиёт энг устувор истиқболли йўналишлардан бирига айланади ва глобал иқтисодиёт конфигурацияси ўзгараётган шароитда унинг аҳамияти янада ошиб боради. Бир қатор мамлакатлар жаҳон хўжалигида эгаллаган ўрнини янада яхшилашга, жаҳон савдоси, халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз ихтисослашувини ўзгартириш (оптималлаштириш) орқали иқтисодиётни тармоқ ёки ҳудудий жиҳатдан модернизациялаш, такомиллаштириш асосида янада мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Бунинг учун халқаро, минтақавий ва миллий салоҳиятдан фой-

даланган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг илмий ва техник ташкил этувчисини фаоллаштириш лозим.

Бу жиҳатдан, шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг инновация сиёсати тобора агрессив хусусиятга эга бўлиб бормоқда, чунки бозордаги иқтисодий ва технологик етакчилик уларнинг дунёда сиёсий ҳукмрон бўлиши учун замин яратади. Мана шу сабабли ҳам, инновация фаолияти давлатларнинг нафақат рақобатчилик ҳолатини, балки унинг миллий хавфсизлигини ҳам мустаҳкамлаш учун стратегик қурол бўлиб ҳисобланади. Буларнинг барчаси инновацион тараққиёт зарурияти, янгиликларни жорий этиш қобилияти замонамизнинг — XXI аснинг энг муҳим талаби эканидан дарак беради. **Замонавий рақобат курашида сўз, биринчи навбатда, ресурслар, моддий бойликларга эгаллик тўғрисида эмас, балки янгиликларни жорий эта олиш қобилияти тўғрисида боради.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов инновацион тараққиётнинг муҳимлиги тўғрисида бир неча бор таъкидлаган ва бугунги кунда Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятни кенгайтириш ва ундан самарали фойдаланиш, илмий-технологик, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий соҳани мунтазам янгилаб ва такомиллаштириб бориш асосида инновацион ривожланишнинг замонавий моделига ўтиш учун барча зарур ресурсларга, шарт-шароитларга эга эканлиги алоҳида ўқтириб ўтган. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий ва индустриал ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаши учун зарурий шарт ва мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Инновацион ривожланиш сценарийси муваффақият қозонишига ишонч ривожланган мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги ўрнининг заифлашуви¹, нуфузли рақобат кучи-

¹ Масалан, америка саноати таназзулининг йиллик суръатлари 2009 йилда 1946 йилдан бери ўтган давр ичида энг юқори бўлди, ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси 69,1% гача — 1967 йилдаги энг паст кўрсаткичларгача пасайди. Энг жиддий молиявий инқирозни 2008 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб америкалик автомобиль ишлаб чиқарувчилари бошдан ўтказдилар. Европа Иттифоқи таркибидаги давлатлардан ҳеч бири йил давомида саноат ўсишига эриша олмади. *Манба: www.unian.net/rus/news/news-316196.html. 223.05.09.*

нинг қайта тақсимланиши ва кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози оқибатида бозор конъюнктураси ўзгаришига боғлиқ равишда ортиб бормоқда. Муаллифлар жамоаси ҳозирги юзага келган шароитда вақтдан ютиш мақсадида жадал ҳаракат қилиш зарурлиги чуқур тан олади. Биз дарҳол замонавий инновацион модель асосида самарали миллий рақобатбардошликни яратишга киришишимиз лозим, бу бизга истиқболда катта фойда ва имтиёзлар олиш имкони беради. Бу жиҳатдан жаҳон иқтисодиётида бўшаб қолган ўринларни тезлик билан эгаллаш, айти вақтда илғор технологияларга эга, талаб даражасидаги янги самарадор корхоналарни яратиш зарур. Инновацион индустриялаштириш тўғрисида сўз борганда, биз ўтган аср бошларида жаҳоннинг барча давлатларидаги индустриялаштиришни назарда тутганимиз йўқ. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаб берувчи омил сифатидаги янги инновацион-индустриал модельнинг шаклланиши жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги укладига мувофиқ келиши лозим. Жаҳон хўжалик тизимига қўшилиш учун кучли технологик илдамликка эга бўлиш зарур. Ўзбекистон бундай улкан вазифалар ечимини топишнинг барча имкониятларига эга ҳамда бизнинг мамлакатимиз олдига қўйилган мақсадларга эришиши учун тўсиқ бўладиган ҳеч қандай жиддий сабаблар мавжуд эмас.

Муаллифлар жамоаси инқироздан кейинги даврдаги ривожланиш икки жараён — аввалги иқтисодий тузилмаларнинг барҳам топиши ва янгиларининг қарор топиши жараёнларининг уйғунлашуви орқали белгиланишига асосланади. Бунда ҳозир мавжуд иқтисодий, молиявий ва хўжалик институтлари янги технологик-ишлаб чиқариш тизимларининг ривожланиш талабларига мувофиқ равишда ўзгариши лозим, акс ҳолда улар ўз фаолиятини тугатади. Тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу каби таркибий инқирозларнинг бартараф этилиши ва жаҳон иқтисодиётининг иқтисодий ўсишнинг янги босқичларига қадам қўйиши билан иқтисодиётнинг технологик тузилмаси билан бир қаторда унинг институционал тизими, шунингдек, етакчи фирма, мамлакат ва минтақаларнинг таркиби ҳам ўзгарар экан.

Инқироздан чиқиш кенг миқёсли геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан бирга кечади. Баъзи тадқиқотчилар жаҳон иқтисодиётининг тизимли инқироzi ҳақида сўз юритмоқдалар. Жаҳон тизими негизининг ва унга хизмат кўрсатувчи молиявий тузилмаларнинг коллапси ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ривожланган мамлакатлардаги рецессия шароитида иқтисодий ўсишнинг янги узун тўлқинларида жаҳон иқтисодиётининг янги марказлари — Хитой ва Ҳиндистон шаклланоқда. Жаҳон молиявий тизими поливалютали бўлиб бормоқда, глобаллашув эса глокализация, яъни жаҳон иқтисодиётида Осиё-Тинч океан минтақасининг тутган ўрни кучайиб бораётган йирик минтақавий иқтисодий иттифоқларнинг шаклланиши билан ўрин алмашмоқда.

Ҳар қандай мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам, иқтисодий салоҳиятни сақлашга қаратилган ва янги ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларни жадал суръатларда шакллантиришни кўзда тутувчи ўз стратегиясининг мавжудлиги инқироздан кейинги тараққиётнинг зарур шarti бўлиб саналади. Бу стратегик активлар ва ички бозорни хорижий чайқов капиталидан ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг истиқболли инновацион йўналишларида рақобатбардош корхоналарни шакллантириш бўйича фаол таркибий ва илмий-техник сиёсатни амалга оширишни назарда тутати. Бунинг учун стратегик режалаштиришнинг самарали тизими ва ички кредит манбаларига таянган ва жаҳон молиявий инқирозининг беқарорликка олиб келувчи таъсирларидан ҳимоя қила оладиган қудратли миллий молия-инвестиция тизими талаб этилади.

Ушбу жиҳатларни ҳамда илғор технологик индустриалаштириш жараёнларини жадаллаштириш муаммоларини, иқтисодиётнинг инновацион йўналтирилган моделини шакллантиришнинг мураккаблигини эътиборга олган ҳолда, биз монографиямизнинг навбатдаги нашрини айнан мана шу масалага бағишладик. Мазкур нашрда муаллифлар глобал иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш жараёнини унинг технологик, макроиқтисодий ва бошқарув жиҳатлари билан бир бутунликда, Ўзбекистоннинг миллий инновация тизимини

шакллантириш нуқтаи назаридан асослаб беришга ҳаракат қилдилар.

Республикамиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида жаҳон иқтисодиётида юзага келган глобал молиявий инқироз ва инқироздан кейинги тараққиётга боғлиқ равишда юзага келган кўплаб ҳолатларни яна бир бор ўрганиб чиқиш зарурияти туғилди. Мазкур китобнинг яратилишига айнан мана шу ғоя ва илмий давраларда ушбу масаланинг кескин қўйилиши сабаб бўлди.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг қўйидаги муаллифлардан иборат жамоаси томонидан ёзилган: кириш — иқт. фанлари докт. А.Ф. Расулев; I боб: 1.1 — иқт. фанлари докт. А.Ф. Расулев, 1.2 — иқт. фанлари докт. Р.А. Алимов ва иқт. фанлари номз. Д.М. Қурбонова, 1.3 — иқт. фанлари номз. Д.В. Тростянский, 1.4 — академик Р.А. Убайдуллаева; II боб 2.1 — иқт. фан. докт. А.Ф. Расулев ва иқт. фанлари номз. Л.Л. Оленицкая, 2.2 — иқт. фанлари номз. Д.М. Қурбонова, 2.3 — иқт. фанлари докт. Р.А. Алимов ва иқт. фанлари номз. Д.М. Қурбонова; III боб: 3.1 — иқт. фанлари номз. Д.В. Тростянский, 3.2 — иқт. фанлари номз. Д.В. Тростянский, иқт. фанлари номз. О.Ш. Исмаилов, 3.3. — иқт. фанлари номз. М.А. Айдинова, илмий ходим Е.М. Шипилова, 3.4 — иқт. фанлари номз. Х.Т. Муҳитдинов, иқт. фанлари номз. Л.В. Кашляева, иқт. фанлари номз. Р.А. Содиқова; IV боб: 4.1 — иқт. фанлари номз. М.П. Нарзақулова, 4.2 — иқт. фанлари докт. Р.А. Алимов, иқт. фанлари номз. Э.Р. Аҳмедова, иқт. фанлари номз. М.Л. Мирзаева, 4.3 — иқт. фанлари номз. У.С. Нодирхонов, 4.4 — иқт. фанлари номз. Н.М. Юсупова; V боб: 5.1 — иқт. фанлари номз. Л.Ш. Султонова, 5.2 — иқт. фанлари докт. С.А. Воронин, 5.3 — иқт. фанлари докт. С.А. Воронин; VI боб: 6.1 — иқт. фанлари докт. А.М. Қодиров, 6.2 — иқт. фанлари номз. Н.Р. Асадулина, 6.3 — иқт. фанлари номз. С. Севликянц; VII боб: 7.1 — иқт. фанлари номз. М.А. Айдинова, иқт. фанлари номз. Г.П. Гуломова, 7.2 — иқт. фанлари номз. Р.Б. Муртазина, 7.3 — иқт. фанлари докт. Л.П. Максимова, 7.4 — иқт. фанлари номз. Ф.У. Зоирова; хулоса — иқт. фанлари докт. А.Ф. Расулев.

Ушбу нашрни тайёрлашда иқтисод фанлари номзоди А.А. Абдувалиев фаол иштирок этди. Муаллифлар қўлёз-мани тайёрлашда қимматли фикрлар билан кўмак бергани учун академик И.И.Искандаровга ташаккур изҳор этадилар.

Монография Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Қўмитасининг ФА-Ф7-004 «Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ривожланишининг инновацион модели» мавзусидаги гранти доирасида ЎзР ФА Иқтисодиёт институти томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида тайёрланган.

Муаллифлар жамоаси илмий муассасалар, ташкилотлар ва мутахассислар томонидан билдириладиган танқидий фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни кутиб қолади, улар учун миннатдорчилик билдиради ҳамда келгуси ишларда уларни инобатга олади.

I-БОБ

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

1.1. Жаҳон инқирози шароитларида миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги даъватлари

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари ни излашдан иборат»¹. У нафақат мутахассисларнинг ўрганиш предмети, балки ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар сиёсий арбобларининг диққат марказида турган масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан қўллаб-қувватланувчи ва унинг нуқтаи назаридан жаҳондаги иқтисодий барқарорликни кучайтирувчи макроиқтисодий тадбирлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

— давлатнинг ролини маъмурий назоратни камайтириш нуқтаи назаридан тубдан қайта кўриб чиқиш, хусусий секторни кенгайтириш ва иқтисодиётни либераллаштириш стратегиясини ривожлантириш;

— валюта ва солиқ сиёсатини амалга ошириш — мақсад давлат бюджети дефицитини шу даражада қисқартириш керакки, токи инфляцияни юзага келтирмаган, хусусий инвестициялашни монополлаштирмаган, хорижий активларга таъжовуз қилмаган ҳолда уни молиялаштириш мумкин бўлсин.

Шуниси равшанки, миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ХВФ тавсиялари бажарилишининг натижаларини баҳолаш мезони ҳам, унинг алоҳида ғамхўрлик предмети ҳам бўла

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2009. — 4-б.

олмайди. Молиявий ёрдам кўрсатиш оқибатлари учун ва кредитни қайтариш бўйича жавобгарликдан қочиш ХВФ раҳбарларининг асосий тамойилига айланиб қолди. Шу сабабли ХВФ қарз бериш учун давлатни танлашда қуйидаги ягона мезонни асос қилиб олади: мамлакат ўз кредиторларига қарзини тўлашга қурби етадиган бўлиши лозим. Бунга боғлиқ ҳолда, ушбу кредитлаш институтини ислоҳ қилиш зарурияти ХВФнинг зиддиятли сиёсати натижасида келиб чиқади, чунки фонднинг глобал манфаати миллий иқтисодиётни хорижий капитал учун «очиш» мақсадида тартибга солишдан иборат бўлиб, ушбу капитал ишлов берувчи саноатга эмас, балки асосан молия ва хом ашё секторига қаратилгандир. Бу каби аралашувларнинг энг умумий салбий оқибатлари қаторида: қарз олувчи давлатдан капитални олиб чиқиб кетиш ва хўжалик фаолиятдан келадиган фойданинг катта қисмининг четга чиқиб кетиши; аънанавий ишлаб чиқариш турларининг кескин қисқариб кетишига олиб келувчи миллий бозордан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни сиқиб чиқариш (импорт товар ва хизматлар учун имкониятлар яратиб берувчи солиқ ва бож тартиби орқали); маҳаллий ресурсларни, жумладан меҳнат ресурсларини фаол эксплуатация қилиш (иш ҳақининг, иш ҳақи жамғармаси, пенсия, нафақа, ижтимоий имтиёзлар миқдорининг ўсишини чеклаб қўйиш) ва атроф-муҳит деградацияси кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Агар вазиятни холисона баҳолайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда миллий манфаатларнинг глобал манфаатлардан устун қўйилишини кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШ Молия вазири Т. Гейтнернинг G-20 мамлакатларига 2009 ва 2010 йилларда ўз ЯИМ дан инқирозга қарши кураш тадбирлари учун 2%дан ажратиш таклифини фақат Япония қўллаб-қувватлади. Германия ва Франция давлатлари раҳбарлари эса иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни инқирозга қарши энг самарали восита деб эътироф этдилар. Ҳанузгача инқирозга қарши мамлакатларнинг якка ўзи ёки минтақавий альянслар, масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида курашиш аънанаси давом этмоқда.

Асосий зиддият ёки «глобал бошқарув дилеммаси¹»нинг мазмуни шундан иборатки, жаҳон иқтисодиёти — глобал

¹ Scary Words From Martin Wolf: End of Global Imbalances// www.nakedcapitalism.com

объект, иқтисодий сиёсат эса миллий давлат доирасида шаклланади. Айнан шундай вазиятда биринчи даражали эътибор доимо давлатнинг миллий манфаатларига қаратилади. Инқирозгача бўлган даврда глобал манфаатлар жаҳон иқтисодиётининг етакчи субъекти, айнан АҚШ миллий манфаатлари билан деярли уйғунлашиб кетган эди. Бу эса охир-оқибат глобал бошқарув инқирозининг муҳим сабабларидан бирига айланиб, буни етакчи бошқарув субъекти томонидан унинг юзага келиши ва оқибатларининг олдини олиш ёки олдиндан айтиб бериш, шунингдек, уни бартараф этиш бўйича кўламлирига мос тадбирларни амалга ошириш имкониятларининг мавжуд эмаслигида кўриш мумкин. Иқтисодий сиёсат деганда, бу ерда муайян иқтисодий стратегияни амалга ошириш учун ижтимоий-иқтисодий жараёнларга давлат томонидан таъсир кўрсатиш воситалари ва шакллари, усуллари тизими тушунилади. Иқтисодий стратегиянинг мақсад ва вазифалари мамлакатнинг муайян тараққиёт босқичига, глобаллашув шароитларида эса — умуман жаҳон иқтисодиётининг тараққиётига боғлиқ бўлади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ёпиқ иқтисодий сиёсатни амалга оширишга имкон бермайди. Замонавий молиявий институтлар товарни айирбошлаш эмас, балки кўпроқ капитал айирбошлашга хизмат қилади. Жаҳон молия бозорлари дунёнинг бир чеккасидан бошқа ерга шу қадар катта миқдордаги пулларни шундай тезликда ўтказишини таъминлаб берадиларки, бунда миллий пул сиёсати, биринчи навбатда, бозорлар талабига, шундан кейингина иқтисодиётнинг ички эҳтиёжларига мувофиқлашишга мажбур бўлади. Натижада, фақат катта миқдордаги капиталга эга мамлакатлар ютуқли ҳолатни эгаллайдилар, ҳаддан зиёд очиқлик эса, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини янада заифлаштириб юборади.

Ҳозирги даврнинг энг муҳим хусусияти глобал молиявий инқироз оқибатларини бартараф этиш ва жаҳон молиявий тузилмасини ислоҳ қилишдан иборат, бу эса ўз навбатида, алоҳида давлатларнинг монетар сиёсатиغا инқирозга қарши ўзгартиришлар киритишни талаб этади.

Инқирозга қарши сиёсат дарҳол инқирознинг жиддийлигига мувофиқ келадиган кўламлирига эга бўлмади. Ривож-

ланган мамлакатлар томонидан биринчи акс таъсир унинг тарқалиб кетишини тўхтатишга интилишдан иборат бўлди. Дастлаб банк тизимини тартибга келтириш бўйича жадал тадбирлар амалга оширилди. Асосий эътибор икки гуруҳ муаммоларни ҳал этишга қаратилди: биринчидан, кредит тизими таназзулига йўл қўймаслик, яъни молиявий институтларни сақлаб қолиш; иккинчидан, рецессиянинг олдини олиш ёки ҳеч бўлмаганда, бўшаштириш, ишлаб чиқаришнинг жиддий таназзулига йўл қўймаслик.

Одатда инқирозга қарши кураш сиёсати таъсир этадиган тўрт соҳа назарда тутилади: банк тизимини сақлаб қолиш; пул-кредит сиёсати тадбирлари; реал секторни қўллаб-қувватлаш; аҳолини ҳимоя қилиш. Банк соҳасида инқирозга қарши чоралар банкларни қайта капиталлаштириш, барқарорлаштирувчи кредитлар бериш, банк тизимини реструктуризация қилиш, банкларнинг бирлашувига ёки уларни миллийлаштиришга ёрдам кўрсатиш каби тадбирларни ўз ичига олади. Реал секторни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар ички талабни қондиришга йўналтирилган ва ички бандликни таъминловчи тармоқларга ёрдам кўрсатиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, махсус бюджет жамғармаларини ташкил этиш, давлат томонидан берилувчи қарзларни кўпайтиришга қаратилади. Аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар жамғармалар бўйича кафолат суммаларини ошириш, ишсизларни қайта ўқитиш ва янги шароитга мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, пенсия фондларини миллийлаштириш, таълимга инвестицияларни кўпайтиришдан иборат.

Пул-кредит сиёсатида инфляцияга қарши сиёсатдан дефляция хатари туфайли қатор мамлакатлар (АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой ва бошқалар) томонидан фоиз ставкаларини пасайтириш ва аксинча фоиз ставкаларини ошириш (Россия, Белоруссия, Исландия), миллий валюта курсини пасайтириш, заҳира меъёрларини қисқартириш, марказий банк томонидан давлат бюджетини тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан рағбатлантирувчи сиёсатга ўтиш кузатилади. Бу тадбирларнинг деярли барчаси маъмурий-бошқарув иқтисодиёт усулларидир.

Молиявий институтларга ёрдам хусусий мулкдорларга тегишли пакетларнинг расман ёки амалда чекланиши билан

бирга кечиши табиий. Бу эса капитализмнинг фундаментал тамойили сифатидаги хусусий мулкчилик ҳуқуқлари ва шахсий масъулият мезонига нисбатан шубҳани юзага келтиради. Бу эса жорий инқироз глобал тизимли хусусиятга эга эканлигидан ҳамда иқтисодий назария билан ҳўжалик фаолияти ўртасидаги зиддият, ёки назария инқирози ва иқтисодий амалиёт инқирози сифатида намоён бўлишидан яна бир бор далолат беради. Инқирознинг юзага келишига тартибга солишдан чекланиш эмас, балки тартибга солишнинг ва тартибга солувчи воситаларнинг меъёрлар тизимининг, шунингдек, институционал бошқарув ва янги институционал қарорларнинг мавжуд эмаслиги сабаб бўлди. Бунда деярли барча давлатлар, яъни уларнинг раҳбарлари, тартибга солинадиган бозорга ўтишга вақтинчалик тадбир сифатида қараш лозимлигини ва давлат томонидан керагидан ортиқ равишда тартибга солиш жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришнинг постиндустриал стратегиясига умуман тўғри келмаслигини яхши тушунадилар.

Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга ошириш бир қатор муҳим масалаларнинг ечими билан боғлиқ. Биринчи масала инқирозга қарши дастурнинг хусусияти ва мақсадлари миллий иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси ва иқтисодий сиёсатнинг якуний мақсадига қанчалик боғлиқ эканлиги билан ифодаланади. Агар инқирозга қарши дастур даврий хусусиятга эга бўлса, у ҳолда молиявий сиёсат ва унинг хатарлари инқироздан кейинги иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади? Агар бу сиёсат узоқ муддатга мўлжалланган ва «янги иқтисодий сиёсат» сифатида эга бўлса, унинг вазифалари инновацион постиндустриал иқтисодиётни қарор топтириш мақсадлари ва ҳаёт сифатини ошириш вазифалари билан қандай боғланади? Мазкур саволларнинг юзага келишининг ўзи маълум даражада давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг мавжуд усуллари самарасиз эканлигини кўрсатади. Инқироздан чиқиш бўйича тезкор чоралар қабул қилинган ҳозирги вақтда макроиқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Миллий сиёсат (манфаатлар) билан глобал қадриятлар ўртасидаги зиддиятнинг бартараф этилишини иқтисодий

сиёсатнинг яна бир муҳим белгиси сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу вазифанинг ечимини иқтисодиёт соҳасида юзага келган халқаро ҳамкорликнинг ўзига хос томонлари мураккаблаштириб юбормоқда.

Биринчидан, глобал ҳамкорликка ҳали эришилганича йўқ, бироқ инқироз шароитида у объектив заруриятга айланмоқда. Ҳозирги вақтда халқаро ҳамкорлик соҳасида шундай вазият қарор топган: алоҳида давлатлар ҳукуматлари қанчалик кучли бўлса, ушбу ҳамкорликда ихтиёрийлик элементи шу қадар катта.

Иккинчидан, ихтиёрий равишда ўзаро келишиб олишни янада мураккаблаштириб юборувчи сиёсий қадриятлар, манфаатлар, ҳаёт стандартлари ва экологик чекловлар масалалари бўйича зиддиятлар мавжуд.

Учинчидан, миллий иқтисодиётларнинг халқаро савдо, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа шу каби глобал муаммолар бўйича мажбуриятлар ва масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эмаслиги кўзга ташланади.

Тўртинчидан, бир нечасини ҳисобга олмаганда, деярли барча мамлакатлар ўз монетар сиёсатини тартибга солиш учун миллий ташкилотлардан юқори турувчи, халқаро ташкилотларни шакллантиришга шошилмайдилар.

Давлатнинг глобал бошқарувнинг асосий амалга оширувчиси сифатидаги ўрни ўзгариб бормоқда. Агар дастлаб давлатнинг глобал бошқарувдаги иштирокини бевосита ва билвосита шаклларга аниқ ажратишнинг иложи бўлган бўлса, янги жаҳон иқтисодиётида янги тартиб шаклланаётган ва халқаро иттифоқлар ҳамда минтақавий интеграцион гуруҳларининг аҳамияти кучайиб бораётган шароитда давлатнинг глобал бошқарувдаги билвосита иштироки устун бўлиб бормоқда. Айни вақтда давлат, ўз ваколатларининг маълум қисмини трансмиллий инстанцияларга тақсимлаган ҳолда, кенгайтириб бормоқда.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг раҳбарлари глобал инқирозга қарши курашда хусусий мулкчиликнинг обрўсини туширувчи ва бозор иқтисодиётининг фундаментал асоси — қабул қилинадиган қарорларга инсоннинг (биринчи навбатда, тадбиркорнинг) шахсан жавобгарлигига путур етказувчи чораларни татбиқ қилмоқдалар. Давлат (шунингдек,

жамият ҳам) хусусий хатарларни ўз бўйнига олишга тайёр, яъни мулкни ўз тасарруфига олиш сиёсати ўзининг кейинги қадамидаёқ хатарларни тасарруф этишни муқаррар қилиб қўймоқда.

Амалда оғир аҳволга тушиб қолган компанияларга молиявий ёрдам кўрсатиш орқали уларни давлат тасарруфига олиниши юз бермоқда. Давлат тасарруфига олиши жуда бўлмаганда, учта йўл билан: алоҳида фирмаларнинг қарзларини тўлаш, қайта капиталлаштириш орқали акцияларга алмаштириш, шунингдек, йиғилиб қолган мажбуриятларни инфляциялаш йўли билан амалга оширилмоқда. Давлат молиявий муассасаларнинг барча пассивлари (мажбуриятлари)ни кафолатлаш йўли билан, капиталнинг тўғридан тўғри киритилиши орқали ҳам ўзига олишга мойил. Молиявий институтларга ёрдам хусусий мулкдорларга тегишли пакетларнинг расман ёки амалда қисқариши билан биргаликда кечиши табиий. Бу эса хусусий мулк ҳуқуқларини шубҳа остига тушириб қўяди.

Тўғри, ҳозирги мулкни давлат тасарруфига олиш яна бир муҳим хусусиятга эга — бу унинг мажбурийлик тавсифи. Тўғридан тўғри давлат тасарруфига ўтказишдан ташқари дирижизмнинг умумий кенгайиши, яъни ҳоқимият институтларининг индивидуал қарорлари сонининг ўсиши, улар томонидан (бозор эмас) ким ҳақ ва ким ноҳақ эканлиги аниқланиши, шунингдек, давлатнинг иқтисодий агентларга улар қайси хизмат турларини кўрсатишлари ва қандай товар ишлаб чиқаришлари кераклигини белгилаб беришга тайёрлиги кузатилади. Бир томондан «Lehman Brothers»нинг таназзулга юз тутиши ва «Bear Stearns», AIG ва CitiBankларга кўрсатилган, бозор муносабатлари талқинига жавоб бермайдиган давлат ёрдами — бошқа томондан, индивидуал қарорлар натижаси ҳисобланади, яъни маъмурий бошқариладиган иқтисодиётнинг ички қонуниятларига мувофиқ келади.

Ҳақиқатан давлат тасарруфига ўтказилган институтларнинг фаолияти юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорлари навбатдаги тамоман табиий қадам бўлади. Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Г. Браун 2008 йилнинг кузида ҳукумат назорати остига тушган банкларни кичик бизнесга янада кўпроқ маблағ сарфлашга ундаган эди. Бироқ бу каби қарор

лар оқибатларини башорат қилиш мураккаб эмас: агар ҳуку-
мат пулларни қаерга сарфлаш кераклиги тўғрисида буйруқ
берар экан, демак у агар бундай сиёсий буюрилган инвести-
циялар самара келтирмаса, ўз банкига ёрдам кўрсатиши шарт.
Яъни давлат ёрдами ҳам, маблағларнинг самарасизлиги ҳам
боши берк кўчага кириб қолади.

Ҳозирда кўпчилик ҳукуматлар «тизимни шакллантирув-
чи корхоналар» муаммосини уларнинг хўжалик фаолияти-
ни тартибга солиш ишларини яхшилаш, уларга ҳукумат таш-
килотлари томонидан янада эътиборлироқ муносабатда бў-
лиш йўли билан ҳал этиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бу
каби таклифлар гарчи ишлаб чиқариш (айниқса, инфрату-
зилмага оид) тармоқлари учун ҳам қўллаш мумкин бўлса-да,
кўпроқ банк соҳаси учун мўлжалланади.

Бу каби тартибга солиш самарадорлиги муқаррар шуб-
ҳаларни келтириб чиқаради: аввал бундай тизимни қуриш
мумкин бўлмаган бўлса, нима сабабдан у тўсатдан самарали
бўлиб қолади? Мазкур фирманинг унга давлат томонидан
кўрсатилувчи хизматларга чамбарчас боғлиқ бўлишидан воз
кечиш янада самаралироқ ҳисобланади (гарчи янада му-
раккаброқ бўлса-да). Давлат менежмент ва таназулга уч-
раган тизимни ташкил этувчи мулкдорларнинг ўрнига кели-
ши мумкин бўлган иқтисодий агентнинг активлар ва техно-
логияларга эга бўлиши учун имконият яратиб бериши лозим
ва сиёсатнинг ҳақиқий санъати ҳам айнан мана шундадир¹.

Иқтисодий инқироз сиёсатчилар ва экспертлар олдига
замонавий хўжалик тизимларининг фаолият юритиши бўйи-
ча қатор фундаментал масалаларни қўяди. Ушбу масала-
лар интеллектуал тараққиётни, янги ҳақиқатни идрок этиш
ва бир хил жавобга эга бўлмаган муаммолар ечимини талаб
этади.

Кенг муҳокамада бўлган чораларнинг катта қисми мил-
лий миқёсда ҳали етарли даражада сиёсий кўмак олгани
йўқ. Шубҳасиз, молиявий секторни тартибга солиш бўйича
қўшимча тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилишда шо-
шилмаслик лозим, акс ҳолда у яширин хатарларга олиб ке-
лиши, келгусида эса — турли юрисдикциялар ўртасида ар-
битражнинг ривожланишига ва дунё молиявий марказлари

¹ Financial Times. 2009. May 27. P. 9.

харитасида кучларнинг жойлашиш тартибидаги ўзгаришларга олиб келиши муқаррар.

Моҳиятига кўра, тартибга солувчилар ҳозирда бошқа мамлакатларнинг тартибга солувчи кучларининг фаолиятига эътибор қаратмаган ҳолда қарорлар қабул қила олмайдилар. Ҳозирги шароитда миллий молиявий секторларни халқаро мониторинг қилиш механизми ва улар хатарларининг трансчегаравий битимлар қатнашчилари ва тартибга солувчилар томонидан ҳисобга олиниши долзарб вазифага айланиб бормоқда. Бу ерда асосий муаммо, глобаллашган бозорларнинг миллий даражада тартибга солинишидир. Албатта, Базель шартномалари каби муайян халқаро келишувлар ҳам мавжуд. Шунингдек, турли мамлакатларнинг тартибга солувчи ташкилотларининг ўзаро муносабат механизмлари ҳам бор, масалан, «International Organization of Securities Commissions» (IOSCO) – фонд бозорларини ёки инқироз даврида етакчи мамлакатлар марказий банкларининг ҳамкорликдаги фаолиятини тартибга солиб турувчи миллий органларни бирлаштирувчи халқаро ташкилот мавжуд. Бироқ бу юзага келган зиддиятларни бир қадар юмшатса-да, буткул бартараф эта олмайди.

Муҳими, халқаро даражада тартибга солиш ишлари бошланди. 2009 йилда Лондонда ўз олдига иқтисодий инқирозни бартараф этишга қаратилган ҳамкорликдаги ҳаракатларни белгилаб олишни мақсад қилиб қўйган «Катта йигирматалик»нинг иккинчи саммити бўлиб ўтди. G-20 етакчилари «...глобал инқироз глобал қарорларни талаб этади» деган фикрни ёқладилар. Саммитнинг якунловчи баённомасида «...фаровонликни тақсимлаб бўлмайди, фақат умумий ўсишгина барқарор бўлиши мумкин ва бизнинг глобал тикланиш режамиз эҳтиёжларни қондириш ва нафақат ривожланган мамлакатларда, балки бозор муносабатлари шаклланаётган ва дунёнинг энг ночор мамлакатларида ҳам ишловчилар ва уларнинг оилалари учун иш жойларини таъминлаб беришга қаратилиши, шунингдек, фақат шу замон кишиларининг эмас, балки келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини акс эттириши керак», деб эътироф этилади. Лондон саммити иқтисодиётни тартибга солиш масалалари, хусусан, юқори даромадга эга инвесторларни (185% гача) жалб этувчи хедж-

фондларга оид масалаларни ҳал этиш бўйича анча илғор-лаб кетди.

«G-20» таклифлари тавсиявий тавсифга эга бўлса-да, етакчи мамлакатларнинг раҳбарлари жуда кўп масалалар бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқишга эришдилар. Айни вақтда халқаро даражадаги ишлар суръатлари тартибга солишни унификация қилиш (бир хиллаштириш) йўлида жадал ҳаракатланишга имкон бермайди. Турли мамлакатлар ўз манфаатлари учун курашадилар; табиийки, уларни тартибга солиш соҳасида яқинлаштириш осон кечмайди.

Халқаро даражада молиявий фаолиятни консенсус асосида тартибга солиш тўғрисида қамров доираси кенг бўлган қарорларни қабул қилиш сиёсий жиҳатдан муҳим силжиш бўларди. Халқаро ташкилотлар ҳозирча миллий молиявий секторлар мониторингини ривожлантиришга ва унинг натижаларидан инвестициялар қабул қилувчи ва инвестор-мамлакатлар молия бозори иштирокчилари ҳамжа миллий тартибга солувчилар томонидан фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқишга ўз диққатларини қаратишлари зарур.

Иқтисодий тартибга солувчиси сифатида давлатнинг вазифасини кўриб чиқар эканмиз, у рўбарў келган тубдан янги парадигмани эътиборга олиш лозим. Кўпгина анъанавий соҳаларда унинг тутган ўрни халқаро тартибга солувчилардан анча ортда қолади. Миллий банкларнинг қайта молиялаштириш ставкаси, миллий валюта курси, импорт тўсиқлари, экспорт субсидиялари, солиқ солиш, ижтимоий сиёсат, таълим, кадрлар тайёрлаш — буларнинг барчаси иқтисодий тартибга солишнинг шундай воситаларики, уларга давлатнинг таъсири камайиб, ташқи тартибга солувчиларнинг таъсири ортади. Моҳиятига кўра, бунда сўз ҳукумат тарихда илк бор ўз ҳудудидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари устидан назорат қилиш ҳуқуқидан қисман воз кечиши лозимлиги устида бормоқда.

Жаҳон тажрибаси бозор механизмига асосланган, давлат аралашуви жуда оз даражада бўлган, ўзини ўзи тартибга солувчи иқтисодий нисбатан самаралироқ эканлигини кўрсатмоқда. Инқироз сабоқлари тартибга солинмайдиган бозор ҳам иқтисодий тизим, ҳам давлатнинг ўзига зарар келтирувчи бир қатор кутилмаган муаммоларни юзага келтириши

мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса бозорнинг етарли даражада барқарор инфратузилмани яратиш ва ушлаб туришга қодир эмаслигини кўрсатади. Бу жиҳатдан ҳозирги босқичда барча ривожланган индустриал мамлакатларда давлат муҳим ўринни эгалламоқда ва эгаллашда давом этади.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, унинг чуқурлиги ва динамикаси — глобал жараёнларнинг миллий иқтисодиётга таъсирининг ўсишини намоён этди. Ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида, айниқса, иқтисодий соҳаларда ривожланиб бораётган глобаллашув жараёни интеграция ва кооперация кўламларини кенгайтирди, айти вақтда, халқаро рақобатни кучайтириб юборди. Бунинг ортида миллий манфаатларни амалга ошириш учун жиддий синовларни ўз ичига олган кескин рақобат муҳити турибди. Бир қатор хорижий давлатлар инқироздан кейинги даврда ўз бозорларини ҳимоя қилиш ва экспортчи-корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича фаол ҳаракатларни амалга оширишлари оқибатида мазкур вазият янада мураккаблашиб боради.

Буларнинг барчаси эса турли тўсиқлар ва ҳимоя механизмларини барпо қилишнинг истиқболи йўқлиги шакл-шубҳасизлигини, иқтисодиётга фақат ички капитални киритиш ҳисобидан рецессияни енгиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Мазкур йўналишда ҳаракатланаётган давлатлар янги иқтисодий тартибни шакллантиришга таъсир кўрсатиш имкониятини йўқотадилар ва охир-оқибат, жаҳон иқтисодий иерархиясида улар энг чекка ўринларни эгаллашга мажбур бўладилар.

Ҳозирги шароитларда миллий иқтисодиётларни жадал ривожлантиришнинг ягона йўли — бу миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаол сиёсат олиб бориш орқали жаҳон бозорлари билан кенг миқёсли муносабатлар ўрнатиш ҳисобланади. Бундай шароитларда рақобат муҳитининг ривожланиши биринчи даражали аҳамият касб этади, сабаби корхоналар ўртасида молиявий ресурслар учун, товар ва хизматларга камайиб бораётган талабни қондириш учун кураш кескинлашиб боради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон институционал тузилмаларининг ташқи даъватларга мувофиқ жавоб бера олишга тайёрлигини намоён қилди. Ижтимоий-

иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан самарали тартибга солиниши иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун ва ташқи муҳитнинг тез ўзгариб турувчи шароитларига унинг юқори даражада мослашиб олиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Ҳукуматимиз томонидан 2009—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратadbирларнинг амалий самарасини берди»¹.

Ташқи муҳитнинг сифат жиҳатдан ўзгариши мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсад ва устувор вазифаларини ўзгартирмаган ҳолда бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни кўндаланг қилади. Рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, ички номувофиқликларни бартараф этиш бугунги кунда муваффақиятли ташқи иқтисодий сиёсат ўтказиш учун зарурий шарт бўлиб қолмоқда. Биринчи навбатда, бу инқироз шароитларида самарали эмас ва мустақил ривожлана олиш ва мослашиш қобилиятига эга бўлмаган, шу сабабли ҳам модернизация қилиш, санациялаш ёки тугатилиши назарда тутилган хўжалик субъектлари учун тааллуқлидир. Гарчи ўрта муддатли истиқболда, сўзсиз, давлатнинг тартибга солиш ва назорат қилиш вазифалари кучайтирилса-да, улар ҳаддан ташқари тартибга солинадиган муҳитда эмас, балки, рақобат муҳитида амалга оширилиши талаб этилади. Рақобат муҳитини сақлаб қолиш ва ривожлантириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида ва у бартараф этилгандан кейинги тараққиёт даврида барқарор ривожланиш гарови ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам, давлат томонидан тартибга солиш ва давлат ҳимоя чораларини кучайтириш тadbирлари кўп ҳолатларда асосий рақобат механизларини сақлаб қолиш ёки уларни янада фаоллаштириш бўйича тadbирлар билан биргаликда олиб борилади.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — 35-б.

1.2. Жаҳон инқироzi сабоқлари: жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi оқибатларининг салбий таъсирларини бартараф этишнинг ўзбек модели

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi республикамиз иқтисодиётининг ташқи салбий таъсирларга бардошли эканлигини кўрсатди. Моҳиятига кўра у эски маъмурий буйруқ-бозликдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтишнинг биз танлаган «ўзбек модели» учун синов бўлди, дея оламиз. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар миллий моделининг шаклланиши қуйидаги муҳим тамойилларга таянади:

— якуний натижаси аҳолининг турмуш даражасини ўстиришни таъминлашга қаратилган ижтимоий йўналиш;

— меҳнатга лаёқатли аҳолининг оптимал бандлигини таъминлаган ҳолда, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва макроиқтисодий ўсиш муаммоларини ҳал этиш ўртасидаги мувозанатли нисбат;

— хўжалик субъектларини ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигини излашга йўналтирувчи бозор механизмдан фойдаланиш орқали иқтисодий тартибга солиш;

— ишлаб чиқарувчиларга (иқтисодий мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда) фаолият турини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини, ишлаб чиқариш-хўжалик алоқалари доирасини эркин танлаш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда ишлаб чиқаришни давлат томонидан бевосита бошқаришдан чекиниш;

— тузилмавий-инвестиция сиёсатини танлашда, хорижий капитални жалб этиш ва «чекловчи шартлар»ни жорий этиш, шунингдек, иқтисодий воситалар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш орқали иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол ролини сақлаб қолиш;

— бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламлари — болалар, ўқувчи ёшлар, ногиронлар, пенсионерлар ва бошқаларни ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Мамлакатни тараққий эттириш, иқтисодиётни янгилаш ва модернизация қилиш, Инқирозга қарши кураш дастурини

бажариш учун куч ва имкониятларни сафарбар этишда Ўзбекистон глобал инқироз таъсири ва хавфларига қарши тура олиш билан бирга, кам сонли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаган ҳолда, аҳолининг турмуши фаровонлигини янада ўстиришга ҳам эриша олди. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Биз танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда. Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди»¹.

ЯИМнинг ўсиш суръатлари бўйича Ўзбекистон ХВФ ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) маълумотларига кўра жаҳон миллий иқтисодиётининг етакчи тўртлиги таркибига киради, хусусан, республикада ЯИМнинг ўсиши 2009 йилда 8,1%ни, Хитойда — 8,7%, Ҳиндистонда — 5,7% ни ташкил этди (1-жадвал).

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини олдини олувчи ва юмшатувчи омиллар қаторида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

— Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ўз модели, узоқ истиқболда миллий манфаатларга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳолда, у дастлабки йилларданоқ «шок терапияси» усуллари ва бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солиши тўғрисидаги постулатдан бош тортган;

— маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнига тадрижий ёндашув, секин-аста ва босқичма-босқич ислоҳотлар йўли;

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маъруза. — Халқ сўзи, 22 январь 2011 й.

– ўтиш даврида давлат бош ислохотчи масъулиятини ўз зиммасига олиши лозим;

– Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, реал иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарининг барқарор ва узлуксиз фаолиятини таъминлаш учун зарур ва мустаҳкам ресурс базасининг етарли захираси яратилган.

1-жадвал

Реал ЯИМ ўсиш суръатлари
(ўтган даврга нисбатан %да)

Мамлакатлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Ҳиндистон	9,6	9,9	6,4	5,7
Хитой	11,6	13,0	9,0	8,7
Бразилия	3,9	6,1	5,2	-0,2
Ўзбекистон	7,5	9,5	9,0	8,1
Россия	7,7	8,1	5,6	-7,9
Канада	2,8	2,2	0,5	-2,5
Германия	3,4	2,7	1,0	-4,7
АҚШ	2,7	1,9	0,0	-2,6
Япония	2,0	2,4	-1,2	-5,2
Франция	2,2	2,4	0,2	-2,6
Буюк Британия	2,8	2,7	-0,1	-4,9

Манба: World Monetary Fund and OECD, «Биржевой вестник Востока», 14.09.2010

Инқироз оқибатларини бартараф этишда ҳукумат томонидан ўз вақтида ва ҳар тарафлама ўйлаб 2009–2012 йиллар учун мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши ҳамда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимларининг барқарор ва узлуксиз фаолиятини таъминлаб берувчи қарорлар мажмуи ҳамда корхоналар, иқтисодиётнинг реал секторига ёрдам кўрсатиш ва мамлакат аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар катта аҳамият касб этади.

Инқирозга қарши дастурнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришдаги асосий устувор йўналишлари қаторида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз:

– экспортчи корхоналарнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товарларига ички талабни рағбатлантириш;

– иқтисодиётнинг реал секторида инвестиция фаолияти ресурс базасининг ўсишини ва кенгайишини таъминлаш;

— электр энергетикаси тармоғини модернизация қилиш, энергия талабини қисқартириш ва энергия тежовчи тизимларни жорий этиш;

— кичик бизнесни ривожлантириш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш ишларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш.

Жаҳон инқирозига боғлиқ равишда экспорт товарларининг энг муҳим турлари бўйича дунё бозорларида конъюнктура ёмонлашган бир шароитда фаолияти экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, жаҳон бозорларида маҳаллий маҳсулот ҳажмини сақлаб қолиш ва янада кенгайтириш бўйича амалий тадбирларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, барқарор ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш тадбирларининг ҳам аҳамияти катта бўлди.

Хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим йўналишлар қаторида солиқ юкини енгиллаштириш ва рағбатлантириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича қўшимча тадбирларни санаб ўтиш мумкин.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ишлари учун ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан инвестициялар жалб этиш Инқирозга қарши дастурни амалга оширишда энг устувор вазифа бўлиб қолди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида илғор технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмаларига жадал ўтишни таъминлаш, маҳаллий хом ашёни комплекс қайта ишлаш бўйича ўзаро боғлиқ бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара оладиган тармоқлар тизимини шакллантириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9%, 2009 йилда 8,1%, 2010 йилда эса 8,5%ни ташкил этди, жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Мамлакатимиз ЯИМ 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда 2 баробар (бу давр ичида харид қобилияти паритети бўйича ҳисоблаганда ЯИМнинг ўсиши 2,6 каррани ташкил этди), аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ эса 1,7 баробар ошди, буларнинг барчаси эса иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бораётганидан далолат беради.

Республикамизда 2000 йилда ЯИМда саноатнинг ҳиссаси 14,2%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24%ни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4%ни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37%дан 49%гача ўсди, қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1%дан 17,5%гача қисқарди, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда бу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатларда кўпаймоқда, 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилдагига нисбатан 6,8%га, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошди.

Иқтисодиётни инвестициялаш ҳажми 2010 йилда 9,7 млрд. долларга тенг, яъни аввалги йилга нисбатан 13,6% га кўп бўлди, бу эса ЯИМнинг 25%ни ташкил этади. Умумий инвестиция ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8%ни, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2,4 млрд. долларни ташкил этди. Барча капитал қўйилмаларнинг 3,6 млрд. доллардан зиёди ёки 37,5% барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилди. Мамлакатда инфляция даражаси белгиланган чегарадан ошиб кетмади ва 2009 йилдаги 7,4%дан фарқли равишда, 7,3% ни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, агар мазкур секторнинг ЯИМдаги ҳиссаси 2000 йилда тахминан 31%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда эса 52,5% га тенг бўлди. Бу иқтисодиёт мазкур секторининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасидир, хусусан, 2010 йилда ки-

чик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2,7 трлн. сўмни ташкил этди, жумладан микрокредитлар ҳажми 485 млрд. сўмдан ортиб. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатбатан 1,5 баробар кўпайди.

Ишлаб чиқаришни кенг кўламли маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1076 лойиҳа амалга оширилди, бу эса маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар оширишга имкон берди, импорт ўрнини босишнинг самараси 3,4 млрд. долларни ташкил этди, бу эса 2009 йилга нисбатан 1,2 маротаба кўпдир.

Давлат томонидан қўлланган тадбирлар туфайли молия-банк тизими мустаҳкамланди, натижада тижорат банкларининг жами капитали 2010 йилда 36%га ўсди ва банкларимиз эришган 23% миқдоридоги капиталнинг етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган ва бутун дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб бера оладиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиши билан чекланиб қолмай, балки бир қатор белгиланган нормативлар бўйича ҳам ўзининг барқарор ўрнига эга.

Умуман олганда, 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35%га кўпайди. Кейинги йилларда банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Бугунги кунда банкларнинг жами кредит портфелининг 85,1% ички манбалар ҳисобидан шакллланган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида бу ҳолат иқтисодиётимизни ривожлантириш истиқболи учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бунда ташқи қарзлар, асосан, узоқ муддатли, иқтисодиётнинг фақат стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Паст рентабелли, иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни тугатиш ва корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида бу жараёнга тижорат банкларини жалб этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Натижада, тижорат банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланди, уларнинг

67 таси янги инвесторларга сотилди. Банкрот корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун банклар томонидан 156 млрд. сўм миқдорида инвестиция ажаратилди, 21 мингдан зиёд иш ўрни ташкил қилинди. Қайта тикланган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 460 млрд. сўмни ташкил қилиб, умумий қиймати 165 млн. сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва жадал тараққий этишида иқтисодиётга сарфланадиган инвестициялар миқдори муҳим мезон бўлиб ҳисобланади. Амалдаги Инвестиция дастури доирасида 200 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди, шу жумладан, йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «М-300» русумдаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш», 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши» ва ҳ.к. Шуни таъкидлаш жоизки, фақат автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 млн. долларга тенг маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилдагига нисбатан 31,5%га кўпдир, 270 км замонавий автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди.

Навоий аэропорти базасида «Навоий» халқаро интермодаль логистика марказининг қурилиши бўйича катта ишлар амалга оширилди, бу эса Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига бирлаштиришга имкон яратди, натижада у орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди.

Ангрен шаҳридаги 2009 йилда фойдаланишга топширилган Халқаро логистика маркази томонидан 4 млн. тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз транспорт қатнови таъминланди.

Юқори технологик телекоммуникация тармоқлари, хусусан, компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, уяли телефон алоқасининг тараққиёти стратегик аҳамиятга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда уяли алоқа хизматларидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 19 млн. абонентдан зиёд бўлиб, бу 2000 йилга нисбатан 200 баробар кўпдир. Айни вақтда Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,6 баробар ошиб, 7,4 млн. кишини ташкил этмоқда.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастурлар доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 млрд. долларлик маблағ сарфланди, натижада бу 724 км лик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқ барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг км. коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди. Бунинг учун халқаро молия институтларининг 62 млн. доллардан зиёд маблағлари жалб этилди ва ўзлаштирилди. Натижада 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласи ҳар доим давлатнинг диққат марказида туради, хусусан, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлашга жуда катта эътибор қаратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги борасида сўз юритилганда икки муҳим масала — янги иш ўринларини яратиш ва мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар ечимини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2010 йилда амалга оширилган тадбирлар туфайли мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди, янги ташкил этилган иш ўринларининг 604 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиги касаначилик соҳасига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32%га, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига — 1,3 баробар ошди.

Ўзбекистоннинг инқирозга қарши тадбирларни амалга ошириш натижасида эришган муваффақиятлари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа етакчи молия институтлари томонидан эътироф этилди.

Нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг яқин йиллар давомида жаҳон иқтисодиётининг тараққиёт йўна-

лишлари ва башоратлари тўғрисида берган умумлаштирилган тавсифларига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг кескинлиги 2011 йилда секин-аста пасайиб боради, жаҳон иқтисодиётининг секин-аста ўсиши кутилмоқда, бироқ бундаги ривожланиш инқирозгача даврдаги суръатлардан анча паст бўлади.

Миллий иқтисодиётларнинг макроиқтисодий ҳолатининг бундай жаҳон миқёсидаги йўналишлари фонида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳолати либераллашган иқтисодиётга эга қатор мамлакатлардаги ҳолатдан анча яхши экани маълум бўлди.

2009 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган ХВФ ижрочи директорларининг баёнотида «Ўзбекистон ҳукумати эҳтиёткорлик билан олиб борган сиёсати тўғрисида бу даврда тараққиёт учун зарур бўлган етарли даражадаги ресурсларни тўплаш ва инқирозга қарши курашиш имкониятига эга бўлган ҳолда, жаҳон иқтисодий инқирози таъсирларига бардош бера олди», дея таъкидланади.

Етакчи таҳлилчиларнинг таъкидлашларича, халқаро бозорнинг нотўғун ўсиши, қатор мамлакатларда эса товарларга бўлган ички талабнинг давомли пасайиб бориши иқтисодиётнинг реал секторини олға ҳаракатланувчи суръатлар учун мустаҳкам асос яратилишига ёрдам беролмайди.

Инқироз энг кескин тус олган вақтда давлатнинг кенг кўламлардаги аралашуви биринчи навбатда банк-молия тизимининг ликвидлигини мустаҳкамлаш ва ипотека кредитидаги камчиликларни йўқотишга қаратилди, иқтисодиётнинг реал сектори, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига эса етарли аҳамият берилмади.

Бироқ Ўзбекистонда қабул қилинган ва амалга оширилган Инқирозга қарши дастурнинг асосий вазифаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва молиявий барқарорлигини таъминлаб беришга қаратилган сиёсатни ўтказишдан иборатдир, бу биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооператив алоқаларни кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари-

га ички талабни рағбатлантириш орқали амалга оширилади. Мана шу мақсадлар юзасидан қабул қилинган тадбирлар Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

Етакчи экспертлар ва нуфузли халқаро молия институтлари, шу жумладан Осиё тараққиёт банки мутахассисларининг эътирофларига кўра, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш суръатлари глобал рецессия шароитларида унинг барқарор ўсиш динамикаси ва базавий кўрсаткичларининг турғун ҳолатлари намунаси бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, етакчи иқтисодчи олимлар, таҳлилчиларнинг фикрича, иқтисодий ислохотларни давлат раҳбарлиги остида амалга ошириш тўлиқ эркинлаштириш сиёсатини ўтказишдан кўра анча кам йўқотишларга олиб келар экан. Буни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида Ўзбекистон яққол намоён этди.

Хитой Халқ Республикаси молия вазири Се Сюйжэн иқтисодиётни ривожлантиришнинг «ўзбек модели» ҳамда Ўзбекистон Республикаси шароитида муваффақиятли амалга оширилаётган Инқирозга қарши дастурнинг асосий тамойиллари аҳамияти ва таъсир самарасини юқори баҳолади. Мамлакатимизнинг муваффақиятли иқтисодий тараққиётининг жаҳонда тан олинишини Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб боришидан ҳам кўриш мумкин, хусусан, 2009 йилда икки давлат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 2 млрд. АҚШ долларидан ҳам ошди.

Умуман олганда, айнан молиявий-иқтисодий инқироз бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга эга мамлакатларнинг жаҳон тажрибасига таянган, шунингдек, миллий тарихий мерос, анъаналар ва менталитетни ҳар тарафлама эътиборга олган ҳолда яратилган ривожланишнинг ўз моделига асосланган Ўзбекистон иқтисодиётининг яшовчанлиги ва барқарорлигини кўрсатди.

1.3. Инқирозга қарши дастурларнинг самарадорлиги ва инқироздан кейинги тараққиёт устуворликлари

Турли давлатларда инқирозга қарши сиёсатни амалга ошириш механизмлари ва кўламларини танлашга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилайлик.

2-жадвал

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсир кўрсатиш даражасига кўра мамлакатларни тизимлари

I. Паст хатар даражасига эга мамлакатлар	II. Ҳуртача хатар даражасига эга мамлакатлар	III. Юқори хатар даражасига эга мамлакатлар
А. Инқироздан тезлик билан чиқа бошлаган ва қаттиққўллик билан сиёсат юритаётган кичикроқ мамлакатлар (Исроил, Норвегия, Финляндия, Швеция)	А. Хом ашё ресурсларига бой, инқироздан тезлик билан чиқаётган мамлакатлар (Австралия, Канада, ЖАР, ОПЕ мамлакатлари)	А. Жуда оғир муаммоларга эга, инқироз бошланишидан аввалроқ ўта кескинлашиб кетган мамлакатлар (Болтиқбўйи давлатлари, Руминия, Украина, Исландия, Ирландия, Қирғизистон)
Б. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган, таназзулни давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши туфайли бартаараф этган ва тикланаётган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Фарбий Европа мамлакатларининг бир қисми)	Б. Мувозанатдан чиққан, бироқ уларнинг тарқалишига йўл қўймаган ва нисбатан мўтадил сиёсатга ўта олган мамлакатлар (Россия, Қозоғистон, Чехия, Венгрия, Польша)	Б. Инқирознинг биринчи тўлқини унчалик кучли таъсир этмаган, бироқ кейин вазият кескинлашиб кетган мамлакатлар (Греция, Мексика, Португалия)
В. Тикланиш анча жадал кечган, бироқ ҳозирда «қизиб кетиш» хавфи мавжуд йирик мамлакатлар (Бразилия, Хитой, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари)	В. Жаҳон ҳўжалик тизими га чуқур интеграциялашмаган, жиддий салбий таъсирлардан ўзини ҳимоя қила олган мамлакатлар (Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркменистон ва б.)	В. Тараққиёт даражаси паст бўлган, ташқи инқироз ҳолатларига мустақил қаршилиқ кўрсата олмайдиган мамлакатлар (кўпчилик Африка мамлакатлари)

Инқирозгача даврда мавжуд бўлган иқтисодий ҳолатга боғлиқ равишда (инфляция даражаси ва давлат бюджети камомати) ва иқтисодиётни беқарорлаштирувчи юзага келаётган хатарларга жавобан инқирозга қарши миллий дастурларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятлари бўйича барча мамлакатларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин (2-жадвал).

1. Хатар даражаси паст бўлган мамлакатлар, инфляция ва давлат бюджети камомадининг йўл қўйиладиган даражаси билан тавсифланади, азалдан барқарорлаштирувчи мўътадил пул ва фискал сиёсатдан фойдаланади.

А) Унчалик катта бўлмаган, глобаллашиш таъсири остида инқирозга юз тутган, бироқ салбий жараёнларни жадал бартараф эта олган мамлакатлар (Исроил, Норвегия, Финляндия ва бошқалар).

Б) Давлат томонидан фаол ёрдам кўрсатилиши туфайли кейинги йилларда иқтисодиётининг тикланиши ва ўсиши кузатилаётган дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлари.

В) Ўсишнинг юқори суръатларига қайтган, бироқ ҳозирда иқтисодиётининг «қизиб кетиш» хавфи юзага келаётган йирик ривожланган мамлакатлар.

2. Хатар даражаси ўртача бўлган мамлакатлар, инқирозга қарши миллий дастурларини амалга ошириш натижасида ўз кучи билан молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф эта олган мамлакатлар.

А) Инқироздан тез чиқиб кета бошлаган хом ашё ресурсларига бой мамлакатлар (Австралия, Канада, ЖАР, ОПЕК мамлакатлари).

Б) Мувозанатдан чиққан, бироқ уларнинг тарқалишига йўл қўймаган ва нисбатан мўътадил сиёсатга ўта олган мамлакатлар (Россия, Қозоғистон, Чехия, Венгрия, Польша).

В) Жаҳон хўжалик тизимига чуқур интеграциялашмаган, жиддий салбий таъсирлардан ўзини ҳимоя қила олган мамлакатлар (Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркменистон ва бошқалар).

3. Хатар даражаси юқори бўлган, кескин муаммоларга эга мамлакатлар. Бу мамлакатлар ХВФ томонидан қўлланиладиган барқарорлаштирувчи ва бюджет харажатларини қисқартириш чораларини, шунингдек, миллий валютани мустаҳкамлаш учун фоиз ставкаларини оширишни ўз ичига олувчи дастурларни амалга ошириш учун бутун кучларини сафарбар этишга мажбур бўлганлар. Бу мамлакатларнинг катта қисми банк секторида жиддий муаммоларга дуч келдилар ва банкларни давлат тасарруфига ўтказиш ҳамда қайта капиталлаштириш чораларини кўришга мажбур бўлдилар.

Жаҳон иқтисодий инқирози турли мамлакатлар ҳукуматларини инқирозга қарши кураш дастурларини ишлаб чиқишга мажбур этди. Гарчи ҳар бир мамлакат ўз йўлидан борса-да, қарорларни турли ҳукумат раҳбарлари бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда, мустақил қабул қилсалар-да, «инқирозга қарши» асосий чораларни иқтисодий рағбатлантиришнинг учта асосий тури таркибига киритиш мумкин.

1. Инфратузилмани яратиш ва янгилаш учун давлат инвестициялари. Бу йўллар ва тураржойлар қурилиши ва таъмирлаш, мактаблар барпо этиш ва шу кабилардан иборат. Давлат буюртмаси ишлаб чиқарувчилар учун уларнинг товарларига талабни, аҳоли учун эса — иш ўрнини таъминлаб беради, бу эса иқтисодиётни инқироздан чиқиши учун туртки беради.

2. Истеъмол талабини субсидиялар, солиқ имтиёзлари орқали, базавий фоиз ставкасини пасайтириш ҳисобидан рағбатлантириш, бу эса кредитлар бўйича (одамларни янада кўпроқ харид қилишга ундайди) ва банк депозитлари бўйича (бу пул маблағларини сақламасликка ва мувофиқ равишда уларни кўпроқ сарфлашга ундайди) фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келади. Бунинг моҳияти шундаки, одамлар истеъмол учун кўпроқ пул сарфлайдилар ва шунча камроқ жамғарадилар, бу орқали эса пул иқтисодиётга фойда, иш ҳақи ва бошқалар тарзида кўпроқ қайтарилади. Бу ҳам иқтисодий ўсиш учун омил бўлади.

3. Молия институтлари ва бошқа ўзининг катта кўламлари ҳамда бошқарувнинг заифлашиб кетганлиги билан (айнан мана шу уларни инқирознинг биринчи қурбони бўлишга ва таназзулга учрашига сабаб бўлади) ажралиб турувчи «танланган» корпорацияларга «шошилиш ёрдам» кўрсатиш.

Алоҳида давлатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини халқаро кредиторлар, масалан, Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) кабиларнинг талабларига мослаштириш бўйича тадбирларни ҳам алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, у ёки бу давлатнинг инқирозга қарши чоралар дастури, одатда, учинчи гуруҳ (яъни давлат бюджетдаги ҳолат, мамлакат раҳбарларининг сиёсий қарашлари ва банклар ўртасидаги келишув таъсирига боғлиқ бўлаган) тадбирларидан, унга қўшимча равишда дастлабки икки-

та асосий гуруҳнинг турли кучга эга тадбирлари симбиозларидан иборат бўлади. Инқирозга қарши кураш дастурларининг турли моделларини амалга ошираётган ва турли хатар даражаси билан тавсифланувчи бир нечта мамлакатларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Россия дастлаб биринчи йўлни танлаган ҳолда, ўз иқтисодиётини инфратузилма ва ишлаб чиқаришга турли-туман қуйилмалар йўли билан ҳимоя қилишга ҳаракат қилди. Бироқ инфратузилмавий инвестиция лойиҳалари кутилган натижаларни бермади ва ҳукумат ўз диққатини истеъмол талабини рағбатлантиришга қарата бошлади. Сўнгги ҳукумат концепциясини эътиборга оладиган бўлсак, 2009 йилда РФ ҳукуматининг инқирозга қарши чоралар дастурининг қуйидаги бандлари алоҳида қизиқиш уйғотади:

1. Ишсизликка қарши кураш, яъни қўшимча иш ўринларини яратиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва ишсизларга хусусий кичик бизнес бўйича иш бошлаши учун 43,7 млрд. руб. ажратилди. Бунда ишсизларга тўланадиган нафақа миқдори ҳам оширилди. Жами уларга 33,9 млрд. руб. ажратилди.

2. Фойда солиғи ставкаси 24%дан 20%гача пасайтирилди.

3. Минтақавий инқирозга қарши кураш тадбирларини амалга ошириш натижасида минтақалар бўйича бюджетлари мутаносиблигини таъминлаш, уларнинг камомадининг олдини олиш мақсадида 150 млрд. руб. ажратилди.

4. Дастлаб бола уч ёшга тўлгандан сўнг сарфланиши кўзда тутилган оналик капиталидан ушбу муддатга етмасдан аввалроқ уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадларида фойдаланишга (бу ерда кредит бўйича қарз ва фоиз тўлаш кўзда тутилади) рухсат берилди. Жисмоний шахслардан олинувчи солиқни ҳисоблашда солиқ чегирмаси миқдори 1 млн.дан 2 млн. руб.га оширилди.

АҚШ. Американинг тиклаш ва қайта инвестициялаш режаси иккита асосий йўналишни ўз ичига олади: мамлакат иқтисодиётига катта миқёсларда давлат инвестицияларини киритиш ва солиқларни қисқартириш. У биринчи навбатда, ишсизликка қарши кураш, истиқболда эса барқарор иқтисодий ўсишга ёрдам кўрсатишни назарда тутди. Режа қуйидагилардан иборат:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва бизнес солиқларини камайтириш.

2. Ишсизлик бўйича нафақа тўлаш учун минтақаларга субсидиялар бериш, бу каби нафақаларни тўлаш муддатини узайтириш, касбга қайта тайёрлаш дастурларини молиявий таъминлаш, соғлиқни сақлаш учун инвестициялар, ипотека тураржойлари эгалари учун кўрсатиладиган ёрдам миқдорини ошириш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларига озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш.

3. Йўллар ва ичимлик суви тизимларини таъмирлаш, мактаб ва эскирган биноларни таъмирлаш, илмий тадқиқотлар каби инфратузилмаларни инвестициялаш.

Расмий маълумотларга кўра, давлатнинг биринчи даражали мақсади, солиқлардан озод бўлишга интилишдир, бунинг учун 288 млрд. АҚШ долл. ажратилган.

АҚШ молия секторига давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам тўғрисида сўз борганда, албатта, TARP дастури ҳақида эслатиб ўтиш жоиз, у яна ҳукумат томонидан ўзгартишлар киритилган «Полсон режаси» номи билан ҳам машҳур. Дастур муаммоли активларни йўқотишга қаратилган, шунингдек, у АҚШ молия вазирлиги банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиши ва уларнинг активлари бўйича кафолатлар беришини ҳам назарда тутди. Бу молиявий тизимни соғломлаштириш бўйича энг самарали чоралардан бири деб ҳисобланади.

Шунингдек, АҚШ Президенти Б. Обама фан, технологиялар, энергетика ва инновацияни ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун 100 млрд. доллар ажратилишига эришди. Бу маблағ Американинг тиклаш ва инвестициялаш тўғрисидаги қонунида (American Recovery and Reinvestment Act) кўзда тутилган мамлакатнинг инқироздан чиқариш бўйича тадбирлари бутун пакетнинг тахминан 13%ни ташкил этади. Америкалик тадқиқотчилар Ф. Шапира ва Д. Ютининг ёзишларича, бугунги кунда АҚШда мунозаранинг асосий урғуси фан ва техникани ривожлантиришга етарли даражада маблағ ажаратилмайдиган, мазкур молиядан самарали фойдаланилмоқдами ва бу ҳолат кутилган технологик, иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришиш жараёнлари томон етакламоқдами каби масалалар томонга қараб бормоқда.

Бу ва бошқа омиллар дунё бўйича АҚШ етакчилик қилиб келаётган иқтисодиётнинг инновацион секторининг жуда

муҳим эканини белгилаб беради. Илғор технологияларнинг катта қисми Америкада ишлаб чиқилмоқда, ғарб корпорациялари эса ҳануз дунёнинг энг рақобатбардош ва нуфузли компаниялари рўйхатида етакчилик қилмоқда. Бу томондан бугунги кунда Вашингтон ўзи етакчилик вазиятни қўлдан бермасликка интилиш билан чекланиб қолмай, балки дунёнинг бошқа мамлакатларидан устунлигини янада мустаҳкамлаш учун ҳам ҳаракат қилмоқда.

2009 йилнинг апрелида АҚШ Миллий фанлар академиясининг йиллик учрашувида президент Б. Обама энг муҳим миллий масала — тадқиқотлар ва ихтиролар учун харажатларни ЯИМнинг 3% миқдоригача ва ундан ҳам кўпроқ оширилишини эълон қилди. Айнан шунга ўхшаш мақсад 2000 йилда Португалияда бўлиб ўтган саммитда Европа Иттифоқининг Лиссабон стратегияси таркибига ҳам киритилган эди ва ҳозирги вақтда муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Япония. Инқирознинг янада чуқурлашиб кетишига олиб келувчи салбий таъсирларни бартараф этишга ёрдам берувчи ҳукуматнинг биринчи даражали энг муҳим тадбирлари қаторида, энг аввало, бандликнинг етарли даражада юқори кўрсаткичларини ушлаб туриш ва вақтинча ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш чоралари энг муҳим саналади. Бу чора-тадбирлар қаторида, биринчи навбатда, қуйидагиларни эслатиб ўтиш мумкин:

— бандликни мунтазам тартибга солиб туриш учун корхоналарга бериладиган субсидиялар миқдорини ошириш;

— давлат бандлик хизматининг маҳаллий ва минтақавий бўлимлари, шунингдек, иш берувчилар билан фаолият юритувчи хусусий кадрлар агентликлари фаолиятини фаоллаштириш бўйича тадбирлар мажмуини қабул қилиш;

— фаолият юритаётган корхоналарда иш ўринлари миқдори қисқаришининг олдини олиш ва айни вақтда хорижлик ишчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, вақтинчалик ишларни бажариш учун тузилган шартномаларнинг муддатидан аввал тугатилишини олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

— имкони борича кўпроқ ишсизларни иш билан таъминлаш мақсадида иш берувчилар ва кадрлар агентликлари фаолиятини кенгайтириш билан биргаликда касб-ҳунар-тех-

ник таълим ва мутахассислар малакасини ошириш тизимларини янада ривожлантириш ва ҳ.к.

Япония ҳукумати муайян иқтисодий шароитларга мувофиқ бўлган пул-кредит сиёсатини амалга оширди ва бунда асосан қуйидаги йўналишлар бўйича ташкилий ва молиявий ёрдамлар кўрсатилди:

— молиявий воситачилик институтларини ривожлантиришга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш;

— кичик, ўрта ва йирик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш;

— япон компаниялари томонидан амалга оширилаётган хорижий лойиҳаларга молиявий ёрдам бериш;

— турли муаммоли банкларнинг акцияларини сотиб олувчи Корпорацияни ташкил этиш ва унинг фаолиятини кенгайтириш;

— фонд бозори барқарорлигини фаол молиявий ёрдам орқали таъминлаш;

— бир вақтнинг ўзида солиқ солиш қоидаларига аниқлик киритган ҳолда, корхоналар фаолияти ва уларнинг бухгалтерлик ҳисоботларининг очиқлигини таъминлаб берувчи талабларни ошириш;

— ипотека кредитлари ва ер трансакциялари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиш.

Мамлакатда инқирозни бартараф этишда, уй-жой харид қилишда солиқ ставкаларининг вақтинчалик пасайтирилиши, кичик ва ўрта корхоналар учун ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун сарфланадиган маблағларидан олинadиган солиқнинг камайтирилиши, шунингдек, ИТТКИ (илмий-тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари) харажатлари билан боғлиқ бўлган солиқ имтиёзларининг кенгайтирилишини кўзда тутувчи солиқ тизимининг ислоҳ қилиниши муҳим молиявий кўмак ҳисобланади. Инқироз оқибатларини енгиб ўтиш ва истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш юзасидан стратегик тадбирларнинг амалга оширилиши ҳукумат томонидан бюджетдан 15,4 трлн. иена (169 млрд. доллар) миқдорда маблағ ажратилади, унга хусусий капитал қўйилмалардан келадиган маблағни қўшадиган бўлсак, бу миқдор тахминан 56,8 трлн. иена (600 млрд. доллар)га тенг бўлади. Бундан ташқари,

Ҳукумат фонд бозорини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 трлн. иена миқдорда кафолат мажбуриятларини беради.

Ушбу стратегик тадбирларнинг бажарилиши натижасида хусусий секторда жонланиш юзага келади, у ўз навбатида, молия соҳасининг мустақкам барқарорлашувига олиб келади. Бу эса инқирознинг салбий оқибатларини четлаб ўтишга ва халқаро молия бозоридаги ўзгарувчан вазиятни ҳисобга олган ҳолда мамлакатни иқтисодий соғломлаштиришнинг стратегик режаларини жадал амалга оширишга кенг имкониятлар яратади. Қўлланиладиган тадбирлар шунингдек, ички меҳнат бозоридаги қисқа даврда ишсизликнинг ўсишига йўл қўймайди. Режалаштирилаётган молиявий харажатларнинг муҳим натижаси кутилаётган кўп қаррали ижобий самара ҳисобланади. 2011 йилгача бўлган даврда мамлакатда 1,0—1,9 млн. амалдаги иш ўринлари сақланиб қолиши ва тахминан 1,4—2,0 млн. янги иш ўринларининг ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Хитой. Хитойнинг Инқирозга қарши кураш дастури 2009—2010 йиллар учун қабул қилинган. Инқирозга қарши кураш учун ажратилган 585 млрд. доллардан 104,6 млрд. Хитой қишлоқларини ривожлантиришга, 43 млрд. — ижтимоий сугурта тармоғини яратишга, 6,1 млрд. доллардан ортиқроқ — ишсизликка қарши кураш мақсадларига йўналтирилди. Бу мамлакат саноатининг кўпроқ экспорт учун мўлжалланганини эътиборга оладиган бўлсак, инқироз туфайли мамлакат маҳсулотларига жаҳон, биринчи навбатда, Америка талаби кескин камайиб кетди, шу сабабли Хитой ҳукумати иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш режаларида биринчи даражали вазифа сифатида кредит дастурларига кенг миқёсли молиявий маблағлар киритиш орқали ички истеъмол талабини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Хитойликларнинг ҳукумат томонидан кўрсатилган бундай ёрдамига жавоби турли гуруҳ товарларига талабнинг ошишида ўз ифодасини топди. Хитой автомобиль бозоридаги ҳолат айниқса кучли таассурот қолдирди: Хитойда илк бор, дунёнинг бошқа мамлакатлари, шу жумладан Америкага нисбатан кўп машина сотилди.

Ички талабни ошириш мақсадида Хитой ҳукумати фойдаланаётган иккинчи усул инфратузилмага кенг қўлламли

инвестициялар киритишдир. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида авж олган қурилиш кўламлари Хитой ЯИМнинг ўсишида акс этмоқда, шу билан бирга электр энергиясини истеъмоли ҳам қисқариб бормоқда.

Ички талабни рағбатлантиришнинг учинчи йўли — «бюджетдагилар» даромадини оширишдир. Хитойда икки йил ичида пенсияларни 10%га ошириш режалаштирилган.

ЕИ мамлакатлари. ЕИ мамлакатларининг иқтисодий инқироз билан боғлиқ ўз-ўзидан кўриниб турган хусусиятларидан бири — бу унинг таркибига кирган мамлакатлар иқтисодиётининг кучли даражадаги ўзаро боғлиқлигидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, иттифоқнинг етакчи иқтисодиётларининг таназзулга юз тутиши нисбатан кам ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ҳам тушкунликка тушиб қолишига сабаб бўлади. Агар 27 тадан 16 мамлакат евродан расмий валюта сифатида фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг курси ўзгариши (инқирознинг дастлабки уч ойи давомида долларга нисбатан 20%га тушиб кетди) бу мамлакатларнинг барчасига бир йўла таъсир кўрсатади, буни эса Европа Марказий банки (ЕМБ) пул-кредит сиёсатини ўтказишда албатта эътиборга олишга мажбур. Инқирознинг яна бир муҳим томони унинг ЕИ банк соҳасига, айниқса, кучли таъсир кўрсатишида, сабаби АҚШдан фарқли равишда, Европанинг ривожланган мамлакатларида айнан у иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш манбаи ҳисобланади.


2008 йилнинг декабрида ЕИнинг Иқтисодий тикланиш режаси тасдиқланди. Режа икки устувор йўналишда амалга оширилди. Фаолиятнинг биринчи йўналиши — истеъмолчи талаби ва ишончини рағбатлантириш, унинг учун 200 млрд. евро ажратиш таклиф этилган. Иккинчи йўналиш — узоқ истиқболда иқтисодиёт рақобатбардошлигини кучайтириш. Энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ИТТКИ самарадорлигини ошириш мақсадида машинасозлик ва тадқиқот инфратузилмасини, тоза технологияларни ривожлантиришни назарда тутган инвестициялар дастури ишлаб чиқилди.

Иқтисодиётнинг молиявий сектори устида тўхталадиган бўлсак, у ЕМБнинг қатъий назорати остида. Инқироз бошланиши билан Европа марказий банки қайта молиялаштириш

ставкасини 1%гача пасайтирди, бу эса корхоналар ва аҳоли учун кредит бозоридаги вазиятни яхшилаб олишга ҳар тарафлама ёрдам берди. Банкларнинг ликвидликка эга бўлишини таъминлаш мақсадида ЕМБ ўзининг инқирозга қарши кураш сиёсатида асосий восита бўлиб қолган очиқ бозордаги операциялардан фаол тарзда фойдаланди. Стандарт ҳафталик тендерлар ва суткалик кредитлар ёрдамида ликвидликни ошириш каби аввал фойдаланилмаган операциялар ҳам фаол қўлланила бошлади. Узоқ муддатли қайта молиялаштириш операциялари бўйича кредитлаш муддатлари 12 ойгача узайтирилди. Кредитлар олиш учун банклар имкониятларини ошириш мақсадида гаров активлари учун талаблар камайтирилди ва таъминлаш учун қабул қилинадиган қимматли қоғозлар рўйхати кўпайтирилди. Умуман олганда, ЕИ мамлакатлари инқироздан чиқиш йўлларини излашда кафолат, таъминот ва суғурта механизмларига кўпроқ эътибор қаратдилар. Уларнинг асосий мафкураси – молиявий тизимни барқарорлаштириш ва АҚШ даги каби ишонч инқирозини енгиб чиқишдан иборат.

ЕИнинг инқирозга қарши кураш дастури унинг устувор йўналишлари инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган асосий муаммо, аниқроқ айтидиган бўлсак, талаб етишмовчилиги муаммосининг ечимини топиш, шунингдек, ликвидлик инқирози шароитларида молиявий бозорларни барқарорлаштиришдан иборат бўлди.

1-расм. ЕИ мамлакатларидаги истеъмолчилар ишончи индекси¹



¹ www.forexpros.ru


ЕИ мамлакатларини инқирозга қарши тартибга солиш ҳаракатлари натижаларини таҳлил қилиб кўрамиз. ЕИ мамлакатлари иқтисодиётини тиклашнинг алоҳида жиҳатларини кузатиш мумкин бўлган энг муҳим макроиқтисодий индикаторлар ва кўрсаткичларни кўриб чиқамиз:

– истеъмолчиларнинг ишончи индекси истеъмолчиларнинг иқтисодий шароитларга бўлган руҳиятини ифода этади. Ушбу индекс қийматининг жуда паст бўлишига қарамай, уларнинг 2009 йил апрелидан бошлаб кузатилаётган ўсиб бориш тенденцияси истеъмол талабининг ошиб бораётганидан дарак беради (1-расм).

– ЯИМнинг 2009 йил 3-чорадаги ўсиш суръатлари 0,4%ни ташкил этди. Бироқ умуман олганда, ЕИнинг ЯИМ динамикасини ноаниқ деб айтиш мумкин, сабаби охириги ойлардаги умумий ўсиш асосан бир нечта энг ривожланган мамлакатлардаги ўсиш туфайли кузатилди (2-расм).

Инқироздан жиддий азият чеккан давлатлар қаторида АҚШнинг анъанавий савдо-иқтисодий ҳамкорлари бўлмиш Лотин Америкаси давлатларини айтиб ўтиш мумкин. Юзага келган вазият Лотин Америкаси мамлакатларини инқирознинг минтақага салбий таъсирларини бартараф этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия баҳосининг кўтарилиб кетишининг олдини олиш мақсадида барча кучларни бирлаштириш ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга мажбур этди. Минтақадаги молиявий ташкилотларнинг ва ҳукуматларнинг инқирозни бартараф этиш бўйича қарорлар қабул қилишга турлича ёндашуви эса аҳволни янада мураккаблаштириб юборди.

2-расм. ЕИ мамлакатлари ЯИМ динамикаси¹



¹ www.forexpros.ru

Аргентина. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Аргентинани унинг иқтисодиёти ўсиб келаётган бир вақтда ўз домига олди. 2003—2008 йилларда ЯИМ деярли 65%га ўсди, экспорт тахминан 3 маротаба, Марказий Банк валюта захираси тўрт ярим баробар ошди. Иқтисодий тизим умуман олганда диверсификациянинг юқори даражаси билан тавсифланган, ижтимоий соҳада ва ташқи савдода ижобий силжишлар кузатилган. Бироқ жаҳон инқирози аргентиналик товар ишлаб чиқарувчилар учун ташқи бизнес шароитларини ёмон тарафга ўзгартириш билан чекланиб қолмади, балки амалдаги моделнинг энг заиф томонлари ва камчиликларини, яъни капиталнинг мегақочиши (бир йилда 20 млрд. доллардан зиёд) ва асосий миллий экспорт товарлари нархининг тушиб кетиши кабиларни очиб ташлади.

2009 йилнинг мартага келиб Аргентина ҳукумати инқирозга қарши чоралар пакетини умумий тарзда шакллантириб бўлди ва бир қатор аниқ қадамлар ташлади. Булардан давлат инвестицияларини кенгайтириш; реал секторни қўллаб-қувватлаш; инвестиция ва инновация жараёнларини солиқлар бўйича рағбатлантириш; истеъмол талабини бир маромда сақлаб туриш; экспортни рағбатлантириш; давлат қарзларининг маълум қисмини реструктуризациялаш; Аргентинанинг савдо-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар энг муҳим саналади.

Неолиберал ислохотлар даврида ташкил этилган хусусий жамғарма пенсия тизимини тугатиш тўғрисидаги қарор натижасида тахминан 95 млрд. песо миқдорида катта маблағнинг давлат назоратига ўтиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Асосан қурилиш ва инфратузилмани ривожлантириш учун давлат инвестициялари ҳажми оширилди, шунингдек, «Барча аргентиналиклар учун жамоатчилик ишлари режаси» деб номланган режани амалга ошириш асосий йўналиш бўлиб қолди. Сўнги тадбир 400 минг кишини иш билан таъминлаши лозим. Аргентина миллий банки орқали давлат кичик ва ўрта бизнес учун «мўтадил» кредитлар (йиллик 14% ҳисобидан 10 йилга) тақдим эта бошлади, истеъмол кредитининг янги йўналишлари, шу жумладан, автомобиль ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун кредитлар ажратиш йўлга қўйилди, давлат томонидан субсидияланадиган ипотека кредити шакллана бошлади.

Шундай қилиб, Аргентина ҳукумати инқироз шароитларида ҳам мавжуд моделнинг асосий тамойилларидан четга чиқмадилар ва макроиқтисодий модернизациялаш сиёсати доирасида алоҳида эътиборни иқтисодий д давлат томонидан тартибга солишни кучайтиришга қаратмоқда.

Бразилия умумий инқироз фониди БРХХ (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой) гуруҳидаги бошқа мамлакатларга нисбатан узоқроқ муддат давомида анча яхши натижаларни кўрсатишга муваффақ бўлди. Бразилия география ва статистика институти маърузасига кўра, мамлакатда сўнгги 18 йил давомидаги энг кучли пасайиш кузатилди. Институт берган маълумотларга кўра, саноат ишлаб чиқариши қисқариши 2008 йил декабрда 12,4%ни ташкил этди, бу 1991 йилдан буён ойлик динамиканинг энг ёмон кўрсаткичидир. 2009 йил январь ойида Бразилия импорти ҳажми экспорт ҳажмидан 518 млн. долларга ошди. Бундай вазият 2001 йилдан бери илк бор кузатилди, гарчи ўша вақтларда мамлакат 1998 йилги инқироз оқибатларини ҳануз бошдан кечираётган эди. Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Бразилия глобал инқироз таъсирини дарҳол сеза оладиган даражада жаҳон молия тизимига кучли интеграциялашган эмас. Бироқ унинг хом ашё ва материаллар экспортига йўналтирилган иқтисодиёти жаҳон нархларининг пасайиб кетишига тайёр эмас эди. Ўтган йилнинг кузида экспертлар Бразилия ЯИМнинг 3,4%га ўсишини башорат қилган бўлсалар-да, ХВФнинг охириги маърузасидан бу рақамлар 1,5—2% экани маълум бўлди.

Ҳозирги вазиятда кредитлар олиш бразилиялик тадбиркорларнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Гарчи МБ фоиз ставкасини 2,5 фоизга камайтириб — 11,25%га туширган бўлса-да, бу ҳолат тижорат банклари томонидан берилувчи кредитлар олиш имкониятларига катта таъсир кўрсата олмади. Иқтисодийнинг кредит ва инвестицияларга эмас, балки истеъмолчилар даромадларига боғлиқ бўлган тармоқлари (озик-овқат, тикувчилик ва пойабзал саноатлари)дагина аҳвол нисбатан ижобийдир. Йирик супермаркетлар тармоқлари кенгайиб бормоқда. Косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2008 йилда 27,5%га ўсди, парфюмерия саноати юқори суръатларда ривожланмоқда, айнан мана шу туфайли Бразилия 2009 йилда АҚШдан ўзиб

кетган ҳолда, дунёда етакчи парфюмерия ишлаб чиқарувчисига айланиши мумкин.

Маълумки, Бразилия рецессияга энг сўнгилар қаторида кирди, ундан биринчилардан бўлиб чиқиб кетиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Буни миллий ЯИМ динамикасида ҳам акс этмоқда. ИХРТ экспертлари 2010 йилда Бразилиядаги ўсиш 4%ни ташкил этади, деб башорат қилдилар. Ўтган йиллардаги инқирозли вазиятлардан фарқли равишда, мамлакат катта миқдорларда халқаро резервларга эга (207 млрд. доллар).

Латвия. Инқирозга қарши чоралар тўғрисида сўз юртар эканмиз, иқтисодий инқирозни нисбатан оғир кечираётган мамлакатлар қаторида Латвияни тилга олиш жоиз. Ташқаридан ёрдам кўрсатилмаса, Латвия ўз иқтисодиётини тиклай олмаслиги аниқ. ХВФдан кредит олишнинг мажбурий шартларидан бири эса бюджет камомадини қисқартириш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун эса Латвия ҳукумати бир қатор ноанъанавий тадбирларни қўллаш бошлади. Улар қаторида - бюджет соҳасида ишловчиларнинг минимал базавий иш ҳақини камайтириш ва ҚҚС (қушилган қиймат солиғи)ни ошириш, пенсия ёшини узайтириш ва пенсияларни сезиларли миқдорларда қисқартириш (10%га, ишлайдиган пенсионерлар учун эса — 70%га). Латвия мисолида ҳукумат учун анъанавий «инқирозга қарши» тадбирларнинг, ХВФ талабларига зид келишини кўриш мумкин. Шундай экан, ХВФга кредит сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлган бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам ички иқтисодий сиёсатни аслида қарама-қарши томонга «буриб юборадилар».

Шундай қилиб, 2010 йил кескин молиявий-иқтисодий инқироздан кейинги жаҳон иқтисодиётини тиклаш шиори остида ўтмоқда. Бу жараён турли мамлакатларда турлича кечмоқда: «иқтисодиёти жадал ривожланаётган» мамлакатлар, биринчи навбатда, Хитой ва Россия тикланишнинг юқори суръатларини намойиш этмоқда. Унинг изидан БРХХ мамлакатлари, шунингдек, Туркия ва ЖАР бормоқда. 2010 йилнинг ўрталарида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми бўйича Хитой ҳаттоки Япониядан ўзиб кетди ва АҚШдан кейинги 2-ўринни эгаллади. ЕИ нинг ривожланган мамлакатлари ва АҚШда тикланиш суръатлари анча мўътадил кечмоқда, ИХРТ

мамлакатлари орасида Германиянинг аҳволи нисбатан яхшироқ — 2010 йил охирларида ЯИМ ўсиши 2%га тенг бўлди. Россия ундан икки мартаба юқори суръатларни — Жаҳон банки маълумотларига кўра 5%ни, РФ Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ҳисоблари бўйича 4%ни намойиш этмоқда.

Бошқа мамлакатлар мисолида, инқироз вақтида давлат у ёки бу муаммоли компаниялар, банкларнинг активларини сотиб олишини, сўнгра уларнинг соғломлаштирилиши, қайта ташкил этилиши ва келгусида хусусийлаштирилишини кўриш мумкин. Айнан давлат инқироз бошқарувчиси вазифасини ўз зиммасига олади. Бироқ, шу вақтгача, қатор мамлакатлар ўртада тўхтаб қолмасликни, активларни соғломлаштириш, уларни давлат мулки сифатида олиб қолмаган ҳолда, балки бозорга қайтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Тартибга солишнинг монетар воситаларини диверсификация қилиш ва пул-кредит соҳасидаги назорат функцияларини жиддий равишда кучайтириш зарурлигини англаб етиш глобал инқирознинг муҳим сабоғидир. Инқирознинг яна бир муҳим сабоғи бюджет-солиқ сиёсатининг инқирозга қарши салоҳияти самарадорлигининг исботи бўлди.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг, унинг барча молиявий институтларининг ва ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ривожланиши учун бардошлиликнинг зарур захираси яратилди, у эса салоҳиятни янада оширишга, илғор тараққиёт учун мустаҳкам пойдеворни шакллантиришга кенг имкониятлар яратади.

Жаҳон иқтисодиётида инқирознинг узоқ давом этишига қарамай, Ўзбекистонда кенг миқёсларда таркибий қайта қуришлар ва бозор механизмини мустаҳкамлаш ишлари давом этмоқда, ишлаб чиқариш ривожланмоқда, экспорт кўрсаткичлари ошиб бормоқда, биринчи навбатда, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши сабабли унинг диверсификацияси ва етказиб бериш географияси кенгаймоқда, хорижий инвестицияларни жалб этиш жадал суръатларда ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» деб ном-

ланган, жаҳоннинг етакчи иқтисодчилари томонидан этироф этилган китобида баён қилинган 2009—2012 йиллар учун мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини чуқур тадрийжий ислоҳотлар сиёсатининг мантиқий давоми сифатида тавсифлаш мумкин. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор йўналишлари бюджет, молия-банк ва кредит тизимларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилашдан иборат. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши кейинги икки йил ичида тижорат банклари умумий капиталини икки баробар оширишга имкон берди, уларнинг етарлилик даражаси Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан тахминан уч маротаба кўпдир. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобидан реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини максимал даражада камайтириш бўйича тадбирлар қабул қилинди. Маҳаллий экспортёр-корхоналарга мислсиз даражада ёрдам кўрсатилди, уларнинг барқарор фаолияти натижасида экспорт маҳсулотлари ҳажми 2009 йилда сезиларли ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди - бугунги кунда мазкур тармоқ мамлакат ЯИМнинг 50%ни етказиб беради. 2008 йилдан бошлаб Инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши жаҳон инқирозининг салбий оқибатларини камайтирди ва кам сонли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга ва аҳолининг реал даромадини оширишга имкон берди. Жумладан, ЯИМ нинг ўсиши 2010 йилда 8.5%ни ташкил этди.

БМТнинг Ривожланиш дастури Европа ва МДХ мамлакатлари минтақавий бюросининг Марказий Осиё департаменти директори М. Аюб таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши дастурини амалга оширишнинг энг муҳим ижобий натижаларидан бири — мамлакат аҳолисининг гло-

бал инқироз салбий таъсирини деярли сезмаганлигидадир. ХВФнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон инқироз оқибатларини бартараф этишда фақатгина МДХ мамлакатлари орасида эмас, балки кўпчилик бошқа мамлакатлар ўртасида ҳам энг яхши натижа — ЯИМнинг салмоқли ва барқарор ўсишига эришди. Ташқи салбий таъсирларни юмшатишда жаҳон инқирози таҳдидларига ўз вақтида, ҳар томонлама ўйлаб жавоб бериш сиёсати қўл келди.

1.4. Жаҳон молиявий инқирози шароитида ижтимоий сиёсат

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг ижтимоий оқибатларига баҳо бериш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш масалаларининг аҳамияти борган сари ортиб бормоқда. Бундай ҳолатнинг юзга келишига кўплаб мамлакатлар аҳолисининг катта қисми турмуш даражасининг кескин пасайиб кетиши, ижтимоий ва молиявий-иқтисодий табақалашиш кўламларининг ортиб кетиши сабаб бўлди.

Жаҳон банкининг «Жаҳон иқтисодиётининг 2010 йил истиқболлари» маърузасида айтилишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари сўнги 10 йил давомида дунёда иқтисодий ўсиш ва молиялаштириш моделларининг ўзгариб кетишига олиб келар экан¹. Жаҳон ЯИМ 2009 йилда 2,2% га қисқарди, 2010 йилда 2,7%га, 2011 йилда эса 3,2%га ўсади. Ривожланаётган мамлакатларда 2009 йилдаги 1,2% га тенг иқтисодий ўсишга нисбатан 2010 йилги 5,2%, 2011 йилда кутилаётган 5,8% га тенг барқарор ўсиш дуруст истиқболни ифодалайди. Ривожланган мамлакатларда эса ЯИМнинг нисбатан пастроқ суръатларда, 2010 йилда 1,8% ва 2011 йилда 2,3%га ўсиши кутилмоқда. 2009 йилда сезиларли равишда қисқарган (14,4%га) жаҳон савдоси ҳажмининг, башоратларга кўра, 2011 йилда 6,2%га ўсиши кутилмоқда.

Гарчи жаҳон иқтисодиёти бундай кейинги ривожланишининг оптимистик сценарийси эҳтимолдан ҳоли бўлмаса-да, уни истиқболлини башорат қилиш аввалгидек вазиятнинг

¹ <http://gtmarket.ru/news/state/2010/02/08/2519>

ноаниқлиги сабабли мураккабдир. Сўнги бир неча чорак давомида истеъмолчилар ва тадбиркорлар ишончи ўзгаришига боғлиқ равишда ҳамда пул-кредит ва бюджет томонидан рағбатлантириш тўхтатилган муддатдан бошлаб иқтисодий ўсиш 2011 йилда 2,5%дан 3,4%гачани ташкил этиши мумкин.

Маърузада таъкидланишича, иқтисодий ўсишнинг ижобий динамикаси тикланганлигига қарамай, жаҳон иқтисодиётининг инқироз сабабли кўрган зарарларини қоплаш учун бир неча йил керак бўлади. Масалан, баҳоларга кўра, 2010 йилда инқироз натижасида энг ночор шароитларда (кунига 1,25 АҚШ долл.дан кам) яшайдиган кишилар сони тахминан 64 млн.га етиши кутилмоқда.

Шунингдек, кейинги 5—10 йил давомида таваккалчиликка мойилликнинг пасайиши, тартибга солиш бўйича нисбатан чекланган чораларни қўллаш ва кредитлашнинг иқтисодий ўсиш даври учун хос бўлган таваккалчилик даражаси юқори бўлган баъзи турларини қисқартириш бўйича тадбирларини ўтказиш, биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатларда капитал етишмаслигига ва унинг қиймати ошиб кетишига олиб келади. Охир-оқибат, кейинги 5—7 йил давомида ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш катта миқдордаги ва арзон молиялаштиришни сақлаб қолиш мумкин бўлгандаги ҳолатдан 0,2—0,7% га паст бўлиши мумкин.

Натижада, башоратларга кўра, ривожланаётган мамлакатларга киритилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг энг катта миқдори 2007 йилга тўғри келиб, ЯИМнинг 3,9%ни ташкил этган бўлса, у ўрта муддатли истиқболда 2,8—3,0%гача қисқариб кетиши эҳтимолдан узоқ эмас. Агар ривожланаётган мамлакатларда жами инвестицияларнинг 20%дан ортиқ қисми тўғридан-тўғри инвестициялар ҳиссасига тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, бундай қисқариш жиддий оқибатларга олиб келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий инқирози шароитларида ҳануз давом этаётган воқеа-ҳодисалар ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг долзарблиги ва муҳимлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Ушбу муаммолар алоҳида мамлакат, дунёнинг минтақавий, халқаро ташкилотлари ёки йирик молия муассасалари доирасида

қабул қилинаётган инқирозга қарши кураш дастурларида етакчи ўринни эгалламоқда. Гап шундаки, жаҳондаги иқтисодий таназзул ва молиявий инқироз шароитларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш масаласи янада долзарб тус олди.

Жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозининг авж олиш даражасини таҳлил қилган ҳолда, ишсизлар сони бир неча ўн миллион кишига ортиши тахмин қилинмоқда. Шунингдек, дунёнинг барча етакчи мамлакатларида инқирозга қарши фаол ва кенг миқёсли чоралар кўрилишига қармай, умуман олганда, жаҳон иқтисодиёти иқтисодий таназзулга юз тутмоқда ва дунёнинг қатор мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши ҳануз давом этмоқда. Иш ўринлари қисқармоқда, корхоналар тугатилмоқда, молиявий ва кредит инқирози чуқурлашиб бормоқда. Инвестия киритиш, янги корхоналар яратиш ва ишга тушириш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун жиддий рағбатлар мавжуд эмас. Ҳаттоки, АҚШдек ривожланган мамлакатда ҳам молиявий инқироз (айниқса кўчмас мулк бозорида ва автомобиль компанияларининг банкрот бўлиши) оқибатида минглаб юқори малакали мутахассислар ва улардан ҳам кўпроқ оддий ишчилар ишсиз қолдилар. Кўп сонли экспертлар фикрича, Америка меҳнат бозорини тиклаш учун бир неча йиллар талаб этилади. Ҳаттоки, воқеаларнинг муваффақиятли ривожланишига қарамай, Америка иқтисодиётининг инқироздан жадал чиқиб кетиши ва ишсизликнинг 2007 йилдаги 5%лик даражасигача пасайтириш умуман башорат ҳам қилинмаяпти. Бугунги кунда АҚШда ишсизликнинг ўсиши 9% атрофида ва мамлакатдаги давомли рецессия иш ўринларининг қисқариши билан бирга кузатилмоқда. Moody'sнинг машҳур иқтисодчиси Ж. Брузеалис берган баҳоларга кўра, АҚШ меҳнат бозори 2013—2014 йилларда ўз меъёрига келади.

Шунга боғлиқ ҳолда, молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича Лиссабон стратегияси ғояларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга асосланиб фаолият олиб бораётган ЕИ мамлакатларининг иқтисодиёт мувозанатини тиклаш режасини янада батафсилроқ таҳлил этиб кўрамиз.

Европа кенгаши томонидан 2008 йил 26 ноябрда қабул қилинган мазкур режанинг ижтимоий томонлари Иттифоқнинг барча аъзоларининг бандлик даражасининг пасайиши ва иш ўринларининг қисқариб кетишига қарши ҳаракат қилиш ҳамда аҳоли даромади харид қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кучайтиришга қаратилган. Режада жамиятнинг энг ночор қатламлари ва малакаси паст ишчи кучи, яъни кенг кўламда берилувчи ёрдамсиз янги шароитларга мослашиб кетиши қийин бўлган аҳолини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳим куч қуйидаги йўналишларга қаратилди. Иш берувчиларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва ишончини мустаҳкамлаш йўли билан ишдан бўшатишлар сонини минимумга келтириш, яъни тадбиркорларни бандликни сақлаб қолишга йўналтириш учун шароитлар яратиш мўлжалланди.

Режа Европа ижтимоий жамғармаси маблағларини сарфлаш дастурини қайта кўриб чиқиш вазифасини ўз ичига олиб, бу маблағларни, биринчи навбатда, ишчилар малакасини ошириш ёки уларни ўз ўрнини сақлаб қолиши ёки бўшатишган тақдирда тезроқ бошқа иш топа олиши мақсадида қайта ўқитишга сарфлаш назарда тутилади. Бундан ташқари аъзомамлакатлар янги тезкор режаларни ишлаб чиқишлари, бунда асосий ўрин аҳолининг кам ҳимояланган қатламлари ва малакаси паст ишчиларга йўналтирилган меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб боришга ажратилади. Иқтисодиётнинг тез тараққий этувчи тармоқларида янги иш ўринларини яратишни рағбатлантириш мақсадида, интенсив меҳнат харажатларини талаб этувчи хизмат турларига ҚҚС ставкасини камайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, инқирознинг банд бўлмаган аҳолини қўллаб-қувватлай оладиган ва айни вақтда унинг меҳнатга бўлган рағбатига зарар етказиб қўймайдиган хавфсизлик ва ўзгарувчанлик стратегиялари интеграциясини талаб этиши барчага маълум экани таъкидланади.

Шу билан бир қаторда жаҳон иқтисодий инқирозининг кечиши вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. ЕИ мамлакатлари ҳукуматлари юқори ижтимоий стандартларни сақлаб қолиш қандай оқибатларга олиб келишини англадилар. Бу ҳақда 2010 йил баҳорида Грециянинг дефолт ёқасига келиб қолиши, банкрот бўлган Исландия халқаро ҳамжамият-

дан ёрдам сўраб мурожаат қилиши бунинг яққол ифодасидир. Мамлакатлар икки йўлдан бирини танлаш талаб этиладиган шароитга тушиб қолдилар: иш ҳақи ва пенсияларни камайтириш ёки давлат бюджети балансини ва шахсий молиявий салоҳиятни йўқотиш. 2011 йил учун бюджетни режалаштиришда Еврокомиссия Раиси Жозе Мануэль Баррознинг қайд этишича, барча бюджет харажатларини кескин чеклаш чораларини кўрмасликдан бошқа илож йўқ эди. Масалан, Португалия давлат харажатларини барча моддалар бўйича 5%га камайтиришни, Испания эса ҚҚСни 23%га оширишни режалаштирди, Буюк Британия эса аҳолисини камарларни сиқиб боғлашга, сабаби давлат бюджети дефицити ЯИМнинг 11%ни ташкил этишини таъкидлади. Маблағларни тежаш шиори остида иш ҳақларини камайтириб, пенсия ёшини ошира бошладилар.

Бу ҳолат юзасидан Ўзбекистон тажрибаси алоҳида эътибор талаб қилади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида давлат сиёсати, биринчи навбатда, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймасликка қаратилди. Республика раҳбарияти биринчилардан бўлиб Инқирозга қарши чоралар дастурини эълон қилди ва уни амалга оширишга киришди. Ҳозирги кунга келиб, дастлабки яқунларга кўра, шуни таъкидлаш жоизки, мураккаб инқироз шароитларида ҳам республика муайян иқтисодий натижаларга эришди. 2008 йилда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 9,0%ни, 2009 йилда — 8,1%ни, 2010 йилда эса — 8,5%ни ташкил этди, бу эса жаҳон молия институтларининг баҳосига кўра дунё бўйича энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади. Агар 2000 йилда мамлакат ЯИМда саноат улуши атиги 14,2%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 24%га етди, транспорт ва алоқа улуши эса мос равишда 7,7 дан 12,4%га ўсди. Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги ҳиссаси 30,1 дан 17,5%гача қисқарди, айтилиши вақтда эса тармоқда етиштирилган маҳсулотларнинг ўсиш суръатлари 1,8 баробар ошди.

Президент И. Каримов тавсия этган ислохотларни амалга оширишнинг беш асосий тамойилига асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларининг тўғри танлаб олиниши Инқирозга қарши кураш чораларининг юқори самарадорлигига эришишнинг калити бўлиб ҳисобланади.


Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг МДХнинг бошқа мамлакатлари дастурларидан фарқ қилувчи муҳим томони шундаки, дастурда ижтимоий омиллар эътиборга олинган. Бир қатор МДХ мамлакатлари ҳукуматларининг инқирозга қарши кураш дастурлари таҳлили шуни кўрсатдики, уларда асосий урғу молия секторини барқарорлаштириш, инфратузилмаларни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган. Бунда инқироз даврида аҳолининг турмуш даражасини меъёрида ушлаб туриш бўйича ижтимоий масалалар инқирозга қарши дастурлар доирасидан чиқариб ташланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида иш ўринларининг ташкил этилиши, саноат корхоналари билан кооперциялашув асосида касаначиликни ривожлантириш, шунингдек, янги объектларни ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш бошқа МДХ мамлакатларида кузатилаётган ишсизликнинг кенг кўламларда ўсиши йўлида ва жамиятнинг ижтимоий кайфиятларидаги пессимистик ҳолатларнинг кучайишига қудратли тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Дастур тадбирларининг аниқ ижтимоий йўналтирилганлиги фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашда ҳам ўз ифодасини топади. Банк тузилмаларининг, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнларида иштирокини сафарбар қилиш ва янада рағбатлантириш ҳисобига ички талабни ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби лойиҳаларни амалга оширилишига Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурини мисол қилиш мумкин. Лойиҳа қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва индустриал асосда тубдан ўзгартириш ва янгилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади. Узоқ истиқболга мўлжалланган ушбу йирик дастурни амалга ошириш учун лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан қудратли замонавий салоҳиятга эга зарур ташкилий тузилмалар, рағбатлантирувчи чора ва имтиёзлар тизими яратилган. Махсус ташкил этилган банк

ва унинг жойлардаги шохобчалари орқали ушбу мақсадлар учун қиймати 390 миллион доллардан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилган, бу эса 2009 йилги кўрсаткичлардан 4 марта кўпдир. Барча қишлоқ туманларида қиймати 400 млн. долл. бўлган 7600 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан тақдим этилган 2009 йил якунлари бўйича жамоатчилик фикри мониторинги маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Инқирозга қарши кураш дастурини 94% фуқаро тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатиш бўйича ўз вақтида қабул қилинган қарорлар, И.А. Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли, фуқароларнинг берган баҳолари бўйича, молиявий-иқтисодий инқироз улар оиласининг моддий аҳволига таъсир кўрсатмаган.


3-расм. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сизнинг ва оила аъзоларингизнинг моддий аҳволига қай даражада таъсир кўрсатди?



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон фуқароларининг 2010 йилдаги уларнинг ижтимоий кайфиятларига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмади. Аҳолининг катта қисми яқин 12 ой ичида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол янада яхшиланади, ҳар бешинчи респондент эса аҳвол 2009 йилдаги каби ўз барқарорлигини сақлаб қолади, дея фикр билдирди. Сўровнома, мамлакатнинг деярли барча аҳолиси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов танлаган иқтисодий ривожлантириш ва фуқаролар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган махсус дастурини ҳар

тарафлама қўллаб-қувватлаши ва маъқуллашини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакат Президенти томонидан амалга оширилаётган сиёсат ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу эса ўз навбатида, барча аҳоли қатламларининг туб манфаатлари давлат сиёсатининг бош масаласи сифатида қараладиган Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига халқимизнинг ишончини оширади ва оптимистик руҳиятини янада мустаҳкамлайди. Натижада мамлакатда аҳолининг ҳаёт фаровонлиги даражаси ва ўрта табақалилар сони тобора ўсиб бормоқда. Бу эса аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунлигининг ортиб боришида ўз ифодасини топади.

4-расм. Яқин 12 ой ичида, сизнинг фикрингизча, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол қай даражада ўзгаради? (сўралганлар сонига нисбатан % да)



Солиқ юкини енгиллаштириш ва рағбатлантириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хиллаштириш бўйича қўшимча чоралар хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашнинг устувор вазифалари ҳисобланади. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 500 млрд. сўмдан зиёд маблағ сақланиб қолинди ва улар айланма маблағларни тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ходимларни моддий рағбатлантиришга сарфланди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин ту-

таётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ЯИМнинг 50%ни ортиғини ишлаб чиқармоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилда 31%ни ташкил этган. Бу натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

2010 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8%дан 7%га пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди. Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада қисқарди. Масалан, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини камайтириш қиймати 2 баробарга пасайтирилди.

Йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 минг бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди, бунда биноларни ижарага бериш тарифлари субъектларнинг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Мазкур секторга ажратилган кредит ресурслари умумий ҳажми 1,8 трлн. сўмдан ошди.

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги тўғрисида сўз юритганда, уларнинг энг муҳим иккита масала — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2010 йилда мамлакатда 950 мингдан зиёд иш ўрни яратилди, уларнинг 604 минги ёки умумий миқдоридан 65% кичик бизнес ва фермерлик соҳасида, 210 миндан зиёди касаначилик соҳасида қайта ташкил этилган иш ўринларидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳрида 2010 йил апрель ойида бўлиб ўтган «Инқирозга қарши дастурлар самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» Халқаро илмий-ама-

лий конференция жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг салбий таъсирларини бартараф этиш ва иқтисодиётни узоқ муддатли истиқболга мўлжаллаб динамик ислоҳ қилиш юзасидан республика тажрибасини ўрганишга бағишланди. Унда 46 мамлакатдан 400 дан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, тадбиркорлар ва экспертлар, йирик халқаро ташкилотларнинг ва молия институтларининг, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт ва Тикланиш Банки, Ислом Тараққиёт Банки, Евросиё Иқтисодий Ҳамкорлиги вакиллари иштирок этдилар.

Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича БМТТДнинг (UNDP) минтақавий бюроси Марказий Осиё департаменти директори Маҳмуд Аюбнинг таъкидлашича, глобал инқироз жаҳон миқёсидаги ижтимоий ривожланишга ниҳоятда кучли салбий таъсир кўрсатди. Тахминан 240 миллион киши ишдан бўшатилади, 170 миллион одам ночор аҳволга тушиб қолди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишдаги муҳим ижобий натижаларидан бири шундаки, мамлакат аҳолиси глобал инқирознинг салбий оқибатларини амалда деярли сезмади. Кучли ижтимоий сиёсатнинг, айниқса, жаҳон инқирози шароитларида олиб борилиши — бу жуда ҳам оқилона ёндашув. Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лу Брефор Марказий Осиё давлатлари учун глобал инқирознинг макроиқтисодий оқибатлари устида тўхталиб, Ўзбекистон Инқирозга қарши чоралар дастурининг ва унинг доирасида ҳукумат раҳбарлари томонидан узоқ истиқболга мўлжалланган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатни янада муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаб беришини таъкидлаб ўтди. Жаҳон инқирозининг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтиришга иқтисодиётни диверсификация қилишнинг чуқур ўйланган сиёсатини амалга ошириш, пул-кредит тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш орқали эришилди. Лу Брефорнинг фикрича, Ўзбекистон — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, меҳнат бозорини ривожлантиришга, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган реал чора-тадбирлар қабул қилган минтақада етакчи мамлакат.

II БОБ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛИГА МОСЛАШУВИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

2.1. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг инновация концепциялари

Бугунги кунда илғор инновацион иқтисодиётга эга бўлмай туриб, барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Модомики тайёр маҳсулот жаҳон бозорида бирламчи сектор товарларига (газ, пахта, нефть ва бошқалар) нисбатан анча юқори қийматга эга экан, маҳсулотга ишлов бериш даражаси қанчалик юқори бўлса, демак, у ёки бу давлатнинг рақобатбардошлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Шунингдек, иқтисодиётнинг инновационлик даражаси унинг инқироз оқибатларини енгиб ўтишга қодирлигини ҳам белгилаб беради, буни бизга 2008 йилдаги воқеалар намоён этди. Мамлакат бюджети деярли буткул хом ашё экспортига қарам экан, бозор конъюктураси ва давлат ғазнаси ҳажми ҳам ушбу хом ашёнинг бозордаги нархлари билан бевосита боғлиқ бўлади.


Ҳозирги кунда, дунёнинг қатор мамлакатлари жаҳон молявий инқирозидан чиқаётган бир вақтда, конъюктуранинг катта цикллари назарияси муаллифи Н.Д. Кондратьевнинг илмий тадқиқотлари яна долзарб аҳамият касб этмоқда¹. Ушбу назарияга мувофиқ замонавий инқироз 80-йилларнинг охирида бошланган кўтарилиш тўлқинида янги давр, яъни пасайиб борувчи тўлқин — иқтисодий тизим «қайта юкланиш» жараёнига ўтиши ва «совун пуфаги»дан, унинг ёппасига қадрсизланиши йўли билан ҳаддан зиёд ортиқча тўпланган капиталдан халос бўлиш талаб этилган давр томон кескин бурилиш ясади. Шунингдек, Кондратьев фикрига кўра ҳар бир цикл янги муайян бир тарихий шароитлардаги тех-

¹ Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. — М.: Экономика, 2002.

нологик тараққиётнинг, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг янги бир босқичида кечади, мана шунинг учун ҳам у ўтган циклнинг оддий бир қайтарилиши ҳисобланмайди.

Кондратьевнинг йирик циклидаги кўтарилувчи ва пасайиб борувчи босқичларини 5-расмда кўрсатилган тўрт фаза (давр)га бўлиш қабул қилинган.

5-расм. Кондратьевнинг тўрт фазали цикли



Бу фазалар жонланиш (тикланиш); юксалиш (равнақ топиш); таназзул (рецессия) ва тушкунлик (депрессия) деб номланади.

Кўтарилувчи босқич халқаро иқтисодиётда юқори даражадаги хўжалик конъюктурасининг узоқ, тахминан 20–30 йил давомида етакчилик қиладиган (жонланиш ва юксалиш) даврни қамраб олади, бунда у қисқа муддатли чуқур бўлмаган инқирозларни осонлик билан енгиб ўтган ҳолда, динамик ривожланади. Пасайиб борувчи босқич (таназзул ва тушкунлик даврлари) — бу узоқ муддатли, тахминан 20 йил давом этадиган паст хўжалик конъюктураси етакчилик қиладиган давр, бунда гарчи вақтинчалик кўтарилишлар бўлиб турса-да, депрессия ва тадбиркорлик фаоллигининг паст даражаси етакчилик қилади, оқибатда жаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланмайди, вақти-вақти билан чуқур инқирозларга тушиб қолади. Шундай қилиб, кўтарилиш босқичи олдидан инқироз ва тушкунликлар даврининг келиши муқаррар экан. **Шуниси ажабланарлики, айнан депрессияга учраган даврда иқтисодиётнинг инновацияларга мойиллиги энг юқори бўлар экан.** Депрессия «тирик қолиш» учун имкониятлар излашга мажбур этади, инновация жараёнлари эса уларни баратараф эта олади. Бу ҳолатни илк бор немис тадқиқотчиси Г. Менш (Mensch, 1979) аниқ-

лаган ва «депрессиянинг триггерли самараси»¹ деб номланган, бунда у депрессия инновация жараёнини ҳаракатлантириб юборишини назарда тутган. Г. Менш, шунингдек, инновация жараёни бир маромда бўлмаслиги ва у даврий тавсифга эгаллигини ҳамда бу жараён ҳар сафар диффузия жараёнида инновацион кластерларнинг юзага келиши билан тугагини кўрсатиб берган. Америкалик тадқиқотчи К. Фримен (Freeman, 1987)нинг таъкидлашича, бу жонланиш вақтида юз беради². Чамаси, инновация жараёнини юргизиб юбориш вақти депрессия даври ва қисман жонланиш даврини ўз ичига олган ҳолда, узоқ вақтга чўзилса керак. Бироқ куни кеча М.Хироока (Hirooka, 2006)³, катта миқдордаги эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш асосида инновациялар диффузияси билан Кондратьевнинг йирик цикллари ўртасида узвий боғлиқлик борлигини исботлаб берди ва янгиликлар диффузияси мустақил шаклланиш механизмига мувофиқ Кондратьевнинг йирик циклидаги кўтарилиш бўйлаб инновацияларни оралатиб тўплаб боришини тасдиқлади, буни б-расмда кўришингиз мумкин. Шундай қилиб, янгиликлар диффузияси Кондратьев циклининг кўтарилувчи босқичи билан тўлиқ тарзда мувофиқ келади ва циклнинг энг юқори чўққисида ўз маромига етади. Бундан эса қуйидагича муҳим амалий хулоса чиқариш мумкин: давлатнинг инновация сиёсати муваффақияти депрессия ва жонланиш даврида ҳукумат раҳбарларининг инновация жараёнларини кучайтириш синергетик самара бера оладиган вақтни олдиндан кўра олиши ва уни фаол қўллаб-қувватлашга имкониятларига тўлатўкис боғлиқ. Аксинча, агар ҳукумат ёрдами кечиктирилса, инновациялар самардорлиги сезиларли равишда пасайиб кетади.

6-расмда Кондратьевнинг тўртинчи ва бешинчи цикллари кўрсатилган. Тўртинчи циклнинг асосий инновациялари сифатида XX аср илмий-техник инқилобининг энг аҳамият-

¹ *Mensch G.* Stalemate in Technology – Innovations Overcome the Depression. New York, NY: Ballinger. 1979.

² *Freeman C.* Technical Innovation, Diffusion, and Long Cycles of Economic Development. The Long-Wave Debate / Ed. by T. Vasko. Berlin: Springer. 1987. P. 295–309.

³ *Hirooka M.* Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. Cheltenham, UK – Northampton, MA: Edward Elgar. 2006.

6-расм. Кондратьевнинг иқтисодий фаоллик цикллари кўтарилиши бўйлаб инновациялар диффузияси



ли ютуқлари — атом энергетикаси, квант электроникаси ва лазер технологиялари, электрон ҳисоблаш машиналари ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, сунъий йўлдош воситасида алоқа ва телевидениени санаб ўтиш жоиз. Шу билан бир қаторда, бу даврда автомобилсозлик ва авиасозлик тармоқларида ҳам жадал ривожланиш юз берди. Тўртинчи технологик босқич инсоният тарихида жаҳон иқтисодий ривожланишини энг юқори суръатларга кўтарди, 1950 йилдан 1973 йилгача бўлган даврда ўсиш суръатлари 4,9%ни ташкил этди. Тўртинчи циклнинг депрессия даври 1973 йилдан 1982 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Сўнгра жонланиш юз берди ва Кондратьевнинг ҳозирги бешинчи цикли бошланди. Тўртинчи циклдан бешинчи циклга ўтишда жаҳон ишлаб чиқариш ҳажми деярли 11%га қисқарди. Бешинчи технологик босқичнинг негизини микроэлектроника, шахсий компьютерлар, ахборот ва биотехнологиялар ташкил этади. Бешинчи технологик циклнинг ундан аввалги циклнинг энг муҳим инновацияларига асосланган самарадорлиги, табиийки, пастроқ бўлди: дунё бўйича ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1983—2001 йилларда пасайиб кетди ва 3,1%ни ташкил этди. Н.Д. Кондратьев илмий меросининг энг нуфузли билимдони россиялик олим Ю.В. Яковец¹нинг фик-

¹ Яковец Ю.В. Эпохальные инновации XXI века. — М.: Экономика, 2004.

рича, 2001—2002 йиллардаги иқтисодий инқироз Кондратьев циклининг бешинчи кўтарилиш босқичидан янги инқирозлар ва депрессиялардан дарак берувчи пасайиб борувчи циклига ўтишни бошлаб берди.

Ҳозирги давргача жаҳон техникавий-иқтисодий ривожланишида (Англиядаги саноат инқилобидан бошлаб) технологик укладларнинг кетма-кет бир-бирига жой бўшатиб берадиган бешта ҳаётий циклини ажратиш мумкин. Бунда замонавий иқтисодиётда етакчи бўлган ахборот-технологиялар уклади ҳам ҳисобга олинади. Биз иқтисодий тараққиётнинг қуйидаги, ҳар бирида муайян илмий-техник ютуқлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, муҳим тарихий босқичларини ажратдик (3-жадвал).

Айни вақтда, узоқ муддатли техникавий-иқтисодий тараққиётнинг қарор топган суръатлари шуни кўрсатмоқдаки, мазкур технологик уклад ўсишнинг охириги поғоналарига жуда яқин экан — энергия манбалари нархларининг кўтарилиши ва тушиб кетиши, жаҳон молиявий инқирози — буларнинг барчаси етакчилик қилаётган технологик укладнинг ҳаёт цикли тугаб бораётгани ва навбатдагисининг асосида иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришлар даври бошланганидан далолат беради. Бугунги кунда янги, олтинчи технологик укладнинг такрор ишлаб чиқариш тизими шаклланмоқда, унинг қарор топиши ва ривожланиши келгуси йигирма-ўттиз йилдаги глобал иқтисодий тараққиётни белгилаб беради.

Бугунги кунда етакчилик қилаётган ва янгидан юзага келаётган технологик укладлар ўртасида маълум изчиллик мавжуд. Етук технологик уклад — янгиси учун дастлабки ақлий, моддий ва молиявий ресурсларнинг (бошланғич капиталнинг) манбаи ҳисобланади. Унинг доирасида янги технологик укладнинг асосий технологиялари, шу билан бир қаторда уларнинг маҳсулотларига талаб ҳам қарор топади. Янги технологик укладнинг илк шакли ўтган укладнинг технологик занжирлари устидаги қурилма сифатида шаклланади.

Бу жиҳатдан америкалик тадқиқотчи К. Фрименнинг таъкидлашича, бандлик узун тўлқиндаги йўналишни ўзгартирувчи қурилма ролини бажарар экан. Модомики, инқирозлар ва депрессия даврида ишсизлик даражасининг юқори ва

Технологик укладлар хронологияси ва тавсифи

Уклад тавсифи	Технологик босқич тартиб рақами					
	1	2	3	4	5	6
Ҳукмронлик қилгандаври	1770–1830	1830–1880	1880–1930	1930–1970	1970–2010	2010–2050
Технологик етакчилар	Буюк Британия, Бельгия	Буюк Британия, Франция, Бельгия, Германия, АҚШ	Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция	АҚШ, СССР, Фарбий Европа, Япония	АҚШ, ЕИ, Япония	АҚШ, ЕИ, Хитой, Япония, Жанубий Корея
Ривожланган минтақалар	Европа	Европа	Европа ва Россия, Шимолий Америка, Япония	Европа ва СССР, Шимолий Америка, Япония, Янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ)	Европа ва Россия, Шимолий Америка, ЯИМ, Бразилия, Австралия	Европа, Япония, Хитой, ЯИМ, Америка, Австралия
Технологик уклад негизи	Тўқимачилик с-ти, машинасозлик, чўян-эритиш, темир-га ишлов бериш, каналлар қурилиши, сув двигатели	Буғ двигатели, темир йўл қурилиши, транспорт, машина, кemasозлик, кўмир, станок-асбоб-созлик и.ч., қора металлургия	Электротехник, оғир машинасозлик, лўлат ишлаб чиқариш ва прокат, электр узатиш тармоқлари, ноорганик кимё	Автомобил, трактор-созлик, рангли металлургия, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар ишлаб чиқариш синтетик материаллар, органик кимё, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш	Электроника и.ч., ҳисоблаш, оптик-толали техника, дастурий таъминот-телекоммуникациялар, роботсозлик, газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, ахборот хизматлари	Нанозлектроника, молекуляр ва нанофотоника, наноматериаллари наноузилмавий қопламалар, нанобиотехнологиялар, нанотизимли техника

Уклад тавсифи	Технологик босқич тартиб рақами					
	1	2	3	4	5	6
Етакчи омил	Тўқимачилик машиналари	Буғ двигатели, станоклар	Электродвигатель	Ички ёнув двигателлари, нефт-кимё	Микроэлектрон компонентлар	Нанотехнологиялар, ҳужайралар технологиялари
Янги уклад негизини шакллантирувчилар	Буғ двигателлари, машинасозлик	Электрэнергетика, оғир машинасозлик, неорганик кимё	Автомобилсозлик, органик кимё, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, рангли металлургия, автоўллар қурилиши	Радиоэлектроника, авиасозлик, газ саноати	Нанотехнологиялар, молекуляр биология, ген муҳандислиги	
Ушбу технологик укладнинг аввалгисидан афзал томонлари	Фабрикаларда ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва концентрациялаш	Буғ двигателидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш кўллари кенгайтириш ва тўплаш	Электр двигателларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни стандартлаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг мослашувлари	Ёлпасига ва серияли ишлаб чиқариш	Индивидуал ишлаб чиқариш ва истеъмол, ишлаб чиқаришнинг мослашувлари	Ишлаб чиқаришнинг энергия ва материал ситимининг кескинқамийиши, аввалдан белгиланган хусусиятларга эга материаллар ва организмларни лойҳасини ишлаб чиқиш

Манба: Илмий адабиётларда берилган маълумотлар асосида тизилган.

иш ҳақининг паст бўлиши муқаррар экан, айнан депрессиялар даврида энг муҳим инновациялар қарор топади, демак, ижтимоий инновациялар ҳам шу қадар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ижтимоий ва технологик инновациялар қадамбақадам бориши керак. Шу сабабли К. Фримен: «Оқилона иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг устувор вазифаси техник янгиликларни рабатлантириш, уларни мувофиқ ижтимоий ўзгаришлар билан уйғунлаштириш ва бу орқали депрессия даврини қисқартириш йўлларини топишдан иборат», деб ёзган эди (Freeman, 1987). Бу масала юзасидан ҳамжиҳатликнинг мавжуд эмаслиги иқтисодий ўсиш учун глобал тўсиқлардан бири бўлиб келмоқда. Ижтимоий қадриятлар ва мақсадлар, сиёсий воситалар ва технологик инновациялар ўртасида ўзига хос уч томонлама боғлиқлик мавжуд. Агар жамият мазкур уч категория оралиғида ҳамжиҳатлик йўлини топа олса, у ҳолда инновацион-технологик сакраш ва ижтимоий фаровонлик учун ижобий шарт-шароит яратилади.

Юқорида баён этилган фикрларга боғлиқ равишда, Кондратьев циклининг депрессия фазасида (қолаверса, ўзга иқтисодий циклларнинг депрессия фазаларида ҳам) молиявий тизим, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, энг асосий технологик инновацияларни жорий этиш бўйича кенг миқёсли ва самарали чора-тадбирлар талаб этилади.

Шундай қилиб, депрессия даври, яъни давлатнинг тартибга солиб турувчи роли кучайган даврда, иқтисодий ривожланиш тақдирини ҳал қилувчи — қудратли давлат томонидан стратегияларни амалга ошириш учун энг қулай вақт ҳисобланади.

Й. Шумпетернинг таъкидлашича, «депрессия даврида юз берадиган жараёнлар ишончсизлик ва тартибсизликларни ифода этади, буларни биз янги мувозанатни излаш, умумий вазиятларнинг нисбатан жадал ва жиддий ўзгаришларига мослашув сифатида тушунамиз»¹. Шундай қилиб, депрессия жараёнининг ижобий томони унинг аввалги кўтарилиш давридаги барқарорликда юзага келган барча хатоликлар оқи-

¹ *Шумпетер Й.* Теория экономического развития. — М.: Прогресс, 1982.

батларини бартараф этиш йўли билан янги барқарорлик ҳолати томон етаклашида экан. Депрессия, ўз моҳиятига кўра, янги барқарорлик қарор топмагунча давом этади. Депрессия даврида ишлаб чиқариш харажатларининг сезиларли тарзда камайиши кузатилади, бунга товар ва хизматлар баҳосининг пасайиб кетиши, бозордан рақобатбардошлиги заиф иқтисодий субъектларнинг чиқиб кетиши сабаб бўлади. Компаниялар «деконцентрациялаш стратегияси»га мантиқан зид бўлган стратегияни жорий этадилар, бунда улар ички тартиб ўрнатишга ҳаракат қиладилар, бизнеснинг муҳим бўлмаган турларини тақсимлаш ёки сотиш йўли билан асосий фаолият турлари концентрациясини амалга оширадилар. Нисбатан кучли компаниялар заиф компаниялар ҳисобига, яъни рақобатчилардан нисбатан арзон нархларда акцияларни, кадрли ходимлар ва мижозларни ўзлаштириб олган ҳолда кучайиб борадилар, буни биз дунёнинг ривожланган мамлакатларининг барчасида юз бераётганини кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси вазиятга умуман олганда соғломлаштирувчи таъсир кўрсатади ва истиқболда иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратади.

Инновациялар асосан ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилиб, уларни тараққиётнинг янада юқорироқ поғоналарига кўтаради. Бироқ ривожланган мамлакатларда мавжуд инновациялардан фойдаланган ҳолда, баъзи ривожланаётган мамлакатлар ҳам технологиялашувнинг янада юқорироқ поғоналарини эгаллайдилар ва ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларга ўз маҳсулотларини экспорт қила бошлайдилар. Бундай вазиятларда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида рақобат кураши юзага келади, яъни харажатларни камайтириш ва сифатни ошириш кураши. Халқаро илмий-техник тараққиёт нуқтаи назаридан инновацион парадигмага тааллуқли вазият мана шундай. Инновацияларнинг диффузияси даражасига кўра, ихтирочи мамлакат билан мазкур инновациялардан фойдаланувчи мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ўзгаради. Бунинг сабаби, хорижий технологияларни импорт қилган мамлакатлар камроқ меҳнат сарфлашади, масалан, бугунги Хитой каби. XX аср бошларида АҚШ ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги (1950—1975 й.лар) инновацион-технологик жадал юкса-

лиш даврида Япония анча паст ишлаб чиқариш қийматига эга бўлган, шу сабабли уларнинг рақобатбардошлик хусусияти юқори бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида АҚШ Европада яратилган илғор технологияларни жорий этиш орқали ўз иқтисодиётини жадал ривожлантирди, ва технологик етакчилиги ҳамда қудратли ишлаб чиқариш туфайли жаҳон иқтисодиётида ҳукмронлик қила бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония АҚШ йўлидан борди ва ғарб технологияларини кенг миқёслардан жорий этди ва жадал ривожлана бошлади. Кондратьевнинг тўртинчи кўтарилиш цикли даврида Япония ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллади ва тўқимачилик, пўлат, автомобиллар, нефть кимёси, электр асбоблар, микроэлектроника каби ҳал этувчи инновациялардан муваффақият билан фойдаланган ҳолда, илғор ғарб мамлакатлари даражасига етиб олди. Кўплаб инновациялар ўзаро боғлиқлигининг синергетик самараси туфайли ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва фаровонлиги юқори ўсиш кўсаткичлар билан ортиб борди. АҚШ ЯИМ охириги 100 йилда 30 баробар, Японияда эса 80 баробарга ошди (Hirooka, 2006)! Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, айнан инновацион-технологик жадал юксалиш ҳисобига Япония 1950-йиллар ва 1960-йиллардаги АҚШга ва бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан юз йиллик қолоқликни ва технологик узилишни бартараф эта олди. Янги технологиялар бўйича етакчиликка интилиш Япония давлатига 1950-йиллар ва 1960-йилларда саноатнинг пўлат қуйиш, кемасозлик ва автомобилсозлик каби эски тармоқлари бўйича ҳам етакчи ўринни эгаллашга имкон берди. Корея Республикаси ҳам Кондратьевнинг бешинчи кўтарилиш цикли даврини ўз ичига олган 1970 йилдан 2000 йилгача айнан мана шу йўлни босиб ўтди. М. Хироока жаҳон иқтисодиётининг узун тўлқинли цикллари синхрон равишда содир бўлишини ва кечиккан мамлакатларнинг индустриализацияси сўнгги катта циклларнинг кўтарилишига тўғри келганини кўрсатиб берди. Бу эса инновациялар диффузиясининг депрессия даврида секинлашувини ва навбатдаги кўтарилишда янги куч билан тикланишини англатади. Шундай экан, ҳақиқий инновацион юксалиш синхрон тарзда фақат Кондратьевнинг навбатдаги катта циклининг кўтари-

лишида юз бериши мумкин, агар кечиккан бўлса — яна 40 йил кутиш талаб этилади!

4-жадвал

ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, %да*

Мамлакат	1970–75	1976–80	1981–85	1986–90	1991–95	1996–2000	2001–05
АҚШ	3,1	2,2	2,9	2,6	1,8	3,3	2,3
Япония	4,4	3,2	3,0	4,9	1,3	0,2	2,0
Канада	6,2	3,8	1,4	2,1	1,2	4,1	2,9
Корея	13,3	10,6	9,1	11,4	9,7	3,3	3,6

*Жадвал Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ЯИМ динамикаси бўйича маълумотлари асосида тузилган (OECD 2008).

Буни Кондратьевнинг тўртинчи цикли бошида Япониядан тахминан 10 йилга кечиккан ва Кондратьевнинг бешинчи цикли бошланиши билан инновацион юксалган Корея мисолида кўришимиз мумкин.

Инновацион-технологик юксалишни амалга оширган Кореянинг иқтисодий ривожланиши динамикаси бўйича аниқ маълумотларга энг ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатларини таққослаш орқали эга бўлишимиз мумкин (4-жадвал).

Жадвалдан кўришиб турибдики, энг динамик ривожланиш Кореяда кузатилган, айниқса, кўрилаётган даврнинг биринчи ярмида, яъни 25 йиллик интервалда кузатилган, бунда иқтисодиётнинг йиллик ўсиш суръатлари 10%дан юқори бўлган! АҚШ, Канада ва Японияда ривожланиш суръатлари нисбатан паст бўлганлиги кузатилган, сабаби, уларга янги технологиялар юзасидан кучли юксалиш кузатилмаган барқарор ва мувозанатли ривожланиш хос бўлган. Бу эса мазкур мамлакатлар 1950–1970-йилларда тўртинчи технологик укладни ўзлаштириш бўйича етакчилик қилганини, бешинчи Кондратьев цикли даврида эса аввалги инновацион-технологик юксалишнинг меваларидан баҳам кўраётганликларидан дарак беради. Шуни таъкидлаш жоизки, 1950–1970-йилларда Япония иқтисодиётининг йиллик ўсиш суръатлари ҳам тахминан 10%ни ташкил этган. Сўнги 15–20 йилда иқтисодиётда бундай ўсиш суръатларини Хитой намоён этмоқда. Бу эса ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида ҳақиқий инновацион-технологик юксалиш ЯИМнинг икки хонали сонлар билан белгиланувчи мутлақ юқори ўсиш суръатлари билан бирга кузатилаётганини кўрсатади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, тахминан 20 йиллар муқаддам мамлакатлар ва минтақаларнинг рақобатбардошлиги тўғрисидаги масала умуман кун тартибига қўйилмас эди, бунга сабаб дунёнинг юқори даражада ривожланган мамлактларининг ривожланаётган мамлакатлардан устунлиги ҳеч бир шубҳа туғдирмаган. Хитой, Бразилия, Мексика ва Ҳиндистон каби йирик мамлакатларнинг жаҳон бозорини фаол тарзда эгаллаши, «янги индустриал мамлакатлар» деган ном остида бутун бир гуруҳнинг, шунингдек, бир қатор собиқ социалистик мамлакатларнинг жаҳон майдонига кириб келиши билан боғлиқ равишда ҳаммаси тубдан ўзгарди.

Янги рақобат устунликларига эга янги мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига кириб бориши, Фарб мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг трансмиллийлашиш жараёни бу мамлакатларда мутахассисларни рақобатбардошлик масалалари билан шуғулланишга мажбур этди. Жаҳон иқтисодиётидаги кучли ўзгаришлар Фарбий Европанинг кичикроқ юқори ривожланган ва ўртача ривожланган мамлакатларига, айниқса, кучли таъсир кўрсатди, улар ўзининг очиқлик даражасига боғлиқ ҳолда илмий парадигмаларини алмаштириш заруриятини ҳис этдилар. Гарчи бугунги кунда кўплаб рақобатбардошлик назариялари бутун дунёда барча типдаги давлатларга нисбатан қўлланса-да, ўзининг дастлабки кўринишида у биринчи навбатда, ривожланган мамлакатлар учун мўлжалланган эди.

Миллий даражадаги рақобатбардошлик, М. Портернинг таъкидлашича, бу меҳнат унумдорлигини мунтазам ихтиролар яратиш жараёнлари ва инновацияларни жорий этиш орқали рақобатчиларга нисбатан доимий равишда юқори сақлаб туришдир¹.

М. Портер рақобатбардошликнинг тўртта асосий босқичини ажратади:

1) ишлаб чиқариш омиллари босқичи, бунда мамлакат табиат ресурслари ёки арзон инсон ресурсларига таянади (хом ашё иқтисодиёти);

2) инвестициялар босқичи, бунда асосий урғу миллий инвесторлар томонидан самарали молиявий маблағларга берилади (пул сиёсати);

¹ Портер М. Международная конкуренция. — М.: Международные отношения, 1993. — С. 5.

3) янгиликлар босқичи, миллий компанияларнинг фаол новаторлик фаолияти билан юз беради (инновациялар иқтисодиёти);

4) бойликлар босқичи — ижтимоий-иқтисодий бойликларни тўплаш (инновацион иқтисодиётнинг янги поғонасига ўтиш).

Моҳияти бўйича, дастлабки учта босқичда мамлакатда иқтисодий ўсиш кузатилади, охиригида эса унинг рақобатбардошлиги пасайиб кетади ва оқибатда, иқтисодиётда инқироз ҳолати вужудга келади. Бироқ бунда бир босқичдан иккинчисига ўтиш турли инқирозлар билан бирга кечишини ҳам ҳам таъкидлаш керак.

Ривожланган мамлакатларда илм-фан рақобатининг кучайиб кетиши билан икки муҳим саволга жавоб топишга ҳаракат қилди: рақобатбардошлик нимага боғлиқ ва рақобатбардошлик омилларига инновацион ёндашув нуқтаи назаридан уни яхшилашга қай тарзда таъсир кўрсатиш мумкин? Мамлакатлар ва минтақалар рақобатбардошлигининг ҳозирги вақтда жаҳон фанида энг долзарб бўлган асосий назарияларини уч гуруҳга: Америка, Британия ва Скандинавия илмий мактаблари назарияларига бўлиш мумкин. Бундай бўлинишнинг асосий сабаби, муайян мамлакатнинг иқтисодий-географик муҳити тадқиқотчиларга ҳал этувчи таъсир кўрсатишидадир, сабаби улар дастлаб ўз мамлакатларида эмпирик тадқиқотлар олиб борган ҳолда, уларнинг натижаларини умумлаштирганлар, шундан сўнг уни халқаро даражага кўтарганлар ва бу ерда улардан етарли даражада муваффақият билан амалиётда фойдаланилган.

М. Портернинг илмий ишлари мамлакат ёки минтақанинг бошқа иқтисодий субъектларга нисбатан қандай қилиб рақобат устунлигига эриша олиши бўйича олиб борилган тадқиқотларга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг бу барча тадқиқотларнинг муҳим қоидалари икки фикр асосида яратилган: «Миллий раванқ мерос бўлмайди — у яратилади»¹ ва □ «миллий миқёслардаги рақобатбардошликнинг энг оқилона ягона концепцияси — бу меҳнат унумдорлигидир»².

¹ Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. — М.: Издательский дом «Вильямс», 2002. — С. 162.

² Ўша ерда. 168-б.

М. Портернинг энг муҳим назарий тадқиқоти — ёрқин ифодаланган минтақавий жиҳатларга эга саноат кластерлари назарияси бўлиб, у рақобат афзалликлари ромбидан келиб чиқадиган қуйидаги хулосага асосланади: муайян бир тармоқда фаолият юритувчи фирмаларнинг географик жиҳатдан яқин жойлашиши минтақаларнинг рақобат устунлигини яратиш учун қулай шароит ҳисобланади. Портер бўйича кластер — бу «муайян бир соҳада фаолият кўрсатувчи ва фаолиятининг умумийлиги билан тавсифланувчи ҳамда бир-бирини тўлдирувчи географик қўшни бўлган ўзаро ҳамкор компаниялар ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар гуруҳи»¹. Кластерлар кўламлари битта шаҳардан то бир қатор қўшни давлатларгача ўзгариб туриши мумкин.


Портер барча кластерларнинг ривожланишини бир хилда қўллаб-қувватлаш лозим, чунки қай бир кластер жадалроқ ривожланади, қай бири сустроқ кечишини олдиндан билиш мумкин эмас, деб таъкидлайди. Мана шунинг учун ҳам ҳозирда фақат юқори ривожланиш суръатларига эга кластерларга ёрдам кўрсатиш тарафдори бўлган ҳукумат сиёсати тўғри эмас.

Портер ўз назариясини АҚШ шароитларида олиб борилган тадқиқотлар асосида яратганини қуйидагилар орқали англаш мумкин: кластерни ривожлантиришда ўз кучига таяниш, ички бозорнинг кучли таъсири, ташқи глобализация жараёнларининг, хусусан, трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК) кучсиз таъсири. Рақобат устунликлари ривожланиши назариясини яқиндан кўриб чиқиш унинг «ромб» назариясигача бўлган учта машҳур назарияларнинг синтези эканлиги аниқланади:

1) янги ўсиш назарияси, П. Ромер томонидан 1986 йилда ишлаб чиқилган. П. Ромергача неоклассикларнинг мамлакатда иқтисодий ўсиш меҳнат унумдорлиги ва мамлакат аҳолисининг ўсиши каби муайян омиллар билан белгилаб бериладиган чегараларга эга деб тасдиқловчи тасаввурлари ҳукмронлик қилган. П. Ромернинг парадигмасига мувофиқ таълим учун инвестиция ажратиш ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада кўпроқ оширишга ёрдам беради;

¹ Porter M.E. Clusters and the New Economics of Competition // Harvard Business Review. November-December. 1988. P. 78.

7-расм. Ж. Даннингнинг учинчи мустақил ўзгарувчиси қўшилган, М. Портернинг рақобат устуңлиги ромби ва унинг бошқа назариялар билан алоқаси¹



¹ Манба: Муаллиф томондан тузилган: *Hernesniemi H., Lammi M., Yla-Anttila C. Advantage Finland: The Future of Finish Industries // Editor: C. Rouvinen, Helsinki. 1996. P. 15; Dunning J.H. The globalization of business: the challenge of the 1990 s. New York: Routledge. 1993. P.105; Enright M. The Geographical Scope of Competitive Advantage // Stuck in the Region? Changing scales for regional identity / Ed. By E. Dirven. J. Groenewegen and S. van Hoof. Utrecht. 1993. P. 89.*

2) Фарбий Европанинг кичик мамлакатларида ишлаб чиқилган ишлаб чиқарувчи — истеъмолчи муносабатлари назарияси асосий эътиборини ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни жадал ривожлантириб боришга қаратади, сабаби унинг ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам берувчи инновациялар яратилади, деб ҳисоблайди. Портер эса айнан талаб бозордаги ўзгаришларни қувиб ўтиши ва ишлаб чиқарувчига қандайдир бир янгиликни таклиф этиши керак, истеъмолчилар эса ишлаб чиқарувчини ҳамма вақт ўз диққатини инновацияларга эга бўлиш ва уларни жорий этишга қаратишига даъват этиши лозим, деб таъкидлайди;


3) тармоқли ривожланиш модели; бунга биринчи бўлиб инглиз иқтисодчиси А. Маршалл асос солган ва у алоҳида корхонанинг рақобатбардошлигига эришиш учун ўхшаш корхоналар тармоғини яратиш ва улар бир-бирини тўлдирган ҳолда фаолият кўрсатиши лозимлигини таъкидлайди. Портернинг рақобат устунликлари ромбида бу назария «ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи» тармоқлар таърифида ўз ифодасини топган.

Юқорида келтирилган Портер ромбидаги учта назария синтези Ж. Даннинг қўшимчалари билан биргаликда 7-расмда кўрсатилган.

Портернинг учинчи концепциясига мувофиқ рақобатбардошликни ривожлантиришнинг тўрт босқичи босиб ўтилади (8-расмга мувофиқ): 1 — ишлаб чиқариш омилларига асосланган рақобат (аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад паст мамлакатлар), 2 — инвестициялар асосидаги рақобат (аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ўртача мамлакатлар), 3 — инновациялар асосидаги рақобат (турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар), 4 — бойликларга асосланган рақобат. Дастлабки уч босқичда мамлакатда ўсиш кузатилади ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб боради, бунда унинг иқтисодиёти табиий ресурслардан фойдаланиш асосида ривожланиш шаклидан фанга асосланган иқтисодиёт — билимлар иқтисодиётига томон ўтиб боради¹. Тўртинчи босқичда

¹ Schwab K., Porter M.E., Sachs J.D. The Global Competitiveness Report 2000–2002. N4. Oxford University Press World Economic Forum. 2001. P. 3.

8-расм. Рақобатбардошлик салоҳияти жамғарилишининг тўрт bosқичи¹



¹ Манба: Муаллиф томонидан тузилган: Schwab K., Porter M.E., Sachs J.D. The Global Competitiveness Report 2000—2002. N4. Oxford University Press World Economic Forum. 2001. P. 12.

ривожланиш суръатлари пасаяди ва мамлакат инқирозга юз тутди.

Саноат кластери назарияси М. Портернинг шогирди М. Энрайт томонидан янада ривожлантирилди. Рақобатбардошликнинг мамлакат ичидаги минтақавий тафовутлари ва рақобат устунлигининг географик кўламлари Энрайтнинг тадқиқот объекти сифатида хизмат қилди. У рақобат устунлиги халқаро ёки миллий миқёсларда эмас, балки минтақавий даражада яратилади, бунда минтақаларнинг ривожланиши учун тарихий шарт-шароит, бизнес юритиш маданиятининг турли-туманлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маълумот олиш кабилар муҳим аҳамиятга эга, деб тахмин қилган.

Натижада, М. Энрайт «минтақавий кластер» назариясини яратди. «Минтақавий кластер — бу шундай саноат кластерики, бунда унга аъзо фирмалар географик жиҳатдан бирига яқин жойлашган бўлади», ёки «минтақавий кластер — бу хўжаликнинг битта ёки бир нечта ўзаро боғлиқ тармоқларида фаолият юритувчи фирмалар агломерацияси»¹. М. Энрайт минтақавий кластернинг рақобат устунлигининг уч поғонасини ажратган: халқаро, миллий ва маҳаллий (локал).

Умумий иқтисодий-географик ҳолатига кўра бирлаштирилган, бироқ турли давлатларда жойлашган бир нечта саноат штандартлари халқаро рақобат устунлигига эга бўлган минтақавий кластерни шакллантиради. Бундай типдаги кластерга Швейцария (Базель ш.) ва Германиянинг Рейн дарёси бўйида (Лeverкузен, Франкфурт-Майн ва Лювигсхафен шаҳарлари) жойлашган кимё саноатининг тўртта штандарти ёрқин мисол бўла олади.

Жаҳон хўжалигида мукаммаллашиш жараёни учун асоснинг юзага келишини К. Фримэннинг «техноиқтисодий парадигмалар» назарияси орқали тушунтириш мумкин. К. Фримэн назариясига мувофиқ Кондратьев-Шумпетернинг ҳар бир циклида жаҳон иқтисодиётидаги тармоқлардан бирининг устувор ўрнини белгилаб берувчи битта «техноиқтисодий парадигма» ҳукмронлик қилади². Мазкур парадигма жаҳон

¹ *Enright M.J. Why Clusters are the Way to Win the Game // World Link. N 5, July / N.4, August, 1990. P. 24-25.*

² *Длинные волны НТП и социально-экономическое развитие. — Новосибирск, 1991. — 224 с.*

хўжалигининг етакчи мамлакатлари эга бўлган энг яхши амалий билимлар тизимини ўз ичига олади.

Ҳар бир парадигма шаклланиш, юксалиш ва жаҳон хўжалигини янада ривожлантириш учун зарур барча технологик билимлар тугаб бўлган инқироз фазасини бошдан ўтказди. Ривожланиш даражасига кўра нисбатан паст ўринни эгаллаган мамлакат учун жаҳон хўжалигида техноиқтисодий парадигма алмашинаётган даврда технологик қуролланиш жиҳатидан анча юқори турган мамлакатларга етиб олиш ва бирданига юқори тараққиёт даражасига кўтарилиш учун имконият юзага келади. Нисбатан кам ривожланган мамлакатларнинг юқори даражада тараққий этган давлатларга етиб олишига мисол тариқасида, 1970—1990-йиллардаги техноиқтисодий парадигма алмашаётган даврда бунга эриша олган Финляндияни келтириш мумкин. Бу назариядан Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш мумкин. Унинг эгаллаб турган ўрнига асосланиб, техноиқтисодий парадигма эволюциясининг йўналишларини олдиндан кўра олиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида энг тўғри, устувор стратегик йўналишларни танлаб олиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, фан ва юқори технологик тармоқларни ривожлантиришда оммавий илмий кашфиётлар ҳамда товар ва хизматларнинг янги истиқболли бозорларини яратиш билан чекланиб қолмай, балки биринчи навбатда, иқтисодиётда бевосита тараққий этишнинг янги механизми сифатидаги, унинг доирасида мунтазам ва тўхтовсиз равишда иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли янгиликлар кластерлари юзага келадиган ва фаолият юритадиган миллий инновация тизимларини (МИТ) яратиш энг самарали натижа бўлиб ҳисобланади.

Бундай тизимларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун нафақат кучли илм-фан ва таълим тизими, балки институционал шароитларнинг бутун бир мажмуи талаб этилади.

МИТни шакллантириш концепцияси ўтган асрнинг 1980-йиллар бошидан ривожлана бошлади. Бунда «миллий» сўзи тавсифи айнан «давлат» инновация тизими деган мазмунни англатади.

Турли мамлакатларнинг МИТ бир-биридан фарқ қилади. Шу кунгача МИТнинг ягона бир таърифи мавжуд эмас.

Шунингдек, турли мамлакатлар МИТ олдига турли мақсадлар қўйилиши мумкин. Масалан, Францияда МИТнинг асосий вазифаси қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, Германияда — илғор технологияларни ривожлантиришдан иборат деб ҳисобланади. Бунда европалик экспертларнинг берган баҳоларига кўра, ҳар икки МИТнинг умумий самарадорлиги дерли бир хил.

Инновация фаолиятининг ривожланишига на давлат тури, на сиёсий тартиблар таъсир кўрсата олади. Инновация фаолияти федерал давлатларда ҳам (АҚШ, Германия), унитар давлатларда ҳам (Франция), конституцион монархия давлатларида ҳам (Буюк Британия, Голландия, Испания), шунингдек, коммунистик тартибга эга давлатлар (Хитой)да ҳам муваффақиятли ривожланаверади. Бунда умумийлик шундаки, хорижда инновацион жараёнларнинг ривожланиши барқарор сиёсий вазият ва барқарор фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт шароитларда юз берган.

Миллий иқтисодий сиёсат давлатнинг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини оширишга, янги илмий йўналишлар, венчур бизнес ва бошқаларни ривожлантиришга бир хилда ёрдам кўрсатади.

МИТ концепцияси ЕИ нинг бир қатор аъзо-мамлакатларида, шунингдек, АҚШ ва Японияда кенг ривожланган. Миллий инновация тизими инновацион фаолият субъектлари мажмуидан, улар ўртасидаги билимларнинг юзага келиши, тарқалиши ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлаб берувчи муносабатлардан ташкил топади. Инновация тизимининг асосий элементлари қаторида инновация инфратузилмаси, молиявий инфратузилма, илмий салоҳият каби кичик тизимларни санаб ўтиш мумкин.

Уларнинг ҳар бирида тадқиқотларни молиялаштиришнинг асосий қисми (100%гача) бюджет манбаларидан (ҳам федерал, ҳам минтақавий бюджетлар) амалга оширилади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, **дунёнинг ҳеч бир мамлакатида миллий инновация тизими бозор, хусусий сектор томонидан мустақил шакллантирилмаган экан.** Барча мамлакатларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш мақсадида миллий инновация тизими барча элементларининг ўзаро муносабатларини

мувофиқлаштириб туриш асосида тизимни шакллантиришда давлат етакчи роль ўйнайди; миллий, тармоқ ва минтақавий ривожланишнинг устувор йўналишларини, шунингдек, ресурсларнинг устувор йўналишларда тўпланишини таъминлаб беради.

Рақобатбардошликнинг кўриб чиқилган концепцияларини Ўзбекистон шароитларига мослаштириш имкониятларини баҳолаган ҳолда, қатор хулосалар чиқариш мумкин. Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг баъзилари амалиётда қўлланилмоқда ва жаҳон тенденциялари ўзанига тушиб олган.

МИТнинг алоҳида элементлари Ўзбекистонда ҳам яратилган ва улар ҳозирда фаолият кўрсатмоқда. Уларни ягона бир қудратли, бироқ мослашувчан тузилмага бирлаштириш талаб этилади. Бундай тузилмани қандай бошқариш мумкин? Фақат бир нарса аниқ, билимларни академик институтлардан венчур корхоналарга самарали тарзда узатилишини таъминлаб бера оладиган, янги билим ва технологияларнинг тижоратлашувини амалга оширишга қурби етадиган билимлар инфратузилмаси мазкур тузилманинг негизи бўла олади. Ўзбекистон МИТнинг энг заиф томони ҳам — айнан мана шу. Бироқ бусиз инновация жараёнини ривожлантириб бўлмайди.

Жаҳон тажрибаси рақобатбардошликни оширишнинг энг самарали йўлларида бири муайян тармоққа тегишли ҳамкор ва ёрдамчи корхоналарнинг, қўшилган қиймат занжирининг барча иштирокчилари бирлашувини ўзида намоён этган кластерли ёндашув эканини кўрсатмоқда. Кластерли ёндашув бўйича фаолиятни, бизнинг фикримизча, бозорга мувофиқ бўлган рақобат муҳити ва рақобат кураши мавжуд бўлган тақдирдагина амалга ошириш мумкин. Бу жиҳатдан баъзи иқтисодиётчиларнинг... «рақобат курашида кластерларга алоҳида ўрин ажратилади, сабаби улар бозор иқтисодиётининг бошқа институтлари, хусусан, ҳукумат, университетлар, компаниялар ва бошқаларнинг самарасини оширишга имкон беради»¹ деган фикрига қўшилишга тўғри келади.

¹ Алимов Р., Камилова М., Курбанова Д. Кластерная концепция экономического развития: теория и практика. — Ташкент, 2005. Институт экономики АН РУз. — С. 36.

Кўплаб давлатлар томонидан кластерлар сиёсатини қўлаш кластерли лойиҳаларни аниқлашга йўл берди. Дунё бўйича 500 дан зиёд кластерли лойиҳалар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам, бизнинг фикримизча, кластерларни юзага келтириш мумкин бўлган нуқталарни излашни йўлга қўйиш лозим, сабаби уларни келажакда тўлиқ равишда Концепция сифатида, яъни макроиқтисодий барқарорликка эришиш мақсадларида олиб бориладиган иқтисодий сиёсатнинг қуроли сифатида тасдиқлаш мумкин бўлади. Бунда тўқимачилик саноати, озиқ-овқат саноати, нефть-газ саноати, транспорт-логистика хизматлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби қатор тармоқларни қамраб олиш мумкин. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда миллий ва минтақавий технопарклар яратиш бўйича тадбирлар тўғрисида ҳам эслатиб ўтиш жоиз.

Сўзсиз равишда, бу миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик сифатларининг янги манбаларини излашга интилишдан ҳам дарак беради. Шунингдек, рақобатбардошлик салоҳиятини тўплаб бориш, М. Портер бўйича, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, босқичма-босқич амалга оширилишини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Бизнинг фикримизча, гарчи кластерли ёндашув янада юқорироқ босқичлар учун хос бўлсада, Ўзбекистон дастлабки босқичда турибди. Ўзбекистонда ҳозирча, рақобатбардошликни оширишнинг базавий омилларидан (табиат ресурслари, арзон ишчи кучи) фойдаланилмақда, айни вақтда, нисбатан юқори поғонадаги омиллар (фан, технологиялар, таълим, инфратузилма) деярли ишга солинмаган. Уларсиз эса кластерли ёндашув кутилган самарани бермайди. Шунинг учун ҳам, иқтисодиётни бир томонлама кластерлашга ҳаддан зиёд берилиб кетиш олға ҳаракатланиш учун муваффақият келтира олмайди. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, 90-йилларнинг ўрталарида бир қатор ривожланган мамлакатларда, масалан, Германияда ўтказилган кластерли сиёсатнинг муваффақиятсизликка учрагани тўғрисида маълумотлар бор¹.

Шунингдек, кластерли концепция инновацион омилга таянишини таъкидлаб ўтиш керак. Шу билан бир қаторда, кла-

¹ Развитие региона в системе национальной экономики. — Новосибирск, 1996. — 142 с.

стерлар ўзаро рақобатдош бўлган фирмаларни ҳам бирлаштиришини ҳам ёддан чиқармаслик керак, бу эса ўз навбатида, рақобатчиларга ишонч асосида шаклланадиган тадбиркорлик муҳитини яратишни талаб этади. Афсуски бизда носоглом рақобат муҳити ҳам учраб туради, натижада эса, «Ўзбекистондаги банкротлик тадбирлари домига одатда, йирик ва ўрта корхоналар тушиб қолади, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда эса булар — асосан майда фирмалардир»¹.

Шундай экан, миллий инновация тизимларини ривожлантириш асосида рақобатбардошликни оширишнинг назарий концепцияларини, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти учун янада кўпроқ фойда келтириши мақсадида янада чуқурроқ ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

2.2. Ўзбекистонда инновация тизимини шакллантиришда давлатнинг роли

Ҳозирги вақтда республиканинг иқтисодий сиёсати иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга, юқори самарали ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни яратишга қаратилган. Президент И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини белгилаб берди: мамлакатда 2009—2012 йиллар учун қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш; иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва диверсификация қилиш; аҳолининг турмуш даражасини тубдан ўзгартириш, мулкдорларнинг ўрта табақасини яратиш; мамлакатни модернизация қилиш ва бандликни оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий тузилмани ривожлантириш; банк ишини такомиллаштириш².

¹ Салимова Б.И. Формирование и развитие института банкротства в Узбекистане. Автореф. ... дисс. канд. экон. наук — Ташкент, 2007. — С. 3.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2009. — 56 б.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз технологик укладларнинг ўрин алмашинуви билан узвий боғлиқ, миллий иқтисодиётнинг муваффақият билан узоқ муддатли ривожлантиришда етакчи ишлаб чиқариш тармоқларининг янги технологик укладлар негизини, биринчи навбатда, нанотехнологияларни жадал ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг келгусида ривожланиши глобал миқёсларда интеллектуал рентага эга бўлиш имконини беради. Шу билан бир қаторда, уни такрор ишлаб чиқариш чегарасининг тугал эмаслиги ва бўлғуси технологик ривожланиш йўналишининг ноаниқлиги жуда катта инвестиция хатарлари ва узоқ муддатли башоратлаш ишларида қийинчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Уларни бартараф этиш учун янги технологик уклад тузилмасини тўғри аниқлаш жуда муҳим, чунки ушбу уклад ривожланиши асримизнинг ўрталаригача бўлган даврда глобал ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини белгилаб беради.

Шуни таъкидлаш керакки, бешинчи технологик укладнинг ўсиш имкониятлари поёнига етиши оқибатидаги тузилмавий, деривативларнинг глобал молиявий пуфакларининг «ёрилиши» натижасида келиб чиққан молиявий, шунингдек, АҚШ қарз мажбуриятлари молиявий пирамидасининг бузилиши сабабли юзага келган қарз инқирозларининг синхронлиги янги тарихда мислсиз вайронлик келтирувчи жараёнлар учун қудратли ҳаракатлантирувчи куч яратади. Ликвидликнинг чекланиши кредит мультипликаторининг акс ҳаракат кучига нисбатан кўп маротаба кучлироқ бўлиши мумкин. Бу қадар кўламли муаммоларни юмшатиш учун етакчи давлатлар бюджет имкониятларидан бир неча баробар ортиқ бўлган қўшимча ресурс манбалари талаб этилади.

Таҳлиллар ҳозирги вақтда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз ва бешинчи технологик укладнинг навбатдагиси билан ўрин алмашинуви жараёни ўртасида бевосита бир боғлиқлик борлигини тасдиқламоқда. Бу эса тизимли деб аталмиш ҳозирги глобал инқирознинг барча мураккабликларига қарамай, ундан чиқиб кетиш учун янги технологик укладнинг шаклланишини тақозо этмоқда. Унинг кенгайиши жаҳон хўжалиги иқтисодий ўсишининг янги давомли тўлқини учун моддий асос яратади ва қадрсизланишдан сўнг

қолган капиталга, шунингдек, тўхтаб ётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ҳисобига ривожлантириш ва тараққиёт маконини кенгайтириш учун бунёдкорлик кучини бахш этади.

Бугунги кунда технологик укладнинг асосини микроэлектроника саноати, дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологиялари, асбобсозлик, радиотехника саноати, алоқа воситалари саноати, лазер техникаси ташкил этади. Техник-иқтисодий ривожланишнинг бугунги кунда қарор топиб бўлган узоқ муддатли суръатлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда етакчи бўлган замонавий технологик укладнинг барқарор ўсиш чегараси жуда яқинлашиб қолди.

Ҳозирда шаклланиб бораётган олтинчи технологик уклад базавий технологияларни, хусусан, биотехнологияларни, нанотехнология, материаллар технологияси ва ахборот технологияларини ўз ичига олади. Бу қаторда нанотехнологияларнинг тутган ўрни жуда юқори, сабаби тубдан янги, яъни информатика, молекуляр биология, ген муҳандислиги, тиббиёт каби соҳаларнинг юқори марраларга кўтарилиши айнан мана шулар билан боғлиқ. Ҳозирда мазкур технологик уклад ривожланишнинг куртаклик давридан ўсиш даврига қадам қўймоқда. Унинг кенгайишига зарур технологияларнинг озлиги ва етарли даражада қарор топмаганлиги йўл бермаяпти, шу билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг улардан кенг кўламларда фойдаланишга тайёр эмаслиги ҳам маълум даражада уларга тўсқинлик қилади. Гарчи энг янги технологияларни ўзлаштириш харажатлари ва улардан фойдаланиш кўламлиги ўсиб бораётган бўлса-да, бироқ замонавий иқтисодиёт тузилмасидаги технологик укладнинг умумий ҳажми жуда озлигича қолмоқда.

Дунёнинг етакчи иқтисодиётларининг тубдан таркибий ўзгариши тугаб ва келгуси ўн йиллик ўрталарига кутилаётган янги технологик укладнинг ўсиш даврига қадам босиш билан сифат жиҳатдан сакраш юз беради. АҚШ илмий жамғармаси башоратларига кўра, 2015 йилга келиб нанотехнологиялар бозорининг йиллик айланмаси 1—1,5 трлн. долларни ташкил этади¹.

¹ Ершов М. Кризис 2008 года: «момент истины» для глобальной экономики и новые возможности для. // Вопросы экономики, 2008 г., №12. — 4—26 с.

Юқорида қайд этилган тармоқлардан ташқари унинг юксалиши учун таянч бўлган тармоқлар: саноатнинг электро-техника, авиация, ракета-космос, атом соҳалари, асбобсозлик, станоксозлик, таълим, алоқада ҳам кузатилади. Улар билан бир қаторда янги технологик укладнинг тарқалиши билан боғлиқ бўлган: соғлиқни сақлаш (генетик келиб чиққан касалликларда ҳужайра технологиялари ва ташҳис методларини қўллаш туфайли самарадорлиги бир неча баробар ортиб кетадиган) ва қишлоқ хўжалиги (молекуляр биология ва ген муҳандислиги ютуқларидан фойдаланиш туфайли), шунингдек, олдиндан белгилаб бериладиган хусусиятларга эга янги материалларни яратиш каби тармоқларда ҳам инқилоб рўй бериши кутилмоқда. Наноматериалларнинг юзага келиши билан боғлиқ равишда, янги технологик укладнинг пойдевор тармоқлари қаторидан кимё-металлургия мажмуи, қурилиш, кemasозлик ва автомобилсозлик тармоқлари ҳам ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши бир қатор муаммолар билан боғлиқ. Иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаб берувчи инновацион-технологик иқтисодиётнинг универсал модели мавжуд эмас. Тараққиётнинг инновацион йўлига ўтишга шароит яратувчи омилларни аниқлаб олиш мураккаб жараён, сабаби ушбу йўналишда фундаментал тадқиқотлар ва шаклланган назариялар жуда оз, шунга қарамай, мамлакат янги, хусусан, нанотехнологиялар соҳаси бўйича технологияларни тадқиқ қилиш ва жорий этишга маблағ сарфлашга қодир бўлса, жаҳон иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллай олиши аниқ.

Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, инновацион иқтисодиётни шакллантириш етарли даражада узоқ давом этадиган ва кўп харажат талаб қиладиган жараён, шундай экан ҳар бир ривожланган мамлакат бу йўлда индивидуал ёндашувни излайди. Ўзбекистон ҳукумати олдида турган устувор вазифалардан бири хом ашёга ихтисослашган иқтисодиётдан яқин истиқболда инновацион иқтисодиётга ўтишни таъминлашдан иборат. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида махсус идоралар доирасида қуйидагиларни ташкил этиш лозим:

1) табиий, техноген, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда инқирозли ҳолатларни башорат қилиш ва олдини олиш, давлат қарорларини экспертиза қилиш;

2) инновацион иқтисодиётга ўтиш сценарийлари ва йўллари таҳлил қилиш.

Агар мамлакат мустақил давлат бўлишга ва ўз аҳолиси учун меъёрий ҳаёт даражаларини таъминлаб беришга интилар экан, демак, инновацион иқтисодиётга ўтиш ҳаётий заруриятга айланади. Бу ҳолатнинг ижобий томони шундаки, Ўзбекистон қатор географик ва геоиқтисодий сабаблар туфайли узоқ вақт жаҳон бозорига фақат хом ашё етказиб берувчи ролини бажара олмайди. Шу сабабли республика жаҳон бозорига қўшилган қиймат улуши катта бўлган ва бу ерда мавжуд «инсон капиталидан» юқори даражаларда фойдаланиладиган ноёб товарлари билан чиқиши лозим. Булар эса инновацияларни ривожлантириш учун етарли даражадаги мунтазам инвестиция оқимини талаб этади.

Биз инновациялар тўғрисида сўз юритганимизда, фақат саноат ва қишлоқ хўжалиги учун эмас, балки жамиятни бошқариш, уни ташкил этиш соҳаларига ҳам инновацияларни жалб этишни назарда тутамиз. Стратегик қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш, хусусан, мувофиқ қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқ стратегик хатарларни баҳолаш методлари бўйича инновациялар жуда муҳим. Сабаби стратегияни танлаш давомида йўл қўйилган хатоларни амалда бошқарувнинг бошқа поғоналарида деярли тузатиб бўлмайди. Кўпчилик хорижий иқтисодчилар фикрига кўра мазкур соҳа давлатнинг иқтисодий ривожланишида шу қадар муҳимки, шу сабабдан нафақат назарий ишлар ўтказиш, балки бошқарув соҳасидаги инновацияларни ўз ичига олган тажриба ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзининг барча имкониятларини иқтисодиётда рақобатбардошликни оширишга қаратаётган Ўзбекистонда қарор топган мураккаб вазиятдан келиб чиқиб, мустақил ривожланиш учун ички салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда, инсон капиталига, таълим, фан, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш учун инвестициялар киритиш, миллий инновацион тизимни яратиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, иқтисодиётнинг юқори технологик соҳаларида янги рақобатбар-

дош секторларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва молиявий инфратузилмани қайта қуриш ва кенгайтириш бўйича давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Шундай экан, бугунги кунда Ўзбекистондаги реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда, кенг инновациялар оқимини таъминлаш, уларни жамиятнинг барча соҳаларига жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш объектив заруриятдир. Қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури бу жиҳатдан тубдан ўзгаришларни назарда тутди.

2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида асосий диққат республика иқтисодиётининг хом ашё экспортига ихтисослашувдан инновацион тараққиёт типига ўтишига қаратилади. Бунинг учун инновацион фаоллик кўрсаткичларини бир неча маротаба кўтариш ва иқтисодиёт самарадорлигини 2—3 баробар ошириш кўзда тутилади. Албатта, вазифаларни тўғри аниқлаш ва кўрсаткичларни белгилаб олиш зарур, бироқ олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун буларнинг ўзи етарли эмас. Иқтисодий сиёсат тадбирларини тўғри башорат қилиш, ресурсларни истиқболли йўналишларга ўз вақтида йўналтириш, улардан самарали фойдаланишга эришиш ҳам жуда муҳим. Шу мақсадларда иқтисодиётни самарали инновацион ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) иқтисодий ўсишни кредитлашнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишда ёрдам бера оладиган ички механизмларини яратиш зарур. Молиявий-иқтисодий инқироз пул-кредит сиёсатини жиддий ўзгартиришга мажбур этди.

2) фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштириш даражаларини жаҳон стандартларига яқинлаштириш, шунингдек, жамғарма меъёрларини жадал ривожланаётган мамлакатлар даражасига етказиш мақсадга мувофиқ.

3) инновацион тараққиёт йўлига ўтишга ҳалақит берувчи солиқ тўсиқларини йўқотишни, хусусан, давомли кооперация занжирлари билан мураккаб ишлаб чиқаришни янада қийинлаштириб юборадиган ҚҚСни бекор қилишни режалаштириш ҳамда асосий фондларни қайта баҳолаш. Ҳозирги вақтда уларга етарли даражада баҳо бермаслик натижаси-

да, амортизация чегирмаларининг ҳажми асосий фондларни оддий такрор қайта ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган капитал қўйилмаларга нисбатан икки маротаба кам. Бундан ташқари корхоналарга ИТТКИ учун барча харажатларни, кадрларни ўқитиш ва янги техникани ўзлаштириш харажатларини ишлаб чиқариш харажатларидан чиқариб ташлаш учун имкониятлар тақдим этилиши лозим.

Шундай қилиб, иқтисодиётни инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш учун давлат сиёсатининг асосий воситаларидан фойдаланиш бундай ўтишни амалга оширишга имкон беради.

Ушбу соҳада иқтисодий сиёсатни амалга оширишда устувор аҳамиятга эга бўладиган инновациялар, қўллаб-қувватлаш меҳнизмлари ва устувор йўналишларнинг бир нечта гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) аҳоли ҳаётини таъминлаб бериш билан бевосита боғлиқ инновациялар, етарли даражада арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон берувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги инновациялар шулар қаторидадир. Бундан ташқари энергия ресурсларининг тежалишини таъминлаб берувчи инновациялар, шунингдек, йўллар қурилишини арзонлаштириш ва ишчи ҳолатини сақлаб туришга, алоқа воситаларини арзонлаштириш ва кенг ёйишга имкон берувчи инновациялар. Аҳолининг катта қисми учун нархи имкон даражасида бўлган бир қатор муҳим дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳам мазкур гуруҳга киритилган. Бу турдаги инновацияларнинг жуда муҳим аҳамиятга эга тоифаси эскирган инфратузилма шароитларида эҳтимоллик даражаси кескин ошиб кетадиган хатарларни бошқариш, табиий офатларнинг, инқирозларни мониторинг қилиш ва олдини олиш билан бевосита боғлиқ.

Бу йўналишда республикада сезиларли ўзгаришларни амалга ошириш мумкин, бунда шуни эътиборга олиш лозимки, кўп ҳолатларда бундай инновацияларнинг ягона буюртмачиси давлат бўлиши керак. Бунинг устига, республиканинг бир қатор ҳудудларидаги экстремал табиий шароитлар буни муқаррар қилиб қўяди. Шундай қилиб, инновацияларни жорий этиш, бу соҳада устувор йўналишларни аниқлаб олиш давлатнинг вазифаси бўлиб қолмоқда. Бизнинг фикримиз-

ча, ҳозирги жаҳон инқирози шароитларида инновацияларнинг бу гуруҳи учун индикатив эмас, балки директив режалаштириш зарур бўлади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай ишларни ташкил этиш бўйича йўлга қўйилган ва ўзини яхши томондан кўрсата олган технологиялар мавжуд. Масалан, замонавий ахборот технологияларидан (электрон ва ҳ.к.) фойдаланиб, давлат тендерларини ташкил этиш.

2) импорт ўрнини босувчи ва маҳаллий товарларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновациялар. Мазкур ҳолатда индикатив ва директив тартибга солишдан уйғунликда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3) барча экспортга йўналтирилган инновацияларни ўз ичига олган ва уларни жаҳон бозорига олиб чиқишда давлат ёрдами ҳал қилувчи аҳамиятга эга инновациялар.

4) иқтисодиётнинг турли-туман соҳаларида Фарб учун аъъанавий бўлган инновациялар, бундай «инновацияларни танлашда» бевосита бозор табиий механизм бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит ҳали етарли даражада ижобий эмас, бунинг бош сабаби катта трансакция харажатлари ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, республикада инновация фаолиятини ривожлантириш стратегиясида инновацион тузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини яратиш кўзда тутилмоғи лозим.

Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг етакчилик ролини бажариши табиий, сабаби юқори технологик тармоқларга инновацияларни татбиқ этиш қиммат ва хатарли иш. Бу жиҳатдан бундай тармоқларга инвестициялар киритишни алоҳида бир фирма томонидан (агар бу йирик бир корпорация бўлмаса) амалга ошириб бўлмайди. Бундай вазиятда хатар жуда юқори, мана шунинг учун ҳам инновация лойиҳаларини молиялаштириш давлат томонидан, ёки венчур компаниялар, ёки корхоналарнинг йирик бирлашмаси томонидан амалга оширилиши лозим.

Айнан давлат томонидан ахборотга эга бўлиш ва бозордаги вазиятни монанд баҳолаш мамлакатни стратегик ри-

вожлантириш учун энг муҳим бўлган инновация лойиҳаларини молиялаштириш имконини беради. Бундай ҳолатларда давлат рағбатлантирувчи солиқ сиёсати ёки танлаб бевосита молиялаштириш ёрдамида реал ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу эса Ўзбекистон учун аниқса долзарб, чунки бу ерда кредитларнинг катта қисми қисқа муддатларга берилади ва етарли тўлов қобилиятига эга талаб мавжуд эмас.

Давлатнинг молиялаштириш ролидан ташқари яна бир қатор вазифалари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг амалга оширилиши бошқа масалалар ечимини топишга ёрдам беради, хусусан: 1) инновацион соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш; 2) стратегик режалаштириш ва давлат буюртмаси предмети — товар ва хизматлар рўyxатини белгилаб олиш; 3) инновация соҳасининг ташкилий механизмларини яратиш, инновация лойиҳаларида йирик капиталнинг қатнашувини рағбатлантириш бўйича ишлар; 4) инновацион лойиҳаларни экспертиза ва таҳлил қилиш.

Экспертиза ўтказишда давлатнинг тутган ўрни, албатта, жуда муҳим, сабаби тавсия этилаётган барча инвестиция лойиҳалари инновацион тавсифга эга бўлолмайди. Масалан, АҚШ миллий иқтисодиётининг муваффақиятли инновацион ривожланиши келажакда инновацион молиялаштириш объектларининг самарали илмий, иқтисодий ва маркетинг экспертизаси билан кўпроқ даражада боғлиқ. Масалан, АҚШда ўртача 1000 та инновация лойиҳасидан фақат 7 тасигина ҳақиқатан ҳам венчур кўмагини олади. Инновация лойиҳаларини бу каби қатъий танлаб олиниши капитал сарфлаш хатарини минимумга олиб келади. Ўзбекистонда ҳам инновацион лойиҳалар экспертизасининг самарали тизимини яратиш лозим. Бунда эксперт комиссиясининг мустақиллиги ва идораларро бўлиши унинг ташкил топишида бош тамойил бўлиши керак. Ва бунда эксперт комиссиясининг молиялаштирилиши билан у томонидан танлаб олинган инновация лойиҳалари муваффақияти ўртасида тўғридан тўғри алоқа ўрнатиш жуда муҳим.

Модомики, инновацион фаолликни қўллаб-қувватлаш учун инновация лойиҳалари танловини конкретлаштириш қатъий талаб этилар экан, мамлакатдаги ривожланган ахборот инфратузилмаси ва аниқ ташкил этилган мониторинг — бу ин-

новацион иқтисодиётни шакллантириш учун энг зарур шарт ҳисобланади.

Агар инновацион иқтисодиётга жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш динамикаси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, у ҳолда бу постиндустриал технологик укладга ўтишни амалга оширишдир. Бу жиҳатдан инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий объекти ички бозор ҳисобланади. Ҳиндистон ва Хитойнинг жадал ривожланиш тажрибаси ҳам ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз вазиятида ички муаммоларни ҳал этиш ва жаҳон иқтисодиётида мустаҳкам ўрин эгаллашда энг тўғри йўл — бу ички бозорни тўйинтириш эканини кўрсатмоқда. Ўтказилган иқтисодий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, яқин вақтларда ички бозорни тўйинтириш ва республикада энг муҳим товарларнинг барча гуруҳлари бўйича импорт ўрнини эгаллаш бош стратегик вазифа бўлиб қолиши керак.

Мамлакатда юқори технологиялар соҳасида иқтисодий сиёсат ўтказишда, манфаатларини доим ҳимоя қилишга тайёр бўлган ва уларнинг жаҳон бозоридаги улушини ҳар қандай йўллар билан оширишга интиладиган устувор макротехнологияларни ва ишлаб чиқарувчиларни аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари юқори технологиялар соҳаси бўйича халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш стандартлар, технологиялар, сотилган маҳсулотларни қўллаб-қувватлаш ва уза-тиш тизимларининг уйғунлашуви ва бирлашувини, инновацион жиҳатдан таъсирчан ахборот муҳитининг яратилишини талаб этади.

Ҳозирги шароитларда ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг четда қолиб кетишининг сабаби иқтисодий тизимнинг инновацияларга нисбатан уқувсизлиги ҳисобланади, натижада эса улкан имкониятлар қўлдан бой берилади. Ҳозирги тараққиёт даврида жаҳон иқтисодиёти ишлаб чиқариш цикллари-нинг кескин қисқариб кетиши ва етакчи ишлаб чиқарувчилар ва молиявий тузилмаларнинг юзага келган вазиятнинг ўзгаришига мослашиш вақтининг бир неча баробар камайиб кетиши билан боғлиқ бўлган, шунингдек: 1) ривожланган компьютер ва телекоммуникация муҳити; 2) компьютерда лойиҳалаштиришнинг ва технологияларнинг кенг жо-

рий этилиши; 3) бошқарувнинг тармоқли тамойиллари ва вазифаларидан функционал турларига ўтиш орқали таъминланувчи янги технологик укладга ўтиш оқибатида келиб чиққан молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда.

Таъкидлаш керакки, иқтисодий жараёнлардаги сифат ўзгариши ишлаб чиқариш самарадорлигининг кескин ўсиши билан юзага келиши мумкин, унга эса маълум юқори поғонага кўтарилиш ҳамда зарур муҳит юзага келган тақдирдагина эришиш мумкин бўлади. Республикада янгиликларни ривожлантириш учун мана шундай ижобий муҳитни шакллантириш мамлакат инновация сиёсатининг энг муҳим таркибий қисмига айланиши лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш учун бир қатор тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқ, уларни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

Макроиқтисодий сиёсатда: 1) пул-кредит ва бюджет сиёсатига баъзи ўзгаришларни киритиш. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш натижасида узоқ муддатли кредитнинг ички манбаларига таянувчи ва инновацион фаолликни рағбатлантиришнинг кенг тармоқли институтлари тизимига эга бўлган республика молия тизими яратилиши лозим. Хусусан, ИТТКИ учун харажатларни ЯИМнинг 3%гача етказиш лозим.

2) монополияга қарши сиёсат самарадорлигини кескин ошириш, давлат корхоналари (ёки давлат акциялар пакетига эга корхоналар)ни бошқариш учун соғлом рақобат муҳитини яратиш зарур. Бундай корхоналар учун янги технологияларни ва маҳсулотлар турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ишларини режалар шаклида конкретлаштириш лозим.

3) 2012 йилгача ҚҚСни бекор қилиш, асосий фондлар инвентаризациясини ўтказиш ва қайта баҳолаш, ИТТКИ учун ва янги техникаларни ўзлаштириш бўйича барча харажатларни солиқ тўловларидан озод қилиш талаб этилади. Бюджетнинг йўқотилган даромадлари савдо солиқларини тиклаш, шунингдек, ҳам амалдаги, ҳам янги воситалар орқали олинadиган рента даромадлари билан қопланиши мумкин.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш сиёсатида, бизнинг фикримизча, бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

1) узоқ муддатли иқтисодий ўсиш қонуниятлари, миллий рақобат устунликлари ва техник-иқтисодий ривожланишнинг глобал йўналишларидан келиб чиққан ҳолда техник-иқтисодий тараққиётнинг устувор вазифаларини танлаб олиш ва амалга ошириш. Амалга оширилган тақдирда барча зарур мезонларни қондира оладиган энг устувор йўналишлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш;
- қуёш электр энергетикасини ривожлантиришни рағбатлантириш;

- эскириш даражаси ўзининг критик чегарасига етиб келаётган электр станциялар жиҳозларини янгилаш, шунингдек, мавжуд электр станцияларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш;

- табиий газни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш технологияларини ривожлантириш;

- комбинациялашган юк ташиш тезлиги ва ишончилигини сезиларли тарзда яхшилашга имкон берувчи замонавий транспорт тугунларини ривожлантириш;

- турар-жой қурилишини ривожлантириш ва замонавий технологиялардан фойдаланилган ҳолда уй-жой-коммунал хўжаликни модернизация қилиш;

- ахборот инфратузилмаларини сунъий йўлдошлар ва оптик тола алоқаси асосида, шаҳарларда уяли алоқаларни ривожлантириш;

- ноишлаб чиқариш соҳасини замонавий ускуналар (тиббиёт учун диагностика асбоблари ва лазерларни, таълим тизими учун ҳисоблаш техникаси ва б.) билан модернизация қилиш.

Техник-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларининг мазкур рўйхати республика илмий-саноат салоҳиятини эътиборга олган ҳолда замонавий илмий-техник тараққиётнинг асосий аънаналари асосида тузилган бўлиб, у орқали давлатнинг инновацион ривожланиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш мумкин бўлади.

2) Ҳозирги шароитларда республика илмий-саноат салоҳиятини сақлаб қолиш ва фаоллаштириш бўйича чораларни қуйидаги йўналишларга қаратиш мақсадли бўлар эди:

— ИТТКИни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, фан сифими юқори саноат тармоқларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни рағбатлантириш;

— ўзбек корхоналарига жаҳон бозорида рақобат устунлигини таъминлаб бера оладиган технологияларни аниқлаб олиш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларни тарқатиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш;

— истиқболли замонавий технологияларни ва илмий-техник ахборотларни мамлакатга импорт қилишни субсидиялаш;

— давлат кўмагида ИТТКИ натижаларини тижоратлаштиришни таъминлаб берувчи инфратузилмаларни, шу жумладан, венчур фондлари, жамоат илмий ва ахборот марказлари, муҳандислик парклари ва бошқаларни яратиш.

3) Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф қилиш учун аҳамиятли бўлган, инновацион ривожланиш сиёсатининг энг муҳим йўналиши ҳисобланган инновацион фаолликни рағбатлантиришни амалга ошириш қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

— корхоналарнинг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этиш бўйича барча харажатларини ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олиш ва уларни солиқлардан озод қилиш;

— суғурта компаниялари ва пенсия жамғармаларига венчур лойиҳаларида иштирок этишга рухсат бериш; илмий-тадқиқот ишлари ахборот инфратузилмасини сақлаш, илмий-техник кутубхоналар тармоғини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ахборот тармоқлари ва маълумотлар базасидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолиятини субсидиялаш;

— хорижий мамлакатлар илмий-техник салоҳияти ва илмий-техник тараққиётининг устувор йўналишларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

— ақлий мулкни муҳофаза қилиш ва унга эгалик ҳуқуқини таъминлаш.

4) Миллий иқтисодиётни башорат қилиш ва режалаштириш. Инновацион тараққиёт сиёсати республика иқтисодиётини ривожлантиришни башорат қилиш, дастурлаш ва индикатив режалаштириш билан мувофиқлаштирилиши керак бўлган давлат иқтисодий сиёсатининг солиқ-бюджет, ташқи

савдо, саноат ва бошқа таркибий қисмлари мазмунини ҳам белгилаб бериши лозим.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни башорат қилиш, дастурлар ва индикатив режалаштириш бир йил, беш йил, ўн йил ва йигирма йиллик башорат даври учун бажарилиши керак. Замонавий фан-техника тараққиёти шароитларида хўжалик фаолияти субъектлари, давлат бошқарув органлари ва умуман жамиятнинг келажакда илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденцияларининг илмий башоратларига эҳтиёжи катта.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни башорат қилиш технологиясини ўзгартириш талаб этилади. Башорат қилишда мавжуд имкониятлардан ва кутилган натижалардан уйғунликда фойдаланган ҳолда, турғунликни енгиб ўтиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг қарор топган амалиётини ўзгартириш мақсадга мувофиқ, яъни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг индикатив режаларини шакллантириш устувор вазифа бўлиб қолиши керак.

Узоқ муддатли иқтисодий ривожланишнинг тарихий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳукмрон технологик укладлар ўзгараётган даврда янги технологик укладнинг энг муҳим омилларини ўз вақтида ўзлаштириш асосида илғор ривожланиш учун ажойиб имкониятлар очилар экан. Иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион ривожланиш йўлига ўтиш Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ва барқарор иқтисодий ўсиш йўлига олиб чиқиш учун кенг имкониятлар яратади.

Бунинг учун ресурсларни янги технологик укладни қарор топтиришнинг энг истиқболли йўналишларига қаратиш зарур ва уларни ривожлантиришнинг аралаш стратегияси талаб этилади. Ўзбекистон илмий-саноат мажмуасининг рақобат устуворлигига эга йўналишларида жаҳон бозорида ўзига мос ўринни жадал эгаллашга қаратилган етакчилик стратегиясини қўллаш мумкин бўлади. Қолоқлик кузатилган йўналишларда илғорларга етиб олиш стратегиясини амалга ошириш лозим. Рақобат устунлиги бир қадар ортда қолган соҳаларда жадал етиб олиш ва ИТТКИ натижаларини илғор тижоратлаштириш стратегияси талаб этилади. ИТТКИ натижаларини тижоратлаштириш илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг самарадорлигини ва жадаллигини ошириш учун ҳар

қандай стратегиялар ҳам етарли даражада давлатдан ёрдам олиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги технологик укладнинг шаклланиши даражасига кўра уни ташкил этган ишлаб чиқаришнинг капитал сифими жадал ўсади, шунинг учун ҳам у шаклланаётган жараёндаги иқтисодий ўсишнинг янги тўлқинига қўшилиб кетиш нисбатан осон, фақат бунда янги технологик укладнинг энг муҳим илмий ишланмаларига таяниш лозим бўлади. У етуклик даврига қадам қўйгач, бунинг учун жуда катта инвестициялар талаб этилади.

Асосий фондларнинг нисбатан эскирганлиги сабабли иқтисодиётнинг импорт технологик базасига қайта йўналтирилиш, иқтисодиётни инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш бўйича тадбирларни тезлик билан қабул қилиш талаб этилади, сабаби сақлаб қолинган илмий-ишлаб чиқариш салоҳияти инновацион ривожланиш стратегиясини амалга оширишга имкон беради.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодий ривожланиш стратегиясининг амалга оширилиши уни инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръатлари 25%гача бўлган жадал ва барқарор иқтисодий тараққиёт йўлига олиб чиқади. Бу республика иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтишига, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ва жаҳонда ўзига лойиқ ўрин эгаллаган ҳолда, халқаро хўжаликка уйғунлашишига имкон беради.

2.3. Тармоқлараро муносабатлардаги муаммолар ва Ўзбекистонда инновация кластерлари ва тизимларининг шаклланиши

Рақобатбардош тармоқларни, яъни иқтисодий фаолият турларини танлаб олиш масалалари яқин келажакда Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини реал ошириши мумкин бўлган кластерларни шакллантириш зарурияти муаммосини долзарб вазифалар қаторига кўтаради.

Бугунги кунда давлат бошқарувчи объектлар сифатида рақобатбардош тармоқларни аниқлаб олиш ва ривожлантириш — республика иқтисодий сиёсатининг энг зарур во-

ситасидир. Бироқ миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назаридан истиқболда иқтисодий фаолият тармоқлари ва турларини танлаб олиш ва рағбатлантириш, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, «ўсиш нуқталари» ҳозирги вақт учун ноанъанавий бўлган бошқа мезонлар асосида танлаб олиниши лозим.

Мамлакатнинг табиий-рақобат устунликлари (ёки қиёсий афзалликлари) мавжуд ва уларнинг асосида бозор иқтисодиётининг асосий институтлари ҳозирги кунда етарли даражада самарали фаолият юритмоқда ва бунга боғлиқ равишда яқин ўн йилликда рақобатбардош дея тавсифланган тармоқлар бозорда етакчи ўринларини сақлаб қоладилар.

Етакчи корхоналарнинг имкониятларини баҳолаш шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётда рақобатбардош ишлаб чиқаришларни аниқлаш ўзгача ёндашувни талаб этмоқда, сабаби ҳозирги шароитларда бозорнинг алоҳида олинган секторларида устунлик қилиш ҳам миллий, ҳам глобал даражалардаги рақобат курашида муваффақиятга эришишни кафолатламайди. Тармоқ бозорнинг глобаллашуви шароитларида миллий корхоналар рақобат курашини олиб боришга қодир бўлсагина рақобатбардош бўла олади, бироқ бунда корхона (компания) трансмиллий бўлиши шарт. Бундай ҳолатда корхона олдинроқ яратилган, яъни глобал даражада етакчи миллий компанияларни яратиш жараёнида давлат томонидан кўрсатилган ёрдам сифатида баҳоланувчи ишлаб чиқариш салоҳиятига таянади.

Бироқ хом ашё базасига асосланувчи иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг истиқболи йўқ, сабаби янги рақобатбардош компанияларни шакллантириш нафақат хом ашё, балки барча интеллектуал ресурсларни ҳам жалб этишни, яъни замонавий технологиялардан самарали фойдаланишни талаб этади.

Глобаллашув шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини эътиборга олган ҳолда бозор иқтисодиётининг назарий асосларини унинг цикли ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганишга қизиқиш сезиларли даражада ошади. Фан-техника тараққиёти масалалари айниқса катта қизиқиш уйғотади, сабаби айнан асосий технологиялар мамлакат иқтисодиёти билан бир қаторда умуман жаҳон иқти-

содиётидаги, муайян бир тарихий даврда иқтисодиётнинг у ёки бу йирик тармоқларида фойдаланиладиган базавий технологияларнинг технологик даражасини тавсифловчи «технологик уклад»ни белгилаб беради.

Технологик ёндашув нуқтаи назаридан рақобатбардошликни баҳолаш иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги замонавий босқичи учун айниқса катта аҳамиятга эга. Жаҳон Иқтисодий Форумининг рақобатбардошликни баҳолаш индекси учта индекс (уларни барқарор рақобатбардош иқтисодий ўсишнинг бош омиллари ҳам деб аташ мумкин): технология, жамият институтлари, макроиқтисодий муҳитни умумлаштириш асосида ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатнинг рақобатбардошлиги унинг технологик жиҳатдан ривожланиш даражаси, инновацион ривожланишга қодирлиги орқали аниқланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, технологик ривожланишнинг энг истиқболли йўналишларидан бири кластерларни шакллантиришдир. М. Портер бўйича кластер — бу муайян бир туман ёки мамлакатда рақобат афзалликларига эга бўлиш мақсадида қарор топган иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган фирмалар, таъминотчилар, аралаш тармоқлар ва ташкилотлардир¹. Жаҳон иқтисодиётининг замонавий ривожланиш анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, технологик (инновацион) кластерларнинг шаклланиши долзарб масалалардан бирига айланди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда, хусусан, Японияда миллий инновацион тизимларнинг (МИТ)² яратилишида кластерли методдан фойдаланилади, мисол учун, бу ёндашув автомобиль sanoатида тўлиқ жорий этилган. Масалан, JETRO корпорацияси 11 кластер яратган ва уларни муваффақият билан ривожлантирмоқда³. Шунингдек, таркибан Россиянинг наукоградларига ўхшаш ҳудудий илмий-инновация кластерлари яратилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Гарвард бизнес мактаби маълумотларига кўра, АҚШ иқтисодиётида 32%дан зиёд банд-

¹ *Michael E. Porter. The Competitive Advantage of Nations — US: Free Press, 1998.*

² *Инновационная экономика. / Под ред. Дынкина и Ивановой. — М.: Наука, 2004.*

³ <http://jetro.go.jp/en/invest>

ликни кластерлар таъминлаб беради (бюджет секторидан ташқари). Айтилишича, Швеция иқтисодиётида кластерларда гарчи улар камроқ кўламларга эга бўлсада, меҳнатга яроқли аҳолининг 39% банд. Кластерлардаги меҳнат унумдорлиги даражаси ва иш ҳақи миқдорлари ўртача мамлакатдагидан анча юқори эканлигини таъкидлаш жоиз. Кластерлар тамойилига асосан ташкил этилган ишлаб чиқариш секторлари мавжуд америка штатларида товар ва хизматлари минтақадан ташқарига экспорт қилинади, иш ҳақи эса ўртача Америкадаги миқдорлардан 29%га кўпроқ.

Республика иқтисодиётини яқин истиқболда индустриал-инновацион ривожлантириш учун ЯИМнинг ўсишига нисбатан sanoatning ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва янада ошириш зарур, бунга эса инновация фаолиятини инвестициялаш ва кластерлар тузилмасини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Илм-фанни инвестициялаш дунёнинг ривожланган мамлакатларида жадал ўсиб бормоқда, ИТТКИ харажатлари ЯИМга нисбатан фоизларда: АҚШда — 2,55%, Германияда — 2,26%, Японияда — 2,78%, Францияда — 2,05%, Италияда — 1,13%, Буюк Британияда — 2,05%ни ташкил этади, модомики билимларнинг 90% га сўнгги 30 йил давомида эга бўлинди¹.

Замонавий босқичда бешинчи технологик укладдан олтинчисига ўтиш асосида миллий иқтисодиётларни инновацион ривожлантириш модели амалга оширилмоқда². Бу жиҳатдан Ўзбекистонда иқтисодиётнинг миллий интеллектуал салоҳият ва бой табиий хом ашё ресурсларига таянадиган инновацион моделини амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади. Республика инновацион тараққиётнинг «етиб олувчи» моделидан воз кечиб, МИТнинг кластерли тузилмасини ривожлантириш асосидаги инновация лойиҳаларини инвестициялаш усулидан кўпроқ фойдаланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан технологик (инновацион) кластерлар Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигининг «ўсиш нуқталари» бўла олади, улар ўзининг универсаллиги туфай-

¹ Мильнер Б.З. Управление знаниями в современной экономике. / Научный доклад. ИЭ РАН. — Москва, 2008. — С. 10.

² Варшавский А.Е. Проблемы и показатели развития инновационных систем. В кн. «Инновационный путь развития для новой России». // Под ред. Горегляда В.П. — М., Наука, 2005.

ли, бутун ишлаб чиқариш жараёнига: тадқиқотлар олиб бориш, маҳсулотни лойиҳалаштириш ва ташкил этишдан бошлаб уни ишлаб чиқариш ва тайёр ҳолда истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнга таъсир кўрсата оладиган юқори мультипликатив самарага эга бўлади.

Технологик кластерларнинг ўзига хос томони шундаки, уларнинг асосини ташкил этувчи инновацион технологиялардан мамлакат рақобатбардошлигини оширишга ёрдам кўрсатган ҳолда, бир-бирига ўхшамаган турли тармоқларда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари мазкур замонавий технологиялар устувор тармоқларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиши аниқ.

Технологик кластерларнинг асосий вазифалари қаторида қуйидагиларни санаб ўтамиз:

1) тавсия этиладиган хизматлар истеъмолчиларини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган корхоналарни мулк шаклига ва кўламлигини эътиборга олмаган ҳолда инновацион технологиялар эгалари бўлган корхоналар кластери доирасига кооперациялаш;

2) кластерда жаҳоннинг энг яхши инновацион технологиялари асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологик занжирни яратиш, ягона технологик платформани қарор топтириш;

3) диверсификацияланган тармоқлар бўйича товар ишлаб чиқарувчиларига комплекс технологик хизматлар кўрсатиш;

4) кластер ичидаги корхоналар ва кластер хизматлари истеъмолчилари ўртасида самарали ҳамкорликни амалга ошириш;

5) ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан мавжуд технологияларнинг мунтазам ривожланиши учун шароитлар яратиш, шунингдек, кластернинг технологик имкониятлари турларини кенгайтириш;

6) кластердаги иштирокчи корхоналарнинг технологик имкониятларини стратегик ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Охирги ўн йилликда технологик (инновацион) кластерларни яратишга қизиқиш анча ўсди. Шу билан бирга ривож-

ланган мамлакатлар томонидан миллий иқтисодиётларни иқтисодий ривожлантиришга компаниялар, тармоқлар ёки секторларнинг аънавий гуруҳларга бирикиши орқали эмас, балки кластерларни яратиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлди. Иқтисодиётнинг кластерли тузилмаси рақобат хусусияти билан ва рақобат устунлигига эришиш манбалари билан янада яхшироқ уйғунлашади, яъни кластер доирасидаги иштирокчилар бир-бири билан бевосита рақобатлашмайди, сабаби улар турли тармоқларга хизмат кўрсатадилар. Кластер фаолият кўрсатиш шароитларини яхшилашга йўналтирилган давлат ва хусусий инвестициялар иқтисодий фаолиятнинг деярли барча субъектларига фойда келтиришини унутмаслик лозим.

Таъкидлаш жоизки, технологик (инновация) кластерларни яратишнинг афзал томонлари миллий иқтисодиётнинг келгусидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва кучайтириш нуқтаи назаридан аниқ намоён бўлади, чунки кластернинг умуман ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатиш даражаси уни шакллантиришнинг энг муҳим мезони бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, республикада инновацион тармоқлараро саноат (ИТСК) ва ҳудудий кластерларни (ИҲК) ривожлантириш негизда МИТнинг рақобатбардош тузилмасини яратиш мумкин. Уларнинг вазифаси инновацияларни жамлаш ва уларнинг натижаларини тижоратлаштиришдан иборатдир. Бундай вазиятларда инновацион лойиҳаларга инвестиция киритиш, замонавий илмий-инновацион, инвестиция-молиявий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфра-тузилмаларни комплекс ривожлантириш мумкин, улар эса бир бутун қилиб бирлаштирилган кластерлар тузилмаси шаклида республика МИТ доирасида ривожланиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос томонларини, хусусан, унинг катта бўлмаган ҳудудини, хўжалигининг тармоқ таркибини эътиборга олган ҳолда, тармоқлараро инновацион кластерларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳудудий кластерларни иқтисодий районлар доирасида ажратиб олиш мумкин, масалан, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларини бирлаштирган Марказий иқтисодий район доирасида. Бу ҳолатда ҳудудий кластер яратишга мамлакат-

нинг мазкур ҳудудий бирликлари эга бўлган қиёсий устунликларининг ўхшашлиги асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, кластерларнинг мазкур типи инновация-инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг мақсадли йўналишига эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ИТСКни ривожлантиришдан асосий мақсад макроинновация лойиҳаларини, хусусан, асосий капитал ва инновация фондлари учун, макротехнологиялар ва ишлаб чиқариш воситаларини яратиш бўйича энергия ва ресурс тежовчи лойиҳалар, шунингдек, ҳам ички бозор учун, ҳам жаҳон бозори учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, интеллектуал инсон капиталини тўплашга ихтисослашув ҳисобланади. Бунда сўз биринчи навбатда, устувор кластерлар устида бормоқда, яъни «газни қайта ишлаш, нефть-кимё, кимё саноати, энергетика, автомобилсозлик, электротехника саноати, машинасозлик, фармацевтика каби замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизмиларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш, яқин келажакда рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш ҳақида бормоқда.

Шулар қаторида, биринчи навбатда, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб чиқаришни, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш даркор»¹.

Таъкидлаш керакки, айнан илғор инновацион йўналишларни биринчи навбатда инвестициялаш асосида «илмий тадқиқотлар — амалий ишланмалар — лойиҳани молиявий таъминлаш ва иқтисодий рағбатлантириш — янги техника, юқори технологиялар ва фан сифими юқори маҳсулот ишлаб чиқариш — маркетинг ва маҳсулотни бозорга олиб чиқиш — савдони ташкил этиш» каби изчил ҳаракатлар занжиридан иборат инновация-инвестиция лойиҳаларини жадал ривожлантириш мумкин экан. Таъкидлаш керак, лойиҳанинг ҳар

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — 59-б.

бир босқичида янги гоёлар ва ихтироларни жамлаш, тўплаш кўзда тутилади — бу биринчидан, иккинчидан эса, бу ерда гоёларни инновацияларнинг янги ҳаёт циклларида тижоратлаштириш масаласи кўндаланг туради, уларни яна келгусида жорий этиш мақсадларида венчур фирмаларига сотиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

ИХҚни шакллантириш масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг бош мақсади муайян ҳудудларда инновацион фаолиятни комплекс ижтимоий-йўналиштирилган ривожлантиришни таъминлаб беришдан иборат. Бунга юқори технологияларни ва ҳам ички, ҳам ташқи бозор учун фан сиғими юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотларни, товар ва хизматларни кенг миқёсларда яратиш мақсадида билимларни, инновацияларни, инвестиция-молиявий маблағларни бирлаштириш асосида мезо- ва микродаражалардаги инновация лойиҳаларини жамлаш ва тижоратлаштириш асосида эришиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инсон салоҳиятини ошириш, шунингдек, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, яъни табиий бойликлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таъминлаб беради.

Ташкилий жиҳатдан ИХҚ устувор кластерлар, яъни технопарклар, эркин иқтисодий зоналар ва бошқалар асосида шаклланади. ИХҚнинг минтақавий аҳамияти ҳудудий инновация тизимларининг Ўзбекистон инновацион иқтисодиётининг истиқболли тузилмасини ривожлантириш, шунингдек, жаҳон бозорида рақобатбардош ишлаб чиқариш воситалари савдосини кенгайтириш йўли билан экспортни диверсификация қилиш мақсадларида интеграциялашув ва диверсификациялашувнинг узоқ муддатли дастурларига мувофиқ равишда инновацион лойиҳаларни инвестициялашдан иборат.

Республика иқтисодиёти кластер тузилмасининг шаклланиши ва ҳаётий зарур инновацион йўналишларни инвестициялаш жараёнларини узоқ муддатли истиқболда кўриб чиқиш талаб этилади. Бу ҳолатда МИТнинг тузилмавий ядроси бўлган инновацион йўналишларни стратегик инвестициялашнинг концептуал йўналишларини аниқлаш лозим. Бизнинг фикримизча, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида иқтисодиётни ривожлантиришда қуйидагилар мақсадга мувофиқ:

1) 2015 йилгача бўлган даврда (шартли биринчи босқич) инновацион-инвестициялаш фаолияти устувор йўналишларини ривожлантириш, хусусан:

— инсоннинг интеллектуал салоҳиятини тўплаш, энг аввало, фундаментал фанлар илмий кадрларини ёшартириш, олий таълим сифатини ошириш, ИТТКИ ва инновацион йўналишдаги саноат кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

— МИТ ва унинг секторал-кластер кичик тизимларини яратиш, хусусан, ИТСК ва ИҲК асосида унинг илмий-инновацион ва инвестиция-молиявий ядросини шакллантириш. Бунда кластер тузилмаси таркибига тармоқлар ва минтақада фаолият кўрсатаётган барча шаклдаги (давлат, акциядорлик ва ҳ.к.) корхоналар, илмий ташкилотлар ва олий ўқув муассасалари киритилиши лозим. Энг муҳими — бу МИТнинг макро-, мезо- ва микродаражаларидаги ҳаётий инновацион босқичларини биринчи навбатда инвестициялашни таъминлаб бериш;

— давлат инновация-инвестиция сиёсатининг қонуний асосларини яратиш, улар юқори технологияларни тижоратлаштириш ва устувор инновацион йўналишларни дастурий-мақсадли қўллаб-қувватлаш, иқтисодий рағбатлантириш ва давлат-хусусий инвестициялаш механизмлари билан мутаносиб бўлган қонунларда ўз ифодасини топиши лозим.

2) 2020 йилгача бўлган давр (иккинчи босқич)да ИТСК ва ИҲКни инвестициялаш орқали МИТнинг юзага келган кластер тузилмаси асосида иқтисодиёт тузилмасини диверсификация қилиш. Бу асосий капитални технологик модернизация қилиш, рақобатбардош истеъмол товарларини яратиш ва ижтимоий соҳада инновацион хизматларни кенгайтириш учун асос таъминлаб берувчи биотехнологияларни, ахборот-коммуникация тизимларининг асосий технологиялари, фан сифими юқори бўлган ишлов берувчи саноатни ривожлантириш каби макродаражаларда инновацион технологияларни яратиш бўйича инновацион лойиҳаларни кенг миқёсларда жамлашга ёрдам бериши керак.

3) 2025 йилдан бошлаб ва истиқболда (учинчи босқич) республика иқтисодиётининг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳада тузилмавий-инновацион модернизация қилишни

мўлжаллаш. Бу инновацияларни устувор ривожлантириш ва макродаражадаги тугал комплекс инновацион циклнинг шаклланиши, интеллектуал капиталнинг кенг миқёсларда тўпланиши, энергия ва ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш негизида юз бериши лозим. МИТнинг юзага келган кластерларида нанотехнологияларнинг, оптикэлектроника ва ахборот технологиялар, биотехнологиялар ва ген муҳандислиги технологиялари, энергетика технологияларининг кенг миқёсларда такрор ишлаб чиқарилишини амалга ошириш, шунингдек, бир қатор инновацион технологияларни қўллаш, биринчи навбатда, энергетика ва экологик ҳимояга эга тураржойларни тўлиқ равишда компьютерлаштиришга ўтишни амалга ошириш лозим.

Шундай қилиб, 2025 йилгача ва ундан ҳам кейин республика ЯИМнинг ўсиши тўлиқ равишда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлашни лозим экан, инновацияларнинг интенсив омиллари улуши эса ЯИМнинг ўсиш суръатларида 60—70% чегарасида бўлиши керак. Асосий капитални инновацион такрор ишлаб чиқаришга инвестициялар улушини ЯИМнинг 30—32% миқдоридан ушлаб туриш лозим, ишлов берувчи саноат эса ҳам ички, ҳам жаҳон бозорларида сотилиши мумкин бўлган юқори технологик машиналар ва жиҳозларни, рақобатбардош, фан сифими юқори бўлган маҳсулотларни ялпи ишлаб чиқаришнинг 50%дан кам бўлмаган қисмини таъминлай олади.

Агар республиканинг ҳозирги иқтисодий аҳволини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда миллий инновация тизимини шакллантириш ва муваффақиятли амалга ошириш учун макроиқтисодий шароитлар қарор топиб бўлганини кўрамиз. Ўтган йилга таққослайдиган бўлсак, 2010 йилда мамлакатимизнинг ЯИМ 8,5%га ўсгани, саноат соҳаси 8,3%га, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 13,6%га ошганини кўрамиз¹. 2010 йилда асосий капиталга жалб этилган инвестициялар мамлакат ЯИМнинг 25%ни ташкил этди.

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги нутқи/Халқ сўзи, 2011 й. 22 январь, №16.

Бироқ республика иқтисодийетини ривожлантиришнинг инновация-инвестиция стратегиясини амалга ошириш мақсадида давлат инновация-инвестиция сиёсатини ўтказиш мақсадга мувофиқ¹ ва у давлатнинг амалга ошириладиган узоқ муддатли иқтисодий сиёсатининг ўзаги бўлиб хизмат қилиши лозим.

Кластер тузилмаларини ва параллел равишда инновациялар ва технологиялар бозори воситаларини ривожлантириш бўйича инновацион-инвестицион механизмларни мукамаллаштириш йўналишлари сифатида, бизнинг фикримизча қуйидагиларни ажратиш мумкин:

— стратегик башоратларни тузиш доирасида Фан-техника тараққиёти комплекс дастурининг яқин 25—30 йиллар учун илмий-башорат асосларини яратиш;

— истиқбол учун (тахминан 20 йилга) ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг комплекс инновацион дастурини ишлаб чиқиш, дастур фан, инновациялар, меҳнат ресурсларини ривожлантиришни, ресурсларни, хусусий ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг оптимал нисбатларини таъминлашга қаратилади;

— давлат бошқарув механизми доирасида, кластер инновация тизими билан ўзаро боғлиқ бўлган республика МИТни қарор топтириш. Бошқарув механизмнинг самарадорлиги инновация лойиҳаларини ривожлантириш ва инновация фаолияти натижаларини тижоратлаштириш, асосий капитални модернизация қилишни таъминлаш, интеллектуал салоҳиятни тўплаш, рақобатбардош товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш имкониятларида намоён бўлади;

— фундаментал ва амалий тадқиқотларни ЯИМнинг 4—5%дан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш ва рағбатлантириш ишларини бажариш. Шунингдек, давлат томони-

¹ Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми сифатидаги инновация-инвестиция сиёсати деганда, биз хўжалик субъектлари ўртасидаги бозор муносабатларининг кооперациялашуви ва диверсификациялашуви кучайган шароитларида давлатнинг инвестицион-молиявий ва тузилмавий-инновацион тадбирлари мажмуини тушунамиз, у эса илғор билимлар ва юқори технологиялар асосида иқтисодийетни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини амалга оширишни таъминлаб беради // Стратегический ответ России на вызовы нового века / Л. Абалкиннинг умумий таҳр. остида. — М.: Экзамен, 2004. 289—290-б.лар. Бу ерда ушбу монографияда берилган таърифнинг муаллиф томонидан таҳрир қилинган шакли келтирилади.

дан солиқ ва амортизация сиёсати ёрдамида, фан, маориф ва ИТТКИ соҳасида фаолият кўрсатувчилар иш ҳақини ривожланган мамлакатлар даражасигача кўтариш орқали ИТТКИ ўтказишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш;

— инновация лойиҳалари ва дастурларини амалга оширишда давлат-хусусий бизнес ҳамкорлиги асосида технополислар, саноат зоналари, ЭИЗ ва бошқаларни шакллантириш. Инновациялар танловларни ўтказиш ва давлат инвестицияларига квота бериш асосида, хусусий венчур бизнесни уларни амалга оширишга жалб этиш орқали ноёб юқори технологиялар ва техник тизимлар яратишга давлат томонидан буюртмалар бериш йўли билан тармоқларни инновацион ривожлантиришни рағбатлантириш;

— венчур тадбиркорлиги ва кичик инновацион корхоналарни кенг миқёсларда ривожлантириш. Мазкур йўналишда венчур тадбиркорликка консалтинг ва юридик хизмат кўрсатиш бўйича нотижорат венчур ассоциацияларини, давлат-хусусий венчур фондларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

— давлат томонидан интеллектуал салоҳиятни жамлаш ва кадрлар тайёрлашни рағбатлантириш. Бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим учун харажатлари, шунингдек, илм-фан ҳамда илмий ходимлар учун мўлжалланган уй-жой, ижтимоий ва маданий қурилиш объектларига жалб этиладиган инвестицияларни, шу жумладан, пайчилик асосидаги инвестициялар ва бу мақсадлар учун пай инвестиция фондлари тузиш йўли билан уларни солиқлардан озод қилиш (ёки камайтириш) мумкин;

— илмий ғоя ва ихтироларни давлат томонидан ҳимоя қилиш ва илм-фаннинг миллий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан патент идоралари ишларини такомиллаштириш, шунингдек, интеллектуал капитални мамлакатдан чиқиб кетишини чеклаш механизмини ишлаб чиқиш;

— илмий ғоялар, ютуқлар, инновациялар ва технологиялар бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, яъни инновациялар ва технологиялар миллий бозорини шакллантириш.

Шундай қилиб, инновацион ривожланишни инвестициялаш механизмини мукамаллаштириш йўналишлари инновация-

лар ва технологиялар бозори воситаларини ҳамда кластер тузилмаларини ривожлантиришга яқиндан ёрдам беради, бу эса республика МИТни шакллантириш ва самарали фаолият кўрсатиши учун жуда муҳим.

МИТни ривожлантириш доирасида инновациялар ва технологияларни тижоратлаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда, МИТни шакллантиришга киришган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, 100 та инновацион ғоядан фақат 30% тижорат муваффақиятига эришган. Инновациялар ва технологиялар бозорини (ИТБ) ривожлантириш ушбу муаммонинг ечими бўлиши мумкин. Бунга эса, шакллантириш учун инвестиция ресурсларига бозор талаби зарурий шарт бўлган молиявий инвестициялаш воситалари билан инновацияларни инвестициялашнинг реал объектларига қўйилмалар механизмлари ўртасидаги ўзаро алоқалар асосида эришилиши лозим. Молиявий инвестициялаш ишларини реал инновацион ва ИТТКИ объектларини, инновацион лойиҳа ва дастурларни, рақобатбардош инновацион товарлар ва технологияларни сотиб олиш-сотиш орқали амалга ошириш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ИТБни шакллантириш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишда энг муҳим тамойилга риоя этиш лозим, яъни, илмий ғоялар, кашфиётлар, ихтиролар, патентлар эгаларини ва ноу-хау муаллифлари, барча илмий тадқиқотчилар ва инноваторларни ҳар қандай бозор, яъни биржа, конкурс, аукцион ва ҳ.к.да иштирок этишига имкон яратиш керак. Ҳаттоки махсус биржа лицензиясига эга бўлмаган инноваторлар учун ҳам расмий бозорларда барча операциялар (булар Интернет савдоси бўлиши мумкин), илмий ғоя ва назарияларга муаллифлик ҳуқуқлари ва инновацияларга эгалик ҳуқуқини қайд этиш қоидаларига амал қилган ҳолда ўтказилиши лозим.

Пировардида, ИТБнинг юзага келиши республика миллий иқтисодиётини индустриал-инновацион ривожлантириш учун катализатор, инновацион ғояларни амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун катализатор вазифасини бажариши мумкин. Бозорнинг мазкур тури жаҳон иқтисодий ривожланиш хусусиятлари нуқтаи назаридан мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимооти-

да ҳамда иқтисодий ва жамият ривожлантиришда уйғун равишда иштирок этишига ҳам ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, республикани инновацион ривожлантиришнинг ушбу йўналишларини амалга ошириш учун бу соҳада давлат сиёсатини юритиш мақсадларида махсус давлат тузилмасини яратиш талаб этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг макроиқтисодий комплекси таркибида инновацион-техник ривожланиш бўйича ташкилий тузилма (бўлим ёки департамент) ташкил этиш зарур бўлиб, у Ўзбекистон иқтисодий индустриал-инновацион ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш ва фан-техника тараққиёти йўналишларини белгилаш масалалари билан шуғулланади.

Технологик (инновацион) кластерларни яратиш учун критик технологиялар рўйхатини белгилаб олиш зарур. Бизнинг фикримизча, бу ҳолатда, республика миллий иқтисодий тармоқ имкониятлари ва маҳаллий ресурсларни ҳисобга олиган ҳолда энг зарур инновацион технологияларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу ерда, у республикада амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш дастурига ўхшаш бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун тавсия этиладиган, маҳаллий шароитлар ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиб ишлаб чиқариш мумкин бўладиган маҳсулотлар рўйхати белгилаб берилиши кераклигини айтиб ўтиш жоиз.

Ушбу мақсадда яқин истиқболда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун хизмат қилувчи инновацион технологияларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Давлатнинг инновацион-инвестицион сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқиладиган Фан-техникани ривожлантириш комплекс дастурини тайёрлаш ва уни қабул қилиниши ушбу масаланинг ечими бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда, комплекслик тамойилига амал қилиш жуда муҳим, сабаби инновацион-инвестицион сиёсат стратегияси фан-техника тараққиёт дастурининг асоси бўлиб ҳисобланади ва, шундай экан, улар уйғун равишда бир-бирини ўзаро тўлдириши ва биргаликда ҳаракат қилиши керак.

Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари (Германия, Япония, Россия, АҚШ ва б.) тажрибасини ўрганиш келажакда Ўзбе-

кистон иқтисодиётининг рақобатбардошлик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қуйидаги технологик (инновацион) кластерлар рўйхатини белгилаб олишга имкон беради:

— нанотехнология (нанозлектроника, наноматериаллар, нанотехника).

Агар ўзбек олимларининг нанотехнологиялар соҳасидаги ишланмалари (тадқиқотлари)нинг илмий даражасини баҳолайдиган бўлсак, баъзи соҳаларда улар жаҳон даражаларига тўғри келади, хусусан:

— ҳужайралар биотехнологияси (биотиббӣёт, ген муҳандислиги, ҳужайралар биополимерлари);

— ахборот технологиялари (ахборот-телекоммуникация тизимлари, дастурий таъминот, математик моделлаштириш тизими ва ҳ.к.);

— янги материаллар (композитлар, полимерлар, керамика материаллари, махсус хоссаларга эга материаллар ва қотишмалар, ўта қаттиқ материаллар, биомувофиқ материаллар, катализаторлар).

Масалан, генетик материал — дезоксирибонуклеин кислота (ДНК)нинг ўзгариши билан боғлиқ ҳужайралар биотехнологияси кластерини яратиш мумкин. Ген муҳандислиги қимматли хусусиятларга эга генларни бир организмдан иккинчисига ўтказиш ёки генлар функциясини кучайтириш ёки кучсизлантириш (трансформация) орқали бошқа организмда мақсадли ўзгаришларни амалга оширишга имкон беради.

Ген муҳандислигидан фойдаланиш орқали исталган тирик организмда мақсадли ўзгаришларни, масалан, саноат миқёсларида оқсиллар ишлаб чиқариш, ўсимлик ва ҳайвонлар турларининг инсон эҳтиёжларига мувофиқ равишда маҳсулдорлигини ошириш, турли ирсий касалликларни даволаш ва бошқаларни амалга ошириш мумкин.

Пахта ғўзапоясининг генетик муҳандислигига бағишланган тадқиқотлар Ўзбекистонда 1980-йилларнинг бошида акад. О.С. Содиқов ташаббуси билан бошланган. Ҳозирги вақтга келиб, олимларимиз «генларни ўчириб қўйиш» («ген нокаут») методидан фойдаланиш йўли билан генлар фаоллигини бошқариш технологиясини яратганлар ва пахта толасининг узунлиги учун жавобгар бўлган ва гуллашга тўсқинлик қилувчи

бир нечта генлар фаолиятини тўхтатиб қўйдилар, шунингдек, юқори агрономик кўрсаткичларга эга трансген ғўзапоя турларини олишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, нисбатан узун ва юқори сифатли толага эга тезпишар трансген ғўзапоя олиш бўйича инновацион ғоя амалга оширилди.

Ушбу назария асосида технологиялар яратиш мақсадида 2003—2009 йиллар давомида бир қатор фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди, жаҳонда биринчи бўлиб Ўзбекистонда ёруғликни ютувчи қизил/узоқ қизил спектрнинг рецептор генлар оиласи клонлаштирилди ва тавсифлаб берилди. Кейинги босқичларда «генларни ўчириб қўйиш» йўли билан ғўзапояда ушбу генларнинг фаоллигини бошқариш технологияси ишлаб чиқилди, инновацион ғоянинг юқорида таърифланган назарияси ғўзанинг трансген турларининг яратиши орқали тўлиқ ўз исботини топди.

Лаборатория шароитларидаги дастлабки генетик таҳлиллар маълумотларига кўра, ушбу «ген-нокаут» технологияси асосида олинган ғўза ўсимлиги айнан ўша шароитларда ўстирилган назорат ўсимликларига нисбатан 2—3 маротаба жадалроқ вегетатив ўсишга ва 2—3 маротаба узунроқ илдиз тизимига эга эканлиги, уларнинг 10—15 кун илгари гуллаши ва етилиши ҳамда толасининг узунлиги 5—10 ммга узунроқ бўлиши кузатилади¹.

Ҳозирги вақтда «ген-нокаут» технологияси асосида олинган ғўзанинг иккинчи авлоди мамлакатимиз ҳукумати томонидан молиялаштирилиб, инновацион лойиҳалар доирасида дала шароитларида кенг миқёсларда синаб кўрилмоқда ва келгуси йилларда ишлаб чиқаришга жорий этиш режалаштирилмоқда.

Жаҳон бозорида пахта толаси нархи узунлиги, мустаҳкамлиги, ингичкалиги (микронейр), рангдорлиги каби сифат кўрсаткичлари орқали белгиланади. Масалан, микронейр кўрсаткичлари ёмонроқ (4,9—5,3) толага нисбатан ингичка толали яхши микронейрга эга (3,5—4,9) толанинг ҳар бир килограмми тола бозорида 8 центга қимматроқ баҳолана-

¹ Абдурахмонов И. Новые биотехнологии в создании высококачественных сортов трансгенного хлопчатника // Мировой финансово-экономический кризис: национальные интересы и инновационная политика. Материалы республиканской научно-практической конференции. — Ташкент: Молия, 2009. — С.100—105.

ди. Тола бозоридаги рақобатбардошликни таъминлаш учун юқори сифатли ва узун толали пахта навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон пахтачилиги келажаги юқорида баён этилган ғўза биотехнологияси ва геномикаси билан узвий боғлиқ, генлар технологиясини жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб инновацион вазифаси ҳисобланади.

Биотехнологиялар натижаларидан иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида фойдаланиш мумкин:

— соғлиқни сақлаш ва ветеринарияда, яъни айнан диагностикаумларнинг янги авлодлари, вирусга қарши ва ўсимталарга қарши доривор воситалар олиш, ген диагностикаси ва ген терапиясини ўтказиш мақсадларида;

— саноатда, хусусан, биополимерлардан биокатализаторлар сифатида фойдаланишда, озиқавий қўшимчалар олишда, нефть маҳсулдорлигини оширишда, газни қайта ишлашда, рудалардан нодир металлар ажратиш олишда фойдаланиш мумкин;

— қишлоқ хўжалигида биоўғитлардан фойдаланиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусан, тупроқларни биоремидация қилиш ва сувни тозалашда.

Олий ва ўрта таълим анъаналарини эътиборга олган ҳолда, асосини математик моделлаштириш тизимини яратиш технологияси ташкил этган дастурий таъминот ва моделлаштиришнинг универсал кластерини яратиш мумкин. Бундай кластерни яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида ҳам, олий таълим тизимида ҳам малакали кадрлар мавжуд (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети факультетлари ва мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртларида).

Таъкидлаш жоизки, математик моделлаштириш технологиясини қуйидаги соҳаларда самарали қўллаш мумкин:

— мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сценарийларини жорий ва истиқбол учун моделлаштириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ривожланиш башоратлари ва бошқаларни тузиш;

— микроэлектроника ва саноатнинг бошқа тармоқларида материаллар олиш учун технологияларни моделлаштириш;

— мураккаб техник тизимларни лойиҳалаштиришни автоматлаштириш назарияси ва методларини моделлаштириш;

– берилган ўлчамлар билан турли соҳа ва тармоқларда, масалан, фавқулодда вазиятларни моделлаштиришда имитацион тажрибалар ўтказишнинг инструментал воситаларини моделлаштириш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув қарорларини қабул қилиш оқибатлари ва экологик вазиятларни моделлаштириш.

Шундай экан, мамлакатнинг жорий рақобатбардошлик вазифаларини ҳал этувчи ва табиий қиёсий афзалликларга таянувчи тармоқларнинг, шунингдек, истиқболли рақобатбардошликни таъминлаб берувчи технологик (иновацион) кластерлар яратувчи тармоқларнинг оптимал нисбатларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда сўз юқори технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш устида бориб, улар нафақат мазкур технологияларга хизмат кўрсатишни, балки юқори технологиялар базасида, жумладан, устувор тармоқлар учун ҳам янги ускуналарни яратишни ҳам ўз ичига олиши керак.

Технологик кластерларни яратиш учун муҳим шарт-шароитлар талаб этилишини қайд этиш керак. Бунинг учун Ўзбекистон иқтисодиётида етарли замин яратилган, жумладан, жаҳон бозорига чиққан йирик миллий корхоналар мавжуд. Бундай корхоналар бизнесни ривожлантириш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқотлар ва техник ишланмалар учун катта маблағлар сарфлашга, замонавий технологияларга эга бўлиш мақсадларида йирик хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишга, халқаро меҳнат тақсимида иштирок этишга мажбур бўладилар. Умуман олганда, уларнинг миллий иқтисодиётнинг умумий рақобатбардошлигини таъминлаб бера олишга қодир йирик миллий корпорацияларга айланиб боришида ҳозирча баъзи ютуқларни кўришимиз мумкин.

Мазкур шарт-шароитлар, давлат томонидан жиддий ёрдам кўрсатилган тақдирдагина, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан реал силжишни амалга оширишга имкон бериши мумкинлигини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барча тармоқлари учун ривожланиши глобаллашуви ва жаҳон бозорига кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни яратиш — ўз олдига мамла-

кат рақобатбардошлигини оширишни мақсад қилиб қўйган МИТни шакллантиришнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолади.

Ҳозирги вазиятда кўплаб ўзбек корхоналарининг рақобатбардошлигига улар маҳсулотининг нисбатан паст нархлари туфайли эришилмоқда. Бундай вазиятларда йирик миллий компанияларни, масалан, молия-саноат гуруҳларини (МСГ) яратишга эътибор қаратиш энг истиқболли ҳисобланади. Рақобатбардош бизнесни ривожлантириш йирик корхоналар ўз атрофларида ўзининг молиявий, ишлаб чиқариш, савдо, инновацион манфаатлари таъсир доирасига жалб этувчи кўп сонли ишлаб чиқариш, сервис ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг тармоқ тузилмаларини шакллантиришига олиб келади. Албатта, айнан йирик корпорациялар бизнеснинг франчайзинг, аутсорсинг, тармоқли маркетинг, технопарклар, инновацион инкубаторлар каби шаклларидан кенг фойдаланадилар, улар туфайли иқтисодий фаолият субъектлари сони жадал ўсиб боради.

Рақобатбардош тармоқларни танлашга мос технологик (инновацион) кластерларни шакллантириш, республикани ривожлантиришнинг янги иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этишини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда республикада экспортида хом ашё ресурсларининг ва паст қўшилган қийматга эга маҳсулотларнинг устунлиги хос бўлган ресурс-экспорт стратегияси амалга оширилмоқда. Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг ўзга йўли мавжуд, яъни у фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар экспортини сезиларли равишда оширишни назарда тутувчи стратегияни амалга оширишдан иборат. Бироқ бизнинг фикримизча, бу йўналиш истиқболга эга эмас, сабаби у янги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун катта маблағни, шунингдек, миллий иқтисодиёт тузилмасини кўпроқ даражада саноатни, хусусан, ишлов берувчи саноатни ривожлантириш томон кескин ўзгартирилишини талаб этади. Бизнингча, энг мақбул ва оптимал йўл — бу ҳар икки стратегияни бирга қўшган, яъни Ўзбекистон иқтисодиётини ресурс-инновацион ривожлантиришни ўзида жамлаган ривожланиш стратегиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айнан мана шу стратегик йўналишда тадқиқотлар ва илмий-техник ишланмалар, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, энг янги кашфиёт ва ишланмаларни жорий этиш, тажриба ишлаб чиқаришларини яратиш ва ҳ.к. учун катта маблағлар сарфлаш воситасида маҳаллий корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Давлат ушбу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи бўла олади, сабаби бу фақат давлатнинг кучи ета оладиган миқёсдаги ишдир, хусусий бизнес эса мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг мазкур стратегиясини амалга оширишда ҳамкор сифатида чиқиши керак.

Шундай экан, ушбу стратегияни амалга ошириш учун маҳаллий корхоналарга улардаги ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши керак, хусусан, солиқ таътиллари, инвестиция чегирмалари, солиқ ва тўловларнинг стандарт ставкаларини пасайтириш, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар учун импорт божларини бекор қилиш, технологик (инновацион) кластерлар учун давлат буюртмаларини шакллантириш лозим.

Шунингдек, ривожланишнинг ресурс-инновация стратегиясини амалга ошириш учун давлатнинг хусусий бизнес билан муносабатлари шакли сифатидаги хусусий-давлат ҳамкорлигидан, дунёнинг етакчи компаниялари билан қўшма корхоналар яратишни рағбатлантиришдан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг ушбу стратегияси республика иқтисодиётининг табиий қиёсий устунликлари ҳисобига ҳозирда рақобатбардош бўла олган тармоқларини янада ривожлантириш билан чекланиб қолмай, янги рақобатбардош ишлаб чиқариш ва корхоналар — юқори технологиялар ва сервис хизматлари тармоқларини шакллантириш учун шароитлар яратиш учун ҳам кенг имкониятлар очади, бу эса ўз навбатида, истиқболда Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг, шунингдек, нафақат иқтисодиётнинг, балки бутун мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим негиз бўлиб хизмат қилади.

III БОБ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ИННОВАЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

3.1. Миллий иқтисодиётнинг инновация салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш таҳлилига институционал ёндашув

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида инновацияларнинг аҳамияти, инновацион жараёнларни амалга ошириш йўналишлари ва механизмлари ўзгариб бормоқда. Бунда инновациялар иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим, иқтисодиётни интеллектуаллаштиришга асосланувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Шунга боғлиқ равишда ҳозирги шароитларда инновацион, айнан билимларга асосланган, ма-лакали ишчи кучини ўзига жамлаган юқори фан сиғимига эга технологик иқтисодиёт рақобатбардош бўла олади.

Бугунги кунда инновацион тараққиётда инновацияларнинг чизиқли модели етакчи роль ўйнамоқда. Ушбу моделга мувофиқ ишлаб чиқилган фундаментал илмий ғоялар амалий тадқиқотларда аксини топади. Мана шундай тадқиқотлар инновациялар учун асос бўлиб хизмат қилади, уларни амалга ошириш натижасида илғор технологиялар юзага келади. Модель XX асрда ўзини фақат ижобий томондан кўрсатди ва, ўз навбатида, XXI асрда ҳам ривожланган мамлакатларда сазовор бўлган ўрнини йўқотмайди. Ривожланган мамлакатларда ушбу моделга қўшимча тарзида аста-секин «инновацияларнинг кўп сонли манбалари модели» ҳам жорий этилмоқда, унга мувофиқ инновациялар инновация тизимининг исталган қисмида юзага келиши мумкин. Гарчи илмий тадқиқотлар инновацияларнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолса-да, унинг ягона ривожлантирувчи омили ҳисобланмайди. Шунга боғлиқ равишда, илмий-тадқиқот ташкилотларининг анънавий тутган ўрнини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Янги илмлар нафақат давлат илмий-тадқиқот

ташкilotлари ёки компанияларнинг тадқиқот бўлинмаларида, балки кўплаб ижтимоий тузилмаларда ҳам яратилмоқда. Инновацион жараёнлар учун муҳандисларнинг, савдо агентлари ва бошқа ёлланма ишчилар билан бир қаторда истеъмолчиларнинг ҳам кундалик янги тажрибалари ва фаолиятлари муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Ишлаб чиқариш, савдо ва истеъмол соҳаларидан келиб тушадиган таклиф ва ғоялар асосида янгиликларнинг юзага келиши иқтисодий агентлар ўртасида ўзаро муносабатлар яхши йўлга қўйилган тизимлар учун хос. Бундан ташқари, инновацион жараён технологиялар соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки институционал, ташкилий ва бошқарув инновацияларини ҳам ўз ичига олади. Бу билимларни мавжуд анъанавий концепциялар таркибига деярли киритиб бўлмайди, баъзида улар доирасидан чиқиб ҳам кетади. Улар муайян тармоқларда банд субъектларнинг номоддий активларини ифода этади; компаниялар ушбу билимлардан максимал даражада самара билан фойдаланишга интилишлари керак. Инновацияларнинг кўп сонли манбалари модели элементлар турли-туманлигини максимал тарзда ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш механизми ва уларнинг ижодий ҳамкорлиги учун шароитлар яратишга қаратилади.

Инновацияларнинг иккита асосий модели таҳлили норматив ва субъект ёндашувларининг оптимал уйғунлигини излаш муаммоси диққат марказда бўлиб қолаверади, деган хулоса чиқаришга сабаб бўлади. Ушбу муаммони ҳал этишда кўп ҳолатларда иккита: «инновацияларни қўллаб-қувватлаш» ва «инновация фаолиятининг муайян субъектларига ёрдам кўрсатиш» парадигмалари ўртасидаги етарли асосга эга бўлмаган ихтилоф муҳим ўрин эгаллайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу парадигмаларга муқобил сифатида қарамаслик лозим, балки улар бир-бирини тўлдириши керак. Бунга эса «муаммолантириш макони»ни кенгайтириш ва алоҳида масалаларни ҳал этишнинг хусусий стратегияси сифатида юқорида қайд этилган ҳар икки ёндашувни ўз ичига олган парадигмага ўтиш орқали эришиш мумкин. Бизнинг фикримизча, буни субъектга йўналтирилган ёндашув доирасида амалга ошириш мумкин. Ўз фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этувчи субъектлар

ва улар ташкил этган тўлиқ бир фаолият тизими ҳисобланмиш тадқиқ қилиш, лойиҳалаш ва бошқариш объектларининг ўзгариши унинг энг асосий хусусиятларидан бирига айланиши лозим.

Жадал сифат ўзгаришларига учраган динамик ва ноаниқ муҳит инновацион тараққиётни бошқариш бўйича янги-янги вазифаларни олға суради, уларни эса анъанавий тизимли-йўналтирилган менежмент ёки бевосита хориж тажрибасини қўллаб ҳал этиб бўлмайди. Инновацион ривожланишга ўтиш инновация салоҳиятидан фойдаланиш ва ресурсларни оптималлаштириш билан чекланиб қолмайди, балки иқтисодиётнинг институционал тузилмасини ҳам тизимли ўзгартиришни талаб этади. Шунга боғлиқ ҳолда, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг юзага келиши унинг энг муҳим йўналишлари бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бу томондан, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш институтларини яратиш уларни бартараф этишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Институционализмнинг методологик асосларига таянувчи иқтисодий ҳолат таҳлили айниқса қимматлидир. Бу йўналиш фақат иқтисодий йўналишларни ҳисобга олиш билан чекланиб қолмайди, балки инсон фаолиятининг ўзга соҳаларида юз берувчи бошқа, иқтисодиётнинг реал сектори технологик базаси шаклланишига таъсир кўрсатувчи жараёнларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Институционал назариянинг концептуал тамойиллари неоклассик йўналишнинг ҳаддан зиёд абстракт, турғун ёндашувларини енгиб ўтишга имкон яратади ва миллий иқтисодий тизимни инновацион ривожлантириш имкониятларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Шу вақтга қадар, институционал таҳлилдан билимлар иқтисодиёти элементлари эволюциясини баҳолаш ва ривожланишини башорат қилишда кам фойдаланилган. Бунга боғлиқ равишда Д.С. Львов иқтисодий тадқиқотлар услублари мажмуини, шу жумладан, билимлар иқтисодиётининг методологик аппаратини такомиллаштиришнинг объектив зарурлигини таъкидлайди¹.

¹ *Львов Д.С. Экономическая теория и хозяйственная практика // Экономическая наука современной России. — 2000. — №5.*

Модомики институционал муҳит — бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва уларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этувчи қоидалар тўплами экан, хўжалик субъектлари фаолияти институционал ёндашув доирасида иккита муҳим: трансформация ва трансакция ёндашуви асосида тавсифланади. Улардан биринчисида тадқиқотчилар диққати ички омилларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсир этишига қаратилади. Иккинчи ёндашув эса, ўз навбатида, ташқи омиллар таъсирини кўриб чиқади. Шундай қилиб, О. Уильямсоннинг институционал назариялар таснифига мувофиқ институтларни таснифлаш, биринчи навбатда, «хўжалик субъектига муносабат» белгиси бўйича амала оширилиши керак, яъни ички ва ташқи институтларга бўлиниши лозим экан¹. Шундай экан, билимларни ишлаб чиқиш корхоналар фаолият йўналишларидан бири эканини ҳисобга оладиган бўлсак, янги билимларни ишлаб чиқиш институтларини таснифлашнинг дастлабки белгиси уларнинг хўжалик юритувчи субъектга муносабати ҳисобланади. Бунда биринчи йўналиш доирасида корхона ва фирма «ичидан», яъни янги билимлар ишлаб чиқаришга турли бошқарув ёндашувида ўз ифодасини топган меъёрлар, келишувлар ва шартномалар тизими орқали таҳлил қилинади. Иккинчи йўналиш иқтисодий ташкилотларни «ташқаридан» тадқиқ этишга йўл очади, эътибор хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга қаратилади.

Замонавий институционал назария қуйидаги муҳим муаммоларни ҳал этишга асосланади: институтларнинг юзага келиш моҳиятини тушунтириш, ўзгарувчан шароитларда уларнинг фаолият кўрсатишини ўрганиш, институционал тартиб моҳиятини аниқлаш ва институционал ўзгаришларни баҳолаш. Юқорида баён этилган институционал иқтисодий ёналишлари доирасида бозор трансформацияси жараёнларини ўрганиш анъанавий иқтисодий таҳлил доирасини кенгайтиради ва институционал тизимни шакллантириш муаммоларини тадқиқ этишнинг умумий назарий асосларини ҳисобга олувчи комплекс ёндашувдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканини асослаб беради. Комплекс институцио-

¹ Уильямсон О. Экономические институты капитализма: фирмы, рынки, отношенческая контракция. — СПб.: Лениздат, 1996.

нал ёндашувнинг умумий назарий-методологик асослари сифатида фақат алоҳида кўриладиган йўналиш учунгина хос бўлган муайян хусусиятларни аниқлаб олиш керак бўлади. Анъанавий институционал таҳлилда институт тушунчасини рақобат муҳитини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида, иқтисодий субъектларга тақдим этиладиган ҳуқуқлар ва чеклашлар шакллари сифатида ажратиб оламиз. Янги институционал иқтисодиётнинг ўзига хос томонлари шартномалар тизимини, расмий ва норасмий қоидалар таҳлили, ташкилий ва институционал тузилма шакллари тадқиқ этишдан иборат. Тизимли ёндашув институционал тузилма ва ундаги ўзгаришларни унинг ички ташкилий таркибини эътиборга олган ҳолда ҳамда ижтимоий-иқтисодий тизимга кириб бориши нуқтаи назаридан тадқиқ этишни назарда тутди. Бунда унинг динамикасини ўрганиш қуйидаги нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

1. Биринчидан, ўзгаришлар давомида турли омиллар ва зиддиятлар мажмуи таъсири остида тизимнинг ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичлари ўзгаради;

2. Иккинчидан, ўзгаришлар тоифаси тизимнинг ўзгариш жараёнининг муайян йўналишга эга бўлишини назарда тутмайди;

3. Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизим ўзгаришлар жараёнида ўзига хослигига ишонч ҳосил қилади ва ўзининг яхлитлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий тизим динамикасининг асосий хусусиятлари қаторида унинг барқарорлик, қайтарилувчанлик ёки такрорланмаслик тавсифлари ва якуний натижанинг ноаниқлик даражасини санаб ўтиш мумкин. Тизимли методологияга риоя этган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, тизим элементларининг ўзи унинг ички алоқалари тавсифини белгилаб беради, шунинг учун ҳам, иқтисодий тизимнинг институционал динамикаси асосини хўжалик юритиш шароитларининг мураккаблашуви ва манфаатлар трансформациясига жавоб тариқасида субъектларнинг келишилган ҳаракатларининг натижаси бўлган унинг институционал тузилмаси ўзгаришлари ташкил этади. Ўз хўжалик фаолияти жараёнида иқтисодий тизим субъектлари шахсий истаклари ва трансакцион самарадорлик нуқтаи назаридан

келиб чиққан ҳолда, унинг институционал расмийлашувининг марказлашмаган танловини ўтказадилар. Марказлашмаган танловни расмий институтлар ва давлат томонидан ман этилмаган норасмий институтлар ва ман этилган норасмий институтлар ҳам амалга оширишлари мумкин. Субъектларининг хўжалик фаолиятини бевосита иштирокчилари ташкил этган марказлашмаган танловдан фарқли равишда, марказлашган танлов жамиятнинг сиёсий тизимлари субъектлари томонидан, шахсий мотивлаштириш асосида амалга ошириладиган расмий институтлар механизмини ишга туширишни ўзида ифода этади. Марказлашган танлов жараёнида қонуний тан олинган расмий институтларга хўжалик субъектлари ўз муносабатларини тартибга солиб туриш усулларида бири сифатида қарайдилар, бироқ уни мутлақ талаб деб ҳисобламайдилар. Айни вақтда, расмий институтлар кўп ҳолларда марказлашган танлов субъектларининг «ижоди» эмас, балки кўпроқ марказлашмаган танлов доирасида мавжуд бўлган норасмий институтларнинг расмийлашуви натижаси бўлиб ҳисобланадилар.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларида янги технологияларнинг жадал ривожланиши «ахборот жамияти» юзага келишини муқаррар қилиб қўйди, бу эса ахборотлар алмашинуви асосланган ижтимоий муносабатларнинг янги тури қарор топишига сабаб бўлди. Турли илм-фан соҳаларидаги ютуқларни синтезловчи синергетик ёндашувдан фойдаланиш, ижтимоий тизимларнинг амал қилиш жараёнларини эволюцион иқтисодиёт деб номланувчи нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тушунтиришга йўл очди. Институтларнинг амал қилувчи иерархик тизими билан белгиланувчи реал мутаассиблик унинг асосий тадқиқот объекти сифатида баҳоланади. Мазкур йўналиш вакиллари истеъмолчининг оптимал танлови моделининг неоклассик асосларини инкор этадилар. Улар айнан бир хил шароитларда турли иқтисодий агентларнинг феъл-атворлари бир хил бўлмаслигини тан оладилар, шунингдек атроф-муҳитнинг ўзгарувчан шароитларида қарорлар қабул қилишда феъл-атворнинг изчиллик омилини эътиборга оладилар.

Модомики технологик тараққиёт инновациялар амалга ошириладиган хўжалик юритиш субъектининг ташкилий шак-

лига боғлиқ экан, Р. Нильсон ва С. Винтер ўз тадқиқотларини айнан мана шу масалага қаратиб, улар иқтисодий агентлар томонидан билимларни эгаллаш ва уларни танлашни ягона бир жараёнга бирлаштирдилар. Улар фирмага билим эгаллашни таъминлаб берадиган ташкилот сифатида қарадилар. Инновацион жараённи таҳлил қилиш давомида хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий тизимда инновацияларни амалга оширишнинг энг муҳим объекти сифатида чиқиши маълум бўлди. Ушбу муаллифлар «Селекция (танлов) жараёни шундай бир бўғинки, у орқали ташқи таъсирлар (таклиф эгри чизигининг силжиши) фирма фаолиятида ўз ифодасини топади, фирмадаги ички ўзгаришлар эса (фирманинг кенгайиши) бошқа фирмалардаги маҳсулотлар баҳосининг ошишига олиб келади», деб таъкидлайдилар¹.

Ёндашувнинг аҳамиятли томони шундаки, хўжалик субъекти томонидан танлов усулидан фойдаланиш нисбатан оқилона инвестиция қарорини танлаб олиш ва қабул қилишга имкон беради. Ушбу парадигма технологик жараённи динамик ҳолатда кўриб чиқади, инновацияларнинг сабабларини, иқтисодий оқибатларини, уларнинг ҳар хил кўринишлари ва амалга ошириш шакллари бўйича рақобатнинг хусусиятларини таҳлил қилади. Л. Соете ва Б. Верспаген алоҳида мамлакатлардаги қийёсий афзалликларнинг мавжудлигини, ихтисослашувнинг турли даражада эканлигини технологик тараққиётнинг турли даражаси билан боғлиқлиги орқали тушунтиришга ҳаракат қиладилар². Иқтисодий адабиётларда «технология» тушунчаси билим шакллари ва воситалари сифатида кўрилади. Ишлаб чиқариш омили сифатидаги технология тушунчаси технологик ўзгаришларни аниқлашга, фирмани қайта тузиш жараёнларига унинг таъсирини ўрганишга асосланади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, институционал ривожланишга тавсиф бераётганда технологик ўзгаришлар таҳлиliga алоҳида ўрин ажратиш лозим экан. Жамиятда мавжуд қондалар тизиминидаги ўзгаришлар мазкур ўзга-

¹ *Nelson R.R., Winter S.G.* Neoclassical evolutionary theories of economic growth critique and prospectus // *Economic Journal*. — 1974. — December. — P. 893.

² *Soete L., Verspagen B.* Competing for growth. — Merit: University of Limburg, 1998. — P. 11.

риш натижаси сифатида тавсифланади. Ихтироларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнига бевосита жалб этилган иқтисодий субъектларнинг алоҳида гуруҳи технологик ўзгаришлар таъсири остида амалдаги қоидаларнинг янги тизи-мида бир қатор тақсимот устунликларига эга бўлади. Даромадларнинг ўсиши ва уларнинг янги қоидалар тўпламининг ўрнатилиши натижасида манфаатдор субъектлар ўртасида асимметрик тақсимланиши махсус изланишларни талаб этувчи муаммолардан ҳисобланади. Ижтимоий самарали институтлар тизимининг яратилиши трансформацияни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал этувчи шарти сифатида кўрилади.

Технологик ўзгаришларни тушунтириш учун технологик парадигма ва технологик траектория концепцияларидан фойдаланилади. Технологик ўзгаришлар — бу узоқ муддатли фаразларни шакллантириш давомида қисқа муддатли фаразларни ҳисобга олувчи узлуксиз жараёндир.

К. Перес, К. Фримен ва Б. Йонсонларнинг ижтимоий-институционал назарияни ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш зарур, технологик масалаларни институционал жараёнлар билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқиш бўйича уларнинг хизматлари айниқса катта¹. Технологик парадигманинг амалга оширилиши ижтимоий-институционал тизимнинг миллий ва халқаро даражаларда ўзгариш жараёнлари билан боғлиқдир. Институционал ва ижтимоий ўзгаришлар иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи омиллардир. Ҳозирги кунда янги институционал иқтисодиёт ва эволюцион иқтисодиёт назарияларининг конвергенциялашиш жараёнлари сезилмоқда, бу уларнинг умумий назарий асосларининг мавжудлиги: иқтисодий субъектларнинг оқилона феъл-атворлари чегаралари мавжудлигини, қарорлар қабул қилиш жараёнининг башорат қилиб бўлмаслиги, қайтариб бўлмаслигини, селекция ва ўзаро боғлиқликни тан олиниши кабилар билан боғлиқдир. Эволюцион иқтисодиёт тадқиқот объектларининг кенгайиб бориши, унга инновацион ўзгаришлар аҳамиятини ўрганиш қўшилиши ва янги институционал иқтисодиёт томонидан ўзгаришлар жараёнида


¹ *Jonson B. An institutional approach to the small country problem. — In.: Small countries facing the technological revolution. — London and New York: Printer publishers, 1988. — P. 281–282.*

агентларнинг ташкил этилиши ва ташкилий танлов масалаларини ўрганиш икки ёндашувнинг яқинлашишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай объектнинг моҳияти унинг тузилмасини аниқлаш йўли билан етарли даражада тўлиқ очиб берилади. Шунга боғлиқ ҳолда, тадқиқ этиладиган категориянинг асосий таркибий қисмлари устида алоҳида тўхтаб ўтиш талаб этилади. Инновацион салоҳиятнинг институционал тузилмаси унинг учта ташкил этувчиси (ресурсли, ички ва самарали) бирлиги сифатида ифодаланиб, улар бир – бири билан ўзаро боғлиқ ва фойдаланилганда уч қисмли моҳият сифатида намоён бўлади (9-расм).

Инновацион салоҳиятнинг ресурс ташкил этувчиси уни шакллантириш учун ўзига хос асос бўлиб хизмат қилади. У қуйидаги турли функционал вазифага эга муҳим таркибий қисмлар: моддий-техник, ахборот, молия, инсон ва бошқа турдаги ресурслардан иборат. Масалан, моддий-техник ресурслар моддий асос бўлиб, салоҳиятнинг техник-технологик базасини белгилаб беради, у эса инновация фаолиятининг кўламлари ва суръатларига таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, уларнинг ўзи эса ишлаб чиқариш воситалари тайёрланган тармоқларда шаклланади, бу тармоқлар эса янги технологиялардан фойдаланиш йўли билан уларга келгусида ишлатиладиган ёки ишлатилмайдиган потенциал имкониятлар берадилар.

9-расм. Инновация салоҳиятнинг институционал тузилмаси



Ресурс таркибининг навбатдаги ташкил этувчиси — ахборот ресурси (унинг билимлар базаси, моделлар, алгоритмлар, дастурлар, лойиҳалар ва бошқа шу каби фаол шакллари) бошқа турларидан фарқли равишда деярли тугалланмайди. Бироқ ресурсларнинг ушбу тури мустақил эмас ва у ўз ҳолича фақат потенциал аҳамиятга эга, бошқа ресурслар — тажриба, меҳнат, малака, техника, технология, энгергия, хом ашё билан бирлашсагина инновация салоҳиятининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлади¹.

Молиявий ресурслар инновация салоҳиятининг ресурс таркибига мавжуд ресурслар ва муқобил қуйилмалардан фойдаланилмаган имкониятларнинг узвий бирлиги сифатида киритилади. Шундай қилиб, улар нақд мавжуд бўлган ва аниқ бир мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишда фойдаланилиши мумкин бўлган молиявий имкониятлар манбалари ва захиралари мажмуи сифатида тавсифланади. Бунда молиявий ресурслар миқдори молиявий қудратни, тизимнинг моддий бойликлар яратиш ва хизматлар кўрсатишда иштирок этиш қобилиятини акс эттиради. Бироқ, таъминловчи вазифасидан ташқари молиявий ресурслар суғурталаш функциясини бажариб, бунда у инновация салоҳиятини ташкил этувчи моддий-техник, ахборот, инсон ва бошқа ресурсларни пул бирлигида баҳолайди. Шундай экан, мазкур ресурснинг аҳамияти икки ёқлама хусусиятга эга. Бир томондан, у чекланганлиги муносабати билан нисбатан тежамкор вариантни излашга, боридан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланишга, мавжуд омиллардан фойдаланишни жадаллаштиришга, яъни бутун тизимни ҳаракатга келтиришга мажбур этади. Бошқа тарафдан, унинг чекланганлик хусусияти инновацион салоҳиятнинг шаклланиши ва уни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Шундай бўлса-да, фақат бир нарса шак-шубҳасиз ресурсларнинг бу тури инновация салоҳиятига бевосита (сифат ва миқдор жиҳатдан) таъсир кўрсатади.

Инновация салоҳиятининг навбатдаги ресурс таркибини инсон ресурслари (капитал, омил) ташкил этади, бу ресурс таъминлаб берувчи вазифаси билан (аввалгиларидек) чек-

¹ *Калитич Г.* Функционально-информационный синтез НТИР / *Г. Калитич // Экономика Украины.* — 1999. — № 10. — С. 36–45.

ланиб қолмай, балки бош креатив куч сифатида ҳам чиқади. Яна шуниси муҳимки, кўрсатиб ўтилган компонент инновация салоҳиятининг нафақат ресурс таркибига, балки унинг ички, айниқса, натижавий таркибига ҳам бевосита таъсир кўратади.

Инновация салоҳиятининг иккинчи ички таркибий қисми — аввалги барча элементларнинг яроқлилик ва самарадорлилик хусусиятларини таъминлаб берувчи императивдир. Умуман олганда, мазкур ташкил этувчи инновация фаолиятининг мақсадли амалга ошириш имкониятларини тавсифлайди, яъни тизимнинг турли-туман янгиликларни бошлаб бериш, яратиш ва кенг ёйиш мақсадларида ресурсларни жалб этишнинг тижорат самарадорлиги тамойиллари бўйича қобилиятини белгилаб беради. Шундай қилиб, ички таркибий қисми янги маҳсулотни яратиш ва жорий этиш жараёнлари, янгилик яратувчини ҳам илғор ғоялар тақдим этувчи фан билан, тайёр маҳсулотни истъеъмол бозор билан алоқасини таъминлаб бериш жараёнлари, шунингдек, инновацион жараённи бошқариш метод ва усуллари воситасида таснифлаш мумкин. Қайд этилган ташкил этувчи анча мураккаб ва муҳим ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни батафсил таҳлил қилиш учун баъзи муаллифлар тузилмавий-институционал ва функционал ёндашувлардан фойдаланишни тавсия қиладилар. Бунда тузилмавий-институционал ёндашув инновация фаолиятини уни амалга оширувчи институционал субъектлар тизими нуқтаи назаридан, шунингдек, унинг учун ташқи соҳалар - фан ва ишлаб чиқариш билан иқтисодий алоқаси томонидан ажратиб ўрганади. Функционал ёндашув инновация жараёнларининг даврий қонуниятларини — инновация маҳсулоти ишлаб чиқариш, уни айирбошлаш, тақсимлаш, истеъмол қилиш ва инновация салоҳиятининг ички таркиби жавоб берадиган инновация жараёни циклини янгилаш каби-ларни белгилаб беради.

Инновация салоҳиятининг учинчи ташкил этувчиси натижавий (самарали) таркиб ҳисобланади, у мавжуд имкониятларни амалга оширишнинг якуний натижасининг ифодаси сифатида (инновацион жараённи амалга ошириш давомида олинган янги маҳсулот кўринишида) чиқади. Шундай қилиб, у — инновация салоҳиятининг мақсадли тавсифи экан. Бу

ташкил этувчининг муҳимлиги ва уни алоҳида ажратиб кўрса-тишнинг мақсадга мувофиқлиги унинг ошиб бориши, ўз нав-батада, қолган ташкил этувчиларнинг (масалан, ресурс) ри-вожланишига ёрдам бериши билан ўз тасдиғини топади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, натижавий таркиб ўзи миқ-дорий ва сифат ўзгаришлари натижаси бўлгани ҳолда, ин-новация салоҳияти билан бир қаторда бутун тизимни ҳам янги поғоналарга олиб чиқиш учун потенциал имкониятлар-га эгадир.

Инновация салоҳиятининг ресурс, ички ва натижавий тар-киблари ўртасидаги узвий боғлиқлик амалда уларнинг оп-тимал нисбатини (уларнинг салоҳиятни яратиш ва ривож-лантиришдаги тутган ўрнидан ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда) аниқлаб олишни заруриятга айлантиради. Масалан, ресурс таркибининг арзимаган ҳиссаси, одатда, сифат ўзга-ришларининг миқдор ўзгаришларидан устун бўлиши сабаб-ли юзага келади. Бунда зарур ресурсларнинг вақт ва макон бўйича чекланганлигини улардан фойдаланишни жадаллаш-тириш, жараённи ташкил этишнинг янги усулларида фойда-ланиш, уларни жалб этишнинг янги манбаларини излаш ор-қали тўлиқ ёки қисман бартараф этиш мумкин. Бунда инно-вация салоҳиятининг ташкил этувчилари кўрсаткичларининг оптимал даражадан оғишининг муайян чегараси мавжуд бўли-ши барчага аён. Яъни, бирор бир элементнинг келгусида ўзгариши ундан келадиган фойданинг пасайиб кетишига, ёки қолган элементларнинг фаолияти самарадорлигининг кама-йиб кетишига олиб келади, бунга сабаб уларнинг ягона бир тизимда мавжудлигидир. Шундай қилиб, инновация салоҳия-ти тузилмасини оптималлаштириш муаммоси жуда муҳим масала, бироқ мураккаблиги туфайли алоҳида, янада батаф-силроқ ўрганишни талаб этади.

Инновацион-йўналтирилган жадал ривожланаётган иқти-содиётнинг шаклланиши мос инновация муҳитига асослан-ган бўлиши керак, ушбу муҳит бир томондан инновацион фа-олликнинг оқибати бўлса, бошқа томондан унинг сабабидир. Бизнинг фикримизча, инновация муҳитини иккита ўзаро боғ-лиқ жиҳати бўйича кўриб чиқиш лозим: 1) жамиятнинг ин-новация салоҳиятини ривожлантиришни таъминлаб берув-чи ҳаёт фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга муво-

фиқ ташкил этилган макони сифатида; 2) хўжалик субъектлари инновация салоҳиятини тўплаб бориш ва амалга оширишнинг ўзаро боғланган воситаси сифатида. Шунга боғлиқ ҳолда, инновация муҳитининг ҳам ижод қилиш, ҳам уни жорий этишга чорловчи зарур омилларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда оптимал инновация муҳити очик тизим эканини таъкидлаш жоиз, яъни унинг ўлчамлари иқтисодий жараён субъектлари эҳтиёжларига мувофиқ равишда ўзгариши мумкин ва шартдир. Таҳлиллар асосида биз инновация фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқладик ва гуруҳладик (5-жадвал).

Иқтисодий ривожланишнинг янги концепциясини шакллантиришда инновацияларнинг тутган ўрни юзасидан тақдим этилган фикрлар ташқи беқарор шароитларда тизимни ривожлантиришнинг унинг учун мақбул бўлган йўллардан бирига отлантиришга ва ўзини-ўзи ташкил этиш жараёнини ишга тушириб юборишга қодир бўлган бошқарув таъсирини алоҳида ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Миллий хўжаликда инновацион тартибга солиш институтлари тизими ижтимоий-иқтисодий устуворликларга мувофиқ қарор топади. Инновацион турдаги институционал модель умумий хўжалик фаолияти масалалари бўйича ривожланган миллий институционал қонунларнинг, шунингдек, интеллектуал (ақлий) мулк тўғрисидаги қонунларнинг бўлишини талаб этади, сабаби инновацион фаолият — бу янги билимларни эгаллаш ва уни бозорнинг бошқа иштирокчилари билан амалга оширишга боғлиқ бўлган тижорат фаолиятидир.

5-жадвал

Инновация фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар

Омиллар гуруҳи	Фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар	Фаолиятга ёрдам кўрсатувчи омиллар
Техник-иқтисодий	Хатарли лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағ етишмовчилиги; моддий ва илмий-техник базанинг заифлиги, резерв қувватларининг йўқлиги; жорий ишлаб чиқариш манфаатларининг ҳукмронлиги	Хўжалик ва илмий-техник инфратузилмаларнинг, зарур моддий-техник воситалар ва молиявий резервининг мавжудлиги; инновация фаолияти учун моддий рағбатлар
Юридик	Монополияга қарши, солиқ, амортизация, патент-лицензия қонунлари томонидан чекловлар	Инновация фаолиятини қўллаб-қувватловчи қонуний чора-тадбирлар

Омиллар гуруҳи	Фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар	Фаолиятга ёрдам кўрсатувчи омиллар
Ташкилий-бошқарув	Мавжуд ташкилий тузилмалар, ҳаддан зиёд маркашлашув, ташкилотларни ташкил этишнинг иерархик тамойилларининг консервативлиги, ахборотларнинг вертикал оқимининг устунлиги, ташкилий ёпиқлик, қисқа муддатларда сарфлаган маблағларини чиқариб олишга йўналганлик; инновацион жараёнлар иштирокчиларининг манфаатларини мувофиқлаштиришнинг мураккаблиги	Ташкилий тузилмаларнинг ўзгарувчанлиги, бошқарувнинг демократик услуби, ахборотларнинг горизонтал оқимининг устунлиги; режалаштиришнинг индуктивлиги, тузатишларга йўл бериш; маркашлашишдан чиқариш, автономлик, мақсадли, муаммоли гуруҳларнинг ташкил этилиши
Ижтимоий-психологик	Мақомнинг ўзгариши, янги иш излаш, қарор топган фаолият турларини қайта қуриш, феъл-атвор тарзларининг, қарор топган анъаналарнинг бузилиши каби оқибатларни келтириб чиқарувчи ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш; бевосита ташқаридан кириб келадиган барча янгиликларга қаршилик кўрсатиш	Маънавий рағбат, жамиятчилик томонидан тан олинishi, мустақил фаолият учун имкониятларни таъминлаш, ижодий меҳнатни эркинлаштириш
Институционал (расмий ва норасмий)	Институционал меъёрлар иқтисодий дисфункцияси сабабли инновацион ривожланишнинг мавжуд меъёрлари ва трендлари тузилмаси ўртасидаги зиддиятлар	Инновацион фаолликни тақдирловчи, янги товар ва хизматлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантирувчи институционал меъёрларнинг шаклланиши

Манба: муаллифлар томонидан тузилган

3.2. Тадбиркорликнинг инновацион функцияси: назарий ва методологик масалалар

Иқтисодий инновацион ривожлантириш йўлига фақат мамлакат саноат салоҳиятини сифат жиҳатдан ўзгартириш, инновациялар бозорини ривожлантириш асосида ўтиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, кичик корхоналарни шакллантириш ва барқарор ривожланишини таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг инновацион фаоллиги самарали иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Тадбиркорлик тузилмалари фаолиятида инновацияларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги тадбиркорлик секторининг ҳозирги даврдаги салоҳияти тўғрисида тасаввур берибгина қолмай, балки корхоналарнинг барқарорлик ҳолатини ва ке-


лажакда уларни янада ривожлантириш истиқболларини баҳолашга ҳам имкон яратади.


Инновацион жараёнлар таркиби ва тавсифий тузилмаси таҳлили, кичик инновацион корхоналар янги гоёларни шакллантириш, тажриба-конструкторлик (камроқ — илмий-тадқиқот ишларида), бозорга жорий этиш босқичларида нисбатан фаол бўладилар, оммавий ишлаб чиқариш босқичида эса ниҳоятда кам фаоллик кўрсатадилар, деган хулосага олиб келди. Кичик инновацион корхоналар инновация фаолиятининг ўзга иштирокчилари (илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва б.)нинг ақлий мулкани тижоратлаштириш жараёнларида муҳим ўрин эгаллайди.

Инновацион тадбиркорлик (ИТ) деганда гоё ва ихтиролардан фойдаланиб янги товарлар ва технологиялар яратиш жараёни тушунилади. Бундан ташқари, ИТни янгиликлардан амалий фойдаланиш йўли билан хусусиятлари бўйича энг яхши товарлар (маҳсулот ва хизматлар) ва технологиялар яратилишига олиб келадиган ижтимоий, техник-иқтисодий жараён сифатида ҳам таърифлаш мумкин. Моҳиятига кўра, ИТ институтини мукаммаллаштириш МИТни ривожлантириш асоси бўлиб ҳисобланади, у эса инновацион инфратузилмани шакллантириш, давлатнинг тартибга солиш ва инновацион тузилмаларни қўллаб-қувватлаш механизмлари ва воситаларини яхшилаш негизида унинг яхлитлигини тиклашга ёрдам беради. Айнан инновация жараёнининг ўзи ҳам ИТни ривожлантириш дастурлари ва уларга ёрдам кўрсатиш ҳисобига давлат томонидан мақсадли тартибга солиш объекти бўлиши керак. МИТни ривожлантиришда институционал ҳамкорлик ва унинг тутган ўрни 10-расмда ўз ифодасини топган.

Ҳар қандай тадбиркорлик ҳам инновацион бўлавермайди, инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни шакллантириш, ундан фойдаланиш ёки унинг диффузияси натижасида тадбиркорлик фойдасини олишга имкон берган тадбиркорлик инновацион бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш истеъмолчилар томонидан инновацияларга талаб бўлишига, миллий иқтисодиётнинг ривожланган илмий-техник салоҳиятига, хатарли инновацион фаолиятни молиялаштирувчи венчур фирмалар ва инвесторларнинг фаолият кўрсатишига боғлиқ.

10-расм. МИТ ни ривожлантиришда инновацион тадбиркорликнинг туган ўрни ва институционал ҳамкорлик





Инновацион фаолият субъектларини тадқиқ этиш деганда ривожланган бозор иқтисодиётида уларнинг ўрни, улар қандай иқтисодий муносабатларда ва қандай вазифаларни амалга оширадилар, деган масалаларни кўриб чиқиш назарда тутилади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда хўжалик субъектларининг инновацион фаолияти табиати ва хусусияти тўғрисидаги назарий қарашларни таҳлил этмасдан, миллий инновация соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари амал қилиши лозим бўлган устувор йўналишларни белгилаб олиш ва амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда кичик тадбиркорлик субъектлари ЯИМнинг асосий қисмини ишлаб чиқаради. ИТТКИ учун сарфланадиган барча харажатлар умумий ҳажмининг 2 дан 5%гача қисмини истеъмол қилган ҳолда, барча йирик технологик янгиликларнинг деярли ярми айнан улар томонидан ишлаб чиқарилади.

Инновацион корхоналарнинг энг муҳим вазифаси — фан-техника ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги воситачилик ролини бажариш, рақобат шароитларида улар ўртасидаги иқтисодий айирбошлашни ҳеч бир узилишларсиз таъминлаб беришдан иборат. Инновацион корхоналар илмий-техникавий фаолият маҳсулотини ундан ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатгача (инновацион маҳсулотнинг турли объектларини яратиш орқали) етказиб беришдан ташқари, даромад келтириш эҳтимолига эга янги латент ижтимоий эҳтиёжни қондиришга қодир бўлган тижорат ҳамкорини излаш ишларини ҳам амалга оширадилар. Шундай қилиб, инновацион корхоналар фан-техника соҳасида яратилган маҳсулотни хўжалик тармоқларида яратиладиган маҳсулотга трансформацияси (ўзгариши) жараёнида юзага келувчи харажатларни қисқартириш бўйича ижтимоий эҳтиёж натижаси сифатида шаклланади. Инновацион корхоналар баъзи харажатларни бартараф этиш ва уларни қисқартиришга ёрдам беради, яъни улар бозор муносабатлари доирасида илмий-техник институтлар ва хусусий хўжалик субъектлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлаб берувчи институционал восита сифатида чиқадилар. Инновацион корхоналарнинг ўзи, агар уларнинг фаолияти илмий тадқиқот институтлари ва хўжалик субъектларининг инно-

вацион маҳсулотни яратиш ёки илмий-техник янгиликларни улардан тижорат нуқтаи назаридан фойдаланиш имкониятларигача етказиш билан боғлиқ харажатларини қисқартиришга ёрдам берган тақдирда, мустақил хўжалик субъектлари сифатида ажратилади. Дарҳақиқат, инновацион тадбиркордан фарқли равишда фирма инновацион маҳсулотни яратишда ички трансакцияларни миқдоран кўпайтириб, ўз ресурсларини самарасиз сарфлаши мумкин. Фирманинг ресурсларни унумсиз сарфлаши натижасидаги харажатлари очиқ бозорнинг трансакцион харажатларидан, яъни инновацион ихтисослашган корхоналарнинг ушбу трансакцияни ташкил этиш харажатларидан ошиб кетиши мумкин.

Шундай қилиб, инновацион корхоналар хўжалик субъектларининг бозордан инновацион маҳсулот харид қилиш билан боғлиқ трансакцион харажатлари, хўжалик субъектининг ўзи томонидан ўхшаш маҳсулот яратиш билан боғлиқ ички харажатлардан кам бўлган вақтда юзага келади.

Бундай ҳолатларда ИК субъектлари қаторига юридик шахс бўлмаган илмий-техник соҳада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни, яъни бу фаолият тури билан шуғулланишга гувоҳнома олган хусусий тадбиркорларни ҳам қўшиш мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, булар иқтисодиётнинг турли соҳаларига оид янгиликларни кашф этаётган ва амалга ошираётган ихтирочилар, конструкторлар, технологлар ва бошқа ижод кишиларидир. Одатда, ИТ субъектлари ташкилий белгилари, бажарадиган ишлари хусусиятлари ва ихтисослашувига кўра таснифланади (6-жадвал).

6-жадвал

Инновацион тадбиркорлик субъектлари

Сектор	Субъектлар
Давлат	— инновацион жараёнлар бошқарувини таъминлаб берувчи вазирликлар ва идоралар ташкилотлари; — ЎзР ФА илмий-тадқиқот институтлари қошида фаолият юритувчи ташкилотлар ва бўлинмалар; — давлат томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган нотижорат ташкилотлар.
Тадбиркорлик	— асосий фаолияти сотиш мақсадида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча ташкилот ва корхоналар; — хусусий нотижорат ташкилотлар

Таълим	<ul style="list-style-type: none"> – ҳуқуқий мақоми ва молиялаштириш манбаидан қатъи назар барча олий ўқув юртлари ва университетлар; – олий ўқув муассасаларининг бевосита назорати ва бошқаруви остидаги ёки улар билан уюшган илмий тадқиқот институтлари;
Нодавлат нотижорат ташкилотлар	<ul style="list-style-type: none"> – бевосита олий таълимга хизмат қилувчи ташкилотлар – мақсади фойда олишдан иборат бўлмаган хусусий корхоналар; – хусусий индивидуал ташкилотлар.

Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

Ҳар қандай инновацион фаолият тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади ва янги ғоялар излаш (янги маҳсулотдан тортиб янги тузилмагача) ва уларни баҳолаш; зарур ресурсларни жалб этиш; корхона яратиш ва уни бошқариш; моддий даромад олиш ва эришилган натижадан шахсан қониқиш кабиларга асосланади.

Инновацион тадбиркорлик — иқтисодий фаолиятнинг серқирра тури. Инновацион маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш цикли билан боғлиқ қўйидаги ташаббускорлик фаолияти турларини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар тадбиркор бўлиши мумкин:

- инновация маҳсулоти яратиш (бевосита инновацион тадбиркорлик);

- воситачилик вазифасини бажариш (инновацион маҳсулотни ҳаракатлантириш ва уни бевосита яратувчидан истеъмолчига етказиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш);

- инновация фаолиятини таъминлаш мақсадида молиявий соҳада фаолият кўрсатиш.

Нисбатан мустақил бўлган ҳолда инновация соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг ушбу турлари ташкилий-ҳуқуқий шакли, операциялари мазмуни ва уларнинг амалга оширилишига кўра ўзаро фарқ қилишига қарамай, бир-бирини тўлдиради. Инновация фаолияти тури шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, фаолият соҳаси, пул маблағларига боғлиқ равишда танланади.

Кичик инновацион корхоналарнинг кучли томонлари қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- инновацион цикл давомийлигини қисқартиришга имкон берувчи бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш;

- улар билан бевосита ва шахсан алоқа қилиш туфайли қўшимча харажатларнинг пастлиги;

— бошқарув иерархиясининг минималлиги сабабли ташкилотда расмиятчилик тадбирларининг йўқлиги.

Бундай корхоналар фаолиятидаги қийинчиликлар кўпроқ профессионал менежмент даражасининг пастлиги, ташқи молиялаштириш имкониятларининг чекланганлиги, иш ўринларининг паст даражада ихтисослашуви билан боғлиқ. Меҳнат тақсимооти даражасининг пастлиги билан боғлиқ ҳолда таркибий бўлинмаларнинг кўп эмаслиги сабабли кичик инновацион корхоналар синергетик самарага эга бўлади.

Кичик инновацион корхоналар таъсисчилари учун, тижорат хатари шароитида унинг муваффақияти учун шахсий жавобгарликка қарамай, тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги мотивацияси хос. Инновацион тадбиркорлик мотивига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— хусусий ижодий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари;

— қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва эркинлик даражасининг юқорилиги;

— инновацион соҳада муваффақиятнинг ижодий тан олиниши ва юқори даражадаги имиджга эга бўлиш ва б.

Тадбиркорликда юқори инновацион фаоллик учун тадқиқот эркинлиги, қоғозбозликнинг йўқлиги, янгиликларнинг тезлик билан маъқулланиши катта ёрдам беради ва шунингдек, инновация фаолияти — бу унчалик катта бўлмаган фирмада хўжалик юритаётган тадбиркор учун ўз нуфузини ошириш, янада миқёслироқ ташкилот тузиш учун ягона имконият ҳисобланади. Барча турдаги ресурсларнинг чекланганлиги туфайли бизнес янги технологияларни жадал ишлаб чиқиш ва фойдаланиш, янги маҳсулотлар яратиш, йирик корхоналарга фойдаланиш учун тижорат асосларида бериладиган янгиликларни саноат намуналаригача етказишдан манфаатдор.

Замонавий иқтисодий жараёнларнинг таваккалчилик ва хатарлари даражасининг юқорилиги инновацион корхоналарнинг постиндустриал жамиятни шакллантириш жараёнарига тезлик билан мослашувига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Шунингдек, бозорнинг тўйинганлиги бизнесда рақобат устунликларини излашга зарурат туғдиради, бунга эса хўжалик юритиш жараёнарига инновацион компонентларни жорий этиш йўли билан эришиш мумкин. Бундай шаро-

итларда ривожланган мамлакатларда фан-техника тараққиётининг локомотиви ҳисобланган, динамик ўзгарувчан вазиятга жадал мослашувчанликни ва ўз ҳолатини ўзгартириш қобилиятини айнан кичик тадбиркорлик шакллари намойиш этади. Сўзсиз, инновационлик функцияси йирик тадбиркорлик соҳасида ҳам намоён бўлади. Бироқ бу корхона кўламининг катталиги сабабли юзага келувчи инертлик натижасида камроқ даражада намоён бўлади.

Бир қатор иқтисодчилар инновацион тадбиркорликни инновацияларни ҳаракатлантириш қобилиятига эга рискли (таваккалчилик даражаси катта) бизнес билан боғлайдилар, инновацион тадбиркорлик субъектлари қаторига тижорат жиҳатидан қулай лойиҳаларни амалга ошириш ва унинг асосида фойда олишга қодир кичик таваккалчи фирмаларни киритадилар. Бироқ кичик инновацион тадбиркорлик шаклларида ташқари (хатарли янгиликларни синовдан ўтказиш, тугал ишлов бериш ва саноатда фойдаланишгача етказиш мақсадидаги венчур корхоналар уларнинг типик вакиллари ҳисобланади), инновацион тадбиркорликнинг йирик ташкилий шакллари ҳам фаолият кўрсатади.

Инновацион корхоналарнинг йирик шакллари ҳам, майда шакллари ҳам қуйидаги ташкилотлар кўринишида ўз ифодасини топади:

— ишбилармонлик марказлари (бизнес-инкубатор), қўшма тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашади ва кичик корхоналарга ҳуқуқий, бухгалтерлик, иқтисодий ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш ва бошқарувни таъминлайди;

— жорий этувчи фирма, илмий-техник янгиликлар ва объектларни жорий этиш, патентлаш ва лицензиялаш, бозорга чиқаришга, ихтироларни тижорат мақсадларида фойдаланиш ва лицензиялар сотишга ихтисослашади.

Юқорида номлари келтирилган инновацион тадбиркорлик шаклларида фарқли равишда, венчур фирмалар муайян бир тугал инновацион маҳсулот олиш мақсадида яратиладиган вақтинчалик тузилма ҳисобланади.

Кичик инновацион корхоналарнинг айнан шундай йирик субъектларга нисбатан тадбиркорлик фойдаси олиш имкониятлари қуйидаги ҳолларда анча юқори бўлади:

— бозорнинг кичик сегментларига йўналтирилган стратегиялар қўлланилганда;

- бозорда қатъий рақобат ва мураккаб тўсиқлар бўлмаганда;
- ишлаб чиқариш ва бозорга чиқиш учун катта ҳажмда капитал талаб этилмаса;
- фан ва техниканинг оралиқ соҳаларида базавий ИТТКИ натижаларидан фойдаланилганда;
- истеъмолчилар билан бевосита алоқа имконияи мавжуд бўлганда;
- амалга оширилган ИТТКИ натижаларидан кўп вариантли фойдаланиш имкониятларида, улар турли эҳтиёжлар учун татбиқ қилинганда;
- фаолият учун иқтисодий шароитлар нисбатан барқарор ва хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар, энергия ва бошқалар нархи турғун бўлганда.

Кичик инновацион корхоналарнинг юқори самарадорлигини янги илмий ғояларга ва инновацион маҳсулотни реализация қилиш орқали якуний натижага эга бўлиш билан боғлиқ аниқ муаммоларнинг ечимига нисбатан тезкор жавоб қайтара олиши орқали тушунтириш мумкин. Кичик инновацион корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари стратегияни шакллантиришнинг энг муҳим омилларини танлаш заруриятини вужудга келтириб, улар параметрлар кўринишида берилган. (7-жадвал).

7-жадвал

Инновацион корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ва стратегик воситаларни шакллантириш учун улар томонидан белгиланувчи параметрлар

Кичик инновацион корxonанинг ўзига хос хусусиятлари	Кичик инновацион корxonани ривожлантиришнинг стратегик танловини белгилаб берувчи параметрлар
Ресурсларнинг доимий етишмовчилиги	Ресурсларга эга бўлиш қулайлиги
Ривожланишнинг турли босқичларида турли ёрдамларга бўлган зарурият	Ресурсларга эга бўлиш қулайлиги Маҳсулот ҳолати
Бозор конъюктурасининг ноаниқлиги	Бизнес-пойдевор
Савдо тўғрисидаги ахборотнинг камлиги	Бизнес-пойдевор
Кадрлар таркибининг ўзига хослиги, тадбиркор шахсининг ўзига хос томонлари	Фойдаланишнинг оддийлиги кўрсаткичларнинг оддийлиги
Хатар (таваккалчилик) даражаси юқори фаолият	Стратегик таҳлилнинг қадамлаб юришига сабаб бўлувчи маҳсулот ҳолати

Кичик инновацион корхонанинг ўзига хос хусусиятлари	Кичик инновацион корхонани ривожлантиришнинг стратегик танловини белгилаб берувчи параметрлар
Мономахсуллик	Ресурсларга эга бўлиш қулайлиги Маҳсулот ҳолати
Корхона тузишнинг ўзига хос усуллари	Бизнес-пойдевор Фойдаланишнинг оддийлиги кўрсаткичларнинг оддийлиги
Корхонанинг ривожланиш суръатлари нотекислиги	Бизнес-пойдевор Фойдаланишнинг оддийлиги кўрсаткичларнинг оддийлиги
Корхона қийматида номоддий активларнинг устунлиги	Бизнес-пойдевор
Корхонанинг ёшлиги	Бизнес-пойдевор
Маҳсулотнинг тадрижий (эволюцион) ривожланиши	Маҳсулот ҳолати
Инновацион фаолият натижаларини сотиш эҳтимоли	Ресурсларга эга бўлиш қулайлиги Корхонанинг эгаллаган ўрнини эътиборга олган ҳолдаги маҳсулот ҳолати
Куч босими олдидаги заифлик	Ресурсларга эга бўлиш қулайлиги

Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

Йирик инновацион корхоналар фаолиятининг самарадорлиги инновациялардан кенг миқёсларда фойдаланиш имкониятлари ва ўзлаштирилган бозорларда кескин рақобат мавжуд бўлганда кўтарилади, булар эса инновацияларни жорий қилиш учун йирик маблағларни ҳамда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш дастлаб юқори миқдорларда харажатларни талаб этади.

Шунингдек, мураккаб техник тизимлардан фойдаланиш, давомли синов, тажриба тадбирларини ўтказиш, инновацион маҳсулотни лицензиялаш ва сертификатлаштириш орқали ҳам самарадорлик ошиб боради.

Кичик корхоналардан фарқли равишда, тадбиркорликнинг йирик тузилмалари базавий, стратегик инновацияларни ўзлаштириш учун моддий ва молиявий имкониятларга кўпроқ эга бўладилар. Кўлам самараси ва катта капиталга эга бўлганлари туфайли улар миллий иқтисодиёт илмий-техник тараққиётга эришиши учун устувор аҳамиятга эга стратегик технологияларни ўзлаштириш кучига эга бўладилар.

Инновацион тадбиркорликнинг йирик ташкилий шакллари қаторида илмий-техник мажмуалар, муҳандислик мар-

казлари, технополислар ва технопарклар, тадқиқот консорциумлари ва инкубаторларини санаб ўтиш мумкин, инновацион маҳсулотни тижоратлаштириш уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Йирик инновацион тадбиркорлик шакллари фан сифими юқори бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, миллий иқтисодиётнинг иқтисодий агентлари ўртасида жадал равишда жорий этиш мақсадида технологиялар трансфертини амалга оширишга ёрдам беради.

Фаол инвестицион ва инновацион фаолият учун нисбатан глобал омиллар муҳимроқ ҳисобланади.

Биринчидан, ўсиб бораётган бозорларнинг глобаллашуви ва байналминаллашуви. Баъзи фирмалар фаолияти жаҳон миқёсларига кўтарилмоқда. Улар янги бозорларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмай, балки бу бозорлар эҳтиёжларига нисбатан ўз тузилмасини ҳам ўзгартирмоқдалар.

Иккинчидан, корхоналар жалб этилган технологик рақобатнинг янги даражаси. Эски техника ва технологияларни янгиларига алмаштириш янада тезлашиб бормоқда.

Учинчидан, истеъмолчиларнинг нархга бўлган қарашларининг ўзгариши. Талаб атроф-муҳит ва саломатлик учун хавфсиз бўлган, индивидуал эҳтиёжларни қондирувчи янги товарларга қаратилган. Вазиятни тезликда ўзгартириш орқали корхоналар рақобатчиларни енгилга ҳаракат қиладилар. Товарларнинг ҳаёт цикли қисқариб бормоқда.

Бундай вазиятда давлатнинг инновация сиёсати протекционизм йўналишида кенгайиб боради. Шунингдек, замонавий шароитларда инновациялар корхоналарнинг яшаб қолишининг муҳим омилига айланади. Агар улар атроф-муҳит сигналларини ўз вақтида қабул қилолмасалар ва ўз фаолиятларини унга мувофиқ тарзда қайта ташкил эта олмасалар, бу уларга рақобатбардошликни йўқотиш хавфини туғдиради.

Корхоналар бугунги кунда ишлаб чиқариш миқёслари бўйича анъанавий рақобат қаторида рақобатнинг янги ўлчами — вақт бўйича мусобақани ҳам эътиборга олишлари лозим.

Корхоналар муваффақияти янги маҳсулотлар ва маркетингнинг айниқса таъсирли комбинацияси билан белгиланади. Товар нархидан кўра «мижоз истагини фаҳмлаб олиш», сервис хизматлари, сотилгандан кейинги хизмат, етказиб бериш учун юқори тайёргарлик, мижозларнинг алоҳида талаблар

рини эътиборга олиш, кенг турли ассортиментга эга бўлиш, сифатнинг тутган ўрнини тушуниб етиш ва унинг кафолатини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси эса корхоналарнинг ташкилий тузилмаси ва бошқариш услубларини ўзгартиришни талаб этади.

Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятидаги инновациялар деганда ўзидан аввалги монандидан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи (технологиялар даражаси, истеъмол хусусиятлари, ташкил этиш мукаммаллиги, ресурслардан самарали фойдаланиш, бозор фаолияти сифатлари ва ҳ.к.) ишбилармонлик менежментининг барча соҳаларидаги янгиликлар (ривожланиш, маркетинг, ишлаб чиқариш, айнан бошқарув ва ҳ.к.) назарда тутилади. Инновацион жараён ғоя юзага келишидан бошлаб унинг амалиётда қўлланишигача бўлган циклни ўз ичига олади.

Дунёнинг етакчи саноат компанияларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг муваффақияти инновацияларни бошқаришнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ экан. Инновацияларни бошқариш механизми янгиликларни концептуал лойиҳалаштириш тизимини, инновацияларни таъминлаш шакллариининг яратилишини, инновацион ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш ва ташкилий-тузилмавий қайта қуришларни назарда тутди. Янгиликларни бошқариш бўйича дунё тажрибаси янгиликларни инновацион ғояларнинг синтези босқичиданоқ кузатиб бориш кераклигидан дарак беради.

Узлуксиз инновацион жараённинг моҳияти — эҳтимоли мавжуд бўлган ўзгаришларни мақсадли излашдан ва ижтимоий ҳамда иқтисодий янгиликлар манбаи сифатидаги бу ўзгаришларни тизимли таҳлилидан иборат.

Инновацион фаолиятнинг интеллектуал ресурслари — бу, биринчи навбатда, ходимларнинг билими, тажрибаси ва дунёқарашларидир. Инновацион жараён қарорлар қабул қилиш жараёнига юқори малакали, ташаббускор ходимларни жалб этилишини талаб этади. Бунга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини сифат жиҳатдан ўзгартириш, меҳнатни ташкил этишни ўзгартириш, бошқарувнинг оптимал тизимидан фойдаланиш орқали эришилади.

Кадрлар тайёрлашнинг янги парадигмаси асосида ижодий шахсни шакллантириш ва ривожлантириш ётади. Кадр-

лар тайёрлаш харажатларига ишчи кучи учун харажатлар эмас, балки корхонанинг равнақ топиши учун зарур бўладиган узоқ муддатли инвестициялар сифатида қаралади. Ўқув жараёни ўқувчиларга муайян бир касб бўйича билим ва малака бериш билан чегараланиб қолмайди, балки уларда янги билим соҳаларини ўзлаштириш, янги ихтисосликларни эгаллаш учун қобилият ва истакларни ривожлантиришга қаратилади. Таълим олиш жараёнида ижодкорлик элементи кучаяди.

Янги концепциянинг муҳим таркибий қисми шахснинг мустақил ривожланиши масаласидир. Масалан, япон менежменти тизимида кадрлар тайёрлашнинг учта муҳим жиҳати ажратилади:

— бошқарув: ходимларнинг ишлаб чиқаришни муваффақиятли амалга ошириш ва корхонани ривожлантириш учун зарур бўлган билим ва малакаларга эга бўлиши;

— шахс сифатидаги: ходимларнинг профессионал ўсиши ва мансаби бўйича кўтарилиши натижасида шахсиятини намоён этиши ва фаолият кўрсатиши;

— ижтимоий: шахснинг ижтимоийлашуви ва жамиятни ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасининг кенгайиши.

Бундай таълим ходимларнинг мослашувчанлигини оширади, уларнинг ўзгарувчан шароитларга мослашувини, янги технологиялар ва меҳнатнинг янги шаклларини эгаллашга мойиллигини таъминлайди.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларида бошқарув соҳасида ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади, тор ихтисослашувдан воз кечилмоқда. Ихтисосликлар ўртасидаги тафовут кескинлиги камайиб бормоқда, ходимларнинг вазифалари ортмоқда, мувофиқ равишда иш ўринлари таснифидаги табақалашув қисқариб бормоқда. Муайян бир ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш учун сафарбар қилинган айрим ишчилар гуруҳлари тузилмоқда, улар муайян қондалар доирасида мажбуриятлар тақсимоли вакиллари сифатида маҳсулот сифатини назорат қилиш, молиявий мукофотларни тақсимлаш бўйича иш олиб борадилар.

Шундай қилиб, операцияларнинг «горизонтал тўплами» сифатида кенгайиши, яъни бир турдаги вазифалар доирасида ишга жуда катта турли-туманликлар киритиш ва мажбу-

риятларнинг «вертикал тўплами», яъни буюрилган ишни ба-
жаришда ишчиларга янада кўпроқ мустақилликни таъмин-
лаш, унинг мажбуриятлари қаторига меҳнатни режалашти-
риш ва ўз меҳнат сифатини назорат қилиш бўйича бир қатор
вазифаларни қўшиш орқали юз беради.

Бошқарувда иштирок этиш деб номланувчи услубдан
фойдаланиш ишчиларни инновацион жараённинг барча бос-
қичларига ва қарорлар қабул қилишга жалб этилишида ўз
ифодасини топади. Корхона фаолиятига, айниқса, ишлаб
чиқаришни янгилаш, молиявий-иқтисодий базани мустаҳкам-
лашга қизиқиш ходимнинг корхонага эгалик қилишда иш-
тирок этишини таъминлайди. Бунга ходимлар билан бошқа-
рувчилар манфаатларини яқинлаштиришга имкон берувчи,
уларнинг шахсий жамғармаларини ишлаб чиқаришга инвес-
тиция сифатида сафарбар этувчи акциялаштириш орқали
эришилмоқда.

Моддий-техник ресурсларни оптималлаштириш жиҳозлар-
дан, лабораториялардан, дастгоҳлар паркидан, илмий-техник
ахборотлар маълумотлари базасидан, шахсий ЭҲМ, мукам-
мал операция тизимлари ва ҳ.к.дан самарали фойдаланиш-
ни талаб этади. Ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш
янги ишланмаларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этишга
ёрдам беради.

Инновацион модел таркибидаги ташкилий-тузилмавий
қайта қуришлар ташкилий тузилманинг ўлчамларини, уни
марказлаштириш, расмийлаштириш ва мураккаблик поғона-
ларини ўзгартиришни назарда тутаяди. Инновацион ташки-
лий тузилма қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: янги
ғояларни мунтазам юзага келтириш, амалдаги ташкилий қо-
далар ва тадбирларга янгиликларни жорий этиш ҳамда улар-
ни кундалик амалий ишларнинг бир қисмига айлантириш.

Инновацион тузилмалар қурилмаларнинг лойиҳавий та-
мойилларидан фойдаланишда ўз тимсолини топади. Унинг
моҳияти у ёки бу илмий-техник муаммоларни ҳал этишдан
бошлаб янги турдаги маҳсулот яратишгача бўлган муайян
муаммолар ечимини топишга қаратилган лойиҳалаш гуруҳ-
лари доирасида моддий, инсон ва молиявий ресурсларни
бирлаштиришдан иборат. Лойиҳалаш гуруҳи аҳамиятли да-
ражадаги ташкилий-бошқарув мустақиллигига эга. Корхона

раҳбарияти вазифаларни, уларни бажариш муддатлари, моддий ресурслар ва молиявий маблағларнинг лимитини аниқ белгилаб беради, бироқ унинг жорий фаолиятига оид масалаларга аралашмайди. Лойиҳалаш гуруҳи корхонанинг (марказ, бўлим ва ҳ.к.), шўъба корхонасининг алоҳида бир бўғини сифатида ёки вақтинчалик ижодий жамоа сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

Лойиҳалаш гуруҳининг бошқа бир тури сифатида бизнеснинг янги соҳаларини ривожлантириш марказлари («стратегик хўжалик бўлинмалари», «даромад марказлари»)ни кўрсатиш мумкин. Уларнинг энг муҳим вазифаси шундай маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришдан иборатки, бу маҳсулотнинг сотилиши фирмага бозорда барқарор ўринни таъминлаб бера олсин. Мавжуд ёки потенциал даромадли бозорларни излаш хизматлари бундай марказларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ғарбда янгиликларни бошқаришга тадбиркорлик ёндашуви деб ном олган ёндашув кенг тарқалган бўлиб, унинг моҳияти шундаки, янги маҳсулотнинг ихтирочи-ташаббускори гуруҳ ёки бўлинманинг раҳбари бўлади, унинг вазифаси янги маҳсулотни ишлаб чиқиш босқичидан сотиш босқичигача етказишдан иборатдир. Бундай ёндашув янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тезлаштиришга, имкониятларнинг янада кенгроқ турларини синовдан ўтказишга, корхона бўлинмалари ва хизматлар ўртасидаги тузилмавий чегарани бартараф этишга ёрдам беради.

Инновацион тараққиётга йўналтирилган хўжалик бошқаруви тизимида марказлаштирилган бошқарув остидаги ва мустақил шаклланувчи жараёнлар ўртасидаги мутаносиб нисбатни ушлаб туриш лозим.

Инновацион жараённинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим вазифаларидан бири янгиликларни тўсиб қўядиган ва уларнинг таъсирини камайтирадиган омилларни ўз вақтида аниқлаб олишдан иборат; айтиш мумкин янгиликларга йўл очадиган омиллар ва кучларни қўллаб-қувватлаш лозим.

Янгиликларни тўхтатиб қўядиган тўсиқлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

— ташкилотлар (қарор топган ташкилий тизимга, хулқий меъёрларга янгиликларнинг мувофиқлик даражаси, мавжуд

тенг ҳуқуқлилиқ муносабатларини сақлашга ҳаракат, раҳбариятни сузлик билан қўллаб-қувватлаш, ҳаддан зиёд марказлашув ва бошқалар);

— коммуникациялар (етарли даражада ривожланмаган коммуникация тармоғи);

— компетенциялар (ходимларнинг тажриба, билим ва ма-лакаси);

— психология (янгиликлар одатий ҳолат учун хавф сифа-тида қабул қилинади).

Умуман олганда, инновация фаолияти концепцияси кор-хонанинг муайян стратегиялари доирасида амалга ошири-лади.

Инновацион фаолият назарияси ва амалиёти таҳлили но-ваторлик фаолиятининг бир қатор методологик тамойилла-рини аниқлашга имкон яратди, хусусан:

1. Янгиликлар етакчилиқни эгаллаш учун ўйлаб топилади.

2. Мақсадли тизимлаштирилган янгиликларни инновацион имкониятлар манбаларини таҳлил қилишдан бошлаш зарур.

3. Янгиликлар концептуаллик ва зеҳнлилиқни талаб этади.

4. Янгиликларнинг қатъий талаби вазиятни «жойида», во-қеалар қайнаган жойда тадқиқ этишдан ва потенциал истеъ-молчиларнинг кайфиятлари ва истаклари тўғрисида маълумот олишдан иборат.

5. Самарали бўлиши учун янгиликлар оддий ва ҳамма-боп бўлиши лозим.

6. Янгиликлар якуний натижага, муайян эҳтиёжни қонди-ришга аниқ йўналтирилган бўлиши керак.

7. Янгиликлар истиқбол ва жорий вақт эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим.

8. Самарали янгиликлар кичик кашфиётдан бошланади.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш вақтида давлатнинг инновацион тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига арала-шуви кучли, қатъий, кенг миқёсларда бўлиши лозим, бозор ислоҳотларининг амалга оширилишига кўра у аста-секин эркинлашиб боради.

Шундай қилиб, давлат инновация сиёсати давлатнинг аниқ мақсадлар, тамойиллар, турли усуллар, механизмлар ва их-тисослашган институтлар асосида ишлаб чиқилган иннова-цион тадбиркорлиқни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш

тадбирларининг мувозанатга солинган тизимини акс эттириши лозим. Давлат инновация тизимининг мақсади танлаб олинган устувор йўналишлар асосида илм-фан ва саноатни инновацион ривожлантириш йўлига ўтишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш лозим:

— маҳаллий ишлаб чиқариш томонидан инновацияларнинг «юқори талаблилигини» оширишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмларини яратиш, фундаментал фанлар, муҳим амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг жадал ривожланишини таъминлаш;

— илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш;

— илмий-техник мажмуаларнинг бозор иқтисодиёти ша-роитларига мослашуви, фан, технология ва техникани ривожлантириш мақсадларида давлат ва хусусий капиталнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

— давлатнинг тартибга олиш ва бозор механизмларининг оқилона уйғунлигини, фан, технология ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишда илмий, илмий-техник ва инновация фаолиятини бевосита ва билвосита рағбатлантириш тадбирларини яратиш;

— фан ва техника соҳасида олий малакали илмий ва муҳандис ходимларни тайёрлаш тизимини мукамаллаштириш;

— фан, технология ва техникани ривожлантириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар ва экспериментал ишланмаларни бу соҳадаги жаҳон йўналишларини (тенденцияларини) эътиборга олган ҳолда қўллаб-қувватлаш;

— олий мактабнинг илмий-тадқиқот секторини кучайтириш;

— иқтисодиётнинг мудофаа ва фуқаролик секторлари ўртасида билимлар ва технологияларни бериш бўйича фаолиятни фаоллаштириш, икки ёқлама қўлланиладиган технологияларни ривожлантириш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш;

— ҳарбий можароларнинг юзага келиши, техноген ва экологик фожеаларнинг олдини олишга ва улар келтирадиган зиёнларни камайтиришга ёрдам берувчи илмий ва илмий-техник ютуқлардан жадал фойдаланиш;

— қуруллар, ҳарбий ва махсус техникаларни ишлаб чиқиш ва модернизация қилиш, мудофаа-саноат мажмуаларини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш;

— терроризм, жумладан халқаро терроризмга қарши курашнинг техник воситалари, шакл ва усулларини мукаммаллаштириш.

8-жадвал

ИТ ни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича усуллари

Йўналиш	ИТ ни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш усуллари
Илмий-техник ёрдам	- фундаментал ва амалий фанларни ривожлантириш; - бирлашган илмий-техник ва таълим тузилмаларини яратиш ва тизимли ўзгаришларни амалга ошириш; - давлат ва идоралар мулкларидан оқилона фойдаланиш механизмларини жорий қилиш.
Молиявий ёрдам	- молия-кредит ва инвестиция механизмларини яхшилаш; - солиқ тизимини такомиллаштириш; - имтиёзлар ва преференциялар тизимини такомиллаштириш.
Ташкилий ёрдам	- инновацион инфратузилмани такомиллаштириш; - монополияга қарши сиёсатни мувофиқлаштириш ва ноинсоф рақобатни қисқартириш; - халқаро талабларга мувофиқ равишда стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини ишлаб чиқиш;
Ахборот-консалтинг ёрдами	- меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш; - консалтинг хизматлари ягона ахборот майдонини яратиш; - ақлий мулкни муҳофаза қилиш шакл ва методларини мукаммаллаштириш; - кадрлар илмий салоҳиятини янада кучайтириш

Манба: муаллифлар томонидан тузилган.

ИТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш метод ва механизмларининг МИТ ҳолати ва инновацион инфратузилмаларни ривожлантириш даражасига боғлиқлигини ўрганиш асосида ИТни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича усуллари гуруҳланди (8-жадвал).

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб шундай хулоса чиқариш мумкин: давлат бюджетидан «бевосита» маблағ ажратмаган, балки уларни ички ва ташқи манбалардан келишини рағбатлантирган ва уларга имтиёзли шароитлар яратган ҳолда, билвосита тартибга солиш аппаратидан фойдала-

ниб керакли самарага эришиши мумкин экан. Бундай вазиятда бир томондан бюджет маблағлари қисми тежалса, бошқа томондан — ИТни ривожлантириш ҳисобидан давлат бюджетининг бажарилиши учун шароитлар яратилади, яъни корхоналар ва хусусий шахслардан тушадиган солиқлар кўринишида маблағларнинг келиши ортади.

3.3. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятида инновация жараёнларини ташкил этишнинг иқтисодий механизми

Инновацион тадбиркорликни шакллантириш тажрибаси иқтисодиётнинг мазкур соҳасини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларнинг етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Унинг турли жиҳатларини, иқтисодиётнинг инновация сектори барча институтларини бирликда тизимли ўрганишгина ушбу секторни самарали бошқариш механизмини ишлаб чиқишга, унинг миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишда тутган ўрни ва ролини белгилаб олишга, шунингдек, ривожланиш қонуниятларини аниқлаб олишга имкон беради.

Илмий-ишлаб чиқариш фаолиятининг бозор талабларига мослашуви, товар ва савдо инновациялари механизми орқали истеъмолчилар талабларини бошқариш, илмий тадқиқотлар, ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги инновацияларни жорий этиш асосида рақобатчилардан устун бўлиб бориш асосида барқарор ривожланиш сиёсатини шакллантириш миллий иқтисодиётнинг инновация салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам берувчи омиллар ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг инновацион тараққий эттириш йўлининг ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда, уни амалга ошириш механизмнинг хусусиятларини белгиловчи асосий тамойилларни аниқлаб олиш зарур. Биз иқтисодиётнинг турли тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг асосий тамойиллари қаторига ўзгаришларнинг мунтазамлиги, инновацион ўзгаришлар механизмнинг узлуксиз ўзгариб турувчи ижтимоий эҳтиёж ва аниқ бир мақсадга қаратилганлигига мувофиқлигини киритамиз.

Ўзгаришларнинг узлуксизлиги тамойили бир ондаги бузилиш ва иқтисодиётда янги укладнинг шаклланишидан эмас,

балки моддий-техник ва технологик базаларнинг, ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг изчиллик билан ўзгаришидан иборатдир. Изчил ўзгаришлар механизми рақобатбардошликнинг юқори даражасини эгаллаш билан бир қаторда, тармоқларнинг жаҳон бозорининг ҳар кун ўзгариб турадиган конъюнктурасига мослашувини ҳам таъминлаб беради.

Инновацион ўзгаришлар механизмнинг узлуксиз ўзгариб турувчи ижтимоий эҳтиёжларга нисбатан мувофиқлик тамойили илмий-тадқиқот ташкилотларининг ишлаб чиқариш бўлинмалари билан фаол ҳамкорлик қилишига таянади. Ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг асоси сифатида тавсифланувчи инновациялар илғор ишлаб чиқаришларни шакллантиради. Эҳтиёжларнинг эластиклиги, улар тузилмасининг турли-туманлиги ва динамиклиги инновацияларнинг турли эҳтиёжларни биргина янгилик билан қондиришини шарт қилиб қўяди.

Инновацияларнинг тижоратлаштирилиши алоҳида эҳтиёжларни қондиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида, янада юқори даражага эга талабларнинг шаклланишини белгилаб беради. Уларнинг юзага келиши ички ва жаҳон бозорларида тармоқларнинг рақобат устунлигини таъминлаб берувчи янги гоёларни излаш учун туртки бўлади. Шундай қилиб, инновацион иқтисодиёт шароитларида турли тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тараққий этиши таъминланади.

Ўзгаришларнинг узлуксизлиги тамойили ва инновацион ўзгаришлар механизмнинг узлуксиз ўзгариб турувчи ижтимоий эҳтиёжларга нисбатан мувофиқлик тамойили ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мезонлари иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигининг ортишидан иборат бўлган аниқ мақсадга қаратилганлик тамойилини амалга ошириш жараёнида қўллаб-қувватланади ва кучайтирилади.

Аниқ мақсадга қаратилганлик тамойили ривожланишнинг инновацион хусусиятларини тавсифлайди ва бундай ривожланиш жараёнида юзага келувчи ҳамда тармоқ ривожланиши элементларининг нафақат ўзаро боғлиқлигини, балки ҳаракатлар йўналиши ва мотивациясини ҳам акс эттирувчи сабаб-оқибат муносабатларининг ўзига хос тарзда юзага келиши билан белгиланади.

Юқорида қайд этилган тамойиллар симбиози инновацион ривожланиш жараёнлари мунтазамлигини таъминлашга, ишлаб чиқариш секторидаги ўзгаришларнинг жамият ўзгаришларига мувофиқлигини таъминлашга, муайян бир тармоқни ривожлантириш йўналишларини белгилаб олишга ва иқтисодиёт тармоқларининг самарали фаолият кўрсатишини белгилаб берувчи инновацион ўзгаришларнинг ички ва ташқи омилларини ажратиб олишга имкон яратади.


Тармоқларни инновацион ривожлантириш механизмлари тизими бошқарув механизмини, ташкил этиш механизми, ишлаб чиқиш ва жорий этиш механизмлари, молиялаштириш ва рағбатлантириш механизмлари, технологик трансферт механизмлари ва ақлий мулкни ҳимоя қилиш механизмларини ўз ичига олади, уларнинг барчаси биргаликда инновацион ривожланиш стратегиясининг самарали амалга оширилишини ва инновацион туб ўзгаришларнинг бозор конъюнктураси шароитларига мослашувини таъминлайди.

Турли тармоқларда инновацион жараёнларнинг ривожланиши бошқарув, маркетинг ва савдо тизимида самарали инновацион механизмларни шакллантириш ва амалга оширилишига таъсир кўрсатади. Бироқ молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг ҳаддан зиёд эскирганлиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб даражасининг беқарорлиги билан биргаликда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг ички ва ташқи имкониятларидан динамик ўзгарувчан бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, бир маромда фойдаланишга ёрдам берувчи инновацион механизмларнинг мослашувчан тизимини шакллантириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ҳар қандай инновацион ривожланиш — бу асосий инновация жараёни бўлибгина қолмай, балки уни амалга ошириш учун зарур бўлган омиллар ва шароитлар тизимини ривожлантириш ҳамдир.

11-расмда кўрсатилган инновацион ривожланиш элементларининг ўзаро боғлиқлиги схемаси инновацион ривожланиш жараёнидаги сабаб-оқибат муносабатларини, шунингдек, турли тармоқларни ривожлантиришдаги ўзгаришлар тавсифи ва йўналишларини ҳам аниқлаш имконини беради.

11-расм. Инновацион ривожланиш элементлари ўзаро боғлиқлигининг тузилмавий схемаси



Тармоқлардаги ташкилий қийинчиликларнинг кўпайиб бориши моддий ишлаб чиқаришдаги бандлар сонининг камайиб бориши ҳисобига ахборот-бошқарув соҳасидаги бандларнинг муайян тартибда ортиб боришига олиб келади. Шундай бўлса-да, бу анъана ўзини оқлаган ва уни ишлаб чиқаришнинг энергия билан таъминланганлиги, механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилишининг кенгайиши билан тушунтириш мумкин. Тармоқлар бошқарувини компьютерлаштириш ривожланиш ва ислоҳ қилишнинг техник негизини ташкил этиши лозим.

Шундай қилиб, инновацион ривожланиш жараёни деганда, илмий-техник соҳанинг жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш жараёнларига интеграциялашуви назарда тутилади. Бундай интеграция илмий-техникавий соҳа ёрдамида фан сифими юқори маҳсулотлар ва хизматларнинг янги бозорларини ярата оладиган ва рақобат мавқеини мустаҳкамлайдиган самарали янгиликларнинг барқарор оқимини яратиш учун кучли рағбатларни юзага келтирувчи институтлар тизимини шакллантиришни англатади. Натижада, сифати, нархи, кўламлари ва бозорга чиқиш муддатларига кўра мавжуд тўлов қобилятига эга талабга мувофиқ бўлган янги маҳсулот ва хизматларни яратувчи миллий инновацион тизим юзага келади. Шунга боғлиқ равишда, «иқтисодийтемизми модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқиш зарур. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу дастур ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва иқтисодийтемизнинг бошқа соҳаларига оид умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳасини ўз ичига олиши мумкин. Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари — 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 млрд. долларни ташкил қилади»¹.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент, 2009. — 37-б.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида инновацион жараёнларни ривожлантириш хусусиятларини ва инновацион ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш заруриятини эътиборга олган ҳолда, биз фан-саноат салоҳиятининг технологик тараққиётига таъсир кўрсатувчи омилларни ажратдик. Омиллар етарлилик, турли-туманлик ва мувофиқлик тамойиллари асосида аниқлаб олинди.


Миллий иқтисодиётнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши инновацион тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий шароитлар фан сифими катта тармоқларни ривожлантириш учун ташқи муҳит яратади. Инновацион салоҳиятни ривожлантириш характери ва маълум мақсадга қаратилганлигини белгилаб берувчи интеллектуал капитал, инвестиция капитали ва ташкилий капитал ички омиллардир. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда айнан ташкилий капиталнинг роли ўсиб бормоқда, бу эса уни иқтисодиёт тармоқлари инновацион салоҳиятини ривожлантиришнинг энг муҳим ички омили сифатида таърифлашга сабаб бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг инновацион йўналганлиги чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигига юқори талабларни илгари суради, инновацион ривожланиш ресурсларига эгалик қилишнинг чекланганлиги эса комбинатор-ўринбосар бошқарувни, яъни иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш механизмларини амалга ошириш ҳисобига ташкилий капиталдан самарали фойдаланишни биринчи даражали аҳамиятга эга қилиб қўяди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида инновацион жараёнларни ривожлантириш самарадорлиги муайян бир саноат тармоғининг инновацион ривожланиш имкониятлари ва қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланувчи моделини ҳисобга олган ҳолда белгиланади (12-расм).

Таъкидланган омилларнинг ўзаро таъсири Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари инновацион ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ва инновацион салоҳиятдан фойдаланишнинг энг самарали моделини белгилаб беради. Миллий иқтисодиётнинг замонавий босқичларида тармоқларни инновацион ривожлантириш жараёнлари бўйича тўпланган маҳаллий ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, қуйидаги

12-расм. Ўзбекистон иқтисодий тармоқларини инновацион ривожлантириш моделларини шакллантирувчи омиллар



асосий моделларни ажратиш мумкин. Янгиликлар бозорининг давлат сектори фаол ривожланаётган ҳолатда, шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда устувор-йўналтирилган модель энг истиқболли ҳисобланади.

Инновацион маҳсулотлар бозори давлат сегментининг устувор-йўналтирилган модели давлатнинг устуворликлари ва дастурлари тизими воситасида ИТТКИнинг давлат томонидан молиялаштирилишини назарда тутати. Бу модел икки кўринишга эга:

— бюджет устувор-йўналтирилган модели, унга ИТТКИнинг давлат илмий-техник устувор йўналишлари ва дастурлари бўйича юз фоиз давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши хос. Бунда мулк эгаллиги турлича бўлган илмий тадқиқот ва илмий-техник ташкилотлар фаолият иштирокчилари ҳисобланади;

— аралаш-улушли устувор йўналишларга қаратилган модель. Бу моделнинг ўзига хос томони шундаки, ИТТКИни молиялаштириш давлат ҳамда хусусий (тижорат ва нотижорат) ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Инновацион маҳсулот эгалари аралаш давлат-хусусий тузилмалар ҳисобланади. Улар шунингдек, ҳам истеъмолчи, ҳам сотувчи бўла оладилар.

Давлат ва бозор тузилмаларининг ўзаро боғлиқлик механизми моделининг камчилиги улар инновацион маҳсулот бозори сифимини ҳисобга олмаслигидадир. Инновация бозори сифими ўзгаришларини ҳисобга олиш учун биз бу моделларни қуйидаги тартибда ўзгартиришни таклиф этамиз (9-жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини инновацион ривожлантириш моделлари

ИТТКИда давлат сектори улуши	Инновацион маҳсулот бозори сифими	
	Юқори	Паст
Юқори	I. Янгиликлар бозори давлат сегментининг квазибозор модели	II. Давлат ИТТКИ марказдан қочувчи модели
Паст	III. Янгиликлар бозорининг марказга интилувчи модели	IV. Янгиликлар бозорининг ривожланмаган давлат сегменти модели

9-жадвалда ҳар бир омил икки хил — ҳаракат (қиймат)-ларнинг юқори жадаллиги ва паст даражаларида тавсифланган. Юқори ва паст қийматларнинг аниқ даражаси абсолют эмас, сабаби ушбу моделлар мавҳумий-мантиқий тавсифга эга, бу эса аниқ миқдор ўлчамларини талаб этмайди.

Янгиликлар бозорининг давлат сегментининг квазибозор модели ИТТКИга сарфланувчи умумий харажатларда давлат секторининг улуши катталиги, инновацион маҳсулотлар бозорининг давлат сегменти сифими катталиги билан тавсифланади.

Бундай бирикув давлат бозорининг давлат илмий-тадқиқот ва илмий-техник ташкилотлари ишланмалари билан тўйинишини назарда тутаяди. Бундай бозор шартлидир, сабаби ИТТКИ натижаларини топширишда мулк эгаси ўзгармайди ва мазкур маҳсулот истеъмол қийматининг бозор тасдиғи юз бермайди. Гарчи айнан бир технология бир нечта илмий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилса-да, буюртмачи улардан фақат биттасини қабул қилади, ёки бу акция олдиндан режалаштирилган бўлади ва одатда, барча ишлаб чиқарувчилар харажатларини қоплашни назарда тутаяди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини инновацион ривожлантиришда бундай моделдан фойдаланиш мотивация ва рағбатлантириш механизмларини фаоллаштирмайди, бу эса инновация салоҳиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилади ва иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келади.

Давлат ИТТКИ марказдан қочувчи модели давлат секторининг ИТТКИда фаол иштирок этишини кўзда тутаяди. У маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти учун хос бўлиб, бунда барча илмий-техник ташкилотлар давлатга тегишлидир. Марказлаштирилмаган тизимда бундай ташкилотлар ишлаб чиқариш хусусий сектор, фан эса давлат сектори тасарруфида бўлган вақтда юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда истеъмолчи — иқтисодиётнинг хусусий сектори, ишлаб чиқарувчи — давлат илмий-тадқиқот ёки илмий-техникавий ташкилоти бўлган инновацион маҳсулотлар бозори мавжуд бўлади. Мамлакатда давлат илмий ташкилотлари йўналиши ва салоҳиятини сақлаб қолиш истағи мавжуд бўлган тақдирда, бундай вазият юзага келиши мумкин. Бироқ ундан амалда

фойдаланиш хусусий ишлаб чиқариш секторида инновацион қарорларни излаш, шакллантириш ва амалга ошириш ишларини сезиларли тарзда чеклаб қўяди, ишлаб чиқаришдан узилган ҳолда инновацион маҳсулот яратиш эса инновацион жараёни ривожлантиришнинг дискретлилигини белгилаб беради ҳамда алоҳида етакчи тармоқларнинг ва умуман мамлакат миқёсида иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштиради.

Янгиликлар бозорининг марказга интилувчи модели давлатнинг етарли даражада жиддий устуворликлари мавжуд бўлса-да, давлат илмий-тадқиқот ва илмий-техник ташкилотлари салоҳиятининг катта бўлмаслиги билан тавсифланади. Бундай ҳолатда давлат ўз мақсадларини амалга ошириш учун хусусий ташкилотлар ишланмаларидан фойдаланади ва илмий-техник маҳсулотлар бозорида интеллектуал маҳсулотларнинг давлатга қарашли истеъмолчиларидан ташкил топган йирик сегменти ажралиб чиқади. Таҳлил этилаётган модель давлат бозори турли тадқиқотчилар учун очиқ бўлса, яъни бу бозорда кучли рақобат мавжуд бўлганда юқори самарага эришиши мумкин.

Янгиликлар бозорининг давлат сегменти ривожланмаган модели давлат буюртмалари ва ИТТКИ давлат сектори мавжуд бўлмаслиги билан ажралиб туради. Бундай модель заиф ривожланган иқтисодиётлар учун хос бўлиб, уларнинг илм-фанни ривожлантиришга ҳам, хусусий секторга қарашли илмий-техник ташкилотлар тадқиқотларини молия билан таъминлашга ҳам кучлари етмайди.

ИТТКИ соҳаларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашиш даражасига боғлиқ равишда тармоқларнинг инновацион ривожланишининг тўрт моделини ажратиш мумкин. Потенциал чекланган инновацион маҳсулотлар бозори модели корхоналар томонидан ўтказиладиган ИТТКИнинг улуши юқори бўлган ҳолда дастлабки даромадларнинг олиб қўйилиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Даромадларнинг кўп миқдорларда олиб қўйилишининг давомийлиги илмий-техник маҳсулотларга эҳтиёж билан бир қаторда (тўлов қобилиятига эга талабнинг пасайиб кетиши сабабли), ИТТКИ ўтказишга корхоналар томонидан жуда оз миқдорларда маблағлар ажратилиши сабабли ишланма-

лар таклифининг ҳам камайиб кетишига сабаб бўлади. Буларнинг барчаси бундай маҳсулот бозори сигимларининг торайиб бориши тенденциясини юзага келтиради ва саноат тармоқлари инновацион ривожланиши спиралининг қисқаришига олиб келади.


Инновацион маҳсулотлар стагнацияли бозор модели тармоқлар ичидаги ИТТКИнинг заиф ривожланиши ва уларнинг асосан мустақил илмий-тадқиқот ташкилотлари ишланмалари ҳисобидан ўтказилиши билан тавсифланади. Дастлабки даромадларнинг юқори миқдорларда олиб қўйилиши сабабли тўловга қодир талаб пасайиб кетади. Модомики, ишлаб чиқариш ИТТКИ ҳажми юқори бўлмас экан, вазият ҳам шунга яраша, яъни ИТТКИ жуда аҳамиятсиз тарзларда амалга ошириладиган ва майда технологик такомиллашувлар хос бўлган турғунликка учрайди.

Шартномавий ИТТКИнинг потенциал кенгайиб борувчи бозори модели тармоқлар ичидаги ИТТКИ юқори даражада ривожланаётган бир вақтда даромадларнинг олиб қўйиш даражаси пастлиги билан тавсифланади, бу эса шартнома томонларини ташкил этган ташкилотлар кучи билан ИТТКИ ўтказиш ҳисобига бозорни кенгайтириш учун асос яратади. Бу ишлар тармоқ ичида ўтказиладиган тадқиқотларни тўлдиришга, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш учун асос яратишга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда мазкур модель Ўзбекистонда қўлланилмоқда.

Саноат инновацион маҳсулотларининг потенциал кенгайиб борувчи бозори модели тармоқлар ичидаги ИТТКИ етарли ривожланмаган ҳолатларида даромадларни олиб қўйишни даражасининг паст бўлиши билан тавсифланади, бу эса мазкур ИТТКИни кенгайтириш, шунингдек, илмий-техник маҳсулотларга талабни ошириш учун замин яратади.

Ушбу моделлардан иқтисодий тармоқларини инновацион ривожлантириш амалиётида фойдаланишга инновацион йўналишдаги ривожланиш омилларининг етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистон иқтисодий тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг аралаш моделини шакллантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, у эса кенгайиб бораётган модел асосида инновацион ривожланиш стратегиясини шакл-

13-расм. Ўзбекистон иқтисодий тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг аралаш модели



лантириш ва турли омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш, инновацион жараёнларни ривожлантиришда давлатнинг иштирокини чеклаш ва иқтисодий тармоқларида инновацион жараёнларни ривожлантириш шартларини белгилашни кабиларни эътиборга олиши зарур.

Моделнинг энг муҳим элементларидан бири инновацион жараёнларни бошқаришда давлатнинг иштирок этиш улуши ҳисобланади. Инновацион ривожланишнинг якуний мақсади иқтисодий ўсиш эканини эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодий тармоқларидаги инновацион жараёнларни молиялаштиришда давлат ва хусусий секторнинг иштирок этиш улушига боғлиқ ҳолда иқтисодий ўсиш модели қуйидагича ташкил топиши лозим (13-расм).

Иқтисодийнинг турли тармоқларида инновация жараёнлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари инновацион ривожланиш жараёнини амалга оширишга табақалашган ёндашувни талаб этади, сабаби тармоқлар ресурс-хом ашё базасининг турли-туманлиги билан, шунингдек, қўлланиладиган техника ва технологиялари хусусиятлари билан бир-бирдан фарқ қилади.

10-жадвал

Иқтисодий тармоқларини инновацион ривожлантириш механизмлари

Илмий-тадқиқот соҳаси ва инновация фаолияти йўналишларини давлат томонидан тартибга солиш	Технологиялар трансферти	Илмий ғояларни шакллантириш ва амалга ошириш	Инновация жараёнларини қўллаб-қувватлаш
босқичли тақсимлаш, босқичли рағбатлантириш, босқичли эгаллаб олиш, мажбурий жўрлик, ташаббусни топшириш, селектив рағбатлар, бозор оппортунизми, марказдан қочма ўзгаришлар, мақсадли ҳомийлик, якуний ҳомийлик, босқичли генерация, инқирозни бартараф этиш, селектив тузатишлар, огоҳлантирувчи муҳофаза, хайрихоҳлик, юзага келиш механизмлари	тадрижий инновациялар, босқичма-босқич ташаббуслар, янгилекларни ўзлаштириш, технологик кўтарилиш, ҳужумкор ўзлаштириш механизмлари	эксплуатацион ўзлаштириш, технологик ўзлаштириш механизмлари, маҳсулот импорти, маҳсулот экспорти ўрнини босиш, технологик импорт ўрнини босиш, маҳсулот-технологик экспорт, технологик компонентлар импорти ўрнини босиш механизмлари	фундаментал молиялаштириш, амалий молиялаштириш, якуний молиялаштириш, фундаментал рағбатлантириш, тугаллашнинг афзаллиги, шахсий инновацияларни қўллаб-қувватлаш, тадқиқот импортини, ички тугаллашни, жорий этишни кўчиришни, интеллектуал эгаллаб олиш, тугалловчи жалб этишни, якуний қўлайлик яратишни қўллаб-қувватлаш механизмлари

Ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг қуйидаги механизмларини ажратиш мумкин (10-жадвал).

Механизмларнинг шундай тизимини яратиш керакки, улар Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион ривожлантиришни амалга оширишга ёрдам бера олсин. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг нафақат уларнинг инновацион ривожланиш даражасига кўра, балки бу тармоқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва уларни истиқболда ривожлантириш имкониятларига кўра ҳам юқори даражада дифференциацияси (табақалашуви)ни ҳам эътиборга олган ҳолда тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг оптимал механизмини танлаш лозим, бунда матрица-тузилмавий услубдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг асосини мамлакатимиз ишлаб чиқариш тузилмаси кўрсаткичлари ва унинг фан сифимининг жаҳон ишлаб чиқаришининг (ривожланган, янги индустриал ва ривожланаётган мамлакатлар бўйича алоҳида) шундай кўрсаткичлари билан нисбатини аниқлаш ташкил этади.

Олинган натижалардан инновацион имкониятлар матрицасига мувофиқ равишда тармоқнинг эгаллаган ўрнини аниқлаш мезони сифатида фойдаланиш мумкин.

11-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг инновацион имкониятлари матрицаси

Тармоқнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги улушининг тармоқнинг миллий ишлаб чиқаришдаги улушига нисбати	Тармоқдаги ишлаб чиқаришнинг жаҳон ва маҳаллий фан сифими нисбати	
	1 дан зиёд	1 дан кам
1 дан кам	Истиқболли ривожланётган тармоқлар I	Истиқболли, бироқ қолюқ тармоқлар II
1 дан зиёд	Норентабел интеллектуал сифимли тармоқлар III	Жадал ривожланаётган тармоқлар IV

Берилган матрицанинг биринчи квадрантида жами санот ишлаб чиқариши бўйича жаҳон улушидан ортда қолаётган, бироқ ишлаб чиқаришнинг юқори фан сифимига эга тармоқ-

лар берилган, бу эса унда жадал илмий тадқиқотлар ўтказишга имкон беради, улар эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга мувофиқ инвестиция маблағлари мавжуд бўлганда тармоқни жаҳон миқёсига кўтаришга ёрдам беради.

Иккинчи квадрантда қолоқ тармоқлар жойлаштирилган, уларнинг фан сиғими даражаси ўртача жаҳон миқёсларига кўтарилишга тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланади. Шундай экан, тармоқнинг илмий-тадқиқот соҳасига қўшимча ресурсларни йўналтириш талаб этилади.

Учинчи квадрант жаҳон иқтисодиётига нисбатан миллий иқтисодиёт тузилмасида ҳиссаси катта бўлган ва ўзига интеллектуал ресурсларнинг анча катта қўламларини жалб этувчи тармоқларни ўз ичига олади. Булар мудофаа учун ишлаб чиқариш ёки бир қатор иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг қисқариб бораётган устувор тармоқлари бўлиши мумкин.

Тўртинчи квадрантда миллий ишлаб чиқаришдаги улуши жаҳон миқёсларидан юқори бўлган, фан сиғими эса анча паст тармоқлар тўпланган. Бу хорижий мамлакатларнинг ушбу тармоқда уни янада ривожлантириш мақсадларида илмий тадқиқотларни ўтказиш учун ресурсларни жалб этишга интилишларининг билвосита далили бўла олади. Бу тармоқ маҳаллий тадбиркорларнинг жаҳон бозорларидаги рақобат курашида алоҳида эътиборига сазовор бўлиши лозим.

Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг замонавий босқичи тармоқ фанлари ва янгиликлар бозорининг унчалик юқори бўлмаган даражалари билан тавсифланади. Шунинг учун қўлланиладиган инновацион механизмлар бу даражаларни кўтаришга йўналтирилиши лозим, чунки бусиз мамлакат иқтисодиётини янги технологик асосларга кўтариб бўлмайди. Мана шу мақсадда биринчи босқичда асосий эътибор фундаментал, амалий ва якуний молиялаштириш механизмлари билан уйғунликда марказдан қочма трансформация (ўзгариш) механизмидан фойдаланишга қаратилиши лозим.

Бундай механизмларнинг жорий этилиши янгиликлар бозорини ривожлантиришга ва ИТТКИни бевосита ишлаб

чиқариш объектларида ўтказишга рағбатлантиради ва ҳам давлатнинг бевосита аралашувини, ҳам билвосита рағбатларнинг бўлишини назарда тутади.

Энг аввало, давлатнинг бевосита аралашуви давлат буюртмаларидан фойдаланишда, фан ва техниканинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришда (фундаментал, амалий ва якуний молиялаштириш стратегиялари) намоён бўлиши керак. Давлат буюртмалари тизими янгиликлар бозорининг йирик сегментини, айниқса, иқтисодиётнинг ва унинг йирик бўғинлари рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, инновацион хавфсизлигини таъминлаш бўйича истиқболли эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган қисмини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Янгиликлар бозорини ривожлантириш лицензияларни сотиш-сотиб олиш жараёнларини ҳам фаоллаштиришни назарда тутади, бунинг учун эса лицензиялар олиш бўйича айланма маблағларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш ва мақсадли кредит механизmidан фойдаланиш лозим.

Марказдан қочма трансформация механизми корхоналардаги инновация фаолиятининг молиявий манбаларини кенгайтиришни кўзда тутади. Бунга ИТТКИ харажатларини маҳсулот таннархига киритиш, ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш суръатларини тезлаштиришга мойиллигини рағбатлантирувчи жадал амортизация механизмини қўллаш, шунингдек, шахсий инновацияларни ва жорий этишни қўллаб-қувватловчи механизмлар, эксплуатацион ўзлаштиришни, технологик тиклашни, технологик импорт ўрнини эгаллашни рағбатлантирувчи механизмлар ёрдам беради.

Биринчи квадрантга киритилган тармоқлар учун якуний молиялаштириш механизмлари, хусусий инновацияларни ва маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш механизмлари энг самарали ҳисобланади. Иккинчи квадрант тармоқлари ИТТКИга сарфланадиган маблағларни оширишни талаб этади. Шунингдек, инновацион жараёнларни босқичма-босқич амалга ошириш, янгиликларни ўзлаштириш, тадқиқот импортини, ички тугаллик, жорий этишни узатиш каби механизмлардан фойдаланиш лозим. Учинчи квадрант тармоқлари учун

тузилмавий қайта қуриш, қисқартириш, ушбу квадрант ишлаб чиқарувчилари маҳсулотини истъемол қилувчи тармоқларда ресурсларни тежовчи ИТТКИдан фойдаланиш механизмларини қўллаш лозим бўлади. Тўртинчи квадрант тармоқлари учун энг самарали механизмлар сифатида фундаментал молиялаштириш, шартномавий тадқиқотлар, амалий молиялаштириш механизмларини тавсия этиш мумкин.

Тармоқларни инновацион ривожлантириш механизмларини танлашга таклиф этилаётган дифференциал ёндашувнинг амалга оширилиши, биринчидан, ҳар бир муайян тармоқнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, иккинчидан, давлат бюджетини қайта тақсимлашга, учинчидан, истиқболли инновация лойиҳалари ва дастурларни амалга оширишга кенг имкониятлар яратади.

Турли тармоқларда инновацион жараёнларни ривожлантириш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, янги кооперация алоқаларини тиклаш ва қуришга ёрдам берувчи интеграция механизмлари асосида уларнинг ўзаро муносабатларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади, бу орқали эса тармоқларнинг инновацион маҳсулотлар жаҳон бозорида самарали ўрин эгаллаши таъминлаб берилади.

Инновация салоҳиятини оширишнинг самарали усули, бизнинг фикримизча, рақобатбардошлик даражасини ошириш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини ва уларни ривожлантиришнинг инновацион йўналувчанлигини таъминлаб бериш мақсадлари нуқтаи назаридан иқтисодиёт тармоқларини ўзаро ҳамкорлиги жараёнида технологиялар трансфертини фаоллаштиришдан иборатдир.

Тармоқлар ўзаро боғлиқлигининг бундай стратегияси уларни ривожлантиришнинг ички заҳираларини сафарбар қилишга йўл очади, капиталнинг ҳаракати йўналишлари ва таркиби ўзгариши ҳисобидан қўшимча ресурслар келишини таъминлайди, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиш даражасини мувозанатга келтиришга, интеграция ҳамда технологиялар трансферти механизмларини комплекс амалга ошириш ҳисобидан иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ривожланишини бошқаришни мувофиқлаштиришга имкон яратади.

3.4. Миллий инновация тизими салоҳияти самарадорлигини баҳолаш усуллари

Жаҳон иқтисодий инқирози шароитларида инновация фаолиятини тартибга солиш механизми ташкилий томонлардан ташқари инновацияларни иқтисодий рағбатлантириш ва режалаштиришни ҳам мўлжаллайди. Инновация фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш инновацион жараён иштирокчилари манфаатлари, уларнинг эҳтиёжларига таъсир этиш билан боғлиқдир. Инновацияларни рағбатлантириш инновациялар билан шуғулланувчи корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини қондириш учун қулайликлар яратишни англатади. Инновацияларни иқтисодий рағбатлантириш механизми комплекслилик, истиқболилик, транспарентлик каби асосий тамойилларга таяниши керак.

Инновация фаолиятини режалаштириш инновация лойиҳалари ва дастурларини тайёрлаш жараёнида дастурий-мақсадли тавсифга эга бўлиши керак. Ушбу лойиҳалар мажбурий тартибда стратегик мақсадга ва уни амалга ошириш йўлига эга бўлиши шарт. Бунда ҳар бир лойиҳа ёки дастур бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асос (ТИА) ёрдамида иқтисодий жиҳатдан асослаб берилиши лозим.

Маълумки, инновация фаолиятининг ташкил этилиши меҳнат тақсимоти ва кооперацияси билан, зарур ресурслар таъминоти билан, инновацион циклни самарали амалга ошириш тадбирларини танлаш ва амалга ошириш билан боғлиқдир. Инновация фаолиятини бошқариш механизмининг ташкилий томони инновацияларни жорий этишда камроқ харажатлар билан боғлиқ бўлиб, бу инновация фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Инновация фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизми замонавий молиявий инқироз шароитларида инновация тизимлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Методологик жиҳатдан инновация тизими тўғрисидаги тасаввур инновация жараёнига, унинг қарор топиши ва кечишига яхлит ёндашув зарурлигини тан олишни англатади.

Инновация тизимларининг моҳияти ва трансформацияси муаммолари ҳозирча кам ўрганилган. Инновация тизимини бир қатор муаллифлар инновацион инфратузилма билан,

инновация фаолиятига ҳамроҳ элементлар билан бир нарса деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, асосий урғу ташкил этишнинг ички элементлари қиёфаси сифатидаги тузилмага эмас, балки унинг моҳияти — ўзаро боғлиқликлар механизмига ҳам қаратилиши лозим. Бундай ҳолатда инновация тизими деганда, биз инновация фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган иқтисодий муносабатларни тушунамиз.

Шундай қилиб, инновация тизимлари янгиликлар яратиладиган ва татбиқ этиладиган оддий объектлар сифатида эмас, балки асосий вазифаси инновация фаолиятдан иборат бўлган ўзига хос иқтисодий тузилмалар сифатида ўз ифодасини топар экан.

Инновация тизимларининг асосий вазифаси янги билимларни, турли хил янгиликларни яратиш, янгиликлардан амалиётда фойдаланишдан иборатдир. Айнан мана шу функцияларни инновация фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизми инновацион салоҳиятни шакллантиришда ва ундан самарали фойдаланишда ҳам амалга ошириши лозим.

Биз инновация тизимларини уч хил даражада кўриб чиқамиз. Микродаража, бунда яхшиланиб боровчи инновациялар асосида доимий равишда маҳсулотлар ва уларнинг параметрлари янгиланиб туриши юз беради. Мезодаража, техниканинг янги авлодлари алмашинуви, ўрта муддатли иқтисодий цикллар асосини ташкил этган асосий фондлар фаол қисмининг янгиланиши юз беради. Ва ниҳоят, макродаража: муҳим таянч инновациялар асосида технологик ўзаро боғланган ишлаб чиқаришлар мажмуи сифатида етакчи технологик укладларнинг алмашинувининг жадаллашуви, у таҳминан эллик йилда бир маротаба юз беради.

Инновация муайян тузилмага эга бўлган комплекс тизим фаолияти натижасини ифодалайди. ИТТКИ соҳаси, ишлаб чиқариш ва истеъмол инновацион жараён тузилмасининг асосий элементлари ҳисобланади. Бунда тизимнинг ҳар бир элементи муайян вазифани бажаради. ИТТКИ соҳасида инновация яратилади, ишлаб чиқариш соҳасида у ишлаб чиқарилади, истеъмол соҳасида эса реализация қилинади. Инновацион тузилманинг ҳар бир компонентидан мақсадга мувофиқ фойдаланилса, ҳамда инновацияларнинг бир босқичдан

иккинчи босқичга ўтиши минимал харажатлар билан амалга оширилган тақдирда инновацион жараён самарали бўлади. Шундай экан, инновация тизими тузилмаси, бизнинг фикримизча, унинг элементлари ўртасида қандай алоқалар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Фикримизча, замонавий инновация тизими тармоқ модели, инновацион занжир моделини ҳам ўз ичига олган янги ташкилий тузилмани назарда тутди.

Инновация тизимларининг тармоқ моделида белгиланган муайян участкалар ва уни бажарувчилар ажратиб олинади, бу эса асосий, энг муҳим воқеалар тармоқ графигини тайёрлаш учун имкон беради. Шундан сўнг энг муҳим воқеаларга мос бўлган батафсил тармоқ графикларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Тармоқ графигини қуйи тармоқларга ажратиш инновация лойиҳаси учун масъул ходимларга ўз вазифаларига бутун диққатларини жалб этишга имкон яратади. Лойиҳанинг қуйи тармоқларга ажратилиши раҳбарлар учун ҳар бир босқичда ҳар бир участкани самарали назорат қилишга ёрдам беради.

Замонавий инновация тизимининг занжирли модели бутун инновация жараёнини алоҳида, функционал ёки таркибий қисмларга: фундаментал тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар, тажриба ишлаб чиқариш ва ишланмалар, ишлаб чиқаришга тайёргарлик, ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат бўлган қисмларга мантиқан ажратиб юборишнинг натижаси ҳисобланади. Инновация жараёни инновация циклининг босқичлари бўйича билимларни узатиш ва янги товарни бозорга чиқаришнинг чизиқли занжири кўринишида эмас, балки уни ташкил этувчи турли бўғинлар ўртасидаги қайтувчи алоқа занжири сифатида ифодаланади.

Занжирли ёндашувда инновациянинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини белгиловчи омил инновацион циклининг турли фазалари ўртасида мавжуд алоқаларнинг самардорлиги ҳисобланади. Занжирли моделда фаннинг роли тубдан ўзгаради. У нафақат инновация гоялари манбаи, балки инновация циклининг ҳар қандай бўғинида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ресурси ҳам бўла олади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон шароитида интеграциялашган тузилмаларга эга инновация тизимларидан фойдала-

ниш энг оптимал бўлади. Интеграциялашган тузилма ўз олдига аниқ қўйилган мақсадга эришиш мақсадида инновация фаолияти билан шуғулланувчи бир нечта турли ташкилотларнинг бирлашувини назарда тутди. Самарали фаолият кўрсатаётган интеграциялашган инновация тизимларига мисол тариқасида Япониянинг «кэйрэцу»ларини, яъни фирмаларнинг саноат-молия гуруҳларига бирлашувини келтириш мумкин.

Инновацияларнинг иқтисодий жиҳатдан тутган ролига боғлиқ равишда уларни янгиликлар, инновацион маҳсулот ва кашфиётларга, шунингдек, инновацияларнинг илмий-техник (сифат) даражасига боғлиқ равишда — инқилобий (тубдан янги сифатдаги), нисбатан аҳамиятли (сифатли) ва унчалик аҳамиятга эга бўлмаган турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Инновация жараёни ва инновация фаолиятининг иқтисодий механизми таҳлилининг муҳим назарий ва методологик масаласини биз инновация фаолиятининг индикаторлари тизимини ишлаб чиқишдан иборат деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун янгидан янги вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи тадқиқотлар, ихтиролар ва кашфиётлар кўринишида мавжуд бўлган илмий-техник ишланма сифатида белгилаб олиш мумкин бўлган инновация салоҳияти кўрсаткичларини кириштириш талаб этилади.

Шунингдек, инновация салоҳиятини тавсифлаш учун фан сифими кўрсаткичлари билан бир қаторда инновационлик кўрсаткичини ҳам жорий этиш зарур. Уни янги маҳсулотга талаб ва эҳтиёжнинг пайдо бўлган пайтидан бошлаб уни бу талабни қондириш мақсадларида катта миқдорларга ишлаб чиқаришгача бўлган вақт оралиғи сифатида аниқлаш мумкин.

Сўнгра, илмий-техник салоҳият кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим бўлади. Ишлаб чиқаришнинг илмий-техник салоҳияти корхона тасарруфида бўлган илмий ахборот, ишлаб чиқарувчи мутахассислар таркиби, корхонанинг зарур жиҳозлари ва ташкилий тузилмаси билан тавсифланади. Ишланмаларнинг илмий-техник салоҳияти тайёр ишланмалар миқдори, тадқиқотлар сифати, уларнинг жаҳон даражасига мувофиқлиги билан белгиланади.

Турли инновация тизимлари учун таълим салоҳиятини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. У олий, ўрта махсус ва ўрта маълумотга эга ходимлар сони билан, аспирантура ва докторантурани тугаллаганлар сони билан ҳам, шунингдек, ходимлар касбий таркибининг сифат кўрсаткичлари, уларнинг халқаро ташкилотларга аъзолиги билан ҳам тавсифланиши мумкин.

Ва ниҳоят, инновация фаолияти ва алоҳида ишламаларнинг самарадорлигини ишлаб чиқиладиган ва жорий этиладиган янгиликларга сарфланган харажатлар ва уларнинг натижаларини таққослаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Замонавий фан-техника соҳасида рақобатли бозор механизми тараққий этмоқда. Инновация соҳасида қарор топадиган бозор муносабатлари мажмуининг бевосита ифодаси «инновациялар бозоридир». Инновациялар бозори деганда, бизнинг фикримизча инновацияларни яратиш, ўзлаштириш, узатиш ва фойдаланиш жараёнида юзага келадиган бозор муносабатлари мажмуини тушуниш керак.

Бозор иқтисодиётининг бошқа секторлари сингари инновациялар бозори муайян шароитлар мавжуд бўлган тақдирдагина нормал ривожланиши мумкин. Унинг фаолият кўрсатиши учун, энг аввало, мулкчиликнинг турли шакллари ва бозор инфратузилмасининг шаклланиши талаб этилади.

Бозор механизми илмий фаолият билан шуғулланувчилар ва фаолият натижалари истеъмолчиларининг рақобатлашуви ва иқтисодий тенглиги учун шароит яратиб беради. Давлат инновациялар бозорида барча истеъмолчилар билан тенг равишда шерик сифатида чиқади, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг дастурий-мақсадли, имтиёзлар сиёсати, молиявий кафолатлар каби механизмларини ишлаб чиқади.

Инновациялар соҳасидаги бозор муносабатларининг самарадорлиги аҳамиятли тарзда унинг ечимига боғлиқ бўлган ўзига хос муаммо — бу инновациялар трансферти масаласидир. Аслини олганда, инновацияларни бир томондан иккинчисига берилишида интеллектуал (ақлий) мулк ҳуқуқлари ҳам бериб юборилади, модомики, бундай топшириш жараёни одатда, интеллектуал мулкни унинг яратувчисидан бировнинг ихтиёрига тўлиқ равишда ўтказиб юборишни назарда тутмайди, балки мулк эгасининг интеллектуал мулк-

дан (ИМ) фойдаланиш билан бир қаторда, қисман унга эгалик қилиш ва ўз ихтиёрида сақлаш ҳуқуқлари ҳам сақланиб қолади. Масалан, алоҳида лицензия шарномаси шартларига кўра лицензия сотувчиси, сотувчи томонидан амалга оширилган базавий технологиянинг янги такомиллашувларига бепул эга бўлиш ҳуқуқига эгадир. Бошқа тарафдан, лицензия сотиш, одатда муайян ҳудудий (мамлакат, мамлакатлар гуруҳи) чегарага эга, бу эса ИМ яратувчисига бошқа харидорларга лицензия сотиш орқали фойда олиш имконини беради.

Моҳиятига кўра, инновациялар бозори кўп ҳолатларда мулкдорнинг эгалик ҳуқуқларининг маълум қисмини ИМ объектларига ўтказиши. Шу нуқтаи назардан инновациялар бозори мулкчилик ҳуқуқининг замонавий концепциялари томонидан ўрнатилган қонун-қоидалардан амалда фойдаланиш бўйича энг истиқболли соҳалардан бири сифатида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, мазкур концепциядан, хусусан, турли субъектлар ўртасидаги мулкчилик ҳуқуқи таркибидаги ваколатларни тақсимлаш имкониятлари тўғрисидаги, бозорнинг нормал фаолият кўрсатиши шартлари сифатида мулкчилик объектларига эгалик ҳуқуқларини аниқ қайд қилиш тўғрисидаги тезислардан фойдаланиш инновациялар ва уларнинг трансферти муаммоларини тадқиқ этишда катта фойда келтиради. Миллий инновация яратувчиларнинг ҳуқуқларига аниқ таъриф бериш зарурий шарт бўлиб, бу уларга бошқа мамлакатларга лицензиялар сотишда, патентлар ва лицензиялар сотиш ўртасида асосли мувозанатни ушлаб туришда ИМ объектларига эгалик қилиш бўйича ҳуқуқларини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Шак-шубҳасиз, бундай ҳолатда инновациялар трансферти соҳасида чуқур ўйланган давлат сиёсатини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун узоқ истиқболда юзага келувчи вазиятни ҳисобга олган ҳолда, унинг шакллари тўғри танлаш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Инновациялар бозори учун хос бўлган қуйидаги асосий хусусиятларни ажратиш кўрсатишни муҳим деб ҳисоблаймиз:

— инновациялар бозорида интеллектуал мулкни (янги техника, патентлар, лицензиялар, дастурий таъминот) сотиш шакли бўлган турли-туман товарлар айланиб юради;

— инновациялар бозорида товардан кўп маротаба фойдаланиш мумкин (масалан, махсус бўлмаган лицензияга эга ихтиро турли тармоқларда қўлланиши мумкин). Шунингдек, фақат алоҳида янгилик эмас, балки ягона илмий-техник даражага эга технологиялар комплекси кўпроқ сотилади. Кадрлар тайёрлаш, ишларни мувофиқлаштириш, ўзаро боғлиқ янгиликлар учун харажатлар ҳам унинг қийматига киритилади;

— инновациялар нархи фақат уни яратишга сарфланган харажатларнинг миқдори билан эмас, балки унинг истеъмол қиймати ва инновацияларга бўлган талаб билан ҳам белгиланади;

— инновациялар бозори юқори даражадаги ноаниқликка ва хатар даражасига эга. Бу янги муқобил янгиликларнинг, бир хилдаги ихтироларнинг юзага келиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлиб, бу бозорда хатарлар суғуртасини, башоратларнинг тутган ўрни ва улар сифатининг оширилишини талаб этади;

— инновациялар замонавий бозорини юзага келтиришнинг янги йўналиши бир қатор корхоналарнинг мамлакат ичида ҳам, жаҳон бозорларида ҳам технологик алмашинув (технологиялар трансферти)да иштирок этишидан иборат.

Инновациялар трансфертининг энг ривожланган шаклларида бири сифатида технологиялар трансферти ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини оширишда, миллий иқтисодий жабҳада жаҳон хўжалигига интеграциялашувини чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ равишда, инновация сиёсати доирасида технологияларнинг халқаро трансфертини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Технологиялар трансферти инфратузилмасини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши инновация сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланиши лозим. Бу соҳада биринчи даражали чора технологиялар трансфертининг тармоқ ва минтақавий марказларини ташкил этишдан иборат.

Инновация стратегиясини самарали иқтисодий стратегиянинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида шакллантириш янги маҳсулотлар, техник жараёнлар, ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этишни самарали жорий этиш,

замонавий ва истиқболдаги корхоналар иқтисодиётини ривожлантиришни жадаллаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, мавжуд маҳсулот ва ускуналарни такомиллаштиришнинг мақсадлари, соҳалари ва мос йўлларини, аниқлаб олиш кабиларни ўз ичига олади.

Бошқарувнинг ҳар бир босқичида (миллий иқтисодиёт, минтақа, корхона) инновация стратегияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, жаҳон миқёсларидаги инновация стратегияси янги функционал йўналишга эга техникани жорий этиш, тубдан янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, инсон фаолиятининг янги турларини юзага келиши билан боғлиқ. Мезодаражаларда объект унинг фаолияти ва ҳаёт цикли нуқтаи назаридан кўрилади. Корхона миқёсларида инновация стратегияси фирманинг умумий стратегиясининг бир қисми сифатида тавсифланади. Корхона миқёсидаги инновация стратегияси унинг инновационлик даражаси ёки ўзгаришларга мойиллиги билан боғлиқ. Бунда сўз корхонанинг ташкилий-иқтисодий тузилмаларининг ва унинг моддий-техник базасининг ташқи муҳит талабларига ва ривожланишнинг белгилаб олинган мақсадларига мослашувчанлик қобилияти тўғрисида боради.

Инновация стратегиясининг муваффақияти ҳар бир муайян лойиҳанинг самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади. Лойиҳаларнинг самарадорлигини аниқлашда лойиҳаларни техник-иқтисодий таҳлил қилиш усуллари етакчилик ролини бажаради, уларни шартли равишда уч гуруҳга бирлаштириш мумкин.

Биринчи гуруҳга лойиҳани баҳолашга имкон яратувчи барча мезонларнинг рўйхатини тузиш йўли билан баҳолашнинг энг оддий усулларини киритамиз. Бу усуллар мезонларни тўлиқ ҳисобга олишни таъминлайди. Мазкур усулларнинг камчилиги шундаки, корхоналарнинг барчаси ҳам мезонларнинг етарли даражадаги тўлиқ рўйхатини туза олмайди ва улардан фойдалана олмайди ҳам. Натижада, кўплаб муҳим иқтисодий жиҳатлар четда қолиб кетиши ва оқибатда эса, ресурслар истиқболли бўлмаган лойиҳаларга ажратилиши ҳам мумкин.

Баҳолаш методларининг иккинчи гуруҳи лойиҳани баҳолаш учун мезонлар ва ҳар бир мезон учун баллар баҳосини

(«жуда яхши»дан «жуда ёмон»гача) ажратишни назарда тутди. Алоҳида мезонлар ёки ўринлар учун уларнинг муҳимлигига мувофиқ равишда муайян баллда (масалан, бирдан бешгача) белгиланади, даража бўйича тавсифлар ҳам миқдорий баҳоланади. Баҳо баллар суммасидан келтириб чиқарилади ва лойиҳанинг қиймат кўрсаткичи сифатида кўрилади. Ушбу усуллар баҳолаш мезонининг оддийлиги билан ажралиб туради, бироқ лойиҳани баҳолашга субъектив ёндашув лойиҳанинг муҳим қийматини бузиб кўрсатиши мумкин. Ушбу усулларнинг камчилиги шундаки, уларда мезонларнинг турли қийматлари акс эттирилмайди, барча параметрлар тенг салмоқларга эга бўлади, шунинг учун ҳам ушбу ёндашув лойиҳанинг аниқ баҳосини бера олмайди.

Лойиҳани баҳолашнинг учинчи гуруҳи молиявий усуллардан иборат. Бунда, кўпроқ, баҳолашнинг маълум формулалар ишлатувчи миқдорий усулларида фойдаланилади, ушбу формулаларда афзалликнинг умумий нисбий кўрсаткичи доирасида лойиҳаларни танлашнинг турли мезонлари комбинациялари ишлатилади. ИТТКНИ бошқаришда лойиҳа ва усулларни танлаб олиш учун миқдорий баҳолаш формулларида кенг фойдаланилмайди, сабаби уларнинг энг асосий камчилиги баҳолаш мезонларининг турғунлиги, асослашга субъектив ёндашиш, ахборотлар сифатининг пастлиги, ҳисобларнинг аниқ эмаслигидадир. Улар инфляция, хатар ва ноаниқлик, вақт каби омилларни эътибордан четда қолдиради. Бу усуллар кутиладиган фойдани бир йил ҳисобидаги харажатларга нисбатан баҳолайди. Аниқроқ баҳолаш учун эса янада кўпроқ муддат (ҳисоб горизонти) учун самарадорликни таҳлил қилиш талаб этилади.

Сўнги йилларда самарадорлик назариясида муҳим ўзгаришлар рўй берди: тижорат самарадорлиги биринчи даражали вазифа қилиб қўйилди, маҳсулдорлик кўрсаткичининг аҳамияти ошиб бормоқда. Маҳсулдорликка, ижтимоий-иқтисодий самарадорликка куч-эътибор қаратиш харажатли ёндашувларни енгиб ўтишга ёрдам беради, хўжалик фаолияти мақсадларини янада аниқроқ ифодалайди, тадбиркорларни реал ютуқлар томон йўналтиради. Бироқ ҳозирча сифат самараси, стратегик мақсадларга йўналганлик етарли даражада ўз ифодасини топа олганича йўқ. Асосий эъти-

бор самаранинг мутлақ кўрсаткичларига қаратилмоқда. Самаранинг мутлақ кўрсаткичлари ҳар доим ҳам, айниқса, лойиҳаларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида энг муҳим бўла олмайди. Корхонанинг бош мақсад ва стратегияларига лойиҳанинг мувофиқлиги, илмий-техник, ишлаб чиқариш мезонлари ҳал қилувчи омил бўлиши лозим. Нисбий кўрсаткичлар (даромадлилик индекси, харажатларни қоплаш муддати) ёрдамчи вазифасини бажаради.

Бизнинг фикримизча, лойиҳанинг узоқ муддатли мақсадлар томон қаратилиши унинг иқтисодий самарасининг сезиларли ўсишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, лойиҳанинг инновация стратегиясини танлаш муаммоси юзага келади. Мана шу мақсадларда унинг иқтисодий жиҳатдан асослашнинг оптимал усулларини танлаб олиш энг муҳим назарий ва методологик вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, инновация фаолиятини самарали ривожлантириш учун муайян ташқи шароитлар ва энг аввало, уни молиялаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш муаммоларининг ҳал этилиши талаб этилади.

Инновациялардан самарали фойдалана оладиган ва унга мойил бўлган иқтисодиётни шакллантириш учун инновация фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган ва рағбатлантирадиган макроиқтисодий механизмни яратиш зарур. Ушбу механизмда молия институтлари ва давлат муҳим ўрин тутаети. Корхоналарнинг инновацион соҳадаги фаоллиги ҳам маълум даражада уларнинг фаоллиги ва инновация жараёнларидаги иштирокига боғлиқ. Бизнинг фикримизча, инновация фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бюджетдан молиялаштириш.
2. Корхоналарнинг хусусий маблағлари, жумладан:
 - фойда;
 - амортизация чегирмалари;
 - айланма маблағлар.
3. Корхона акциялари эмиссияси ҳисобидан жалб этиладиган маблағлар.
4. Қарз маблағлари, жумладан:
 - қарз қимматли қоғозлари эмиссияси ҳисобига жалб этиладиган маблағлар;

— банк ссудалари кўринишида жалб этиладиган маблағлар.

Мазкур манбаларнинг ҳар бири ўз инновация салоҳиятига ва қийматига, афзал томонлари ва камчиликларига эга.

Ўзбекистондаги ҳозирги шароитларда инновация фаолиятини молиялаштиришнинг анъанавий манбалари инновацияларни самарали ҳаракатга келтириш учун етарли мавқега эга эмас. Инновация жараёнларини молиялаштиришнинг республикамиз учун янги механизмларидан, янги ташкилий шакллари ва институтларидан фойдаланиш зарур. Бундай янги шакллар сифатида бизнинг фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- молия-саноат гуруҳларини шакллантириш;
- лойиҳавий молиялаштиришни ривожлантириш;
- лизинг операцияларини ривожлантириш;
- халқаро капитал бозоридан маблағларни жалб этиш.

Инновация жараёнларини молиялаштиришнинг таклиф этилган янги шакллари қўллашдан ташқари, иқтисодиётдаги инновация фаолиги маълум даражада давлатнинг фаол иштирок этишига ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳозирги замонда фан-техника сиёсати ҳар қандай саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатдаги давлат сиёсатининг мажбурий элементи ҳисобланади.

Инновация сиёсати — бу давлат сиёсатининг янги тури бўлибгина қолмай, илмий-техник ва саноат сиёсатининг маълум методларини гуруҳлаш ва улардан аниқ мақсадларга эришиш: илмий-техник янгиликларни рағбатлантиришда фойдаланишдан ҳам иборатдир.

Ушбу йўналиш доирасида инновация сиёсатининг уч турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

— янгиликлар таклифини рағбатлантириш усуллари (янгилик яратувчиларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш, илмий-техник инфратузилмани яратиш билан бир қаторда);

— янгиликлар учун талабни рағбатлантириш усуллари (давлат харидлари ва шартномалари, айниқса янги товарлар, жараёнлар ва хизматлар бўйича);

— янгиликлар учун қулай шароит яратиш усуллари (солиқ ва патент сиёсати, иқтисодиётдаги ҳолатларни тартибга со-

либ турувчи давлат меъёрлари ва қоидалари, меҳнат хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш).

Сифат жиҳатдан янги рақобатбардош маҳсулот яратишнинг барча босқичларини ўз ичига олган инновация жараёни учун изчиллик ва узлуксизлик жуда ҳам муҳим. Бунга эса фақат, ҳар бир аввалги босқич навбатдагисини амалга ошириш учун шароитлар ва ахборотларни тайёрлаб берган тақдирдагина эришиш мумкин. Инновация жараёни макро, мезо ва микробосқичларда бир хилдаги технологик асосга эга бўлади. Умумий инновация жараёнининг самарадорлиги барча босқичларда уни ташкил этган инновация жараёнларининг миқдори ва рақобатбардошлиги билан белгиланади.

Узлуксиз ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш тизимини шакллантириш учун мавжуд бозор вазияти ва инновация жараёнининг маълум босқичларида амалга ошириладиган ишларнинг рақобатбардошлигига кўрсатадиган таъсирни ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Ўтказилган тадқиқотлар самарадорликнинг 80%дан зиёд қисми ишланмаларнинг дастлабки босқичларида юзага келишини, 10% ишлаб чиқаришда таъминланишини ва яна шунчаси фойдаланиш вақтида амалга оширилиши, тўғрироғи қўллаб-қуватланишини кўрсатмоқда. Ишланмалар мақсадларини белгилаб олишда ишлаб чиқиладиган маҳсулотдан максимал даражада самара олиш, ишланмаларнинг минимал қийматлари ва минимал вақтинчалик харажатлардан келиб чиқиш лозим. Инновация жараёнини ташкил этишда бу талабларни эътиборга олиш зарур.

IV БОБ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИ ИНВЕСТИЦИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

4.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновация жараёнларини инвестициялаш

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги, унинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш миллий иқтисодийларнинг рақобатбардошлигини белгилаб берувчи инновацион ривожланиш ва асосий ишлаб чиқариш омилларининг ўсиб бораётган интеллектуаллашуви билан тавсифланади. Ривожланган мамлакатларда янги технологиялар, ускуналар ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда мужассам бўладиган янги билимлар улуши ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш кўрсаткичларининг 70%дан 85%гачасини ташкил этади. Ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ортиб боришида инновацион таркибнинг қўшаётган ҳиссаси жадал ўсмоқда, масалан, у АҚШда 1999 йилдаги 31%дан 2009 йилга келиб 34,6% га ошди; Японияда ушбу йиллар давомида 30,6%дан 42,3% га; Европада 45,5% дан 50% гача ошди. Ривожланган мамлакатларда жаҳон илмий салоҳиятининг 90% дан зиёди тўпланган ва ҳажми 2,5—3 трлн. доллар деб баҳоланаётган юқори технологиялар глобал бозорининг 80% ни айнан мана шу давлатлар назорат қилдилар. 2015—2020 йилларга келиб унинг 4 трлн. долларга етиши кутилмоқда. Фан сифими юқори бўлган технологик маҳсулотларни сотишдан катта даромад олинади. Масалан, мазкур маҳсулотни экспорт қилишдан ҳар йили АҚШ тахминан 700 млрд. долл., Германия — 530 млрд., Япония — 400 млрд. доллар даромад олади. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда фан сифими юқори салоҳиятга «катта еттилик» мамлакатлари эгадирлар, улар кейинги 10—15 йил давомида тўртинчи технологик укладни тугатиб, айни вақтда янги технологик укладни яратиш ва жорий этишга киришдилар. Шарқий ва Жанубий Осиёдаги бир қатор индустри-

ал мамлакатлар экспортга йўналтирилган индустрлаштиришни муваффақиятли амалга оширмақдалар. Ҳозирги вақтда фан сифими юқори маҳсулотлар бўйича жаҳон экспортида уларнинг улуши 15%ни ташкил этади. Сўнгги ўн йилликда Хитой юқори технологияларни ривожлантириш ва жорий этиш ҳисобига сезиларли иқтисодий ўсишга эришди. Бу даврда уларнинг ялпи sanoат маҳсулотидаги ҳиссаси 8,1% дан 35,4% га ўсди. Хитой ҳар йили юқори технологик маҳсулотлар экспортини 20% дан зиёдга ошириб бормақда. Мисол учун, Хитойда энг замонавий технологиялар тармоқлари маҳсулотлари ҳажми охириги ўн йилда 27 баробар ўсди, ялпи sanoат маҳсулотидаги улуши эса 35,4%га ошди.

Гарчи аста-секинлик билан бўлса-да, Россия ҳам замонавий жаҳон хўжалиги жараёнларининг ижобий тенденциялари тизимига кириб бормақда ва энг ривожланган мамлакатлар билан ўртадаги иқтисодий тафовутни қисқартириб бормақда. Жаҳон бўйича юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Россиянинг улуши 0,3% (АҚШ — 36%, Япония — 30%)ни ташкил этади. Юқори технологик маҳсулотлар жаҳон экспортида Россиянинг улуши 5% га тенг.

Экспертларнинг берган баҳоларига кўра, асосий капитални кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш режимига ўтишда ишлаб чиқариш инвестицияларини уч баробар, ИТТКИ ни эса — беш маротаба ошириш керак¹.

Ушбу ёндашувни амалга ошириш учун шундай тизимни ишлаб чиқиш ва яратиш керакки, бу тизим мамлакатнинг интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятидан қисқа муддатларда ва юқори самарадорлик билан ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун кенг йўл очсин.

Шунга боғлиқ равишда, таркибий-инвестиция ва инновация стратегиясига мувофиқ бўлган тубдан янги инвестиция сиёсатини шакллантириш талаб этилади. Фақат sanoат тармоқларининг ишлаб чиқариш базасини тубдан янгилаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш асосидагина ишлаб чиқаришнинг аввалги технологик базаси ҳал эта олмаган, мураккаб вазифалар ечимини топиш ва самарали ўсишни таъминлаш мумкин бўлади.

¹ Усиление потенциала для МСР в Узбекистане: Материалы II республиканской ярмарки инновационных идей и проектов. — Ташкент, 29 апр., 2009 г.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, фан сифими юқори бўлган юқори технологик тармоқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тахминан 1% ни ташкил этади. Реал секторда ҳануз жисмонан ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондлардан фойдаланиш юқори даражада, янги юқори самарадорликка эга қувватларни яратиш ишлари сустр кечмоқда.

Юқори бўлмаган техник-технологик салоҳият ишлаб чиқариш аппарати сифатининг пастлиги, саноат ускуналари паркининг эскиргани билан тавсифланади. Машина ва ускуналарнинг ўртача ёши 30 йилдан ҳам ортиқ. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, металлургия, кимё ва нефть кимёси саноати, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат, хусусан, тўқимачилик ва озиқ-овқат тармоқларида бу кўрсаткич янада катта. Саноатдаги асосий фондларни янгилаш коэффициентлари пасайиб бормоқда. У айниқса, енгил саноатда — 0,5% гача, кимё ва нефть кимёсида — 0,9% гача ва илмий техник тараққиёт учун айниқса муҳим ҳисобланган — машинасозлик ва металлсозликда — 0,9% гача пасайди¹.

Техник жиҳатдан эскирган ускуналар, технологияларнинг паст даражаси ва юқори харажатлар кўпчилик корхоналарга тўлиқ даражада рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл бермайди. Шундай экан, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, қайта қуриш ва технологик қайта қурулантириш, шунингдек, ИТТКИ ўтказишни жадаллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Булар эса бугунги кунда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш даражаларини ҳар тарафлама белгилаб беради, сабаби иқтисодийнинг рақобатбардошлиги илмий тадқиқотлар ва инновация фаолияти тараққиёти билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бунда асосий фондларни, биринчи навбатда, қайта ишлаш саноатида тиклаш ва янгилаш, фан сифими юқори бўлган ва юқори технологик ишлаб чиқаришларнинг ҳиссасини ошириш, шунингдек, асосий капиталга инвестициялар киритиш тузилмасини, хусусан, янги турдаги маҳсулотлар ва технологиялар фойдасига ўзгартириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикада макроиқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва

¹ ЎзР Давлат статистика қўмитаси материаллари.

ислоҳ қилиш, иқтисодий таркибий қайта қуриш фаол инвестиция-инновация сиёсати эвазига олиб борилмоқда.

Инвестиция сиёсатидаги ижобий тенденцияларга республикада 1996 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб асос солинган бўлиб, бунда дастлаб уларни молиялаштириш манбалари таркиби ўзгартирила бошланган.

Инвестицион фаолиятни фаоллаштириш натижасида, биринчи навбатда, қулай тадбиркорлик ва инвестиция иқлими яратиш ҳисобига, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳозирги вақтда мамлакат иқтисодийнинг реал секторида эскирган ускуналарга эга корхоналар билан бир қаторда, энг янги технологиялар ва ускуналар билан қуролланган корхоналар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2006—2009 йилларда илмий-техник маҳсулотларнинг умумий ҳажми 2,7 маротаба ошди ва 2009 йилда 99,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми 63,7 млрд. сўмни ёки илмий-техник ишлар умумий ҳажмининг 64%ни ташкил этди. Айни вақтда, тайёрланган янги маҳсулотлар намунасининг ҳажми 0,6% ёки 674,3 млн. сўмга тенг бўлди.

Сўнгги йилларда илмий-техник ишламаларни молиялаштириш ҳажми секин-аста ўсиб бормоқда, бу эса тажриба-конструкторлик ишларининг, тажриба ишлаб чиқаришлари ва янги маҳсулотни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичлари харажатларининг ўсишига, шунингдек, малакали ходимлар сонининг ортишига олиб келди. Республикада илмий тадқиқотлар ва техник ишланмалар билан шуғулланувчи ташкилотлар сони 2009 йилга келиб 413 тагача ўсди. Натижада саноатда ўзлаштириш босқичига етиб келган самарали янгиликлар сони мунтазам ортиб бормоқда. Бундан кўриниб турибдики, биринчи навбатда, иқтисодийнинг рақобатбардошлиги уларнинг сифат ҳолатига боғлиқ бўлган фаол қисмлар (машиналар, ускуналар, технологик линиялар, транспорт воситалари ва асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш жиҳозлари) янгиланиб бормоқда.

Саноатда ишлаб чиқариш апаратыни янгилаш бўйича мақсадли сиёсатнинг ўтказилиши асосий капитални инвес-

тициялаш тузилмасининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди. Мисол учун, машиналар ва ускуналар харид қилиш учун ажратилган инвестициялар улуши 2009 йилда 2006 йилга нисбатан 22 пунктга ошди ва 51,2% ни ташкил этди, қурилиш-монтаж ишлари учун эса 23,4 пунктга, яъни 34,7% га камайди. Бу эса янги қувватлар учун маблағлар юқори унумдорлик билан ўсиб бораётганини кўрсатмоқда (12-жадвал).

12-жадвал

**Асосий капитални инвестициялашнинг
технологик таркиби, (%)**

	2006	2007	2008	2009
Жами	100	100	100	100
Қурилиш-монтаж ишлари	58,1	55,1	42,2	34,7
Машиналар, ускуналар, жиҳозлар	29,2	33,4	43,9	51,2
Бошқа харажатлар	12,7	11,5	13,9	14,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Асосий фондларни тиклаш ва янгилаш аъъанаси, биринчи навбатда, қайта ишлаш саноатида фан сиғими юқори бўлган ва юқори технологик ишлаб чиқаришлар ҳиссасининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибидаги, хусусан, янги турдаги маҳсулотлар ва технологиялар фойдасига ўзгаришлар инвестиция мажмуалари ва умуман иқтисодиётдаги нархлар мутаносиблигини фаол тартибга солиш бўйича олиб борилган изчил давлат сиёсати натижасида юз бермоқда.

ЯИМ ҳажмини ошириш ва барқарорлаштириш асосида капитал қўйилмалар ҳажмида инвестицияларнинг сезиларли ўсиши юз берди, бу эса иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида ривожланиш динамикасини белгилаб берди (13-жадвал).

13-жадвал

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий
капитални инвестициялаш таркиби, (%)**

	2006	2007	2008	2009
Жами	100	100	100	100
Ишлаб чиқариш соҳасига шу жумладан:	57,8	67,3	66,9	68,2
— саноат	26,9	37,7	34,5	28,4
— қишлоқ хўжалиги	4,7	3,4	2,7	3,1
— қурилиш	1,4	2,4	1,9	2,8

	2006	2007	2008	2009
– транспорт ва алоқа	23,3	21,6	25,1	31,4
– савдо ва умумий овқатланиш	1,5	2,2	2,7	2,5
Бошқа соҳалар	5,6	5,4	6,1	7,5
Ноишлаб чиқариш соҳасига	36,6	27,3	27,0	24,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2006–2009 йилларда ишлаб чиқариш соҳасида асосий капиталга инвестициялар ҳажми 10,4 пунктга ўсган ва 2009 йилда 68,2% ни ташкил этган. Айни вақтда ноишлаб чиқариш соҳасига капитал қўйилмалар ҳажми 24,3%ни ташкил этган ҳолда, 12,3 пунктга камайган. Мазкур ўзгаришлар республика инновацион иқтисодиётини ривожлантириш учун асос бўлган реал секторнинг ўсиб бориш тенденциясини акс эттирмоқда.

Инвестициялар оқимини қайта тақсимлаш транспорт ва алоқа соҳасини ривожлантиришга жалб этилган капиталлар улушини бир қадар оширилишини (2006 йилдаги 23,3%дан 2009 йилда 31,4%гача) таъминлаб берди. Ушбу маблағларнинг катта қисми Навоий–Учқудуқ–Султонувайстоғ–Нукус ва Ғузор–Бойсун–Қумқўрғон темир йўлларининг янги участкаларини қуриш ва мавжуд қисмини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилаётган минтақалар учун ажратилди, уларнинг ишга туширилиши билан мамлакатнинг барча вилоятлари фақат мамлакат ҳудудидан ўтадиган ягона темир йўл тармоғи билан боғланади. Пекинни Истанбул билан боғловчи Трансosiё магистралининг бир қисми бўлган Тажан–Сарахс–Машҳад темир йўлининг қурилиши тўғрисида Марказий Oсиё республикалари ўртасида ҳукуматлараро шартнома имзоланди. Марказий Oсиё мамлакатларини Қора денгиз портларига олиб чиқувчи ва Европани Oсиё билан боғловчи Транскавказ магистрали қурилишини кўзда тутган «ТРАСЕКА» лойиҳасининг амалга оширилиши республика учун улкан истиқболли аҳамият касб этади.

Тошкент–Андижон–Ўш автомобиль йўлининг довондан ўтган қисми реконструкция қилинди. Трансosiё–Европа оптик алоқа линиясининг Самарқанд–Бухоро–Олот участкасидаги биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг ташқи ҳамда ички инвесторларни

жалб этувчанлиги кўп жиҳатдан транспорт ва коммуникация инфратузилмасининг ҳолатига боғлиқ.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий шароитларда инвестиция фаолияти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини, инновация фаолиятини ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутувчи интенсив такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилади. Миллий иқтисодиёт тузилмасида фан сифими юқори бўлган, рақобатбардош, юқори технологик ва экологик тоза ишлаб чиқаришлар етакчи мавқеъни эгаллаши лозим.

Бундай вазиятларда иқтисодий ўсишга фақат иқтисодиётнинг барча тармоқлари асосий капиталини тузилмавий-инновацион модернизация қилишга мақсадли йўналтирилган инвестициялар киритиш, капитал қўйилмаларни самарали бошқариш орқали эришиш мумкин, шубҳасиз улар янги технологик базага таянган миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг кучли омилига айланади.

Бунда давлат стратегияси ички молиявий ресурсларни оптималлаштиришга, банк-кредит тизимининг инвестиция фаолиятини ривожлантиришга, қулай солиқ тизимини яратиш, фонд бозорини фаоллаштириш ва маҳаллий ИТТКИ натижаларини тижоратлаштиришга қаратилиши лозим.

Ҳозирги вақтда инновация фаолиятини молиялаштириш мақсадида фойдаланиладиган маблағларнинг асосий манбаи сифатида: маҳаллий ва республика миқёсида ажратиладиган бюджет маблағлари; инновацион корхоналар (ИК) томонидан шакллантирилган махсус нобюджет ИТТКИни молиялаштириш фондлари маблағлари; корхоналарнинг шахсий маблағлари; турли турдаги тижорат тузилмалари (инвестиция компаниялари, тижорат банклари, суғурта жамиятлари, молия-саноат гуруҳлари)нинг молиявий ресурслари; тижорат банкларининг кредит ресурслари; хорижий инвестициялар; миллий ва хорижий илмий фондларнинг маблағлари; аҳолининг шахсий жамғармалари хизмат қилиши мумкин. Кейинги йилларда инновацион молиялаштириш манбалари тузилмасида бюджетдан ажратиладиган маблағлар улуши камайиб, айти вақтда корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳиссаси ортиб бормоқда.

Бунда давлатнинг тутган ўрни ғоят муҳим, сабаби давлат инвестиция стратегиясини шакллантириш билан чекланиб қолмай, балки уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан мувофиқлаштиради, илмий-инновация фаолиятини рағбатлантириш ва унинг учун шароитлар яратиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширади ва ижобий инвестиция-инновация иқлимини яратади.

Фан ва технологиялар соҳасида давлат инвестиция сиёсатининг бош мақсади иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун молиявий-иқтисодий шароитлар яратиш ва давлат аҳамиятига молик муҳим илмий-техник лойиҳаларни амалга оширишдан иборат.

Булар устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадларида илмий, илмий-техник ва инновация фаолиятини рағбатлантирувчи иқтисодий тадбирлар тизимини ривожлантиришни талаб этади. Улар қаторида: 1) илмий ташкилотлар ва инфратузилма объектларини бюджет ва нобюджет қўллаб-қувватлаш усуллари; 2) мақсадли лойиҳалар, дастурлар ҳамда алоҳида илмий ходимлар тадқиқотларини танлов асосида, шу жумладан қайтариладиган асосларда молиялаштириш; 3) солиқ имтиёзлари, кредитлашнинг алоҳида механизмлари ва қайтариладиган молиялаштириш схемаларини қўллаш кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими халқаро стандартлар талабларига жавоб беради ва корхона ҳамда аҳолининг бўш маблағларини жалб этиш учун мустаҳкам позицияга эга. Тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси 23%дан ортиқ. Аҳолининг омонатлари миқдори 2009 йилда 1,7 баробар ошди, сўнгги ўн йил ичида эса реал секторни кредитлашга йўналтирилган ички маблағлар 25 баробардан зиёдга кўпайди. Бунда инвестиция мақсадларига йўналтирилган банклар кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши тахминан 70%ни ташкил этди¹. Иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банклар кредит портфели тузилмаси муҳим аҳамиятга эга. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54% ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банклар жами кредит порт-

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 й. — 37-б.

фелининг 84% ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди. Бу йиллар давомида устувор тармоқларни модернизация қилишга йўналтирилган кредит ресурсларнинг умумий ҳажми 14 баробар ошди. Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Ишлаб чиқариш-техник ҳолатини тиклаш мақсадида тахминан 100 та банкрот корхона тижорат банклари балансига ўтказилди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларни шакллантириш ва кенгайтиришга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва инвестиция фаоллигини кучайтириш, ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш учун банкларнинг етарли капиталга эга бўлиши ва молиявий барқарор бўлиши талаб этилади. Шунингдек, банк хизматларининг янги турларини жорий этиш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг бўш маблағларини узоқ муддатли депозитлар учун жалб этишни рағбатлантириш, ички манбалар ҳисобидан узоқ муддатли кредитларнинг мустаҳкам асосини яратиш зарур. Шунинг билан бирга, кичик ва хусусий бизнесни молиялаштиришда тижорат банкларининг ролини ошириш, микрокредитлаш тизимини кенгайтириш лозим.

Юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодий жиҳатдан паст рентабелли корхоналарни инновацион йўлга ўтказиш учун молиявий ресурслар ва ички маблағлар етишмаётган шароитларда самарали ишлаб чиқаришларни яратиш ва янги қувватларни жорий этишга тўғридан-тўғри йўналтирилаётган бевосита хорижий инвестициялар катта қизиқиш уйғотади.

Бизнинг фикримизча, хорижий инвестициялардан иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, юқори сифатли аҳоли истеъмоли товарларини яратиш соҳаларида, зарур инфратузилма объектларини шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Республика салоҳиятли хорижий инвесторлар учун қулай табиий-иқтисодий ва илмий-техник омиллар бирлигини тақлиф эта олади. Бунда бой минерал-хом ашё ресурслари, мавжуд илмий-техник ва меҳнат салоҳияти, норматив-ҳуқу-

қий базанинг, солиққа тортиш тизимининг, божхона ва молия-кредит сиёсатининг қарор топиб бўлгани, экспорт-импорт операциялари ва бошқаларнинг мавжудлиги кўзда тутилади.

Қайд этилган омиллар билан уйғунликда бозор муҳитининг шаклланиши ташқи капитални жалб этиш миқёсларини кенгайтириш учун қулай шароитларни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан бири хорижий инвестиция ва кредитларнинг сезиларли ўсиши ҳисобланади, хусусан, 2009 йилда бевосита хорижий инвестицияларнинг капитал маблағларнинг умумий ҳажмидаги улуши 2005 йилдаги 21,7%дан фарқли равишда, 32,4%ни ташкил этди. Уларнинг умумий миқдори 2009 йилда 4060,3 млрд. сўмга тенг бўлди¹.

Ўз навбатида, бу нарса хорижий капиталларга эга корхоналар сонининг, уларнинг ЯИМдаги, ташқи савдо айламаси ва аҳоли бандлигидаги улушининг ошишида ўз ифодасини топди.

2009 йилда қўшилган қиймат яратишга катта ҳисса қўшган хорижий капитал иштирок этган корхоналар қаторида автомобиль, энгил, озиқ-овқат, кимё, металлургия саноати хўжалик субъектларини санаб ўтиш мумкин. Умуман олганда, ушбу корхоналарнинг экспорт ҳажми 3264,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт номенклатурасида энгил автомашиналар, автобуслар, электр энержияси ва мева-сабзавот маҳсулотлари, алоқа хизмати ва бошқа товарлар етакчилик қилди. Бунда экспорт тузилмасида машина ва ускуналар, хизматлар ва озиқ-овқат товарлари катта қисмни ташкил этди.

Асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар таркиби таҳлили давлат кафолати остидаги хоржий инвестициялар ва кредитлар улуши 2005 йилдаги 6,8%дан 2009 йилга келиб 4,6%гача пасайганини кўрсатмоқда (14-жадвал).

14-жадвал

**Асосий капиталга йўналтирилган
инвестициялар таркиби, 2005–2009 й.лар (%)**

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009
Жами:	100	100	100	100	100
Давлат бюджети	12,2	10,4	9,0	9,0	8,1

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси материаллари.

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009
Корхоналар маблағлари	46,1	48,4	47,6	44,1	36,7
Аҳоли маблағлари	11,4	11,8	11,4	9,8	10,2
Хорижий инвестиция ва кредитлар*	6,8	5,1	5,0	4,9	4,6
Бевосита хорижий инвестициялар	14,9	13,4	17,8	20,9	27,8
Банклар кредитлари					
ва бошқа қарз маблағлари	3,8	4,1	3,1	5,0	5,2
Нобюджет фондлар	4,8	6,8	6,1	6,3	7,4

*) ҳукумат кафолати остидаги.

Манба: 2006 йил учун ахборот-таҳлилий маълумотлар, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар лойиҳаси / USAID, Тошкент, 2006 й. Ва 2006-2010 й.лар учун Ўзбекистон статистика маълумотлари / ЎзР Давлатстатистика қўмитаси тўплами. — Тошкент, 2006—2010 й.лар.

Сўнги йилларда асосий капиталга йўналтирилган қўйилмалар таркибида марказлаштирилган ресурслар улушининг қисқариб бориши кузатилмоқда. Масалан, давлат бюджети-дан молиялаштириладиган маблағлари миқдори 2005 йилдаги 12,2%дан 2009 йилда 8,1%гача камайди, давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар улуши эса мувофиқ равишда 6,8 %дан 4,6%гача қисқарди, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса мос равишда умумий капитал маблағлар ҳажмига нисбатан 14,9% дан 27,8% гача ошди (14-расм).


Хорижий инвестицияларни жалб этиш ишлаб чиқариш ва менежментнинг замонавий усулларида фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни кучайтиради, жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, маҳаллий корхоналарда бутловчи материаллар, узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имкониятлар яратади, булар эса аста-секин ўзаро боғлиқ ишлаб чиқаришлар комплекслари — кластерларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Хорижий компанияларнинг иштироки халқаро технологик ва савдо «занжирлари»га кириб бориш ҳисобига тайёр маҳсулотларни ташқи бозорларда сотишни енгиллаштиради.

Хорижий капитални жалб этиш қўйидаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради:

— мамлакатнинг талаб қилинмаган илмий-техник салоҳиятини ўзлаштириш;

— ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган ва табиат ресурсларига бой бўлган минтақаларга уларни жадаллик билан ўзлаштириш мақсадида капитал келишига кўмаклашиш;

14-расм. 2005–2009 йилларда молиялаштириш манбалари бўйича инвестицияларнинг ўсиш суръатлари



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

— янги иш ўринларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини ўзлаштириш ва ҳ.к.

Бунда инновацион соҳага хорижий инвестициялар кўпроқ жалб этилишига ва узоқ муддатли давлат инвестиция сиёсатининг миллий манфаатларига мувофиқ келишига эътибор қаратиш лозим. Шунга боғлиқ ҳолда, Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом банки, Жанубий Корея ва Япония инвестиция банклари каби йирик халқаро молия институтлари кредитлари узоқ муддатли асосларда стратегик инновацион лойиҳаларни молия билан таъминлашга жалб этилади.

Хорижий капитални жалб этиш давлат қарзлари динамикаси билан боғлиқ. Кредитларнинг салмоқли қисми бевосита инвестиция эмас, ҳаттоки йирик масшабли ташқи инвестициялаш шароитларида имтиёзли фоизга эга тўловлар ҳам анча катта бўлиб, маҳаллий иқтисодиёт учун оғирлик қилиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса инвесторларга корхонани бошқариш учун ҳуқуқ беради ва кўпроқ қўшма корхоналарнинг устав фондига бадаллар ҳамда корхонанинг хорижий эгаларидан олинган кредитлардан иборат бўлади. Бевосита хорижий инвестициялар хусусий сектор фаолиятини жадаллаштиради, ташқи бозорларга чиқиш йўлларини кенгайтиради ва янги технологиялар ҳамда бошқарув усулларига эга бўлишни енгиллаштиради. Бундай ҳолатларда олинган фойдани инвестиция киритувчи мамлакатга олиб чиқиб кетишдан кўра мамлакат ичида қайта инвестициялаш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Шунингдек, тадбиркорлик капиталининг кириб келиши ташқи қарзлар кўламини оширмайди.

Ўзбекистон инвестиция бозорини кенгайтириш, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

— инвестициялаш объектлари бўйича ахборотнинг очиқлигини таъминлаш, қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг ишончлилигини ошириш, капитал жамғаришнинг ипотека шаклидан фойдаланган ҳолда республика тўғридан-тўғри инвестициялари фондини яратиш, буни ҳам маҳаллий, ҳам хорижий мулклар ва фонд тизимига кириши мумкин бўлган банкларнинг актив қисми ҳисобига амалга ошириш мумкин;

— халқаро ҳамжамиятлар, инвестиция фондлари, компаниялар, банклар иштирокида йирик ишлаб чиқаришларнинг қимматли қоғозларини халқаро фонд бозорида жойлаштиришни амалиётга жорий этиш ва айни вақтда (кадрлар тайёрлаш ва тажриба тўплаш даражсига кўра) шу каби тадбирларни ўтказиш учун республикада бозор инфратузилмаларини яратиш;

— республикада инвестиция фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам берувчи ва белгиланган таркибий қайта қуришларни амалга ошириш учун асосни таъминлаб берувчи иқтисодий тармоқлари ва ишлаб чиқариш учун илғор ускуналар ва бутловчи қисмларни олиб киришда имтиёзли тарифлар ва божлардан фойдаланиш.

Қулай макроиқтисодий муҳит, ички бозор сифими, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш даражаси, ишчи кучининг сифати, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасининг ҳолати, молия тизимининг ривожланиш даражаси, меъёрий-ҳуқуқий база ва тақдим этиладиган имтиёзлар, мавжуд хом ашё ресурслари каби омиллар республикада ўзига қулай инвестиция иқлимини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Инвестиция-инновация сиёсатини амалга оширишда асосий диққат, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик қайта ускуналаш мақсадларида инвестицияларни жалб этиш масалаларига қаратилади. Шунга боғлиқ равишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПП-916 Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 15 октябрдаги «Технологиялар трансферти бўйича агентлик» Давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 228-сонли Қарори фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини ривожлантириш ва рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмалар натижаларидан фойдаланиш, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва

иқтисодиётнинг реал сектори ўртасида кооперациялар яратишни кўзда тутади.

Хўжалик субъектлари билан имзоланган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш қисмида амалий тадқиқотлар ва техник ишланмалар даражасини ошириш, фан сифими юқори технологияларни жорий этиш мақсадларида 2013 йилнинг 1 январига қадар ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари даромад солиғидан, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) озод этилиши кўзда тутилади. Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта таъминлаш ва тўлиқ ускуналаш мақсадида келтириладиган асбоб-ускуналар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирилиши учун тўловлардан ташқари) озод қилинади. 2009—2010 йиллар давомида давлат илмий-техник дастурлари доирасида тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошираётган илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларнинг илмий, технологик ва лаборатория ускуналарини модернизация қилиш учун маблағлар ажратилиши кўзланган.

Инвестиция-инновация фаолиятини ривожлантириш йўналишларини иқтисодий амалиётда амалга ошириш фан ва технологиялар соҳасини ривожлантиришга йўналтириладиган бюджет ва нобюджет маблағлардан самарали фойдаланиш; меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, илмий-техник ишланмалар натижаларидан самарали фойдаланиш; устувор йўналишлар бўйича тадқиқотларни амалга оширувчи илмий-техник соҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва такрор ишлаб чиқариш, фан сифими юқори ишлаб чиқаришларни технологик қайта қуроллантириш билан боғлиқдир.

2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури¹ солиқ тизимини янада такомиллаштириш-

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 й.

нинг асосий чора-тадбирлари қаторида, хусусан экспортга қаратилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадларида, уларга айланма маблағларини тўлдириш учун 12 ойгача бўлган муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича имтиёзли кредитлар ажратишни; тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестициялар киритилган корхоналарнинг қўшилган қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва тўловлардан озод қилиниши муддатини 2012 йилгача узайтириш; банк кредитлари бўйича кечиктирилган ва жорий қарзлар суммасини реструктуризация қилиш ва бюджет тўловлари бўйича пеняларни бекор қилиш ва бошқа шунга ўхшаш муҳим имтиёз ва преференциялар тақдим этиш; қатъий тежамкорлик режимини жорий этиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда пасайтирилишини рағбатлантиришни кўзда тутаяди, бу эса маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Дастурий чораларни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкларини янада қисқартириш ҳисобланади. Масалан, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб саноат соҳасида ишлаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 8 дан 7 фоизга туширилди, молиявий, маиший ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар эса ягона солиқ тўловидан уч йил муддатга озод қилинди.

Маълумки, асосий инвестициялар корхоналарнинг барча инвестициялар ҳажмида улуши 70%ни ташкил этадиган хусусий маблағлари ҳисобидан, тахминан 10% корхона тасарруфида қолган фойда ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ бундай вазиятда инвестиция фаоллигини етарли даражада таъминланишига умид боғлаш анча мураккаб, кўп ҳолатларда корхона нарх омили ҳисобига вазиятдан чиқишга ҳаракат қилади. Кўпроқ фойда олиш мақсадларида улар маҳсулотларининг нархини оширишга ҳаракат қиладилар, буни эса тўғри йўл деб бўлмайди. Бундай вазиятда инвестицияларни молиялаштириш учун хусусий маблағларнинг энг ишончли манбаси амортизация чегирмалари ҳисобланади.

Бироқ ҳозирги инфляция омили мавжуд бўлган шароитларда амортизация маблағлари тез қадрсизланади ва асосий воситаларни янгилаш учун етарли ҳажмда уларни жамғариш катта муаммога айланади. Шунга боғлиқ равишда, асосий фондларни янгилашнинг муҳим манбаси сифатида, амортизация маблағлари ролини ошириш мақсадларида нисбатан фаолроқ амортизация сиёсатини ўтказиш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, асосий фондлар баланс қийматини мунтазам индексация қилиш ва айна вақтда эскирган меҳнат воситалари ва талаб қилинмайдиган ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишдан чиқариб ташлаш; корхоналарга хусусий инвестиция ресурслари ҳажмини сезиларли оширишга имкон берувчи жадаллаштирилган амортизация тизимидан фойдаланишнинг рухсат олиш амалиётидан хабарлаш амалиётига ўтишни тезлаштириш талаб этилади. Жадаллаштирилган амортизация ёрдамида солиқ ва иқтисодий амортизация қийматлари ўртасида катта тафовут вужудга келади, мувофиқ равишда, солиққа тортиладиган фойда қисқаради.

Иқтисодиётни инвестицион-таркибий қайта қуришни амалга оширишнинг муҳим йўналиши фан сифими юқори бўлган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш усулларини билвосита усулларига алмаштиришдан иборат, бу янада юқорироқ натижалар олишга рағбатлантиради. Бундай ҳолатда ИТТКИ ва инновацион фаолиятни амалга оширишни рағбатлантирувчи ёрдам берувчи махсус солиқ имтиёзлари каби усуллардан фойдаланилади. Мазкур ёндашувнинг моҳияти корхона фойда солиғининг камайтирилишидан иборат бўлиб, у ИТТКИ натижаларини муваффақиятли тижоратлаштиришнинг якуний натижаларига ва етарли даражада фойда олишга бевосита боғлиқ бўлиши керак. Бу усулда давлат хусусий бизнес олдига муайян мақсадларни қўяди ва уларга эришиш учун даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар шаклида молиявий ресурслар ажратади, бундан эса қўйилган мақсадларни бажараётган корхоналаргина фойдалана олади.

Инвестиция фаолиятини ва таркибий қайта қуришни рағбатлантирувчи махсус солиқ имтиёзлари қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

— солиққа тортиладиган базанинг миқдорини аниқлашда тадқиқотлар ва ишланмалар учун жорий нокапитал харажатларни тўлиқ тарзда ҳисобдан чиқариш имконияти;

— ИТТКИ учун харажатларни солиққа тортиладиган базадан чиқариш муддатларини корхона учун қулай бўлган даврга кўчириш имконияти, бу янгидан ташкил этилаётган, айтилиши мумкин бўлган белгиланган солиқ имтиёзларидан тўлиқ даражада фойдалана олиш учун етарли имкониятларга эга бўлмаган фирма ва корхоналар учун аниқса фойдали;

— ИТТКИ ўтказиш учун ускуналар ва биноларнинг жадал амортизацияси;

— корхоналарга ҳисобланган фойда солиғини ИТТКИ учун сарфланган харажатларнинг муайян фоизига ёки маълум давр ичида уларнинг ўсиб бориши фоизига тенг миқдорда камайтиришга имкон берувчи солиқ кредити тақдим этиш.

Давлат бюджетининг солиқ бўлмаган даромад манбаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш қўшимча инвестицияларнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Солиқ тавсифига эга бўлмаган жами даромадлар акцизлар, ижтимоий ва экологик жиҳатдан зарарли фаолият учун солиқларни ўз ичига олади ва улар бюджет даромад қисмининг ярмини ташкил этиши мумкин. Ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш фаолиятини солиққа тортиш билан боғлиқ бўлмаган бюджет даромадларини ошириш мақсадларида ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши, бир томондан, устувор ва инновацион корхоналарни имтиёзли солиққа тортишга ёрдам берса, иккинчи томондан, иқтисодий таркибий қайта қуришни инвестициялаш учун катта молиявий ресурсларни тўплашга имкон яратади.

Венчур корхоналарни яратиш ҳам фан сифими юқори бўлган юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишнинг энг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, венчур молиялаштиришни ривожлантириш масаласи, аниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида долзарб ҳисобланади.

Молиялаштиришнинг ушбу тури имкониятлари ҳақиқатан ҳам улкан, масалан, кейинги ўн йил ичида Европа венчур бизнесида 102,8 млрд. евро узоқ муддатли капитал жамғарил-

ди. Фарбий Европанинг 20 мамлакатида 500 венчур жамғармаси бўлиб, йиллик инвестиция ҳажми 14,5 млрд. евро ни ташкил этади¹.

Ўзбекистонда венчур инвестициялашнинг жорий этилиши банк секторига кредит юкини камайтириш билан бир вақтнинг ўзида молиялаштириш манбаини сезиларли равишда кенгайтиради. Хатарли инновация лойиҳаларини молиялаштиришнинг ушбу туридан фойдаланиш корхоналарга янги технологияларни жадал ишлаб чиқиш ва и жорий этиш, «ноухау»ни тижоратлаштириш йўли билан ишлаб чиқариш-молиявий вазиятни ўзгартиришга ва йиллик даромад миқдорини оширишга ёрдам беради.

Умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий капитални тузилмавий-инновацион модернизация қилишга мақсадли инвестиция маблағларини йўналтириш, янги технологик базага асосланган миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг қудратли омили бўлган капитал қўйилмаларни самарали бошқариш орқали таъминланади.

4.2. Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг таркибий омиллари

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг барча босқичларида республика миллий иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар муаммоси муҳим ўринни эгаллайди. Президент И.А. Каримов бир неча бор таъкидлаганидек, мамлакат рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётни диверсификация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш сиёсати давлат иқтисодий дастурини амалга оширишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиши лозим.

Миллий хўжалик таркибини такомиллаштириш ишлари унинг барча соҳалари ва тармоқлари бўйича, алоҳида минтақалар бўйича миллий маҳсулот, миллий даромад, инвестициялар, меҳнат ресурсларининг тақсимланишини тартибга солиш, шунингдек, мувофиқ техникавий, ташқи иқтисодий

¹ Андреев В. Вопросы перехода России на инновационный путь развития в условиях глобализации/В сб. научных трудов ИПР РАН. Вып.3. — М.: Центр «Транспорт», 2009.

сиёсат олиб бориш ва ҳ.к. йўллар билан амалга оширилмоқда. Натижада, ижтимоий талаб юқори бўлган фаолият, маҳсулот ва хизмат турларини бошқаларидан кўпроқ ривожлантиришга эришилмоқда.

Такрор ишлаб чиқаришнинг ижтимоий, тармоқ, ҳудудий ва технологик нисбатларидаги силжишлар мажмуи таркибий ўзгаришларнинг мазмунини ташкил этади. Таркибий ўзгаришлар миллий маҳсулот ва миллий даромаднинг натурал, қиймат ва функционал таркиби, шунингдек, миллий хўжаликнинг турли соҳалари, тармоқлари ва секторлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзгаришларида намоён бўлади.

Миллий хўжалик тузилмасининг қарор топишида, бу жараёни белгилаб берувчи қуйидаги муҳим омилларнинг таъсири сезилади: мулкчилик шакллари ва хўжалик юритиш шароитларининг ривожланиши; бошқарув тизими; иқтисодий ривожланиш даражаси ва унга мувофиқ ижтимоий эҳтиёжлар тизими; фан, техника ва технологиялар тараққиёти ҳамда улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш; меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифат хусусиятлари; ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви; ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва жаҳон бозорида айирбошлаш шартлари; ресурс базасининг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси; табиий-иқлим шароитлари ва бошқалар.

ЯИМнинг макрокўрсаткичлари миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ва унинг ривожланишини акс эттиради. Мисол учун, 1990 ва 2000 йилларда мос равишда ишлаб чиқарилган ЯИМди саноатнинг улуши 22,8% дан 13,8% гача пасайган. Бироқ 2000 йилдан бошлаб республика ЯИМ шаклланишида саноат тармоғи ҳиссасининг ўсиб бориши кузатилмоқда, хусусан, бу тармоқнинг улуши 2010 йилда 24,0% ни ташкил этди, бу эса республикада амалга оширилаётган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, модернизация сиёсати ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш тармоқларини рағбатлантириш ҳисобига саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши натижаси ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, республика иқтисодиёти таркибида, гарчи иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи ҳисобланса-да, қишлоқ хўжалиги улушининг камайиб бориши кузатилмоқда. Таҳлил этилаётган даврда мазкур тармоқ улу-

шининг, яъни 1990 йилдаги 30,4%дан 2010 йилга келиб 17,5%га пасайгани қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, республикада товар ишлаб чиқарувчи барча соҳаларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши 1990 йилдаги 66,7%дан 2009 йилда 46,1%га камайган. Бу эса иқтисодиётни ривожланишининг қонуниятини, яъни ишлаб чиқариш соҳалари улуши нисбати хизматлар кўрсатиш соҳасининг ўсиб бориши томон ўзгаришини ифода этади. 1990 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳиссаси 34,4% дан 49%гача кўпайган.

15-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти соҳалари бўйича ЯИМ таркибининг ўзгариши, (%да)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	1990	2000	2007	2008	2009
ЯИМ, жами	100	100	100	100	100
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	101,1	87,5	90,5	90,7	93,3
Товар ишлаб чиқариш соҳалари	66,7	50,5	51,2	45,4	46,1
жумладан:					
Саноат	22,8	13,8	24,0	...	24,0
Қишлоқ хўжалиги	33,3	30,4	21,7	...	18,0
Хизмат кўрсатиш соҳалари	34,4	37	39,3	45,3	47,2
Соф солиқлар, импорт учун солиқ билан бирга	-1,1	12,5	9,5	9,3	6,7

Манба: муаллифлар томонидан ЎзР статистика қўмитасининг мувофиқ йиллар учун маълумотлари асосида тузилган.

Миллий иқтисодиётнинг энг динамик равишда ўсаётган секторларидан бири машинасозлик комплекси дир. 2009 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2008 йилга нисбатан 9%га ўсган бўлса, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 17,4%га ошди¹.

16-жадвал

Машинасозлик маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш

	2008 йилда 2007 йилга нисбатан, %да	2009 йилда 2008 йилга нисбатан, %да
Енгил автомобиллар	113,5	105,1
Юк автомашиналари	115,6	162,6
Автобуслар	139,4	84,6

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика маълумотномаси 2009 йил. учун. — Тошкент, 2010 йил. — 17-б.

	2008 йилда 2007 йилга нисбатан, %да	2009 йилда 2008 йилга нисбатан, %да
Автомобиллар учунэҳтиёт қисмлар	123,3	103,6
Тракторлар	101,1	112,3
Култивация тракторлари	113,4	104,5
Кучли ток кабеллари	167,9	101,8
Совуткич ва музлаткичлар	57,7	2,8 р.

Манбалар: 1. Ўзбекистон Республикаси Статистика маълумотномаси 2008 йил учун. — Тошкент, 2009 йил. — 19-б. 2. Ўзбекистон Республикаси Статистика маълумотномаси 2009 йил учун. — Тошкент, 2010 йил. — 19-б.

Машинасозлик маҳсулотлари улуши саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида 2000 йилдаги 9,9% дан 2009 й.да 16,2%га ўсди¹.

Кейинги йилларда Ўзбекистон электротехника саноати ва автомобилсозлик тармоқларида ижобий вазиятлар қарор топди (16-жадвал).

Электротехника маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 20,9%га ошди². Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажмида кабель-ўтказгич маҳсулотлар, трансформаторлар айниқса кўпроқ ишлаб чиқарилди, лифт ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди.

Совуткич ва музлаткичлар ишлаб чиқариш 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 2,8 баробар кўпайди³.

Таъкидлаш жоизки, автомобилсозликнинг тутган ўрни ва ривожланиши мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги индикаторларидан бири бўлиб хизмат қилади. Автомобилсозлик маҳсулотларининг ўсиш суръатлари 2008 йилга нисбатан 2009 йилда 16,9%га ошди⁴.

Енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 2008 йилга нисбатан 2009 йилда 5,1%га, юк машиналари — 62,6%га кўпайди⁵.

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика маълумотномаси 2009 йил учун. — Тошкент, 2010 йил. — 18-б.

² Экономика Узбекистана: Информационно-аналитический бюллетень за 2009 г. Центр экономических исследований. — Ташкент, 2010. — С. 43.

³ Ўзбекистон Республикаси Статистика маълумотномаси 2009 й. учун. — Тошкент, 2010 йил. — 19-б.

⁴ Экономика Узбекистана: Информационно-аналитический бюллетень за 2009 г. Центр экономических исследований. — Ташкент, 2010 г. — С. 43.

⁵ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009 г. — Ташкент, 2010 г. — С.19.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган муҳим устувор йўналиш «асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат...»¹.

2009 йилда Ўзбекистонда саноат соҳасидаги янги асосий воситаларни инвестициялаш 2008 йилга нисбатан 1,23 баробар, машинасозликда эса 2 маротаба ошди².

Таъкидлаш жоиз, замонавий босқичдаги инвестиция сиёсатининг ўзига хос томони шундаки, бунда асосий эътибор илғор технологиялар билан қуролланган, юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларига қаратилмоқда. Иқтисодийнинг айнан юқори технологик сектори иқтисодий инновацион йўналишда ривожлантиришни таъминлаб беради.

2009 йилда қабул қилинган Инвестиция дастури ва техник модернизация қилишнинг тармоқ дастурига мувофиқ республика машинасозлик тармоғида 9 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. 2009 йилда ниҳоясига етказилган стратегик лойиҳалардан Ўзбекистон автомобилсозлик тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратувчи Наманганда қурилган енгил автомашиналар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқариш заводини алоҳида қайд этиш зарур³.

Бозор шароитларида машинасозлик мажмуасини инновацион ривожлантириш корхона маҳсулотлари рақобатдошлигини оширишнинг қатъий зарурияти ҳисобланади.

2009 й.да номолиявий активлар учун инвестициялар умумий ҳажмининг 88,9% ва 96,8% мувофиқ равишда Ўзбекистон автомобилсозлик ва электротехника саноатларидаги янги асосий воситаларга йўналтирилди⁴.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 йил. — 65-б.

² Использование инвестиций в нефинансовые активы за 2009 г.: Статистический бюллетень. Госкомстат. Ч.II. — Ташкент, 2010 г. — С.108.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 йил. — 43-б.

⁴ Статистик маълумотлар асосида ҳисобланган: Инвестициялардан номолиявий активлар учун фойдаланиш 2009 йил учун. Статистик бюллетень. ЎзР Давстатқўм, 2-қ. — Тошкент, 2010 йил. — 53-б.

Янги асосий воситаларга жалб этиладиган инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибини тадқиқ қилиш натижасида инвестицияларнинг асосий қисми корхоналар маблағларига тўғри келиши маълум бўлди.

Агар бутун Ўзбекистон бўйича ушбу молиялаштириш манбаи 2009 й.да 36,9%ни ташкил этган бўлса, асосий капиталга инвестицияларнинг умумий ҳажмида электротехника саноатида корхоналарнинг маблағлари улуши 31,4%ни, автомобилсозликда эса — 81,3%ни ташкил этди¹.

Сўнги йилларда республикада қарор топган қулай инвестиция муҳити туфайли машинасозлик комплексига инвестициялар киритиш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Масалан, 2009 йилда электротехника саноатига жалб этилган бевосита хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси 47,3%ни ташкил этди, яъни 2008 йилга нисбатан 19,5 фоиз пунктига кўпайди².

Бозор шароитида қарз капитали ҳисобидан ўз инвестицияларини кескин ошириш имконияти машинасозлик корхоналари учун айниқса долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни технологик янгилаш тезлиги, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари кўп томондан машинасозлик соҳаси корхоналарининг инвестиция имкониятларининг қай даражада ички молиялаштириш манбаларидан ортиқлигига боғлиқдир. 2009 йилда электротехника ишлаб чиқарувчиларининг қарз маблағлари улуши 12,2%га, автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи тузилмаларда эса — 14,5%га тўғри келган³.

Асосий капиталга жалб этилган қарз инвестициялари таркибининг таҳлили, 2009 йилда автомобилсозлик саноатидаги уларнинг умумий ҳажмининг 58,8% тижорат банклари кредитларига тўғри келганини кўрсатди, электротехника секторида эса бу кўрсаткич 69,9%ни ташкил этган.

Тадқиқ этилган давр мобайнида, автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи тузилмаларда янги асосий воситалар-

¹ Статистик маълумотлар асосида ҳисобланган: Инвестициялардан номолиявий активлар учун фойдаланиш 2009 йил учун. Статистик бюллетень. ЎзР Давстатқўм, 2-қ. — Тошкент, 2010 йил. — 77-б.

² Инвестициялардан номолиявий активлар учун фойдаланиш 2009 йил учун. Статистик бюллетень. ЎзР Давстатқўм, 2-қ. — Тошкент, 2010 йил. — 77-б.

³ Ўша ерда, 77-б.

ни инвестициялашда бошқа ташкилотларнинг қарз маблағлари умумий инвестиция ҳажмининг 41,2%ни, электротехника саноатида эса — 30,1% ни ташкил этган¹.

Бозор ислохотларининг чуқурлашуви билан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш имкониятлари лизинг фаолиятини ривожлантириш асосида сезиларли тарзда кенгайиб бормоқда. 2009 йилда электротехника саноатида янги асосий воситаларга инвестициялар умумий ҳажмидан 6,1% молиявий лизинг шартлари билан харид қилинган жиҳозларга тўғри келди².

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмасини тавсифловчи статистик маълумотлар республика машинасозлик комплексининг етакчи тамоқларида инновацион жараёнларнинг жадаллигидан дарак беради (20-жадвал).

20-жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 йилда автомобилсозлик ва электротехника саноатларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш мақсадида асосий капиталга жалб этилган инвестициялар умумий ҳажмининг мос равишда 67,1% ва 58,9% йўналтирилган. 2009 йилда автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи хўжалик тузилмаларига, янги қурилишларга асосий капиталга жалб этилган инвестициялар умумий ҳажмининг 31,3% киритилди, бу 2008 йилдаги кўрсаткичдан 15,7 фоиз пукнтига юқоридир. Электротехника секторида 2009 йилда янги қурилишларга асосий капиталга жалб этилган инвестициялар умумий ҳажмининг 21% йўналтирилган бўлиб, бу 2008 йилги мазкур кўрсаткичдан 10 фоиз пукнтига кўпдир.

Қурилиш-монтаж ишларига капитал харажатлар билан ускуналар учун инвестициялар ўртасидаги нисбатни акс эттирувчи инвестицияларнинг технологик таркибини тадқиқ этиш, электротехника, автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи хўжалик тузилмаларида сўнги йилларда ижобий тенденциялар кузатилганини кўрсатди.

Масалан, 2009 йилда иқтисодиётнинг электротехника секторида қурилиш-монтаж ишларига капитал харажатлар билан жиҳозлар учун инвестициялар ўртасидаги нисбат 11% ва

¹ Ўша ерда, 82-б.

² Ўша ерда, 145-б.

89%ни, автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчиларда эса — 32,4% ва 61,2% ни ташкил этган, бу эса инновация жараёнларини инвестициялашнинг устунлигидан далолат беради (17-жадвал).

Инновация фаолиятини молиявий таъминлаш унинг мақсадли йўналтирилиши ва манбаларининг кўплигига асосланади: давлат бюджети, хўжалик субъектларининг хусусий ёки жалб этилган маблағлари, шунингдек, иш буюртмачилари маблағлари.

Иқтисодиётнинг sanoat секторидаги инновация фаолиятини молиялаштириш манбалари таҳлили, 2009 йилда ўз кучи билан бажарилган тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи хусусий маблағлардан иборат эканини кўрсатди.

17-жадвал

Асосий капиталга жалб этилган инвестицияларнинг технологик таркиби

Кўрсаткичлар	2008			2009		
	Умумий ҳажмга нисбатан %да			Умумий ҳажмга нисбатан %да		
	Қурилиш-монтаж ишлари	Машиналар, ускуналар, жиҳозлар	Бошқа харажатлар	Қурилиш-монтаж ишлари	Машиналар, ускуналар, жиҳозлар	Бошқа харажатлар
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами шу жумладан:	42,2	43,9	13,9	50,8	39,3	9,9
Электротехника sanoati	34,6	60,4	5,0	11,0	89,0	-
Автомобилсозлик	22,2	72,5	5,3	32,4	61,2	6,4

Манба: 1. Инвестициялардан номолиявий активлар учун фойдаланиш 2008 йил учун. ЎзР Давстатқўм. — Тошкент, 2009 йил. — 86-88-б.лар; 2. Инвестициялардан номолиявий активлар учун фойдаланиш 2009 йил учун. Статистик бюллетень. ЎзР Давстатқўм. — Тошкент, 2010 йил. — 86-88-б.лар.

Республика sanoatida 2009 йилда харид қилинган янги технологиялар, дастурий воситалар учун харажатлар умумий миқдорининг 82,5% ускуналар, 10,2% - тадқиқотлар ва ишланмалар натижалари, 2,7% - дастурий таъминот сотиб олишга тўғри келди¹.

¹ Ўзбекистон Республикасида илмий-техник салоҳият ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари. Статистик бюллетень. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. — Тошкент, 2010 йил. — 125-б.

Яратилган янги технологиялар, дастурий таъминотлар миқдори тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики, таҳлил этилаётган йилда республика саноат секторида 54% ускуналар харид қилишга, 22% — тадқиқотлар ва ишланмалар натижалари, 12% — дастурий таъминот ҳиссасига тўғри келар экан¹.

2009 йилда иқтисодийнинг саноат секторидаги корхоналар ва ташкилотларда жорий этилган технологик инновациялар умумий миқдорининг 81,8% ўз кучлари билан, 16,8% — бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган².

Илмий тараққиётнинг энг муҳим йўналишларида барча ресурсларни тўплаш ушбу йўналишларни амалга оширишга қодир хўжалик субъектларининг интеграциялашиш даражасига боғлиқ бўлади.

Саноат корхоналари ва ташкилотлари томонидан технологик инновацияларга сарфланган харажатлар таркибини ўрганиш орқали 2009 йилда 67,6% — технологик инновациялар билан боғлиқ машина ва ускуналар сотиб олишга, 13,8% — янги маҳсулотлар, хизматлар ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш методларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқишга, 10,6% — янги технологиялар харид қилишга тўғри келгани маълум бўлди³.

Саноат сектори корхоналари ва ташкилотлари томонидан технологик инновациялар учун ўз маблағлари ҳисобидан сарфлаган харажатларининг 69,3% технологик инновациялар билан боғлиқ бўлган машина ва ускуналарни сотиб олишга ишлатилган⁴.

Саноат корхонлари ва ташкилотлари томонидан хорижий инвестициялар ҳисобидан технологик инновациялар учун сарфланган харажатларни ўрганиш натижасида, технологик инновация билан боғлиқ машина ва ускуналар сотиб олиш учун харажатлар етакчи ўринни эгаллаши маълум бўлди (80%)⁵.

¹ Ўша ерда, 124-б.

² Ўша ерда, 95-б.

³ Ўша ерда, 70-б.

⁴ Ўша ерда, 72-б.

⁵ Ўзбекистон Республикасида илмий-техник салоҳият ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари. Статистик бюллетень. ЎзР Давлат статистика қўмитаси. — Тошкент, 2010 йил. — 72-б.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида инновация фаолияти ҳал этувчи омил ҳисобланади, сабаби ишлаб чиқаришни ўз вақтида модернизация қилиш, илғор технологияларни ўзлаштириш, ресурс тежамкорлиги саноат корхоналарининг зарарсиз ишлашини таъминлайди, бу эса пировардида маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини белгилаб беради.

Ҳозирги шароитларда илғор ва айниқса, юқори технологик ишламаларни самарали инвестициялаш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Республика саноатидаги илмий-техник ишлар таркибини тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, 2009 йилда илмий тадқиқотлар 59,8%, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар 40,1% ташкил қилган экан¹.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси бозор иқтисодиёти ва бозор механизмлари катта хатарга эга юқори технологияларга ҳамда инновация-инвестиция лойиҳа ва дастурларининг ўзини-ўзи қоплаши бўйича ноаниқликларга кам даражада мослашганлигини кўрсатмоқда. Давлат инновация-инвестиция сиёсатининг тутган ўрни фаол инновация сиёсати орқали нафақат бозор механизмларини тартибга солишни кучайтириш, балки ижобий таркибий ўзгаришларни, миллий ишлаб чиқариш ва юқори технологиялар асосида тайёрланган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун давлат институтлари ва ресурсларини ҳам сафарбар қилиш мумкин бўлган соҳаларда ҳам юқоридир.

Иқтисодиётнинг юқори технологик секторларини шакллантириш, биринчи навбатда, машиналарнинг техник-технологик, базавий тизимларини, бозор конъюнктурасининг тез ўзгарувчан замонавий шароитларини эътиборга олган ҳолда маҳсулотларнинг янги турларини бозорга мунтазам чиқариш соҳасида инновацион фаолликни ривожлантиришни талаб этади.

Инновацион фаоллик бошқарувнинг барча поғоналарида ва айниқса, макродаражаларда ишлаб чиқиладиган монанд инновация сиёсати ва стратегиясини талаб этади.

¹ Ўзбекистон Республикасида илмий-техник салоҳият ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари. Статистик бюллетень. ЎЗР Давлат статистика қўмитаси. — Тошкент, 2010 йил. — 8-б.

**Асосий капиталга жалб этилган
инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби**

	2008 й.					2009 й.				
	Умумий ҳажмга нисбатан %да					Умумий ҳажмга нисбатан %да				
	Жами	Янги қури-лишлар	Кенгай-тириш	Реконструкция ва модерни-зация қилиш	Бошқа йўна-лишлар	Жами	Янги қури-лишлар	Кенгай-тириш	Реконструкция ва модерни-зация қилиш	Бошқа йўна-лишлар
Ўзбекистон Республикаси	100,0	51,2	10,6	23,4	14,7	100,0	60,0	3,8	22,0	14,2
Электротехника саноати	100,0	11,0	16,9	51,9	20,2	100,0	21,0	-	58,9	20,1
Автомобилсозлик	100,0	15,6	1,1	74,7	8,5	100,0	31,3	0,4	67,1	1,2

Манба: Инвестициялардан номолиявий активлар учун фойдаланиш 2008 йил учун. ЎЗР Давстатқўм, II қ. — Тошкент, 2009 й. — 122, 125-б.лар; 2. Инвестициялардан номолиявий активлар учун фойдаланиш 2009 йил учун. Статистик бюллетень. ЎЗР Давстатқўм. II қ. — Тошкент. 2010 йил. — 123. 126-б.лар.

Бироқ ҳозирда қарор топган вазиятда буни фақат маҳаллий даражада ҳал этиб бўлади. Масалан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун инвестицияларнинг етарли рентабеллигига эришиш учун илмий-ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш циклининг барча тузилмаларида инновациялар талаб этилади, чунки бу аванс маблағларни қайтариб олиш ва улардан келадиган фойда ҳажмида илмий-ишлаб чиқариш соҳасини қайта инвестициялашга имкон беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, инновацион маҳсулотлар, патентлар, интеллектуал мулк объектлари учун эгалик ҳуқуқларини сотишдан, шунингдек, фойдадан муайян ажратмалар келтирувчи инновацион технологиялар ва илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларига киритилувчи тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларидан инновацион-инвестицион ресурслар олиш учун шароитлар яратиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунга боғлиқ равишда такрор ишлаб чиқаришнинг инновация-инвестиция жараёнлари билан боғлиқ бўлган молия, кредит ва бюджет муносабатларининг бутун тизимида меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарур.

Такрор ишлаб чиқаришнинг кўпдан бери мавжуд бўлган, эски усул ва механизмларининг энг янги технологиялар асосида инновацион иқтисодий шаклланишининг янги тизимларига трансформациясининг ўзига хос томонлари жараёнда иштирок этувчи барча элементлари ва иқтисодий цикллар тизимининг ўзаро таъсир шакллари билан белгиланади. Бундай ўзаро боғлиқлик мавжуд эмаслиги кўп ҳолларда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфратузилма ва фан сифими юқори ишлаб чиқариш ва тармоқларда тизимнинг яхлитлиги бузилиши ва иқтисодий ўсишнинг тўхтаб қолишига, самарасиз қарорлар ва ҳаракатларнинг кўпайишига, бу элементларнинг тараққиётдан ортда қолишига олиб келади.

Инновация фаолиятининг самарадорлиги корхона ва ташкилотлар томонидан жорий этилган технологик инновациялар миқдори билан белгиланади. 2009 йилда умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича технологик инновацияларни жорий этган 140 корхона ва ташкилотдан 55% иқтисодийнинг sanoat секторига тегишли. Республика миқёсида жо-

рий этилган 462 та технологик инновациянинг 48,9% саноат корхоналари ва ташкилотларига тўғри келади.

Иқтисодиётнинг саноат секторига жорий этилган 226 технологик инновациянинг 81,8% корхоналарнинг ўзи томонидан, 16,8% — бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда, 1,4% бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган¹.

Машинасозлик корхоналарининг инновация фаолияти самарадорлигининг ошиб бориши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигининг ўсишида ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда рағбатлантириш ва солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича қўшимча чоралар хўжалик юритувчи тузилмаларни қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. 2010 йилда республика хўжалик субъектларига кенг турдаги қўшимча солиқ имтиёзлари тақдим этилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш (масалан, автомобилсозлик саноати учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган) дастурида иштирок этаётган корхоналар учун даромад солиғи тўлаш ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар берилган.

Капиталлаштириш ва инвестициялашга йўналтирилган корхоналар таъсисчилари дивидендлари солиқдан 5 йил муддатга озод қилинади.

Умуман олганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди, бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди².

Инвестиция фаолияти ва ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилишга бошқа мақсадли солиқ имтиёзларига

¹ Ўзбекистон Республикасида илмий-техник салоҳият ва инновацияларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари. Статистик бюллетень. ЎЗР Давлат статистика қўмитаси. — Тошкент, 2010 йил. — 95-б.

² Каримов И.А. Асосий вазирамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 й. — 41-б.

нисбатан тезлаштирилган амортизация кучли таъсир кўрса-тади. Бир қатор индустриал ривожланган мамлакатларда амортизация маблағларига умумий инвестициянинг 60—65% тўғри келади. Уларнинг самарадорлиги қуйидаги йўналишларда намоён бўлади. Биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларда қўшимча пул маблағлари тўпланади, улар эса соф фойдадан фарқли равишда солиққа тортилмайди; иккинчидан, амортизация маблағлари фойда ва қарз маблағларидан фарқли равишда пул маблағлари тушумининг анча барқарор манбаи ҳисобланади, сабаби уларга ишлаб чиқаришнинг таназзулга учраши, кредитлар бўйича ставкаларнинг ошиши, нархларнинг ўзгариши ва бошқалар кам таъсир кўрса-тади; учинчидан, амортизация маблағлари — бу корхона-нинг хусусий пул маблағлари ҳисобланади ва қарз маблағларидан воз кечилган тақдирда улар бўйича фоизлар тўловини тежашга имкон туғдиради, бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади; тўртинчидан, амортизация фондининг мавжуд бўлиши ва ундан белгиланган мақсадларда фойдаланиш тадбиркорни бу пул маблағларидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш мақсадларида фойдаланишга мажбур этади. Давлат томонидан амортизация фондидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиниши маблағларни бошқа мақсадларга сарфлашга йўл қўймайди; бешинчидан, дунё бўйича техника тараққиёти суръатлари жадаллашиб бораётган шароитларда вақт омили ҳам жиддий аҳамият касб этиб бормоқда. Тезлаштирилган амортизация тадбиркорларга асосий фондлар ишга туширилгандан кейинги дастлабки йилларда молиявий маблағлар олишни тезлаштиради ва шу орқали ўз рақобатчиларига нисбатан сезиларли устунликка эга бўлишга ёрдам беради.

Ҳар бир мамлакатда у ёки бу амортизация сиёсатининг ўтказилишига ва қонунчиликда бошқа мақсадли имтиёзларнинг мавжудлигига боғлиқ равишда, фойда солиғининг оптимал ставкаси мавжуд бўлиши керак, мамлакатда амортизация сиёсати ва мақсадли солиқ имтиёзлари воситасида инвестиция фаолиятини рағбатлантириш қанчалик фаол амалга оширилса, бошқа шундай шароитларда даромад солиғи ставкаси шу қадар юқори бўлиши лозим.

Шундай қилиб, тезлаштирилган амортизация ва мақсадли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида кўпгина ри-

вожланган мамлакатларда соф фойда бош инвестиция ресурси вазифасини бажаришдан тўхтади. Бундан ташқари унинг катта қисми эндиликда инвестициялар учун эмас, балки дивидендларга сарфланадиган бўлди, унинг қолган қисми эса бўш қолдиқ сифатида шунчалар аҳамиятини йўқотдики, натижада инвестиция сиёсатига ҳеч қандай жиддий таъсир кўрсата олмай қолди.

Машинасозликда инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг муҳим шарти илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириб бораётган, илғор техника ва технологияни жорий этаётган корхоналар учун имтиёзли шароитларни яратиб беришдан иборат. Усуналарни тезлаштирилган амортизациялаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Инновация сиёсатининг бош мақсади тармоқ илмий тадқиқотлари ва ишланмалари билан шуғулланаётган илмий бўлинмалар, олий ўқув юртлари, ИТИ ва илмий тижорат гуруҳларининг кооперациялашуви асосида инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишдан иборат бўлиши лозим.

Яқин йиллар учун макроиқтисодий ўзгаришларни эhtiборга олган ҳолда фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: машинасозлик, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг янги технологиялари ва янги автотранспорт технологияларини яратишдан иборат.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш автаркияси ва ёпиқ ишлаб чиқариш циклларини шакллантириш илмий тадқиқотлар ва технологик усуналар қийматининг юқорилиги, илғор технологияларнинг мунтазам равишда кўпайиб бориши, шунингдек, фан сифими юқори маҳсулотларнинг маънавий эскириш муддатларининг қисқариб бориши туфайли жуда мураккаблашиб бормоқда. Бу маънода халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва илмий-техник ҳамкорлик ўсиб бораётган харажатларни тақсимлаш усули ҳамда илмий-техник ютуқлар ва малакали ишчи кучининг концентрацияси шакли сифатида хизмат қилади.

Узоқ хориж давлатлари ва ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ишлаб чиқариш-технологик кооперация машинасозликнинг қуйидаги тармоқларида айниқса ёрқин ифодасини топган: автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, электротехника саноатида.

Ўзбекистон амалда илмий, техникавий салоҳият ва ишлаб чиқариш кучлари мавжуд бўлгани сабабли халқаро кооперацияда иштирок этиш учун барча шарт-шароитларга эгадир.

Истиқболда тайёр машинасозлик маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш учун махсус дастурни ишлаб чиқиш керак, унда барча зарур чораларни, жумладан, маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалаларини назарда тутиш даркор¹.

Ўзбекистон машинасозлик комплексига капитал яратувчи инвестицияларнинг кириб келиши ресурс-технологик салоҳиятдан фойдаланишга имкон беради ва бу орқали эса бутун мамлакат иқтисодиёти технологик базасини ривожлантиришга эришиш мумкин. Иқтисодий ислохотлар жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланувчи, нафақат ички бозорларда, балки ташқи бозорларда ҳам рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тугалланган технологик циклга эга ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгаллаши лозим.

Иқтисодиётнинг трансформацияси даврида таркибий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири мулкчилик таркибининг ўзгариш курси, яъни кўп укладли иқтисодиётга хос бўлган турли шаклдаги мулкчилик муносабатларининг юзага келиши ҳисобланади.

Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш сиёсати иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги аҳволга ҳам таъсир кўрсатди.

Нодавлат мулк улушининг ўсиб бориши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг ўсиб бориши билан бевосита боғлиқ. Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади, сабаби, биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда рақобат муҳитини яратади ва қўллаб-қувватлайди, иккинчидан, ушбу сектор истеъмолчининг янги, яширин талабларини аниқлайди ва уларни қондиришга ҳаракат қилади, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам беради. Учинчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес йирик миллий компанияларнинг шаклланиши ва келгуси ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 й. — 65-б.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзал томонларидан бири унинг юқори даражада мослашувчанлик ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тезлик билан жавоб қайтара олиш қобилиятидир. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини яратишга ёрдам беради, бу эса бизнинг республикамиз учун, аҳоли сони ўсиш суръатлари нисбатан юқори ва меҳнат ресурсларининг катта қисми қишлоқ жойларида тўпланганлигини эътиборга оладиган бўлсак, жуда долзарб ҳисобланади. Шунингдек, кичик бизнес иқтисодийнинг техник янгиликларга мойиллигини кучайтиришга, республика иқтисодий-ни техник ва тузилмавий модернизация қилишга ёрдам беради.

Агар 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ЯИМнинг 31,0% миқдорида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, ишлар бажарилган ва хизматлар кўрсатилган бўлса, 2010 йилда эса, ушбу кўрсаткич 52,5%ни ташкил этди.

Ташқи бозорда рақобатбардошлик даражасининг паст бўлишига фаолиятнинг қандайдир бир турига ёки жуда тор товар гуруҳига боғлиқлик кучли таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларда ўзгарувчан бозор конъюнктураси миллий иқтисодийнинг салбий жараёнларга юз тутишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳозирги шароитларида диверсификация инқирозни енгиб ўтиш, республика иқтисодий-ни таркибини тақомиллаштириш унинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Диверсификация жараёни мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтиришни, уларни янги фаолият турлари, улар билан узвий боғлиқ бўлган технологиялар билан бойитишни назарда тутаяди. Масалан, республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёки минерал хом ашёларни янада чуқурроқ қайта ишлашга қаратилган корхоналар яратилмоқда. Бошқа томондан диверсификация тор ихтисослашувдан узоқлашиш ва янги товар ҳамда хизматлар ишлаб чиқаришга ўтиш, соатиш учун янги бозорларни ўзлаштиришдан иборат, республикамиз шароитида иқтисодийнинг умуман янги тармоқларини яратишни англатади.

Миллий иқтисодийнинг замонавий таркиби маълум даражада мамлакатнинг қиёсий ва рақобат устунлиги нисба-

тига боғлиқ ҳолда шаклланади. Ўзбекистон устида тўхталадиган бўлсак, айтилиши вақтда биз кўпроқ даражада қийин, яъни иқтисодийнинг қарор топган тузилмасини белгилаб берувчи устунликларга эгамиз. Улардан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

— ижобий табиий-иқлим шароитлари, бу минимал харажатлар билан қimmatли қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга имкон беради;

— табиат ресурслари, уни бой минерал-хом ашё базаси, сув-энергетика ресурслари, рекреация ресурслари ташкил этади;

— меҳнат ресурслари, унинг катта қисмини ёшлар ва меҳнатга лаёқатлилар ташкил этиши ва кекса ёшлилар ҳиссасининг ҳажмининг камлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон эга бўлган рақобат устунликларини таҳлил этадиган бўлсак, қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

— сиёсий ва ҳуқуқий тизимнинг барқарорлиги;

— ривожланган илмий салоҳиятнинг мавжудлиги;

— мамлакат аҳолисининг юқори маълумотлилиги.

Ўзбекистоннинг энг муҳим афзал томонларидан бири унинг юқори маълумот даражаси ва малакаси билан ажралиб турувчи меҳнат ресурслари ҳисобланади. Юқори технологияларнинг жорий этилиши кадрларни чуқур қайта тайёрлашни ва таълим бериш учун юқори харажатларни талаб этмайди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий фирмалар ўзбекистонлик мутахассисларнинг менежмент, маркетинг асосларига жадал мослашувини ва тез ўрганишини, шунингдек, уларнинг юқори технологик билимга эгаллигини таъкидламоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон катта билим ресурсларига ва кимё, биология, геологик тадқиқотлар, қишлоқ хўжалиги соҳаларининг илмий мактабларига эга бўлиб, улар қайта ишловчи саноатнинг рақобатбардош тармоқларини ривожлантириш учун омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бир мамлакатда қийин ва рақобат устунликларининг интеграцияси унинг глобал иқтисодий макондаги рақобатбардошлигини кучайтиради.

Ҳозирги вақтда барча ривожланган мамлакатлар тараққиётининг муҳим омили ва бюджет маблағларини тўлдириш

манбаи фан сифими юқори маҳсулотлар ҳисобланади. Стратегик жиҳатдан бизнинг мамлакатимизда фан сифими юқори маҳсулот устувор бўлиши лозим.

Республика учун янги тармоқларни жадал ривожлантириш иқтисодий ва таъминлайди, иқтисодийнинг бошқа тармоқларини инновацион ривожлантириш учун муҳим замин бўлиб хизмат қилади, бу эса тармоқлараро алоқаларни кучайтиришга, оралиқ ва якуний маҳсулотлар бозорини кенгайтиришга ёрдам беради. Инқироз шароитларида таркибий ўзгаришлардан инновацион тараққиётнинг муҳим омили сифатида фойдаланиш керак.

Ўз навбатида ҳозирги шароитларда инновация жараёни иқтисодий таркибий қайта қуриш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш механизми ҳисобланади, бу эса иқтисодийда янги технологик укладга ўтиш учун замин яратади. Жаҳон тараққиётининг яқин ўн йиллар учун истиқболли белгилаб берувчи мазкур укладнинг асоси бўлиб, фан ва ишлаб чиқаришнинг нанотехнология, ҳисоблаш ва оптик толали техника, дастурий таъминот, телекоммуникация, ахборот хизматлари, иссиқлик ва энергиянинг янги ноанъанавий манбалари (нефть-газга муқобил), лазер технологиялари, ген муҳандислиги ва биотехнология каби тармоқлари хизмат қилади.

Нанотехнологиялар ёрдамида яратилган ёқилғи элементлари ва юқори сифимли аккумуляторлар, юқори унумли қуёш батареялари, органик моддалардан синтезланган юқори калорияли ёқилғилар фойдали қазилма-минерал ёқилғиларга эҳтиёжни камайтиради.

Янги технологик уклад шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини (ирсий касалликларни диагностика қилиш усуллари ва ҳужайрали технологияларини қўллаш орқали самарадорлиги кўп маротаба ошадиган) ва қишлоқ хўжалигини (молекуляр биология ва ген муҳандислиги ютуқларидан фойдаланиш туфайли) ҳам қамраб олади.

Қайд этиб ўтилган тармоқлар билан бир қаторда, таянч (асосий) тармоқлар: электротехника, асбобсозлик, станоксозлик, таълим, алоқа ҳам жадал ривожлантиришни талаб этади. Наноматериалларнинг юзага келиши туфайли (аввалдан белгилаб қўйилган хусусияларга эга материаллар), янги

технологик укладнинг таянч тармоқлари қаторига кимёвий-технологик мажмуа, қурилиш, автомобилсозлик ва бошқалар ҳам қўшилади.

Истиқболда ҳар қандай иқтисодий дастурни амалга оширишнинг устувор йўналиши мамлакат рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш сиёсатини давом эттиришдан иборат бўлиши лозим. Республиканинг 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида асосий эътибор иқтисодиётни хом ашё экспорт қилувчи турдан инновацион ривожланган турга ўтказишга қаратилади.

Ҳозирги шароитларда республика учун такрор ишлаб чиқариш ва ресурсларни қайта тақсимлаш, яъни капиталлар оқимидаги номутаносибликни инновацион ривожланишни ҳаракатлантирувчи омил сифатидаги диверсификациядан фойдаланган ҳолда бартараф этиш механизмларини яратишга янги имкониятлар берилмоқда. Бу ерда сўз газни қайта ишлаш, нефть кимёси, кимё саноати, энергетика, автомобилсозлик, электротехника саноати, фармацевтика, станоксозлик, замонавий ахборот технологиялари тармоғи ва телекоммуникациялар тизими каби замонавий юқори технологик тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш устида бормоқда.

Шу билан бир қаторда, пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатларини, қурилиш материаллари саноати ва бошқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Иқтисодиётнинг илғор таркибига эришиш нуқтаи назаридан, биринчи навбатда иқтисодиётнинг жадал ўсиши ва инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини, янги ишлаб чиқариш ресурсларига эҳтиёжни кам талаб этилишини, республиканинг жаҳон хўжалик муносабатларида тенг ҳуқуқли асосларда иштирокини таъминлаб бера оладиган секторлари, тармоқлари ва фаолият турлари ривожлантирилиши лозим. Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг умумий концепцияси ривожланишнинг айнан мана шу муҳим йўналишларига асосланиши керак.

Ўзбекистон иқтисодиётининг қиёсий ва рақобат афзалликларини эътиборга олган ҳолда, иқтисодиётнинг халқаро савдода анъанавий устуворликка эга бўлган тармоқларини жадал ривожлантиришга кўпроқ ҳаракат қилинади. Бу қишлоқ хўжалиги ва минерал хом ашёларини ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш бўйича меҳнат ва ресурслар сизими катта тармоқлардир. Инновацион тараққиётни амалга ошириш ҳар бир алоҳида тармоқ учун монанд мақсадли саноат сиёсатини амалга оширишни назарда тутди. Масалан, иқтисодиётни инновацион-технологик ривожлантиришнинг муҳим омили қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг қимматли турларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга асосланади. Ўзбекистон ресурсларга бой қишлоқ хўжалиги салоҳияти соҳиби ва у йилига 10 млн. тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини етишириш имкониятларига эга.

Инновацион-технологик ривожланиш анча катта молиявий ресурслар ва муайян вақтни талаб этади. Нефть ва газ саноатини ривожлантириш нефть ва газни геологик-қидирув ишларини амалга оширишни, мавжуд қувватларни қайта жиҳозлаш, уларни углеводород хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга йўналтириш, авиакеросин, дизель ёқилғиси ва бензинга бўлган ички эҳтиёжни тўлақонли қондиришни кўзда тутди.

Қурилиш индустриясини ривожлантириш учун рақобатбардош маҳсулотлар, янги турдаги қурилиш материаллари ва янги авлод конструкцияларини, шу жумладан, базальт толаси асосида иссиқлик изоляцияси материаллари, битум-полимердан тайёрланган юмшоқ том ёпадиган материаллар, ўтга чидамли материаллар ва бошқаларни ишлаб чиқариш ҳисобига унинг таркибини такомиллаштириш талаб этилади.

Металлургия мажмуасида таркибий ўзгаришлар рангли ва қора металларга ишлов бериш даражасини ошириш ва ҳажмини барқарорлаштиришга қаратилади. Мавжуд ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, қазиб олиш ва ишлов бериш, шу жумладан, асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш соҳаларида янги технологияларни жорий этиш, сертификатлаш ҳисобидан сифатини кўтариш ишлари амалга оширилмоқда.

Машинасозлик мажмуасида янги технологиялар, ускуналар ва маҳаллий ресурслар асосида рақобатбардош маҳсу-

лотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш лозим. Самолётсозлик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, юк кўтаргич-транспорт жиҳозлари, мураккаб маиший радиоэлектроника техникаси, қуёш фотоэлементлари, пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот кабилар энг муҳим тармоқлар сифатида белгиланган.

Юқори технологиялар соҳасида банд бўлган корхоналар ва биокимё, электроника ҳамда амалий ядро физикаси соҳасида илмий-техник тараққиётнинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш фан сифими юқори ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Кимё мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари - хорижда савдо уйлари ташкил этиш, йирик ихтисослашган фирмаларга агентлик ҳуқуқлари тақдим этиш, маркетинг сиёсатини такомиллаштириш орқали маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш ҳисобланади.

Истеъмол товарлари секторини экспортга йўналтирилиб ривожлантириш энгил, озиқ-овқат, фармацевтика, мева-сабзавот ва мебель саноатлари корхоналарида инвестиция лойиҳаларини жорий этиш ҳисобидан амалга оширилади.

Бироқ ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инновацион-технологик ва таркибий ривожланишнинг ижобий омилларидан мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ даражада фойдаланилаётгани йўқ. Катта тўсиқ бўлаётган нарса иқтисодиётнинг янги — инновацион-технологик ривожланиш поғонасига ўтиши учун қамров доираси кенг технологик модернизацияга мамлакатда эҳтиёжнинг мавжудлигидадир.

4.3. Инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий инвесторларнинг инновация фаоллигини ошириш

Ўзбекистон ички бозорида инвестиция ва инновация фаолиятини жадаллаштириш ҳозирги вақтда энг долзарб масала ҳисобланади, сабаби республика капиталлар бозори ҳозирча етарли даражада ривожланмаган. Бизнинг фикримизча, инновацияларни молиялаштиришни корхоналарнинг шахсий, кўпроқ — чекланган маблағлари ҳисобидан амалга

ошириш мумкин бўлади. Кўпгина хўжалик субъектларида айлама маблағлар етарли бўлмайди, бу эса жорий харажатлар учун фойда ва амортизация ажратмаларидан фойдаланишга мажбур этади, натижада келажакда стратегик рақобатбардошликнинг пасайиб кетишига олиб келади. Бунга боғлиқ равишда хорижий инвесторларнинг инновация фаоллигини ошириш зарурияти юзага келади. Шу билан бир қаторда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам халқаро капитал ҳажми ва йўналишлари ҳамда хорижий инвесторларнинг фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда, масалан, 1990 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, бой табиий ёки арзон меҳнат ресурсларининг, имтиёзлар ва преференциялар тўпламининг ўзи етарли бўлмайди. Фақат қулай инвестиция муҳитигина инвестициялар келишини кенгайтиришга, корхоналарни маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ушлаб туришга қодир бўлган замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан таъминлашга имкон яратади.

Жаҳон хўжалигининг бир қисми ва глобаллашув жараёнининг иштирокчиси сифатида Ўзбекистон иқтисодиёти хорижий инвестицияларнинг кириб келишини кенгайтириш муаммосини самарали тарзда ҳал этишга интилмоқда. Шу мақсадда республика хорижий капитал, биринчи навбатда, бевосита хорижий инвестициялар учун рақобат курашида мавжуд мамлакат устунликларидан фаол фойдаланмоқда ва янгиларини яратишга ҳаракат қилмоқда.

Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «инқироздан кейинги даврда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган узоқ муддатли инновацион лойиҳаларни яратишга асос солган ва уни амалга ошираётган мамлакатлар биринчи навбатда ютуққа эришадилар»¹. Мазкур масалаларнинг ҳал этилиши Ўзбекистонга экспортда хом ашёнинг устунлигига барҳам беришга, ишлаб чиқариш таркибини фан сифими юқори технологиялар томон тубдан ўзгартиришга, иқтисодиётнинг пахта, газ ва бошқа товарларнинг жаҳон бозоридаги нархлари конъюнктурасига боғлиқлигини бартараф этишга, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга, барқарор иқтисодий

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на церемонии открытия 43-го Ежегодного заседания Совета управляющих Азиатского банка развития / Правда Востока, 2010 г., 4 мая.

ўсиш учун замин ва кафолатлар яратишга имкон беради. Таъкидлаш жоизки, узоқ муддатли инновация лойиҳаларининг амалга оширилишига қўшилган қиймат улуши юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқларга хорижий инвестицияларнинг барқарор келиб туришини таъминлаш орқалигина эришиш мумкин.

Республиканинг 2009—2014 йиллар учун мўлжалланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга ошириш дастурига умумий қиймати 42,5 млрд. АҚШ долларидан зиёд 300 дан ортиқ муҳим инвестиция лойиҳаси киритилган бўлиб, улар энг муҳим тармоқларни янгилаш, йирик транспорт ва коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, янги замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш ва ресурс сарфи кам бўлган технологияларни жорий этишга қаратилган¹.

Инвестициялар тўғрисидаги жаҳон ҳисоботида мувофиқ², 1991—1999 йилларда Ўзбекистонга тахминан 90 млн. АҚШ доллари тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) жалб этилган. ТХИни жалб этиш динамикаси 2004 йилдан ўсиб борди ва 2007 йилдан бошлаб кескин кучайди. Масалан, 2007—2009 йилларда ҳар йили ўртача 1500 млн. АҚШ доллари³ ҳажмида ТХИ жалб этилган бўлиб, уларнинг йиллик ўсиши тахминан 30%ни ташкил этди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган Дастурдаги сумманинг тахминан ярмини (21 млрд. АҚШ доллари) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши лозим. Мунтазам ўсиб боровчи ТХИнинг ўзлаштирилиши кадрлар ва ташкилий ресурсларнинг юқори даражада сафарбар этилишини, минтақавий ва тармоқ даражаларида бошқарувнинг тартибли иш олиб боришини талаб этади. Бошқа тарафдан, бундай катта ҳажмларда ТХИнинг жалб этилиши мувофиқ инвестиция-инновация муҳитининг яратилишини зарурият қилиб қўяди.

Инвестиция муҳити (ИМ) — бу у ёки бу ҳўжалик тизими-ни инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий шарт-шароитлар тўпламининг умумлаштирилган тавсифидир.

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на церемонии открытия 43-го Ежегодного заседания Совета управляющих Азиатского банка развития / Правда Востока, 2010 г., 4 мая.

² World Investment Report 2000. — New York and Geneva, 2000. — P. 286.

³ ЎЗР Давстатқўм маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Инвестиция муҳитини баҳолашга бир нечта ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча, улар орасида энг мақбули қуйидаги омиллар тўпламини баҳолашга асосланган омилли ёндашув ҳисобланади:

- иқтисодий салоҳият тавсифи;
- хўжалик юриштининг умумий даражалари (моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши, тугалламаган қурилишларнинг, асосий фондларнинг эскириш даражаси);
- бозор муҳитининг етуклиги (инфратузилма, хусусийлаштириш, инфляция, аҳолининг инвестиция жараёнига жалб этилганлик даражаси, маҳаллий бозор сифими, экспорт имкониятлари, хорижий капитал иштироки);
- сиёсий вазият;
- ижтимоий омиллар (аҳолининг турмуш даражаси, реал иш ҳақи миқдори, аҳолининг маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга муносабати, хорижий мутахассисларнинг ишлаш шароитлари);
- молиявий (бюджет даромади, бюджет ресурсларига эга бўлиш имконияти, хорижий валютада кредит олиш, банк фоизи даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган жамғармалар миқдори, узоқ муддатли кредитларнинг улуши).

Ҳар қандай хўжалик тизимининг инвестиция муҳити ҳаддан зиёд динамиклиги билан тавсифланади ва мунтазам равишда яхши ёки ёмон томонга ўзгариб туради. Шунга боғлиқ равишда, ИМ барқарор ва башорат қилинган, биринчи навбатда, қонуний соҳалардаги эволюция (тадрижий ривожланиш)га муҳтож. Бизнинг фикримизча, миллий қонунчиликни маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қоидаларни бир хиллаштириш йўналишида ривожлантириш зарур. Ушбу ёндашувдан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон инвестиция муҳитини таҳлил қиламиз.

2000 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда инфляция суръатларини пасайтиришни ва молия соҳасини соғломлаштириш учун шароитлар яратилишини таъминловчи кескин пул-кредит сиёсати амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида» Қонуни қабул қилинган. Республика инвестиция муҳитини яхшилашда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 2000 йил февралда Ислохотлар ва инвестициялар бўйи-

ча идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисидаги маърузаси кескин бурилиш ясовчи аҳамиятга эга бўлди¹. Давлатнинг энг юқори даражасида илк бор хорижий тадбиркорларга муаммолар, қонунлар ва уларни татбиқ этиш механизмлари юзасидан, иқтисодий ислохотлар боришидаги сусликлар сабаблари тўғрисида фикр алмашилиш таклиф этилди. Хорижий бизнес учун юқори даражадаги қулайликлар тартибини кафолатлаш бўйича вазифаларнинг муҳимлиги ва зарурлиги таъкидланди.

2000 йиллардан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам хорижий, ҳам миллий капиталлар кириб келишида ижобий тенденциялар кузатилди, бу эса асосий фондларнинг янгилинишида ўз ифодасини топди. Инвестиция жараёнларининг ички маблағлар ҳисобидан жадаллашуви кучайиб бормоқда. 2002—2003 йилларда бир қатор ҳукумат қарорларининг қабул қилинишига² боғлиқ равишда республикада инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий муҳити сезиларли даражада яшиланди, бу ТХИни жалб этиш кўрсаткичларида ўз аксини топди:

1. Республикага жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми ҳам барқарор ўсмоқда. Масалан, 2000 йилда уларнинг ҳажми тахминан 65 млн. АҚШ доллари ташкил этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 1 700 млн. АҚШ долларига тенг бўлди, яъни ТХИ ҳажми 26 баробар ўсди³.

2. Жалб этилаётган хорижий капитал таркиби ҳам тубдан ўзгара бошлади. Агар 2001 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг 13,4%ни ташкил этган бўлса⁴, сўнгги йилларда у 74—75%га тенг бўлди, бу эса

¹ Халқ сўзи, 2000 й., 2 февраль.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» №ПФ-3099-сонли Фармони 27.06.02., ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 2.05.03 №205, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори, 11.06.03 №260 ва бошқалар.

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁴ Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш — бизнинг бош йўналишимиз. ЎзР Президенти И. Каримовнинг Вазир-

республика иқтисодиётининг кредит таркибга қарамлигини сезиларли даражада камайтирди.

3. Хорижий капитални тартибга солишда ҳам қатор ижобий ҳолатлар юз бермоқда. Агар 2000 йилда 100% хорижий капиталли корхоналар сони 4,6%дан камни ташкил этган бўлса, 2009 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 37,3%га тенг бўлди, бу эса Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун имкониятларнинг кенгайиб боришидан дарак беради (19-жадвал).

4. Инқирозли ҳолатларга қарамай, 2009 йилда иқтисодиётни инвестициялаш ҳажми 8,2 млрд. доллар эквивалентида ўсди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8%га кўп. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми деярли 1,7 марта ўсди, уларнинг асосий қисмини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиб, уларнинг ўсиши 1,8 баробарга тенг бўлди¹.

19-жадвал

Ўзбекистондаги хорижий капитал иштирок этган корхоналар сони

	2000	2002	2004	2006	2008	2009
Хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони	1795	2087	2412	2919	3995	4057
Улардан 100% хорижий капиталли корхоналар	83	359	527	826	1307	1513

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ижобий динамика, барқарор ижобий трендлар яққол кўринмоқда, буларнинг ортида эса республиканинг қонун чиқарувчи, ижро органлари ва бизнес-бирлашмаларининг меҳнати турибди. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ИМнинг узлуксиз яхшиланиб бораётганини кўрсатади, шу билан бирга, республика инвестиция муҳитини яхшилаш учун улкан имкониятларга эга, жумладан:

1. Республикага жалб этилаётган жорий ТХИ ҳажми (1,7—2,0 млрд. АҚШ долл.) мамлакатимизнинг улкан инвестиция салоҳиятига мутаносиб келмайди.

лар Маҳкамасининг 2001 йилда республика иқтисодий-ижтимоий ривожланиши якунлари ва 2002 йилнинг асосий устуворликларига бағишланган мажлисидаги нутқи/Халқ сўзи, 2002 йил, 15 февраль.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиётини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 йил. — 50-б.

2. ТХИ катта қисми (90%дан ортиғи) нефть-газ сектори ва телекоммуникациялар соҳасида тўпланган, қолган қисми — тахминан 200 млн. АҚШ доллари иқтисодийнинг бошқа секторларига тўғри келади.

3. Қайд этилган 2 секторга хорижий инвестициялар йирик лойиҳалар асосида ва ҳукумат даражасида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан) жалб этилади, бу эса инвестиция муҳити ва унинг омилларининг аҳамияти ва тутган ўрнини, шунингдек, улар ёрдамида жалб этиладиган ТХИ ҳажмини янада кўпроқ чеклаб қўяди.

4. Ўзбекистонга кириб келаётган ТХИнинг географик (ҳудудий) тақсимоти ҳам минтақалар инвестиция муҳити имкониятлари (уларнинг республика ИМга ҳиссаси) дан тўлиқ фойдаланилмаётганини кўрсатмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри улуши 72,0%ни ташкил этади, бу бир томондан бу ерда масалан, технопарк яратиш учун жуда яхши база яратса, бошқа тарафдан республикадаги бошқа вилоятларнинг фойдаланилмаётган салоҳиятини акс эттиради (20-жадвал).

20-жадвал

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси номолиявий секторига келиб тушган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, жамига нисбатан фоизларда

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари	Жами ТХИ, %да
Ўзбекистон Республикаси	
Шу жумладан:	100
Қорақалпоғистон Республикаси	5,7
Андижон вилояти	3,7
Бухоро вилояти	2,0
Жиззах вилояти	0,2
Қашқадарё вилояти	11,7
Навоий вилояти*	0,5
Наманган вилояти	1,5
Самарқанд вилояти	2,6
Сирдарё вилояти	0,2
Тошкент вилояти	4,2
Фарғона вилояти	0,4
Хоразм вилояти	0,1
Тошкент шаҳри	72,0

* Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилгунга қадар.
Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

5. Ҳозирги вақтда миллий статистика хорижий инвестицияга эга фақат ишлаб турган корхоналар бўйича маълумот беради, айти вақтда эса баъзи сабабларга кўра уларнинг муайян қисми амалий фаолият билан шуғулланмайди. Масалан, 2005 й.да 1999—2004 й.лар давомида ташкил этилган хорижий инвестицияли корхоналарнинг фақат 71,6% фаолият кўрсатди, қолган 28,4% эса у ёки бу товар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмаган¹.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришда қўшма корхоналарнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. 2001—2010 йиллар давомида республикада қўшма корхоналар сони икки мартадан зиёд ортди. Бу корхоналарнинг сонининг ўсиши, асосан, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳисобига амалга ошмоқда. Республиканинг баъзи вилоятлари, масалан, Сирдарё, Хоразм вилоятларида унинг камайиб бориши кузатилмоқда.

Мазкур вазият Ўзбекистонда инвестиция муҳити ҳолати ва унинг асосий таркибий қисмларини янада синчковлик билан ўрганишни талаб этади. Ҳар бир мамлакатда 10—12 та ўзига хос омилларнинг мавжуд бўлиши, улардан моҳирона фойдалана олиш мамлакатнинг инвестиция жалб этиш имкониятлари учун замин бўлиб ҳисобланади, уларнинг мавжуд бўлмаслиги ёки улардан самарали фойдалана олмаслик турли-туман хатарларнинг юзага келишида намоён бўлади.

Инвестиция муҳитининг қуйидаги бир қатор муҳим омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин: табиий-ресурс, инвестиция, солиқ-кредит, инфратузилма, кадрлар, илмий-технологик ва инновацион салоҳиятлар; ижтимоий, ташкилий-бошқарув ва макроиқтисодий шароитлар ҳамда бозор муҳити. Ушбу омиллар инвестиция хатарларининг 4 гуруҳининг мавжуд бўлиши (ёки бўлмаслиги)га таъсир кўрсатади. Ўзбекистон шароитида ушбу хатарлар гуруҳларини кўриб чиқамиз.

Сиёсий шароитлар. Бу омил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мустаҳкам иродаси ва жасорати туфайли 1990 йиллардан бошлаб республикани МДҲнинг бошқа давлатлари орасида ажратиб кўрсатишига сабаб бўлди, 1993—1994 йиллардаёқ бу кўрсаткич негизда

¹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарқ. 2004 йил.— Тошкент, 2005 йил. — 68-бет.

мамлакат инвестиция киритиш учун қулай муҳит бўйича етакчилар қаторидан ўрин олди¹. Бизнинг фикримизча, «сиёсий шароитлар» деганда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни тушуниш тўғри бўлади.

Молиявий шароитлар. Иқтисодиётнинг, ташқи савдо, олтин-валюта захираларининг барқарор ва юқори суръатларда ўсиши, Ўзбекистоннинг минимал даражадаги ташқи қарзи республиканинг ижобий инвестиция муҳитини ушлаб туриш учун «молиявий шароитлар» омилининг ҳиссаси юқори бўлишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, хорижий ҳамкорларнинг инвестиция ва савдо битимлари бўйича мажбуриятларни тўлиқ равишда бажариш мақсадида конвертация ва трансфертлар механизмини мукамаллаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Табиий ва ижтимоий шароитлар. Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон табиий-иқлим бойликларини нафақат сақлаб қолишга, балки уни янада кўпайтиришга муваффақ бўлди, энергетика ва ғалла мустақиллигига, ижтимоий ҳамжиҳатликка эришди. Оқилона иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши республика табиий бойликлари негизида янги тармоқларни ривожлантиришга, синергетик самарага эришишга имкон берди. Бизнинг фикримизча, омилларнинг бу гуруҳи республиканинг ижобий бизнес-муҳитини шакллантириш учун хизмат қилади.

Давлат бошқаруви ва тартибга солиш шароитлари. Бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлар аввалги учта омиллар гуруҳини таъминлашда кўплаб қийинчиликларга дуч келдилар, Ўзбекистонда эса бизнинг фикримизча, бу масала ўз ижобий ечимини топа олди. Шунга қарамай, «давлат бошқаруви ва тартибга солиш шароитлари»га эришишда бир қатор ҳал этилмаган муаммолар ҳам мавжуд. Бу гуруҳ республикада қулай бизнес-муҳит вазифаларининг ижобий ҳал этилишига энг кам таъсир кўрсатади, буни қуйидагилар орқали кўриш мумкин:

А. Республика қонунларига тез-тез ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши. Алоҳида меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжат-

¹ Laenderanalysen der Frankfurter Allgemeine Zeitung GmbH (FAZ), Informationsdienste, Laenderrating Kazahstan|Usbekistan, Frankfurt-Main, Januar 1994.

ларнинг қарама-қаршилиги, изчил эмаслиги ва бир-бирини инкор этувчи меъёрларнинг мавжудлиги сақланиб қолмоқда. Масалан, Адлия вазирлиги томонидан 27-апрел 2009 йил 1948-тартиб рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 16-март 2009 йилдаги 7/2-сонли Йўриқномаси ва унга қўшимча тарзидаги 28 январь 2010 йилда Адлия вазирлиги томонидан 1948-тартиб рақами билан рўйхатга олинган унга киритилган ўзгартишлар. Экспертларнинг таъкидлашларича, у маҳаллий ишлаб чиқарувчининг ҳуқуқларини чеклабгина қолмай, балки амалдаги қонунларга, хусусан, Ўзбекистон Конституцияси, «Тадбиркорлик эркинлиги кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик кафолатлари тўғрисида», «Меъерий-ҳуқуқий актлар тўғрисида»ги Қонунларга, Фуқаролик кодексига ҳам зид келади.

Солиқ, кредит, валюта, инвестицияларни божхона тартиблари соҳасида меъерий-ҳуқуқий база яратилишининг ўз якунини топмагани тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга хорижий инвесторлар учун барқарор, мақбул шароитларни таъминлаб беришга тўсқинлик қилади. Шу билан бирга, 2010 йил бошидаги, яъни профессионал асосларда иш олиб бориши лозим бўлган республика Парламенти сайлови қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш бўйича Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган вазифаларнинг рўёбга чиқарилишига ёрдам бериши лозим¹.

Б. Хорижий ва маҳаллий капитални жалб этиш ва ундан фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатишда, тадбиркорлик билан муносабатларда субъектив омил ҳануз катта роль ўйнамоқда. Инвесторлар юзасидан қарорлар қабул қилишда кўп ҳолларда инвесторлар ҳуқуқларининг чекланиши билан бирга кечадиган ва охир-оқибат республиканинг инвестиция муҳитини ёмонлашувига олиб келувчи тор ёки тармоқ ёндашуви етакчилик қилмоқда. Бу эса хорижий ва маҳаллий тадбиркорлик, умуман бизнесга нисбатан ҳимоя механизми ва ёндашувларини кучайтиришни шарт қилиб қўяди.

В. Бошқарув соҳасида жойлардаги расмиятчилик, қоғозбозлик, малакасизлик ва бозор иқтисодиёти механизми таъминидан беҳабарлик каби камчиликлар тўлиқ равиш

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010 йил.

да бартараф этилмаган бўлиб, уларга Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов 2000 йилдаёқ эътибор қаратган эди¹. Ушбу мажлисда давлат, маҳаллий ва назорат органлари эгаллаган мавқеи ва ҳуқуқларини суиистеъмол қилаётганликлари тўғрисида ҳам сўз юритилган. Юқорида баён этилган вазиятлар, бизнинг фикримизча, ушбу гуруҳни барқарор инвестиция муҳитини яратиш учун зарур бўладиган энг ишончли тўрт таянчининг ичида энг ишончсизига айлантиради, баъзи ҳолларда эса — инвестиция жараёнлари учун тўсиқ ва тормоз бўлишига сабаб бўлади.

Бизнинг фикримизча, «инвестиция-инновация муҳити» (ИИМ) тушунчаси ижобий инвестиция муҳитининг давоми ва эволюцияси сифатида, унинг навбатдаги ва янада юқори тараққиёт босқичи сифатида маҳаллий экспертлар ва мутахассислар сўз бойлигидан ўрин эгаллаши лозим. Умуман ижобий инвестиция муҳити мезонлари учун жавоб берадиган ИИМ босқичи инвестицияларнинг нафақат ўсишига ёрдам бериши ва шароит яратиши керак, балки, биринчи навбатда, уларнинг сифати, техник ва технологик даражасига жавоб бериши лозим. ИИМ босқичида, бизнинг фикримизча, давлат сиёсати таълим, фан ва технологиялар соҳасига йўналтириладиган инвестицияларнинг нисбатан юқори (мунтазам ўсиб боровчи) улуши билан характерланади. Инвестиция-инновация салоҳияти бўйича табақалаштиришни ўз ичига олган фаол минтақавий сиёсат кластер механизмидан самарали фойдаланишга — технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган (секторал ёндашувга муқобил сифатида) ва фаол инновация фаолиятини таъминловчи етакчи компаниялар, ихтисослашган таъминотчилар, асосий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар тармоқларининг ҳудудий концентрацияси асосида индустриал мажмуалар яратишга ёрдам беради, унинг, яъни уни ташкил этишни кластерли шаклининг якуний натижаси «умумий инновацион маҳсулот» ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция-инновация муҳитини яратиш мақсадларида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади, хусусан қонунчилик соҳасида:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иқтисодий ислохотлар ва инвестициялар бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисидаги нутқи/Халқ сўзи, 2000 йил, 2 февраль.

— хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қоидаларни унификация қилиш йўналишида мукаммаллаштириш лозим бўлган барқарор қонунлар мажмуини таъминлаш. Бугунги кунда мавжуд бўлган, асосан, ўзининг дастлабки вазифасини бажариб бўлган, 1990 йилда номаълум бўлган мамлакат ва бозорга ХИКни жалб этиш механизмини ишга туширган (айниқса, дастлабки ривожланиш босқичида ёки индивидуал тартибда тақдим этилган) имтиёзлар ва преференцияларни мунтазам равишда бекор қилиб бориш талаб этилади.

Тахминан 2014–2015 йилларга келиб, энг мақбул умумий «рамкали шароитлар»га ўтишни тугатиш зарур. Имтиёзлар ва преференцияларни фақат инновациялар соҳасида фаолият кўрсатаётган, республиканинг алоҳида «мураккаб» минтақалари ва тармоқларини ривожлантириш бўйича устувор дастурларда, экспортга, инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларда иштирок этаётганлар учун сақлаб қолиш мумкин. Мана шу мақсадларда вазирликлар ва ваколатли органлар ҳамда идоралар, бизнес-бирлашмаларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

— «тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар», «портфель инвестициялари» тушунчалари таърифини қонуний тартибда қабул қилиш шарт, бу хорижий капиталнинг асосий турларини дифференциациялаш ва таснифлашга, ХИК бўйича миллий ҳисоботни самарали юритишга, маҳаллий иқтисодиётнинг халқаро қиёсий таҳлилларда иштирок этишига ёрдам беради.

Ташкилий чоралар:

— инвестиция муҳити кўпроқ республика (қонунчилик ва ижро) даражасида шаклланади, деб эътироф этилади. Шунингдек, ушбу вазифани ҳал этишга республиканинг муайян вилоятлари ва минтақаларини «жалб қилиш» зарур. Бу бизнесни қонуний муҳофаза қилиш ва уни ривожлантириш, турли идоралар — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, солиқ ва божхона қўмиталари, банк тузилмалари ва ҳокимият каби органларнинг фаолиятини ташкил этиш учун омилкорлик ва масъулиятлиликини оширишга олиб келади.

Боз устига бу томондан бизнинг мамлакатда ижобий тажриба шаклланиб бўлган. Масалан, Республика Адлия вазир-

лиги вилоят бўлинмалари билан юқорида қайд этиб ўтилган тузилмалар томонидан 2010 йилда Фарғона водийсидаги учта вилоятнинг ҳар бирида инвестиция муҳити таҳлил қилинган;

— маҳаллий ҳукумат ташкилотлари хорижий инвестицияларни бошқариш воситаларини, миллий бизнесни бошқаришдан фарқ қилувчи хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда фаолият юритиш усулларини ўзлаштириб олишлари, инвестициялар турларини, хорижий инвестициялаштириш асосларини, мотивацияси ва механизмларини ўрганишлари зарур. Масалан, турли поғонадаги раҳбарлар бизнес-форумларда, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида «қўшма корхоналар яратишга» (ҚК) чақирадилар. Ваҳоланки, ҚК — бу ўтиш даври иқтисодёти учун хос бўлган, хорижий инвестицияли корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ва ХИК жалб этиш усулларида бири холос.

ҚК тушунчасидан фойдаланиш ва унга қўйилувчи юқори талаблар хорижий тадбиркорлар томонидан давлат сиёстининг шarti сифатида, реципиент мамлакат томонидан назорат қилиш учун анча қулай бўлган шаклда хорижий капитални жалб этишга ва уни назорат қилишга интилиш сифатида тушунилиши мумкин:

— Ўзбекистон шароитида ҳудудий-бошқарув жараёнларининг комплекс тизимини ишлаб чиқиш. Бунинг учун минтақа иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш учун жавобгар тузилмалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун инвестиция-инновация жараёнларининг тармоқ (тармоқ вазирликларининг вилоятлар бўйича бошқармалари) ва ҳудудий (вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича) мониторингини ташкил этишга ёндашувларни амалга оширишга имкон яратувчи интеграциялашган ахборот ресурсини шакллантириш талаб этилади;

— муассасалараро миллий мониторинг гуруҳини яратиш (Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги, Адлия Вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги мутахассислари, иқтисодиётчи олимлар). Инвестиция муҳити мониторингига (баҳолашга) Ўзбекистон ҳамкорлари ва хорижий инвесторларни жалб этиш;

— Ўзбекистон ҳукумати қошида Инвесторлар (хорижий ва маҳаллий) кенгашини тузиш;

Ахборот-таҳлилий ишлар:

— республика инвестиция муҳитини баҳолаш, уни хорижий бизнесга тақдимот этиш, ахборотнома материалларида (брошюра, китоблар, Интернет) асосий эътиборни 1990 йиллар учун хос бўлган Ўзбекистоннинг табиий-ресурс, кадрлар салоҳиятига, имтиёзлар ва преференцияларга эмас, балки бизнесни юритиш учун бевосита шарт-шароитларга, бизнес-муҳитнинг ва давлат кафолатларининг барқарорлигига қаратиш керак бўлади;

— Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари, республиканинг хориждаги ваколатхоналари сайтларида 100% хорижий капиталга эга корхоналар сонининг ўсиб боришини ёки яратилаётган қўшма корхоналар (ҚК)да хорижий ҳамкорларнинг кенг иштирокини намоиш этиш;

— хорижий инвестицияга эга муваффақиятли корхоналар (ХИК) тажрибасини кўрсатиш, устав капиталининг (реинвестициялар) умуман ва айрим йирик ХИК бўйича ўсиб боришига кўплаб мисоллар келтириш;

— хорижий инвесторлар билан миллий иқтисодиёт субъектлари, маҳаллий бошқарув органлари ўртасида юзага келган мунозарали масалаларни турли давлат органларида кўриб чиқилишига мисоллар келтириш;

— инвестиция муҳити мониторинги натижалари, мавжуд муаммолар, уларнинг ҳал этилиши тўғрисида ахборот бериш.

Инвестиция муҳитининг йиллик мониторингини ўтказиш давомида мамлакат иқтисодиётининг инвестицион муҳити ҳолатини алоҳида хўжалик тизимлари (тармоқлар, минтақалар, иқтисодий зоналар)ни ажратмаган ҳолда, кузатиб бориш энг мақбул вариант ҳисобланади. Шу мақсадларда инвестиция муҳити мезонларини ҳисоблаб чиқиш методикасини ишлаб чиқиш ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан шундай мониторинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, мамлакатнинг инвестиция рейтингини олиш юзасидан ихтисослашган етакчи халқаро агентликлардан бири билан ҳамкорликни такшил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий (ҳамда маҳаллий) инвесторлар фаолиятида инвестиция-инновация муҳитини шакллантириш бўйича давлат томонидан амалга оширилувчи чора тадбирларга жавоб тариқасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилади:

— қўшилган қиймат улуши юқори бўлган товарлар ҳиссасининг мунтазам ўсиб бориши;

— реинвестицияларнинг барқарор ва ўсиб боровчи ҳажми ҳамда улуши;

— ишлаб чиқаришнинг юқори даражали техник ва технологик жиҳозланишга эҳтиёжи ва унинг амалга оширилиши;

— Япония, Жанубий Корея ва бошқаларнинг тажрибасини қўллаган ҳолда техник «ноу-хау»га эга бўлишнинг ўсувчи динамикаси. Масалан, Япония ҳукумати тарихан ўз техник ва бошқарув салоҳиятини, биринчи навбатда, лицензиялар шаклидаги, хорижий технологиялар ҳисобидан кучайтиришга ҳаракат қилиб келган. 1987—1991 йилларда Япониянинг технологиялар импорти (хорижий патент, муаллифлик ҳуқуқлари эгаларига роялти ва лицензиялар бўйича тўловлар ва бошқа ақлий активлар) ХИК маблағларидан 10 баробар ошиб кетган¹;

— хорижий молиявий ресурслардан фақат технологиялар импорти кўринишида эмас, балки капитал импорти шаклида ҳам фойдаланиш, бу маҳаллий илмий институтларнинг ривожланиши учун кенг йўл очади;

— бозор муҳитининг ўзгаришларига ўз вақтида ва тезлик билан муносабат билдириш ва «реал вақт» режимида бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот технологияларини ривожлантириш;

— ходимларни ўқитиш харажатларининг маҳсулот таннархидаги улушини ошириш, сабаби, юқори малакали ходимлар корхона рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон инвестиция сиёсати, миллий иқтисодиёт, биринчи навбатда, реал сектор эҳтиёжларининг ўзига хос хусусиятлари ва афзал томонларини эътиборга олган ҳолда таклиф этилаётган чоралар, хорижий капитал умумий ҳажмидаги ХИКнинг барқарор улуши 2012 йилдан бошлаб унинг йиллик ўсишини 40—50%га етишини, қўшилган қиймат улуши юқори бўлган тармоқларга қўйилишини таъминлаб бериши мумкин.

Инвестиция-инновация муҳитнинг шаклланиши ва ривожланишининг таҳлили, ушбу жараёнларнинг миллий монито-

¹ Lawrence R. 1992, Why is Foreign Direct Investment in Japan so low?; TNC, 1.3. (Dec.), p.p.41—49, World Investment Report — 1993, p.42.

ринги хорижий инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклидаги хорижий капитал иштирок этган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тизимини маълум даражада ўзгартиришни талаб этади:

— республикадаги турли муассасалар кўрсаткичларини умумлаштиришга имкон берувчи ягона рўйхатдан ўтказувчи (маълумотлар базаси) ташкилотни яратиш;

— нафақат хорижий ҳамкорларнинг ҳиссалари суммасини, балки уларнинг асосий шакллари — молиявий маблағлари; техника ва жиҳозлар (уларни янгилаш), кадрларни, шу жумладан хорижий марказларда ўқитиш ва ходимлар тренингини ташкил этиш; даромадларни репатриацияси ҳажми, реинвестициялар ҳажми ва бошқаларни ҳам ажратиб кўрсатишга имкон берувчи статистик ҳисоб-китобларни ривожлантириш.

Ҳисоб-китобларнинг янги тизими шунингдек, хорижий инвестицияларнинг ҳозирча ХТИ мавқеига эга бўлиш талабларига жавоб бермайдиган, лекин ривожланаётган ва тез орада ушбу талаб (минимал 30% устав фондининг 30%, 150 000 АҚШ долларидан бошлаб) даражасидаги мавқега эга бўлувчи инвесторлар фаолиятини кузатишга имкон туғдиради ва бу билан республикага жалб этиладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ялпи ҳажмини оширишга эришилади.

4.4. Ўзбекистон ҳудудларини инновацион инвестициялашнинг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасидаги таркибий ўзгаришлар, унинг мутаносиблиги ва ўсиш суръатларининг жадаллашуви инвестиция фаолиятнинг фаоллашуви билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан унинг алоҳида ҳудудий тузилмалари иқтисодиётининг ҳолати билан белгиланади. Шу сабабли, минтақаларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, уларни инвестициялар билан таъминланишига ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ишлаб чиқариш-техника базасининг модернизация қилиш ва қайта тузишга жиддий эътибор қара-

тилади. Уларни ҳал этишда ишлаб чиқаришнинг концентрацияси даражаси ва ихтисослашуви хусусиятлари, мамлакатнинг алоҳида ҳудудий тузилмаларининг ўзини ўзи молиялаштиришининг турли имкониятлари, минтақавий инвестиция сиёсатини шакллантиришда юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликларни бартараф этиш масалалари диққат марказда туриши шарт.

Инвестиция сиёсатида минтақавий ўзига хосликларни эътиборга олиш учун энг аввало, минтақавий сиёсатдаги таркибий силжишларга тегишли бўлган, уларни стратегик ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш-техник хусусиятларининг турли-туманлиги билан боғлиқ муҳим муаммоларни аниқлаб олиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудий тузилма тармоқ тузилмасига кўра анча секин ўзгаради, сабаби минтақавий тузилманинг асосий элементлари муайян ҳудудга кучли боғлиқ бўлади. Бироқ янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, янги ишлаб чиқариш бирликларининг яратилиши муайян минтақалар ўрнини ўзгартиради ва янги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг яратилишига сабаб бўлади.

Тармоқлар ва алоҳида ишлаб чиқаришларнинг ҳудудий бирлиги жуда кўп омиллар таъсири остида қарор топади. Улар қаторига муайян ҳудуднинг минерал-хом ашё, ёқилғи-энергетика, моддий-хом ашё, ишлаб чиқариш-техникавий ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини киритиш мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида бозор механизмига ва ҳудудий таркиб топиш усулларига асосланган сифат жиҳатдан тубдан янги хўжалик модели шаклланоқда. Минтақа ва ҳудудларда янги иқтисодий тузилмаларнинг мураккаб шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари юз бермоқда. Мана шундай шароитларда иқтисодий ўзгаришлар миллий модели тамойилларининг йўлбошчилари ва бевосита яратувчилари ҳамда бажарувчилари сифатида маҳаллий ҳукумат идоралари чиқмоқда.

Агар ислохотларнинг дастлабки босқичларида иқтисодиётнинг аввалги тузилмаларини бузиш ва бўлғуси тизим учун замин яратиш чоралари кўрилган бўлса, келгуси босқичда янги ижтимоий-иқтисодий тизим яратиш бўйича, замона-

вий мувофиқлаштирувчи иқтисодий тузилмалар яратиш бўйича фаол давлат ва ижтимоий фаолият амалга оширила бошланди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва муайян ҳудудда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда энг муҳим вазифа ижтимоий ва хўжалик жараёнларидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича тадбирларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини аниқлашдан иборат. Айнан мана шу бозор ўзгаришларига қаршилик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича пухта ўйланган чораларни қабул қилиш учун замин яратади.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий мувозанатини таъминлашда, инқирозга қарши чоралар кўриш ва мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш нуқтаи назаридан, тармоқлар ва ҳудудий тузилмалар ўртасида инвестиция ресурсларини оқилона тақсимлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида молиявий ресурсларнинг ҳудудий тақсимланиши мамлакатнинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш, шунингдек, асосий тармоқларни (нефть-газ, кимё, машинасозлик, металлургия) жадал ривожлантиришга боғлиқ ҳолда кенг миқёсли инвестицияларни ўзлаштиришга қаратилади.

Қарор топган анъналарга кўра, республикада инвестиция ресурсларининг катта қисми барқарор иқтисодий ҳолатга эга минтақаларга йўналтирилади (21-жадвал). Булар энг аввало Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри. Ушбу бой ишлаб чиқариш-техник салоҳиятга эга минтақани ривожлантиришга, 2009 йилда республика умумий инвестиция маблағларининг 26% сарфланган. Шунингдек, инвестицияларнинг катта қисми Қашқадарё вилоятига (17,6%) йўналтирилган бўлиб, у биринчи навбатда, ушбу вилоятда ёқилғи саноатини (газ конларини излаш, қазиб олиш ва транспортировка қилишни) ривожлантиришга ёрдам берди.

Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакат инвестицияси умумий ҳажмидаги улуши (2000 йилдаги 5,1%дан 2009 йилда 5,3%гача) ўсди. Бироқ республика инвестицияга бўлган талаб билан таклиф ўртасида кучли номутаносибликни сезмоқда. Бу биринчи навбатда, Орол денгизининг қуриши муаммолари билан боғлиқ, сабаби бу ерда маблағларнинг кат-

та қисми мана шу салбий ҳодиса оқибатларини бартараф этишга ва жуда оз қисмигина реал секторни ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилмоқда.

21-жадвал

**Молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича
Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция
маблағларидаги ҳиссаси (жамига нисбатан % да)**

	2000	2005	2007	2008	2009	2005–2009 йиллар давомида инвестиция маблағларининг ўсиши, %
Ўзбекистон Республикаси жумладан:	100	100	100	100	100	415,9
1. Қорақалпоғистон Республикаси	5,1	4,3	10,7	9,4	5,3	499,2
2. Андижон вил.	5,0	3,6	3,0	4,1	3,7	408,8
3. Бухоро вил.	4,1	7,8	12,4	8,9	19,5	10,4 марта
4. Жиззах вил.	2,3	2,4	1,9	2,2	1,8	317,5
5. Қашқадарё вил.	16,9	14,6	15,2	19,1	17,6	501,3
6. Навоий вил.	6,4	7,1	7,7	5,6	4,7	274,1
7. Наманганвил.	5,5	3,7	4,0	3,5	3,8	439,5
8. Самарқанд вил.	5,7	4,9	5,4	4,6	4,4	383,7
9. Сурхондарё вил.	3,4	5,3	5,3	4,3	4,2	326,2
10. Сирдарё вил.	2,1	1,7	1,6	1,5	1,8	431,9
11. Тошкент вил.	7,1	10,2	8,7	8,8	10,1	410,2
12. Фарғона вил.	6,4	4,5	4,7	5,6	5,3	498,0
13. Хоразм вил.	3,4	1,9	2,5	2,0	1,8	389,5
14. Тошкент ш.	23,6	20,1	15,6	19,9	16,0	331,2
15. Респуб.ташқарига	3,0	8,0	4,0	-	-	-

Манба: 2000, 2005, 2007, 2008 ва 2009 йиллар учун «Ўзбекистон Республикасистатистик маълумотномаси» тўпламлари маълумотлари асосида тузилган.

Ишлаб чиқариш ихтисослашувига эга тармоқларни ривожлантириш учун нисбатан ривожланган хом ашё базасига эга Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида маблағлар асосан, янги иш ўринларини яратиш ва ушбу тармоқларни техник такомиллаштиришга йўналтирилди. Бухоро вилоятининг инвестиция маблағларидаги улуши 2000 ва 2009 йилларда мувофиқ равишда 4,1 ва 19,8%ни ташкил этди. Мазкур минтақаларда эришилган инвестицион таъминланганлик даражаси улар ихтисослашган тармоқларнинг ривожланиш

суръатларини оширибгина қолмай, балки ижтимоий муаммолар ечимини яхшилашга ҳам катта ёрдам беради.

Андижон ва Самарқанд вилоятлари ўз ҳудудларида автомобилсозлик тармоқларини яратишга ва уларни келгусида янада ривожлантиришга боғлиқ муаммоларни ҳал этиш орқали ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлдилар. Шу сабабли кейинги йилларда бу ҳудудларда уларни инвестициялаш суръатларининг бир қадар пасайганини кўриш мумкин. Уларнинг биринчисида инвестиция маблағларининг улуши 2000 йилдаги 5,0%дан 3,7%га, иккинчисида 5,7%дан 4,4%га камайди.

Капитал қўйилмаларнинг суръатлари ва кўламларини ўрганиш шуни кўрсатдики, етарли даражада ижобий инвестиция муҳитига эга бўлмаган минтақаларнинг молиявий ресурсларга бўлган талаби энг кам қондирилар экан. Масалан, Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг умумий инвестиция оқимидаги улуши ўзининг турғун паст даражасида сақланиб қолди ва 2009 й.да ҳар бири мос равишда 1,8%ни ташкил этди, гарчи ушбу минтақалар иқтисодиётини ва аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун анча катта маблағлар талаб этилса-да. Бунда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур ҳудудларни ривожлантириш бўйича ўтган йилларда қарор топган тенденциялар мустақиллик йилларининг бошларигача улар иқтисодиёти тармоқ тузилмасида фан сифими юқори бўлган ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг умуман мавжуд эмаслигига олиб келган. Бу вилоятларда етарли даражада мустаҳкам ишлаб чиқариш базасининг йўқлиги туфайли тадбиркорлик соҳаси етарли равишда ривожланмаган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида мамлакат алоҳида минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳал этилмаган муаммолар ва номутаносибликлар мавжудлиги аниқланди. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади: минтақаларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг бир хилда таъминланмаслиги, бу эса уларнинг иқтисодий тараққиёти учун бир хил шароитларни яратишга йўл бермайди; бир қатор вилоятларда уларнинг ишлаб чиқаришнинг маълум соҳасига ихтисослашувини белгилаб берувчи корхоналарнинг йўқлиги.

Уларда етарли даражада барқарор ишлаб чиқариш базасининг мавжуд эмаслиги тадбиркорлик соҳасини етарли

даражада ривожлантиришни таъминлашга ва Давлат инвестициялари дастурининг (ДИД) минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши ва уларда яшовчи аҳоли сони билан талаб этилган даражадаги мувофиқлигининг таъминланишига имкон бермайди.

Республиканинг алоҳида ҳудудий тузилмалари бўйича инвестиция ресурслари тақсимооти ва улардан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили ДИДни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича дастлаб қабул қилинган ёндашувларни бир қадар ўзгартириш кераклигини кўрсатмоқда. Гап шундаки, уларни ишлаб чиқишда асосий эътибор алоҳида тармоқларни ривожлантиришга ва ишлаб чиқариш объектларининг маълум бир турларини яратишга қаратилган бўлиб, минтақалар иқтисодий тараққиёти даражасини тенглаштириш масалаларига жуда кам эътибор берилади. Яна шуниси аҳамиятлики, давлат инвестицияларини тақсимлашда инсон омили эътиборга олинмайди. Модомики, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, нормал турмуш шароитларини таъминлаш аҳоли нисбатан сийрак яшайдиган туманларга нисбатан анча катта маблағларни талаб этади.

22-жадвал

Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг аҳоли сони, иқтисодиётга жалб этилган инвестициялардаги улуши, (жамига нисбатан %да)

	2000 йил		2005 йил		2008 йил		2009 йил	
	Аҳоли сони-да	Инвестиция маблағида						
Ўзбекистон Республикаси жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100
1. Қорақалпоғистон Республикаси	6,0	5,1	6,0	4,3	5,9	9,4	5,9	5,3
2. Андижон вил.	9,1	5,0	9,0	3,6	9,0	4,1	9,0	3,7
3. Бухоро вил.	6,0	4,1	5,8	7,8	5,7	8,9	5,7	19,8
4. Жиззах вил.	4,0	2,3	4,0	2,4	4,0	2,2	4,0	1,8
5. Қашқадарё вил.	8,9	16,9	9,0	14,6	9,2	19,1	9,7	17,6
6. Навоий вил.	3,3	6,4	3,7	7,1	3,0	5,6	3,0	4,7
7. Наманган вил.	7,9	5,5	7,8	3,7	7,9	3,5	7,9	3,8
8. Самарқанд вил.	11,0	5,7	11,0	4,9	11,0	4,6	11,0	4,4

	2000 йил		2005 йил		2008 йил		2009 йил	
	Аҳоли сони-да	Инвестиция мабла-ғида						
9. Сурхондарё вил.	7,2	3,4	7,2	5,3	7,8	4,3	7,8	4,2
10. Сирдарё вил.	2,3	2,1	2,5	1,7	2,5	1,5	2,5	1,8
11. Тошкент вил.	9,7	7,1	9,4	10,2	9,1	8,8	9,1	10,1
12. Фаргона вил.	10,2	6,4	10,9	4,5	10,8	5,6	10,8	5,3
13. Хоразм вил.	5,5	3,4	5,5	1,9	5,5	2,0	5,5	1,8
14. Тошкент ш.	8,8	23,6	8,2	20,1	8,7	19,9	8,7	16,0
15. Республикадан ташқарига	-	3,0	-	8,0	-	-	-	-

Манба: 2000, 2005, 2007, 2008 ва 2009 йиллар учун «Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотномаси» тўпламлари маълумотлари бўйича тузилган.

Алоҳида минтақалардаги аҳоли сони ва инвестиция маблағлари бўйича улушлар нисбатининг қиёсий таҳлили шундан далолат бермоқдаки, республика вилоятларининг кўпчилигида ўзлаштирилаётган инвестициялар улуши билан ўша ерда яшайдиган аҳоли улуши ўртасида 2 каррали тафовутлар мавжуд экан (22-жадвал). Масалан, Андижон вилоятида унинг аҳолиси улуши 9,0%ни ташкил этган бир вақтда, инвестиция маблағларининг улуши фақат 3,7% ташкил этган. Наманган вилоятида бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда, 7,9 ва 3,8% ни, Самарқанд вилоятида — 11,0 ва 4,4%, Фарғонада — 10,8 ва 5,3%, Хоразмда — 5,5 ва 1,8%, Сурхондарёда — 7,8 ва 4,2%, Жиззахда — 4,0 ва 1,8%ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичларнинг нисбатан ижобий бирлиги республиканинг фақат бир нечта минтақасида кузатилди. Буни кейинги йилларда юз берган уларнинг фойдасига бўлган тузилмавий ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Масалан, Қашқадарё вилоятига (9,7 ва 17,6%) унинг ҳудудида нефть-газ мажмуасининг ташкил этилишига боғлиқ ҳолда катта молиявий ёрдам кўрсатилди; Навоий вилоятига (3,4 ва 4,7%) — тоғ-металлургия ва кимё комплексига боғлиқ равишда, Қорақалпоғистон Республикаси гарчи ўз аҳолиси сонига мувофиқ келадиган инвестицияларни олса-да (5,9 ва 5,3%), бироқ маблағларнинг катта қисми Орол денгизининг қуриши оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ кенг миқёсли тад-

бирларни амалга оширишга сарфланиши туфайли бу минтақада инвестициялар талаби билан таклифи ўртасида кучли номутаносиблик мавжуд. Тошкент шаҳрида аҳоли сони билан инвестициялар улуши ўртасидаги икки карралик тафовутни (8,7 ва 16,0%) ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни модернизация қилиш қилиш бўйича йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва бозор инфратузилмасининг жадал ривожланиши билан тушунтириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу минтақаларда мазкур кўрсаткичлар нисбатларидаги ижобий тенденциялар мамлакатнинг алоҳида ҳудудий тузилмаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги мавжуд номутаносибликларни бар-тараф этишга ёрдам бера олмади.

Минтақавий жиҳатдан инвестиция ресурсларининг потенциал манбаларидан фойдаланишдаги ҳақиқий вазият, минтақавий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қарор топган ёндашувларни ўзгартириш учун зарурият юзага келганини кўрсатмоқда.

Хўжалик фаолиятини бошқариш бўйича минтақалар ҳуқуқларининг кенгайиб бориши билан маҳаллий бюджетларнинг инвестицияларни молиялаштиришдаги тутган ўрнини ошириш учун имкониятлари кенгайиб борди. Бироқ ушбу манбанинг инвестиция маблағларидаги улуши ҳозирча жуда кам ва ўртача 10%ни ташкил этмоқда. Бунда маҳаллий бюджет маблағларидан асосан, ҳудуднинг ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда, яъни улар инвестиция йўналишига эга эмас.

Маҳаллий органлар ролининг ортиб бориши деганда марказ ва минтақалар манфаатларининг мувофиқлашуви ва минтақалардаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини давлат томонидан тартибга солинишидан давлат томонидан уларга ёрдам кўрсатиш йўлига аста-секин ўтиб боришини таъминлаш назарда тутилади. Бунда давлат ёрдами капитал қўйилмаларни тўғидан тўғри молиялаштириш орқали ҳамда ташкилий, ҳуқуқий ва ахборот тавсифига эга хизмат кўрсатиш йўли билан хўжалик тузилмаларини рағбатлантиришда ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

Таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмини кескин ошириш ва иқтисодиёт-

ни ривожлантиришнинг инновацион моделига ўтишгина барқарор ижобий макроиқтисодий тенденцияларга эришишга олиб келиши мумкин. Бу йўналишда босилган қадамлар инвестициялар ҳажмини оширишнинг эҳтимоли эҳтимол эмас, балки уларнинг миллий хўжалик таркибини такомиллаштиришга йўналган ҳолда ўсишини ҳам кўзда тутати. Бу ерда фонд бозорининг етарли даражада ривож топмагани қаршилиқ қилувчи омил ҳисобланади, чунки у ҳозирги босқичда талаб этилган миқдорларда тармоқлараро ва минтақалараро капитал оқими таъминлаб бера олмайди.

Минтақавий жиҳатдан инвестиция ресурсларининг потенциал манбаларидан фойдаланиш бўйича юзага келган вазиятнинг таҳлили минтақавий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қарор топган ёндашувларни ўзгартириш учун зарурият юзага келганини кўрсатмоқда. Бундан буён минтақавий инвестиция стратегиясини белгилаб олишда унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ вақтга мўлжалланган манфаатлари билан янада чамбарчас боғлиқлигига эришиш заруриятидан келиб чиқиш лозим. Алоҳида минтақаларнинг инвестиция таъминотига уларда яшовчи аҳоли сонини, фаолият кўрсатаётган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш-техник базасини қайта тиклаш ишларини ҳисобга олган ҳолда, янада эътиборлироқ бўлиш талаб этилади. Мазкур масалаларни ҳал этишда ишлаб чиқариш ихтисослашувининг ўзига хос томонлари ва ишлаб чиқаришларнинг концентрацияси даражаси, алоҳида ҳудудий тузилмаларнинг турли молиявий имкониятлари диққат марказда бўлиши лозим.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида инновация-инвестиция соҳасини ривожлантириш бўйича самарали тадбирларнинг амалга оширилишига турли муаммоларни, биринчи навбатда, илмий-тадқиқот ва илмий-техник масалаларни ҳал этишда давлатнинг етакчилик ролини сақлаб қолган ҳолдагина эришиш мумкин.

Бюджетдан қайтарилмайдиган молиялаштиришни фақат юқори самарали амалий тадқиқотлар учун сақлаб қолиш керак. Инновация лойиҳаларига давлат томонидан берилмайдиган бюджет ёрдами танлов асосида амалга оширилиши

лозим. Лойиҳаларни бундай асосда танлаб олишда инновация-инвестиция фаолиятининг юқори технологик, экологик тоза, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларини ташкил этиш; замонавий ахборот тармоқларини, телекоммуникация ва транспорт воситалари яратиш йўналишлари устувор ҳисобланади.

Тижорат банкларининг кредитлаш услубини ўзгартириш ва узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга ўтиш учун, бунда хатар омили таъсирини камайтиришга ёрдам берувчи ушбу тузилмаларни рағбатлантириш механизмини кучайтириш лозим. Бунда фойдадан олинадиган солиқ ставкасини ва умумий молиялаштириш ҳажмида банклар кредит улушини ҳисобга олган ҳолда қайта молиялаштириш ставкасини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик амалиётига банклар томонидан берилувчи узоқ муддатли кредитлар фоиз ставкаларини компенсация қилиш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда бюджетдан берилувчи капитал қуйилмаларининг ушбу компенсациялар ҳажмига тенг миқдорда қисқартириш керак.

Муваффақиятли инновацион ривожланишга шунингдек, тадбиркорлик ва хусусий секторнинг молиявий маблағларини ҳам жалб этиш орқали эришиш мумкин. Уларни амалий фанлар айниқса ўзига тортishi мумкин. Шу билан бир қаторда лизинг фаолияти билан шуғулланувчи банклар тармоғини кенгайтириш, банк-инвесторлар томонидан инновацион корхоналар қимматли қоғозлари пакетини харид қилишини рағбатлантириш керак, бу уларнинг иқтисодий фаолиятини биргаликда бошқаришга имкон беради.

Баъзи амалий тадқиқотларни қайтариш асосида молиялаштириш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади, бунда қайтарилмайдиган бюджет молиялаштирилишидан фақат устувор, юқори самарадор амалий тадқиқотлар учун фойдаланишни сақлаб қолиш зарур.

Фан ва инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда солиқ имтиёзлари, тезкор амортизация механизмлари, имтиёзли тарифлар ва бошқаларни ўз ичига олган рағбатлантиришнинг билвосита усуллари мажмуасидан янада кенгроқ фойдаланиш лозим.

Шунингдек, тадқиқотлар ва ишланмаларни бюджетдан ташқари молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги манбалари

ва шакллари излаш мақсадга мувофиқ. Масалан, инновация лойиҳаларини тўғридан-тўғри кредитлашдан банк кредитлари ставкасини компенсациялаш ва кафолатли мажбуриятлар тақдим этиш амалиётига фаолроқ ўтиш зарур.

Ақлий (интеллектуал) мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, «ноу-хау», технологиялар экспортини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини белгилаб берувчи меъёрий соҳа фаолиятини тартибга солиш лозим. Ресурс тежовчи технологияларни ривожлантириш, инновацион тузилмаларга нисбатан мослашувчан солиқ ва кредит сиёсатини амалга ошириш, янги технологиялар трансфертида божхона имтиёзларини жорий этишни кўзга тутувчи инновацион тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Инновация фаолияти учун мўлжалланган кадрларни тайёрлаш, илмий-техник марказлар ва олий ўқув муассасаларининг нодавлат тузилмалари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш, кичик инновация субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Инновация инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш бўйича ташаббусларга фаол ёрдам кўрсатиш зарур.

Ҳозирги даврда корхоналар, тармоқлар ва минтақаларнинг нормал фаолият юритишида биринчи навбатда, инвестицияларни экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни технологик модернизация қилишга мақсадли ва манзилли жалб этиш йўли билан уларнинг янгиликларга мойиллигини таъминлаб бериш муҳим йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Инновацион йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «... жаҳон бозорида рақобат янада кескинлашиб бораётган бир шароитда мавжудларини янгиламасдан, замонавий илғор юқори технологик жиҳозлар билан таъминланган корхоналарни яратмасдан, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб иқтисодиётнинг реал истиқболини таъминлаш, шундай экан аҳоли фаровонлигини ўстириш мумкин эмас...»¹.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохотлар ва ўзгаришларнинг бош мақсади. И. Каримовнинг 2007 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги нутқи /Халқ сўзи, 09.02.2008 й.

Республикада инновация фаолиятини фаоллаштириш бўйича маълум мақсадга йўналтирилган чоралар кўрилиши натижасида ушбу масалани ҳал этиш юзасидан сезиларли ютуқларга эришишга муваффақ бўлинди. ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2009 йилда республиканинг илмий-техника мажмуаси 413 фаолият кўрсатаётган илмий-техник ташкилотлардан иборат бўлиб, уларнинг 148 тасини илмий-тадқиқот ташкилотлари, 77 олий ўқув юрти, 3 саноат корхонаси, 29 етакчи тажриба-конструкторлик ва лойиҳа-қидирув ишланмалари ташкил этди. Ҳозирги вақтда илмий соҳада, олий ўқув муассасаларининг илмий-педагогик ходимларини ҳам ҳисобга олсак, 36,8 минг киши банд. Мазкур ташкилотларнинг кучи билан 2009 йилда 99,5 млрд. сўмдан зиёд илмий-техник ишлар амалга оширилди. Бунда бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми жадал суръатларда ўсди ва мазкур даврда уларнинг ҳажми 10,2 баробар ошди. Бу маълумотлар илмий-техник соҳанинг сезиларли тарзда фаоллашганини ва унинг фаолияти иқтисодиётни ривожлантириш талабларини қондиришга қаратилганини кўрсатмоқда. Республикада ушбу кўрилаётган давр учун илмий-техник соҳани ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар 23-жадвалда келтирилган.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг умумий ҳажмида амалий тадқиқотлар 2000 йилда — 72,3%, 2005 йилда — 77,0%, 2006 йилда — 84,2%, 2007 йилда — 86,1%, 2008 йилда — 84,3%, 2009 йилда — 81,9%ни ташкил этди, яъни кўрилаётган давр учун умумий ҳажмининг ўсиш суръатлари 12,4 мартага тенг бўлди, уларнинг жами илмий тадқиқотлардаги улуши 9,6 фоиз пунктига ошди.

Таъкидлаш жоизки, фундаментал тадқиқотларнинг ўсиш суръатлари амалий ишларнинг ўсиш суръатларидан сезиларли тарзда ортда қолди ва 2000—2009 йилларда — 7,1 мартага тенг бўлди.

Бунда илмий-тадқиқот ишлари умумий ҳажмида фундаментал тадқиқотларнинг улуши сезиларли равишда қисқариб борди ва кўрилаётган давр ичида у 9,2 фоиз пунктига, яъни 2000 й.даги 27,3%дан 2009 й.да 18,1%га камайди.

2008—2009 й.ларда илмий-тадқиқот ишлари ривожланиш суръатлари пасайиб борди. Масалан, бу даврда уларнинг

умумий ҳажми 1,4 баробар ошди. Фундаментал тадқиқотлар ҳажми нисбатан юқори суръатларда ўсди. 2008–2009 йилларда уларнинг ҳажми тахминан 1,6 баробар, амалий тадқиқотлар ҳажми эса — 1,3 баробар кўпайди.

Таъкидлаш жоизки, илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш катта миқдорларда моддий-техник ва меҳнат харажатлари сарфлашни талаб этади. 2000-2009 йилларда бу харажатларнинг ҳажми республикада 8 баробардан ҳам зиёдга ошди.

23-жадвал

2000–2009 йиллар давомида ички имкониятлар асосида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми, таркиби ва ўсиш суръатлари

	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2000–2009 йиллардаги ўсиш суръатлари, %
I. Жами илмий-техник ишлар, млн. сўм улардан:	10671,8	33946,8	42065,2	61900,6	71329,9	99519,3	932,5
1) Илмий тадқиқот ишлари, млн. сўм шу жумладан:							
а) амалий тадқиқот, млн. сўм.	5832,1	22554,3	28922,8	40894,3	46011,6	63709,1	10,9 марта
ҳиссаси, %	4216,5	17363,3	24359,6	35246,2	38726,9	52177,5	12,4 марта
	72,3	77,0	84,2	86,1	84,3	81,9	+9,6п.п.
б) фундаментал тадқиқот, млн. сўм.	1615,6	5191,0	4563,2	5648,1	7284,7	11531,5	713,8
Ҳиссаси, %	27,3	23,0	15,8	13,9	15,7	18,1	-9,2п.п.
2) Илмий тадқиқот ишларига сарфланган харажатлар, млн. сўм.	8100,8	24667,2	28493,4	39849,0	48873,6	68423,0	844,6
Харажат сизими коэффициенти							1,038 (2005–2009 й.лар учун ўртача)
	1,389	1094	0,985	0,974	1,062	1,074	

Манба: жадвал 2000–2009 йиллар учун «Ўзбекистон Республикаси илмий-техник салоҳиятининг асосий кўрсаткичлари» статистика бюллетени маълумотлари асосида тузилган.

Бажарилган илмий-тадқиқот ишлари ва уларни ўтказиш харажатлари ҳажмининг қийёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳа ҳозирча сарфланган маблағларни монанд равишда қайтариб беришга қодир эмас. Республикада харажатлар олинган натижалар миқдоридан юқори эканлиги маълум бўлди. Масалан, 2000 йилда 1 сўмга тенг натижага эга бўлиш учун 1,389 сўм, 2005 йилда — 1,094, 2008 йилда — 1,062, 2009 йилда — 1,074 сўм сарфланган. Улар фақат 2006 ва 2007 йилларда бироз камроқ бўлиб, мувофиқ равишда 0,985 ва 0,974 сўмни ташкил этган.

Бироқ илмий-тадқиқот соҳасининг тезлик билан фойда келтиришидан умидвор бўлмаслик керак, сабаби тадқиқотлар бошлангандан уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга амалий жорий этилгунга қадар тажриба-конструкторлик, лойиҳа-тадқиқот ва жорий этиш ишлари билан боғлиқ ҳолда анча узоқ вақт ўтиши талаб этилади.

Республикада тўрт мартаба ўтказилган инновация ғоялари ярмаркасида тақдим этилган экспозициялар, кўп сонли лойиҳалар эндиликда ижобий натижалар бераётгани кўрилмоқда, демак, аввал сарфланган маблағлар секин-аста хўжалик айланмасига жалб этилмоқда.

Ушбу соҳанинг потенциал имкониятлари истиқболда анча муҳим оригинал натижаларга эришишга умид беради.

Ҳозирги вақтда асосий мақсад — инновация технологиялари бозорини яратиш, инновация фаолиятини тижоратлаштириш, илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни таъминлаш, уларни келгусида янада ривожлантириш учун керакли молиявий ва моддий маблағларни жалб этишдан иборат.

Жаҳон тажрибаси фундаментал тадқиқотлар бўйича йirik инновация лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давлат томонидан, ўз ниҳоясига етган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг реализацияси эса — бу тадқиқотларни жорий этаётган фирмалар, компанияларнинг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатмоқда. Ўзбекистон устида тўхталадиган бўлсак, республикада мавжуд шароитда мазкур ёндашувдан қисман фойдаланиш мумкин. Бу энг аввало қуйидагилар билан боғлиқ: республикада реал сектор бунинг учун етарли даражадаги

кучга эга эмас, хўжалик юритувчи субъектлар инновацион жараёнларни жорий этиш босқичини молиялаштириш бўйича барча харажатларни тўлиқ ўз зиммаларига олиш имкониятига эга эмаслар. Хусусий бизнеснинг илмий-техник соҳани ривожлантиришдаги иштироки ҳозирча мунтазамлик билан тавсифланмайди. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, илмий-техник янгиликларни жорий этувчи корхоналарнинг хусусий маблағларини инвестициялашда давлат томонидан молиялаштириш ва хорижий капитални жалб этиш билан бирга қўшиб олиб бориш зарур. Бунда ушбу масалани ҳал этишдаги улушли иштирок нисбатлари ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича белгиланиши керак бўлади. Республикада илмий-техник соҳани молиялаштиришда асосан шундай ёндашувга риоя этилиши кузатилади. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришга йўналтириладиган инвестицияларнинг умумий суммасининг тахминан 45% давлат бюджетига тўғри келади, харажатларнинг қолган қисми фирма ва компанияларнинг хусусий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу соҳада хорижий капитал улуши жуда ҳам оз (3%дан камроқ).

Жорий этиш борасида тўхталадиган бўлсак, бозор шароитларида ишлаб чиқаришда техник ютуқлардан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда оғирлик маркази хўжалик юритувчи субъектлар ва товар ишлаб чиқарувчилар зиммасига тўғри келади. Бироқ бу босқичда ушбу тузилмалар инновацион қарорларни жорий этиш учун етарли маблағларга эга бўлмайдилар. Натижада бир қанча қимматли илмий-техник гоялар ва ютуқлар ўзлаштирилмай қолиб кетади. Ҳозирги шароитларда ушбу масалани ҳал этишга эришиш учун жорий этишни молиялаштириш харажатларининг катта қисмини давлат ўз зиммасига олиши лозим.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида тадбиркорлик ва хусусий секторларнинг молиявий маблағларини жалб этиш орқали ҳам муваффақиятли инновацион ривожланишга эришиш мумкин. Уларни кўпроқ амалий фанлар ўзига тартади. Мазкур масалани ҳал этишда хорижий капитални жалб этиш ҳам сўзсиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Республиканинг илмий-техник соҳасини ривожлантиришнинг умумий ижобий тенденцияларида инновация тузилма-

ларини жойлаштиришда, демак, бажарилаётган илмий ишлан-малар ҳажмида ҳам сезиларли ҳудудий номутаносиблик-лар мавжуд. Масалан, 2009 йилда бажарилган илмий-тадқи-қот ишлари умумий ҳажмининг катта қисми (83%) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келади. Уларнинг қолган катта қисмини Навоий (5,5%), Бухоро (3,0%) ва Фарғона (2,7%) вилоятлари ташкил этади. Қолган вилоятларнинг илмий-техник соҳани ривожлантиришдаги ҳиссаси 0,2 дан 1,5%гача ўзгариб туради. Шундай қилиб, республиканинг асосий илмий-техник салоҳияти Тошкент минтақасида тўплан-ган экан. Пойтахт вилояти инновацион салоҳияти қанчалар қудратли бўлмасин, унинг алоҳида минтақаларини техник-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бутун республикани янгиликлар билан қамраб олиш, мамлакатнинг барча ҳудудий бўғинларини инновацион ри-вожлантириш учун бир хилда тенг шароитлар яратиш маз-кур минтақа учун жуда қийин масала. Шунинг учун ҳам ин-вестиция ресурсларини тақсимлашда бошқа минтақавий бўлинмаларни ҳам бу соҳага жалб этиш заруриятини эъти-борга олиш лозим.

Жаҳон тажрибасида тубдан фарқ қилувчи — ҳужумкор ва тикловчи инвестиция стратегиялари маълум. Уларнинг би-ринчиси ресурс тежамкор ва юқори технологияларни яра-тиш ва янги бошқарув тизимларини жорий этиш асосида инвестициялашнинг нисбатан мослашувчан моделига ўтиб бориш билан тавсифланади. Бундай стратегия инвестиция ресурсларини иқтисодиётнинг ўсиш нуқталарида тўплашни талаб қилади. Тикловчи инвестиция стратегияси минтақа-нинг ҳўжалик тузилмаларини қисман қайта ташкил этиш ва уларнинг ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш йўли билан инвестиция жараёнларини тиклашни назарда тутати. Ўзбе-кистон учун бу инвестиция стратегиясининг ушбу ҳар икки йўналишини алоҳида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда мутаносиб уй-ғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Республика алоҳида минтақаларининг инвестиция маб-лағларини ўзлаштириш даражаси бўйича хусусиятларини эътиборга олган ҳолда улар ҳудудий тузилмаларнинг қайси гуруҳига тегишли эканини аниқлаш талаб этилади: нисбатан

бой; етарли даражада бой бўлмаган; фойда келтирмайдиган (дефицитли).

Нисбатан тараққий этган ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурасига эга индустриал ривожланган минтақалар (Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятлари)да ишлаб чиқариш ихтисослашган тармоқларни модернизация қилиш ва фан сифими юқори, юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантириш келажакда энг истиқболли бўлиши керак.

Асосан хом ашёга ихтисослашган, тармоқ ихтисослашуви намоён бўлмаган минтақалар (Фарғона, Наманган, Бухоро вилоятлари) учун ўсиш омили қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш ҳамда инфратузилмавий бўғинларга хизмат кўсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришдан иборат бўлиши лозим. Заиф индустриал базага эга бўлган ва улар иқтисодиётида аграр сектор устувор бўлган минтақалар (Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм, Жиззах вилоятлари) қайта ишлаш саноатларини жадал ривожлантиришга бутун кучларини қаратишлари зарур.

Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари истиқболи уларда ишлаб чиқариш ихтисослашуви тармоқларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш билан бир қаторда, туризм соҳасини ривожлантириш билан ҳам боғлиқ.

V БОБ ИНВЕСТИЦИЯ-ИННОВАЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

5.1. Инновация-инвестиция жараёнини тартибга солишнинг пул-кредит механизми

Пул-кредит сиёсати (ПКС) — пул-кредит тизимининг пул таклифига ва у орқали инвестициялар ва реал ЯИМга таъсир кўрсата олиш кучига таянувчи энг муҳим макроиқтисодий воситалардан бири.

Оқилона ташкил этилган пул-кредит сиёсати мамлакатда инвестиция жараёнларини ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини оширишга жиддий таъсир кўрсатади. Монетар сиёсат воситалари иқтисодий тизимда инвестиция жараёнларини фаоллаштиришнинг асосий шарти сифатида чиқиб, улар бозор усуллари ва давлатнинг иқтисодийётнинг устувор соҳаларига инвестициялар киритилишини рағбатлантириш бўйича олиб борадиган маъмурий-тартибга солувчи фаолиятининг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи боғлиқлиги асосида шаклланади.

Хорижий мамлакатларда инвестиция жараёнларини пул-кредит сиёсати воситасида тартибга солиш моделларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, гарчи Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШда амалдаги монетар сиёсатни (иқтисодийётнинг молиявий ва банк йўналиши) ўтказишда тафовутларнинг мавжудлигига қарамай, уларнинг ҳар бирида ушбу сиёсатнинг инвестицияга йўналтирилган воситалари иқтисодийётни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади.

Барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти — ортиқча молиявий инвестиция ресурсларини хом ашё секторларидан қўшилган қиймат ўсиши энг юқори салоҳиятга эга бўлган тармоқлар (компаниялар)га қайта тақсимлаш ҳисобланади. Одатда, бу функцияни молия бозорлари, хусусан, банк сектори ва фонд бозори бажаради, уларнинг са-

марадорлиги эса давлатнинг монетар сиёсатига боғлиқ бўлади, монетар сиёсат энг аввало, мамлакат Марказий банки томонидан трансмиссия механизми каналлари орқали амалга оширилади.

Трансмиссия механизмининг моҳияти шундаки, пул таклифи ва фоиз ставкаларини тартибга солиш орқали Марказий банк молиявий воситачилар ёрдамида қайта тақсимланадиган инвестиция ресурсларининг талаб ва таклифига ва охиrhoқибат, умумий талабнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Монетар сиёсат трансмиссия механизмини инвестиция жараёнини фаоллаштиришга йўналтириш қўйилган вазифалари билан мувофиқликда, босқичма-босқич амалга оширилади.


Замонавий пул назариясида пул-кредит сиёсати трансмиссияси шундай механизм сифатида таърифланадики, унинг ёрдамида марказий банклар молиявий инструментлар воситасида иқтисодий жараёнлар, биринчи навбатда, инфляцияга таъсир кўрсатади.

Одатда, трансмиссия механизми «пул» ва «кредит ёндашуви» нуқтаи назаридан таҳлил қилинади¹. «Пул ёндашуви» доирасида монетар сиёсатнинг иқтисодиётнинг реал секторига таъсири инвестицияларнинг портфель назарияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилиб, мазкур таълимот асосчилари У. Баумоль ва Ж.Тобиндир². Ушбу назариянинг моҳияти инвестиция қарорлари иқтисодий агентлар томонидан турли молиявий ва реал активлар (молия бозори инструментлари, иқтисодиётнинг реал сектори инвестициялари, кўчмас мулк ва б.)нинг даромадлилигини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Монетар сиёсатдаги ўзгаришлар дастлаб пул бозори фоиз ставкаларининг ўзгариб туришига сабаб бўлади, улар эса ўз навбатида, активлар баҳосининг параллел ўзгариши орқали, корхона ва аҳолига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Пул ёндашуви нуқтаи назаридан монетар сиёсат пул бозорининг фоиз ставкалари қаторига кирувчи кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўзгартирган ҳолда, корхона ва аҳолининг банк кредитлари талабига таъсир қилади, ва натижада, иқтисодиётдаги умумий харажатлар ва инвестицияларга, охиrhoқибат ЯИМ таъсир кўрсатади (15-расм).

¹ *Barth M., Ramey V.* The Cost Channel of Monetary Transmission // NBER Working Paper 7151. Cambridge: NBER, 1999.

² *Tobin, J.* (1978) 'Monetary policies and the economy: the transmission mechanism', *Southern Economic Journal*, 44, pp. 421–431.

15-расм. «Пул ёндашуви» нуқтаи назаридан монетар сиёсатнинг иқтисодийта таъсири схемаси



Трансмиссия механизмига пул ёндашуви монетар сиёсатнинг трансмиссия механизмига «кредит ёндашуви»ни шакллантирувчи механизмлар билан тўлдирилади¹. «Кредит ёндашуви» тарафдорлари банк кредитларини активларнинг иқтисодийта муҳим аҳамиятга эга бўлган алоҳида тури сифатида ажратадилар. Бу роль турли давлатлар учун турлича бўлиб, бир қатор омилларга боғлиқ, уларнинг орасида молия бозорининг тузилиши ва ривожланиш даражаси, корхоналар ва аҳоли учун унинг воситаларидан фойдалана олишлик даражаси энг муҳим ҳисобланади. Бунда яна шуни таъкидлаш керакки, монетар сиёсатнинг банк кредити орқали иқтисодийта таъсирини анъанавий пул ёндашувлари доирасида ҳам, кредит ёндашувлари доирасида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Кредит ёндашувларининг муҳим хусусияти шундаки, Марказий банк сиёсатининг ўзгартирилиши нафақат пул бозори

¹ *Mishkin F.S. The Transmission Mechanism and the Role of Asset Prices in Monetary Policy // NBER Working Paper 8617. Cambridge: NBER, 2001.*

фоиз ставкалари, яъни банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари миқдорига, балки ташқи молиялаштириш учун мукофотлар миқдорига ҳам таъсир кўрсатади (16-расм).

Монетар трансмиссиянинг мукамал механизмидан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатига ўтиш бозор тамойилларига мувофиқ фаолият кўрсатувчи ва тартибга солиб турувчи органлар сигналларини бозор агентларига узатиб бера оладиган молия тизимининг мавжуд бўлишини назарда тутади. Айни вақтда ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатларда пул-кредит сиёсатида қўлланилаётган воситалар ва механизмларнинг самарадорлиги ва таъсир кўрсатиш даражаси, характерининг, уларнинг давлат иқтисодий сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари воситалари ва чора-тадбирлари билан биргаликда таъсир кўрсатишининг назарий жиҳатдан нисбатан тўлиқ ва аниқ баҳоси зарур.


Бугунги кунда пул-кредит сиёсати Ўзбекистон иқтисодиёти инновацион тараққиётининг муҳим, иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторининг ўзаро боғланган инвестиция векторини белгилаб берувчи таркибий қисмига айланиши лозим.

Умуман олганда, иқтисодиётни инновацион ривожланишини таъминлаб бера оладиган молиявий сектор учун молиявий тизимга чекловчи сифатида эмас, балки иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши учун рағбат бўлишига имкон яратадиган янги шароит ва шаклларни яратиш вазифаси энг долзарб ҳисобланади.

Барчага маълум, иқтисодий, айниқса инвестицияларга асосланган ўсишнинг банк кредитларига муҳтожлиги катта. Бунинг учун ички маблағларнинг ўзи етарли эмас. Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадида, ички талабни юқори суръатлар билан кенгайтириш бош мақсад қилиб қўйилган бир вақтда, банк томонидан кредитлаш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш талаб этилади.

Мазкур йўлни шартли равишда жадаллаштирилган ўсиш варианты (йўли) деб аташ мумкин. У шунингдек, ички жамғармалар билан банк кредитлари ўсиши ўртасидаги тафовутни сақлаб қолишни назарда тутиши барчага маълум. Бу вариантда мазкур дефицитни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масала ҳам, камида ўрта муддатли истиқболда, ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Бундай манба иккита — таш-

16-расм. «Кредит ёндашуви» доирасида монетар сиёсатнинг иқтисодийёта таъсири схемаси



қаридан капитал кириши ёки давлат маблағлари. Бунда давлат маблағлари сифатида ҳам ҳукумат жамғармалари (Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари кўринишидаги), ҳам банк тизими ва корхоналарга бериладиган кредит кўринишидаги пул эмиссиясидан фойдаланилади. Мана шунинг учун ҳам жадаллаштирилган ўсиш йўли доирасида унинг иккита нуқтаи назари кўриб чиқилади. Улар банк кредитларининг бир хилдаги ўсиш суръатлари билан тавсифланади, улар ўртасидаги тафовут — молиялаштириш манбаларидадир. Биринчи вариантда ташқи молиялаштириш етакчи бўлса, иккинчисида — ташқи кредитларни ички (давлат) ресурслари томонидан қоплаш устувор.

Банк кредитларини жадал кенгайтириш вариантнинг энг муҳим афзал томони, монанд вариантлардан фарқли равишда, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишдан иборат. Табиийки, банк кредитлари ўсишининг юқори суръатларига кредитлар бўйича фоиз ставкалари паст бўлганда (одатда, инфляциядан паст ёки саноатнинг ўртача рентабеллигига тенг даражада) эришиш мумкин. Фоиз ставкаларининг ушбу даражаси (ҳақиқатда бу «арзон пуллар» сиёсати сифатида намоён бўлади) корхоналар учун олға қараб, яъни уларнинг маҳсулотларига талабнинг ортиб бориши сифатида тавсифланувчи ривожланишга, шунингдек, асосий фондларни модернизация қилиш учун кредит ресурсларга эга бўлишни енгиллаштиришга йўл очади. Бунда жадал ривожланиш варианты доирасида иқтисодиётни ривожлантириш моделини қуйидагича тавсифлаш мумкин: «арзон пуллар» сиёсати билан молиявий ресурслар ҳажмининг ўсиши — паст фоиз ставкалари ва арзон кредитлар - истеъмол ва инвестицияларнинг ўсиши — миллий иқтисодиётнинг ривожланиши.

Маълумки, жадал ўсиш варианты бир қатор хатарлар ва салбий оқибатларга ҳам эга:

— инфляциянинг юқори даражаси. Банк кредитларининг юқори ўсиш суръатларида ички талабнинг кенгайиб бориши инфляцияни юзага келтирувчи таркибий номутаносибликлар билан бирга кузатилади. Бошқа шундай шароитларда, кредитларнинг ва банк тизими активларининг ўсиши номинал ички талабнинг ортиш суръатларидан ошиб кетган ҳолатларда тузилмавий номутаносибликлар ҳам юзага ке-

лади, улар эса инфляцияга олиб келади. Қўшимча равишда, ташқи капиталнинг кириб келиши сотилмайдиган товарлар (қурилиш ва кўчмас мулк, хизматлар ва ҳ.к.) баҳосининг ўсиб кетишига сабаб бўлади;

— ташқи қарзнинг ўсиши. Жадаллаштирилган ўсиш вариантыда имкон қадар кўп (ташқи муҳит ва инвестиция шариати ҳолати нуқтаи назаридан) ташқи инвестицияларни жалб этиш назарда тутилади. Шубҳасиз, шахсий ички қарзга хизмат қилиш муаммолари, бу билан боғлиқ бўлган хатарлар ва дефолтларнинг эҳтимоли хавф-хатар сифатида тавсифланади;

— тўлов баланси тузилмасининг ёмонлашуви. Ташқи қарзлар оқимининг ўсиши ва ташқи қарз бўйича фоизларнинг ортиши биргаликда тўлов балансининг жорий операциялари ҳисобининг қисқариши ва унинг манфий бўлишига эҳтимолини юзага келтиради;

— молия бозорларининг суст ривожланиши. Молия бозорлари секин ривожланади, сабаби воситаларнинг яратилишига (кредитларга нисбатан уларни ташкил этиш бўйича қўшимча харажатларни ҳисобга олганда) эҳтиёжнинг камайиб кетишига боғлиқ равишда, инвесторлар томонидан уларга талаб ҳам пасайиб кетади;

— кредит хатарларининг кўпайиши. Банк кредитларининг юқори суръатларда ўсиши (айниқса, аҳолига) қарздорларни баҳолаш сифатини пасайтириши ва тўлови кечиктирилган қарзлар ҳажмини ошириши муқаррардир.

Жадаллаштирилган ўсиш варианты доирасида пул-кредит сиёсатини амалга ошириш бўйича қуйидаги вазифа ва муаммолар юзага келади:

— банкларнинг ликвидлигини таъминлаш. Бунда давлат маблағларини банклар депозитларига қайта молиялаштириш ва жойлаштиришда банк тизимида жамланган хатарларни эътиборга олиш талаб этилади;

— банк тизимидаги хатарларни назорат қилиш ва камайтириш. Шубҳасиз, хатарларни бошқариш банк менежменти тасарруфида, бироқ, бу каби назоратда йўл қўйилган хатоликлар молия тизими раҳбарлик органлари муаммосига айланади. Ушбу вариантни амалга ошириш доирасида валюта хатарлари, пассив ва активлар муддатидаги номувофиқлик, активларнинг паст ликвидлиги, «ёмон қарзлар» ва бошқалар ўсиб боради;

— институционал ўзгаришлар. Банк тизимининг интенсив ривожланиши, рентабелликнинг юқори кўрсаткичлари молиявий бозорнинг бошқа бўғинларига нисбатан иштирокчилар учун ушбу бўғиннинг ўзига тортувчанлигини сақлаб қолишни тақозо этади.

Жадаллаштирилган вариантда молия соҳасини ривожландиришнинг янги босқичи қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

— пул таклифлари манбаларининг тубдан ўзгариши. Яъни банк тизимини қайта молиялаштиришни кенгайтириш, жумладан, давлат учун соф кредитни кенгайтириш.

— макроиқтисодий хатарлар яширин ўсиб боради. Сўнги 30—50 йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жорий операциялар бўйича манфий сальдо инқироз (валюта, банк, қарз ва тизимли, молиявий) учун замин яратувчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири экан. Капитал келиши ёки кетишининг волатиллиги (ўзгарувчанлиги) унчалик таъсирли бўлмаган инқирозли ҳолатларда ҳам сезиларли равишда кучайиб кетиши мумкин;

— қабул қилинаётган қарорлар бўйича пул-кредит сиёсати ва пул тизимини тартибга солувчиларнинг тутган ўрни ва жавобгарлиги сезиларли ошади, сабаби хато ҳаракатларнинг салбий оқибатлари кўпайиб боради.

Бошқа вариант — пул таклифининг ўсиши, номолиявий сектор ва умуман банк активларини кредитлаш суръатларининг пасайишини назарда тутувчи мувозанатлаштирилган ривожланиш вариантини кўриб чиқамиз. Ушбу вариантда барча тузилмавий номутаносибликларни баратарф этиш мақсадида «ўсиш паузаси»дан максимал тарзда ижобий фойдаланишга қаратилган пул сиёсати вазифаларини таърифлаб бериш ва нафақат жорий муаммоларни, балки келажакда эҳтимоли мавжуд хатарларни ҳам эътиборга олган ҳолда, навбатдаги иқтисодий ўсиш босқичи учун пойдевор яратиш ҳам назарда тутилади. Бу нуқтаи назардан пул сиёсатининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

— жорий хатарлар ва номувофиқликларни бартараф этиш. Бунда банклараро бозорда, кечиктирилган қарздорлик ва «ёмон қарзлар» бўйича таркибий номутаносибликларни йўқотиш учун муайян вақт талаб этилади. Ушбу вариантни амалга

ошириш натижасида самарали хатар-менежементини (ликвидлик инқирози хавфига йўл бермайдиган) назарда тутувчи пруденциал назорат тизимини, монанд қайта молиялаштириш тизими юзага чиқиши керак;

— номолиявий сектор ресурсларини жалб этишда банк тизимига табиий қўшимча сифатида чиқувчи, ички жамғармаларни тўплашга ва ташқи капитални жалб этишга имкон яратувчи молиявий бозорларни ривожлантириш;

— пул таклифи каналларининг ўзгаришини назарда тутувчи пул-кредит сиёсатининг янги воқеликларига изчил тайёргарлик ҳамда инфляцияни таргетлаш сиёсатига секин-аста ўтиб бориш. Бундай шароитларда пул таклифининг асосий каналлари, банк тизимида ликвидлик тақсимоти, валюта курси устидан назорат ўзгариб бориши, ташқи инвестицияларнинг кириб келишини таъминлаб берувчи инвестиция муҳити яхшиланиб бориши керак.

Умуман олганда, ушбу вариант инновацион тараққиётга асосланган сифатли иқтисодий ўсишни таъминлаб беришни кўзда тутувчи янги молия тизимини яратиш вазифаси билан ҳар томонлама уйғунлашиб кетади.

Мувозанатлаштирилган (мўътадил оптимал) вариант асосини ташкил этувчи шартларнинг бажарилиши пул тизимини тартибга солувчи органлар томонидан муайян ҳаракатлар амалга ошириш билан бир қаторда, глобал хом ашё бозорида ва капитал бозорида ижобий конъюнктура яратишни ҳам талаб этади. Акс ҳолда мўътадил пессимистик инерцион вариант кўзда тутилади.

Ушбу вариантда банклар ресурс базасининг чекланганлиги кредитлар ўсишининг мувозанатлаштирилган вариантдагидан ҳам паст бўлишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларда иқтисодиётни кредитлаш ЯИМнинг 30%дан ҳам ошмайди. Бунда кредитлар билан депозитлар ўртасидаги тафовут анча катта бўлиши мумкин. Модомики банклар кредитга бўлган талабни ички маблағлар ҳисобидан тўлиқ қондира олмас эканлар, иқтисодиёт учун кредитларни ташқи қарзлар эвазига ажратиш талаб этилади.

Жадаллаштирилган ўсиш варианты банк тизими ва монеталаштиришни тезлик билан (иқтисодиётга нисбатан) ўстиришни назарда тутуди. Таркибий номутаносибликларни бара-

тараф этишни ва пул таклифи тузилмасини яхшилашни кўзда тутувчи молиявий секторни ривожлантириш мувозанатлаштирилган вариантда ўз ифодасини топади. Ниҳоят, инерцион вариант молиявий соҳанинг жорий таркибини ҳақиқатан сақлаб қолишни (консервациясини) назарда тутади.

Жадаллаштирилган вариантда ликвидлик билан боғлиқ вазият ички ресурслар етишмовчилиги қай йўсинда молиялаштирилишига, охир-оқибат, реал секторнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш йўналишига боғлиқ бўлади. Агар кредитларнинг катта қисми импорт жиҳозлар сотиб олиш (иқтисодиётни модернизация қилиш учун зарур бўлган) ёки хорижий инвестицияларни молиялаштириш учун сарфланадиган бўлса, у ҳолда банк ликвидлиги билан боғлиқ вазият жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Мувозанатлаштирилган вариантнинг афзаллиги шубҳасиздир. Бироқ, инерциондан фарқли равишда, ривожланишнинг мувозанатлаштирилган варианты амалга ошириш пул тизимини тартибга солувчи муассасалар томонидан таркибий муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда, молиявий соҳани ривожлантиришни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган жиддий куч ва ҳаракатларни талаб этади. Пул массаси таркибини ўзгартириш ва банк тизимини йириклаштириш зарур бўлади.

Шундай экан, молия тизимини мувозанатлаштирилган ривожлантириш вариантынинг энг муҳим шарти уни модернизация қилиш, яъни тузилмавий ислохотлар асосида унинг тартибий муҳитини қайта ташкил этиш ҳисобланади. Ва бунда асосий ўрин Марказий банкка ва у томонидан ўтказилаётган пул-кредит сиёсатига тегишли бўлиши керак.

Ҳозирги замонавий босқичда давлат манбалари устун бўлган ўсишнинг жадаллаштирилган варианты амалга оширилмоқда. Бу республика тижорат банкларининг умумий капиталида давлат улушининг ўсиб боришида, биринчи даражали аҳамиятга эга тармоқларнинг тўғридан-тўғри қўллаб-қувватланишида, қатор акциядорлик корхоналарида давлат активлари улушларининг юқорилиги сақланиб қолишида намоён бўлмоқда. Бироқ бу ерда Ўзбекистон Марказий Банки (МБ)нинг стратегик, оралик ва тактик мақсадлари ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги шубҳасиздир.

Пул-кредит сиёсатининг стратегик мақсадлари фақат давлат қонунчилиқ органлари томонидан эмас, балки сиёсий

қарорлар билан ҳам белгилаб берилади. Улар узоқ муддатлар давомида амалга оширилади ва бошланғич даражага нисбатан ривожланишнинг энг юқори даражасини таъминлаб беради. Пул-кредит сиёсатининг умумқабул қилинган стратегик мақсадлари таркибида юқори бандлик, иқтисодий ўсиш, нархларнинг, фоиз ставкаларининг, молиявий бозорларнинг, валюта бозорларидаги айирбошлаш курсларининг турғунлигини санаб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётининг трансформацияси жараёни давом этаётган шароитларда вазифаларнинг турли-туманлиги бир хил мазмунга эга мақсадларни танлаб олиш имконини бермайди. Устувор стратегик мақсад замонавий бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган параметрларга эга иқтисодий тизимни яратишдан иборат. Бироқ бундай жуда ҳам глобал мақсад бозор ислохотларининг ҳар бир босқичи учун, уларни ҳақиқатан ҳам амалга оширишни таъминлаб бера оладиган ўз мақсадлар тизимини белгилаб олишни шарт қилиб қўяди.

Стратегик мақсадларга тобе бўлган пул-кредит сиёсатининг оралиқ мақсадлари уларга эришишни таъминлаб бериши керак. Оралиқ мақсадлардан фойдаланиш пул-кредит сиёсати чора-тадбирларига иқтисодиётнинг таъсирчанлигини ва олинган ахборотларга монанд жавоб қайтара олишини аниқлашга имкон беради. Асосан, оралиқ мақсадлар бир йил ва ундан зиёд муддатга мўлжалланади. Ўрта муддатли монетар стратегияларга эришиш мақсадида кредит, валюта ва давлат қарзлари бозорида оптимал конфигурацияларни шакллантириш кўпроқ оралиқ мақсадларга тегишли бўлади. Ўзбекистонда ўрта муддатли монетар стратегия ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш учун кенг имкониятлар берадиган рақобатбардош, юқори технологик корхоналарни ривожлантиришга инвестицияларни молиялаштиришни таъминлашга йўналтирилиши керак.

Пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадларига қисқа муддатларда эришилади, уларнинг белгиланиши ва уларга эришиш — тўлиқ Марказий банк тасарруфидадир. Тактик мақсадлар қисқа муддатли тавсифга эга ва пул бозори параметрларини тартибга солиш жараёнида амалга оширилади. Марказий банклар иқтисодий конъюнктурага таъсир кўрса-

тиш ва оралиқ мақсадли йўналишларга эришиш учун валюта курсидан фойдаланиш, фоиз ставкаси ва пул массасини ўзгартириши самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда тактик мақсадларни белгилаб берадилар.

Стратегик мақсадларга оралиқ ва тактик мақсадларни мунтазам равишда ўзаро мослаштириш ва мувофиқлаштириш орқали эришиш мумкин. Инқироз шароитларида пул-кредит сиёсатининг экстремал хусусияти давлатнинг иқтисодийга аралаштириш кўламларини оширишни ва тартибга солишнинг маъмурий усулларидан фойдаланиш соҳасини кенгайтиришни зарурий шарт қилиб қўяди.

Ҳозирги вақтда иқтисодий сиёсатда яқин йиллар ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни белгилаб берувчи иккита оралиқ вектор намоён бўлмоқда. Инновацион вектор миллий иқтисодий юқори технологиялар ва инновациялардан фойдаланган ҳолда модернизация қилиш йўналишида бормоқда. Иккинчи вектор инфляцияга қарши курашни кучайтиришга қаратилган. Мана шунинг учун ҳам пул-кредит сиёсатининг асосий муаммоси — инфляцияни кескин кучайтириб кетишига йўл бермаган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ва инновацион тараққиёт учун инвестицияларни молиялаштиришни кенгайтириш усулларини излашдан иборат. Бир қараганда бу мураккаб масалага ўхшайди. Чунки инфляция тўғрисидаги классик тасаввурга кўра, нархларнинг ўсиши пул айланиши тезлиги ўзгармаган ҳолда пул таклифининг ошиб бориши (кредитлашнинг кенгайиши) билан боғлиқ.

Ҳақиқатда, замонавий иқтисодий билимлар учун хос бўлган кўп ҳолатларда акс вазият кузатилмоқда — янги технологиялардан фойдаланиш кўламларининг кенгайиб бориши билан уни ишлаб чиқариш харажатлари бир бирлик самара ҳисобига тўғри келадиган инвестицияларнинг ҳажми камайиб боришига боғлиқ ҳолда (дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳаттоки нолгача) жадал пасайиб бормоқда. Бу эса инновацион фирмаларга олинадиган барча фойдани нархларни пасайтиришга йўналтирган ҳолда, ўз товарларини бозорда сотишни максималлаштириш стратегиясини танлаб олишга ёрдам беради.

Динамик ривожланаётган мамлакатлар учун хос бўлган нархлар барқарор ва ҳаттоки пасайиб борган ҳолда ҳам пул

массасининг тезлик билан ўсишини мана шу орқали тушунтириш мумкин. Янги технологияларнинг жорий этилиши натижасида, одатда, нархларнинг пасайиши кузатилади, айна вақтда эса монополистларнинг ўз манфаатларини ўйлаб қилаётган ҳаракатлари уларни ошишига олиб келмоқда.

Ўз-ўзидан маълум, пул массасининг ва пул айланиши тезлигининг ўзгариши нархлар динамикасига мувофиқ таъсир кўрсатса-да, бироқ у чизиқли пропорционал боғлиқлик тавсифига эга эмас, гарчи у монетаристик айният сифатида кўринса ҳам¹.

Реал иқтисодиётда бу таъсир ФТТ, табиий ва нотабиий монополиялар, инфляция кутишлари ва иқтисодий агентларнинг жамғаришга мойиллиги ва бошқа омиллар таъсиридаги мураккаб нарх шаклланиш жараёнлари оқибатидир.

Жаҳон банки экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар муомаладаги пуллар миқдори (ЯИМга нисбатан фоизларда ифодаланган пул массаси) билан инфляция даражаси ўртасида муайян тескари корреляция мавжудлигини кўрсатди², муомалада пул қанча кам бўлса, инфляция даражаси шунча юқори.

Ҳақиқатда, пул массасининг берилган динамикасида иқтисодиётдаги инновация ва монопол таркибий қисмларнинг уйғунлашувига боғлиқ равишда товарлар массасининг ўзгариши каби нархлар ўсиши ҳам, пасайиши ҳам мумкин. Агар биринчиси устунлик қилса, пул таклифининг ўсиши муайян чегараларгача нархларнинг пасайиши ва товар ишлаб чиқаришининг ўсиши билан бирга кузатилади. Иккинчиси етакчилик қилганда, ҳаттоки муайян меъёрларгача пул массаси қисқарганда ҳам нархларнинг ўсиши ва товарлар таклифининг пасайиши кузатилади.

Шу сабабли ривожланган ва жадал ривожланаётган, иқтисодиёти мураккаб тузилишга эга мамлакатларда пул таклифи пул миқдорини маъмурий режалаштириш йўли билан тартибга солинмайди, балки билвосита тартибда, иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш учун пулга эҳтиёжидан келиб

¹ $MV = PY$, бунда: M — пул массаси; V — пул массасининг айланиш тезлиги; P — нарх индекси; Y — иқтисодиётдаги реал маҳсулот.

² Бузгалин А.В., Колганов А.И. Введение в компаративистику (Исследование и сравнительный анализ социально-экономических систем: методология, теория, применение к переходным экономикам). — М., 1997.

чиққан ҳолда — пулни тартибга солувчи муассасалар томонидан тижорат банкларини қайта молиялаштириш учун берилувчи кредитлар бўйича фоиз ставкалари (қайта молиялаштириш ставкалари) миқдори орқали амалга оширилади. Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда инфляцияни монетар ва номонетар таркибий қисмларга ажратиш механизми мавжуд, деган тасаввур юзага келади.

Инновацион ривожланиш йўлига ўтиш шароитларида пул-кредит сиёсатининг янги методологияси қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим.

1. Пул эмиссиясини ишлаб чиқариш соҳалари томонидан пулга бўлган талабга кўра олиб бориш керак. Пул таклифининг бош канали — тижорат банкларини қайта молиялаштириш, асосий тартибга солувчи — фоиз ставкаси (қайта молиялаштириш) бўлиши лозим.

2. Инфляцияга қарши кураш табиий монополиялар хизматлари нархи ўсиб кетишининг олдини олиш, шунингдек, монополияга қарши кескин сиёсат ўтказишни ҳам ўз ичига олиши шарт.

3. Инфляциянинг пасайишини иқтисодий ўсишнинг ва юқори технологияларни ривожлантиришнинг дастлабки шarti сифатида эмас, балки иқтисодиётни модернизация қилиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича барча тартибга солувчи институтларнинг доимий саъй-ҳаракатлари натижаси сифатида тавсифлаш керак.

4. Ривожлантириш институтлари орқали, ИТТКНИ субсидиялаш ва бошқа методлардан фойдаланган ҳолда инновацион фаолликни инвестицияларни кредитлаш, венчур молиялаштириш билан ҳар тарафлама рағбатлантириш зарур.

Шубҳасиз, Марказий банк мустақил тарзда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтиш муаммосини ҳал эта олмайди ва этиши ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари, у одатда, асосий мақсад инфляцияга қарши курашдан иборат деб ҳисоблайди ва бунда монетар кўрсаткичларни таргетлаш тартибини ёки инфляцион таргетлашни танлайди. Бироқ бунда Марказий банк бир қатор объектив тўсиқларга дуч келади.

Тўлақонли инфляцион таргетлаш тартибини амалга оширган мамлакатларда марказий банк тўғрисидаги қонунларга

бир қатор ўзгаришлар киритилган бўлиб, уларга мувофиқ, маҳаллий тартибга солувчига нарх барқарорлиги сақлаб туриш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон Марказий банкида пул-кредит сиёсатининг якуний мақсади бўйича бу каби қатъийлик мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги қонунига кўра маҳаллий тартибга солувчи мақсадлар хилма-хил. Қонуннинг учинчи бандига мувофиқ Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалар қаторида: монетар ва валюта сиёсатини амалга ошириш, ҳисобкитобларнинг самарали тизимини таъминлаш, банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш, Молия вазирлиги билан биргаликда — бюджетни кассавий бажарилиши, олтин-валюта захирасини бошқаришни санаб ўтиш мумкин. Шундай қилиб, Ўзбекистон МБ бир вақтнинг ўзида бир нечта қарама-қарши вазифаларни ҳал этиш мажбурияти билан тўқнашади.

Мақсадлар қарама-қаршилиги, хусусан, банк секторини барқарорлаштириш учун тартибга солувчи банкларга ликвидлик тақдим этиш, айти вақтда эса миллий валюта — сўм курсини ҳимоя қилиш учун уни қайтиб олиш кераклиги билан боғлиқ.

Идеал ҳолатда Ўзбекистон МБ ўзининг ҳақиқий имкониётларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли йўналишларини мустақил равишда белгилаб олиши ёки уларни шахсан ишлаб чиққандан сўнг ҳукумат билан мувофиқлаштириши керак. Валюта курси сиёсати ва иқтисодий ўсишнинг мақбул суръатларини муҳокама қилишда ҳам айнан шунга ўхшаш вазият юзага келади.

Марказий банк манфаатлар қарма-қаршилигига ҳам дуч келади. Классик мисол — инфляцияга қарши курашда фоиз ставкаларини ошириш талаб этилади, бироқ бу эса, айти вақтда, Марказий банкнинг тартибга солиш мажбурияти бўлган баъзи банкларнинг молиявий шароитларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай шароитларда Марказий банк тартибга солувчи меъёрларни бироз бўшаштириши, ёки инфляцияни чеклаш бўйича ҳаракатлардан воз кечиши мумкин.

Айнан мана шу ерда пул-кредит сиёсатининг стратегик, оралиқ ва тактик мақсадларга ажратилиши юз беради. Ўзбекистон МБ стратегик мақсади миллий валютани ва иқтисо-

дий ўсиш барқарорлигини қўллаб-қувватлашдан иборат экан, деган тўхтамга келамиз. Оралиқ — инвестицион-инновацион моделга ўтиш ва модернизация қилиш мақсадларида иқтисодиётни инвестициялашнинг тактик кенгайтиришдан иборат. Тактик мақсадлар доирасида асосий вазифа — иқтисодиёт реал секторини кредитлашнинг кенгайтирилишидир. Ҳар йили Ўзбекистон МБ томонидан ишлаб чиқиладиган «Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари»га мувофиқ, пул-кредит сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг бир бўлими сифатида кўриб чиқилади. Бу каби ёндашув доирасида рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсатини ўтказиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Марказий банк Европа Марказий Банки ва Федерал захира тизми каби ўзининг асосий — сўнгги босқич кредитори ролини бажариш билан чекланиб қолмай, балки танлаб олиш йўли билан қайта молиялаштиришни ҳам таъминлаб бериши лозим, бунда танлов корхоналарнинг кредитни қайтара олишга қодирлик тамойили эмас, балки уларнинг иқтисодий тараққиётга қўшадиган ҳиссаси бўйича амалга оширилиши лозим. Бизнинг фикримизча, қайта молиялаштиришнинг бундай, иқтисодий ўсишни мультипликацияловчи маҳаллий тизимини, яъни инвестициявий (узоқ муддатли) қайта молиялаштириш тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Уни узоқ муддатли қайта молиялаштиришнинг инновацион тизими деб аташ жоиз. Мавжуд жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, у бевосита Марказий банк томонидан ва махсус ажратилган давлат институтлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Миқдор учун Марказий банк ўрта ва кичик банкларни 2—3 йил муддатга алоҳида тармоқ ёки минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга молик лойиҳаларни кредитлаш мақсадида қайта молиялаштириши мумкин. Узоқ муддатли мақсадли қайтариладиган молиялаштириш мақсадларида маблағларни тақдим этиш тижорат банклари доирасида кредит линиялари очиш орқали амалга оширилиши мумкин, тақдим этилган мақсадли кредитлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқлари улар учун кафолат бўлади.

Шунингдек, инфляцияга қарши кураш бўйича селектив чораларни ҳам кўриш лозим: монополияга қарши тартибга солиш ва бошқа инфляцияга қарши сиёсатнинг номонетар

чораларини кескинлаштириш; юқори технологик сектор, инновациялар, ижтимоий хизматлар сектори ва инфратузилмасини ривожлантириш каби, бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг самарадорлигини оширади.

Бунинг учун қўллаб-қувватловчи бюджет институтлари ва иқтисодиётнинг юқори технологик секторларини ва инновацион фаол корхоналарни кредит билан раҳбатлантириш тизимларини, жумладан, ривожлантириш институтлар тизимини яратиш зарур. У қуйидагилардан иборат бўлади: 1) турли солиқ имтиёзлари; 2) маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўғридан-тўғри субсидиялар; 3) иш ҳақи (хусусан, ижтимоий солиққа тортиладиган) фондларини бюджет томонидан субсидиялаш; 4) ҳукумат томонидан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун банклар томонидан жалб этиладиган инвестиция кредитлари бўйича фоиз ставкаларини бюджет томонидан субсидиялаш; 5) юқори технологик ва инновацион фаол корхоналар томонидан жалб этиладиган кредитлар бўйича давлат кафолатлари. Бу каби барча номонетар тавсифга эга чора-тадбирлар иқтисодиёт самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсатини кучайтиради, параллел равишда «харажатлар инфляцияси»нинг пасайишига ҳамда юқори технологик, инновация асосида иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ёрдам беради.

5.2 Инновация фаолиятини жадаллаштириш шароитида нарх шаклланишини тартибга солиш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти инновацион тараққиёт йўлига ўтиб бораётган шароитларда, айниқса, хом ашё ва энергетика бозорларида нархларнинг барқарорлашуви катта аҳамият касб этади. Нархлар даражаси инвестиция-инновация фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади, бу эса ишлаб чиқариш соҳасида ва инновацион маҳсулотларни реализация қилишда хавф-хатарларнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Нархлар барқарорлигини ошириш давлат томонидан нарх шаклланишини тартибга солиш механизмига, шунингдек, товар ва хизматларнинг энг муҳим бозорларида рақобат даражасига кўп томонлама боғлиқ.

Умуман олганда, нархлар шаклланишининг давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини улгуржи ва истеъмол нархлар динамикаси бўйича баҳолаш мумкин. Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2002–2009 йиллар давомида монополиялар таъсири остида улгуржи ва истеъмол нархларнинг нотекис ўсиши кузатилган (24-жадвал).

24-жадвал

**2002–2010 йиллар давомида
Ўзбекистон Республикасидаги нарх ва тарифлар
индекси**

Номланиши	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)	121,6	103,8	103,7	107,8	106,8	106,8	107,8	107,4	107,3
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархлари индекси (СМИЧНИ)	136,7	127,1	126,5	128,1	124,0	110,9	107,7	129,5	116,4
Юкларни ташиш тарифлари индекси (ЮТТИ)	186,2	130,1	158,9	119,6	102,5	111,3	180,2	100,6	125,0
Юридик шахслар учун алоқа хизматлари учун тарифлар индекси	159,5	121,1	100,1	104,7	93,1	101,7	180,0	105,0	105,3

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган¹.

Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) 2002–2008 йиллар учун 173,6%ни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархлари индекси (СМИЧНИ) – 417,0%, юкларни ташиш тарифлари индекси (ЮТТИ) – 946,4% ни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархларининг (айниқса, хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурсларининг) ва юкларни ташиш тарифларининг юқори даражада ўсиб кетиши истеъмол бозоридаги нархларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, бу эса маблағларнинг қайтарилмаслик хатарининг ошиб кетиши туфайли миллий иқтисодийётдаги инновацион фаолликни заифлаштиради.

Саноат тармоқларидаги нархларнинг динамикаси таҳлили 2002-2008 йиллар давомида нархларнинг энг юқори ўсиши электр энергетикасида (823,1%) ва ёқилғи (808,7%) сано-

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика маълумотномаси, 2009 йил учун. – Тошкент, 2010. – 36-б.; Ўзбекистон иқтисодийёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень, 2006 й. январь-сентябрь учун. ИИТМ. – Тошкент, 2006. – 20-б.

атида кузатилганини кўрсатмоқда (25-жадвал). Шунга боғлиқ равишда, бизнес муҳит яратиш, миллий иқтисодийётни мақбул тарзда модернизация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадларида саноат маҳсулотларининг (биринчи навбатда, ёқилғи саноати ва электрэнергетикада) монополь бозорларида нархларнинг асосий равишда ўсиб кетишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

25-жадвал

2002–2010 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси

Тармоқлар	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Саноат	136,7	127,1	126,5	128,1	124,0	110,9	107,7	129,5	116,4
Электро-энергетика	156,5	159,4	163,3	119,2	109,0	114,1	136,3	106,9	113,0
Ёқилғи	146,0	148,5	131,6	177,2	121,4	116,8	112,8	122,6	110,7
Қора металлургия	165,8	123,6	113,9	116,7	100,9	104,7	114,7	163,0	111,7
Рангли металлургия	150,4	132,7	172,9	159,2	167,9	97,4	39,1	237,5	109,4
Кимё ва нефть кимёси	138,9	129,3	125,9	112,2	107,4	112,0	133,3	99,0	117,2
Машина-созлик	122,7	98,7	106,6	110,5	114,1	103,4	112,8	101,7	115,6
Қурилиш материаллари саноати	139,1	118,6	121,0	122,7	134,0	111,7	116,6	101,0	120,8
Енгил	137,9	137,8	108,9	109,1	114,6	113,7	121,1	110,5	126,9
Озиқ-овқат	118,9	107,5	114,4	108,9	121,3	120,6	133,4	112,4	119,2

Манба: Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган¹.

Кейинги йилларда кузатилган саноат истеъмолчилари учун электр энергияси тарифларининг ўсиши энг муҳим маҳсулотларнинг мазкур тури бўйича ички ва жаҳон нархлари нисбатининг ўзгаришида ҳам ўз аксини топди. Агар 2000 йилгача бўлган даврда бу нисбат жаҳон даражасининг 10–15%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг декабр ойида бу нисбат — истеъмол қуввати 750 кВА гача бўлган саноат корхоналари учун тахминан 33,36%, ва қуввати 750 кВА дан зиёд бўлган хўжалик субъектлари учун эса 36,40%га тенг бўлди (26-жадвал). Электр энергияси ва бошқа асосий товарлар ички нархларининг ўсиши иқтисодийётнинг деярли барча соҳаларидаги нархлар динамикаси ва мувозанатига таъсир кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика маълумотномаси, 2009 йил учун. — Тошкент, 2010. — 36-37-б.; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2006 йил. Ўздавстатқўм. — Тошкент, 2007. — 75-б.

Асосий товарларнинг ички ва жаҳон нархлари нисбати (2009 йилнинг август-сентябрь ҳолатига кўра)

Номланиши	Ички баҳоси	Жаҳон баҳоси	Ички баҳосининг жаҳон нархларига нисбати, %
Мис, (АҚШ долл./тонна)	8896,8	9211,0	96,6
Пахта толаси, (АҚШ долл./тонна)	3940,6	3558,5	110,7
Табиий газ: (АҚШ долл./1000 куб. метр) – улгуржи истеъмолчилар учун	56,0	150,0	37,3
Электр энергияси: (АҚШ долл./ Квт.соат) – саноат учун 750 кВА дан зиёд)	0,04	0,11	36,40
– саноат учун (750 кВА гача)	0,05	0,15	33,33
Автобензин 98-маркали АҚШ долл./1 литр)	1,07	1,91 (Европада) 0,91 (АҚШда)	56,02 117,6

Манба: Муаллиф томонидан ОАВ ва интернет маълумотлари асосида тузилган¹.

Жадвалдан миснинг ички биржа баҳоси 2010 й.да жаҳон нархларидан 96,6% ни ташкил этди, бу эса ўз фаолияти давомида хом ашёнинг ушбу туридан фойдаланадиган саноат сектори (кабель, музлаткич, бошқа электротехник товарлар ишлаб чиқарувчи) корхоналаридаги хатарлар даражасини жиддий ошишига олиб келади. Шунингдек, тўқимачилик саноатида ҳам инвестиция хатарлари кучаяди, сабаби пахта толасининг ички баҳосининг ўсиши эшилган ип, матолар ва бошқа халқ истеъмоли товарларининг қимматлашиб кетишига сабаб бўлади. Юқори сифатли автобензин ички баҳосининг жаҳон нархлари даражасига етиб олиши автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар учун қимматлаштирувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда миллий иқтисодиётда қарор топган нархларнинг барқарор ўсиш динамикаси фаолият кўрсатиб турган корхоналарда яратилган ишлаб чиқариш салоҳияти-

¹ www.uzex.com; Деловой партнер Узбекистана, 6–12 август 2009 й. Ҳисоб-китобларда миллий валютанинг АҚШ долларига курси ЎзР МБ томонидан 2010 й. декабрига белгиланган 1 АҚШ доллари = 1640 сўм курсда амалга оширилган.

ни модернизация қилиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Масалан, 2002—2008 йиллар оралиғида умуман иқтисодиёт бўйича асосий фондларнинг эскириши 35,5%дан 41,8%га ошди (27-жадвал). Бунда ушбу давр ичида саноатдаги эскириш даражаси 41,7% дан 46,5% гача, қишлоқ хўжалигида — 33,5% дан 53,5%гача кўтарилди. 2008 йилда транспорт соҳасида бу кўрсаткич 38,5%га, алоқада — 35,2%, қурилишда — 37,2%га етди. Аини вақтда, шуни таъкидлаш жоизки, 2008 йилда эскириш даражасининг пасайиб бориши сезилди. Шунга қарамай, гарчи миллий иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича қўлланилаётган чора-тадбирларга қарамай, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида ҳануз асосий фондлар эскиришининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда.

27-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларидаги асосий фондлар эскириши, 2002—2008 йиллар учун, %да

Тармоқлар	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
жами	35,5	40,4	40,9	43,7	43,6	44,1	41,8
шу жумладан							
— саноат	41,7	46,7	45,8	49,5	47,6	47,3	46,5
— қишлоқ хўжалиги	33,5	37,6	40,1	41,9	50,9	53,9	53,5
— транспорт	28,4	32,5	33,0	34,9	37,2	38,5	35,2
— алоқа	48,0	55,4	51,1	40,3	38,0	38,9	37,2
— қурилиш	45,2	50,4	41,8	41,6	39,5	40,7	24,7
— савдо ва умумий овқатланиш	29,3	33,7	34,8	34,1	31,6	32,2	29,0
— фан ва илмий хизмат кўрсатиш	50,0	55,6	56,3	51,9	52,4	48,4	47,7

Манба: Муаллиф томонидан ЎзР Давлат статистика қўмитаси статистик маълумотлари тўпламлари асосида ҳисобланган¹.

Хом ашё ва энергия нархларининг ошиши экспорт таркибида юқори технологик маҳсулотлар улушини кўпайтириш учун рағбатлантирувчи омил бўлолмади. Агар, Ўзбекистон экспорти ҳажмининг ўсиши 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 102,4%ни ташкил этган бўлса, энергия ва нефть маҳсулотлари экспорти — 142,2%, машина ва жиҳозлар — 38,4%, кимё саноати маҳсулотлари — 90,9%ни ташкил этди². 2009

¹ Финансы Узбекистана 2009. — Тошкент, 2010. — С.50—51 (бюджет ва сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхона ва микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликларисиз).

² Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009 г. / Госкомстат РУз. — Ташкент, 2010. — С. 13.

йилда машина ва жиҳозларнинг экспортдаги улуши фақат 2,9%ни ташкил этган бўлса, энергия манбалари бўйича — 34,2% га тенг бўлди. 2010 йилда экспорт таркибида энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари ҳиссаси 24,8%ни, пахта толаси — 11,3%, қора ва рангли металллар 6,8%, хизматлар 9,1%ни ташкил этди¹.

2009 йилда саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида электроэнергетика, ёқилғи ва рангли металлургия саноати улуши 42,1%ни ташкил этди. (2010 йилда — 38,9%) Айни вақтда, машинасозлик ва металлсозлик маҳсулотларининг ҳиссаси 2009 йилда фақат 16,2% (2010 йилда — 16,2%), озиқ-овқат саноати — 11,2% (2010 йилда — 12,6%), кимё ва нефть кимёси — 4,7% га (2010 йилда — 5,1%) тенг бўлди. Бу эса миллий иқтисодиётда хом ашёга йўналганлик ҳануз устун эканидан далолат беради.

Иқтисодиётнинг реал секторидида инфляция даражасига энергия манбалари баҳосининг ўсиб бориши, миллий валюта айирбошлаш курсидаги девальвация ва иш ҳақининг ошиб бориши катта таъсир кўрсатмоқда. Истеъмол секторидида нархларнинг ўсиши асосан харажатлар инфляцияси, монетар ва бошқа номонетар омиллар таъсири остида юз бермоқда. «Харажатлар-ишлаб чиқариш» моделидан фойдаланиб бажарилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, устувор тармоқлардаги нархларнинг «жадал ўсиши тақсимотнинг навбатдаги босқичларида, яъни айнан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда харажатларнинг ошиб кетишига олиб келмоқда, бу эса ўз навбатида, уларнинг рақобатбардошлигини пасайтириб юборади. Масалан, озиқ-овқат саноатида юқори даражада монополлашган тармоқларда фақат нархларнинг ўсиш омили ҳисобига кейинги йилларда харажатлар 71%га кўпайди, қурилишда — 78%га, машинасозликда — 26%га кўтарилди»². Иқтисодиётнинг 2006—2010 йиллардаги ривожланишида ушбу тенденция, умуман олганда, ўзгаришсиз қолмоқда.

Айни вақтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қимматлашиб кетишига мавжуд қонунларга мувофиқ «давр ха-

¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009 г. / Госкомстат РУз. — Ташкент, 2010. — С.14.

² Конкурентная политика — основа экономического роста // Народное слово, 29 мая 2008 г.

ражатлари» таркибига киритиладиган харажатларнинг ўсиб кетиши ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда (28-жадвал). Масалан, 2002 йилдан бошлаб 2008 йилгача бўлган даврда саноат корхоналарида асосий фаолият бўйича умумий харажатлар ичида уларнинг улуши 18,8 дан 23,3%гача кўпайди¹. Давр харажатлари маъмурий ва савдо харажатларни, операцион (амалий) харажатларни, шунингдек, айрим солиқлар, мажбурий чегирмалар ва хайрия тўловларини ўз ичига олади. Айтилиши вақтда, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи бу даврда 76,0%дан 73,1%гача, молиявий фаолият бўйича харажатлар 5,1% дан 3,5%гача пасайди. Шунга боғлиқ ҳолда, харажатларнинг ўсишига сабаб бўлаётган омилларни, шу жумладан, уларни оптималлаштириш ва давр харажатларни чуқур таҳлил қилиш талаб этилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш фаолиятида ҳозирги вақтда ҳам, гарчи солиқ ва бошқа имтиёзлар тақдим этилсада, хатар даражаси юқориликча сақланмоқда. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда ишлаб турган 245,2 минг корхонадан (фермер хўжаликларидан ташқари) фақат 10,8% саноат ишлаб чиқариши соҳасида фаолият юритишини шунга боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳам ўз фаолиятларини саноат соҳасида етарли даражада амалга ошираётганлари йўқ. 2009 йилга оид статистик маълумотларга кўра, кичик бизнес субъектлари томонидан ЯИМнинг тахминан 50,1% (2010 йилда — 52,5%) миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилган ва бундан фақат 16,9% саноат ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келади. Бу эса иқтисодиётнинг мазкур тармоғидаги юқори хатарлар (шу жумладан — нарх бўйича) билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш-техникавий аҳамиятга эга маҳсулотлар ва юклар ташиш нархининг кескин кўтарилиб кетишига кейинги йилларда табиий монополиялар ва монополист-корхоналар фаолияти соҳасида нархлар шаклланиши устидан давлат томонидан назоратнинг сустлашиб кетиши ҳам асосий сабаблардан биридир. Бу ҳолат тўловларнинг амалга оширилмаслиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида паст

¹ Финансы Узбекистана. 2008 тўплами асосида ҳисобланган. ЎЗР Давлат статистика қўмитаси, 2008 й. — 119-б.

рентабелликнинг юзага келиши, истеъмол товарлари ва хизматларни харид қилиш учун аҳолининг тўлов қобилиятининг етарли эмаслиги каби муаммоларнинг кескинлашиб кетишига олиб келади.

28-жадвал

2002–2008 йилларда Ўзбекистон саноат корхоналаридаги харажатлар таркиби*, %да

Кўрсаткичлар	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Харажатлар, жами							
ҚҚС ва акцизларсиз:	100	100	100	100	100	100	100
1. Ишлаб чиқариш таннари	76,0	76,8	75,7	71,4	69,5	72,0	73,1
2. Давр харажатлари	18,8	19,0	19,7	25,3	26,9	25,1	23,3
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар	5,1	4,1	4,6	3,3	3,6	2,8	3,5
4. Алоҳида (фавқулодда) зиёнлар	0,1	0,1	0,0	0,0	0,0	0,1	0,1

* Маълумотлар бюджет, суғурта, савдо, таъминот-маиший ташкилотлар, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда келтирилади.

Манба: *Статистика тўплами маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган*¹.

Монополлашган иқтисодиёт шароитида эркин нархлар ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва унинг самарадорлигини ошириш омили бўлавермайди. Инвестициялаш учун энг самарали тармоқлар қаторида капиталнинг айланиш тезлиги катта ва қиммат ускуналарнинг жиҳозларнинг ўз нархини қоплаши, хом ашёнинг, материаллар ва бутловчи қисмлар ўрнини тўлдириш билан боғлиқ хатарлар кам бўлган ёқилғи-энергетика комплекси (ЁЭК), транспорт, алоқа, савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи соҳаларни санаб ўтиш мумкин. 2009 йилги статистика маълумотларига кўра, саноат соҳасига йўналтирилган жами (маҳаллий ва хорижий) инвестицияларнинг катта қисми ЁЭК га тўғри келди (14,0%). Айни вақтда, металлургия соҳасига 4,1%, машина-созликка — 2,7%, енгил саноатга — 1,4%, озиқ-овқат саноатига — 1,5% йўналтирилган. Бу йил эса хорижий инвестициялар ва кредитларнинг катта қисми транспорт ва алоқа

¹ Финансы Узбекистана: 2008 и Финансы Узбекистана: 2009. — Госкомстат РУз.

соҳасига (55,4%), конлар геологияси ва разведкасига (13,5%), ЁЭК (12,1%) тўғри келди¹.

2010 йилда Ўзбекистонда 9,7 млрд. доллар эквивален-тида инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ЯИМнинг 25% га яқини ташкил этади². Инвестицияларнинг 72% ишлаб чиқариш корхоналари қурилишига сарф этилди, шундан 38% га яқини ускуналар ва илғор технологияларни олишга сарфланди. Барча манбалардан техник ва технологик қайта қуролланиш учун сарфланган инвестициялар 3,6 млрд. долларга тенг бўлиб, у 2010 йилда киритилган барча капитал қуйилмаларнинг 37,8%ни ташкил этди.

Шунга боғлиқ равишда давлат иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга умумий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, миллий иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларида инвестиция-инновация фаоллигини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши зарур. Бизнинг фикримизча, юқори технологик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш мақсадларида нархларни шакллантириш ва солиққа тортиш механизмларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келади. Хом ашё товарлари, ёқилғи-энергетика ресурслари, шунингдек, алоҳида стратегик ва ижтимоий муҳим бўлган товар (хизмат)лар нархлари шаклланишини тартибга солиш муаммоси айниқса долзарб тус олиб бормоқда. Устувор тармоқларда, одатда, монополизм сақланиб қолмоқда. Истеъмол бозорида рақобат даражаси юқори ҳисобланади ва шундай экан, «талаб ва таклиф» нархи тўлиқ даражада ўз рағбатлантирувчилик функциясини (юқори ликвидликка эга товарлардан ташқари) амалга оширади.

Ўзбекистонда нархларни эркинлаштириш жараёнлари рақобат шартларини ривожлантиришга боғлиқ равишда босқичма-босқич амалга оширилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда нархларнинг жуда кўп турлари бўйича бозор нархи ус-

¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009 год. Статистический сборник. — Госкомстат Узбекистана, 2010. — С. 27.

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги нутқи / Халқ сўзи, 2011 й. 22 январь, № 16.

тун. Давлат табиий монополиялар, монополист корхона маҳсулотларининг, шунингдек, стратегик ва ижтимоий муҳим товарлар (хизматлар)нинг алоҳида турлари нархларини тартибга солиш ҳуқуқига эга. Табиий монополиялар субъектлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, нархларни асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек бошқа вазифалар ечимини топиш мақсадларида 2010 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикасининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси сифатида қайта ташкил этилди. Қарор топган ташкилотнинг энг муҳим вазифаларидан бири монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунларга риоя этиш устидан назорат ўрнатишдан иборат. Шунингдек, ушбу Фармонга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлиб, уюшманинг вазифаси иқтисодиётнинг мазкур соҳаси корхоналарини технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва уни жаҳон ҳамда маҳаллий бозорларга олиб чиқишда уларга ёрдам кўрсатишдан иборат. Бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацион фаолиятни жадаллаштириш учун замин яратади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги Қарорига мувофиқ Молия Вазирлиги тузилмасида Нархни белгилаш йиғма бошқармаси² ташкил этилди. Ушбу бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги №ПФ-4191 сонли «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони / Халқ сўзи, 27 январь 2010 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги №ПФ-1293 сонли «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Фармони. Интернет-ресурс.

а) нарх шаклланиши, монополист корхоналар, табиий монополиялар субъектлари товарлари (ишлари, хизматлари)нинг монопол нархларининг чекли даражасини декларация қилиш, уларнинг асоссиз равишда ўсишининг олдини олиш масалалари бўйича ягона давлат сиёсатини ўтказиш;

б) табиий монополиялар субъектлари ва монополист корхоналар товарлари (ишлари, хизматлари) таннархи таркибини чуқур таҳлил қилиш, маҳсулотларнинг энергия ва материаллар талабини камайтириш йўли билан уларнинг харажатларини оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

в) товарлар бозорларида, шу жумладан сўнги истеъмол маҳсулотлари нархлари динамикасининг тизимли мониторингини юритиш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида, уларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, нарх шаклланишига монопол нархлар ва тарифларнинг таъсирини таҳлил қилиш;

г) монополист корхоналар ва табиий монополия субъектлари товарлари (ишлари, хизматлари)нинг асоссиз тарзда ўсиб кетган нархларини камайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сотишнинг оптимал механизмини аниқлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

д) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан у билан ҳамкорликни таъминлаш.

Тақдим этилган ҳисоб-китоблар, декларация қилинадиган нархларининг асосланганлик предметида кўра табиий монополия субъектлари ва монополист корхоналар фаолиятини ҳамкорликда текшириш ҳуқуқи Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси зиммасига топширилган.

Ҳозирги кунда республикада ягона нарх шаклланиши сиёсатини ўтказиш бўйича махсус идора (Молия вазирлигининг Нархни белгилаш йўзма бошқармаси) ташкил этилганини эътиборга оладиган бўлсак, унинг зиммасига топширилган вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқ воситалар (инструментарий)ни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келади, хусусан, табиий монополиялар субъектлари ва монополист корхоналар маҳсулотлари нархини тартибга со-

лиш соҳасида ҳам. Яратиладиган рағбатларни монопол корхоналар фойдаси ва харажатларнинг асоссиз равишда ўсишини чеклашга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш юқори даражада ихтисослашган шароитларда фақат ишлаб чиқариш таннархини эмас, балки қўшилган харажатлар (ҚХ) ва маҳсулотнинг тўлиқ таннархи (ТТ) миқдорини ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. ҚХ хўжалик юритувчи субъект ходимларининг иш ҳақи ва асосий воситаларнинг амортизация чегирмаларини ўз ичига олади. ҚХ хўжалик юритувчи субъектнинг технологик жараённинг мувофиқ босқичидаги ишлаб чиқариш харажатларида бевосита «иштироки»ни тавсифловчи кўрсаткич деб ҳисоблаш мумкин. Шунга боғлиқ равишда ҚХ суммасини тартибга солинадиган нархлар бўйича монополистлар томонидан сотиладиган маҳсулотлар рентабеллигининг максимал ва минимал даражасини аниқлаш учун асос сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналар ва тармоқлар миқёсида «қўшилган харажатлар» кўрсаткичинини аниқлаб олиш ахборот ва статистик салоҳиятни кенгайтириш имконини беради, бу эса монопол маҳсулотлар бозорларини тартибга солишнинг самарали мослашувчан механизмларини ишлаб чиқиш, тармоқлараро эквивалент алмашинувни шакллантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятини асосли баҳолаш, солиққа тортиш тизимини яхшилаш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Таклиф этилаётган ёндашув айни вақтда амалдаги, ишлаб чиқариш таннархи ва давр харажатлари асосида белгиладиган нархларнинг шаклланишини тартибга солиш механизминини инкор этмайди, балки уни тўлдиради.

Нархлар шаклланишини тартибга солишнинг таклиф этилаётган модели моҳияти шундан иборатки, монопол бозорларда «тенг ҳажмли капиталга тенг ҳажмли фойда» ёндашуви ўрнига «тенг ҳажмли қўшилган харажатларга тенг ҳажмли фойда» тамойилидан фойдаланиш тавсия этилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятини нарх чайқовидан (хом ашё ва бошқа юқори ликвидли товарлар сотиб олишда) воз кечиб, ишлаб чиқариш харжатлари ва нархларни

камайтириш, инновацион технологияларни жорий этишга йўналтиришга имкон яратади. Нархлар шаклланишини тартибга солиш бўйича таклиф этилаётган механизмларга мувофиқ юзага келаётган нархларни «ишлаб чиқариш харажатлари нархлари» деб аташ мумкин, сабаби уларнинг миқдори оптимал харажатлар миқдори бўйича белгиланади. Ўз маҳсулотларини мазкур нархлар бўйича сотадиган корхоналарнинг оладиган фойдаси миқдори, бошқа монанд шароитларда, кўп жиҳатдан қўшилган харажатлар кўламларига, яъни ишлаб чиқаришнинг бевосита харажатлари даражасига боғлиқ бўлади.

«Ишлаб чиқариш харажатлари» нархларининг шаклланиши моделида маҳсулот нархи ва таннархи ўртасидаги узвий алоқа назарда тутилади, бу эса табиий монополиялар ва монополист корхоналар маҳсулотлари баҳосини тартибга солиб туриш учун ягона методологик асосни яратишга имкон беради. Маълумки, уларнинг катта қисми иқтисодиётнинг хом ашё ва ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларида фаолият кўрсатади. Ҳозирги вақтда монополистлар фаолиятини тартибга солиш жараёни (нархларнинг декларация қилиш, монополь бозорларни белгилаб олиш ва бошқалар) жуда мураккаблашиб кетмоқда ва бу иқтисодиётнинг асосий тармоқлари маҳсулотлари улгуржи нархларининг мунтазам ўсиб боришида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳўжалик субъектлари учун бир хил рақобат шароитларини яратиш мақсадларида, сарф ва харажатларнинг (шу жумладан, солиқ ва чегирмалар учун тўловлар) элементларини аниқ таснифлашга имкон берадиган нарх шаклланиш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сарф ва харажатларнинг таснифи ишлаб чиқариш таннархини, тўлиқ таннархни тезкор ҳисоблаб чиқиш, шунингдек, мувофиқ юридик шахс учун солиқ юклари даражасини аниқлаш учун шароит яратиб бериши лозим. Бизнинг фикримизча, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан фойдаланганлик учун барча турдаги тўловларни нархларнинг шаклланишида «моддий ва уларга тенглаштирилган харажатлар» гуруҳига киритиш лозим. Бундай ҳолатларда маҳсулотнинг рентабеллигини ҳисоблашда белгиланган нормативлар бўйича ушбу тўловлар, шунингдек, корхонанинг моддий ва бошқа ресурсларни харид қилиш

харажатлари олинадиган фойда миқдорига таъсир кўрсатмайди. Бу маҳсулот рентабеллигининг чекли кўрсаткичларини (минимал ва максимал) ҳисоблаш ва ундан фойдаланишни сезиларли равишда енгиллаштириб, ундан нархларининг шаклланиши давлат томонидан тартибга солинадиган ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланиш мумкин бўлади. Монополист корхонанинг асосий фаолият тури бўйича белгиланган рентабеллик даражаси чегарасида (минимал ва максимал) маҳсулот сотишдан олган фойдаси суммасини «нормал фойда» деб аташ мумкин. «Нормал фойда» миқдори корхонага фойда солиғи тўлаш, шунингдек, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, инновация фаолиятини жадаллаштириш ва ресурсларни тежаш учун шароит яратишга имкон беради. Маҳсулот рентабеллигининг юқори чегарасини кўтариш ҳисобидан олинган фойда («қўшимча фойда») нинг бир қисми давлатга ўтказилиши ва мувофиқ марказлаштирилган фондларда жамғариб борилиши (масалан, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси) лозим.

Ҳар бир бозор шакли учун нархларни шакллантириш бўйича танлаб олинган механизмларга боғлиқ равишда тартибга солиш методлари таснифини асослаб бериш талаб этилади. Монопол бозорларда «ишлаб чиқариш харажатлари» нархларини шакллантирувчи моделдан келиб чиқадиган қуйидаги бевосита ва билвосита воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: харажатлар ва рентабелликнинг чекли меъёрларини белгилаш, сотув ва харид нархларини қайд қилиш, маҳсулот баҳосидаги иш ҳақи улушини тартибга солиш, пул массаси ва тўловга қодир талабни ўзгартириш, нархларни декларация қилиш, истеъмол товарлари харид қилиш ҳисобкитобларида пластик карточкалардан фойдаланиш, товар ва хизматлар учун табақалаштирилган истеъмол солиғини жорий этиш, корхоналарнинг меъёрдан ортиқ харажатларини солиққа тортиладиган фойдага киритиш, биржа савдосини ривожлантириш, моддий-техник ресурслар ва тайёр маҳсулотларни тўғридан-тўғри етказиб беришни ташкил этишга ёрдам кўрсатиш ва бошқа методлардан фойдаланиш. Монопол товарлар гуруҳига хом ашё тармоқларида ишлаб чиқариладиган барча турдаги маҳсулотлар, шунингдек, ёқилғи-энергетика мажмуасининг, юк ва йўловчи ташиш транспорти,

истеъмол бозори ва бошқа алоҳида товар (хизмат)лар турини киритиш мақсадга мувофиқ.

Харажатлар даражаси билан бевосита боғлиқ бўлмаган «талаб ва таклиф» нархлари шаклланадиган бозорларда рақобатни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш асосида нархларнинг шаклланишида ўзини-ўзи тартибга солишнинг бозор механизмидан фойдаланиш тавсия этилади.

Нархлар шаклланиши, рақобатни ривожлантириш ва ҳимоя қилишни тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари билан фойдаланганда қишлоқ хўжалиги билан саноат маҳсулотлари ўртасида, иқтисодиётнинг устувор ва улар билан боғлиқ тармоқлари ўртасида бозор тамойилларига асосланган тенг қийматли товар алмашинуви шароитларини яратиш имкони юзага келади. Мувозанатлаштирилган тармоқлар аро алоқаларга эришиш натижасида нафақат кичик корхоналарда, балки йирик хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ишлаб чиқариш қувватлари оширишга имкон туғилади. Нархлар шаклланишининг давлат томонидан тартибга солиш, хўжалик субъектлари ва истеъмолчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ишларини амалга оширишда ёрдам берувчи воситалар рўйхатининг аниқлиги ва очиқлиги давлат ва бизнес ўртасида солиқ юклари даражаси бўйича ва иқтисодий рағбатларнинг ролини ошириш ҳамда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлиги кўтариш каби бошқа масалалар юзасидан ўзаро муроасага келиш учун асос яратади.

Нархлар шаклланишини давлат томонидан тартибга солиш жараёни хом ашё ва ёқилги-энергетика ресурслари, инсон салоҳияти баҳосини босқичма-босқич оширишга ва айни вақтда — меҳнат воситалари, технологиялар ва инновациялар қийматини пасайтиришга, аҳоли учун энг зарур товар ва хизматларга (шу жумладан, тиббиёт, таълим, маънавий ва маданий камол топиш соҳаларида) эга бўлиш имкониятини кўтаришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Бунда жаҳон нархларининг кескин кўтарилиб кетишининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсирини юмшатовчи воситаларни жорий этиш зарур. Юқори технологик маҳаллий товарларнинг нарх бўйича рақобатдошлигини ошириш мақсадларида божхона расмийлаштирилиши, маҳсулотни стандартлаштириш, сертификатлаш, транспорт харажатлари, шунинг-

дек, «давр харажатлари»ни камайтиришга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, ёқилғи-энергетика ресурслари ва бошқа асосий товарлар нархларининг барқарорлигини оширишга ёрдам берувчи иқтисодий воситаларни ишлаб чиқиш лозим, бу эса ўз навбатида, инновация фаолиятини жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

5.3. Инновация жараёнларига солиқ механизмнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш

Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни қарор топтириш учун шароитлар яратиш мақсадида инновацияларни яратиш, жорий этиш ва тижоратлаштиришни фаоллаштиришга ёрдам берувчи имкониятларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Инновация жараёнларини ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи сабаблардан бири амалдаги солиққа тортиш механизмларининг мукамал эмаслиги ҳисобланади. Солиққа тортиш механизми инновация фаолиятини жадаллаштириш учун зарур бўлган маблағларни шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади, шунингдек, инвестиция хатарлари ҳам кўп жиҳатдан уларнинг ҳаракатига боғлиқ. Давлат турли фискал механизмлардан фойдаланган ҳолда, хўжалик субъектлари фаолиятини янги технологияларни жорий этиш ва ресурс сифими юқори ишлаб чиқаришларни қисқартиришга йўналтирган ҳолда, уларга бевосита таъсир кўрсата олади. Шунга боғлиқ равишда, миллий иқтисодиётда бизнес муҳитини яратиш талаб этилади, токи у фойдаланилаётган салоҳиятни модернизация қилишни жадаллаштириш, инновация фаолиятини фаоллаштириш ва ички ҳамда жаҳон бозорларида юқори технологик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ўстиришга ёрдам бера олсин.

Жаҳон амалиётида инновацияларни ишлаб чиқишга ҳамда уларни жорий этишга маблағ киритишни рағбатлантирувчи воситалардан кенг фойдаланилади. Улар орасида янги жиҳозлар ва қурилишга капитал қўйилмалар ҳамда ИТТКИ учун харажатлар суммасига мутаносиб бўлган фойда солиғи имтиёзлари; баъзи турдаги ускуналарни сотиб олишга сарф-

ланган харажатларни жорий харажатларга киритиш; кичик инновацион корхоналар фойдасини (ёки тушумини) энг паст солиқ ставкалари бўйича солиққа тортиш имтиёзлари қўлланилади. Одатда, ушбу имтиёзлар ИТТКИ ўтказиш ва янги техника, ускуна ва технологияларни жорий этишга инвестицияларни йўналтирадиган компанияларга тақдим этилади. Бу имтиёзлар компаниянинг ҳисобланган фойда солиғи суммасидан чиқариб ташланади. Имтиёз миқдори жорий этиладиган техника қийматига нисбатан фоизларда белгиланади ва Японияда 53%ни (электрон техника ва жиҳозлар учун), Буюк Британияда 50% (техника, технология ва материаллар ва ҳ.к.дан фойдаланишнинг биринчи йили учун), Канадада 10–15% (компаниянинг мамлакатнинг ўзлаштирилган ёки ўзлаштирилмаган ҳудудида жойлашганлигига боғлиқ равишда) ва Ирландияда 100%ни ташкил этади.

Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кенгайтириш учун мақбул иқтисодий шароит яратиш мақсадларида, сўнгги йилларда солиқ тизими чуқур ислоҳ қилинмоқда. Изчиллик билан солиқ ставкалари ва мажбурий тўловларни пасайтириш ва мақбуллаштириш сиёсати олиб борилмоқда. 2008 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабридаги ХҚ-744-сонли қарорига мувофиқ солиқ тизимига жиддий ўзгартишлар киритилди ва янги Солиқ кодекси қабул қилинди¹.

Янгиланган Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар жорий қилинган. Солиқлар қуйидагилардан иборат: юридик шахслар фойдасидан олинadиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ҚҚС, акциз солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мулк солиғи, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободончилик солиғи, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун жисмоний шахслардан олинadиган солиқ.

Мажбурий тўловлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: ягона ижтимоий тўлов, бюджетдан ташқари Пенсия

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари» Фармони, 12 декабрь 2007й. № ПФ-744.

жамғармасига фуқаролик суғурта бадаллари, Республика йўл фондига мажбурий тўловлар, Республика йўл фондига ажратмалар, давлат божи, божхона тўловлари, муайян турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва алоҳида хизматлар турларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиш учун тўловлар.

Юқорида санаб ўтилган солиқлар ва мажбурий тўловлар барча учун жорий қилинган солиқлар ҳисобланади. Улар билан бир қаторда солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибда тўланадиган солиқлар ҳам мавжуд: ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорик фаолиятининг алоҳида турлари учун қатъий белгиланган этилган солиқ. Шунингдек, Солиқ кодексига мувофиқ давлатнинг умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида қонуний тартибда мажбурий тўловларни ўрнатиши мумкин бўлган алоҳида фондлар ҳам ташкил этилиши кўзда тутилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда солиқ тизимида жиддий ислохотлар амалга оширилди. Солиқ юкининг ЯИМга нисбатан 20,8% гача изчиллик билан пасайтириб борилиши Ўзбекистон Республикасининг Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам берди. Ҳозирги кунда улар тўғрисида маълумотга эга бўлган 177 давлатнинг 91 тасида солиқ юки Ўзбекистонга нисбатан юқори¹. Дания, Швеция, Бельгия, Францияда солиқ юки ЯИМга нисбатан 40%, Россияда — 34,9%, Белоруссияда — 27,5%, Қозоғистонда 26,7%ни ташкил этади.

Ўзбекистонда умумий солиққа тортиш тизими бўйича фаолият юритаётган корхона ҳозирги кунда 10 тагача турли солиқ ва тўловлар (ер ости бойликлари солиқлари, акцизлар, бошқа ўзига хос тўловлардан ташқари) тўлайди. Соддалаштирилган солиқ механизмлари қўлланиладиган хўжалик юритувчи субъектлар одатда, икки турдаги солиқ — ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловни амалга оширади. Мутахассисларнинг берган баҳоларига кўра солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимидан юридик шахс ҳисобланган солиқ тўловчилар умумий миқдорининг тахминан 95% фойдаланади².

¹ Манба: Index of Economic Freedom /www.heritage.org/index/Download.Aspх.

² Наумов Ю. Налоговая система Узбекистана: сравнительный анализ / Налоговые и таможенные вести, 15 апреля 2010 г. — С. 6—7.

Нархларни шакллантиришда солиқлар, божлар ва мажбурий тўловларнинг бир қисми нархга устама нарх (билвосита солиқлар) сифатида ҳисобга олинади, бошқалари эса — ҳўжалик юритувчи субъектлар фойдасидан олинади ёки «давр харажатлари»га ёки «ишлаб чиқариш таннархи»га киритилади. Фойда ҳисобидан солиқ тўловчилар учун солиққа тортиладиган фойдани ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги технологик жиҳозларни харид қилиш, мазкур мақсадлар учун берилган кредитларни қайтариш, амортизация маблағини чиқариб ташлаган ҳолда лизинг объектлари қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтириш ҳуқуқи берилади. Солиққа тортиладиган база юқорида қайд этилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик жиҳозлар бўйича эса — у фойдаланишга тадбиқ этилгандан бошлаб, уч йил давомида (2010 йилдан — беш йил) камайтириб борилади¹. Шунингдек, «келгуси давр»да солиқ тўловчиларнинг солиққа тортиладиган даромадидан янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари; барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) билан боғлиқ харажатлар; асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ ушлаб қолинади³.

2010 йилнинг февраль ойида солиққа тортиш тизимига қўшимча киритилган бўлиб, унга кўра юридик шахслар фойда-

¹ Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. 159-модда, 4-пункт.

² Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонуни. 2009 йил 25 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2009 йил 4 декабрда Сенат томонидан маъқулланган / Халқ сўзи, 31 декабрь 2009 й.

³ Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. 146-модда, 1, 2, 4-п.

сидан олинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар фойда (даромад, тушум) фаолиятнинг қайси туридан олинганидан қатъи назар, солиқ солинадиган фойданинг барча суммасига нисбатан қўлланилади¹. Ушбу ҳужжатга мувофиқ имтиёзларнинг амал қилиш муддатини ошириш ҳам кўзда тутилади, фақат бунинг учун уларнинг суммаси солиқ солинадиган фойданинг 30%дан ошмаслиги керак.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган база ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик ускуналарнинг қийматига тенг миқдорда, беш йил муддатга камайтирилади². Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида тўлиқ озод этилади. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди³. Мазкур тадбирлар бизнеснинг мавжуд салоҳиятни янгилашдан манфаатдорлигини янада оширади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш йўлига ўтган солиқ тўловчилар учун солиқ базасини янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтиришни кўзда тутувчи янги солиқ имтиёзи жорий этилган. Ҳисоблаб чиқарилган сумма солиқ солинадиган базанинг 25%дан ошиб кетмаслиги керак. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади⁴. Ушбу тадбир ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар учун аҳамиятли ёрдам бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишни ра-

¹ Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида : Молия вазирлиги, Иқтисодийёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат бож қўмитаси Қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2010 й. 15 февралда тасдиқланган № 1688-2).

² Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. 269-модда, 16-п.

³ Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. 269-модда, 4-п.

⁴ Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. 356-модда.

фбатлантиришга қаратилган воситалар орасида кўрилган зарарларнинг айримларини тақсимлаб ўтказиш механизми ажралиб туради. Солиқ кодексида таъкидланишича, «солиқ тўловчи кўрилган зарарларни ушбу зарар кўрилган солиқ давридан бошлаб кейинги беш йил ичида келгусига тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир»¹. Ушбу Кодексда назарда тутилган, чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади. Жорий солиқ даврига ўтказилиши лозим бўлган ўтган давр зарарлари мавжуд бўлган тақдирда солиқ солинадиган база кўрилган зарар суммасига камайтирилади. Ушбу механизм ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, янги технологияларни жорий этишга, янги маҳсулот турларини яратишга катта миқдорда маблағлар сарф қиладиган корхоналар учун айниқса муҳим. Сабаби жорий солиқ давридаги катта харажатлар зарарларга сабаб бўлади, бироқ келгуси даврларда уларнинг ўрни тўлиқ равишда қопланиб кетади.

Инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулларини ривожлантиришнинг янги босқичи 2008 йилнинг 15 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши билан боғлиқ². Ушбу меъёрий ҳужжатга мувофиқ илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг миқёсларда жорий этишни таъминлаш мақсадида модернизация қилиш ва янги технологиялар жамғармалари яратилмоқда. Уларни шакллантиришнинг асосий манбаларини хўжалик субъектларининг амортизация чегирмалари ва соф фойдасининг маълум қисми ҳамда буюртмачилардан келадиган мақсадли тушумлар ташкил этади. Модернизация қилиш ва янги технологиялар жамғармаларига йўналтириладиган маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан илмий-амалий тадқиқотлар, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тажриба-конструкторлик ишларини молия-

¹ Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси. 161-модда, 128-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори 15 июль 2008 йил. № ПҚ-916.

лаштиришда ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш мақсадларида фойдаланилади¹.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари 2013 йилнинг 1 январига қадар фойдадан олинadиган солиқ, ягона солиқ тўлови, ҚҚС ва хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини бажариш қисмига давлат мақсадли жамғармалари (фондлари) мажбурий тўловларидан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) озод қилинади². Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича модернизация қилиш доирасидаги илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари учун келтириладиган жиҳозлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун тўловдан ташқари) озод этилган.

2010 йилда Ўзбекистон солиқ сиёсати мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан мувофиқ равишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, унинг инновацион йўналтирилишини кучайтиришни рағбатлантиришга қаратилиши кўзда тутилди³. 2009 йилда фойда солиғи ставкасининг 10%га, 2010 йилда 9%га пасайтирилиши натижасида корхоналар тасарруфида тахминан 52 млрд. сўм тежалишига сабаб бўлди, бу эса уларга ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва асосий воситаларини модернизация қилишни жадаллаштиришга ёрдам беради. Кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси мувофиқ равишда 8% дан 7% гача пасайтирилди, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадларида амалга оширилмоқда.

¹ ЎзР Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 15 июль 2008 й. № ПҚ-916.

² Ўша ерда. 8-п.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари» тўғрисидаги Фармони, 22 декабрь 2009й. № ПФ-1245.

Айни вақтда, 2010 йилда табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадларида ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 1,15 мартага, ягона ер солиғи ставкаси — 3,5% дан 5% гача кўтарилди. Ушбу тўловларнинг кўтарилиши ҳисобига олинган маблағлар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхишлашга сарфланади. Шунингдек, мазкур солиқларнинг оширилиши ер-сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишга, ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш йўллариини излаш ишларини жадаллаштиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион тараққиёт йўлига ўтишни рағбатлантирувчи фискал механизмлар яратилмоқда. Тақдим этилаётган кўп сонли солиқ имтиёзлари маълум даражада иқтисодийнинг алоҳида тармоқларида инновация фаолиятини жадаллаштиришга ёрдам бермоқда. Айни вақтда эса, улар рақобат механизмнинг таъсирини заифлаштиради, Давлат бюджетига маблағлар тушумини чеклаб қўяди. Шунга боғлиқ ҳолда, ҳозирги вақтда, иқтисодий макроиқтисодий тартибга солишнинг энг муҳим вазифаси, бизнинг фикримизча, жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланиш, инсон ва табиат учун хавфсизлигини таъминлаш, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш шартлари асосида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун шароитлар яратишдан иборат.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда, нафақат бюджет маблағларини барқарор шакллантириш омили бўлган, балки ёқилғи-энергетика ресурслари ва бошқа энг муҳим товарлар нархининг барқарорлашувини оширишга таъсир кўрсатувчи нарх шаклланишининг ўзига хос барқарорлаштирувчиси бўлиб ҳисобланган иқтисодий воситаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодийнинг ушбу сектори маҳсулотлари нархининг барқарорлашуви инвестициялар ва инновация фаолиятини кенгайтиришга ёрдам кўрсатиши керак, сабаби бунда инновация жараёнларига хизмат кўрсатувчи субъектларда инфляция билан боғлиқ инвестиция хатарлари камаяди. Фискал барқарорлаштирувчилар

сифатида фойдали қазилмалардан, ер, сув ва бошқалардан фойдаланганлик учун тўловларнинг «сузиб юрувчи» ставкаларидан, махсус жорий этилган механизмлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу фискал воситалар таъсири қуйидагича бўлиши мумкин: жаҳон нархлари даражаси жиддий ўзгариб турган вақтда, шунингдек, асосий товарларни ишлаб чиқариш харажатларининг ошиб кетишига олиб келувчи қандайдир бир ички омиллар таъсири кучайганда барқарорлаштирувчи тўловлар ставкасини пасайтириш лозим. Бундан ташқари бевосита солиқ ставкаларини пасайтириш билан чекланиб қолмай, балки билвосита солиқлар ва мажбурий тўловлар (ҚҚС, акцизлар, фойдадан ва иш ҳақи фондидан олинадиган мажбурий тўловлар) томонидан ҳам солиқ юкини аста-секин қисқартириб бориш кўзда тутилади. Бизнинг фикримизча, буни биринчи навбатда юқори даражали ишлов бериладиган юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида амалга ошириш зарур, бу унинг нарх бўйича рақобатбардошлигини ўсиб бориши ҳамда ишлаб чиқариш кўламлари кенгайишида акс этади.

Жаҳон нархларининг беқарорлиги билан бирга кузатиладиган интеграция жараёнлари кучайиб бораётган шароитларда миллий иқтисодиётнинг (айниқса, юқори технологик фаолият соҳалари) ривожланишига уларнинг кескин ўсиши (пасайиши)нинг салбий таъсирини камайтирувчи ўзгарувчан фискал воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Модомики, кўпгина маҳаллий корхоналар хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, комплектловчи ва бошқа материаллар, тайёр маҳсулотлар етаказиб бериш бўйича қисқа муддатли ва узоқ муддатли импорт ва экспорт шартномалари билан узвий боғланган эканлар, ҳар қандай нарх ва валюта котировкалари ўзгаришлари жуда тезлик билан уларнинг ишлаб чиқариш-молиявий аҳволига, шунингдек, инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятларига ўз таъсирини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқаришга инновация лойиҳаларини ва технологияларини жорий этишни рағбатлантирувчи фискал барқарорлаштирувчи ва бошқа механизмлардан фойдаланиш миллий иқтисодиётни модернизация қилишни жадаллаштиришга ва унинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бериши аниқ.

Кейинги йилларда қабул қилинган чора-тадбирларга қарамай, юридик шахсларни солиққа тортиш тизими аввалгидек, етарли даражада рағбатлантирувчи тавсифга эга эмас, сабаби Давлат бюджетининг катта қисми соф фискал тўловлар: ҚҚС, акцизлар, нобюджет фондларга мажбурий тўловлар ва бошқалар ҳисобидан шаклланмоқда. Мажбурий тўловларнинг солиққа тортиладиган базасини маҳсулотларни сотишдан тушган фойда ёки товар айланмаси ташкил этади. Ушбу тўловлар бўйича, одатда, хўжалик субъектлари солиқ имтиёзларига эга эмаслар. Шундай экан, фойдадан олинадиган солиқ, юридик шахслар мулк солиғи бўйича имтиёзлар корхона тасарруфида қоладиган соф фойда миқдорига сезиларли таъсир кўрсата олмайди.

Ушбу тўловлардан фойдаланиш солиқ механизмнинг мослашувчанлигини пасайтиради, нархларнинг ўсишига сабаб бўлади (айниқса, қўшилган қиймати юқори товарларнинг), давлатнинг ресурсларни тежаш ва экологик барқарорлик сиёсатини амалга ошириш имкониятларини заифлаштиради, ички бозор истеъмолчиларининг кўплаб турдаги энг зарур маҳсулотларига эга бўлишига йўл бермайди.

Иш ҳақи фондининг қайта-қайта турли солиқлар, тўловлар ва чегирмалар тўлашга мажбур этилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини оширмаган ҳолда, ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақини ўстириш имкониятларини камайтиради, бу эса инфляциянинг кучайишига олиб келади.

Юридик шахслар учун мулк солиғидан фойдаланиш иқтисодиётнинг реал секторига ҳамда бошқа тармоқлардаги (ушбу солиқ бўйича имтиёзга эга бўлган айрим корхоналардан ташқари) асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш жараёнларини амалга оширишни чеклайди.

Ҳозиргача ер ва сувдан фойдаланганлик учун тўланадиган ресурс солиқларининг ресурсларни тежаш функцияси тўлиқ равишда бэажарилмайди. Бу кўп томонлама қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг мазкур тўловлардан тўлиқ озод этилиши ёки уларни тўлаш бўйича катта имтиёзларга эга эканлиги (кичик тадбиркорлик субъектлари, фермерлар), шунингдек, ушбу солиқ ставкалари эса билвосита тўловлар ва мақсадли фондларга мажбурий тўловларга нисбатан анча пастлигича сақланиб қолиши билан боғлиқ.

Интеграция жаараёнлари ўсиб бораётган бир шароитларда солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ. Солиқ ва тўловлар тизими солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчилар сонини ошиши, бир хилдаги рақобат шароитларини яратиш, иқтисодиётнинг расмий соҳаларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кенгайтириш асосида бюджет маблағларини аҳамиятли даражаларда кўпайтириш учун шароит яратиб бериши лозим. Солиқлар ва тўловларнинг янги таснифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб¹, бунда инновацион йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш босқичида солиқлар ва тўловлар ҳал этиши зарур бўлган аниқ вазифаларини ҳисобга олиш ҳамда уларни ҳисоблашнинг самарали механизмларини яратиш лозим.

Солиқларнинг янги таснифини ишлаб чиқишда Давлат бюджети даромадларининг қайси турлари солиқ тўловчилар учун рентали хусусиятга, яъни муайян бир хизмат учун субъектнинг давлатга ҳақ тўлаш тавсифига эга, қайсилари — хўжалик юритувчи субъектнинг (жисмоний ёки юридик шахслар) соф фойдасининг бир қисмини олиб қўйиш каби соф фискал, рағбатлантирувчи ёки мувофиқлаштирувчи тавсифга эга эканини аниқ ва асосли тарзда аниқлаб олиш зарур. Солиқлар, нобюджет фондларга тўловлар ва ажратиладиган маблағлар бўйича солиққа тортиш механизми, шунингдек, уларнинг нархларнинг шаклланишида акс этиши ва молиявий натижаларнинг юзага келиши кўп томонлама мана шунга боғлиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, солиқ тизими миллий ишлаб чиқаришни рақобатбардошлигини ва инновацион йўналтирилганлигини оширишга ҳамда тармоқлараро товар айирбошлашда қиймат бўйича мувозанатга эришишга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган нархлар шаклланишида, ресурслар тежамкорлиги, экологик барқарорлик ва ижтимоий тараққиётга эришиш сиёсатини амалга ошириш соҳаларида давлат стратегияларини эътиборга олиши лозим.

Биз ўйлаймизки, солиқ ислохотларининг янги босқичида хўжалик субъектларининг иқтисодиётнинг расмий соҳала-

¹ Методологические основы инвестиционного обеспечения инновационного развития национальной экономики (промежуточный отчет отчета «Инвестиционно-инновационные проблемы» за январь-декабрь 2009г.). — С.65—70.

рида фаолиятини максимал кенгайтириш ва тенг рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бериш керак. Мана шу мақсадларда солиқ юки даражасини нафақат пасайтириш, балки барча кучларни нафақат кичик корхоналар, балки барча юридик шахслар учун ўзгарувчан, соддалаштирилган солиқ солиш механизмини яратишга қаратиш лозим. Шундай вазиятга эришиш керакки, бунда қандайдир бир солиқ ёки бошқа имтиёзларни тақдим этмаган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган схемасидан фойдаланиш самарали бўлсин.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳам йирик, ҳам кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар фаолиятини солиққа тортиш механизмини максимал даражада яқинлаштириш мақсадга мувофиқ, чунки бу инновация фаолиятини фаоллаштиришга, рақобат учун бир хилдаги шароитларни яратишга ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, юридик шахслар учун солиқ тизимини иқтисодийда қарор топган ишлаб чиқариш ихтисослашуви даражасини ҳисобга олган ҳолда яратиш жоиз. Билвосита солиқлар технологик занжирнинг фақат энг сўнгги босқичида — охириги истеъмол маҳсулотини раелизация қилишда ҳисобланиши, бевосита фойда ва ресурс солиғи эса корхоналар томонидан ишлаб чиқаришнинг ва маҳсулот реализация қилишнинг барча босқичларида тўланиши лозим.

Сув ресурслари учун солиқни фақат сув хўжалиги корхоналари («сув тақсимловчилар») тўлашлари, сувдан фойдаланувчи бошқа барча хўжалик субъектлари эса сувни истеъмолчига етказиб бериш харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги қийматини тўлашлари керак. Бунда сув солиғини ресурс тўловларида ҳисобга олиш (сув хўжалиги корхоналари учун), сув ресурсларини сотиб олиш харажатларини — моддий харажатларга қўшиб ҳисоблаш керак (бошқа барча юридик шахслар учун). Ресурсларни тежашга қаратилган стратегияни амалга оширишда ресурс тўловларининг ролини кучайтириш мақсадларида солиқ имтиёзлари қўлланиладиган соҳаларни аста-секин қисқартириб бориш (уларнинг амал қилиш муддатларини узайтирмаслик ва янги имтиёзларни жорий этмаслик) керак.

Инновация фаолиятини жадаллаштириш учун шароитлар яратиш мақсадларида шунингдек:

— асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни тезлаштиришни мўлжаллаган ҳолда, амортизация сиёсатини қайта кўриб чиқиш;

— ташкилотлар ва корхоналарга илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш мақсадида келгуси харжатлар захираларини яратиш учун имкониятлар бериш;

— инновацион корхоналар учун уларга хизмат кўрсатишнинг алоҳида шароитларини ҳамда бухгалтерия ва статистик ҳисоботлар топширишнинг электрон шакллариغا ўтишни назарда тутган ҳолда солиқ расмиятчиликларининг қулай шароитларини яратиш ишларини олиб бориш зарур.

Янги қоидаларга кўра, гарчи ҳозирги вақтдаги механизм шароитларида амал қилаётган солиқ имтиёзлари мавжуд бўлмасадда, солиқ тўловчи учун солиқ юки енгиллаштирилган тақдирдагина, солиққа тортиш тизимининг энг юқори самарадорлигига эришиш мумкин бўлади. Бундай ҳолатларда, хўжалик юритувчи субъектларнинг катта қисми узоқ муддатли истиқболда рақобат учун бир хилдаги шароитларни яратувчи барқарор солиқ тизимидан фойдаланишни маъқул деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этиб ўтилган тамойилларга асосланиб ишлаб чиқилган солиқ тизими анча ўзгарувчан, соддалаштирилган ва нисбатан юқори рағбатлантирувчи тавсифга эга бўлади. Таклиф этилаётган солиқ тизими шароитида хом ашё ресурслари ва «меҳнат» қийматининг кўтарилишини рағбатлантиришга, ишлаб чиқариш жиҳозларининг, технологиялар, янгиликлар ва ахборотлар нархини пасайтиришга имкониятлар яратилади. Бу эса ички бозорда чиқараётган маҳсулотлари сифатига ўсиб бораётган талабларни ўз вақтида эътиборга оладиган ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисида қайғурадиган маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг барқарор, мувозанатлаштирилган, рақобат нархларини шакллантириш учун дастлабки шартшароитлар яратилишига кенг йўл очади. Бу миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга мақбул таъсир кўрсатади. Айни вақтда, нарх конъюнктурасининг жаҳон нархларига тезкор муносабат билдириши учун имконият юзага келади, бу эса ўз навбатида, ички бозорлардаги нархларнинг кескин «ўзгариши»нинг олдини олишга ёрдам беради.

Инновацион йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришда тавсия этилаётган ёндашувни амалга ошириш, бизнинг фикримизча, расмий иқтисодиёт соҳасини кенгайтиришга,

«нархнинг» ресурсларни тежаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини қўллаб-қувватлаш воситаси сифатидаги ролини кўтаришга имкон беради.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадларида 5—10 йил мобайнида хом ашё ва энергия манбаларининг баҳосини жаҳон даражасига босқичма-босқич яқинлаштириб бориш мақсадга мувофиқ. Айни вақтда, маҳаллий корхоналар фаолияти импорт хом ашёси ва энергия манбалари асосида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилиши зарур. Бундай вазиятда кўпгина маҳаллий, айниқса — тикланмайдиган табиат ресурслари келажак авлодлар учун сақлаб қолинади. Энг муҳим товарлар нархларининг босқичма-босқич кўтариб борилиши ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар маҳсулотлари учун солиқ юкининг камайтириб борилиши, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторидида ресурстежамкор ва инновацион лойиҳаларни ишга тушириш билан бир вақтда амалга оширилиши лозим. Бундай ҳолатларда хом ашё ва энергия ресурсларининг қимматлашиб бориши истеъмол нархларининг ўсиб кетишига, шундай экан, инфляциянинг кучайиб кетишига олиб келмайди. Бу мувофиқ равишда, таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётда фаолиятнинг юқори технологик соҳалари маҳсулотлари улушининг ошишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, бозорнинг алоҳида бўғинларидаги рақобат шароитларининг етарли бўлмаган даражалари, глобализация таъсирлари, инновацион иқтисодиётни шакллантириш зарурияти, жаҳон иқтисодиётининг беқарорлиги солиққа тортиш тизимининг самарали механизмларини жорий этишни шарт қилиб қўймоқда. Солиққа тортиш соҳасидаги ислохотлар фақат солиқ юкини камайтиришга олиб келиши керак. Солиққа тортиш тизими миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг инновацион йўналтирилганлигини кучайтиришга қаратилган давлат нарх сиёсатининг йўналишларини эътиборга олиши керак. Солиққа тортишнинг мослашувчан тизимини қўллаш шароитларида нарх омили миллий иқтисодиётнинг хом ашёга йўналтирилганлигини енгиб ўтиш ва инновацион технологияларни жадал жорий этишда ўзининг рағбатлантирувчи функциясини янада кучайтиради.

VI БОБ

МИЛЛИЙ ИННОВАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ЖАҲОН ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ МУАММОЛАРИ

6.1. Республика инновация салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва инновация соҳасида интеграция жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари

Глобаллашув жаҳонда юз бераётган замонавий жараёнларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади ва ҳар қандай муҳим ҳодиса каби янгидан-янги имкониятлар тақдим этиш билан бир қаторда янги хатарларни ҳам олиб келади. Ривожланаётган бозор иқтисодиётили мамлакат бўлмиш Ўзбекистон глобаллашув жараёнига кучли таъсир кўрсата олмайди, балки рақобатбардош миллий иқтисодиётни шакллантирган ҳолда унга фақат мослашиб бориши мумкин.

Шунга боғлиқ равишда, жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб бораётган бир вақтда барқарор ривожланишга ўтиб бориш давлатлараро ва халқаро даражаларда мамлакат ичидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги босқичини шакллантиришни назарда тутди. Шу сабабдан бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш шароитларида миллий иқтисодиётни технологик модернизация қилиш асосида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш масалалари республиканинг 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида энг устувор ўринни эгаллайди. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муваффақиятли стратегияси, энг аввало, реал шароитларни объектив баҳолаш ва иқтисодий тизим рақобатбардошлигини тушунишга янги методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлади. Бозор шароитларида турли поғоналардаги иқтисодий тизимларнинг фаолият кўрсатишининг мажбурий омили сифатида рақобатбардошликни тан олишга асосланган тизим-

ли методологик ёндашув миллий иқтисодиётни модернизация қилишнинг яхлит тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида қарор топиши миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги ўсиб бораётган шароитларда юз бермоқда. Жаҳон тартиблари ўзгариб бораётган бир шароитда бундай тенденциялар миллий иқтисодиётларнинг рақобат устунликларидан фойдаланиш муаммоларини биринчи даражали вазифа қилиб қўяди.

Республикадаги иқтисодий модернизация динамикаси ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий муносабатлар трансформациясида, миллий бозорнинг жаҳон бозорининг таркибий қисми сифатида шаклланиб боришида, Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий ўзгаришларида ва инновацион соҳанинг институционал асосларининг мустаҳкамланиб боришида ўз ифодасини топаётган жамиятнинг иқтисодий плюрализм томон янада кучлироқ яқинлашиб бораётганини кўрсатмоқда.

XX аср охирида инсоният ўз тараққиётида постиндустриал иқтисодиётни яратиш босқичига қадам қўйди, бунда ахборот технологиялари, компьютерлаштирилган тизимлар, юқори ишлаб чиқариш технологиялари ва уларга асосланган инновацион технологиялар, инновация тизимлари, турли фаолият турларининг инновацион ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Постиндустриал иқтисодиётни яратишда сўнгги натижа инновацион иқтисодиётни қарор топитиришдан иборат бўлиши лозим, бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши миллий иқтисодиётларнинг ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётган шароитларда юз бермоқда. Жаҳон тартиблари ўзгариб бораётган бир шароитда бундай тенденциялар миллий иқтисодиётларнинг рақобат устунликларидан фойдаланиш муаммоларини биринчи даражали вазифа қилиб қўяди.

Бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида, бозор трансформацияси юз бераётган ҳолатда иқтисодиёт рақобатбардошлиги билан миллий иқтисодиёт рақобат устунликларини белгилаб берувчи объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоларини ва Ўзбекис-

тон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг амалий жиҳатларини чуқур илмий таҳлил қилиш зарурияти очиқ-ойдин кўринмоқда.

Ҳозирги шароитларда технологияларни кенг даражада муваффақият билан ёйишда интеллектуал мулкдан тижорат мақсадларида - савдони, халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай шароитларда интеллектуал мулкнинг жаҳон ва миллий бозорлари шаклланиб боради.

Интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш янада мукаммаллаштирилган маҳсулотлар яратиш ва уларни сотиш орқали катта миқдорларда фойда олиш учун кенг имкониятлар яратади. Ривожланган (АҚШ, Германия, Япония ва бошқа мамлакатлар) ва ривожланётган (Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур ва бошқа) мамлакатлар тажрибаси бугунги кунда интеллектуал мулкни бошқариш функциясининг нақадар юқори аҳамиятга эга эканидан далолат бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг, айниқса, юқори технологиялар соҳасидаги инновацион сектори ўз моҳиятига кўра глобаллашиб бормоқда. Юқори технологияларнинг яратилиши, улар асосида товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарилиши, улар орқали жаҳон бозорларига чиқиш ва бу соҳада халқаро интеграциянинг кенгайиб бориши Фарбий Европадаги бир қатор ривожланган мамлакатлар, АҚШ, Япония ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари учун иқтисодий ўсишнинг энг муҳим стратегик моделига айланди.

Шундай экан, постиндустриализациянинг навбатдаги босқичида энг муҳим иқтисодий ўсиш ва рақобат курашидаги муваффақият манбаи интеллектуал мулк объектлари ва уларга асосланган инновациялар бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида, тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини муҳофаза қилиш ва илмий-техник тараққиётни янада ривожлантиришни рағбатлантиришни таъминлаб берувчи интеллектуал мулк тизими ролини янада оширади.

Шунингдек, фан, таълим ва саноат ўртасидаги узвий алоқалар юқори ҳуқуқий ва технологик маданият ҳамда ривожланган инновацион инфратузилма орқали таъминланади. Янги билимлар ва технологияларга эга бўлиш ҳамда улар-

дан давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфатларида фойдаланиш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва ролини, халқнинг турмуш ва миллий хавфсизлик таъминоти даражасини белгилаб беради.

Инновацион технологияларнинг ривожланиб бориши товар, капитал ва меҳнатнинг ягона жаҳон бозори шаклланишига олиб келади. Шундай бўлса-да, сўзсиз, XXI асрда геосиёсий рақобат курашида ҳар қандай давлатнинг тутган ўрнини аҳолининг маълумоти ва саломатлиги, илм-фаннинг ривожланиши, ахборот тизимларининг имкониятлари, янги технологик укладнинг энг муҳим ишлаб чиқариш-технологик тизимларининг ривожланиши, хўжалик механизмнинг юқори инновация фаоллигини юзага келтириш қобилияти белгилаб беради.

Глобаллашув ва мамлакатнинг жаҳон хўжалик муносабатларига янада чуқур интеграциялашиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион тараққиёт йўлидан бориши, мамлакат иқтисодиётининг очиқлиги миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туриш учун муҳим қурол бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик ва жаҳон меҳнат тақсимотида иштироки унинг табиий-иқтисодий, транспорт-географик, маданий-тарихий шарт-шароитлари ва имкониятлари орқали таъминлаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг таҳлил этилётган даврдаги барқарор иқтисодий ривожланиши маълум даражада республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб бориши билан ҳам боғлиқ.

2009 йилда республиканинг ташқи савдо айланмаси 21209,6 млн. АҚШ долларига етди, бу эса 2008 йилга нисбатан 11,2% га (2008 йилда 2007 йилга нисбатан 34,8%га) кўпроқдир. 2009 йилда маҳсулотлар экспорти 11771,3 млн. долларни (ташқи савдо айланмасида унинг улуши 2008 йилдаги 54,2%дан фарқли равишда 55,5%ни) ташкил этган, импорт — 9438,3 млн. долларга тенг бўлган. Бунда савдо баланси ҳажми 2005 йилдаги 1317, 5 млн. доллардан 2009 йилда 2333,0 млн. долларга етган.

Маҳсулотлар экспорти таркибида энергия ва нефть маҳсулотлари улуши 2008 йилдаги 24,7% дан фарқ қилиб,

34,2%ни ташкил этди, бу даврда пахта толаси улуши 9,3%дан 8,6%га, машина ва жиҳозлар мувофиқ равишда 7,6% дан 2,9% гача, қора ва рангли металллар 7,0% дан 5,0%гача камайган.

2009 йилда импорт таркибида машина ва жиҳозлар улуши 2008 йилдаги 52,4%дан фарқ қилиб, 56,5% га, озиқ-овқат маҳсулотлари — мувофиқ равишда 9,0% ва 8,3%га тенг бўлди, кимё маҳсулотлари улуши ҳам мувофиқ равишда пасайиб — 11,1% ва 11,6%ни, энергия ва нефть маҳсулотлари — 3,5% ва 4,6%ни, қора ва рангли металллар — 6,3% и 7,7%ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт 2009 йилда 2005 йилга нисбатан 206,7 дан 426,5 АҚШ доллариға кўпайди ёки ўсиш икки баробарни ташкил этди. Агар 2005—2007 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулотлар экспортининг ўсиш суръатлари импорт кўрсаткичидан ошиб кетган бўлса, 2008-2009 йилларда бу кўрсаткич 0,295 пунктга пасайган (29-жадвал).

29-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ва импорт динамикаси

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	2005	2006	2007	2008	2009	2005—2009 йиллардаги ўзгаришлар
Экспорт	АҚШ долл.	206,7	241,3	335,1	417,8	426,5	+219,8
Ўсиш суръатлари*	%	110,2	116,7	138,9	124,7	102,1	-
Импорт	АҚШ долл.	155,6	179,7	193,9	270,9	341,9	+186,3
Ўсиш суръатлари	%	106,1	115,5	107,9	139,7	126,2	-
Экспортнинг импортга нисбати	-	1,328	1,343	1,728	1,542	1,247	-0,081

*Изоҳ: ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари.

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2009 йилда ташқи савдо айланмасининг 37,7% МДХ мамлакатларига тўғри келган, бу эса 2008 йилга нисбатан 3,1 пунктга камроқ. Савдо айланмаси ҳажми камайишининг бош сабаби экспортнинг қисқариши бўлиб, у 2008 йилдаги 3926,6 млн. АҚШ долларидан 2009 йилда 3921,3 млн. АҚШ доллариға камайган. Бунда ташқи савдо айланмасида узоқ хориж мамлакатлари ҳисса-

си сезиларли тарзда ўсди — 2008 йилдаги 12537,8 млн. АҚШ доллардан 2009 йилда 13203,4 млн. АҚШ долларига етди. Таҳлил қилинаётган даврда хорижий мамлакатлардан келадиган импорт ҳажми ошди, бу иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви ва ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш бўйича дастурларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар харажатларини камайтиришга (Инқирозга қарши дастурнинг энг муҳим вазифалари бўлган) олиб келиш билан чекланмай, балки иқтисодиётнинг тармоқ тузилишига, турли тармоқлар ва секторлар ўртасидаги ихтисослашувни ва кооперациялашувни ривожлантиришга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун инновацион механизмдан иқтисодий ўсишнинг энг муҳим устувор омили сифатида фойдаланиш лозим. Ташқи савдога фақат қиёсий афзалликларга эга потенциал товар ва хизматларни жалб этиш билан чекланиб қолмай, балки дастлабки ҳоём ашёни қайта ишлаш технологик занжири бўйича юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ҳам яратиш талаб этилади. Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини жиддий равишда мустаҳкамлай оладиган инновацион маҳсулот ва хизматларни ҳам шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон юқори технологик замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга интилаётганини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакат инновация салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятига боғлиқ ҳолда «четдан ўзлаштириш» стратегиясидан қисман фойдаланиш зарур. Шунга боғлиқ равишда, инқироздан кейинги даврда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш бўйича вазифаларни эътиборга олган ҳолда, республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш истиқболларини белгилаш лозим.

Бунда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш давлатнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш мезони ҳисобланади, бу орқали савдо имкониятларининг кенгайиши, хорижий инвестициялар кириб келишининг сезиларли тарзда

кўпайиши, рақобатнинг кескинлашуви ва кўлам самарасига эришиш натижасида иқтисодий ўсиш суръатлари янада жадаллашади¹.

Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлиги маҳаллий технологияларга асосланган бўлиши лозим; бунга биз рақобат устунлигига эга бўлган позицияларда мавжуд кучларни тўплаш, уни ушлаб туриш ва ривожлантириш орқали эришишимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб бораётган даврда мамлакатнинг муваффақиятли ўринни эгаллаши учун максимал унумдорликка, рақобатбардошликка эришишга ва инсон капитални ривожлантиришга йўналтирилган мунтазам инновацион янгиланиш асос бўлиб хизмат қилади. Мавжуд баҳоларга кўра, ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг 50%дан 90%гача қисми инновацион ва технологик юксалиш орқали белгиланади. Инновациялар барча саноат сектори ва хизмат кўрсатиш соҳасининг мажбурий шарти ва асосий механизмига айланиб бормоқда.

Инновация фаолияти, яъни хўжалик фаолияти субъектлари томонидан илмий-техник, ташкилий, бошқарув ва бошқа янгиланган яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёнлари иқтисодиётни модернизация қилишнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Глобаллашув шароитида ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини эътиборга олган ҳолда жаҳоннинг иқтисодий ривожланишида фаннинг эгаллаган ўрнини ўрғаниш ва тушуниб етишга қизиқиш кучайиб бормоқда.

Билимлар иқтисодиётига ўтиш мамлакатда янги билимларни миллий ва глобал бозорларда ўзларининг реал истеъмолчиларини (харидорларини) топа оладиган янги технологияларга, маҳсулотлар ва хизматларга самарали тарзда айланиб боришини таъминловчи яхлит тизимни шакллантиришни талаб этади. Бунда иқтисодиёт тузилмаси фан сифими юқори бўлган ва юқори технологик тармоқлар улушининг ошиб бориши томон ўзгаради.

Замонавий технологияларсиз бозор иқтисодиёти миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ўсишини таъминлаб бера

¹ *Сиражиддинов Н.* Либерализация внешнеторговых операций и конкурентоспособность национальной экономики. // Экономическое обозрение. — Ташкент, 2004. № 11. — С.71.

олмайди. Бозор тамойилларига асосланган технологик инновацияларни қўллаб-қувватловчи давлат сиёсатининг ишлаб чиқиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиёт учун республиканинг интеллектуал салоҳиятини сафарбар этиш мақсадида инновацион ривожланиш стратегиясини яратишга назарий-методологик ёндашувларни белгилаб олиш, шунингдек, жаҳон хўжалиги глобаллашиб бораётган шароитларда мазкур жараёнларни самарали ташкил этишга ёрдам берувчи янги институционал муҳитни яратиш талаб этилади.

Мазкур стратегия давлат, хусусий бизнес ва фуқаролик жамиятлари институтларининг кучларини жамлаган ҳолда Ўзбекистоннинг истиқболда фан ва инновациялар соҳасини динамик ривожланишини таъминлаб беришига қаратилиши лозим.

Глобал рақобатда ривожланган инфратузилмага ва инновацияларни тижоратлаштириш институтларига эга мамлакат муваффақият қозонади. Ҳозирги, барча мамлакатлар, гарчи турли даражада бўлса-да, молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган бир вақтда ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни жорий этиш, бунинг ҳисобига энг кам харажатлар билан рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича чораларни ўз вақтида қўлланган мамлакатларгина энг кам йўқотишлар билан чиқа олишлари барчамизга маълум.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси биринчи босқичда ҳар қандай мамлакатда инновацион иқтисодиётнинг тўртта асосий тизимини ривожлантириш муҳим эканини кўрсатмоқда:

— иқтисодиётда жаҳон тажрибаси ва билимларидан фойдаланувчи илмий ва инжиниринг ташкилотлари;

— компанияларнинг кам харажатли ахборотларга эга бўлиши;

— аҳолининг янги ускуналар билан ишлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур билим ва малакага эга бўлиши;

— маҳаллий ва хорижий корхоналарни мавжуд технологиялардан фойдаланиш ва янгиларини яратиш учун рағбатлантирувчи ишбилармонлик муҳити.

Таъкидлаш жоизки, бутун дунё учун янги бўлган билимлар (инновациялар)ни ишлаб чиқиш учун маҳаллий инвестиция-

ларни жалб қилишдан кўра мавжуд технологияларни ўзлаштиришдан олинувчи самара юқорироқ ва унинг ўзини-ўзи қоплаши жадалроқдир. Шунингдек, иқтисодиётни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган асосий билимлар, муҳандислик қарорлари ва технологиялар хорижда мавжуд ва анчадан буён қўллаб келинмоқда, бироқ Ўзбекистонда улардан ҳозирча фойдаланилмайди. «Инновациялар» — бу бутун дунё учун янги билимлар эканини, «технологияларнинг ўзлаштирилиши» эса фақат компания учун янги билим эканини англаш жуда муҳим. Уларнинг асосий йўналишларини технологияларни ўзлаштираётган компанияларнинг ўзлари белгилаб олишлари лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган технологиялар билан уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ўртасида ҳануз номуносиблик мавжуд. Буларнинг барчаси янги технологияларни жорий этиш, фойдаланиш ва кенг ёйиш учун рағбатларнинг етишмаслигига бориб тақалади. Компанияларни янги технологиялар ва молиявий ресурслар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш масаласи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим. Ахборотларни тарқатиш усуллари билан бири ҳар йили ўтказиладиган инновацион ғоялар ва лойиҳаларнинг республика ярмаркисидир.

Бунда Ўзбекистон учун мос бўлган, илғор мамлакат-инноваторларнинг тажрибалари ва самарали инновацион иқтисодиётни ташкил этишнинг, хусусан, янги технологияларни тижоратлаштиришнинг муваффақиятли усуллари муҳим аҳамиятга эга. Жануби—Шарқий Осиё мамлакатлари модели дастлаб — хорижий технологияларни харид қилиш, ўзлаштириш ва мослаштириш, параллел равишда миллий илм-фан ва олий таълимга инвестициялар киритиш, сўнгра эса бутун дунё учун янги бўлган технологияларни имитация қилиш, яхшилаш ва яратиш мақсадга мувофиқ эканини кўрсатди.

Қисқа муддатда устуворлик — яратилган технологияларни (маҳаллий ва хорижий) ўзлаштириш, мамлакат ичкарисидаги корхоналарга жорий этиш ва улар ўртасида жадал ёйишдан иборат. Ўзбекистон корхоналари ва илмий муассасаларини технологиялар ва инновацияларни модернизация қилиш ва ўзлаштиришдаги муҳим муаммолари ва тўсиқларни аниқлаш мақсадида ўрганиш зарур.

Келгусида тизимли муаммоларни ҳал этишда иккита муҳим тамойилга амал қилиш лозим.

1. ИТТКИни молиялаштиришда бюджет ресурсларини муҳим йўналишлар учун тўплаш, бу қуйидагиларни англатади:

— фундаментал билимларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш; Ўзбекистонинг энг муҳим рақобат афзалликларидан бири бўлган — «инсон капитали»нинг сифат даражасини ошириш;

— амалий ишланмаларни устувор йўналишларнинг чекланган қисми бўйича амалга ошириш, бу билан уларнинг капиталлаштирилувчи қисмининг улушини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш;

— билимларни бозор маҳсулотига айланишини таъминлаб берувчи инновацион инфратузилмани яратиш.

2. Хусусий-давлат ҳамкорлиги механизmidан фойдаланиш. Амалий ишланмаларнинг ва инновацион инфратузилма яратишнинг маълум қисми давлат иштирокида, технологик модернизация қилиш эса — асосан, бизнес томонидан амалга оширилиши керак деб ҳисоблайдилар.

Мана шу мақсадда бизнес иштирок этган йирик мақсадли дастурлар яратилиши лозим. Уларнинг вазифаси — тадқиқотлар ва ишланмалар салоҳиятидан технологик тараққиётнинг миллий устувор вазифаларини самарали амалга оширишда фойдаланиш, айтилиши вақтда ушбу секторни «янги иқтисодиёт»нинг ишлаб чиқарувчи тармоғига айлантириб бориш керак.

Стратегия мақсадли дастурлар, алоҳида лойиҳалар ва дастурдан ташқари тадбирларнинг вазифалари, муддатлари ва ресурслари бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тизимини белгилаб бериши лозим. Бунда қуйидаги асосий вазифаларни ажратиб олиш тақозо этилади:

— тадқиқотлар ва ишланмаларнинг уни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитларини ҳам ўз ичига олган рақобатбардош секторини яратиш;

— самарали миллий инновация тизимини шакллантириш;

— интеллектуал мулк (ИМ) ҳуқуқларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш институтларини ривожлантириш;

— технологик инновациялар асосида иқтисодиётни модернизация қилиш.

Фундаментал тадқиқотларнинг устувор вазифаларини белгилаб олишда барча академик уюшмаларнинг алоҳида ро-

лини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бироқ бизнинг фикримизча, фундаментал фанларни ривожлантириш, бюджет харажатларининг самарадорлигини таъминлаш рақобатбардош миллий иқтисодиётни ўстиришга йўналтирилиши лозим.

Академик фан сектори функциялари, таркиби ва молиялаштириш механизмлари дастурини аниқ тавсифлаб бериш талаб этилади. Энг аввало, фундаментал фан соҳасида харажатларни бошқаришдан натижаларни бошқаришга ўтиш воситаларини излаб топиш зарур.

Шунга боғлиқ ҳолда, тадқиқотлар заруриятини шарт қилиб қўювчи бир қатор ҳолатларни таъкидлаб ўтиш жоиз:

— биринчидан, инновация фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга тадқиқотлар. Инновациялар мамлакат иқтисодий тузилмасида илғор ўзгаришлар амалга ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш асосида қудратли индустриал салоҳият яратишда жуда муҳим аҳамиятга эга;

— иккинчидан, ҳозирги шароитларда инновация сиёсатининг энг муҳим хусусиятларини, барқарор иқтисодий ўсиш учун реал шарт-шароитларни яратиш бўйича унинг имкониятларини илмий жиҳатдан тушуниб етиш;

— учинчидан, замонавий босқичда қўллаш мумкин бўлган инновация сиёсати муаммоларининг илмий-методологик ишланмалари, бу эса мамлакат инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари излаб топишни талаб этади;

— тўртинчидан, миллий иқтисодиёт учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган, мамлакатнинг айнан ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш мақсадларида инновация сиёсатини янада мукамаллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларга талабнинг юқорилиги;

— бешинчидан, давлат харажатларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаш билан боғлиқ тадқиқотлар.

Инновацион фаолиятнинг турли шаклларида самарали фойдаланиш иқтисодий ислохотлар ўтказиш билан, мамлакат индустриал мажмуасини қайта қуриш билан боғлиқ тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаб беради. Инновациялар мамлакатнинг рақобат афзалликларини кучайтиришга ёрдам берувчи энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи тизимнинг асосий элементлари давлат бюджет ва нобюджет фондлари ҳисобланади, улар инновация циклининг турли босқичларида инновация лойиҳаларига ёрдам кўрсатадилар. Бу фондларнинг маълум қисми учун инновацияларни қўллаб-қувватлаш асосий фаолият тури (венчур) ҳисобланади. Уларнинг қолган қисми эса ўз мақомига кўра умуман кичик тадбиркорликка ёрдам кўрсатади, гарчи инновация лойиҳалари улар ихтисослашувининг асосий бўлмаган, балки маълум бир қисмини ташкил этса-да. Шунга қарамай, қарор топган тизим инновация фаолиятининг тўлиқ босқичлари: фундаментал тадқиқотлардан бошлаб бозорни кенгайтиришгача бўлган босқичларини қамраб олади.

Шунга боғлиқ равишда инқироздан кейинги ривожланиш шароитларида миллий иқтисодиётнинг инновацион моделини яратишга назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурияти ўсиб боради. Бунда мазкур муаммонинг қуйидаги асосий жиҳатларини ўрганиб чиқиш талаб этилади:

— мамлакатлар ва тармоқларнинг рақобатбардошлигининг инновацион концепцияларини, инновацияларнинг уларнинг ривожланиш динамикасига таъсирини;

— рақобатбардошликни ошириш нуқтаи назаридан инновация сиёсатини ривожлантириш стратегияси ва ҳозирги замонавий даражасини комплекс баҳолашни;

— жаҳон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг асосий омилларини ва республикада миллий инновация тизимини яратиш учун дастлабки шарт-шароитларни;

— миллий иқтисодиётда илмий-техник янгиликларни ўзлаштириш жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чоратадбирлар тизимини;

— республика илмий-инновация комплексининг жаҳон илмий-технологик бозорига интеграциялашуви стратегиясига концептуал ёндашувларни;

— инновацион иқтисодиёт турини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш мақсадида институционал базани мукамаллаштириш йўналишларини;

— инновацион фаолиятнинг ижимоий омиллари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини;

— миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш шароитларида инновацион тараққиёт йўлига ўтиш учун рағбатлар яратиш бўйича стратегияларни.

Ушбу тадқиқотлар ўтказиш давомида олинган натижалар миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион моделини шакллантириш, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш учун янги шароитлар ва манбаларни ҳамда уларнинг жаҳон хўжалик тизими глобаллашуви таҳдидларига мослаштирувчи механизмларини яратиш учун илмий-методологик ёндашувларни кенгайтиради.

Олинган натижалардан амалий фойдаланиш, республика минтақавий ва тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, илмий-технологик тараққиётнинг устувор йўналишларини ва дастурий ёндашувни мукаммаллаштириш ҳамда уни амалга ошириш механизмларини ҳам ўз ичига олган миллий иқтисодиётни узоқ муддатли истиқбол учун инновацион ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Шуни айтиш керакки, дастурий ечимга эга муаммолар танлови ўзига хос мураккаб ва кўп меҳнат талаб этадиган вазифа ҳисобланади. Бунда энг муҳим қийинчилик уларнинг хўжалик тизими талабларига мувофиқлигини аниқлаб олиш ва шундан келиб чиққан ҳолда, уларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқишдадир, бу эса қайд этилган муаммолар танловининг ўзига хос технологиясини талаб этади.

Ўз навбатида, инновация фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш воситалари тизимини шакллантириш мувофиқ қонуний базани яратиш, шунингдек, инновацияларни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсати элементларини реализация қилувчи инфратузилмани қарор топтириш йўли билан амалга оширилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида амалга оширилган давлат илмий-техник сиёсати илмий-техник салоҳиятни муҳофаза қилиш ва ривожланишини таъминлашга (30, 31-жадваллар), инновацион фаолиятни шакллантиришга, иқтисодиётни чуқур ўзгартириш шароитларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 15 июль 2008 йилдаги 916-сонли қарори.

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга бутун кучни тўплашга қаратилди. Бироқ миллий инновация тизимини яратиш ва ривожлантириш жараёни ва унинг хўжалик юри-тишнинг бозор шароитларига мослашуви бир қатор тўсиқ бўлувчи омиллар билан ҳам тавсифланади. Илмий тадқиқот-ларнинг устувор йўналишлари ва инновация фаолиятини бошқариш механизмларини аниқлаб олиш усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган; инновация соҳасининг ташки-лий-иқтисодий ва ҳуқуқий базасининг ортда қолиши куза-тилмоқда; Ўзбекистон илмий-техник салоҳиятидан фойдала-ниш ва ишлаб чиқариш-технологик институтларини ривож-лантириш даражаси янада такомиллаштиришни талаб этади.

30-жадвал

Тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд ходимлар*

	Тадқиқотчилар				Техниклар	Ёрдамчи ходимлар	Бошқалар
	Жами	Фан доктор-лари	Фан номз.	Илмий даражаси бўлмаган			
ФА	2421	447	1056	918	1224	1053	892
ОЎМТВ	11738	996	4526	6216	715	1037	162
ССВ	4465	666	1674	2125	105	457	47
ҚСХВ	1833	190	618	1025	344	617	148
ХТВ	1244	69	446	729	4	29	0
Бошқалар	4444	353	911	3180	683	550	375
ЖАМИ	26145	2721	9231	14193	3075	3743	1624

* Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд ходимларнинг умумий миқдори 34587 киши. Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида Россия Федерацияси ва Украинадан кейин 3-ўринни эгаллайди.

Мазкур долзарб муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши мамлакат иқтисодиётини янада кўтариш ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадларида инновацион тараққиёт стратегиясини яратиш ва амалга ошириш самарадорлигини таъминлаб беради. Олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат инновация сиёсатининг қуйидаги вазифалари ечимини топиш талаб этилади:

— саноат тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган критик технологиялар ва инновация лойиҳаларини амалга оширишда инновация соҳа-

сини ривожлантиришнинг оқилона стратегиялари ва устувор йўналишларини танлаб олиш;

— саноат ишлаб чиқаришининг илмий-техник ютуқларга талабини ошириш, саноатни технологик модернизация қилиш лойиҳаларини молиялаштиришга бўш капитални жалб этиш мақсадларида инновация соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига ташкилий чора-тадбирлар ва ресурсларни тўплаш;

— ишлаб чиқариш-технологик салоҳиятни сақлаш ва ривожлантириш, ундан замонавий технологик даражаларни ва янада юқори технологияларга ўтишни қўллаб-қувватлаш мақсадларида фойдаланиш;

— технологияларни тижоратлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;

— инновация фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида юқори таълим даражасига эга етакчи илмий мактабларни қўллаб-қувватлаш;

— халқаро ва мувофиқлаштирилган миллий стандартларга таянган ривожланган халқаро сертификация тизимини яратиш;

— инновация фаолиятини жадаллаштириш учун ижобий иқтисодий ва молиявий шароитларни таъминлаб бериш;

— инновация стратегияларини режалаштириш ва ишлаб чиқиш, лицензиялар сотиш ҳажми, патентланган маҳсулотлар экспортини бизнес-режалаштириш ишларини ўтказиш, илмий-техник тадқиқотларни жаҳон даражасида мониторинг қилиш мақсадларида патент-ахборот таъминотининг ягона базасини яратиш ва патент-лицензия фаолияти соҳасида патент идоралари ресурсларидан фойдаланиш.

Давлат инновация сиёсатида илмий-тадқиқот секторини ислоҳ қилиш, уни ўзгартириш кўламлари ва нисбатларини белгилаб олишда қуйидагиларни эътибордан чиқармаслик лозим:

— бажарилаётган тадқиқотлар ва ишланмаларнинг тавсифи, уларнинг давлат илмий-техник тараққиёти йўналишларига мувофиқлиги;

— бажарилаётган ишларнинг турлари, жумладан фундаментал тадқиқотларнинг ҳиссаси (реал жаҳон даражасига эга бўлган);

— муассасаларни молиялаштириш манбалари таркиби, шу жумладан бюджетдан ташқари молиялаштириш улуши, сўнги 3—5 йил давомида унинг динамикаси;

Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар билан шуғулланувчи ташкилотларнинг вазирликлар ва идоралар бўйича, турли илмий ташкилотлар ва мулкчилик шаклларига кўра тақсимланиши

Вазирликлар ва идоралар	Сони	Шу жумладан								
		Мулкчилик шаклига кўра		Илмий ташкилотлар турларига кўра						
		Давл.	Нодав.	ИТИ	ИИЧТ	КБ	ППИБ	ОТМ	ИТМ	Бошқалар
ФА	45	45	0	37	2	0	0	0	2	4
ОЎМТВ	36	36	0	1	0	0	0	33	1	1
ССВ	6	6	0	1	0	0	0	5	0	0
ҚСХВ	34	34	0	21	1	0	0	9	0	3
ХТВ	30	30	0	23	0	0	1	4	2	0
Бошқалар	73	45	28	12	6	3	7	20	5	20
ЖАМИ	124	196	28	95	9	3	8	71	10	28

Манба: Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси маълумотлари бўйича тузилган.

— муассасада ноёб жиҳозлар (экспериментал қурилмалар) мавжудлиги. Йирик ноёб қурилмалар, агар улар фундаментал фанни ривожлантириш мақсадларига хизмат қилса бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаб турилиши ва янгиланиши керак, бундай ИТИ учун бюджет муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сақлаб қолиниши лозим;

— ижтимоий-иқтисодий ва экологик жараёнларни моделлаштириш ва башорат қилишда муҳим бўлган ташкилотлар;

— бошқа илмий-тадқиқот ташкилотлари, саноат корхоналари, хорижий ташкилотлар билан алоқалар барқарорлиги.

Шундай қилиб, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида глобал омилларнинг кучи, технологик модернизация таъсири капиталлар, ишчи кучи, савдо, технологик алмашинув ва валюта-кредит муносабатларнинг халқаро миқёсларда ўзгаришни белгилаб беради.

6.2. Инновация соҳасида халқаро иқтисодий интеграциянинг институционал асослари

Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичида кўплаб корхона ва тармоқлар рақобат-

бардошлигининг шаклланиши, уларнинг тараққиёти ва мустақамланиб боришининг муҳим омили инновация фаолиятининг фаоллашиб бориши натижасидир. Бунда корхоналарни янада ривожлантириш ва жаҳон бозорларида уларнинг рақобатдошлигини кучайтириш мақсадларида корхоналарнинг инновацион рақобатдошлигини, уларни турли минтақалар, тармоқлар, мамлакатлардаги корхоналар бўйича солиштириб кўриш имкониятлари аниқлаб олиш воситаларига, инновацион фаолият кўрсаткичларини бошқариш илмига эга бўлиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «...Биз инқироздан кейинги даврда тараққий этишимиз, иқтисодиётимизнинг базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, Ўзбекистоннинг янги марраларни эгаллашига кучли туртки бўлувчи, мамлакатимизнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаб берувчи замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича чуқур ўйланган узоқ муддатли мақсадли лойиҳалар Дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлашимиз лозим»¹.

Шундай экан, барча саноат тармоқлари корхоналари олдидан айнан бир хил муаммолар турибди: янгидан-янги фаолият соҳаларини қамраб олаётган глобаллашув шароитларида рақобат нафақат миллий, балки жаҳон бозорлари миқёсларида кескинлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг сифати ва технологик даражаси бўйича устунликка эга хорижий компаниялар билан янада жадалроқ ва кескинроқ кураш олиб боришига тўғри келади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон хўжалик муносабатлари глобаллашиб бораётган бир шароитда инновацион ва инвестицион фаолликнинг кучайиб бориши, шунингдек, мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаб бера оладиган илмий-техник салоҳиятини қўллаб-қувватлаш вазифалари иқтисодий ривожланишнинг энг долзарб муаммоларига айланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш, илмий-техник лойи-

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2009 й. — 36—37-бетлар.

ҳаларни шакллантириш, энг янги технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган айнан инновацион омиллари мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотига самарали кириб боришини таъминлаб беради.

Хўжалик айланмасининг объекти сифатида интеллектуал мулк мамлакат ичкарасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам бошқа объектларга нисбатан анча жадалроқ тарқалиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам, интеллектуал мулкчилик билан боғлиқ муносабатларни иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, бошқаларидан фарқли равишда, халқаро нуқтаи назардан кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишида яратилаётган янгиликларга интеллектуал эгаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларни самарали тижоратлаштириш ва қонун бузилишларидан муҳофаза қилиш замонавий миллий иқтисодий-ишлаб чиқариш соҳасининг муҳим таркибий қисмига айланади.

«Интеллектуал мулк» тушунчаси Жаҳон Интеллектуал мулкчилик ташкилоти (ЖИМТ)ни таъсис этган Стокгольм конвенциясига мувофиқ (14.07.1967 й.) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- саноат мулки;
- ихтиролар учун патентлар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек, товар белгилари, товар яратилган жой номлари (ТЯЖН), фирма номлари;
- ишлаб чиқариш, илмий ва ижодий соҳалардаги интеллектуал фаолиятга тааллуқли барча бошқа ҳуқуқлар (ишлаб чиқариш сирлари, ишлаб чиқариш билимлари, ходимларнинг ўзига хос билим, малака ва кўникмалари, бошқариш метод ва усуллари, реклама тажрибаси ва натижалари ва ҳ.к.);
- муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар;
- илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ЭҶМ учун дастурлар, маълумотлар базаси.

Шундай қилиб, Уругвайда кўп томонлама савдо музокараларида имзоланган Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича Битим (TRIPS) интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича минимал меъёрларни таъминлаб берувчи асосий қонунлар тўплами бўлиш билан чекланиб қолмай, балки уларни бажариш учун зарур бўлган тадбирларни

ҳам ўз ичига олади. Битим иштирокчи мамлакатларнинг миллий даражаларда ушбу стандарт қоидаларига риоя этишини таъминлаш мақсадида халқаро даражалардаги кузатув ва маслаҳатлар учун механизмларни белгилаб беради.

Ушбу Битим таркибига интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш масалалари бўйича асосий конвенциялар киритилган. Мазкур битим низоми интеллектуал мулкнинг қуйидаги турларини ўз ичига олади: патентлар, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, савдо маркалари ва белгилари; саноат дизайни, интеграл микросхемалар топологияси, фош этилмайдиган ахборотлар; географик кўрсатмалар. Битим шунингдек, бирорта иштирокчи мамлакат томонидан лицензиялаш тадбирларида ёки тадбиркорлик шартлари бўйича ушбу Битимдаги қоидаларга риоя этилмаслиги ёки рақобатга салбий таъсир кўрсатаётгани аниқланган бўлса, ҳукуматлар ўртасида маслаҳатлар бўйича асосий чора-тадбирларни ҳам белгилаб беради.

Битимда ривожланаётган мамлакатлар интеллектуал мулкчилик масалалари бўйича ўз қонунчилик базасини ушбу Битимдаги шартларга мувофиқ тартибга солишлари учун беш йил муддатга тенг ўтиш даври кўзда тутилади. Энг ривожланмаган мамлакатлар учун ўтиш даври ўн бир йилни ташкил этади.

Инсон ақли, инсон заковати тушунчалари интеллектуал мулк объектлари ҳисобланади ва «интеллектуал (ақлий) мулк» номи ҳам шундан келиб чиққан. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари (ИМҲ) биринчи навбатда, муаллифлик ҳуқуқларини, саноат дизайни учун патентлар ва ҳуқуқларни ўз ичига олади. Муаллифлик ҳуқуқи адабий, илмий асарлар яратувчилари ва ижод аҳлига тегишли. Патентлар ихтирочиларга махсус ҳуқуқлар тақдим этади, шундай бўлса-да, ихтиролар янги бўлса ва амалий ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган тақдирда патентланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ташқи кўринишини белгилаб берувчи янги ёки оригинал эстетик қарорлар саноат дизайни деб аталади. Ҳар уч турдаги интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш вақт бўйича чекланган. Интеллектуал мулк шунингдек, савдо маркалари ва белгиларини, товар биринчи бор ишлаб чиқарилган жойнинг географик кўрсатмаларини ҳам ўз ичига олади. ИМнинг ушбу турлари устида тўхталадиган бўлсак, уларни

яратишда интеллектуал меҳнат омили гарчи уларда мавжуд бўлса-да, маълум қадар камроқ намоён бўлади. Шунга қарамай, ишлаб чиқарувчиларни ўз товар ва хизматларини бошқаларникидан фарқлаб олишга имкон яратиш мақсадида, муҳофаза савдо маркаси билан кафолатланади. Савдо маркалари ишлаб чиқарувчиларга истеъмолчилар томонидан уларга нисбатан ижобий муносабатни юзага келтиришга ёрдам беради. Улар, шунингдек, истеъмолчиларга ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарларининг сифати бўйича тақдим этадиган ахборотлари асосида товарлар ёки хизматларни пухта ўйлаб танлаб олишларига ёрдам беради.

Интеллектуал мулкдан рухсатсиз фойдаланиш унинг эгаси ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади. Саксонинчи йилларнинг охирига қадар бу каби қонунбузарликлар миллий даражага эга муаммоларни келтириб чиқарган бўлиб, фақат мулк эгалари манфаатларига зарар келтириш билан чекланиб қолмай, балки илмий-техник тараққиётни ҳам сустлаштирган, шунингдек, маданий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Бироқ кейинги йилларда ИМни муҳофаза қилиш мақсадида мамлакатларда қабул қилинаётган қонунларнинг уларни амалга ошириш самарадорлиги билан бир қаторда, халқаро савдога ҳам сезиларли таъсир кўрсатаётгани ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бунинг сабаблари жуда кўп, бироқ улар орасидан учтасига эътибор қаратиш талаб этилади.

Биринчидан, бир қатор индустриал ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаолиятнинг фан сифими янада юқорилашиб ва технологик жиҳатдан интенсификациялашиб бормоқда. Бунинг натижасида, уларнинг экспортга чиқарадиган ҳам анъанавий (кимёвий маҳсулотлар, ўғитлар ва фармацевтика товарлари), шунингдек, нисбатан янги (телекоммуникация жиҳозлари, компьютерлар, дастурий таъминотлар) маҳсулотлари интеллектуал мулк ҳуқуқлари объекти ҳисобланмиш катта миқдордаги технологик ва иждодий таркибий қисмларни ўзида жамламоқда. Ишлаб чиқарувчилар бундай ҳолатларда улар қаерга ўз маҳсулотларини етказиб беришларидан қатъий назар, илмий-тадқиқот фаолияти харажатларининг ўрнини тўлдириш мақсадида, уларнинг ҳуқуқлари монанд тарзда муҳофаза қилинишидан манфаатдордирлар.

Иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларнинг катта қисмида хорижий инвестициялар учун чекловларнинг бекор

қилиниши билан боғлиқ ҳолда, лицензия бўйича ёки қўшма корхоналарда патентланган товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар вужудга келмоқда. Бироқ индустриал жиҳатдан ривожланган мамлакатлар саноат тармоқларининг бу турдаги муносабатларга киришиш ва ўз технологияларини тақдим этиш истаги ишлаб чиқариш ташкил этилаётган мамлакатларда ИМХни муҳофаза қилиш тизими бу технологиялар учун уларнинг эгаллик ҳуқуқларини маҳаллий ҳамкорлар томонидан улардан ноқонуний ишлаб чиқаришда фойдаланмасликни қай даражада таъминлаб бера олишига боғлиқ бўлади.

Учинчидан, халқаро савдо предмети ҳисобланган ишлаб чиқариш товарларининг технологик такомиллашувига янада соддалашган ва арзонлашган имитация ва такрор ишлаб чиқариш воситалари ҳам мувофиқлашиб бормоқда. Интеллектуал мулк бўйича қонунларга етарли даражада қатъий риоя этилмайдиган мамлакатларда бу ҳолат нафақат ички бозорларда сотиш, балки экспорт мақсадида ҳам қалбаки ва ўғринча маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиб кетишига олиб келди.

Халқаро даражада, асосан, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) ва ундан аввалги ташкилотлар бошчилигида интеллектуал мулкни бир хилда муҳофаза қилишни таъминлаб бера оладиган қондаларни ишлаб чиқишга уринишлар бошланганига юз йилдан ҳам ошди. Натижада ИМ эгаларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро мажбуриятларнинг асослари сифатида бир нечта конвенциялар қабул қилинган. 32-жадвалда барча конвенциялар ва улар қўлланиладиган асосий соҳалар рўйхати келтирилади.

Қалбаки ва ўғринча товарлар билан савдо қилишни назорат қилиш мақсадида Тарифлар ва савдо тўғрисидаги Бош битимга мувофиқ ҳолда (ГАТТ) чора-тадбирлар қабул қилиш лозимлиги тўғрисидаги таклифлар ривожланган мамлакатлар томонидан музокараларнинг Токио раундидаёқ илгари сурилган эди. Музокараларнинг Уругвай раунди бошланганда мазкур мамлакатлар қалбаки товарлар билан савдо қилиш муаммоларини кўриб чиқиш билан чекланиб қолмай, балки иштирокчи мамлакатлар томонидан қабул қилиш мақсадида муҳофаза қилишнинг минимал меъёрларини ишлаб чиқиш ҳам таклиф этилди. Гарчи ривожланаётган мамлакатларнинг

**Интеллектуал мулк ҳуқуқлари: воситалар,
объектлари, қўллаш соҳалари, ЖИМТ ва ИМ га
тааллуқли бўлган бошқа халқаро ташкилотлар**

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари турлари		Предмети	Асосий қўллаш соҳалари	Энг муҳим халқаро битимлар	
Воситалар турлари	Саноат мулки	<p>Патентлар</p> <p>Фойдаланиш модели</p> <p>Саноат дизайни</p>	<p>Янги, аён бўлмаган, саноатда қўлланиладиган ихтиролар</p> <p>Функционал дизайн</p> <p>Безак (декоратив) дизайни</p>	<p>Париж конвенцияси; Патент ҳамкорлиги тўғрисида битим; Будапешт битими</p> <p>Париж конвенцияси</p> <p>Гаага битими; Париж конвенцияси; Локарно битими</p>	
		Савдо маркаси	Бирор корхонанинг товар ва хизматларини бошқа корхонанинг товар ва хизматларидан фарқ қилиш учун белги ёки рамз	Париж конвенцияси, Мадрид битими (халқаро рўйхатдан ўтиш); Ницца битими, Мадрид баённомаси (ҳали кучга кирмаган) савдо маркалари бўйича битим (ҳали кучга кирмаган)	
		Географик курсатмалар	Маҳсулот сифатини ёки шу жой билан боғлиқ бошқа тавсифларни кўрсатувчи маҳсулот ишлаб чиқарилган жойини тасдиқловчи идентификация	Барча тармоқлар	Лиссабон битими, Мадрид битими (ишлаб чиқарилган жойи бўйича ёлгон кўрсатмалар)
		Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар	Оригинал муаллифлик ишлари ва овоз ёзиш ва репродукция ташкилотлари ижрочилари, продюсерларининг мувофиқ иштироклари	Наشريёт, кўнгилочар сектор (аудио, видео, кинофильмлар), дастурий таъминот, телекўрсатув и радиоташкилотлари	Берн конвенцияси; Рим конвенцияси; Брюссель конвенцияси; муаллифлик ҳуқуқлари бўйича умумий конвенция
	Адабиёт ва санъат мулки				

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари турлари	Предмети	Асосий қўллаш соҳалари	Энг муҳим халқаро битимлар
Воситалар турлари			
Уруғдошлик турларининг турли-туманлигини муҳофаза қилиш	Чорвачилик ва ўсимликшунослик ҳуқуқлари	Янги, барқарор, бир хил фарқ қилувчи турлар	Янги турдаги ўсимликларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро уюшма
Муҳофаза қилиш	Интеллектуал схемалар	Интеграл схемалар типологияси соҳасига оид ишланмалар	Вашингтонбитими (ҳали кучга кирмаган)
Савдо сирлари	Тадбиркорлик ахборотлари сирлари	Барча тармоқлар	

Манба: Карлос Браза, «Торговые аспекты прав интеллектуальной собственности: Соглашение Уругвайского раунда и его экономическое значение». Изоҳ: Янги турдаги ўсимликларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро уюшмадан бошқа барча шартномалар Жаҳон интеллектуал мулк ташкилати (ЖИМТ) томонидан ташкил этилган. Ҳали кучга кирмаган Вашингтон битими ҳам ЖИМТ томонидан ташкил этилган. Рим конвенцияси ЖИМТ, Халқаро меҳнат ташкилати ва ЮНЕСКО томонидан ҳамкорликда, Мултиплик ҳуқуқи бўйича умумий конвенция ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган.

катта қисми қалбаки моллар билан савдо қилиш бўйича муайян ҳаракатларни қабул қилишга қарши бўлмасалар-да, дастлаб минимал стандартларга рози бўлдилар.

Мазкур мамлакатлар бу каби музокараларнинг амалга оширилиши улардан ўз сиёсатини ҳар томонлама ўзгартиришни талаб этишини буткул тушуниб етган эдилар. Бу сиёсат тараққиёт ва бир қатор ижтимоий сабаблар оқибатида патентлашиши мумкин бўлган муайян товарларни рўйхатдан чиқариб ташлади, ёки фармацевтика, кимё саноати, ўғитлар, инсектицидлар ва пестицидлар ишлаб чиқариш соҳалари бўйича муҳофаза қилишни йигирма йилгача муддатга (ривожланган мамлакатларда ихтиро учун патентни муҳофаза қилиш учун таъминланадиган давр) таъминлаб берди. Улар шунингдек, минимал стандартларнинг қабул қилиниши патентланган технологиялардан олинадиган лицензия тўловлари миқдорининг кўтарилиб кетишига ва

шунга мувофиқ равишда, лицензиялар бўйича ишлаб чиқариладиган товарларнинг қийматининг ҳам ошиб кетишига сабаб бўлишидан хавотирга тушдилар.

Бироқ бу каби қарашлар етакчи мавқеини эгаллай олмади ва ривожланган мамлакатлар томонидан босимнинг кучайиши, охир-оқибат, музокаралар диққати кўпроқ интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг нисбатан юқори даражасини таъминлаб берадиган асосий ва ягона стандартларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилишига сабаб бўлди. Яна шунга эътибор қаратиш жоизки, музокараларнинг амалий аҳамияти ўсиб борган сари ривожланган мамлакатлар томонидан ҳам, ривожланаётган мамлакатлар томонидан ҳам мазкур муаммога муносабат ижобий томонга ўзгариб борди. Шундай қилиб, бошқа барчасидан ташқари интеллектуал мулкнинг барча тоифаларини муҳофаза қилиш бўйича минимал стандартларни белгилаб берувчи Интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдоси юзасидан Битим қабул қилиш бўйича консенсусга эришиш эҳтимоли юзага келди. TRIPS бўйича битим интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича энг муҳим халқаро конвенцияларга асосланади ва унинг кўпгина қоидаларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, ушбу барча конвенцияларга амал қилган ҳолда мамлакатлар, бу нарса ушбу Битим низомларига зид келмаган тақдирда, TRIPS талаб этганидан ҳам юқори даражага эга муҳофазани кафолатлайдилар.

Битимнинг асосий қоидаларини қуйидаги беш гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Асосий тамойиллар ва умумий мажбуриятлар.
2. Муҳофаза предмети; тақдим этилган ҳуқуқлар; ушбу ҳуқуқлар орасида йўл қўйиш мумкин бўлган истиснолар; минимал муҳофаза қилиш даври кабиларни ўз чига олган минимал муҳофаза даражаси.
3. Лицензия шартномаларида мавжуд бўлган рақобатга қарши усуллар.
4. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини таъминлаб бериш бўйича ички тадбирлар ва чоралар.
5. Миллий даражаларда қоидаларни бажариш учун ўтиш даврларини белгилаб бериш.

TRIPS бўйича битим иштирокчи мамлакатлар зиммасига саноат дизайни агар у янги, оригинал ёки новаторлик хусу-

сиятларига эга бўлса, муҳофаза қилиш ҳуқуқини даъво қилиш мақсадида, уни муҳофаза қилиш мажбуриятини юклайди¹. Яъни дизайн ёхуд янги бўлиши лозим, чунки ҳимояланган саноат дизайни эгаси ундан фойдаланиш учун эксклюзив ҳуқуққа эга ва у учинчи томонга ўзининг рухсатисиз «ҳимояланган дизайннинг тўлиқ ёки қисман кўчирмасига эга ёки уни ўз ичига олган товарларни ишлаб чиқариш, сотиш ёки импорт қилиш»ни ман этиши мумкин. Битим тўқимачилик саноати дизайни соҳасида янги ишланмаларнинг қисқа ҳаётий цикли ва жуда катта миқдорига эътибор қаратувчи махсус низомни ўз ичига олади. Унда «ҳеч қандай нарх, ўрганиш ёки эълон қилиш» «асоссиз равишда бу каби муҳофаза турига эга бўлиш ва излаш имкониятларига зиён етказмаслиги» кераклиги айтилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини кучайтириш технологияларни оқилона тижорат шартларига кўра узатиш бўйича соғлом амалиётга салбий таъсир кўрсатмаслик мақсадида, Битимда, мамлакатлар мувофиқ чора-тадбирлар, хусусан, интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида, технологиялар савдосини чекловчи ёки узатилишига зиён етказувчи, уларнинг ҳуқуқ ва фаолиятларининг бузилишига қарши қонун ҳужжатларини ҳам қабул қилишлари мумкинлиги назарда тутилади.

TRIPS бўйича битимнинг ЖИМТ конвенциясидан фарқ қилувчи томонларидан бири шундаки, унда иштирокчи мамлакатлар томонидан унинг низомлари ва қоидаларининг бажарилиши бўйича мажбурий чораларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун Битим мамлакатда амалга оширилиши лозим бўлган махсус механизм, тадбирлар ва воситаларни кўзда тутди:

— фуқаролик қонунлари, фуқаролик ҳуқуқига мувофиқ равишда интеллектуал мулк соҳибларига ҳуқуқларни таъминлаб бериш;

— қалбаки ва ўғринча товарлар тайёрловчиларни жиноят кодексига мувофиқ таъқиб этиш;

¹ Уругвай раунди музокаралари вақтида баъзи мамлакатлар саноат дизайнига тегишли интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқлар фақат у «янги ва оригинал» бўлсагина қўлланишини талаб этдилар. Бироқ бу каби кескин тамойилни қабул қилишга бир қатор мамлакатлар қаршилик кўрсатдилар, улар бундай тамойилнинг қабул қилиниши саноат дизайнини ҳимоя қилишни мураккаблаштириб юборади, деган фикрни билдирдилар.

— моддий компенсация билан таъминлаш; божхона хизматларига қалбаки, ўғринча товарларни ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузувчи бошқа маҳсулотларни кириб келишига қаршилиқ кўрсатиш ваколатини бериш.

Бир қатор мамлакатлар, хусусан ривожланаётган ва нисбатан камроқ ривожланган мамлакатлардаги қонунлар ҳозирги вақтда юқорида қайд этилган TRIPS бўйича Битим низомларига мос келмайди. Масалан, баъзиларида химикатлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун патентлар берилмайди, гарчи мазкур Битим ихтиро учун гувоҳномалар беришни талаб этса-да. Баъзи мамлакатларда ўғитлар, инсектицидлар ва фармацевтика товарларига тегишли ихтиролар учун бериладиган патентлар муддати битимда кўзда тутилганидек, 20 йилгача бўлган муҳофаза муддатига тенг. Шунингдек, фармацевтика товарларига нисбатан баъзи мамлакатлар товарларни эмас, балки фақат технологияларни муҳофаза қилишни кафолатлайди. Муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор мамлакатлар компьютер дастурларини муҳофаза объекти сифатида кўрмайдилар. Баъзи мамлакатларда саноат дизайни муҳофаза қилинмайди. Ушбу мамлакатлар саноат ва савдо соҳаларида TRIPS бўйича Битим томонидан талаб этилган ўзгаришларни амалга оширишга тайёргарлик кўриш учун уларга ўтиш даври тақдим этилади, бу муддат ичида улар ўз қонунларини ушбу Битим низомларига мувофиқлаштиришлари лозим.

TRIPS бўйича Битим бутун дунё бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш стандартларини ишлаб чиқишда ижобий самарага эга бўлади. Ушбу битимни қабул қилишда унинг талаблари бажарилишига қаратилган асосий эътибор ҳам хорижий, ҳам ички бозорларда унинг қоидаларига қатъий риоя этилишида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон 1991 йилнинг 25 декабридан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлиб, янги билимлар маданий бозорини шакллантиришга ёрдам берувчи ва интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг халқаро-ҳуқуқий тизимини белгилаб берувчи йигирмата муҳим халқаро шартномада иштирок этди. Шунингдек, ЖИМТни таъсис этувчи Конвенциялар, саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Патент кооперацияси тўғрисида шартнома, белги-

ларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими ва Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисида шартнома ва бошқаларга аъзо.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, уруғчилик ютуқлари, ахборот технологиялари объектларини яратиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар жадал шаклланиб бормоқда. Бу муносабатлар халқаро шартномалар ва битимлар, 7 боб ва 80 та моддадан иборат мустақил «Интеллектуал мулк» бўлимига эга Фуқаролик кодекси, бевосита таъсир кучига эга 6 та қонун ва 140 дан зиёд меъёрий ҳужжатлар воситасида тартибга солиб турилади. Қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк эгаларининг алоҳида ҳуқуқлари саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг қонунларига мувофиқ келадиган тарзда тақдим этилади, узатилади ва муҳофаза қилинади, эълон қилинган қарорларнинг муҳофаза қила олиш кучи шартлари белгилаб берилади.

Ўзбекистон жаҳон лицензиялар бозорига жадал интеграциялашиш билан бир қаторда ўз ички бозорини ҳам шакллантириб бормоқда. Интеллектуал мулк объектлари бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёни барқарор ижобий динамикага эга. Эгалик ҳуқуқларини бериш бўйича энг юқори фаоллик товар белгилари бозорига кузатилмоқда: 2004—2008 йиллар давомида ушбу объектлар бўйича шартномалар улуши интеллектуал мулкчилик объектлари бўйича шартномалар умумий миқдорининг 77%ни ташкил этди.

Ўзбекистонда ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ мулк ва шахсий номулкий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалари топологияларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Муаллиф ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлари, «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 22

апрелдаги 01/19-18/08-сонли қарори, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар орқали тартибга солиб турилади¹.

Ҳуқуқий муҳофаза ва хусусийлаштириш воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ равишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида» ва «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунлар жиддий янгиланди. Бу эса ИМ (интеллектуал мулк)ни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар ва етишмовчиликлар ўрнини тўлдиришга, қонунларимизни Ўзбекистон иштирок этаётган ёки иштирок этиш истагида бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ равишда тартибга солишга имкон беради. Ҳозирги вақтда ИМ бўйича бизнинг қонунларимиз жаҳон амалиёти ва хорижлик миллий қонунлар билан мувофиқ равишда уйғунлашиб бормоқда (33-жадвал).

Интеллектуал мулкнинг ҳар қандай объектини яратиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг якуний мақсади фойда олиш ҳисобланади. Бозорда маҳсулотга талабни ошириш билан бир қаторда, муваффақиятли тижоратлаштириш учун ҳам ишончли ва етарли ҳуқуқий муҳофаза, тижорат баҳоси ва самарали маркетинг зарур. Янги авлод маҳаллий тадбиркорларнинг катта қисми ўз интеллектуал мулкига оқилона ёндашадилар. Буни товар белгилари учун берилган аризалар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида рўйхатдан ўтказилган товар белгилари миқдорининг ўсиб бориши ҳам кўрсатмоқда. Фойдаланилган саноат мулки объектлари, шу жумладан ихтиролар учун патентлар сонининг барқарор ўсиб бориши кузатилмоқда, ЭҲМ учун дастурларнинг муаллифлик гувоҳномалари, фойдали моделлар учун гувоҳномалар, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари учун гувоҳномалар товар ва хизматларнинг юқори

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик базаси. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари, <http://lex.uz>

сифати ва ишончлилиги учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Жаҳоннинг етакчи фирмалари ихтироларни ўз вақтида патентлаш, ўз товар белгиларини ишлаб чиқиш ва муҳофаза қилиш учун катта куч ва маблағлар сарфлашлари, уларни рўйхатдан ўтказишга ва ҳар қандай тажовузкорликлардан муҳофаза қилишга шошилишлари бежиз эмас.

ЖСТ доирасида ИМ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш меъёрлари ривожланаётган мамлакатларни ЖСТга аъзо бўлгандан сўнг беш йил ичида интеллектуал мулкнинг гарбнинг минимал стандартларига мувофиқ келувчи ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг қатъий миллий тартибини жорий этишга мажбур қилади. ЖСТ асосини ўзаро боғлиқ кўп томонлама битимлар ташкил этади: Тарифлар ва савдо бўйича Бош битим (ГАТТ), Хизматлар савдоси бўйича Бош битим (ГАТС), Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари тўғрисидаги битим (TRIPS). Ушбу Битимларнинг ҳар бирида интеллектуал мулк масалаларининг акс этиши интеллектуал мулкни универсал мезон сифатида белгилаб беради, улар ҳуқуқларини тартибга келтирмай туриб мамлакатнинг ЖСТга аъзо бўлишининг имкони йўқ.

TRIPS Битимида интеллектуал мулк асосий элемент ва уни самарали бажарилиши учун асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

TRIPS Битими интеллектуал мулкнинг турли жиҳатларини: муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар; товар белгилари, НМПТ ва фирма номлари; саноат намуналари; ихтиролар ва фойдали моделлар; топологиялар ва интеграл схемалар; фаолият сирлари; тижорат, конъюнктура ва маркетинг маълумотлари; синов маълумотлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

TRIPS Битими концепциясини унинг учта таркибий қисми ифодалайди:

— стандартлар (ЖСТнинг ҳар бир аъзоси таъминлаб бериши ва риоя этиши лозим бўлган ИМни муҳофаза қилишнинг минимал стандартлари). ЖСТ иштирокчи давлатларнинг ўз хусусий стандартларини ўрнатишдан воз кечишини ва стандартларни қўллаш соҳаларини белгилаш ва уларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнларига боғлиқ муайян талабларга бўйсунитишни кафолатлайди;

33-жадвал
Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши тўғрисида қисқача маълумотлар

Ҳуқуқий муҳофаза объеклари	Қонуний асослар	Ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар	Муҳофаза қилиш учун мезонлар	Муҳофаза қилувчи ҳужжатнинг амал қилиш мuddати	Ҳуқуқларнинг бузилиши мезонлари
1	2	3	4	5	6
Асарлар (илмий, адабий, бадий)	ЎзРнинг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги 30 август 1996 й., 272-Ю-сонли «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 16.01.2007 й. 79-сонли қонуни	Моддий шаклдаги маъжудлик далали. Ихтиёрий рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома	Ижодий тавсиф. Оригиналлик	Ҳуқуқ эгасининг бутун ҳаёти давомида ва яна 50 йил қўшимча эгалик ҳуқуқи. Номулкий ҳуқуқлар мuddатсиз	Рухсатсиз такрор босиш
ЭҲМ учун дастур маълумотлар базаси	ЎзРнинг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги 79-сонли 16.01.2007 й. ЎзРнинг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базасини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг жорий этиш тартиби тўғрисида	Моддий ташувчида маъжудлик далали. Расмий (ихтиёрий) рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома	Ижодий тавсиф. Оригиналлик	Ҳуқуқ эгасининг бутун ҳаёти давомидаги мулкий эгалик ҳуқуқи. Номулкий ҳуқуқлар мuddатсиз	Тарқатиш, нусха кўчириш, ўзгартириш ва қисман ёки тўлиқ бошқа мақсадларда фойдаланиш
Интеграл микрохемалар топологияси	ЎзРнинг «Интеграл микрохемалар топологиясини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 218-II-сонли қонуни 12.05.2001 й.	Моддий ташувчида маъжудлик далали. Расмий (ихтиёрий) рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома	Ижодий тавсиф. Оригиналлик	Мулкий ҳуқуқлар 10 йил. Номулкий ҳуқуқлар мuddатсиз	Тарқатиш, нусха кўчириш, ўзгартириш ва қисман ёки тўлиқ бошқа мақсадларда фойдаланиш

1	2	3	4	5	6
Ихтиролар	«Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 08 майдаги 1953-сонли қарори	Ихтиро учун патент	Янгилик. Ихтирочилик даражаси. Саноатда қўлланилиши	20 йил	Тайёрлаш, қўллаш, келтириш, сотишга тасвия этиш, сақлаш
Саноат намунаси	ЎзРнинг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» 20.07.2006 й. 42-сонли қонуни, ЎзРнинг 3-сонли «Ихтиролар, фойдаланиш моделлари ва саноат намуналари тўғрисида» қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 09.09.2008 й. 204-сонли қарори	Саноат намунаси учун патент	Янгилик. Ихтирочилик даражаси. Саноатда қўлланилиши	10 йил, яна 5 йилгача узайтириш имконияти бор	Ташқи кўринишини потенциал харидор қарашларига айнан ўхшашлиги
Товар белгиси. Хизмат кўрсатиш белгиси. Келиб чиққан жой номи	ЎзРнинг «Фирма номлари тўғрисида» 30.08.2001 й. 267-й-сонли ва «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» 18.09.2006 й. 51-сонли қонуналари	Товар белгиси / хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома. Товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома	Товарни индвидуаллаштириш воситаларининг фарқ қилувчи қобилияти	10 йил, яна 10 йилгача узайтириш имконияти бор	Белгиланишининг ўхшашлиги, аралаштириб юбориш ва потенциал харидорни жалғитиш эҳтимоли
Хизмат ва тижорат сирини (ноу-хау)	ЎзРнинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» 03.01.2007 й. 76-сонли қонуни «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуваролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 16.01.2007 й. 79-сонли қонуни	Маълумотларнинг махфийлигини ташминловчи корхона ҳужжатлари: махфийлик тартибига риоя этиш тўғрисида жодимлар билан тузилган шартномани сақлаш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги буйруқ	Учинчи шахсларга маълум бўлган ҳақиқий ёки яширин тижорат қиммати эга маълумотларнинг маълумдлги. Ахборотнинг эркин эмаслиги. Махфийликни сақлаш чораларни қўллаш.	Муддат корхона бўйича буйруқ билан ёки махфийлик ёки ошқор этиш вақти тўғрисидаги шартномага мувофиқ белгиланади	Эгасининг рухсатисиз маълумотларни олиш, фойдаланиш, тарқатиш

Манба: Ўзбекистон Республикаси конинчилик базаси. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари <http://lex.uz>

— ижро (ушбу Битимга мувофиқ қўлланиладиган барча асосий низомлар ва умумий тамойиллар ЖСТга аъзо мамлакатлар томонидан бажариш учун мажбурий ҳисобланади);

— баҳсларни ҳал қилиш (ЖСТ тадбирлари ёрдамида интеллектуал мулк учун ҳуқуқлар таъминлаб берилиши мумкин).

2001 йил декабрь ойида аъзо бўлган Хитойни ЖСТга кириш учун энг мақбул мамлакат сифатида кўриб чиқиш мумкин. Унинг интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги жадал тараққиёти айниқса катта таассурот уйғотмоқда: Хитойда халқаро аризалар сони 2005 йилда икки йил мобайнида 200%га кўпайди ва у дунёда 12-ўринга чиқиб олди. ЖСТга кирганидан сўнг Хитой компанияларининг катта қисми патентлар орқали ўз эгаллаган ўрнини импортнинг кескин ошиб кетиши билан боғлиқ ҳолда рақобат курашининг жадаллашуви кутган ҳолда янада кучлироқ ҳимоя қилишга интилоқдалар. Шарқий Осиё мамлакатлари (Япония, Корея ва Хитой) ўртасидаги рақобат кураши кўпроқ интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасига ўтиб бормоқда.

Интеллектуал мулк объектлари жаҳон бозори жадал ўсиб бормоқда. Масалан, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари йилига 2,5–3%дан ошмаётган бир вақтда, интеллектуал мулк ҳуқуқлари жаҳон савдоси бир йилда 12–14%га ошган сари, анча динамик ривожланмоқда.

ЖСТга кириш олдидан ҳар бир корхона корхонанинг интеллектуал капиталини инвентаризация қилиши ва комплекс баҳолаш ишларини амалга ошириши лозим.

ИМ объектлари учун алоҳида ҳуқуқларни инвентаризация қилиш ҳеч бўлмаганда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутди:

— патентлар ва гувоҳномалар билан муҳофаза қилинадиган ИМ объектларининг рўйхатини тузиш талаб этилади;

— ушбу ҳимоя ҳужжатлари амалда, патентдан фойдаланишга мувофиқ йил учун божлар тўланганми, саноат намунаси ёки фойдали модель учун товар белгиси ёки патент учун гувоҳномани чўзиш талаб этилмайди, барчасини текшириш керак;

— барча муҳофаза қилиш ҳужжатлари (патентлар ва гувоҳномалар) корхоналарда сақланганми, агар улар йўқолган бўлса, нусхаларини олишга ҳаракат қилиш зарур;

— корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий формалари, юридик манзили ёки бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда амалдаги ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш;

— потенциал муҳофаза қилиш кучига эга техник қарорлар ва ишлаб чиқариш сирларини (ноу-хау) аниқлаш;

— уларнинг ўз вақтида патентлар билан муҳофаза қилинишини (ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари), маҳсулотлар номларини - товар белгилари учун гувоҳнома-лар билан, ишлаб чиқариш сирларини тижорат сири тартибида муҳофаза қилинишини таъминлаш;

— лицензия шартномалари ёки ИМ объектларини сотиш шартномаларини Патент идорасида ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, сабаби рўйхатдан ўтказилмаган бундай шарнома-лар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновация лойиҳалари ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 15 июлдаги қарорида миллий илм-фанни ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликда ривожлантириш тизими, Ўзбекистонинг мустақиллигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишда фаннинг тутган ўрни ва аҳамиятига қарашлар тизими, шунингдек, инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини белгилаб берувчи тамойиллар тасдиқлаб берилди.

Амалий тадқиқотларни рағбатлантириш ва жорий этиш, шунингдек, тижоратлаштиришнинг, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий алоқасини таъминлашнинг бошқа самарали механизмлари қаторида анъанага айланган инновация гоёлари, технологиялар ва лойиҳаларининг республика ярмаркаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундай ярмаркани ташкил этиш ва ўтказиш, ўз моҳиятига кўра, илмий-техник муассасалар билан реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий кооперация алоқаларини ўрнатишга қаратилган янги технология ҳисобланади. Биринчи ва иккинчи ярмаркаларда мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг илмий муассасаларида ва олий ўқув юртларида яратилган ва мамлакатнинг ижтимоий соҳаси ҳамда иқтисодиётини ривожлантиришга оид долзарб муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга энг истиқболли илмий ишлан-

малар, технологиялар ва технологик методлар тақдим этилган. Уларнинг мавзуси жуда кенг бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим соҳаларини ўз ичига олади.

Биринчи ярмарка давомида олимлар билан хўжалик вакиллари ўртасида мазкур соҳада ҳамкорлик қилиш ва янгиликларни жорий этишни кўзда тутувчи 559 та шартнома ва баённома имзоланган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 22,1 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этди. Ярмарка тугаши билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда имзоланган шартномаларнинг бажарилишини доимий мониторинги ташкил этилди.

Ҳозиргача қисқа муддатга мўлжалланган 57 шартнома амалга оширилди ва улар бўйича ишлар ниҳоясига етказилди. Илмий ташкилотлар ва олий ўқув муассасалари истеъмолчилардан ўз интеллектуал маҳсулотлари учун тахминан 1 млрд. сўм олдилар. Бундан ташқари, амалга ошириш босқичида турган 132 шартнома мавжуд бўлиб, уларни бажариш муддати 2—3 йилни, умумий қиймати 5,4 млрд. сўмни ташкил этади, шундан 1 млрд. сўмдан зиёди ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлаб бўлинган.

Узоқ муддатли 349 та шартнома ва баённомада кўзда тутилган вазифалар бўйича кўрсаткичларни конкретлаштириш, шу жумладан вазифалар бажарилишини аниқлаштириш, бунинг учун зарур бўладиган хом ашё ресурсларини аниқлаш ва излаш юзасидан бугунги кунда бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Иккинчи ярмарка доирасида умумий ҳажми 18 млрд. долларга тенг 450 та битим тузилган. Шу жумладан ярмарка йўналишлари бўйича: саноат — 9,2 млрд. сўмлик 209 та битим; қишлоқ хўжалигида — 3,5 млрд. сўмлик 172 та битим; соғлиқни сақлаш ва фармацевтика — 4,1 млрд. сўмлик 37 та битим; ахборот технологияларида — 1,1 млрд. сўмлик 22 та битим; фан ва таълимда — 0,4 млрд. сўмлик 11 та битим имзоланди.

Фанлар академияси илмий ташкилотлари томонидан 9,5 млрд. сўмлик 100 та битим, Олий таълимнинг олий ўқув муассасалари билан 4,7 млрд. сўмлик 198 та битим, Қишлоқ

ва сув хўжалиги вазирлиги билан 1,2 млрд. сўмлик 79 та битим, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан 0,5 млрд. сўмлик 23 та битим, бошқа илмий тузилмалар билан 2 млрд. сўмлик 51 та битим тузилди.

Мамлакатнинг инновацион тараққиёт йўли Ўзбекистоннинг жаҳон инновациялар бозорига интеграциялашувини назарда тутди. Бунда бутун диққат-эътиборини максимал тарзда ўз рақобат устунликларидан фойдаланишга қаратган мамлакатларгина муваффақият қозонади. Модомики, интилишлар технологик ва ишлаб чиқариш йўналишларини танлашдан иборат бўлмай, балки ғоялардан бошлаб саноат ишлаб чиқаришигача бўлган - халқаро меҳнат тақсимотини ҳисобга олган ҳолда, технологик циклдаги ўз ўрнини аниқлаб олишдан ҳам иборатдир.

Бу мақсадни амалга ошириш, бир тарафдан, ишлаб чиқариш ва бозорни янги техника, замонавий технологиялар ва янги маҳсулотларга мойилликни оширишни талаб этса, бошқа тарафдан - ишлаб чиқариш ва бозорнинг эҳтиёжларини таъминлаб берувчи фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар ва тажрибавий ишлаб чиқариш даражасини жиддий оширишни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда инновация сиёсатининг бош тамойили давлат ёрдами асосида фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ва иқтисодий манфаатларини уйғунлаштирувчи бозор механизмларини яратиш заруриятидан иборат.

6.3. Технологиялар трансфертининг инновацион жиҳатлари ва унинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга таъсири

Янги самарали иқтисодиёт шаклланиб бориши билан инновацияларнинг иқтисодий ривожланиш динамикаси ва сифатини белгилашдаги роли янада кўпроқ ортиб боради. Инновацияларни самарали бошқариш, технологиялар, шунингдек, билимлар трансферти мамлакатнинг, фан сифими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқлар ва компанияларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Жаҳон хўжалиги тараққиёти-

нинг замонавий босқичи ишлаб чиқариш асосий омилларининг ўсиб бораётган интеллектуаллашуви ва илмий-техник тараққиётнинг жадал суръатлари билан тавсифланади. Тадқиқотларни жадал олиб бориш ва улар асосида энг янги технологияларни ишлаб чиқиш, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва ишлаб чиқариш соҳасида халқаро интеграциянинг кенгайиб бориши шаклланиб бораётган глобал иқтисодиёт доирасида индустриал ривожланган мамлакатлар учун иқтисодий ўсишнинг стратегик моделига айланди. Модомики, интеллектуал ресурслар энг янги технологиялар билан биргаликда ҳужалик тараққиёти истиқболларини белгилаб бериш билан чекланиб қолмай, балки мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва фаровонлиги, унинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Уларнинг глобал иқтисодий муносабатлар таркибига қўшилиб кетиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан бирига айланади. Давлат томонидан тадбиркорлик ва инновация фаолиятини ривожлантириш учун умумий шароитларнинг, инновацион таваккалчиликни рағбатлантирувчи муҳитнинг яратилиши фан сифими юқори маҳсулотларни яратиш учун хусусий ва хорижий капиталларни жалб этишга, илмий ва саноат фаолиятининг давлат, университет ва тадбиркорлик секторлари ўртасидаги кооперацияларнинг турли шакллари рағбатлантирувчи муҳит яратилишини биринчи даражали вазифа сифатида илгари суради. Айнан давлат билан хусусий бизнеснинг ҳамкорлиги инновация фаолияти соҳасидаги носамарадор қарорларнинг хавфини камайтиради. Мана шунинг учун ҳам, давлат билан бозорнинг мувофиқлиги даражаси муаммоларини ҳал этишда асосий оғирлик маркази бирининг иккинчисига зид келишида эмас, балки уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи жиҳатлари зиммасига тўғри келади. Мана шу нуқтаи назардан ҳам миллий инновация сиёсатини шакллантириш зарур. Инновация сиёсати деганда, фан-техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида инновация фаолияти жараёнларини режалаштириш, ишлаб чиқиш, рағбатлантириш, тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича тамойиллар ва тадбирлар мажмуини тушуниш керак. Мана шунинг учун ҳам, давлат ташкилотларининг асосий вазифаси — иннова-

ция сиёсати мақсадларини, уни амалга оширишнинг асосий тамойилларини, шунингдек бажариш механизмларини белгилаб олишдан иборат.

Ҳозирги вақтда давлатнинг илмий-техник етакчилиги нафақат саноатнинг замонавий тармоқларини юқори даражада ривожланганлиги билан, балки энг янги технологияларни яратиш ва ёйиш учун иқтисодиётнинг барча соҳаларини жадал ва узлуксиз ўзгартиришга қодирлиги билан белгиланади.

Барчага маълумки, дунёнинг етакчи мамлакатларининг илмий ва инновация сиёсати мақсади моддий ишлаб чиқариш тармоқларида илғор ўзгаришларни таъминлаб бериш, жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, давлатнинг хавфсизлик функцияларини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, шунингдек, маҳаллий фанларнинг илмий йўналишларини ривожлантириш учун шароитлар яратиб беришдан иборат.

Инновация сиёсати объекти мамлакатнинг ресурс салоҳияти ҳисобланади, бунда бош ўринни интеллектуал салоҳият эгаллайди. Буни анъанавий ресурсларнинг чекланганлиги ва хўжалик фаолиятига интеллектуал салоҳиятни чекламаган тарзда жалб этиш имкониятлари орқали тушунтириш мумкин.

Бозор шароитларида давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим вазифаси инновация фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаб олиш ва мувофиқ илмий ишланмаларни ресурс билан таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Давлат миқёсида бу йўналишлар давлатнинг биринчи даражали эҳтиёжлари ва унинг инновация салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Муайян илмий тармоқларда давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши эришилган илмий муваффақиятларни йўқотмасликка ёки иқтисодиёт ривожланишининг технологик укладини ўзгартиришга таъсир кўрсатишга имкон беради. Айнан мана шунинг учун ҳам ресурсларнинг фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига қаратилиши инновация сиёсатини шакллантириш тамойилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида»ги қарори инновацион технологиялар ва инновациялар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган. Унда фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, модернизация қилиш жараёнларини рағбатлантириш ва ривожлантиришнинг амалий механизмларини яратиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларидан ҳамда инновацион ишланмалардан фойдаланиш, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва мамлакат иқтисодиётининг реал сектори ўртасида кооперацияни шакллантириш кабилар кўзда тутилади. Республикада иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Биринчи навбатда — бу асосий таркибий қисмини илмий кадрлар ташкил этган юқори интеллектуал салоҳият. Ўзбекистонда илмий тадқиқотларни амалга оширишда 244 ташкилот иштирок этади, улардан олий таълим муассасалари 31,7%ни, илмий ва бошқа ташкилотлар — 68,3%ни ташкил этади, тадқиқотчи мутахассислар сони 26145 киши, улардан юқори малакали мутахассислар (фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига эга) 45% ёки 11952 киши (34-жадвал).

34-жадвал

Илмий-техник салоҳият

Индикаторлар	Сони	%
Илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ташкилотлар	244	100
улардан:		
Олий ўқув юртлари	71	31,7
ИТИ, КБ ва бошқалар	153	68,3
Тадқиқотчи мутахассислар	26145	100
шу жумладан, илмий даражага эга	11952	45,7
улардан:		
фан докторлари	2721	
фан номзодлари	9231	

Манба: Лутфуллаев Р.А., Мухитдинова Н., Парпиев О.Р. Ўзбекистон Республикасида фан, технология ва инновацион фаолият индикаторлари. — Тошкент: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2010.

Фан ва ишлаб чиқариш кооперациясининг муҳим шarti ёш олимларни муҳим илмий ва инновацион ишланмаларда ўзаро ҳамкорлик қилишга жалб этишнинг бозор механизми ҳисобланади. Мамлакатимизда инсоннинг барча турдаги фаолияти учун, айниқса инновацион деб тавсифлаш мумкин

бўлган илмий ишланмалар ҳозирча етарли эмас. Бундай ҳолатларда иқтисодиётни жонлаштириш, корхоналар, тармоқлар, инсон фаолиятини ривожлантириш мақсадларида технологиялар трансфертининг кўп босқичли механизми қўлланилади, яъни ушбу мамлакат иқтисодиётига ёки муайян бир корхонага бошқа мамлакатларнинг инновацион ишланмалари жорий этилади. Шунингдек, технологиялар трансфертидан ўз шахсий инновацион ишланмалари жаҳон даражасидан қиммат бўлганда ҳам фойдаланилади. Ўзбекистон иқтисодиёти инновацион ривожланиш йўлига ўтаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш юзасидан вақт ва маблағлар бўйича ютиш, тезкорлик ва ўзгарувчанлик талаб этилади. Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида технологик босқичлар, укладлар ўзгариши юз бермоқда. Дунё бешинчи технологик укладга қадам қўйди. Бизнинг иқтисодиётимиз жаҳон даражаларидан ортда қолиб кетмаслиги учун биз фақат бешинчи технологик уклад инновация фаолиятини молиялаштиришимиз керак бўлади, шундай экан, трансферт билан кўпроқ шуғулланишга тўғри келади. Инновация фаолияти қарор топиш босқичида турган бизнинг мамлакатимиз учун корхоналар муаммоларини ўрганиш, бир томондан, энг оптимал бўлса, бошқа томондан, илмий ишланмалар маълумотлари банкини тузиш муҳим ҳисобланади. Инновацион ва технологик тараққиётга эришиш Ўзбекистон учун биринчи даражали аҳамиятга эга, сабаби, айнан мана шу йўл орқали замонавий технологик базани яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигига эришиш, шунингдек, халқаро рақобатбардошликни мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Бундан ташқари 2008 йилнинг ўрталаридан бошланган глобал молиявий ва иқтисодий инқироз янги-янги зиддиятларни туғдирмоқда, шу жумладан, Ўзбекистон саноати учун ҳам. Шунга боғлиқ ҳолда, 2009 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан халқаро бозорларда маҳаллий товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш мақсадларида ишлаб чиқаришнинг янги, муқобил ва нисбатан самаралироқ усулларини излаш, харажатларни камайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди.

Ушбу муаммони ҳал этишга унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим. Ижодий меҳнат натижалари каби бундай товарларнинг ўзига хос томони технологиялар бозорининг фаолиятида из қолдиради ва бунда улар билан бошқа бозорлар ўртасида сезиларли тафовутни юзга келтиради. Масалан, ундаги савдо хусусиятлари қаторида: ҳамкорликнинг узоқ ва турли-туман тавсифга эгаллиги, бир нечта технологиялар ташувчилари (масалан, саноат жиҳозлари экспорти ва ижараси, илмий-техник кооперация, қўшма тадбиркорлик) комбинациясидан тез-тез фойдаланиш, битимларни расмийлаштиришнинг нисбатан мураккаб тадбирлари ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Ижодий фаолият натижалари билан алмашинув (айниқса фан, техника ва бошқарув соҳаларида) тараққиётнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат нисбатан самарали натижаларга эга ишланмалар учун шарт-шароитларни яратган ҳолда мазкур соҳани назорат қилиб боради, айрим фуқароларнинг инсон идрокидан жамиятга зарар етказиш мақсадида фойдаланишларининг олдини олади.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон инновация соҳаси учун технологияларнинг (шу жумладан ахборот) халқаро трансфертини таъминлаб беради, хорижий инвестицияларнинг кўпайишига олиб келади.

Мамлакатнинг ривожланиш вектори, умуман олганда, корхоналар инновация фаоллигини ошириш ҳамда инновацияларни бошқариш ва уларнинг технологиялар трансферти бўйича ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини кўтариш муаммоларининг бозор воситалари орқали қай даражада ҳал қилинишига боғлиқ. Технологиялар трансферти технологияларнинг ахборот каналларидан бирортасидан фойдаланган ҳолда, унинг индивидуал ёки жамоавий тарқатувчисидан бошқасига ҳаракатини ифода этади. Маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини яхшилаш, корхона фаолияти кўрсаткичлар ва унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган барча чора-тадбирлар, барчаси биргаликда, инновациялар ҳаракатини белгилаб беради. Технологик нуқтаи назардан инновациялар амалиётга жорий этилган ихтиро, масалан, янги турдаги товар ёки ишлаб чиқариш жараёни сифатида тавсифланади.

Шундай экан технологиялар трансферти инновация жараёнининг маълум бир жиҳати сифатида қаралиб, илмий-

техник хизматлар кўрсатиш, технологик жараёнларни қўллаш, маҳсулот чиқариш учун илмий-техник билимлар ва тажриба узатишни ўзида ифода этади. Узатиш омилининг мавжудлик мезони — узатилган технологиялардан ишлаб чиқариш мақсадларида тезкорлик билан фойдаланишдан иборат. Қуйидагилар технологиялар трансфертининг асосий шакллари ҳисобланади:

- ихтиро учун патент бериш;
- патентни лицензиялаштириш;
- патентсиз ихтиролар билан савдо қилиш;
- техник ҳужжатларни топшириш;
- «ноу-хау» бериш;
- ускуна ва машиналарни сотиб олиш ёки ижарага олишда ҳамроҳ бўладиган технологик маълумотларни топшириш;
- шахсий мулоқотлар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар ва ҳ.к.да ахборот алмашинуви;
- инжиниринг;
- олимлар ва мутахассислар билан алмашинувдаги илмий тадқиқотлар ва ишланмалар;
- турли фирмалар томонидан ишланмаларни ҳамкорликда тадқиқ этиш;
- ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- қўшма корхоналар ташкил қилиш.

Бунда технологиялар харидорлари ва сотувчилари томонидан юзага келадиган фаолиятнинг кучайтирувчи мотивларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Технологиялар савдоси — бозорга кириб бориш ва унда мустаҳкам ўрнашиб олишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Одатда у товар экспансияси (жиҳозларни етказиб бериш, корхоналарни «тайёр қилиб топшириш» лойиҳалари) ва сотувчига қўшимча фойда келтирувчи хом ашё, материаллар, тўлдирувчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар етказиб бериш бўйича битимлар билан боғлиқ. Технологиялар экспорти хорижий патентлар сони билан тўғри пропорционал, технологияларни бериш бўйича битимлар тузиш кўпинча инновацияларни хорижда аввалги патентлаш натижаси ҳисобланади.

Технологияларга эга бўлган фирмалар қисқа муддатлар ичида ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг юқори рақобатбардошлиги ва сифати бўйича жаҳон даражасига етиб

олади, сотиш учун янги бозорлардан жой эгаллайди ва экспорт ҳажмини оширишга эришади. Аини вақтда, технологиялар тақдим этган ҳолда, улар товарлар экспорти мураккаб бўлган ёки фойдали бўлмаган мамлакатларнинг бозорларига кириб борадилар ва шу орқали бозор нархлари ва конъюнктурасига таъсир ўтказадилар, технологияларни харид қилиш устидан назорат ўрнатадилар.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, технологиялар трансферти жараёнини жадаллаштириш учун мавжуд бўлган маҳаллий технологиялардан фойдаланиш ва янгиларини буюртириш орқали маҳаллий саноатни рағбатлантирувчи, олимларни эса бизнес буюртмаларни бажаришга тайёрлигини таъминловчи механизмларни яратиш талаб этилади. Технологиялар трансфертини амалга ошириш учун илмий ва саноат корхоналари консорциумларини яратишга давлат ёрдами мана шундай механизм бўлб хизмат қилиши мумкин. Агар корхона янгиларга эга бўлиш ва уни бозорга олиб чиқишга тайёр бўлса, унинг муаллифлари эса илмий ташкилотлар номидан ИТИ натижаларини саноат технологияси даражасига охирига етказишда иштирок этишга тайёр бўлсалар, у ҳолда мазкур фаолият лойиҳавий ёндашув асосида давлат томонидан молиялаштирилиши лозим. Бундай ҳолатда технологияларни охиригача тугатиш харажатлари (қисман ёки тўлиқ) давлат томонидан қопланади, институт эса тайёр маҳсулотни реализация қилишдан тушган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга (консорциумда иштирок этиш учун рағбат).

Институционал ўзгаришлар қуйидагилар ҳисобидан, энг аввало, саноат тармоқларида юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга йўналтирилиши керак:

— мувофиқ фан ва техника соҳаларида етакчи мавқени эгаллаган йирик илмий ташкилотлар асосида илм-фан ва юқори технологиялар марказларини ташкил этиш;

— тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларини ривожланган молиявий-иқтисодий, маркетинг ва тижорат инфратузилмасига эга инжиниринг фирмалари сифатида қайта ташкил этиш;

— олий ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга ва миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда фан сифими юқори маҳсулотларни реализация қилишга қаратилган инновацион-технологик, инновацион-

саноат мажмуалари, технологик ва илмий паркларни шакллантириш.

Умуман олганда, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган технологиялар трансферти зарур:

— корхоналар, тармоқлар ва минтақаларнинг технологик ҳолатини, технологияларнинг маҳаллий ва хорижий бозорини ривожлантириш анъана ва истиқболларини баҳолаш мақсадида тадқиқ этиш;

— патентлар, лицензиялар, технологиялар, ноу-хау жорий этиш мақсадида излаш, харид қилиш (шу жумладан, интеллектуал мулк халқаро биржаларига аъзо бўлиш йўли билан) ва бериш ишларини амалга ошириш;

— технологияларни бериш йўллари аниқлаб олиш: ҳужжатлаштириш орқали, жиҳозлар орқали, маҳсулотлар орқали, мутахассислар орқали (ўқитиш, стажировка, маслаҳатлар бериш, иш жойини ўзгартириш);

— инжиниринг хизматлари кўрсатиш ва технологиялар трансферти мақсадларида маҳаллий ва хорижий мутахассисларни излаш ва жалб этиш;

— инновациялар менежменти соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Ҳозирги вақтда маҳаллий иқтисодиётнинг асосий рақобат афзалликлари қуйидагилардан иборат: турли-туман табиат ресурсларнинг катта захиралари ва қулай географик ўрни; ишга яроқли аҳолининг янги билимларга зеҳнининг ўткирлиги ва маълумотлиликнинг нисбатан юқори даражаси; университетлар, ИТИ ва бошқа ўқув ва илмий ташкилотлар тармоқларининг, бир қатор соҳалар бўйича илмий-техник ишланмаларнинг мавжудлиги, буларнинг барчаси бизнеснинг фан сифими юқори тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни шакллантириш ва ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам беради.

Технологияларнинг сотиб олиниши саноатнинг рақобатбардошлигини оширишга, экспортни фаоллаштиришга, шунингдек, импортга қарамликни камайтиришга имкониятлар яратади. Олинган технология хусусий технологияларни яратиш, ИТТКИ миллий соҳаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бир қатор мамлакатлар, хусусан, Германия ва Япония технологиялар импортига жуда катта эътибор қаратган, натижада 1980-йилларда

ГФР тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчилари рўйхатида биринчи, Япония иккинчи ўринни эгаллаган. Ўз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти импортидан кенг фойдаланувчи давлат, технологияларнинг кириб келишига мумкин қадар қулайликлар (хорижий валютадаги тўловлар ва пул ўтказмаларига тегишли валюта тартибининг преференциал режими, ички кредитлар ва молиялаштиришнинг махсус шартлари) яратувчи миллий қонунчиликни шакллантиради. Ҳақиқатан ҳам, технология кўпроқ бирор-бир мақсадга эришиш учун мўлжалланган ахборот ёки ниманидир амалга ошириш тўғрисидаги билимдан иборат экан, трансферт эса турли типдаги: шахсдан шахсга, гуруҳдан гуруҳга, ташкилотдан ташкилотга каби ахборот каналлари ёрдамида технологияларнинг амалий тарзда оммалашувини ифода этади. Ҳозирги вақтда жаҳон бўйича яратилаётган технологияларнинг жами қиймати, экспертларнинг берган баҳоларига кўра, жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 60%ни ташкил этади, улар билан савдо қилишнинг ўсиш суръатлари эса бошқа товарлар савдосининг ўсиш суръатларидан анча илғорлаб кетган. Масалан, агар 1990-йилларда дунё бўйича технологиялар савдоси ялпи ҳажми 20 дан 50 млрд. доллар атрофида баҳоланган бўлса, 2000 йилга келиб 500 млрд. доллар, 2009 йилда эса 975 млрд. доллар деб баҳоланган.

Бундай самаранинг сабаби бир нечта. Биринчиси — бундай товар билан савдонинг юқори рентабеллиги — харажатлар реализация ҳажмининг фақат 20–25%ни ташкил этади, холос. Бошқа сабаби шундаки, технология сотиб олган фирма нисбатан қисқа муддатларда ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг сифат даражаси ва юқори рақобатбардошлиги бўйича жаҳон даражасига кўтарилади, янги савдо бозорларига чиқиб олади ва экспорт ҳажмини сезиларли оширишга эришади. Технологиялар харид қилиш айнан шундай натижаларга эришишда ИТТКИ учун шахсий харажатларни сезиларли қисқартириш каби афзалликларга эга бўлишга имкон яратади. Масалан, ҳисоб-китобларга кўра, хорижий технологиялар лицензияси импорти учун сарфланадиган ҳар бир доллар, самарасига кўра ИТТКИ учун инвестицияланадиган АҚШда тахминан 6,2 долларга, Буюк Британияда — 3,1 доллар, Францияда — 5,4 доллар, Японияда — 16 долларга эквивалент. Шунингдек, харидорда сотиб олинадиган илмий

ва технологик ютуқлар даражасидан келиб чиққан ҳолда, шахсий тадқиқотларни ўтказиш, ИТТнинг муайян тармоқлари бўйича ўз қолоқлигини бартараф этиш имкониятлари юзага келади. Технологиялар сотувчиси эса товарлар экспорти мураккаб ёки фойдали бўлмаган мамлакатлар ҳисобига ўз маҳсулотлари бозори чегараларини кенгайтиришдан қўшимча фойда олади. У бозорлардаги нархлар ва конъюнктурага таъсир кўрсатиш, шунингдек, технологиялар харидорини назорат қилиш кучига эга.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатлар бўйича технологиялар трансферти турли каналларининг нисбий муҳимлигини баҳолаш натижаларига кўра, экспертлар ахборот каналлари билан sanoat корхоналари ўртасидаги алоқаларни, ихтиролардан учинчи шахсларнинг фойдаланишини (яъни патентлар ва лицензиялар сотиб олиш) ва жиҳозлар билан савдо қилишни маъқул деб топдилар. Уларнинг фикрича, ҳамкорликда ИТИ учун шартномалар тузиш ва тайёр бизнесни сотиб олиш энг аҳамиятсиз ва самарасиз йўналишдир. Шак-шубҳасиз, бундай баҳолаш ахборот каналларининг ишончлилик даражаси бўйича дифференциация, олинадиган ахборотларнинг тўғрилиқ даражаси ва трансфертининг ижобий натижалари кафолатлари билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Фарбнинг ривожланган мамлакатларида янги ёки мукамаллаштирилган технологиялар, жиҳозлар ва янги билим ва қарорларга эга бошқа маҳсулотлар улуши ялпи ички маҳсулот ўсишининг 70 дан 85%гачасини ташкил этади. Улар жаҳон илмий салоҳиятининг 90%дан зиёдини ўзига жамлаган ва юқори технологиялар бозорининг 80%ни назорат қилади, уларнинг ҳажми бугунги кунда 2,5–3 трлн. доллар деб баҳоланмоқда, бу эса хом ашё ва энергетика ресурсларидан ортиқдир. 15 йилдан сўнг унинг 4 трлн. долларга етиши кўзда тутилмоқда.

Фан сиғими юқори маҳсулотлардан келадиган фойда жуда катта. Ҳар йили фан сиғими юқори маҳсулотлар экспорти АҚШга — тахминан 700 млрд. долл., Германияга — 530, Японияга — 400 млрд. доллар олиб келади.

Технологиялар сотиб олиш учун корхоналар шахсий маблағларидан ёки кредитлар кўринишидаги қарзлардан фойдаланадилар.

Технологиялар харид қилиш учун маблағларга эга бўлиш зарурияти дастлабки босқичларда бутун сумма эмас, балки бошланғич капитал қўйилмалар талаб этилиши орқали бир қадар енгиллашади. Бу технологиялар учун тўловларнинг ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар бозорда сотила бошлаганидан сўнг амалга ошириладиган туридан фойдаланиш билан боғлиқ.

Назарий жиҳатдан дастлабки босқичда олинувчи технологияларни пул сарфламасдан ўзлаштириш мумкин, бунда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва зарур технологияларни, жиҳозлар ва маълум турдаги материаллар, бутловчи буюмларни лизинг, компенсация ёки бартер шароитларида олгандан сўнг, сотувчига роялти шартлари (йиллик ўтказмалар) бўйича қарзни тўлаш мумкин бўлади. Бироқ амалиётда эса технологиялар бўйича трансферт битимларини молиялаштириш учун технологиялар умумий қийматининг 20–30%ни ташкил этган дастлабки маблағлар (сармоя) талаб этилади.

Хатарли (венчур) капиталлар банклари хизматларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай банклар инновацияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилади ва технологияларни излаш ва узатиш ишларида фаол иштирок этади. Кейинги йилларда уларнинг тармоқлари жадал кенгайиб бормоқда. Масалан, Францияда 200дан зиёд, АҚШда 3000дан зиёд шундай банклар рўйхатдан ўтган. Одатда, хатарли капитал банклари хатарларни нисбатан кўпроқ зиммаларига олишга тайёр турадилар, мана шунинг учун ҳам улар шахсий маблағларидан ҳам фойдаланишлари, шунингдек бошқа ҳамкорларнинг маблағларини ҳам жалб этишлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида сўзлаган нуқтида: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда ми-

жозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратеди», деб таъкидлайди¹.

Миллий ва халқаро технологиялар биржаси молиялаштириш манбаларини излаш ва топиш жойи бўлиб хизмат қилади. Одатда технологиялар бўйича маълумотлар халқаро банкидан фойдаланувчи доимий фаолият кўрсатувчи технологик биржалар, шунингдек, тармоқ йўналишига эга ёки фан ва техник тараққиётнинг пионер йўналишларига (био, нанотехнологиялар ва ҳ.к.) бағишланган биржалар фарқланади.

Технологиялар трансфертини молиялаштириш учун манфаатдор томонлар қўшма корхоналарни ташкил этадилар, уларда таъсисчилардан бирининг тўғридан-тўғри инвестицияларидан бошқаларининг технологик ютуқларини тижоратлаштириш мақсадида фойдланилади. Агар янгиликлар учун ажратилган ресурслар тижорат муваффақиятига олиб келган ва ўзини оқлаган тақдирда, улар инновация жараёнлари тежамкорлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви натижа-сида банкларнинг инновацион тараққиётдаги ролининг фоллашувига ёрдам берувчи бир қатор ижобий шарт-шароитлар қарор топди. Мустақиллик йилларида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига, макроиқтисодий барқарорликка, иқтисодиёт тузилмасида, диверсификация ва модернизация қилишда ижобий ўзгаришларга эришилди. Банк институтларининг мунтазам ва узлуксиз ишлаб туриши учун етарли даражада мустаҳкам захира яратилди, шундай экан, уларнинг инновация фаолиятида иштирок эта олиш имконияти тўғрисида бемалол сўз юритиш мумкин.

Республика банкларининг умумий капитали 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 40%га кўпайди, 2010 йилнинг охирига келиб мазкур муҳим кўрсаткич икки баробар ошди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган кредит ресурсларнинг умумий ҳажми 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 марта ўсди. Бунда банкларнинг инвестиция мақсадлари учун

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — 49—50-б.

кредит улуши умумий кредит портфелининг тахминан 70%ни ташкил этди.

Тижорат банкларининг маҳаллий корхоналарни инновацион ривожлантиришда ўсиб бораётган иштироки учун энг муҳим шарт-шароитлардан бири мамлакатда қулай ижобий инвестиция муҳитининг яратилишидир. Буни қуйидагилардан ҳам кўриш мумкин: 2009 йилда иқтисодиётга инвестициялар ҳажми 8,2 млрд. доллар эквивалентда ўсди, бу эса 2008 йилдан 24,8% га кўпроқ.

Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68%га ўсди ва бунда уларнинг катта қисмини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этиши айниқса, аҳамиятлидир, уларнинг миқдори 1,8 баробар кўпайди, бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, стратегик инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқишининг ортиб бораётганидан дарак бермоқда.

Корхоналарни инновацион ривожлантиришга инвестицияларнинг бундай миқдорларда кириб келиши натижасида, шунингдек, кейинги йилларда мамлакатда маҳаллийлаштириш дастурларини босқичма-босқич кенгайтириб борилиши сабабли саноат маҳсулотларининг бир қатор турлари бўйича импортга қарамлик тўлиқ бартараф этилди.

Бу жараённи янада авж олдириш учун миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш бўйича мақсадли лойиҳаларнинг узоқ муддатли дастурларини амалга оширилиши янги қудратли куч бўлиб хизмат қилади, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши учун замин яратиб беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлатнинг фан-техника сиёсати иқтисодиётнинг чуқур трансформацияси шароитларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун барча кучларни тўплаш, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш, инновацион фаолиятни шакллантириш учун асосни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилади.

Мазкур долзарб муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадларида инновацион тарақий эттириш стратегиясини самарали яратилиши ва амалга оширилишини таъминлаб беради.

VII БОБ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ

7.1. Бандликнинг инновацион тури методологияси ва замонавий таълим жараёни модели

Ривожланган мамлакатларга хос бўлган бандликнинг инновацион тури шаклланиши жараёни ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг деярли барчасида кузатилмоқда, бироқ у тугал тавсифга эга эмас, шунинг учун ҳам институтлаштириш ва рағбатлантиришнинг алоҳида механизмларига муҳтож.

Инновацион йўналишга эга бандликни ривожлантириш стратегияси неоклассик парадигма постулатларини қайта фикрлаб кўриш, назарий-методологик даражада янги ҳодисаларни таҳлил қилиш ва тизимга солишни талаб қилиш билан чекланиб қолмай, балки бандликни бошқариш тизимлари олдига унинг анъанавий йўналишларини сифат жиҳатдан ўзгартиришни талаб этувчи янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Шунга боғлиқ равишда, бандликнинг инновацион турининг яхлит концепциясини шакллантириш, уни баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш, институтлаштириш жараёнини таҳлил қилиш Ўзбекистон шароитларида бошқарувга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, шакллантириш учун шарт-шароитлар ва чекловларни аниқлашдан иборат бўлган айрим назарий ва амалий аҳамият касб этиб бормоқда.

Бандликнинг инновацион тури кенг маънода ишчиларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича меҳнат муносабатлари тизими сифатида талқин этилади. У иқтисодий тизимнинг барча поғоналарида маҳсулот, технологик, бошқарув, ташкилий, ижтимоий инновацияларга айланиб борадиган ва индивидуал ва умумий даражалардаги ижтимоий ва иқтисодий самара синергиясини келтириб чиқарувчи меҳнатнинг янги сифати билан тавсифланади. Тор маънодаги

«бандликнинг инновацион тури» тушунчаси — бу инновацион салоҳиятдан фойдаланишга асосланган ҳамда маҳсулдор ва самарали бандликка эришишни таъминлаб берувчи меҳнат бозори субъектлари томонидан амалга оширилган меҳнат фаолиятининг эндигина пайдо бўлган ёки ривожланган, такомиллаштирилган турлари ва шакллариدير. «Инновационлик» бандликнинг сифатий хусусияти бўлиб, ушбу хусусият ижтимоий ишлаб чиқариш талабларига мослашувчанлик, рақобат устунлигига эга бўлиш зарурияти билан боғлиқ ҳолда бандларнинг янги хулқ-атвор моделларини ўзлаштиришларини акс эттиради. Янги турдаги бандликнинг юзага келиши сифатида ишлар ёки ишчиларни излаш технологияси, хусусий бизнесни ташкил этиш, меҳнат мобиллиги, иш жойида масофадан туриб ўқитиш; ташкилотлардаги бевосита инновацион меҳнат ва бошқалар тавсифланиши мумкин.


Юқорида баён этилган бандликнинг инновацион турининг концептуал схемасини эътиборга олган ҳолда, уни қуйидагича акс эттириш мумкин (17-расм).

Схемадан кўриниб турибдики, бандликнинг инновацион тури ходим (субъект)нинг, иш жойлари (объектлар) ва «ходимларни меҳнат кооперациясига жалб этилиши»нинг институционал шакллари ривожланиши ўртасидаги ўзаро алоқалар натижаси сифатида намоён бўлади.

Бандликнинг инновацион тури феномени мураккаблигини баҳолаш бандлик назарияси учун янги бўлган — институционал-тадрижий, синергетик ва хатарлилик ёндашувлари билан тизимли методологияни тўлдиришни талаб этади. Уларнинг барчаси юқори гносеологик салоҳиятга эга. Бандликнинг инновацион турини таҳлил қилишда институционал-тадрижий ёндашув тамойилларидан фойдаланиш унинг тадрижий ривожланиши жараёнида янги сифат тавсифларининг юзага келишини намоён этишга имкон яратади.

Синергетик ёндашув бандликнинг инновацион турини бандлик шакллари ва турлари тартибининг муайян ўлчамлари (тармоқ, таълим ва касбий-малакавий таркиби кўрсаткичларининг аниқ кўрсаткичлари), барқарорлиги, мустақиллиги, кўп вариантлилиги ва бошқалар орқали тавсифлаб беришга ёрдам беради. Бунда бандликнинг янги шакллари ва турларининг юзага келиши меҳнат бозори ва бандлик тизимининг барқарор эмаслиги натижаси сифатида намоён бўлади.

17-расм. Бандликнинг инновацион тури концептуал схемаси



Ходимларнинг меҳнат соҳасидаги хулқида кўплаб янгиликлар натижанинг (даромад, харажат, мақом) юқори даражада ноаниқлиги билан боғлиқ экан, инновацион типдаги фаолиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилиш эҳтимоли мавжуд омиллар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқ, бу эса хатарлилик ёндашувидан фойдаланишни шарт қилиб қўяди. Бандликнинг инновацион турининг категория сифатидаги белгиларини қуйидаги гуруҳлар бўйича тизимга солиш мумкин:

— иқтисодий (1) — бандликнинг таркиби ва шакллари-нинг узлуксиз «янгиланиб туриши», меҳнатнинг янги сифати, бандликнинг янги шакллари ва турларига талабнинг юқорилиги ва бандликнинг турли субъектлари нуқтаи назаридан уларнинг самарадорлиги;

— ташкилий (2) — меҳнатни янгича ташкил этиш ва бандликни бошқариш, инновацион меҳнат кооперацияси ва интеграцияси шакллари-нинг турли-туманлиги;

— институционал (3) — тубдан янги ёки такомиллашган бандлик институтлари ва бошқаларнинг юзага келиши;


— техник-технологик (4) — иш ўринларини интеллектуаллаштириш ва ахборотлаштириш ва бошқалар;

— ижтимоий-психологик (5) — ходимнинг инновацион «генотипи»; инновацион меҳнатга рағбатлантириш ва ҳ.к.

Бандликнинг инновацион турининг категория сифатидаги белгилари бандликнинг янги тури ривожланши билан бирга-ликда тараққий этиб боради (18-расм).

Инновацион бандлик учун қуйидаги янги хатарлар хос: корхонани қайта қуриш натижасидаги алоҳида ходимлар касбий гуруҳларини чиқариб ташлаш хатарлари, билимлар-нинг эскириши инновациялар ва касблар ҳаёт циклининг қисқариши, бандлик барқарорлигининг пасайиши, янги касб-га оид (меҳнатнинг янги турларининг ривожланиши, «инсон-ишлаб чиқариш» тизимининг мураккаблашуви билан боғлиқ) хатарлар. Иш берувчи учун янги кадр хатарлари (айниқса виртуал ташкилотларда), инновацион бандлик ҳаёт цикли билан ва ходимларнинг оппортунистик ахлоқи билан боғлиқ хатарлар юзага келади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бандлик-нинг янги шакллари «ходим-иш берувчи» тизимида хатарларнинг ходимлар томонига такрор тақсимланиши билан кўпроқ боғлиқ.

18-расм. Бандликнинг инновацион турининг категория сифатидаги белгилари тизими



Ташқи ва ички меҳнат бозорларида ходимлар, иш берувчиларнинг феъл-атворлари ва ўзаро муносабатлари бир қатор қоидалар, тадбирлар, расмий ва норасмий тавсифга эга меъёрлар, уларга риоя этиш бўйича ўзига хос назорат механизмлари билан тартибга солиб турилади ва ташкил этилади. Шу нуқтаи назардан бандликнинг инновацион тури ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги янги билимларга эга ва ахборот-интенсив меҳнат фаолиятига йўналтирилган очиқ ва имплицит (яширин, ёпиқ) шартномалар натижаси сифатида тавсифланади.

Аҳолининг юқори интеллектуал салоҳияти, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, ахборотлашиш, глобаллашув ва ҳ.к. Ўзбекистонда бандликнинг инновацион турини шакллантирувчи асосий детерминантлар ҳисобланади. Ушбу жараёнда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга жиддий аҳамият қаратилади. Таълим соҳаси ҳар доим иқтисодиётга ҳаддан зиёд, касбий таълим эса, айниқса, боғлиқ бўлиб келган, сабаби у иқтисодиётнинг у ёки бу даражадаги ва йўналишдаги кадрларга бўлган эҳтиёжига қараб ўз йўналишларини белгилаган. Бу эса касбий таълимда иқтисодиёт талабларига қатъий боғлиқлик бўйича ўзига хос қурилмани шакллантирган.

Бироқ жамият ва иқтисодиётнинг ривожланиб боришига боғлиқ равишда, бундай парадигма ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Ўтган йиллар мобайнида қарор топган таълим парадигмаси ўз негизида билим, малака ва кўникмалар ҳамда касбий маҳорат қурилмасини шакллантиришни назарда тутар эди. Билим, малака ва кўникмаларнинг ушбу рўйхати етарли даражада стандартлаштирилган, барқарор бўлган, бу эса таълим жараёнининг репродуктив хусусиятини олдиндан белгилаб берган. Унинг моҳияти билим, малака ва кўникмаларни ўқитувчидан ўқувчига узатиш механизминини яратишдан иборат бўлиб, бунда ўқитувчи уларнинг асосий манбаи ҳисобланган, айнан у уларнинг ҳажми ва ўзлаштириш методикасини белгилаб берган.

Ушбу парадигма доирасида таълим хизматларнинг асосий истеъмолчиси бўлиб ўқувчи ҳисобланади, унинг билимлари эса хизмат кўрсатиш давомида сифат ўзгаришларига дуч келадиган маҳсулот сифатида тавсифланади; давлат ва

худудий ташкилотлар, вазирликлар ва идоралар истеъмолчи сифатида эмас, балки кўпроқ молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

Модомики, таълим хизматларининг асосий мазмунини таълим олувчининг психофизиологик имкониятлари билан чегараланган билим, малака ва кўникмалар мажмуини уза-тиш жараёни ташкил этар экан, унинг бундай ҳолатларда иқтисодиётнинг муайян ривожланиш тезлигига йўналтири-лиши очиқ-ойдин кузатилади.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ушбу билим, малака ва кўникмалар таълим олиш давомида ва мутахассис ўз меҳ-нати билан таълимга сарфлаган маблағларини оқлаб олиши учун зарур вақт давомида маънавий жиҳатдан эскириб қол-маслиги керак.

Ушбу таълим моделининг заиф томонларидан бири олинган билимларни уларнинг ўзига хос томонлари бўйича қўллаш-даги чекланганлигидадир. Билимларнинг ўқитувчидан таъ-лим олувчига механик кўчишида уларни қўллаш соҳаси ҳам қатъий тарзда чекланган бўлиши мумкин. XX асрнинг ик-кинчи ярмида иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш тез-лиги таълим хизматларининг сарфланган харажатларини қоплашнинг критик даражасидан ошиб кетди, ишлаб чиқа-риш учун зарур бўлган илмий билимларнинг чуқур ва мурак-каб таркиби психофизиологик қабул қилишнинг критик да-ражасидан ўзиб кетган.

Иқтисодиёт ва умуман жамият ривожланишининг замона-вий босқичида шу нарса маълум бўлдики, агар сўз намуна бўйича ўқитиш тўғрисида ёки билимларни репродуктив қайта тиклаш тўғрисида бораётган бўлса билиш ва хабардор бўлиш-нинг ўзи етарли эмас, албатта. Ҳаёт фақат креатив таълим шароитларида ўрганиш мумкин бўлган ижодий тажрибага эга бўлиш заруриятини шарт қилиб қўяди. Тизимдаги турғунлик, таълимнинг таълим жараёнидан кўра динамик бўлган ҳаёт-дан яққол ортда қолишини айнан мана шу орқали тушунти-риш мумкин. Бу томондан унинг илгарилаб кетувчи функци-ялари тўғрисидаги муаммо кўндаланг бўлади. У ҳаётини аён-аналарни олдиндан кўра билиши ва мувофиқ равишда уларга ўз вақтида, ҳаттоки улардан илгарироқ жавоб қайтара оли-ши, таълим жараёнининг — инсон нима учун, нимага ва қан-

дай ўқитилади, деган буюк саволлар ечимини топа олиши лозим.

Замонавий тафаккур тизимларнинг нотекислиги, ишончсизлиги, хатарлар, инсон онги ижодининг исталмаган ва кўзланмаган натижалари шароитларида инсон ва инсоният келажакнинг очиқлигини эътироф этилишидан келиб чиқади. Бу таълим ва педагогиканинг рефлексив функциялари аҳамиятини оширади, уларнинг олиндан кўра билувчи салоҳиятини талаб этади. Бундай вазиятда таълим тизими демократлашади ва янада инсонпарвар бўлади, бу эса унинг сифат тавсифига айланади.

Бу жиҳатдан таълимнинг янги парадигмаси асосини шундай ғоя ташкил этадики, энг умумлашган тарзда таълим олдиндан белгилаб қўйилган билимлар суммасини бериш эмас, балки қуйидагиларга ёрдам кўрсатиш лозим:

— тафаккурнинг назарий, диалектик, мантиқий, анализ, синтез, тизимли ёндашув каби усулларини ривожлантириш;

— ижодий қобилиятни ривожлантириш — эгалланган билимлардан ҳар қандай вазиятларда, шу жумладан вазифани мустақил белгилаш ҳамда вазифаларни ҳал этишнинг янги усулларини излашда ҳам фойдалана олиш;

— касбий маҳоратни кучайтириш, яъни талаб этиладиган фаолиятни стандарт ва ностандарт шароитларда ҳам эркин амалга ошириш.

Агар биринчи парадигма доирасида таълим олувчининг билим, малака ва кўникмалари сифат ўзгаришларига учраган бўлса, иккинчи ҳолатда унинг ўзи уларга дуч келади. Бунга боғлиқ равишда, кўпроқ рақобатбардош мутахассис тушунчаси сифатида қўлланилаётган мутахассис тушунчасининг иқтисодий мазмунидаги юз бераётган ўзгаришлар эътиборга лойиқ. Яқин ўтмишда у билим, малака ва кўникмаларнинг ўзига хос тўпламига эга бўлган инсон сифатида тавсифланган бўлса, бугунги кунга келиб бу инсон ўз билим, малака ва кўникмаларини узлуксиз тарзда ривожлантириб боришга, уларни интеллектуал шахсий сифатлар ва умумий маданият даражасининг муайян тўпламига боғлиқ ҳолда янгилаб боришга қодир шахсдир.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг йирик сектори бўлган таълим парадигмаларининг алмашинуви — бир кунлик иш

эмас ва биз мавжуд жараёнларни экстраполяция қилиш асосида ҳар икки парадигмага мувофиқ бўлган ўқув муассасаларининг иккита иқтисодий моделини тузишимиз мумкин. Бунда ҳар икки модел ҳам асосий элементларнинг айнан тенглаштирилган тўпламига эга бўлиши лозим. Булар ахборот ресурслари (**IR**), технологик ресурслар (**TR**), персонал ресурслари (**PR**)дир. Бунда тавсия этилаётган моделларнинг чекланган ва юқори даражада шартли деб оламиз.

Анъанавий моделда ахборот ресурслари деганда илмий ва ўқув материалининг кодификацияланган ҳажмини тушуниш лозим бўлиб, у ихтисослашувга мувофиқ ўқувчига бериш учун зарур. Бундай таълим бериш жараёни кўпроқ репродуктив тавсифга эга ва ўқув маълумотларини қайта тиклашни ифода этади. Бундай қайта тиклаш параметрлари икки омил билан чекланади: инсоннинг психофизик имкониятлари ва меҳнат бозори талаблари билан.

Амалда анъанавий моделнинг ўқув муассасалари ахборот ресурслари кутубхона фондларида жамланган бўлади. Иқтисодий мақбуллик тамойилига мувофиқ репродуктив ўқув жараёнининг чекланишлари ахборот ресурслари ҳажмига ҳам ўтиб боради. Кутубхона фондларида режалаштирилган ихтисослик бўйича билим, малака ва кўникмаларнинг стандарт доирасидан четга чиқиб кетувчи, кейинчалик индустриал иқтисодиёт учун хос бўлган меҳнат бозорида ҳам талаб бўлмаган ахборотларни кодификация қилинган китобларни тўплаш бефойда.

Шунингдек, ўқувчи томонидан таълим олиш жараёни давомида, психофизик кўрсаткичлар бўйича механик ўзлаштириш мумкин бўлмагани сабабли, тўлиқ равишда ўзлаштириб олинмайдиган ахборотларни ҳам тўплаб бориш ҳеч бир мазмунга эга эмас. Ҳар қандай ортиқча ахборот ўзини оқламайдиган харажатларни келтириб чиқаради.

Технологик ресурслар деганда, билимларни ўзлаштириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган таълим технологиялари, яъни зарур услубий таъминот ҳажми — иш ва ўқув режалари, услубий кўрсатмалар ва тавсиялар, қўлланмалар ва бошқа барча услубий воситалар захираси тушунилади. Бу ерда ҳам айнан ўша чеклов мавжуд — таълим технологиялари тўплами ўқувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг

айнан ўша стандарт ҳажмини етказиш зарурияти билан чекланган.

Персонал ресурсини профессор-ўқитувчилар таркибининг фақат таълим технологияларида кўзда тутилган қисми бўйича малакаси ташкил этади. Таълим жараёнининг олдинги парадигмасига асосланган ўқув муассасасининг ресурс билан таъминланганлик даражаси (**St**) қуйидагича кўринишга эга:

$$RSt = IRSt + TRSt + PRSt$$

Ушбу моделнинг мақсади ва амал қилиш усули билимларни такрор тиклаш ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу моделни репродуктив модель деб аташ мумкин.

Олий касбий таълим парадигмасининг алмашинуви тақдим этилган репродуктив моделдаги сифат ўзгаришларини акс эттиради. Биринчи навбатда мақсад ва усул ўзгаради — билимларни такрор ишлаб чиқариш ўрнига модель марказини қобилиятларни ривожлантириш эгаллайди, у шунингдек, компетенциялар асосини ҳам ташкил этади.

Модомики, битирувчи томонидан ахборотларнинг муайян ҳажмига эга бўлиш ахборотларнинг ҳар қандай ҳажмига эга бўлиш қобилияти билан алмашинар экан, шунга кўра ўқув муассасасининг ахборот ресурслари ҳам чекланишлардан озод бўлади ва чекланмаган ўсиш йўналишини олади. Моҳиятига кўра ахборот ресурслари ўқув муассасаси доирасидан ҳам чиқиб кетадиган ахборот майдонига, аниқроқроқ айтадиган бўлсак, ахборот муҳитига айланади.

Бундай муҳитда унинг таркибий қисми бўлган ахборот ресурслари иқтисодий мақсадга мувофиқлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, чекланмаган ўсиш йўлига ўтадилар, ва бундай ҳолда ахборот муҳити табиий равишда қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- мунтазам ўсиш механизмлари;
- **IR** га осон эга бўлиш механизмлари;
- **IR** излаш, тизимга солиш ва таҳлил қилиш воситаларини.

Технологик ресурсларнинг (**TR**) мазмуни ҳам мувофиқ равишда ўзгаради. Агар биринчи моделда улар қатъий белгилаб берилган билим, малака ва кўникмаларнинг чекланган ҳажмини ўзлаштиришнинг методик воситаларини англатадиган бўлса, иккинчи моделда эса — бу билимларнинг чекланмаган маконида чекланмаган катта ҳажмли ахборотлар-

ни ва перманент технологик такомиллашувга интилишни рўёбга чиқариш учун имкониятларни излаш ва қабул қилишдир. Айнан мана шу шароитлар мажмуи ўқув муассасасининг инновацион муҳитини ташкил этади.

— инновация муҳитининг ҳал этувчи омиллари:

— мустаҳкам ва яхши ташкил этилган ахборот муҳитининг мавжудлиги;

— инновацияларнинг яратилишини ташкил этиш;

— персонални рағбатлантириш тизими.

Модомики инновация жараёни исталган натижа билан унга эришиш учун мавжуд воситалар заифлиги ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга уринишдан иборат экан, у ҳолда ўқув жараёнига нисбатан у муаммоли таълим кўринишида ифодалангани, яъни бунда таълим жараёни ўқувчи ва ўқитувчининг муаммоларни биргаликда ҳал этишига асосланиб ташкил этилади. Шунга боғлиқ тарзда, биринчи моделда персонал сифатида ифодаланган ўқитувчининг билим ва тажрибалари (**PR**) ҳам функционал ўзгаради.

Биринчидан, айнан ўқитувчининг инновация салоҳияти жуда муҳим бўлиб қолади, у қанчалик юқори бўлса, ўқувчининг шаклланаётган салоҳияти ҳам шунчалар юқори бўлади.

Иккинчидан, ахборот ва инновация муҳитини ривожлантириш учун меҳнат қилаётган персоналнинг аҳамияти кескин ўсади ва функцияси ўзгаради.

Иккинчи модель бўйича таълим олаётганларнинг ривожланиши олий касбий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнини ташкил этиш даражасини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчилар ва муҳандис-техник персонал ўқувчиларни фақат диққат билан кузатадилар ва уларнинг фаоллигини у ёки бу йўналишга қаратадилар, яъни уни ривожлантириш учун катта кўламларда шароитлар яратадилар.

Мавжуд тадқиқотларда инновацион моделнинг иккита асос бўладиган, энг муҳим —) таълим жараёнининг ахборотлаштириш ва инновацион хусусиятлари кўпроқ ажралиб туради. Таълимнинг анъанавий тизими билан инновацион тизими ўртасидаги фарқ, биринчи навбатда, тубдан фарқ қилувчи таълим технологиялари орқали амалга ошириладиган мақсадда қарор топади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: бар-

ча турдаги фаолиятлар, шу жумладан, ўқув, тарбия, бошқарув, илмий-тадқиқот, бутун персонал, биринчи навбатда, ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаолияти, ташқи муҳит билан муносабат ўрнатиш фаолиятини трансформация қилиш талаб этилади¹.

Инновационлик — бу, энг аввало, иқтисодий тушунча. Корхона ичида яратилган ва жорий этилган инновация корхонадан ташқарида бўлган бозорда унинг маҳсулотини сотиш йўли билан баҳога эга бўлади.

Агар бозор маҳсулот (товар, хизмат)нинг ноёблик каби хусусиятини тан олган бўлса (уни бошқа товар ва хизматларга солиштириш йўли билан), демак, маҳсулот ҳақиқатан ҳам инновацион жараён натижаси ҳисобланади. Шундай экан, иккинчи мажбурий белги — бозорда ноёб товар сифатида сотилиш қобилиятидир.

Бу белгилар инновацион таълим муассасаси моделини жорий қилишда албатта ҳисобга олиниши даркор. Сўзсиз, ушбу шартларга риоя этиш учун инновацион таълим муассасасига бошқарувнинг инновацион типи мувофиқ келиши зарур. П.И. Ваганов берган таърифга мувофиқ, инновацион бошқарув — бу маҳсулотлар, технологиялар ва умуман корхона ҳаёт циклининг барча босқичларидаги инновацион жараёнларни ривожлантириш қонуниятлари ва омилларини аниқлаб олиш асосида корхона олдига қўйилган вазифаларнинг ечимини топишни тезлаштириш ва яхшилаш мақсадларида функциялар, ташкилий тузилмалар, технология ва ташкилотларнинг таркибини, шунингдек, унинг элементларини (ёки умуман бошқарув тизимини) алмаштиришга мўлжалланган бошқарув тизими усулларининг мақсадли ўзгартирилишидир².

Иқтисодий атамашуносликда анъанавий таълим муассасасини тавсифлашда уни таълим хизматлари кўрсатувчи корхона сифатида кўриб чиқиш лозим, бунда таълим олувчи истеъмолчи ҳисобланади. Бу каби корхонанинг умумлаштирилган технологик жараёни касбий билим, малака ва кўник-

¹ Кочнев А., Ахмадуллин М., Рязанова Л., Абдулкашарова Ф., Разинов А. Инновационная образовательная деятельность // Высшее образование в России. №8. 2004 г. — С. 75.

² Ваганов П.И. Теоретические и методологические основы инновационного управления и управленческих инноваций. Автореф. дисс. ... докт. экон. наук. — Санкт-Петербург, 2003. — С. 7.

маларнинг муайян белгиланган ҳажмини ўқитувчидан ўқувчига берилиши сифатида тавсифланади. Бу жараённинг реал воқеликда самарадорлигининг бош мезони бўлиб давлат томонидан тартибга солинувчи таълим стандартлари томонидан белгиланган билимлар ҳажми билан ўқитувчи томонидан берилувчи билимларнинг даражаси ва кўламининг мувофиқлиги хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи томонидан ўқувчига билим берилишида технологик ва бошқа йўқотишлар қанчалик кам бўлса, жараённинг самарадорлиги шунчалар юқори бўлади.

Бундай функционал корхонанинг иқтисодий самарадорлигига функцияларни бажаришга кетган харажатларни оптималлаштириш йўли билан эришилади. Бу барча кўрсаткичларнинг ўсиши сўзсиз равишда, маҳсулотнинг сифати, мувофиқ равишда, бозор нархи ҳам ўзгармаган ҳолда таълим жараёни таннархининг ошиб кетишига олиб келади.

Агар ушбу схемани инновацион таълим муассасасига нисбатан қўллайдиган бўлсак, бунда биринчи навбатда, юқорида сўз юритилган айнан мақсадларнинг ўзгаришларига асосий эътибор қаратиш талаб этилади. Агар, дастлаб жараён моҳияти билимлар бериш сифатида тавсифланган бўлса, эндиликда эса сўз қобилиятларни ривожлантириш тўғрисида боради.

Бундай ўқув муассасасининг иқтисодий модели ўзгача кўринишга эга: таълим олувчининг ўзи таълим хизматларини кўрсатиш давомида таъсир кўрсатиш объекти бўлиб ҳисобланади, фирма ёки давлат эса унинг истеъмолчиси бўлиб қолади. Агар касбий маҳоратни ривожлантиришни (ноль белгисидан қандайдир бир муайян даражагача), тадқиқот, ижодий салоҳиятни соддалаштирилган тарзда хизматлар объектининг бошланғич ва сўнгги ҳолати ўртасидаги фарқ сифатида тасаввур этадиган бўлсак, у ҳолда буюртмачи томонидан топширилган ушбу якуний ҳолатнинг мутаносиблиги самарадорлик мезони ҳисобланади.

Биринчи ҳолатда функциялар доимий бўлган бўлса, иккинчи ҳолатда у биргина технологик цикл доирасидаги ўзгарувчан миқдорга айланишини англаш қийин эмас, сабаби ўқитувчи ўз қобилиятларини ўқувчига бера олмайди, у фақат ўқувчининг қобилиятини ривожлантириши мумкин холос.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, таълим технологиялари улардан фойдаланиш жараёнида ўзгариши мумкин ва шунга мажбур, модомики, идеал ҳолатда ўқитувчининг мавжуд маълумотлар базасидан уларни ўзгармаган тарзда ўзлаштириб олиш эмас, балки ҳар бир муайян ўқувчига нисбатан уларни янгитдан ихтиро этиш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, функциялар тўплами бир технологик цикл давомида ўзгариб турадиган ўқув муассасасини биз ишонч билан инновацион типдаги корхона қаторига қўшишимиз мумкин.

Таълим сифатини бошқариш масалалари устида тўхталадиган бўлсак, биринчидан, таълимни хизматлар сифатида соддалаштирилган ҳолда тушунишга йўл қўйилмайди, иккинчидан, бизнес ва ишлаб чиқариш моделини таълим тизимига кўчириш мумкин эмас. Шунинг учун бунда янги таълим парадигмаси мазмунига муносиб бўлган мезонлар тўғрисида ва жараёнларни режалаштириш, жорий этиш, мониторинг қилиш ва ўз вақтида коррекция қилиниши асосида сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш устида сўз бормоқда.

7.2. Аҳоли сифати ўсиши инновация фаолиятининг асоси сифатида

Ўзбекистон XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарор ҳолатини мустаҳкамлаган ҳолда қадам қўйди ва бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллади. Ҳозирги кунда республика олдида янги долзарб вазифа — мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион йўлига ўтишини таъминлаш кўндаланг турибди, бу эса меҳнат унумдорлигини ва сарфланган капитал самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда мамлакат фаровонлигини ва аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга замин тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, "бизнинг ҳамма ишларимизда — бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш масаласи ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим ва соғлиқни

сақлаш тизимида эртанги ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими — буларнинг барчасида биз учун фақат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манфаатларининг устуворлигидир»¹. Янги инновацион иқтисодий шакллантириш натижалари илмий-техник тараққиётнинг ижтимоий йўналтирилганлигини юқори даражаларига эришиш, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришишдан иборат бўлиши лозим. Буларнинг барчаси алоҳида аҳамият касб этувчи инновация фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-демографик заминларини кўриб чиқишни шарт қилиб қўяди, сабаби аҳолининг инновация фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги иштироки унинг сифат таркиби, кадрлар тайёрлаш ва ходимларни янги шароитларга мослашувига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон аҳолиси мустақиллик йилларида анча ўсди, 1992 йил бошидаги 21,2 млн. кишидан² 2010 йилнинг бошига келиб 28,0 млн. кишига³ етди ва бу даврда 6,8 млн.га ўсди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,8%ни ташкил этди. 1991—2008 йилларда шаҳар аҳолисининг улуши 40,3 дан 51,7%га кўтарилди, қишлоқ аҳолиси эса 59,7 дан 48,3% гача камайди. 2009 йилда туғилишлар сони 649,7 минг кишини, ўлганлар сони 130,7 минг кишини, шу жумладан бир ёшгача бўлган болалар сони 7,3 мингтани, табиий ўсиш 519,0 минг кишини, никоҳлар сони 277,6 минг киши, ажримлар сони 17,2 минг кишини ташкил этди. Мувофиқ равишда, 1000 кишига тўғри келадиган такрор ишлаб чиқариш коэффициентлари қуйидагича бўлди: туғилиш коэффициенти — 23,3, ўлим коэффициенти — 4,7, аҳолининг табиий ўсиши коэффициенти — 11,7, никоҳлар коэффициенти — 10,0 ва ажралишлар коэффициенти — 0,6⁴.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Т. 16. — Тошкент: Ўзбекистон, 2008. — 208-б.

² Население Республики Узбекистан. 2005. — Ташкент, 2006. — С. 6.

³ Статистическое обозрение республики Узбекистан за 2009 год. — Ташкент, 2010. — С. 39.

⁴ Ўша ерда, 39-б.

Ўзбекистон билан яқин хориж мамалакатларидаги 2000—2008 йиллар бўйича демографик кўрсаткичларни таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон аҳолисининг ўртача йиллик сони аҳоли сони йилдан-йилга камайиб бораётган МДХнинг Европа қисми ва Болтиқбўйи мамлакатларидан фарқли равишда ўсиб бормоқда. Бу Ўзбекистонда туғилишнинг юқорилиги ва ўлим даражасининг пастлиги натижаси ҳисобланади. Агар 2008 йилда Россияда туғилиш коэффициенти 11,3% га тенг бўлган бўлса, Ўзбекистонда 23,6%ни ташкил этди ва Россия коэффициентидан 2,0 баравар юқори бўлди.

Ўзбекистон аҳолисининг умумий туғилиш коэффициенти МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида юқори бўлган бир вақтда, бу кўрсаткич 1991 йилдаги 4,2 та боладан¹ фарқли равишда 2008 йилда 2,6 та болага тенг бўлди ва мазкур йиллар давомида 1,6 баробар камайди.

Айни вақтда, Ўзбекистондаги умумий ўлим коэффициенти (2009 йилда 5,2%) Россиядаги монанд коэффициентдан (2008 йилда 14,6%) 2,8 мартага паст бўлди.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, туғилгандаги кутилаётган умр кўриш давомийлиги 2008 йилда 72,9 йилни, бунда аёлларда 75,1 йил, эркекларда 70,5 йилни ташкил этди. Бироқ, Ўзбекистонда кутилаётган умр кўриш давомийлиги дунёнинг ва баъзи МДХ мамлакатларига нисбатан солиштирадиган бўлсак, эркеклар бўйича ҳам, аёллар ўртасида ҳам етарли даражада юқори эмас.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтаётган ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган йиллар давомида аҳолини такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларида жиддий ўзгаришлар юз берди: нафақат шаҳар аҳолиси, балки қишлоқларда ҳам туғилиш кўрсаткичлари пасайди, идеал ва ис-талган болалар сони бўйича репродуктив мақсадлар ўзгарди, аҳолининг мутлақ ва нисбий ўсиш кўрсаткичлари пасайди, ҳудудий миграция йўналишлари ўзгарди, меҳнат миграцияси ривожланиб бормоқда, аҳолини такрор барпо бўлишининг кенгайтирилган туридан аста-секин оддий турига ўтиб борилмоқда. Агар аҳолининг 16 ёшгача бўлган улуши жами

¹ Демографический ежегодник Узбекистана. 1991—2003 гг. — Ташкент, 2004. — С. 153; Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. 2009. — Ташкент, 2009. — С. 41.

аҳолининг 1998 йилда 41,9%ни, 2008 йилда 33%ни ташкил қилган бўлса, мос равишда, Ўзбекистоннинг жами аҳолисига нисбатан меҳнатга яроқли аҳоли улуши 50,4 ва 59,5%ни, меҳнатга лаёқатли ёшдан юқори бўлганлар эса — 7,7 ва 7,2% ташкил этган. Бу эса ўз навбатида, меҳнатга лаёқатли 1000 кишига тўғри келадиган меҳнат юқини меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги 984 кишидан 681 кишигача камайтирди ва бу орқали иқтисодий имкониятлар учун «демографик дарча» очилди. Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқийдиган шахслар улуши кўпайди.

Бундай «демографик дарча» мамлакатнинг умуман ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам, шунингдек, алоҳида оилаларнинг фаровонлик даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, сабаби давлат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, уй хўжаликлари (касаначилик)нинг янги иш ўринларини яратиш ёки мавжуд асосий фондларни модернизация қилиш мақсадида қўшимча инвестициялар киритишлари учун имкониятлар юзага келади.

Ҳозирги кунда аҳолининг ўртача йиллик табиий ўсиш суръатлари дунё бўйича ўртача кўрсаткичларга мувофиқ келади.

Аҳоли сони ўсиб боришини шакллантириш манбаларини тадқиқ этиш шуни кўрсатмоқдаки, унинг энг муҳим ижобий таърибий қисми аҳолининг табиий ўсиши, салбий қисми эса — ҳудудий миграцияси сальдосидир.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 80-йилларда қарор топган юқори демографик салоҳият, туб аҳоли ўртасида никоҳларнинг нисбатан юқори кўрсаткичи ва ажралишлар сониинг камлиги, республика ташқарисига аҳоли миграциясининг пастлиги Ўзбекистон аҳолиси табиий ўсишининг юқори даражасини сақлаб қолишнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилган.

Бироқ Ўзбекистонда ҳам, жаҳоннинг бошқа мамлакатлари каби аҳолининг қариши кутилмоқда. Шу билан бир қаторда, бу жараён мамлакатимизда нисбатан кескин оқибатларга олиб келмайди, сабаби у биринчи навбатда, нисбатан юқори бандлик даражасига ва ишсизликнинг паст даражасига эга шаҳар аҳолисига таъсир кўрсади.

Аҳолининг қариши, ишсизликнинг юқори даражалари, ижтимоий тенгсизлик ва жаҳон бозоридаги ўзгаришларга

мослашиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги каби бир қатор муаммолар қишлоқ жойларида, айниқса, кескин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистондаги қишлоқларда, шаҳарлардан фарқли равишда, туғилиш коэффиценти анча юқори, ўлим кўрсаткичлари паст ва шундай экан, табиий ўсиш кўрсаткичлари юқори. Натижада, қишлоқ жойларда меҳнатга лаёқатли бир кишига тўғри келадиган демографик юк коэффиценти ҳам меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлганлар сонининг кўплиги ҳисобига, шаҳардаги ушбу кўрсаткичдан юқорироқ. Ўзбекистондаги қишлоқлар аҳолиси ёш. Аҳолининг ўртача (медиана) ёши ҳозирги вақтда 24,5 ёшга тенг¹.

Миграциянинг салбий сальдоси устида тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, у республикада 70-йилларнинг иккинчи ярмида юзага кела бошлади. Мустақиллик йиларида эълон қилинган маълумотларга кўра, республика ташқарисига миграциянинг салбий сальдоси жами 1,3 млн. кишини ташкил этган. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолисининг ташқи миграциясининг ўртача йиллик салоҳияти пасайиб бормоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари бўйича турмуш даражаси ва сифатининг яхшиланиб бориши билан Ўзбекистон фуқароларининг катта қисми (96,9) ўз ватанидан кетишни истамайди².

Замонавий Ўзбекистон учун икки-учта фарзандли оилалар хос. Бунда оиладаги болаларнинг исталган сони билан оилада туғилаётган болалар сони бир-бирига мувофиқ келмоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2006 йилда ўтказилган «Оила ва ахлоқ» ижтимоий сўровномаси натижалари шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида, эркаклар билан аёллар ўртасида оила аъзоларининг исталган сонини белгилаш ўртасида жиддий фарқлар йўқлиги маълум бўлди, гарчи бу гуруҳлар ўртасидаги фикрлар илгари кескин фарқ қилган бўлса-да.

¹ Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ; ПРООН. — М.: Весь мир, 2010. — С. 185, 186.

² Убайдуллаева Р. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития // Социально-демографические процессы в современном Узбекистане: Материалы Республиканской научно-практической конференции, посвященной 15-летию Международной Конференции по народонаселению и развитию (Каир, 1994 г.). — Ташкент, 2009. — С. 21.

Шу билан бир қаторда, деҳқон ва фермерлар, маълумот даражаси нисбатан паст шахслар ижтимоий жиҳатдан кўп сонли оилаларни (беш ва ундан ортиқ болали), ўқувчилар ва талабалар, олий ва ўрта маълумотли шахслар икки фарзандли оилага эга бўлиш истагини билдирганлар.

«Оила ва ахлоқ» ижтимоий саволномаси материалларидан шуни кўриш мумкинки, ўзбек оилаларида болалар сонини белгилаб берувчи энг муҳим омиллар оилаларнинг иқтисодий аҳволи (59,4%), аёл ва эракларнинг саломатлиги (36,4%), эр-хотинларнинг дунёқарашлари (19,9%), миллий ва маҳаллий урф-одатлар (12,6%), руҳий ҳолати (8,6%) диний дунёқарашлари (0,8%) ва бошқа омиллар (5,8%) ҳисобланади¹.

Ўзбекистонда репродуктив майлнинг ўзгариши натижа-сида кўп болалали оиладан ўрта болали оилаларга ўтила бошланди. Бу эса ўз навбатида, мамлакат аҳолиси сифатини яхшилашни таъминлаб беради.

Яқин истиқболда Ўзбекистонда демографик вазиятнинг ривожланиши қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланади:

- ҳозирги даврда туғилиш даражасининг барқарорлашуви ва унинг келгусида ошиши;
- мамлакатдан чиқиб кетиш ҳажмининг янада қисқариб бориши;
- мамлакат аҳолиси сонининг мутлақ ўсиш кўрсаткичларининг мунтазам ошиб бориши;
- урбанизация даражасининг барқарорлашуви ва секин-аста унинг ошиб бориши;
- умр кўриш давомийлигининг ўсиб бориши;
- болалар ва оналар ўлимининг мунтазам камайиб бориши.

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон аҳолиси 2015 йилга келиб 29,6 млн. киши ва 2025 йилда 34,7 млн. кишини ташкил этиши кутилмоқда².

¹ *Ата-Мирзаев О.* Репродуктивные установки населения Узбекистана // Социально-демографические процессы в современном Узбекистане: Материалы Республиканской научно-практической конференции, посвященной 15-летию Международной Конференции по народонаселению и развитию (Каир, 1994 г.). — Ташкент, 2009. — С. 81.

² *Убайдуллаева Р.* Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития // Социально-демографические процессы в современном Узбекистане: Материалы Республиканской научно-практической конференции, посвященной 15-летию Международной Конференции по народонаселению и развитию (Каир, 1994 г.). — Ташкент, 2009. — С. 21.

Демографик ривожланиш тарихи демографик ўтиш тўрт босқичдан иборат эканлигини кўрсатади. I босқич учун авлодларнинг жадал ўзгаришига олиб келувчи туғилиш ва ўлим даражасининг юқорилиги хос, II босқич учун эса — аҳоли сонининг чексиз ўсишига сабаб бўлувчи туғилишнинг юқори даражаси ва ўлимнинг паст даражаси хос, III босқич учун ўлим даражаси пастлиги сақланган ҳолда туғилиш кўрсаткичларининг камайиб бориши хос бўлиб, бунда аҳолининг ўсиш суръатлари пасайиб боради ва IV босқич учун аҳолининг депопуляцияси хос бўлиб, у аҳоли сонининг камайиб боришига олиб келади.

35-жадвалдан Ўзбекистон бошқа МДХнинг Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари билан бир қаторда III босқичга ўтиш даврида тургани, Болтиқбўйи мамлакатлари ва МДХнинг ғарбий мамлакатлари демографик ўтишнинг IV босқичида экани кўриниб турибди.

Бироқ ўлим даражаси пастлиги сақланган ҳолда туғилиш кўрсаткичларининг камайиб бориши билан тавсифланувчи демографик ўтишнинг III босқичига ўтиш даврида турган Ўзбекистон сўнгги йилларда туғилганлар умумий сонининг ва умумий туғилиш коэффицентининг ошиб бориш динамикасига эга бўлди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон аҳолисининг секин-аста ўсиб бориши унинг сифат бўйича ривожланиши билан биргаликда кечмоқда, бу эса инновацион фаолият учун замин тайёрлайди. Ўзбекистон аҳолисининг маълумотлилик даражаси юқори бўлиб, бу аҳолининг саломатлигига ва умр кўриш давомийлигига ижобий таъсир кўрсатади.

35-жадвал

МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари аҳолисининг такрор барпо бўлиш кўрсаткичлари, 2008 йил учун, %да

Мамлакат	Умумий коэффицентлар			Туғилиш бўйича умумлаштирилган коэффицент
	туғилиш	ўлим	табiiй ўсиш	
Ўзбекистон	22,4	5,2	17,2	2,6
Беларусь	10,7	13,7	-3,0	1,4
Латвия	9,7	14,5	-4,7	1,4
Литва	9,2	13,2	-4,0	1,3
Молдова	10,6	12,0	-1,4	1,3
Россия	11,3	14,6	-3,3	1,4

Мамлакат	Умумий коэффициентлар			Туғилиш бўйича умумлаштирилган коэффициент
	туғилиш	ўлим	табiiй ўсиш	
Украина	10,2	16,4	-6,2	1,3
Эстония	11,1	12,9	-1,8	1,6
Озарбайжон	18,0	6,3	11,7	2,3
Арманистон	12,4	8,3	4,1	1,4
Грузия	11,2	9,4	1,8	1,4
Қозоғистон	20,8	10,2	10,6	2,5
Қирғизистон	23,5	7,3	16,2	2,8
Тожикистон	26,7	4,6	22,1	3,3
Туркменистон	18,5	5,4	13,1	2,2

Манба: Демографический ежегодник России. 2008. — М., 2009. — С. 547—550.

XX асрнинг охирида бутун дунёда саломатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омили экани тўғрисида тушунча юзага келди. Иқтисодий нуқтаи назардан соғлиқ ва маълумот инсон капиталининг иккита энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Саломатлик Минг йиллик тараққиёти мақсадларининг асосини ташкил этади. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бошқа барча мақсадларга эришишга катта ҳисса қўшади. Бу эса саломатликни жамият тараққиётининг энг муҳим компонентларидан бири сифатида эътироф этилишидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиб, ўз маърузасида шундай деб таъкидлади: табиийки, соғлом авлод бу аввало соғлом фарзандлардир. Бу йўналишда ўтган йиллар давомида «Соғлом она — соғлом фарзанд» дастури асосида кенг кўламда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун, шу жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказлар, янги туғруқ мажмуаларини қурилишига қанча маблағ ва куч сарфланганлиги ҳаммага маълум¹.

Бу жиҳатдан Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, жисмонан бақувват ва маънавий барка-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси / Халқ сўзи, 2009, 8 декабрь.

мол авлодни тарбиялаб вояга етказишга катта эътибор қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиликлар соғлиқни сақлаш инфратузилмасини модернизация қилиш воситаларига қаратилган, улар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш учун сафарбар этиладиган инвестициялардан кам аҳамиятга эга эмас.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ходимларнинг меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатади, турли касаллик ва меҳнатга лаёқатсизлик билан боғлиқ йўқотишларни камайтиради.

Ўзбекистон Давлат бюджети ҳисобидан ҳал этилиши лозим бўлган катта миқёсли вазифаларни эътиборга олган ҳолда, 2010 йилда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш учун 1 трлн. 700 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу эса мазкур соҳага йўналтирилаётган пул маблағларини 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтирилишига ёрдам беради¹.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аҳолининг саломатлиги унинг турмуш тарзи ва шароитлари, овқатланишига 50%, генетика ва наслига — 20%, ташқи муҳит ва табиий шароитларга — 20% ва соғлиқни сақлашга — 10% боғлиқ бўлар экан.

Инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида стресс, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, зарарли одатлар (чекиш, алкоголь, наркотиклар) ва қариликни санаб ўтиш мумкин. Инсон тараққиёти бўйича 2006 йил учун миллий маърузада² таъкидланишича аҳолининг саломатлигига уч гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади:

- демографик омиллар;
- соғлом турмуш тарзи;
- саломатлик ва яшаш шароитлари.

Агар биринчи омил аҳолини такрор ишлаб чиқариш билан тавсифланса, иккинчи ва учинчи омилларни ижтимоий тадқиқот материалларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш мумкин.

Авлодларнинг қарор топишига таъсир кўрсатувчи бошқа энг муҳим компонент аҳоли ўлим даражасининг ўзгариши ҳисобланади.


¹ Ўша ерда.

² Доклад о человеческом развитии, Узбекистан-2006. «Здоровье для всех: основная цель нового тысячелетия для Узбекистана» — ПРООН, 2006.

Мустақиллик йилларида ўлим кўрсаткичлари бўйича бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Буни айниқса, болалар ва оналар ўртасидаги ўлим кўрсаткичлари мисолида аниқ кўриш мумкин.

2000–2008 йиллар оралиғида туғилган 1000 тага тўғри келадиган болалар ўлими коэффиценти 18,9%₀дан 12,5%₀га ёки 34%₀га камайди. Болалар ўлими сабабларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, 1 ёшгача бўлган болалар ўлимининг асосий сабаби нафас олиш органлари касалликлари ва перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлар экан. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда гўдақлар ва ёш болалар ўлими кўрсаткичларининг пасайиб боришига қарамай, республика даражаси дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги даражадан юқори.

19-расм. 1991–2007 йилларда Ўзбекистонда болалар ва оналар ўлими коэффицентининг ўзгариши, %₀ да



Шу билан бир қаторда мазкур даврда 100000 тирик туғилган болаларга нисбатан ҳисобланган оналар ўлимининг умумий коэффиценти 33,1%₀дан 22,4%₀га ёки 32%₀га камайди (19-расм), мустақиллик йилларида эса, оналар ўлимининг ушбу коэффиценти 3 баравардан зиёдга камайди. Оналар ва болалар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилишдаги бу каби ижобий ўзгаришлар соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиниши натижасидир. Хусусан, бўлғуси оналар саломатлигини назорат қилувчи, соғлом болаларни

туғилишига ёрдам кўрсатувчи кенг тармоқланган скрининг-марказларнинг ташкил этилиши; стационар касалхонлар ва амбулаторияларда аёллар ва болаларни даволаш ва профилактика ўтказиш махсус бўлимларининг яратилиши; замонавий контрацептивлардан фойдаланиш ва абортлар сонининг қисқариши; туғишлар ўртасидаги интервалнинг узайтирилиши, аҳоли ўртасида «аҳолининг репродуктив саломатлиги» тушунчасини қарор топтириш ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Аҳоли саломатлигини тавсифловчи энг муҳим сифат кўрсаткичи умр кўриш давомийлиги ҳисобланади. Статистика маълумотлари бўйича, Ўзбекистонда туғилгандаги кутилаётган умр кўриш давомийлиги 2008 йилда 72,9 ёшни, шу жумладан аёлларда – 75,1 ёшни ва эркекларда – 70,5 ёшни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги кутилаётган умр кўриш давомийлиги кўрсаткичлари Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар аҳолисининг кутилаётган умр кўриш давомийлигидан сифат жиҳатдан фарқ қилади.

Агар 2008 йилда аёллар билан эркекларнинг кутилаётган умр кўриш давомийлиги ўртасидаги фарқ Ўзбекистонда 4,6 йилни ташкил этган бўлса, Қозоғистонда бу кўрсаткич 10,5 йилга тенг бўлди. Аёллар билан эркекларнинг кутилаётган умр кўриш давомийлиги ўртасидаги фарқдаги нисбатан мутаносиб вазиятнинг қарор топишига, биринчи навбатда, нафақат қарилик даврида, балки болалик, ўсмирлик даврларида ҳам аҳолининг саломатлиги муаммоларини ҳал этишга, гўдаклар ва оналар ўлимини камайтиришга қаратилган давлат сиёсати, ОИВ/ОИТС, сил ва бошқа юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда демографик муаммолар ечимини топиш инсонларнинг соғлом авлодини шакллантириш ва ривожлантиришнинг сифат хусусиятлари жиҳатидан етакчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Реал сектор ва ноишлаб чиқариш соҳаси ходимлари саломатлигига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-демографик ва иқтисодий омилларни ўрганиш мақсадларида биз «Ўзбекистон аҳолиси саломатлигининг иқтисодий-демографик муаммолари» деган ижтимоий тадқиқот ўтказдик. Ушбу тадқи-

қотни ўтказиш давомида ходимларнинг саломатлик даражаси уларнинг оилавий аҳволи, яшаш-турмуш шароитлари, ходимларнинг моддий таъминланганлиги, турмуш тарзи ва овқатланиш тартиби, тиббий маданият, суғурта тиббиётининг ривожланганлиги, меҳнат шароитлари ва янги техникаларнинг, замонавий технологияларнинг жорий этилишига боғлиқ экани аниқланди.


Респондентларнинг умумий сонидан анкеталаштиришда иштирок этганлар: жинси бўйича: эркаклар — 67,3% ва аёллар — 32,7%; ёшига кўра: 21-30 ёшлилар — 31,3%, 31—40 ёшлилар — 40,5%, 40—50 ёшлилар — 18,9%, 50 ёш ва ундан катта — 9,3%; маълумотига кўра: олий маълумотлилар — 16,9%, ўрта махсус маълумотлилар — 61,0%, умумий ўрта маълумотлилар — 18,8%, тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотлилар — 13,3%; миллати бўйича: ўзбеклар — 84,2%, руслар — 9,3%, тожиклар — 4,2% ва бошқа миллат вакиллари — 2,3% ни ташкил этди.

Тадқиқот қўйидаги муҳим қонуниятни аниқлади: маълумот даражаси қанча юқори бўлса, аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари ҳам шунча юқори бўлар экан.

Аҳоли саломатлиги демографик кўрсаткичларидан биз респондентларнинг оилавий аҳволи ва никоҳда турган респондентларнинг фарзандлари сонини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаландик. Ижтимоий тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 76,5% оилали, 17,4% оила қурмаган ва 6,1% ёлғизлар ташкил этди. «Нечта фарзандингиз бор?» деган саволга оилали респондентларнинг 16,9% битта, 31,9% иккита, 29,5% учта, 16,3% тўртта, 3,6% бешта ва 1,8% олти та деб жавоб қайтарди (20-расм). Оилали респондентлар фарзандларининг ўртача сони (2,5 та бола) Ўзбекистон аҳолисининг замонавий репродуктив майлига мувофиқ келди.

Респондентларнинг у ёки бу корхонадаги меҳнат фаолиятининг давомийлигини аниқлаш мақсадида «Ушбу корхона (муассаса)да сизнинг иш стажингиз қанча?» деган савол берилди. Олинган жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, 0—5 йил — 22,2%, 5—15 йил — 54,5%, 16—25 йил — 16,8% ва 26—35 йил 0,6%, жавоб беришга қийналганлар — 0,6% ни ташкил этди. Демак, респондентларнинг ярмидан ортиғи 5 дан 15 йилгача ишлаган экан.

20-расм. Респондентларнинг «Нечта фарзандингиз бор?» деган саволга жавобларининг тақсимланиши, жамига нисбатан фоизларда



Манба: ижтимоий тадқиқотлар материаллари асосида.

Аҳолининг турмуши фаровонлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири яшаш жойи ва зарур турмуш шароитлари ҳисобланади. «Оилангиз қаерда яшайди?» деган саволга респондентлар шундай жавоб бердилар: шахсий уйимда — 60,2%, кўп қаватли уйдаги хонадонда — 34,7%, ётоқхоналарда — 4,7% ва меҳмонхоналарда — 0,4%. Респондентларнинг катта қисми уларнинг уйлари газлаштирилган (98,1%) ва ичимлик суви билан таъминланган (88,3%) деб таъкидладилар. Яъни биз тадқиқ этган ишловчиларнинг катта қисми яхши қулай шароитларда яшар эканлар.

Инсоннинг ўз соғлиғига қандай муносабатда бўлишидан унинг саломатлигининг мувофиқ баҳоси келиб чиқади. «Соғлигингизни қандай баҳолайсиз?» деган саволга қуйидагича жавоб олинди: яхши — 53,8%, қониқарли — 28,3, қониқарсиз — 2,3%, жавоб беришга қийналаман — 15,6%. Респондентлар ўз жавобларида қуйидаги омиллар аҳолининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини таъкидладилар: чекиш — 53,6% ва ҳаддан зиёд кўп алкоголь ичиш 54,2%.

Аҳолининг саломатлигига бевосита таъсир кўрсатадиган тўғри овқатланиш, биринчи навбатда, аҳолининг даромади билан боғлиқ. «Сиз тўғри овқатланишга эътибор қаратисизми?» деган саволга 66,0% респондент ижобий жавоб берди, 18% жавоб бера олмади, 16,0% салбий жавоб қайтарди. 84,1% тиббиёт ходими ижобий жавоб қайтариб, тўғри ов-

қатланиш инсон саломатлигининг энг муҳим омили ҳисобланади, деб яна бир бор таъкидладилар. Аҳолининг саломатлигига таъсир кўрсатувчи яна бир омил атроф-муҳитдир. Ҳозирги замон тадқиқотчилари аҳолининг саломатлигига экологик омил 20 фоиз таъсир кўрсатмоқда, деган фикрни билдирмоқдалар. Бироқ «Экологик оқибатлар инсон саломатлигига таъсир кўрсатадими?» деган саволга респондентларимизнинг 51,4% ҳа деб жавоб бердилар. Шунингдек, sanoat зонасида жойлашган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишчилари аҳолининг саломатлигига экологиянинг ёмонлашиб боришининг салбий таъсири янада кучлироқ эканини таъкидладилар (64,1%). Бунда респондентларнинг 57,9% экологиянинг таъсири аҳоли саломатлигига ҳаво орқали, 21,7% респондентлар — ичимлик суви орқали бўлади деб ҳисоблайдилар.

«Ўзбекистон аҳолиси саломатлигининг иқтисодий-демографик муаммолари» ижтимоий тадқиқот материалларини умумлаштирган ҳолда, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва республикада ҳар тарафлама баркамол авлодни шакллантириш учун қуйидагилар тавсия этилади:

— соғлиқни сақлаш тизимининг муқобил шаклларини ривожлантириш ва тиббий суғурта тизимини кенг жорий этиш;

— корхоналардаги мавжуд тиббиёт муассасалари салоҳиятидан оқилона фойдаланиш;

— тиббиёт муассасаларини аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадларида замонавий диагностика, даволаш ва физиотерапевтик воситалар билан жиҳозлаш;

— аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғибот қилиш;

— ходимларнинг ижтимоий-маиший турмушини яхшилаш, хусусан, тураржойларни ободонлаштириш ва ходимларнинг моддий таъминланганлик даражасини ошириш;

— меҳнат шароитлари мураккаб бўлган корхоналардаги меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини яхшилаш;

— ишлаб чиқаришда жароҳатларнинг олдини олиш мақсадида янги техника ва замонавий технологиялар билан ишлаш учун кадрларни тайёрлаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар ўтказиш;

— аҳоли саломатлиги даражасини ошириш ва катта ёшлилар ўртасида касалланиш даражасини пасайтириш мақсадларида профилактика ишларини амалга ошириш;

— тиббиёт ходимларини тайёрлаш сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини яхшилаш ва касалланиш даражасини пасайтиришга ёрдам беради, инсон капитални ривожлантириш ва рақобатбардошликни ошириш учун, соғлом узоқ умр кўриш, миллий иқтисодиётнинг инновацион моделини яратиш шароитларида хўжалик юритишнинг янгича шароитларига мослашиш ва ходимлар меҳнатидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитларни яратади.

7.3. Инновацион тараққиёт йўлига ўтишда меҳнат бозори

Мамлакатда ишлаб чиқилган аҳолининг иш билан бандлиги стратегияси давлатда мулкчиликнинг барча шакллари тенглигини, хусусий мулкчиликни давлат томонидан ҳимояси таъминлаган, давлатнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига бевосита аралашувига йўл бермайдиган, иқтисодий фаолиятни эркин деб эълон қилган, иқтисодиётни марказлашишдан, монополиядан чиқаришга йўналтирилган иқтисодий тизимни ташкил этишнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сиёсий-ҳуқуқий пойдевори билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Қонуни ва Меҳнат кодексига ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Қонуни мувофиқ, аҳолининг иш билан таъминланиши — бу фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, уларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолияти. Бунда фуқароларга унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш

ва қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади. (Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Қонуни, 1–2-моддалар).

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи йилларидан меҳнат соҳасини эркинлаштириш ва меҳнат муносабатларини демократлаштириш бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Нисбатан тўлиқ ва оптимал иш билан бандликни таъминлашга кўп тарафлама ёндашувни кўзда тутувчи шахсий моделimiz меҳнат соҳасида етарли даражада ижобий силжишларга эришишни таъминлаб берди. Меҳнат фаолиятининг янги турлари юзага келди ва жадал ривожлантирилди, тармоқлар бўйича ва мулкчилик шакллари бўйича аҳолининг иш билан бандлиги тузилмаси сезиларли тарзда ўзгаришларга учради. Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолининг тахминан 80% нодавлат секторга тўғри келади. Аҳолининг иқтисодий меҳнат фаоллиги ошди. Ишловчиларнинг психологик ўзгаришларида, меҳнат мотивациясининг кучайиши, меҳнат ресурсларининг сифат бўйича такомиллашувида — тадбиркорлик сифатларининг, меҳнат ва ижтимоий ўзгарувчанлик, касбий маълумот олиш учун имкониятларнинг яхшиланиши, рақобатбардошликнинг ривожланишида ўз ифодасини топган меҳнат муносабатлари тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Барқарор ривожланиш ва мақсадли давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли республика меҳнат бозорида вазият бирмунча яхшиланди. Иқтисодиётда иш билан бандлар сони 3 млн. кишидан ошди. Бу жараёнлар кейинги йилларда айниқса кучайди. 2006—2007 йилларда аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратилди. Йирик саноат корхоналари билан кооперациялашув асосида уй хўжаликлари (қасаначилик) меҳнатини ривожлантириш, шахсий ёрдамчи хўжаликларда, деҳқон ва фермерлик хўжаликларида чорва моллари боқиб кўпайтиришни рағбатлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича дастурлар амалга оширила бошланди. Мазкур даврда ўтган йилларга нисбатан янги иш ўринлари янада кўпроқ ташкил

этилди ва ҳозирги вақтда ишлаб турган аҳоли сони 11 миллион кишидан ошди.

Иш билан таъминланган аҳоли таркиби, айниқса, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги мулкчилик шакллари-га кўра ходимларнинг тақсимланиши бўйича яхшиланди. Аҳолининг иқтисодий меҳнат фаоллиги ошди, нодавлат секторда меҳнат қилиш имкониятлари ва соҳалари кенгайди. Меҳнат фаолияти ва тадбиркорликнинг янги турлари юзага келди ва жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Аҳолининг бандлиги бўйича бундай ижобий силжишларга, шунингдек, ижтимоий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш жараёнида, янги иш ўринлари яратиш каби, меҳнат ресурслари учун инвестиция фаоллигини оширишда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва молиявий барқарорликни таъминлашда ҳам эришишга муваффақ бўлинди.

Шундай қилиб Ўзбекистонда аҳолининг иш билан таъминланганлиги бўйича шахсий моделни изчиллик билан амалга оширилиши меҳнат қилиш истагида бўлган барча меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат салоҳиятини ҳар бирининг шахсий меҳнат фаоллиги ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётга, моддий бойликлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга жалб этишга имкониятлар берди.

Мустақиллик йилларида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширишда энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ютуқ, бир қатор, айниқса хорижий мутахассисларнинг башоратлари ва фикрларига зид равишда иқтисодиётни модернизация қилишнинг мураккаб бир шароитларида ёппасига ва давомли ишсизлик шаклларида халос бўлинганлиги ва меҳнат соҳасида аҳоли муҳофазасини таъминлаб беришга муваффақ бўлинганлигидир.

Айни вақтда меҳнат бозоридаги демографик прессинг ҳануз етарли даражада юқорилигича сақланмоқда. Ўтган йиллар давомида аҳолининг интенсив такрор барпо бўлиши натижасида ҳозирги вақтда меҳнат бозори меҳнатга лаёқатли ёшга етган ёшлар узлуксиз кўпайиб бораётган бир шароитда шаклланмоқда. Бундай вазият, айниқса янги минг йилликнинг дастлабки йилларида сезилди, бунда Ўзбекистон меҳнат бозорига ҳар йили ўтган ўн йилликдагидан 1,2—1,3

марта кўпроқ ёшлар кириб келди. Шунга боғлиқ равишда бир қатор минтақаларда ишчи кучи таклифи иқтисодиёт тармоқларида унга бўлган талабдан ошиб кетган ва мунтазам равишда меҳнат билан таъминлаш муаммосини долзарблаштирмоқда.

Ўзбекистоннинг бандлик модели бандликни таъминлаш ва меҳнат бозорини мувофиқлаштириб туриш муаммоларини ҳал этишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган республикадаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Хусусан, меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсишида ўз ифодасини топадиган демографик хусусиятларни ҳам. Аграр секторнинг иқтисодиётдаги улушининг анча юқорилиги ҳамда қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларининг катта миқдорда тўплангани ҳам маълум роль ўйнайди. Шунингдек, аҳоли таркибида меҳнат соҳасида алоҳида ҳимояни талаб этадиган аҳоли гуруҳлари ҳам анча катта улушни ташкил этади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида аҳолининг иш билан бандлиги ҳам шаклланишнинг бозор тамойилларига қадам босди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида инсоннинг меҳнат фаолияти ва унинг меҳнат малакалари эркин танланган меҳнат фаолиятида амалга оширилади. Бунда фаолият соҳаларининг турли-туманлигига қарамай, ишлаб чиқариш турлари ва мулкчилик шакллари, ҳар бир инсоннинг меҳнати ижтимоий тавсифга эга бўлади, сабаби меҳнат фаолияти орқали ходимнинг нафақат меҳнати ва ақлий салоҳияти ишга туширилади, балки республиканинг умумий иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳам амалга оширилади.

Меҳнат бозори бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У ишчи кучига талаб — унинг таклифи эркинлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш эркинлигининг бозор тамойиллари асосида шаклланади. Меҳнат бозори банд ва банд бўлмаган барча меҳнатга лаёқатли аҳолини қамраб олади. Бунга сабаб, меҳнат ресурсларининг ҳар икки қисми ўз моҳиятига кўра, ўзига хос ўзаро боғланган идишни акс эттиради, яъни динамик бозор иқтисодиёти шароитларида иш билан банд аҳоли банд бўлмаган аҳоли тоифасига кириб қолиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Ривожланишнинг мазкур босқичида Ўзбекистонда меҳнат бозори етарли даражада мураккаб кўп қатламли ту-

зилмани ифода этади (21-расм). Уни тор маънода ҳам, кенг маънода ҳам кўриб чиқиш мумкин. Кенг маънода меҳнат бозори миқёсларини меҳнат ресурсларининг жами — иш билан банд ва банд бўлмаган аҳоли, иш излаётган шахслар ташкил этади. Унинг асосий қисмини иқтисодийнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар турли соҳаларида банд бўлган, ишлаб турган аҳоли (ишчи кучига қондирилган талаб) ташкил этади. Тор маънодаги меҳнат бозори иш излаётган шахслар доираси билан чекланади, бу жорий меҳнат бозоридир.

Меҳнат бозорининг яна бир жиҳатини ажратиш керак. Ҳозирги вақтда бошқа МДҲ мамлакатлари каби, Ўзбекистонда ҳам бандлик иқтисодийнинг ҳам расмий, ҳам норасмий секторларида шаклланиб бормоқда.

Бундай ҳолат иқтисодий жараёнлар трансформациясининг табиий натижаси, шунингдек, аҳолининг ислохотлар даврининг ўзига хос хусусиятларига муайян реакцияси сифатида тавсифланади. Модомики, иш билан бандликнинг ушбу шакллари меҳнат бозорининг ҳам кенг, ҳам тор маънодаги тушунчалари учун хосдир.

Ушбу секторлар бўйича иш билан бандлик миқёслари анча кескин фарқ қилади. Расмий меҳнат бозори барча ишлаб турган аҳолининг 70%ни қамраб олади. У шунингдек, Бандликка кўмак берувчи марказлар ва хизматларининг кенг ёйилган тармоқларини ҳам ўз ичига олган.


Норасмий ёки уюлмаган меҳнат бозорлари анча аввал, маъмурий-буйруқбозлик тизимлари вақтларидаёқ бошланган бўлиб, улар стихияли тартибда яратилади ва аҳолининг муайян тоифаларига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда улар, асосан, вақтинча ва мавсумий ишлар учун ишчи кучига бўлган талабнинг катта қисмини қондиради.

1993 йилда 15-Халқаро меҳнат статистиклари конференцияси резолюциясига мувофиқ норасмий сектор уй хўжаликлари корхоналарига хос хусусиятларга эга бўлган ва уларда иштирок этаётган шахсларни иш ва даромад билан таъминлаш мақсадларида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда банд бирликлар мажмуи сифатида тавсифланади¹.

¹ Горбачева Т.Л., Рыжикова З.А. Методологические подходы изменения занятости в неформальном секторе экономики. Вопросы статистики, №4, 2002. — С. 36.

21-расм.



Ушбу бозор ишчиларининг асосий категорияси қуйидагилардан иборат:

— вақтинчалик, бир марталик ва мавсумий ишларни бажараётган, шунингдек, хусусий секторга ёлланган номунтазам ва доимий ишлар билан банд шахслар;

— меҳнат шартномаларини расмийлаштирмаган ҳолда тадбиркорлик тузилмаларида оила аъзоларига ёрдамлашаётганлар;

— патентсиз ишлаётган тадбиркорлар, шу жумладан бозорда ва бозордан ташқарида савдо билан шуғулланаётганлар;

— республикадан ташқарида меҳнат қилаётганлар.

Расмий ва норасмий меҳнат бозорлари параллел тарзда ишлаб туради ва бир хил муаммони — бандликни таъминлаш, ишга эга бўлиш ва даромад олиш масаласини ҳал этади.

Норасмий секторда банд бўлган аҳолининг катта қисмини меҳнат шартномаларини расмийлаштирмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва уларга ёрдам бераётган оила аъзолари ташкил этади, улар мазкур категориянинг умумий миқдорининг деярли учдан бир қисмини ташкил этадилар. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бандликнинг ушбу соҳасига шунингдек, расмий меҳнат бозори томонидан етарли даражада талаб бўлмаган аҳоли қатламлари вакиллари ҳам кўпроқ жалб этилган. Уюлмаган бозор иккиламчи бандликка хизмат кўрсатади, яъни давлат секторида ёки бошқа соҳаларда банд бўлган, шунингдек, кундузи ўқийдиган талабалар ва юқори синф ўқувчиларини ёллайди. Ёшларнинг бир қисми ҳам мана шу бандлик соҳасига йўналтирилган.

Норасмий сектор ноқонуний сўзининг синоними ҳисобланмайди. Бироқ норасмий сектор вакиллари ва корхоналари барча ёки баъзи қоидаларни бажармаслик ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадларида расмий рўйхатдан ўтмайдилар ва мувофиқ лицензия олмайдилар. Норасмий секторда бандликни ҳисоб-китоб қилишда бозор маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи уй хўжаликларини, қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг ташкилий шаклларини, индивидуал асосдаги тадбиркорлик фаолияти турларини аниқлаш қисмида Миллий Ҳисоблар Тизими (МҲТ) қоида (тамойил)ларидан фойдаланилади. МҲТда ҳисоблаш методологияси муайян даражада иқтисодийнинг норасмий сек-

тори бўйича мувофиқ халқаро тавсиялар билан белгилаб берилган кўрсаткичларни ҳисобга олиш орқали амалга оширилади.

Жорий меҳнат бозори, ўз навбатида, шунингдек бир хил бўлмаган тузилмага эга. Унда норасмий қисм, яъни уюшмаган бозорда, вақтинчалик ва бир марталик ишларда банд аҳоли етакчилик қилади.

Республикада аҳоли бандлигини давлат томонидан тартибга солиш ишлари меҳнат салоҳиятидан легал асосларда, расмий иқтисодиётда фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Амалга оширилаётган сиёсат аҳоли бандлигининг қандайдир бир даражасига эришишни эмас, балки умуман жамиятнинг ва алоҳида ҳар бир инсоннинг манфаатларига жавоб бера оладиган даражадаги аҳолининг оптимал бандлигини изчил шакллантиришга, меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланмасликни, ялпи ишсизликни, меҳнатдан фойдаланишда номутаносибликларни бартараф этишга йўналтирилади. Агар бандлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга тўлиқ даражада мувофиқ бўлса ва аҳолини иш билан таъминлаш талабини қондиришга қодир бўлса, бандлик даражасини оптимал деб ҳисоблаш мумкин ва бунда у меҳнат самарадорлигини ошириш ва ишчи кучини сифатли такрор ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Республиканинг ижтимоий-демографик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган янги бозор муносабатларини қарор топтириш стратегияси туфайли Ўзбекистонда меҳнат (иш билан таъминлаш) соҳаси ҳеч бир ларзаларсиз ривожланиб бормоқда. Собиқ иттифоқ маконининг бир қатор давлат арбоблари ва тадқиқотчилари билдирган фикрларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон оммавий ва давомли ишсизликни четлаб ўта олди. ХМТ методологияси бўйича ҳисобланган Ўзбекистондаги ишсизлик даражаси МДХнинг бошқа бир қатор мамлакатлари ва баъзи ғарб мамлакатлари даражасидан анча паст¹.

Ғарб сиёсий иқтисодиётида ишсизликнинг меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш учун ўзига хос резерв сифатидаги мажбурийлик ва енгилмаслик назарияси ишлаб чиқилган. Ж.М. Кейнс «Бандлик, фоиз ва

¹ Статкомитет СНГ (Интернет), Вопросы статистики, № 4, 2002 г. — С. 47.

пул умумий назарияси» асарида (1936 й.) тўлиқ бандлик назариясини ишлаб чиққан ва унда ишсизлик иқтисодий аҳамиятга эгаллиги тан олинган ҳамда унинг «меъёрий даражаси» мамлакатнинг ташаббускор аҳолисининг 3—6% га тенг қилиб белгиланган. Унинг фикрича, ишсизликнинг бундай даражаси максимал фойда олиш учун шароитлар яратиши ва тизим сифатида капитализм учун ижтимоий хавфсизликни таъминлаб бериши мумкин. Тўлиқ бандлик бўйича Кейнс назарияси ҳозирги вақтгача у ёки бу даражада илмий мавзуларда ўз ифодасини топиб турибди. Бироқ ишсизлик тушунчаси фақат капиталистик тузум учун хос эмас. У режали иқтисодиётда ҳам, бироқ яширин ҳолатда мавжуд бўлган ва меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган аҳоли сифатида тавсифланган. Нима бўлганда ҳам, жамиятда ҳар бир муайян вақтда меҳнат ресурсларининг муайян бир қисми ҳар доим, турли сабабларга кўра ишсиз бўлиб қолиши мумкин, бу эса ишлаб чиқариш усулига умуман боғлиқ бўлмайди. Булар иш жойини ўзгартираётган, таркибий ўзгаришлар туфайли ишдан бўшаган, оилавий ва бошқа шахсий сабаблар туфайли вақтинча ишламаётган инсонлар бўлиши мумкин. Табиийки, бозор хўжалигига ўтишда маълум бир миқдорда ишсиз аҳоли назарда тутилади. Ишсизликнинг мавжуд бўлиши бандлик соҳасида бозор муносабатлари ривожланишига боғлиқ бўлган табиий бир ҳолатдир. Инсонлар тез-тез иш жойларини ўзгартирадиган бўлдилар, ишчи кучини бўшатиш ва қайта тақсимлаш кўламлари ошиб бормоқда, буларнинг барчаси эса, кўп ҳолатларда вақтинчалик ишсиз бўлиш ёки узоқ вақт уни излаш билан боғлиқ.

Ишсизлар сони ва таркиби ўзгариб туради, бироқ бу ҳодисанинг ўзи мавжуд иқтисодий тизимда меҳнат бозори элементи сифатида сақланиб қолаверади. Шунинг учун ҳам, ишсизликка ижтимоий салбий ёки ижобий ҳодиса сифатида қарамасдан, балки аҳоли ижтимоийлашувининг доим мавжуд ижтимоий-иқтисодий омили сифатида қараш лозим. Айни вақтда ишсизлик жиддий ва нисбатан янги иқтисодий омил бўлиб, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда уни жиддий эътибор билан ҳисобга олиш талаб этилади. Юзага келиш сабабларига боғлиқ равишда ишсизликнинг турли шакллари - яширин, турғун, тузилмавий, даврий, фрикцион ва бошқа турлари мавжуд.

Ўзбекистонда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши (1992 й.) билан ишсизлик расмий тан олинди, расмий мақомга ва мувофиқ регистраци-яга эга бўлди. Республика қонунчилигига мувофиқ расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар — бу ишга, иш ҳақига ёки даромадга эга бўлмаган, меҳнат органларида иш қидираётганлар сифатида рўйхатдан ўтган, меҳнат қилишга, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр 16 ёшдан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлиш ёшигача бўлган шахслар¹.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигида асосий фаолияти иш қидириб юрган фуқароларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, иқтисодиёт тармоқларида уларни ишга жойлаштиришга қаратилган мувофиқ тузилмалар ташкил этилган. Дастлаб улар меҳнат биржалари эди, сўнгра, уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари кенгайтирилгандан сўнг, 2007 йилда улар Бандликка ёрдам кўрсатиш марказлари сифатида қайта ташкил этилди. Бундай марказлар республиканинг барча ҳудудида, шаҳар ва қишлоқларда фаолият кўрсатади ҳамда иш излаётган аҳолини ишга жойлаштириш масалаларини амалий ҳал этади. Тизим ўз фаолиятининг 15 йили давомида 4 миллиондан зиёд кишини иш билан таъминлади.

ХМТ тавсифига кўра, ишсизлик даражаси — бу ишсизлар сонининг умумий ишчи кучи сонига нисбати бўлиб, у фоизларда ифодаланади². Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки йилларида ишсизлик даражаси меҳнат биржаларидаги расмий ҳисобга олинганлар билан белгиланар эди.

Расмий ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда барча йилларда расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони унчалар катта эмас: 45—50, кейинги йилларда эса — 30 минг киши атрофида бўлиб, унинг даражаси иқтисодий фаол аҳолининг умумий миқдорининг 0,2 дан 0,4%гача ўзгариб турган. Кейин-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисидаги» №106-сонли 24.05.07 йилдаги Фармойиши.

² Российская экономическая академия им. Г.В. Плеханова. Основы экономической безопасности (государство, регион, предприятие, личность): Учебно-практическое пособие под редакцией Олейникова Е.А. — М.: ЗАО «Бизнес школа Интел-синтез», 1997.

ги йилларда ишсизлар сони меҳнат бозоридаги реал вазиятларни нисбатан тўлиқ акс эттирадиган халқаро стандартлар бўйича ҳисобланадиган бўлди. ХМТ методологияси бўйича амалга оширилган ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда ҳозирги даврдаги ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли умумий миқдорининг 4–5% гача чегарасида турибди. Ишсизликнинг реал даражаси республикада илк бор 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг маърузасида 5,3% деб эълон қилинган эди¹. Бу кўрсаткич унчалар юқори эмас, баъзи МДХ ва Фарбий Европа мамлакатларида у анча юқори бўлиб, 6–8% дан ҳам баланд². Масалан, 2005 йилда бу кўрсаткич Молдавияда 6,6%, Россияда – 7,3%, Тожикистонда – 7,4%, Украинада – 7,0%, Қозоғистонда – 8,1%, Қирғизистонда – 9,0% га тенг бўлган³.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ишсизликнинг ўсиши мамлакат учун кучли иқтисодий хавфни келтириб чиқаради, сабаби унинг оқибатлари иқтисодий фаол аҳоли улушини камайишиб кетишига, меҳнат салоҳиятининг катта қисмини иш излаб мамлакат ташқарисига чиқиб кетишига, оила ва жамиятда боқимандалар сонининг ортиб кетишига, охир-оқибат эса — аҳолининг турмуш даражаси ва сифатининг пасайиб кетишига олиб келади.

Жаҳон амалиётида ишсизликнинг энг сўнги критик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 10% дан ошмаслиги керак деб қабул қилинган⁴. Бизнинг ҳисобларга кўра, узлуксиз демографик ўсишни, ёш болали ёш оилаларнинг аҳоли ўртасидаги улушининг катталигини, меҳнат ресурслари таркибида ёшларнинг улуши катталигини ва бошқа ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон учун, ишсизликнинг чегаравий миқдори 7–8% дан ошмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам, жадал ўсиб бораётган аҳоли бандлигини

¹ Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси/Халқ сўзи, 14 февраль 2007 й.

² СНГ в 2003 г. Статистический справочник. — М., 2004. — С. 125.

³ Статкомитет СНГ (www.stsstat.com).

⁴ Экономическая безопасность. Производство-Финансы-Банки / Под редакцией академика В.К. Сенчакова. — Москва: ЗАО «Финстатистформ», 1998. — С.71.

таъминлаш республика иқтисодий ривожланишининг энг муҳим стратегик устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бозор ўзгаришлари меҳнат соҳасида сифат силжишлари томон йўналтирилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, меҳнат бозорининг сифат бўйича юксалишининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг маълумотлилиқ даражасининг ўсиши;
- банд аҳолининг маълумот ва касбий тайёргарлик даражасини ошириш;
- умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан бошлаб, барча таълим тизимларида таълим бериш сифатини ошириш;
- фан ва инновацияларни, шу жумладан, лойиҳа-тадқиқот ва конструкторлик ишлари тизимларини ривожлантириш;
- ходимларнинг барча категориялари учун кадрларни қайта тайёрлаш ва мамлакасини ошириш тизимини яхшилаш;
- меҳнат ҳаёти сифатини кўтаришни таъминлаб бериш;
- меҳнат қилиш ҳаёти давомийлигини ошириш ва саломатликни яхшилаш.

Шундай қилиб, меҳнат бозорини сифат жиҳатдан ривожлантириш бир қатор кўрсаткичларни қамраб олган ҳолда, уларнинг ҳар бири республика шароитларида ижобий динамика учун ўзининг алоҳида имкониятларига эга. Бу жиҳатдан касбий таълим бериш ва барча даражадаги малакали кадрларни тайёрлашни тараққий эттириш айниқса муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда, ўз моҳиятига кўра, чуқур касбий билим иқтисодиётни ривожлантириш ва ҳам ички, ҳам жаҳон бозорларида унинг рақобатбардошлигини ошириш энг муҳим стратегик омилга айланиб бормоқда.

Иқтисодий категория сифатида маълумотни инсонни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш учун зарур бўлган тизимлаштирилган билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси сифатида тавсифлаш мумкин. Таълим соҳасида инсонлар ўзлари танлаган ихтисосликлари бўйича кенг доирадаги билимларга, касбга ва мутахассисликка эга бўладилар. Пировардида билим ва малакалар касбий-малакавий ўсиш учун, турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун интеллектуал асосга айланиб боради. Касбий таълим билан боғлиқ сифат ўзгаришлари меҳнат бозори учун ва иқтисоди-

ётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун давомли аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда дунёда билимлар ва технологияларнинг жадал тараққиёти юз бермоқда. Мана шундай шароитларда иқтисодий ўсишнинг жадаллашуви ишчилар кучининг рақобатбардошлигининг, ходимнинг маълумот, касбий-малакавий даражасининг ошиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли, кадрлар салоҳиятини шакллантириш бўйича ислохотларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг малакали кадрларга бўлган динамик бозор эҳтиёжларини ва касбий-маълумотлилик даражаси бўйича дифференциацияланган ишчиларга бўлган талабни қондиришни кўзда тутди. Шунга мувофиқ республикада таълим соҳасида ижобий сифат силжишларини таъминлаш, мавжуд таълим тузилмаларини, замонавий бозор эҳтиёжларига мувофиқ бўлган тизимнинг янги бўғинларини яратишни рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятлар стратегик режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Мана шу мақсадларда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. У таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишни таъминлаш, юксак маълумотли ва касб-ҳунарга эга инсонларнинг янги авлодини шакллантиришга қаратилган.

Ўз моҳиятига кўра, турли поғоналардаги юқори малакага эга кадрларни тайёрлаш ва инсон капиталининг сифат жиҳатдан ўсишини таъминлаб бериш республика тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ушбу масалалар иқтисодиётни модернизация қилиш ва инновацион тараққиёт йўлига ўтиш шароитларида, айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Қатъий талаблардан келиб чиққан ҳолда, инсон капитали жамиятда тўпланган билимлар, фан, ишлаб чиқариш тажрибаси, инсон ресурсларининг маълумот ва маҳорат даражалари мажмуини, шунингдек, юқори самарадор меҳнатга рағбатларни ривожлантириш даражасини ифода этади. Бу эса ўз навбатида, инсон ресурсларига инвестициялар киритишни ошириш ва кадрларни касбий-малакавий жиҳатдан ўстириш фақат инсон учун аҳамиятга эга бўлиш билан чекланиб қолмай, балки ижобий динамикада у меҳнат самарадорлигини ошириш ва инновацион тараққиёт учун энг қудратли омилга айланишини ҳам англатади.

Ҳозирги шароитларда инсон омилининг ишлаб чиқаришда тутган ўрни беқиёс даражаларда ўсмоқда, билим эса интеллектуал капитал сифатида иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилига айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда миллий бойликнинг деярли тўртдан уч қисми жамиятнинг интеллектуал салоҳияти томонидан яратилади. Ривожланган мамлакатлар эришаётган муваффақиятларнинг бош сабаби шундаки, улар билимларга асосланган ҳолда ўз иқтисодиётларини қурмоқдалар. Фан сифими юқори маҳсулотлар жаҳон бозорининг ҳажми 2300 млрд. АҚШ долларига тенг деб баҳоланмоқда, бунда ушбу бозорнинг асосий қисмини (80%) катта еттилик мамлакатлари ташкил этади. АҚШ ҳар йили фан сифими юқори маҳсулотлар экспортдан 700 млрд. доллар (умумий миқдорнинг 39%) олади, Германия улуши — 16%, Японияники — 30%га тенг¹. АҚШда 90-йилларнинг иккинчи ярмида коммуникация технологияларини, давлат томонидан Интернет тармоғини ривожлантиришга йирик инвестициялар киритиш орқали меҳнат унумдорлигини (йилига ўртача 2,5%) ўстиришга эришилди².

Меҳнат бозорини сифат жиҳатдан ўстириш интеллектуал салоҳиятни муваффақиятли ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга стратегик аҳамият берилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида ишлаб турган аҳолининг маълумот даражасини ошириш ишлари олиб борилмоқда. Кейинги 5 йил давомида олий маълумотли ходимлар улуши 19,4%дан 27,7%га, ўрта махсус маълумотлилар эса 23,1 дан 30,8%гача кўпайди³. Бу эса банд аҳолининг ярмидан ортиғи ҳозирги вақтда олий маълумотли мутахассис ва ўрта махсус касбий маълумотга эга эканидан далолат бермоқда. Ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш кўлами ошиб бормоқда. Масалан, 2008 йилда республика таълим муассасалари томонидан 82,9 минг

¹ *Бондарева Н.И.* Методические вопросы исследования системы управления интеллектуальной собственностью. Научные труды ИНП АН России. — М., 2008. — С. 341.

² *Ускова Т.* Производительность труда — главный фактор роста экономики. Экономист, № 10, 2009. — С. 15.

³ Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана. — Ташкент, 2007. — С. 30; Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана, 2009. — С. 31.

олий маълумотли ва 325,4 минг ўрта касбий маълумотга эга мутахассис тайёрланган, 2007 йилда эса мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда 73,2 ва 314,5 мингни ташкил этган эди¹. Республика ҳудудлари бўйича банд аҳолининг маълумотлилиқ даражаси бир қадар фарқ қилса-да, бироқ умуман республика бўйича маълумотлилиқ кўрсаткичининг ижобий динамикаси кузатилмоқда².

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг кенгайиб бориши интеллектуал тараққиётнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодийётнинг барча соҳаларига ва таълим тизимларига жадал миқёсларда жорий этиш тўғрисида бир қатор фармон ва қарорлари эълон қилинди.

Айни вақтда, меҳнат бозори юқори малакали кадрларга эҳтиёж сезмоқда. Ҳаттоки, республикада инновацион тараққиётнинг базавий тармоғига айланиши лозим бўлган саноат соҳасида ҳам раҳбарлик лавозимлари ва етакчи мутахассисларнинг муайян миқдори ўрнини гарчи бу ўринлар олий маълумотни талаб этса-да, фақат умумий ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга ходимлар эгаллаган.

Ҳозирги замонда таълим бериш ва касбга тайёрлаш сифатини ошириш масалалари янада катта аҳамиятга касб этиб бормоқда. Иқтисодий ва ижтимоий тизимларда рўй бераётган ўзгаришлар таълим тизимидан ҳам ҳаракатчанликни, иқтисодийётни ривожлантириш, шахснинг камол топиши ва инсон салоҳиятини такомиллаштириш эҳтиёжларига мувофиқ жавоб қайтара олишни талаб этади. Мана шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсати ўтган йиллар давомида тўпланган барча ижобий томонларни сақлаб қолишга ва бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида яратилган таълимнинг замонавий миллий моделига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Умуман олганда, республикада ривожланишнинг инновацион йўлига қадам қўйилиши ва инновация фаолиятининг кенгайтирилиши юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг янги механизмларини жорий этишни ва мавжудларини такомиллаштиришни, олий

¹ Труд и занятость в Узбекистане. Госкомстат Узбекистана, 2009. — С. 93.

² Там же. С.101.

таълим тизимида илмий-тадқиқот тузилмалари, илмий марказлар ва лабораториялар, илмий-техник парклар ва бошқаларни ўз ичига олган инновацион инфратузилмаларни яратишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда олий таълим ўз нуфузини йўқотмаган ва янада оммавийлашиб бормоқда. Айни вақтда, тўлиқ модернизация қилиш орқали таълим бериш жараёнини кучайтирмаган ҳолда олий таълимнинг тижоратлаштирилиши унинг сифатини тушириш учун омил бўлиб қолиши мумкин. Баъзи олий ўқув юртларида ўқиш учун тўловлар ҳаддан зиёд юқори бўлиб, бунда у қайси мезонларга кўра белгилангани ҳам аниқ эмас. Балки, тўловлар миқдорини белгилашда энг кам иш ҳақи миқдоридан (семестр учун эквивалентларнинг муайян миқдоридан) келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар. Бунда тўлов ҳажми сезиларли тарзда камаяди ва талабалар ўқиш учун маблағ топиш муаммосидан фориғ бўлган ҳолда, давомат даражаси кўтарилади, демак, бу билан бирга касбий тайёргарлик сифати ҳам ошади. Бундай ёндашув орқали нисбатан паст даромадга эга аҳоли қатламлари орасидан иқтидорли ёшларнинг олий маълумот олишлари учун имкониятлар юзага келади. Таълим соҳасидаги сиёсат йўналишларини ҳар қандай йўллар билан кўпроқ таълимнинг сифат жиҳатларини оширишга, мамлакатнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятининг асоси сифатида иқтидорли болалар ва ёшларнинг қобилиятларини очиб беришга қаратиш лозим.

Бунда аёлларнинг маълумот даражасини оширишга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим, сабаби оилаларда айнан оналар болалар тарбияси ва уларда интеллектуал салоҳиятни шакллантириш билан кўпроқ шуғулланадилар. Маълумотли аёл боланинг интеллектуал ва ижодий ҳислатларини ўз вақтида аниқлай олади ва уларни ривожлантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, аёлларнинг юқори маълумотга эгаллиги туғилишнинг оилаларнинг репродуктив мақсадларига жавоб берадиган, исталган даражасини амалга ошириш учун омил бўлиб хизмат қилади, бу эса пировардида республикада аҳолини такрор барпо бўлиши учун оптимал режимни шакллантиришга ёрдам беради.

Меҳнат бозорини шакллантиришнинг сифат муаммоларини ҳал этишга нафақат касбий таълим тизимини такомиллаштириш билан, балки илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотларни ва ишланмаларни кенгайтириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, интеллектуал салоҳиятни тўплаб бориш, патентлаш амалиётини яхшилаш ва ҳ.к. орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий бозор муносабатлари бўйича ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида, бутун собиқ иттифоқдаги каби, илм-фан соҳаси анча мураккаб вазиятга тушиб қолди. Бу жараёнларнинг келиб чиқишига иқтисодий (илм-фан ходимлари малакасини ошириш ва ёш кадрларни жалб этиш рағбатларининг заифлашуви), технологик (илмий жиҳозларнинг эскириши ва етарли даражада такрор ишлаб чиқарилмаслиги, иқтисодий эҳтиёжларидан технологик ортда қолиб кетиш), шунингдек, мослашувчанлик ва қиймат омиллари сабаб бўлди. Ҳозирги вақтда технологик тараққиётни таъминлаб берувчи илм-фан, техника ва инновация тизимларини ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. 2008 йилдан бошлаб иқтисодий сифат жиҳатдан ривожлантиришга йўналтирилган устувор йўналишларни амалга ошириш жараёнида илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг деярли барча кўрсаткичлари — илмий ходимлар ва илмий ташкилотларнинг миқдори бўйича ҳам, таркиби бўйича ҳам жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда. Аспирантурага, номзодлик ва докторлик диссертациялари даражасида илмий гоёларни ишлаб чиқишга қизиқиш яна кучайди.

Меҳнат бозорини сифат жиҳатдан ривожлантиришда билимлар ва ахборотлар ресурсларидан фойдаланишни кучайтириш назарда тутилади. Шунга мувофиқ равишда, илмий тадқиқотларга, конструкторлик ишларига, барча турдаги илмий фаолиятни кадрлар билан таъминлашга харажатларни ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу босқичда янги фан сифими юқори тармоқларни жадал ривожлантириш талаб этилади, уларнинг самарадорлиги маълум даражада фан ва ИТТКИни молиялаштиришни оширишга боғлиқ бўлади. Иқтисодийнинг энг муҳим тармоқлари ва фаолиятнинг интеллектуал соҳаларига юқори маълумотли ёшларни кириб келиши талаб этилади, сабаби сифатли касбий маълумотга

эга ёшлар инновацион тараққиётнинг реал ҳаракатлантирувчи кучи бўла олади. Аҳоли бандлигида авлодлар алмашинуви самарадорликни ва меҳнат сифатини ошириш муаммоларини ҳал этишга қаратилиши лозим.

Иқтисодиётни модернизация қилиш касбий таълим, фан сифати, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятлари билан янада кучлироқ боғланиб бормоқда. Бу эса фан ва олий таълим зиммасига янада каттароқ масъулиятларни юклайди. Нафақат замонавий билимлар ва технологиялардан хабардор бўлган, балки янги ғояларни ишлаб чиқувчи ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж янада кучайиб бормоқда. Бу эса, тадқиқотчилар ва янги ғояларни ишлаб чиқувчиларнинг янги авлодларини, асосан, олий таълим тизими етказиб бера олишини эътиборга оладиган бўлсак, олий таълим тизимининг ўзи ҳам модернизация қилишни талаб этаётганини англатади. Мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаб бериш манфаатлари олий таълим тизимида таълим бериш ва илмий фаолиятнинг янда кучлироқ интеграциялашувини, тармоқ фанларини, илмий-маориф марказлари ва лойиҳа-конструкторлик тузилмаларини янада ривожлантиришни замон талабига айлантирмоқда.

Халқаро тажриба ҳозирги шароитларда олий таълим муассасаларининг роли чексиз равишда ўсиб бориши кераклигини кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли ёш инсонлар ўқиш жараёнидаёқ илмий иш олиб бориш учун таҳлилий ва ижодий малакага эга бўлишлари, сўнгра эса уларни мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришга жорий эта олишлари муҳим аҳамиятга эга. Замонавий муҳандисларнинг етарли техник билимларга ва менежерлик маҳоратига эга бўлишлари талаб этилади. Бу эса яхши профессионал муҳандислик бўйича тайёргарлик иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва менежмент соҳалари бўйича етарли даражада мустаҳкам билимлар билан уйғунликда эгалланиши кераклигини англатади. Бунда молиявий таъминотни ошириш юқори таълим даражасини ва ривожланган инновацион инфратузилмани таъминлаб беради.

Мана шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида олий ўқув юртларида фанни ривожлантиришга жиддий эътибор қарати-

лиши бежиз эмас. АҚШ ва Буюк Британияда фан учун умумий ажратиладиган маблағларнинг 11—12%, Япония ва Францияда 15—16% олий ўқув юртларига тўғри келади. Бунинг натижаси сифатида шуни таъкидлаш жоизки, жаҳонга машҳур олимлар ва Нобель мукофоти лауреатлари айнан университетларда ишлайдилар. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, патент фаоллиги ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси ёш тадқиқотчиларни олий мактаблардаги илмий тадқиқотларга ва ишланмаларга жалб этилишига боғлиқ экан.

Олий мактабларда ўқиш жараёнида талабаларда ижодга интилишни тарбиялаш талаб этилади. Олий касбий таълим тизими тараққиётда илгарилаб кетиш имкониятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бўлғуси рационализатор ва тадқиқотчилар таълим оладиган олий ўқув юртлари нафақат илмий ва инновацион фаолиятнинг тўлиқ иштирокчилари бўлишлари, балки ишлаб чиқариш тузилмаларида ҳам қатнашишлари шарт, бундан мақсад улардан келгусида фойдаланиш ва янада ривожлантириш истиқболларини кўзлаган ҳолда, улар янги технологик ютуқларни ва замонавий амалиётларни баҳолаш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

Билимларга асосланган иқтисодий қарор топтириш нафақат стратегияни ишлаб чиқишга, балки узоқ муддатли ривожланиш стратегияларига ва уларни минтақавий даражаларда мослашувчанлик заруриятига асосланган аниқ дастурларни яратиш учун ҳам жуда кўп вақт ва жиддий ресурсларни талаб этади. Бунда ҳам халқаро, ҳам маҳаллий тажрибаларни, шунингдек, иқтисодий модернизация қилиш моделлари ва мувофаақиятли тажрибаларни ҳар тарафлама эътиборга олиш зарур.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳаёт сифатини ошириш масаласи етакчи вазифалар қаторидан ўрин олган, буни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам ўзининг маъруза ва чиқишларида қайта-қайта таъкидламоқда¹. Ушбу вазифани ҳал этишнинг муҳим таркибий қисми меҳнат фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилашга эришиш ҳисобланади. Бундай заруриятнинг юзага келиши табиийдир. Биринчидан, инсон

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2009 йил. — 35-б.

ўз ҳаётининг катта қисмини ишда ўтказади, бу эса маълум даражада унинг дунёқарашлари ва ижтимоий-руҳий ҳолатини белгилаб беради. Иккинчидан, айнан меҳнат қилиш жараёнида у ўзининг касбий, интеллектуал ва ижодий салоҳиятидан фойдаланади, бу эса касбий малакасини ва эгаллаган мавқеининг ўсиши учун дастлабки шароитлар ва афзал томонларни яратади. Учинчидан, инсоннинг меҳнати унинг оиласини моддий жиҳатдан таъминлайди, бу эса ҳаёт сифатининг энг муҳим тавсифларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат фаолияти сифати бир қатор кўрсаткичлар, хусусан, меҳнат шароитлари, иш фаолиятидан қониқиш даражаси, мавқеининг ўсиши имкониятлари билан, моддий рағбатлантириш даражаси ва ҳ.к. билан белгиланади. Бизнинг тадқиқотларимизга асоан меҳнат фаолияти сифати қуйидаги омиллар орқали таъминланади:

— барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик;

— инсон ресурсларига инвестицияларни ошириш;

— жиҳозларни модернизация қилиш ва янгилаш, меҳнат самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш;

— меҳнат бозорида ишчи кучига талаб-таклифнинг миқдорий, сифат бўйича ва ҳудудий мутаносиблигига эришиш;

— умумий ва касбий таълим тизимини, ходимларнинг профессионализми, рақобатбардошлигини ва касбий ўсишини такомиллаштириш;

— меҳнатни ташкил этиш даражаси, юқори самарадор меҳнатнинг янги меҳнат мотивациясини, ишчиларнинг меҳнат натижаларига юқори манфаатдорлигини шакллантириш;

— меҳнатни, шу жумладан малакали меҳнатни рағбатлантириш, ходимларнинг ишлаб чиқариш рағбатларини ошириш;

— иш ҳақининг реал даражасини кўтариш, аҳолининг даромадларини ва меҳнат сифатларини ошириш;

— тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва унга эришиш учун қулайликларни таъминлаш, касб касалликлари профилактикаси, соғлом турмуш тарзи учун имкониятлар яратиш;

— меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш жароҳатларини қисқартириш;

— меҳнат қилишнинг турли тартиблари, жумладан, бандликнинг касаначилик шакли, меҳнат қилишнинг ўзгарувчан тартибларидан фойдаланиш ва танлаш имокниятлари;

— тўлиқ равишда ўзини намоён этишда ва унинг касбий имкониятлари ривожда ўз ифодасини топадиган меҳнат фаолиятининг инсонга ижобий таъсирини кучайтириш, ходимнинг интеллектуал шахс сифатида ривожланишини рағбатлантириш.

Шундай қилиб, меҳнат сифати фақатгина меҳнат соҳасидаги аҳволга боғлиқ бўлмай, балки бир қатор макроиқтисодий ва ижтимоий-психологик омилларга ҳам боғлиқ экан.

Юқори малакали ишчи кучи тайёрлашнинг бозор эҳтиёжлари билан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан мувофиқлигини таъминлашга иқтисодиётнинг ривожланишини ҳамда малакали кадрларга талаб-таклифни илмий-асосланган башорат қилиш асосида эришиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда мутахассисларга талабни башорат қилиш, одатда, иқтисодиётни ривожлантиришнинг бир қатор эҳтимоли мавжуд сценарийларини, мувофиқ равишда, олий ва ўрта касбий таълимни ривожлантириш вариантларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Мутахассисларга талабнинг ривожланиши иқтисодиётнинг иккита асосий — моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа секторларининг турли қонуниятлари орқали белгиланади. Моддий ишлаб чиқаришда талабнинг умумий вектори ҳозирги вақтда юқори малакали мутахассисларнинг меҳнатидан фойдаланиш жадаллигига, паст малакага эга меҳнатга нисбатан улар меҳнатининг юқори самарадорлигининг мунтазам ўсиб боришига боғлиқдир. Ижтимоий соҳада тўйинганлик коэффициентидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларни ишлаб чиқишда фақат республикада қарор топган анъана ва даражаларни эмас, балки жаҳон стандартларини ҳам эътиборга олиш лозим.

7.4. Ўзбекистонда инновация фаолияти учун кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари

Инновация илмий-техник тараққиёт йўналишларидан бири сифатида республикадаги таълим даражасига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан 2008 йил 15-июлда «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ 916-сонли Қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда кечиктириб бўлмайдиган бир қатор долзарб вазифалар кўзда тутилади, жумладан:

— ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва илмий техник ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни тижоратлаштириш ташкилотлари бошқарув кадрлари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш;

— республиканинг етакчи олий ўқув юртларида ИТТКИ бўйича ихтисосликлар ва фан йўналишларини, шу жумладан, «инновацион менежмент» фанини йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Республикасида мамлакат иқтисодиётини тубдан технологик модернизация қилиш йўли қабул қилинди ва кейинги ўн йилликнинг бу устувор вазифаси янги билимларга эга кадрлар тайёрлашни, шунингдек, олий таълим тизимида инновацион ғоялар ва технологияларнинг қудратли манбасини шакллантиришни талаб этади:

1. Инновацион, амалий тадқиқот ташкилотлари тармоғини ривожлантириш зарур, бунда улар кўпроқ фанлараро ихтисосликка, бир қатор йўналишларда заифлашиб қолган илмий-тадқиқот институтлари тизимини янги сифат даражасида ўрнини боса оладиган кучга эга бўлиши талаб этилади. Бундай ташкилотлар саноат корпорациялари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва академик фан ўртасида билимлар трансфертини ва компетенциялар шаклланишини таъминлаб бериши лозим.

2. Мамлакатни инновацион ривожлантириш йўли шунингдек, инновацион тадбиркорликни жиддий фаоллаштиришни, бу йўналишда компанияларни яратиш амалиётини кенгайтиришни, «инновацион лифт» деб ном олган механизмларни йўлга қўйишни ҳам кўзда тутади.

3. Технологик модернизация корхоналар — модернизация «илғорлари» томонидан талаб этиладиган янгича сифатга эга мутахассислар тайёрлашни талаб этади. Янги кадрлар эртанги кун технологиялари билан ишлашга йўналтирилган бўлишлари лозим. Уларни тайёрлаб беришни эса ўқи-

тувчиларни илғор тадқиқотларга жалб этмасдан, талабаларнинг бундай ишларда шахсан амалий иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди.

Мазкур вазифаларни етакчи олий ўқув муассасаларининг амалий тадқиқот компетенцияларини тубдан тараққий эттирмасдан ҳал этиб бўлмайди. Олий ўқув муассасалари қисқа вақт ичида компетенциялари ва тадқиқот салоҳиятларини ўстиришлари зарур, сабаби бу уларга иқтисодиётнинг реал сектори компаниялари тадқиқот ишлари аутсорингини амалга оширувчи майдонга, амалий ғоялар ва ишланмалар генератори, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим майдон, давлат бошқарув органлари ва компаниялар учун амалий илмий ва технологик қарорларни нисбатан сифатли ва нуфузли экспертизаси учун манбага айланишини таъминлаб беради.

Олий таълим муассасаларининг фундаментал фан билан барқарор ва кенгайиб бораётган ўзаро ҳамкорлиги, фундаментал ва тадқиқот ишлари сифатининг ошиб бориши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг барча йўналишлари билан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликни ривожлантириш бу каби амалий фаолиятларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур вазифаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларида фундаментал фанларни ривожлантириш билан бир қаторда, олий таълим муассасаларининг амалий тадқиқот базаларини жадал тараққий эттиришга йўналтирилган тадбирлар тизимини ҳам амалга оширомоқда, уларни, биринчи навбатда, реал иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш мақсадларида амалий тадқиқот ишлари қаторига «жойлаштириш» кўзда тутилмоқда.

Биз баён этган тадбирлар тизими асосан техник йўналишдаги олий ўқув муассасалари учун мўлжалланади. Бироқ олий ўқув муассасалари тадқиқот фаолиятини ривожлантириш бўйича бир қатор йўналишлар ўзга ихтисосликдаги таълим муассасалари учун ҳам, айниқса, юқори технологиялар соҳаси учун муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, инновацион йўналишга эга мутахассисларни

тайёрлашни ўрта махсус таълим негизида ҳам шакллантириш мумкин.

Анъанавий собиқ иттифоқ олий мактабида тадқиқот ишлари олий ўқув юртларининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган. Бироқ уни ташкил этиш тамойиллари фарб тадқиқот университетларидаги ишлар амалиётидан тубдан фарқ қилган. Академик фанларнинг университет фанларидан узилиб қолиши туфайли кўпчилик олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун тадқиқот ва инновация фаолияти иккиламчи аҳамиятга эга бўлган, улар учун кам ҳақ тўланган, улар энг аввало, диссертациялар ҳимояси учун йўналтирилган ва уларга таълим жараёни учун муҳим асос сифатида қаралмаган.

Кам сонли университетлардагина академик ва тармоқ институтлари вакиллари бўлган ўриндошлар фаолият кўрсатганлар, улар олий таълим муассасаларига виртуал эмас, балки реал замонавий илмий-тадқиқот вазифаларини кiritганлар.

Давлат иқтисодиёти билан узвий алоқалар (тармоқ олий ўқув юртлари кўпинча мувофиқ тармоқларнинг таркибий қисми ҳисобланган) бир томондан, мувофиқ тадқиқотларнинг долзарблиги ва амалий тавсифини таъминлаб берган бўлса, бошқа томондан — тадқиқот мавзусини тармоқ саноат комплексини ривожлантиришнинг чекланган вазифалари томон йўналтирган.

Айни вақтда бутун дунёда кейинги ўн йил ичида университетларнинг билимлар тўплаш, фойдаланиш ва тарқатишдаги роли кучайиб бормоқда. Глобал тадқиқот университети модели (global research university) анча кенг ёйилди, унинг доирасида университетлар нафақат янги билимларни яратишда, балки уларни тарқатишда ва инновацион фаолият орқали фойдаланишда ҳам фаоллашиб бормоқдалар. Ушбу моделнинг энг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

— талабалар томонидан уларни мувофиқ амалиётга жалб этиш орқали тадқиқот ва инновация фаолиятининг базавий компетенцияларини ўзлаштирилиши;

— республикада мавжуд икки босқичли — «бакалавриат-магистратура» босқичидан иборат олий таълим тизимидан мукамал фойдаланиш, бунда биринчи навбатда, магистратура талабаларидан тадқиқотлар ва ишланмалар учун муҳим «ишчи кучи» сифатида фаол фойдаланиш кўзда тутилади;

— кўп сонли ўқитувчиларни олий таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолиятига нисбатан устувор деб қараладиган тадқиқот ва инновацион фаолиятга реал жалб этиш (модомики, бу жараён нисбатан иқтидорли талабалар иштирокида амалга оширилади);

— университетларни бизнес, жамият, давлатнинг илмий ва технологик башорат қилиш, илғор билимлар билан алмашиш, глобал муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича коммуникация марказларига айлантириш;

— амалий ишланмаларга буюртмалар ҳамда фундаментал кўп босқичли тематика излаш мақсадида иқтисодиётнинг реал секторлари билан ҳамкорлик фойдасига «фундаментал тадқиқотдан амалий ишланмагача» чизиқли моделдан воз кечиш;

— тадқиқотлар ва ишланмаларнинг кўп мақсадлилиги;

— инновацион ишлаб чиқаришларни шакллантириш ва инновацион корхоналарни ташкил этиш;

— халқаро журналларда чоп этиш, байналминал тадқиқот жамоаларини ташкил этишда ўз ифодасини топувчи илмий фаолиятни байналминаллаштириш («фақат илғор фан мавжуд»).

Тадқиқот ва инновация компонентларини сезиларли тарзда кучайтирилиши шунга олиб келдики, айнан тадқиқот университетлари энг катта ютуқларга эришдилар ва қуйидаги вазифалар ечимини топишда юқори самарадорлик кўрсатдилар:

— янги билимларни тўплаш ва инновацион интеллектуал муҳит яратиш;

— тижоратлаштириш кўпроқ эҳтимолийлик ва кечиктирилувчи тавсифга эга бўлганда, ишланмаларни тижоратлаштиришгача бўлган босқичда амалга ошириш;

— илмий-технологик тараққиётни башорат қилиш ва технологик бозорларни тадқиқ этиш;

— замонавий инновацион мавзуларга кўпроқ ёш тадқиқотчиларни жалб этиш;

— жорий этиш зоналарини ташкил этиш ва инновацион корхоналар яратиш;

— ташкилотлар ва корхоналарни консалтинг қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат хизматлари кўрсатишни кегайтириш.

Шундай қилиб, олий ўқув юртларидаги замонавий тадқиқотлар ва инновацион фаолият — бу бюджетдан ташқари

маблағларни жалб этиш имконияти бўлиш билан бир қаторда, олий мактабларнинг энг муҳим мустақил вазифаси, шунингдек, сифатли таълим жараёнининг зарур таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот ва инновацион компонентларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлари фаолиятини тизимли ўзгартиришни талаб этади. Бундай ўзгаришлар олий ўқув юртлари базасидаги тадқиқотлар учун ҳам, таълим бериш жараёнининг мазмуни ва усуллари учун ҳам тааллуқли. Гарчи дастлаб, жиддий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш профессор-ўқитувчилар ва баъзи аспирантлар (докторантлар)дан иборат таркибдан ташкил топган тор гуруҳнинг ваколатида бўлса, эндиликда эса улар барча ўқитувчилар иш фаолиятининг реал қисми бўлиши лозим.

Ҳозирги шароитларда ишлаб чиқариш технологияларининг жуда ҳам батафсил деталлаштирилган тарзда ўқитилиши ҳеч бир мазмун касб этмайди, сабаби уларнинг мунтазам янгилашиб туриши профессионал циклга эга бир қатор анъанавий фанларни кам самарали қилиб қўяди. Бунда умумий академик билимларни янада чуқурроқ ўзлаштиришнинг анъанавий нуқтаи назаридан таълимнинг фундаменталлигини ошириш ҳам вазиятни ўзгартирмайди, сабаби бу талабаларга технологияларни ўзлаштириш ва янгилаш усулларини эгаллаш имкониятини бермайди.

Шунга боғлиқ равишда, талабаларнинг амалий тадқиқотларда иштирок этиш роли ошади, улар эса қуйидагиларни таъминлайди:

— ишлаб чиқариш ва тармоқ технологияларини янгилаш усулларини ўзлаштириш;

— ўз келгуси касбий фаолиятини динамик ҳолатда «кўра олиш», фундаментал билимларни ўзлаштириш аҳамиятини тушуниб етиш;

— интенсив амалий фаолият тажрибасига эга бўлиш (тадқиқотлар бевосита ишлаб чиқаришда ўтказилган тақдирда);

— бўлғуси касбий фаолият, оладиган таълим йўналишларини аниқлаб олиш;

— (илмий) маълумотлар билан янада диққатлироқ, мақсадли ва мотивли тарзда ишлаш.

Этакчи ўзбек ва хорижий тадқиқот институтлари тажрибаси Ўзбекистон олий ўқув юртларининг қуйидаги соҳалар

бўйича тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш йўналишларини аниқлаб олиш имкониятини таъминлаб беради:

— илмий тадқиқотларни ва бошқарув тизимини ташкил этиш, кадрлар сиёсати;

— реал сектор билан фанлар академияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, таълим жараёни.

Ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги ўзгаришлар тадқиқотлар ва ишланмалар учун жавоб берадиган блокларни, интеллектуал мулкни муҳофаза қилишни кучайтиришни ўз ичига олиши керак. Ҳар бир университет (институт)да Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 916-сонли қарорида келтирилган талабларга мувофиқ инновация инфратузилмаси шакллантирилиши лозим¹. Олий ўқув юртлари бошқарув органларига қатъий тарзда ваколатлари рўйхати аниқ белгилаб берилган фанлар академиялари ва бизнес вакиллари ҳам киритилиши лозим.

Олий ўқув юртларининг (ОЎЮ) ихтисослашуви ва фрагментлашувини кучайтириш бўйича эмас, балки ташкилий бирликларни йириклаштириш учун қадамлар ташлаш керак, бу эса фанлараро тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим. Олий ўқув юртларини ривожлантириш ва ўзгартишлар киритиш дастури асосини илмий тадқиқот ишлари ва таълим дастурларининг ташқи (шу жумладан, халқаро) экспертизаси, бошқарув сифатини сертификатлаш ва халқаро стандартлаштириш эгаллаши лозим.

Кадрлар сиёсати соҳасида ўзбек олий ўқув юртлари шуни тан олишлари лозимки, тадқиқот ишлари билан шуғулланмайдиган ва реал ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиш тажрибасига эга бўлмаган ўқитувчилар гарчи уларга катта иш ҳақи тўланса-да, илғор тадқиқотларни амалга оширмайдилар. Кадрлар сиёсати асосига нисбатан маҳсулдор ишлайдиган олимларни мақсадли қўллаб-қувватлаш, вакант

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 15 июль 2008 й. №ПҚ-916.

лавозимларни тўлдириш учун ҳақиқий «конкурс»лар ўтказиш, аниқ тадқиқот натижаларини рағбатлантириш тамойилларини киритиш лозим. Бу ишларни олий ўқув юртларининг тадқиқот ишлари ўтказиш учун алоҳида шартномалари доирасида ҳам, шунингдек, профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича иш ҳақининг янада кучлироқ табақалаштирилишини назарда тутувчи янги тизимини жорий этиш доирасида ҳам амалга ошириш керак.

Кадрларни ёшартириш ва янгилаш учун ёш тадқиқотчилар ва ўқитувчилар илмий фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастур яратишни мўлжаллаш лозим. Етакчи университетлар ўз ишларига энг яхши жаҳон мутахассисларини жалб этиш мақсадида олимларнинг халқаро кадрлар бозорига чиқиши талаб этилади. Талабалар тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва илмий боқариш тажрибасини янгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

«Инбридинг» — ишга ўз битирувчиларини жалб этиш аънасини бартараф этиш керак. Бундай амалиётдан бу битирувчилар бошқа олий ўқув юртларида, илмий марказларда ва корхоналарда иш тажрибасига эга бўлган ва илмий даража олганларида кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Буларнинг барчасини олий ўқув юртлари ижтимоий ташкилоти — Олий ўқув юрти битирувчилари уюшмаси орқали амалга ошириш лозим.

Университет (институт)ларнинг реал иқтисодиёт секторлари ва фанлар академияси билан ўзаро ҳамкорлик қилиши соҳасида Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлари фан ва иқтисодиёт билан ўзаро фойдали, бозор иқтисодиётига монанд бўлган алоқалар ўрнатиш йўлини топишлари шарт. Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастурларида ушбу корхоналарни кадрлар билан таъминлашга нисбатан «олий ўқув юртлари-корхона» тизимидаги инновацион компонентга эътиборни кучайтириш лозим.

Корхоналар билан алоқалар таълим жараёнининг ўзига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин, бу корхоналарда олий ўқув юртлари базавий кафедралари ва тадқиқот лабораторияларини тузиш, амалиёт ва лойиҳа ўқув лабораториялари учун жойлар ташкил этиш, махсус курсларни олиб бориш учун ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассисларини таклиф этиш

ва олий ўқув юрти ўқитувчиларини ишлаб чиқаришда стажировка ўтишини таъминлаш, талабалар учун ҳам, корхона ходимлари учун ҳам махсус ўқув дастурларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш каби механизмлар орқали амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида корхоналар ходимлари малакасини оширишни таъминлаб берувчи қўшимча касбий таълим сектори ривожлантирилиши лозим.

Ҳамкорлик қўшма тадқиқот лойиҳалари доирасида, фан ва технологиялар тараққиётини башорат қилиш жараёнида ва тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришда амалга оширилиши мумкин. Олий ўқув юртлари таркибида технологик тараққиёт, илмий-техник башорат соҳасига оид тадқиқотлар билан бевосита шуғулланувчи гуруҳлар ташкил этилиши лозим бўлиб, улар иқтисодиёт тармоқларининг корхона ва ташкилотлари учун ресурс марказлари бўлиб хизмат қиладилар, консалтинг ва таҳлилий фаолият билан шуғулланадилар.

Академик институтлар ва саноат корхоналари билан ҳамкорликда ОЎЮ тадқиқот инфратузилмаларини, шу жумладан жамоавий фойдаланиш марказлари, таълим ва билим ресурслари базасини, кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришлари талаб этилади. ОЎЮ билан бизнеснинг ҳамкорлик қилиш истиқболлари маълум даражада мақсадли капитал фондлари механизмини ҳаракатга келтиради, бунда асосий эътибор кўпроқ ОЎЮ тадқиқот инфратузилмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Олий ўқув муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизация қилиш ва технологик ривожлантириш бўйича етита устувор йўналишларини амалга оширишга уларнинг қўшадиган улушини мунтазам баҳосини кутиш мумкин (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.08.2006 й. 436-сонли қарорида белгилаб берилган) бўлиб, улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси тадқиқотлар йўналишлари (фундаментал, амалий, инновацион) бўйича илмий ишлар конкурсини эълон қилади.

Таълим жараёнини модернизация қилиш соҳасида таълим, тадқиқотлар, ишланмалар, янгиликларнинг реал ин-

теграцияси асосий мўлжал бўлиши керак. Бунинг учун ўқув дастурларини жиддий тарзда қайта кўриб чиқиш, таълимнинг лойиҳавий шакллари кучайтириш, амалиётнинг янги шакллари жорий этиш лозим.

Университетлар олий ўқув юртлирида дарс беришга ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилишга фанлар академияси вакиллари билан бир қаторда ишлаб чиқариш сектори мутахассисларини ҳам кўпроқ жалб этиш лозим. Янги таълим стандартлари асосида яратилган ўқув дастурлари базавий тадқиқот компетенцияларини шакллантиришга, технологияларга тадбиркорлик нуқтаи назаридан қарашларни юзага келтиришга йўналтириш лозим.

Умумий фойдаланиладиган замонавий илмий кутубхоналар, шу жумладан ўзида маҳаллий ва хорижий илмий ва даврий нашрларни жамлаган электрон кутубхоналарни яратиш ва бойитиш зарур.

Аспирантурани тубдан ўзгартириш лозим. Европа университетлари изидан ва улар билан интеграциялашиш натижасида Ўзбекистон ОЎЮ юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб берувчи замонавий марказларни яратишни, янги авлод олимларини шакллантиришни ва энг яхши академик анъаналарни узатиш ва илмий этикани бойитишни талаб этади.

ОЎЮнинг умумий таълим тизими билан ҳамкорлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу жиҳатдан «икки тарафлама очик» тадқиқот компетенцияларини таъминлаш бўйича алоқаларни йўлга қўйиш талаб этилади, ўқувчилар оладиган билимлари даражасидан қатъи назар бунга эга бўлишлари лозим. ОЎЮ томонидан турли предметлар бўйича мактаб ўқувчиларини масофадан туриб ўқитиш айниқса мақтовга лойиқ, шунингдек, мавсумий мактаблар, олимпиадалар ва ўқувчиларнинг илмий-амалий конференцияларини ташкил этиш тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси бўлғуси талабаларнинг касб танлашлари учун етарли замин тайёрлаб бериш билан бир қаторда мактаб курсисидан бошлаб илғор фанлар учун баъзи тадқиқот компетенцияларни қарор топтиришга, тадқиқот ишларига қизиқиш уйғотишга ёрдам беради.

Мазмуни «фан, бизнес ва давлат ҳамкорлиги» механизмини яратишдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси

инновацион стратегияси олий тоифали ёш мутахассисларнинг узлуксиз келиб туришини талаб этади. Шунга боғлиқ ҳолда, ўрта махсус таълим тизими доирасида инновацион йўналишга эга мутахассисларни тайёрлаш бўйича мақсадли ишларни бажариш муаммоси юзага келмоқда. Битирувчининг вазифаси — тайёр гоёларни амалий фаолият соҳасига жорий этишни таъминлашдан иборат. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 17-июлдаги 916-сонли қарорида, шунингдек, «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида белгилаб берилган инновация фаолияти бўйича тадбирлар тизимига тўлиқ мувофиқ келади, бироқ шундай бўлса-да, бизнинг фикримизча, инновация фаолияти бўйича Ўзбекистон қонунларининг юзага келиши билан уларга ўзгартишлар киритиш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги тезкор суръатларда янги «Инновацияларни бошқариш» йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш керак. Шунга боғлиқ ҳолда, ихтисослашган ўқув юртлиари инновацион тадбиркорлик битирув бўлимларини очишлари ва бўлғуси талабалар учун махсус режаларни тузиб беришлари зарур. Махсус ўрта таълим касб-ҳунар ўқув муассасалари мамлакатнинг «инновацион менежмент» ва «инновацион ресурсларни бошқариш» мутахассислиги бўйича таълим йўлга қўйилган университет ва институтлар билан интеграциялашуви зарур.

Ушбу ихтисосликни танлаган талабалар иқтисодиёт, маркетинг, ҳуқуқий тартибга солиш асослари фанларини ҳам ўрганадилар, шунингдек, психологик тренингларда иштирок этадилар. Улардан, шунингдек, интеллектуал мулкни баҳолаш, у ёки бу соҳадаги технологик тараққиётни башорат қилиш, иш юзасидан ҳамкорларни излаш ва улар билан алоқа ўрнатиш қобилиятига эга бўлиш, хорижий тилларни яхши билиш талаб этилади.

Бу айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида таъкидланган қарорига мувофиқ ҳар йили ўтказиладиган «апрел» инновациялар ярмаркаси учун айниқса муҳим.

Шу билан бир қаторда, интеллектуал хизматлар бозори учун янги авлод мутахассисларини тайёрлаб беришнинг ўзи

етарли эмас. Ўрта махсус таълим муассасаларида яратилган ҳар бир инновацион лойиҳа тугалланган вазифа сифатида ташкил этилиши, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юрти битирувчиси эса нафақат етарли билимлар ҳажмига эга бўлиши, балки унинг иш тажрибаси ҳам етарли бўлиши керак. Мана шунинг учун ҳам мазкур ўқув муассасаларида ёш мутахассисларни инновацияларни бошқариш соҳасига оид лойиҳаларни амалиётда қўллай олишга ўргатадиган инновацион марказлар ишлаб туриши лозим.

Илмий изланишлар, ижодий фантазиялар муҳитига жалб этиш талабаларда илмий ғояларни муваффақиятли инновацион лойиҳаларга айлантириш қобилиятини намоён этиш билан чекланиб қолмай, балки «инноватика» билан боғлиқ мураккаб муаммоларни ҳал этиш усуллари ва ғоялари тўғрисида ташаббускор таклифлар киритиш қобиятини ҳам шакллантиришга ёрдам беради.

Ўрта махсус таълим муассасаларига инновация марказларини инновацион иқтисодиёт ячейкаси сифатида қараш лозим. Унинг таркибига ижтимоий тадқиқотлар; бозорни маркетинг тадқиқоти ва таҳлили; дайджест, психологик тренинглар ўтказиш; реклама сиёсати; инновация лойиҳаларини бизнес — таҳлил қилиш; бизнес инкубаторларни (тайёр бизнес) тайёрлаш ва сотиш бўлимларини киритиш лозим.

ХУЛОСА

XXI асрнинг бошларидан билим ва технология иқтисодий ўсиш суръатлари учун курашда энг қудратли рақобат қуролига ва миллий иқтисодиётнинг ички резервларидан бирига айланиб бормоқда. Инновацион технологиялар ҳисобидан янгидан юзага келаётган маҳсулотлар бозорнинг кенгайишига сабаб бўлмоқда, ўртача тармоқ кўрсаткичларидан, умуман иқтисодиёт учун хос бўлган фойда меъёридан ошувчи фойдани шакллантиришни таъминлаб бормоқда.

Инновациялар таъсирида янги тармоқлар юзага келмоқда ва баъзилари йўқолиб кетмоқда, фан сифими юқори ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик хизматлари улуши ортиб бормоқда, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва харидор-гирлиги таъминланмоқда, жамиятнинг иқтисодий тузилмаси ўзгариб бормоқда. Инновация фаолиятини жадаллаштирмасдан иқтисодиётнинг тараққиётига эришиб бўлмайди.

Шу билан бир вақтда, XXI асрда инновацияларнинг мазмуни ҳам ўзгармоқда. Йигирманчи асрда инновация фаолиятининг вертикал интеграция модели асосида ривожланиш концепцияси етакчи бўлган эди, бунда кўпроқ компанияларнинг рақобат устунлигига янги маҳсулотларни яратишда фойдаланилган технологияларни ишлаб чиқувчи йирик илмий-тадқиқот лабораториялари ҳисобидан эришилган.

Бироқ XX асрнинг охирларида таркибий ўзгаришлар юз берди: илмий-тадқиқот ишларида банд ходимларнинг ҳаракатчанлиги, венчур капиталдан фойдаланиш имкониятлари ошди. Айнан мана шу охирги иборага ўқувчилар диққатини жалб этмоқчи эдик. «Маъқулланган хатар» тушунчасини ўз ичига олган венчур капитали молиялаштирилаётган корхона таназзулга учраган тақдирдаги йўқотишларга инвесторлар ихтиёрий равишда рози бўлишларини, бироқ муваффақият қозонилган тақдирда эса уларнинг катта миқдордаги фойда улушига эгалик қилишларини англатади.

Венчур капитали бозорининг юзага келиши, фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг объектив сабаблари иқтисо-

диётнинг реал ва молиявий секторларида инновация жараёнларининг ривожланиш қонуниятлари ва фаолиятдаги капиталнинг айлама ҳаракати қонунлари ҳисобланади, бунда иқтисодиётнинг реал секторлари инновация соҳасида молиявий капиталга инновацион фаол талаб юзага келади, айти вақтда молиявий секторда эса бу талабни қондиришга тайёр бўлган турли шаклда жамғарилган бўш молиявий капиталлар мавжуд бўлади.

Хорижий ва маҳаллий инновацион тараққиёт тажрибасини умумий тарзда тавсифлаган ҳолда, шуни таъкидаш жоизки, давлат томонидан инновация жараёнига етарли даражада катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, **давлат миллий инновацион тизимларни яратишнинг бош ташаббускори ҳисобланади ва уларни ривожлантириш учун молиявий, моддий ва бошқа ресурслар билан таъминлайди.** Бунда фундаментал тадқиқотлар, асосан, давлат бюджети ҳисобидан, амалий тадқиқотлар эса — бюджет иштирокида ва нодавлат маблағлардан молиялаштирилади. Ишлаб чиқаришга илмий тадқиқотлар натижаларини жорий этиш, одатда, нодавлат сектор ҳисобидан таъминланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор механизмлари инновация фаолиятини рағбатлантириш учун етарли кучга эга эмас, миллий инновация тизимларини динамик ривожлантиришни етарли даражада таъминлаб бера олмайди. Шунга боғлиқ равишда, давлатнинг тартибга солувчилик ролининг аҳамияти ошиб бормоқда. Давлат солиқ имтиёзлари, жадаллаштирилган амортизация, ускуналар лизинги, биноларни ижарага олишда имтиёзлар тақдим этиш, капитал фойдаси учун солиқ ставкасининг камайтирилиши каби тадбирлар инвестиция ресурсларини инновацион тараққиётнинг устувор йўналишларига қаратилишини таъминлайди, фирмаларнинг инновация фаоллигини рағбатлантиради. Давлат кафолатлари, имтиёзли шартларда қарзлар бериш, кафолатлар каби молиялаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда кичик инновацион тадбиркорликка ёрдам кўрсатади. Инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича энг муҳим давлат тадбирлари: инновация учун мукофот ажратиш; даромад келтирадиган давлат буюртмалари; давлат тад-

қиқот марказлари ва университетларини молиялаштириш; саноат билан давлат томонидан молиялаштириладиган давлат тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик шаклини ифода этувчи инновацион марказлар ва технологик паркларни яратишдан иборат.

Хорижий мамлакатларда ўтказилаётган инновация сиёсатининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, турли мамлакатлардаги инновация тизимлари бир қатор умумий ва шунингдек, фарқ қилувчи хусусиятларга эга экан, улар энг аввало иқтисодиётининг ўзига хос томонлари билан белгиланади. Ўзбекистонда шаклланаётган миллий инновация тизими ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, умуман оладиган бўлсак, агар ривожланган мамлакатлар учун илмий тадқиқотларни молиялаштиришда тижорат тузилмалари етакчилик қилса (66—75%), республикамиз шароитларида уларнинг улуши анча кам. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидан инновация фаолиятининг тармоқ таркиби бўйича тубдан фарқ қилади. Агар ривожланган мамлакатларда юқори инновацион фаоллик юқори технологиялар секторида кузатилаётган бўлса, Ўзбекистонда эса ишлаб чиқарувчи саноатда инновациялар тарқалиши энди бошланмоқда. Мамлакат техник даражасининг ва фан сифими юқори маҳсулотлар жаҳон бозорида иштирок этиш даражасининг пастлиги билан тавсифланади, таққослаш учун эътибор қаратайлик: фан сифими юқори маҳсулотлар улуши Европа Иттифоқи мамлакатларида 35%, АҚШ — 25%, Япония — 11%, Сингапур — 7%, Жанубий Корея — 4%, Хитой — 2%, Россияда 0,3—0,5%ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 4-технологик уклад позицияларини мустаҳкамлаш (уклад ядроси: автомобил, тракторсозлик, рангли металлургия, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ишлаб чиқариш, синтетик материаллар, органик кимё, нефть ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, ички ёнув двигателлари, нефть кимёси) ва 5-технологик укладни қарор топтириш (уклад ядроси: электроника саноати, ҳисоблаш, оптик-толали техника, дастурий таъминот, телекоммуникациялар, роботсозлик, газ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, ахборот хизматлари) бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ривожланган мамлакатлардан ўзининг қулай инновация муҳити, ривожланган бозор институтлари, замонавий фан билан янги технологиялар ўртасидаги алоқанинг юқори даражаси билан тавсифланадиган иқтисодий инновация муҳити билан тубдан фарқ қилади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозирги вақтда, мамлакатда инновацион бизнеснинг энг муҳим муаммоларидан бири сифатида ахборотларнинг етишмаслигини қайд этиш мумкин. Маҳаллий инновациялар бозори деярли очиқ эмас: унинг асосий иштирокчилари ҳам, ишлаш қоидалари ҳам аниқ эмас.

Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион йўлига ўтиши давлат томонидан ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш билан бирга кечаётганини таҳлиллар кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи назардан муаллифлар жамоаси қуйидагиларни кўзда тутувчи «Инновациялар тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

— бизнинг рақобат имкониятларимиз сақланиб қолган муҳим аҳамиятга эга ишланмаларнинг мавжуд бўлишини;

— аҳамиятли мультипликатив самара берадиган ва аралаш тармоқларда модернизация қилиш катализатори бўлиб хизмат қиладиган иқтисодиёт тармоқларини;

— инновацияларни молиялаштириш, шу жумладан, махсус фондлар орқали молиялаштириш тизимини;

— инновация лойиҳалари ишлаб чиқадиغان ва жорий этадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун рағбатлар ва имтиёзларни;

— ижтимоий фойда келтириш, инсонлар учун муҳим аҳамият касб этиш.

Стратегик инновациялар яратилишини фақат илмий ташкилотлар томонидан эмас, балки стратегик маҳсулотлар даражасидаги йирик саноат корхоналари томонидан ҳам ташкил этилишини йўлга қўйиш лозим. Ўзбекистон рақобатдош бўла оладиган илғор технологияларда бизнеснинг иштирок этмаслигининг иложи йўқ. Бизнес-уюшмалар фан ва инновацияларни ривожлантириш йўналишларини белгилаб олишда иштирок этишлари ва ўз қарашларини шакллантиришлари лозим. Ҳеч бир шубҳа йўқки, **хом ашёга асосланган тараққиёт модели республика миллий манфаатларига**

жавоб бера олмаслиги билан бир қаторда, замонавий жаҳон анъаналарига ҳам мувофиқ келмайди. Шунинг учун ҳам миллий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини юқори ва динамик ўсиб бораётган унумдорликка эришишни таъминлаб берувчи халқаро даражалардаги юқори технологик рақобатбардош тармоқларда Ўзбекистоннинг муваффақияти имкониятларини излашга қаратиш лозим.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги инновация фаолияти ҳолатининг таҳлил қилиниши мамлакатдаги инновация фаолияти хусусиятларини яхшироқ тушунишга, инновация муҳитини баҳолашга, давлат инновация сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, шунингдек, олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун талаб этиладиган тадқиқотларнинг истиқбол йўналишларини белгилаб олишга ёрдам беради. Иқтисодийнинг турли тармоқларини инновацион тараққиёт йўлига ўтишини жадаллаштириш ва енгиллаштириш учун, биринчи навбатда, инновация салоҳиятини шакллантириш, венчур бизнесни ривожлантириш, янгиликларни тижоратлаштириш, инновацион маданият масалалари, инновациялар хавфсизлиги, тижорат ИТИ ва ТКИ амалга ошириш мақсадида нодавлат фирма ва корхоналари тармоқларини ривожлантириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Айни вақтда, халқаро илмий-техник ҳамкорлик бўйича жаҳон амалиёти Европа Иттифоқи, Халқаро савдо ташкилоти мисолида турли мамлакатларда инновация фаолиятини жадаллаштиришга йўналтирилган халқаро илмий-техник ҳамкорликнинг муҳимлигини ва истиқболи порлоқ эканини кўрсатмоқда. Келажакда шундай давр келадигани, бунда иқтисодий ривожланиш двигателлари сифатидаги инновациялар рақобатдош (харажатларнинг мислсиз даражада юқорилиги, инновацияларнинг мураккаблиги ва тизимлилиги, баъзи мамлакатларда ресурсларнинг танқислиги ва бошқа омиллар туфайли) янгиликлар яратувчилар ўртасида эмас, балки уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, билимлар, тажриба, ресурсларни бирлаштириши асосида яратилиши ҳам мумкин.

Муаллифлар жамоаси улар томонидан кўрсатилган муаммолар ўзининг якуний ечимидан ҳозирча узоқ эканини, улар кўпроқ мунозаралар тавсифига эга экани ва турли соҳалар-

га оид, шу қаторда, хорижий мутахассисларни ҳам жалб этган ҳолда уларни янада чуқурроқ ишлаб чиқишни талаб этишини тан оладилар. Муаллифлар жамоаси ушбу китобни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20-йиллигига бағишлайди. Биз уни қай тарзда тугатиш ҳақида кўп ўйладик. Бироқ шуни ишонч билан айтиш керакки, иқтисодий тизимнинг самарали фаолияти учун унинг барча агентларининг ўзаро ҳамкорлиги зарур. Мотивациянинг турли-туманлигига қарамай, инвесторлар, ишлаб чиқарувчилар, олимлар, бизнес-ҳамжамиятлари, аҳоли ва давлат ҳукумат органлари ягона бир тушунча ва мақсадга эга бўлишлари лозим, яъни — **Эскининг кетидан қувмай, балки келажакни яратиш лозим.**

Шундан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиб Президенти-миз И.А. Каримовнинг жуда ҳам ҳаққоний ва ишончли сўзларини: «Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади»¹, қайта-қайта такрорлаш жоиз.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — 6-бет.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
-------------	---

I боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири

1.1. Жаҳон инқирози шароитларида миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги даъватлари	11
1.2. Жаҳон инқирози сабоқлари: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг салбий таъсирларини бартараф этишнинг ўзбек модели	23
1.3. Инқирозга қарши дастурларнинг самарадорлиги ва инқироздан кейинги тараққиёт устуворликлари	33
1.4. Жаҳон молиявий инқирози шароитида ижтимоий сиёсат	49

II боб. Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланиш моделига мослашувининг методологик асослари

2.1. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг инновация концепциялари	59
2.2. Ўзбекистонда инновация тизимини шакллантиришда давлатнинг роли	81
2.3. Тармоқлараро муносабатлардаги муаммолар ва Ўзбекистонда инновация кластерлари ва тизимларининг шаклланиши	95

III боб. Миллий иқтисодиёт инновация салоҳиятини ривожлантиришнинг институционал асослари

3.1. Миллий иқтисодиётнинг инновация салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш таҳлилига институционал ёндашув	115
3.2. Тадбиркорликнинг инновацион функцияси: назарий ва методологик масалалар	128

3.3. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятида инновация жараёнларини ташкил этишнинг иқтисодий механизми	147
3.4. Миллий инновация тизими салоҳияти самарадорлигини баҳолаш усуллари	164

IV боб. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни инвестиция билан таъминлаш муаммолари

4.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновация жараёнларини инвестициялаш	176
4.2. Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг таркибий омиллари	194
4.3. Инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий инвесторларнинг инновация фаоллигини ошириш	215
4.4. Ўзбекистон ҳудудларини инновацион инвестициялашнинг ўзига хос жиҳатлари	230

V боб. Инвестиция-инновация салоҳиятини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш

5.1. Инновация-инвестиция жараёнини тартибга солишнинг пул-кредит механизми	247
5.2. Инновация фаолиятини жадаллаштириш шароитида нарх шаклланишини тартибга солиш	263
5.3. Инновация жараёнларига солиқ механизмнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш	278

VI боб. Миллий инновация тизимининг жаҳон илмий-технологик маҳсулотлари бозорига интеграциялашуви муаммолари

6.1. Республика инновация салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва инновация соҳасида интеграция жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари	292
6.2. Инновация соҳасида халқаро иқтисодий интеграциянинг институционал асослари	307
6.3. Технологиялар трансфертининг инновацион жиҳатлари ва унинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга таъсири	326

**VII боб. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини
ошириш шароитида инновация фаолиятининг
ижтимоий омиллари**

7.1. Бандликнинг инновацион тури методологияси ва замонавий таълим жараёни модели	340
7.2. Аҳоли сифати ўсиши инновация фаолиятининг асоси сифатида	353
7.3. Инновацион тараққиёт йўлига ўтишда меҳнат бозори	367
7.4. Ўзбекистонда инновация фаолияти учун кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари	387
Хулоса	399

65.9(5Ў)

Ў17

Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш / ЎзФА, Иқтисодиёт ин-ти; А.Ф. Расулевнинг таҳрири остида. — Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. — 408 б.

ББК 65.9(5Ў)-53

**ЎЗБЕКИСТОН:
ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ,
ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА МИЛЛИЙ
ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШ**

Муҳаррир *Г. Фуломова*
Компьютерда саҳифаловчи *И. Портенко*
Рассом *Е. Сисужева*

Босишга рухсат этилди 7.07.2011 й. Қоғоз бичими 84x108^{1/32}.
TextBook Uzbek гарнитураси. Офсет босма. Босма табоқ 12,75.
Шартли босма табоқ 21,42. Адади 1000 нусха.
8-сонли шартнома.

«KONSAUDITINFORM-NASHR» нашриёти.
100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22.

«NISO POLIGRAF» ШК чоп этилди.
100182, Тошкент ш., Бойқаро кўч., 41.
288-рақамли буюртма.